

---

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

---

## МУНДАРИЖА

### НАСР

ТАРБЕЙ ВЕСОС. <b>Қушлар. Роман</b> .....	3
ПРЕМЧАНД. <b>Фидойи. Роман</b> .....	63

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Гулга кирди тоғ шафтолиси. <i>Корея шеърияти</i> .....	44
ГУЛИСТОН ОМОНОВА. «Мовий оҳу» гуруҳи ижоди.....	55

### СИЁСАТШУНОСЛИК

Демократия нима дегани?.....	131
------------------------------	-----

### МОЗИЙДАН САДОЛАР

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ. Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси....	146
--	-----

### ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

ЭРКИН ЮСУПОВ. Фалсафа — баҳс ва мунозаралар майдони.....	157
--	-----

## АДАБИЙ ТАНҚИД

РАЪНО ИБРОҲИМОВА. **Фантастикада анъана ва адабий таъсир масаласи**..... 164

## САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

ЛОУРЕНС ГРИН. **Кўҳна Африканинг сўнги сирлари**..... 168

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

АНСОРИДДИН ИБРОҲИМОВ. **Покистонда Бобуршунослик**.....206

Бош муҳаррир:  
Озод ШАРАФИДДИНОВ

Таҳрир ҳайъати:  
Мирпўлат Мирзо  
(Бош муҳаррир муовини)  
Файзи Шоҳисмоил  
(масъул котиб)  
Амир Файзулла  
Раҳматилла Иноғомов

Жамоатчилик кенгаши:  
Қуддус Аъзамов  
Одил Ёқубов  
Рисбой Жўраев  
Неъматулла Иброҳимов  
Абдулла Орипов  
Ғайрат Шоумаров  
Рустам Шоғуломов  
Тўлепберген Қайиубергенов  
Баҳром Қурбонов  
Саидахрор Ғуломов  
Пўлат Ҳабибуллаев

Жаҳон адабиёти, 8. 2003.

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Таҳририят манзили:  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Ҳ.ВАЛИЖОНОВА  
Рассом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ  
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА  
Мусаҳҳиҳлар Д.АЛИЕВА, Д.ҚОДИРОВА  
Компьютерда саҳифаловчи Н.ҚОДИРОВА

Теринга берилди 10.06.2003 й. Босишга рухсат этилди 21.07.2003й. Бичими 70x108 1/16.  
Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1500 нусха. К-9971 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Жаҳон адабиёти, 2003 й.

Таръей ВЕСОС

# Қушлар

Роман

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### 1

**О**қшом Маттис осмонга кўз югуртирди. Осмонда булут йўқ эди. Шунда у опаси Хегенинг руҳини кўтариш мақсадида:

– Сен чақмоққа ўхшайсан, – деб қўйди.

Шундай дейишга деди-ю, ўзи сесканиб кетди, аммо осмон мусаффо бўлгани учун, дарров ўзини босиб олди.

– Тўқув симларингни назарда тутяпман, улар чақмоқдай йилт-йилт қилади, – дея изоҳ берди у.

Хеге тўқишни тўхтатмасдан лоқайд бош силкиб қўйди. Қўлларида симлари липилларди. У тўқилиши қийин бўлган саккизга гулбаргли гулни битказаётган эди. Яқин орада бу либос йигитлардан бирининг эгнида ял-ял очилиб туриши турган гап.

– Тушунарли, – деб қўя қолди Хеге.

– Мен сени яхши биламан-да ўзиям, – деди Маттис.

У бир нима ҳақида қаттиқ ўйлай бошласа, бармоғини тиззасида у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа юргиза бошларди. Ҳозир ҳам шу қилигини қилди. Хеге эса ундан бу беўхшов одатини ташлашни сўрайвериб зериккан, энди буни илтимос қилмай қўйганди.

– Сен тўқишни ҳам, ҳар қанақа ишни чақмоқдай адо этасан, – Маттис гапида давом этди.

– Балким, – деди опаси.

Маттис «чақмоқ» деган сўзни такрорлашдек жозибадан ўзини тиёлмасди. Назарида шу сўзни тилга олиши билан хаёллари бошида гужгон ўйнар ва аллақасқларга олиб қочарди. Чақмоқнинг ўзидан эса ўлғудай кўрқар ва ҳатто

*Русчадан  
Миразиз АЪЗАМ  
таржимаси*

XX аср Скандинавия сўз санъати ўрмонидаги энг қудратли дарахт деб таърифланган, норвег адабиётининг атокли намояндаси Таръей Весос (1897-1970) ўнларча романлари, қисса ва ҳикоялари ҳамда драмалари, шеърлари, публицистик асарлари билан шуҳрат қозонган. «Инсон фарзанди» (1923), «Қора отлар» (1928), «Ота саёҳати» (1930), «Катта ўйин» (1934), «Аёл кишига уй керак» (1935), «Юрак Ватани унутмайди» (1938), «Ниҳол» (1940), «Қушлар» (1957) каби романлари ва бошқа асарлари 12 тилга, жумладан, инглиз, француз, немис, рус тилларига ҳам таржима қилинган.

Шахсан камина – таржимонни бу ёзувчининг ижодиётига жалб қилган нарсаси даставвал ундаги шарқ адабиётига хос шоирона тил ва покиза руҳият олами бўлди. Қолаверса, теран руҳий таҳлиллар, ички монологлар, ўрни-ўрнида келган нозик юмор, тагдор жумлаларга бойлиги ҳам ҳеч бир одамни бефарқ қолдирмайди. Ҳатто айтиш мумкинки, кимда-ким агар тасодифан Весоснинг биргина ҳикоясини ўқиб қолса, унда бу ёзувчининг бутун ижодиёти билан танишиш иштиёқи уйғонади.

ёз ойларида ҳам ҳаво булутланиб қолса, бу сўзни тилга олмасди. Аммо бутунги оқшом сокин ва ҳаво очиқ эди. Баҳорда икки маротаба қулоқни қоматта келтирувчи момақалдиरोқли ёғин бўлди. Одатда, Маттис момақалдиरोқ жуда қаттиқ гулдираганда кичкина ёғоч халажойга бекиниб оларди, чунки болалигида бундай каталак уйчаларда чақмоқ урмайди, деб эшитганди. Бу бутун дунёга ҳам тааллуқлими-йўқми, Маттис билмасди, лекин, унинг бахтига, у яшаётган ўлкаларда бу қонун ҳозирча ҳукмрон эди.

– Ҳа-ҳа, чақмоқдай, – дея гўлдиради Хегега гапираётгандай бўлиб. Айни дамда опаси унинг тўсатдан айтган мақтовларини эшитадиган ҳолда эмасди.

Аммо Маттис ҳали гапини тутатмаган эди.

– Айтмоқчиманки, фикрлашинг ҳам чақмоқдай.

Хеге, укаси ҳозир бир ножўя гапни айтиб юборишидан хавфсирагандай:

– Бўлди қил, бутунга етар, – деди совуққина, рўйхуш бермай.

– Бирон нима бўлдимми? – деб сўради Маттис.

– Ҳеч нима бўлгани йўқ. Жим ўтир.

Хеге тили учуда турган гапини ичига ютди. Укасининг овсарлиги уни эзарди, айниқса, «фикрлаш» деган сўзини эшитганда дили эзилиб, руҳи тушиб кетарди.

Маттис опасининг қўнгли чўкканини сезди, аммо бунини бошқа нарсага йўйди: ўзининг ишламаётганидан хафа деб ўйлади. Ҳамма одамлар каби иш-ламаслиги туфайли ўзининг ҳам виждони азобда эди. У икковига ҳам ёд бўлиб кетган ўша эски нағмасини яна бошлади:

– Сен эртагаёқ менга бирон иш топишинг керак. Сенга умрбод юк бўлолмайман.

– Яхши, – Хеге бўшлиққа қараб жавоб берди.

– Ўзимниям жонимга тегиб кетди. Битта нон ҳам топиб келишга ярамайман. Қачондан бери...

– Ҳа, анчадан бери ҳеч нима топиб-тутиб келганинг йўқ, – деб юборди опаси беихтиёр, бир оз жиддий оҳангда.

Шундай дейишга деди-ю, ўзи афсусланиб қолди, лекин энди кеч эди: у укасининг «ярасига» туз сепиб бўлганди. Маттис бундай танбеҳларга тоқат қилолмас, бу борада гапиришга Маттиснинг ўзидан бўлак ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эди.

– Сен мен билан бунақа муомала қилишинг керак эмас, – деди у гезариб.

Хеге қизариб кетганча бошини қуйи эгди. Маттис давом этди:

– Сен мен билан ҳамма одамлар қатори муомала қилишинг керак.

– Ҳа, ҳа, тўғри.

Хеге бош эгтанча ўтирарди. Нима ҳам қилсин, олдинга қараса, заррача нур йўқ, келажак унинг учун зим-зиё қоронғуликдан иборат эди. Гоҳо у ўзини тутолмай, оқибатда гаплари Маттисга наштаардай ботарди.

## 2

Опа-ука кўҳна уйлариининг бўсағасида қўлбола «эшак»да ўтиришарди. Йоннинг илиқ оқшоми эди. Кундузги иссиқнинг тафтидан сўнг қовжираган оғочлардан билинар-билинмас хуш бўй тараларди.

Аввалига Хеге билан Маттис талай вақтгача жим, бир-бирининг пинжигатикилиб ўтиришганди, чақмоқ ва иш тўғрисидаги дилни хира қилувчи мунозара кейин бўлиб ўтди. Маттис тош қотганча дарахтларнинг учларига қараб турарди. Хеге унинг бундай ўтиришларини кўравериб, парво қилмайдиган бўлиб кетганди. Чунки бундай ўтиришни ман қилишдан фойда чиқмаслигини яхши биларди, акс ҳолда ҳозир унга бирпасда танбеҳ берган бўларди.

Опа-ука ён атрофда бошқа уйлар йўқлиги туфайли, бир чеккадаги уйларида гўё бошқалардан ажралиб қолгандай яшар эдилар. Ўрмон ортидаги йўлдан кетаверишда катта қишлоқ бор эди. Ўрмонга туташ қўл эса олисада жимир-жимир қилар, гўё унинг чек-чегараси йўқдай эди. Маттис ва Хегеларнинг клубаси қўл бўйидаги тепалик ёнбағрида бўлиб, қирғоқда уларнинг қайиғи ва қайиқ турадиган супачалари бор эди. Уй теварагидаги шох-шабба билан

ажратиб олинган ва тозалаб қўйилган ерлар уларга қарашли бўлиб, тўсиқ ортидан у ёғи эса батамом бегона эди.

«Хеге нимани кўраётганимни ҳам билмайди!» – ўйларди ичида Маттис.

Бу ерда улар тўртта – Маттис ва Хеге иккитадан эдилар, Хегенинг эса бундан хабари йўқ. У буни айтишга чоғланарди-ю, аммо оғиз очишга журъат қилолмасди.

Тўсиқ ортидаги арчазорнинг қоқ ўртасида учлари синган бир жуфт куруқ ёввойи терак бир-бирига чирмашган кўйи қад кўтариб турарди. Одамлар уларни «Маттис ва Хеге» дерди, бунинг битга сўздай талаффуз қилинишини Маттис яқинда тасодифан кимдандир эшитиб қолганди. Афтидан, теракларга от қўйилганига кўп вақтлар бўлган чамаси...

Маттиснинг газаби қайнарди, шунинг учун ҳам тераклардан кўзини узолмасди. Ҳар доим эшик олдида ўтиришганда у Хегени бу сирдан воқиф қилмоқчи бўларди-ю, аммо айтиш мумкин эмас, деган хулосага келаверарди. Опасининг аччиғи чиқиши мумкин, чиқса чиқар, аммо тераклар барибир «Маттис ва Хеге» дейилаверади.

Нима бўлганда ҳам, тераклар ҳозирча жойида турибди ва Маттис бунда ўзига нисбатан қандайдир ғамхўрлик аломатини туярди. Лекин бу дарахтлар одама халақит берар, улардан тирноқча ҳам фойда йўқ эди. Ҳар қалай уларнинг эгаси чиқмади, ҳеч ким уларни печкада ёқиш учун Маттиснинг кўз ўнгида кесиб олмади. Агар опа-ука номини ташувчи бу дарахтларни кимдир ҳалок этса, бу ўтакетган шафқатсизлик бўлар эди. Балки шунинг учун ҳам эгаси бу теракларга тегмаса керак.

Шу одамни бир кўрсайдим, ўйларди Маттис. Аммо теракларнинг эгаси бу ерларда қорасини кўрсатмас эди.

Маттис фикрлашда давом этди.

Қизиқ, дарахтларга ҳазиллашиб опа-уканинг номини берган одам нималарни ўйлади экан? Таажжуб. Ёз оқшомлари Маттис эшик олдида ўтириб, нуқул шу ҳақда бош қотирарди. У одам, албатта, эркак киши бўлса керак. Маттис аёлларга нисбатан яхши муносабатда бўлганидан, буни аёллардан кўргиси келмасди. Ҳаммасидан ҳам Хегени қуриган дарахтга тенглаштирганлари унга алам қиларди – Хеге сираям унақа эмас... Бу беш кўлдай кўриниб турган нарса-ку! Хеге жуда ақлли, фаросатли...

Бўлмаса нима учун буни эшитиш унга оғир ботади?

Мен эрталаб ўрнимдан турган заҳотим ва кечқурун ётишдан олдин доим ўша теракларга қарайман, дарвоқе, у тарафга қарашнинг нима кераги бор, билмайман. Буларнинг бари жумбоққа ўхшарди.

– Маттис!

Унинг хаёли бўлинди.

– У ёқда нимани кўриб қолдинг? – сўради Хеге.

Маттис бундай саволларнинг маъносини жуда яхши биларди: иш қидириб ёки биронта юмуш билан бир жойга борганда, одам бўлар-бўлмаста ўзини ўтга-чўққа уравермаслиги керак, бўлмаса, ҳаммага эрмак бўлгани қолади.

У опасининг кўзларига қараганча жим туриб қолди. Қачон қарама, ҳар доим ҳадикли, кушлардек ҳуркак, ғалати кўзлар.

– Ҳеч нимани, – жавоб қайтарди у.

– Шундай бўлсин...

– Қизиқсан-а, – деди у. – Ҳар гал атрофга қараганимда бирон нарсани кўриб қолаверсам, кўзимга сигармиди? Кўзим ҳар турли балоларга тўлиб-тошиб кетмасмиди?

Хеге бош силкиб қўйди, холос. У хаёл дунёсидан чин дунёга қайтгандай бўлди, энди бемалол ишга шўнғиса бўлаверарди. Хеге ҳеч қачон эшик олдида ишсиз ўтирмасди, кўллари жуда моҳир, уста тўқувчи эди ва бу уларнинг тирикчилигига жуда асқатар эди.

Маттис опасининг ишига катта ҳурмат билан қарар, шу ҳунар икковларини боқар, фақат шунинг орқасидан кун кўрардилар. Ўзи ҳеч нима топиб-тутмасди. Ҳеч ким уни ишга олишни хоҳламасди. Одамлар уни Тентаквой деб атар, унинг иш қилганлари эсларига тушганда, роса кулишарди. Маттис иш учун яралмаганди. У қандай ишнинг бошини тутмасин, охири вой. Бу тўғрида

Тентаквой Маттисга атаб меҳнаткаш қишлоқликлар турли латифалар айтиб юришарди.

Тўсатдан миясида бир нима ярқ этди ва у сесканиб тушди.

Нима бу?

Аммо ўша нарса яна тўсатдан ғойиб бўлди-қолди.

Тимсол ва сўз унинг бутун вужудини тилиб ўтди ва ғойиб бўлди — уларнинг ўрнига Маттиснинг олдида девор қад кўтарди.

У опасига ўгринча қараб қўйди. Хеге ҳеч нимани сезмади. Қирқ ёшга бориб қолган опаси нозиккина бўлишига қарамай, саранжом-саришпта, эшик олдида қунишибгина ўтирарди. Агарда укаси миясига урилган сўзларни айтса, Хеге барибир уни тушунмаган бўларди.

Улар ёнма-ён ўтиришаркан, Маттис опасининг силлиқ, тўқ жигарранг сочларига қаради. Тўсатдан у битга, кейин иккита узун-узун кумушранг толани кўриб қолди.

Балки, кўзларим қарчиғай кўзларидай ўткирлашгандир? — ҳайратланиб, ўзидан мамнун ҳолда кўнглидан кечирди. Илпари мен уларни сезмагандим.

— Ғалати-я, Хеге! — дея хитоб қилди у.

Хеге бошини кўтариб, укасининг тетиклигини кўриб қувонди.

— Нима ғалати? — қизиқсиниб сўради у.

— Сочинг оқара бошлабди.

Хегенинг боши эгилди.

— Ҳа, шундай.

— Сочларингта оқ оралаганини ҳозиргина сезиб қолдим. Сен ўзинг билармидинг?

Опаси жавоб бермади.

— Сочларинг эрта оқарибди. Ахир, ёшинг эндигина қирқда бўлса...

У бирдан кимнингдир нигоҳи ўзига қадалганини сезди. Унга Хеге эмас, бошқа биров еб қўйгудай қараб турарди. Хегенинг нигоҳидир балким? Шунда Маттис ўз хатосини тушуниб, кўрқиб кетди, аммо бунчалик ёвқараш нечун? Бор-йўги кўзи ўткирлашибди, холос. Шунга шунчами?

— Хеге.

Ниҳоят опаси бошини кўтарди.

— Хўп, нима дейсан?

Маттис айтмоқчи бўлган гапини шу ондаёқ унутиб қўйди. Опаси ундан кўзларини узди.

— Ҳа, йўқ, ўзим, шунчаки, — деди у. — Тўқийвер.

Опаси кулиб қўйди.

— Хўп, яхши, Маттис.

— Демак, ҳаммаси жойида? — эҳтиёткорлик билан сўради. — Сочларингта оқ тушганини айтганимдан хафамасмисан?

Хеге оққўнгилик билан бошини чайқади.

— Қўявер, сочимга оқ оралаганини ўзим ҳам биламан.

Бу асно унинг ярқироқ симлари бир дам ҳам тўхтагани йўқ. Маттисга улар ўзи ҳаракатланаётгандай туюларди.

— Сен даҳшатли даражада ақллисан, — деди йўл қўйган хатосини тўғри-лаш мақсадида. — Бу дунёдаги энг ақлли одамсан.

Шундан кейин яна ўзини ром этувчи сўзлардан бирини айтди. Эҳ, мунчалар сертикон, хавфли сўзлар қўп-а! У айтиши мумкин бўлмаган, аммо яширинча бўлса ҳам айтиб юборадиган сўзлар! Юракни қитиқлайдиган бу сўзларни айтиш, гарчи анчагина хатарли бўлса ҳам, одамга ҳузур бағишлайди.

— Хеге! Эшитяпсанми, Хеге?

— Ҳа, — деб хўрсинди у. Ортиқ ҳеч нима демади.

Хегега нима бўлди ўзи? Ё мақтовларни ошириб юбордимикин?

— Лекин қаришга ҳали эрта, — опасига эшитилмайдиган қилиб минғирлаб қўйди. — Қизиқ, менинг ҳам сочимга оқ оралаганмикин? Эсимдан чиқмасидан олдин текшириб кўриш керак.

— Ухламайсанми, Маттис?

— Йўқ, мен ҳозир... — У ўзини ойнага солиб қарамоқчилигини айтишдан зўрға тўхтаиб қолди. Кейин уйга кириб кетди.

## 3

Маттис хонага киргандагина бу оқшом ўзгача гўзаллигини билди. Баҳайбат кўл худди ойнадек силлиқ эди. Нариги қирғоқнинг ғарбий дўнгликлари енгилгина туман билан қопланган, бу тепаликлар деярли ҳар доим шу тарзда туманга чулғаниб ётарди. Эрта бошланган ёз иси келди. Уйни тўсиб қўйган қарағайзор ортидаги йўлдан худди одамни эрмак қилаётгандай гувиллаб машиналар ўтарди. Ойдин кеча момақалди роқ бўлмаслигидан далолат эди.

Момақалди роқ гумбураб турганда жалада юриш қанақа бўлишини ўйлади-ю, ўз ўйларидан юраги шув этиб кетди.

Қанийди жалани ёриб ўтса!

Шундай қила олармикин?

Маттис қаршисидаги йиғма диван-каравот олдида хаёл суриб турарди.

У болалиқдан бери қоронғи тушганда ёзиладиган шу диванда ухлар ва бу диванни қаерда учратмасин, албатта, таний олишига ишончи комил эди. Айни чоғда бу ҳолат бутун умр сақланиб қолишини истарди. Диванда Маттиснинг болалиқдаги шўхликлари эвазига орттирилган пакки пичоқнинг излари бор эди. Бўёқланмаган диваннинг ёючларида қалам билан чизиб ташланган ва чала ўчирилган ажи-бужи чизиқлар ҳам бор эди. У вақтлар Маттиснинг кўлига биринчи бора қалам тутқазилганди. Бу чизма ва «тасвир»лар диван кўтарма ёючининг ички тарафида бўлиб, Маттис ҳар кеч ухлаш олдидан талай вақтгача бу ғаройиб чизиқларни ва тушунарсиз тасвирларни кўздан кечириб ўтирарди. Болалиқидан қолган бу ёдгорликлар унга ёқарди, чунки улар ҳар доим қандай бўлса шундайлигича турарди. Ва ҳар доим ўзларига тегишли жойда бўларди. Улардан кўнгли хотиржам эди.

Хеге ёнгинасида, мўъжаз хобхонада ухларди. Маттис хаёл суришдан тўхтаб, опасининг хонаси томон юрди — опа-укага тегишли битта-ю битта ойна ўша ерда эди.

Маттис Хегенинг хонасига кирди. Бу ер топ-тоза, баҳаво ва деярли бўм-бўш эди.

— Ҳм! — деб қўйди у ойнадан ўз аксига қараб туриб.

У анчадан буён ўзини кўзгуга яхшилаб солмаганди. Кирса бирда-ярим соқолини олишга кирарди. Аммо у пайтларда асосий мақсад соқол олиш бўлгани учун, ўзига унча аҳамият бермас, ҳатто юзининг унча-мунча жойлари чала қолиб кетарди.

Ҳозир Маттисни ўз кўриниши қизиқтирмоқда эди.

«Йўқ, йўқ!» — беихтиёр унинг ичидан бир нидо отилиб чиқди.

— Қарашга арзигулик жойим бор эканми? — гўлдиради у.

— Юзим озғин, — деди яна.

— Ёноқларим ботиқ.

— Соқолларим диккайган.

Одамни беҳузур қиладиган афт-ангор.

— Аммо, ҳар қалай, нимадир бор, — деди у, ўзини ўрганишда давом этаркан, шоша-пиша. Кўзгу хирагина эди, одамни аслидагидай тўғри акс эттирмасди, аммо Маттис ва Хеге аллақачон бунга кўникиб кетишганди.

Маттис шу заҳоти бу мўъжаз ва қизларга хос ораста хобхонада гўё сеҳрлангандек тош қоғиб, бошқа нарсага тўғрисида хаёл сура кетди.

Мен ойнага қиз боладай қараяпман, ўйлади у ва бу хаёли ўзига хуш ёқди. Мана шу хира кўзгу олдида қанча қизлар ўзларига оро бермаганлар, қайта-қайта ечиниб-кийинмаганлар.

У бир-бирдан гўзал манзараларни кўз олдида келтирарди ва бу манзаралар шунчалик жозибали эдики...

Бўлди, энди қизлар ҳақида ўйлайман.

Лекин дарҳол ўзини кўлга олди.

Йўқ, ҳафтанинг ўртасида қизларни ўйлаш яхши эмас. Келишмаган қилиқ. Ҳеч ким бундай қилмайди.

У иккиланиб қолди.

Лекин барибир гоҳо уларни ўйлайман-ку, иқроор бўлди у.

Фақат буни ҳеч ким билмаслиги шарт.

У ойнадаги аксига қаради. Кўзларини кўрди, уларда қайсарлик бор эди. Йўқ, қизларни ўйлайвераман, фақат буни ҳеч кимга айтмайман.

Модомики, мен шунақа эканман...

У ойнада яна ўз нигоҳини учратди — катта-катта очилган кўзлари қандайдир тушуниб бўлмайдиган умидларга тўла эди.

Нима бу?

Йўқ, йўқ, деди ичида нимадир, ҳеч гапдан-ҳеч гап йўқ ҳайрат билан. Модомики, мен шунақа эканман... — одамларнинг бесабабдан бесабаб, ҳозир уни ҳаяжонга солган, аммо аҳамияти оз, арзимаган нарса муносабати билан ўзи ҳақда шундай деб юбориши учраб турадиган ҳодиса.

— Қарашга арзиғулик жойим бор эканми? — деди у овоз чиқариб.

Ҳафтанинг ўртасида ўйлаш номақбул бўлган, аммо уни ўз комига тортаётган бу ўй-хаёллардан ўзини тортиши керак эди.

Кўзгу ичидаги юз ўйчан ва озгин, аини чоғда рангпар эди. Аммо кўзлар жозибали, оханрабодай ўзига тортарди.

У бу юзга:

— Сен қасдан келиб қолдинг? Нега келдинг? — дегиси келарди.

Маттис бундай саволга жавоб кутмасди.

Аммо кўзгу ичидан қараб турган бу кўзларда, ўзига тегишли бўлмаган, туну кун жовдираб турадиган бир жуфт ҳамроҳ кўзларда у бор эди. Жавоб ёдига келгандай, ҳаммаси аниқ-равшандай эди. Сўнг шу ондаёқ хаёлдан фориг бўлди.

Маттис бирдан ўйлаб қолди:

Маттис калтафаҳм.

Тентак.

Ойна олдида қандай турганимни кўришса борми, одамлар ҳозир роса мириқиб кулган бўларди.

Ниҳоят бу ерга, Хегенинг ётоқхонасига нега келганини эслади: унинг сочига оқ ораламаганмикин, қараб кўриш керак эди.

Олд тарафда у йўқ эди. Маттис бошини эгиб, манглайига тушган сочларининг ости-устини кўздан кечирди, бошининг ўрак қисмига ҳам оқ тушмабди. Йўқ, оқарган соч йўқ. Кейин, бир амаллаб қулоқларининг орқасидаги сочларини кўрувдан ўтказди.

Сочлари оқармабди, биронта ҳам оқарган тола топмади. Ахир у қирққа кирган опаси Хегедан атиги уч ёш кичик эди.

Менинг сочларим ҳали яхши, оқармаган, ўйлади у.

Лекин уч йилдан кейин мен ҳам худди Хегедай бўламан.

Ҳозир бир тола ҳам оқ сочим йўқ. Буни албатта Хегега айтиш керак, у хурсанд бўлади, ўйлади Маттис; бу мавзудаги суҳбат Хегега ёқмагани Маттиснинг ёдидан чиққан эди.

Маттис шахдам юриб, уйдан чиқди. Хеге ҳали ҳам ҳовли эшигидаги курсида тўр тўқиб ўтирган бўлиши керак.

Ростдан ҳам, Хеге ўша ерда ўтирарди. Унинг чаққон қўлларидаги кофта худди жони борга ўхшаб қимирларди. Қўллар гўё соқовлар рақсини адо этаётганга ўхшар, кофта эса, қўлларнинг ҳеч қандай ишгирокисиз йириклашиб, катталашиб бораётгандек эди.

— Ҳм, нима? — сўради Хеге Маттис уйдан шошиб чиққанида.

Маттис сочларини кўрсатди.

— Хеге, кўзгуга қаралим, менинг битгаям сочим оқармапти.

Бу мавзудаги суҳбатга яна қайтишни Хеге истамасди.

— Хўп, яхши, — деб укасининг гапини чўрт кесди.

— Сен бунга хурсанд эмасмисан? — ҳайрон бўлди.

— Хурсандман, албатта, — бамайлихотир жавоб берди у.

— Хурсандлигингни кўрмайпман, мен бўлсам ўйловдимки...

— Вой-ей! — деб юборди Хеге.

У шу ондаёқ жим бўлди. Опасидаги ўзгаришдан у эсанкираб қолди.

— Нима бўлди? — қўрқа-писа сўради у.

Ниҳоят опаси ўрнидан турди.



– Оҳ, Маттис, Маттис!

У опасидан ҳадикли кўзларини узмасди.

– Ҳа, нима, гапирсанг-чи!

– Бунинг хурсанд бўладиган ери йўқ, мунча шу сочларга ёпишиб қолмасанг.

– Хурсанд бўлиш ё бўлмасликнинг бунга нима алоқаси бор? Нима, биз хурсандчилик қилишимизми? – ҳайрон бўлди у. Қаёқдаги гаройиб гапларни гапирди-я.

Хеге худди даҳшатга тушгандай ночор аҳволда укасига кўз ташлади. Тезлик билан бу ҳолнинг олдини олиш керак: ҳозир Маттисни гапдан чалғитилмаса, кейин унга бас келиб бўлмайди.

– Биз доим катта хурсандчиликлар ичида яшаймиз, сен шунчаки унутиб қўйибсан! – деди у, худди калласига миҳлағудай уқтириб. – Бир элагин-а. Биз ҳар куни хурсандчилик қиламиз-ку!

Маттис қаттиқ сиқилди, аммо:

– Қачон? – деб сўради.

– «Қачон» деганинг нимаси? – қатъият билан сўради опаси.

Сўнг яна укасига ташланди. У бошланган гапни тўхтатиши керак эди.

– Ўзинг бир каллангни ишлатиб кўрсанг-чи, Маттис, – деди Хеге ҳар доимгидай заҳарханда қилмасдан. Жуссаси мушпдеккина бўлса ҳам опаси тутган жойидан кесадиганлардан эди.

Маттис:

– Мен шундоқ ҳам доим жон-жаҳдим билан ўйлайман, – деб жавоб берди.

– Демак, сен жуда кўп хурсандчиликларни эслашинг мумкин!

Укаси жавоб бермай ҳаёлга чўмди.

Хеге ҳужумни давом эттирди. Укасида ҳеч қандай шак-шубҳа қолдирмаслик учун унинг ҳаёлларини бошқа ёққа буриб юбориш керак эди.

– Ҳаётимиз бошқаларга нисбатан хурсандчиликка бойроқ!

– Ростданми? – деди у эшитилар-эшитилмас.

– Албатта, – деди опаси. – Сен буни унутмаслигинг керак.

Опаси ортиқ ҳеч нима демади. Маттис бошини кўтарди, аммо эътироз билдира олмади. Хеге жуда ақлли, қувонч нима-ю, ғам нима – буни яхши тушунади. Бекорга баҳслашиб, тентаклигингни кўрсатмаганинг маъқул. Хеге укасига чимирилиб қараб турарди.

– Мен бўлсам билмас эканман, – деб ғўлдирди у.

Бирдан Маттиснинг чехраси ёришиб кетди.

– Қандай яхши бўлди-я буни менга айтганинг! – деди хурсанд бўлиб Маттис.

– Нимага?

– Мен ўзим буни англаб етмаганимдан кейин...

Маттис севинчдан терисига сигмай, жилмайди.

– Дарров кетяпсанми? – деб сўради, у опасидан.

Жавоб ўрнига Хеге аста бош ирғаб, уйга кириб кетди.

#### 4

Ўша оқшом Хеге одатдагидан эртароқ ётди. Нима бўлгандаям ҳар қалай уйга барвақт кириб кетди. Маттис бунинг боисини сўрамоқчи бўлганди, аммо савол бериб улгурмади, опаси:

– Бўлди, бутунга етар, Маттис, қолганини эртага гаплашармиз, – деб сабрсизлик билан уни тўхтатди.

Опасининг овозида шундай бир нарса бор эдики, Маттис гап нимадалигини билиш ниятидан қайтди. Хегенинг кайфияти яхши эмас, шунинг учун кетиб қолди. Балки, беҳуда гап айтиб юборгандир. Балки, оқарган сочлар дахлдордир бунга? Наҳотки, ҳамма гап опасининг қариб қолгани-ю, сочларига оқ оралаганида бўлса? Лекин унинг айби нима?

Хеге уни боқарди, ғамхўрлик қиларди. Муҳими, у жуда ақлли эди, шунинг учун Маттис уни чуқур ҳурмат қиларди.

У ортиқ бир сўз ҳам демасдан ётоғига кириб кетди. Маттис эса эшик ёнида ҳар хил хаёллар билан серрайиб қолди.

Эртага эрталаб чорбоғма-чорбоғ юриш, қаердан бўлмасин, қанақа бўлмасин, ўзига муносиб иш суриштириб топиш керак, ўйлади у ва шу ондаёқ уни олдиндан ўкинч қамраб олди.

Гап шунда, Хеге мана шундан норози. У неча йилдан буён мени боқади. Қирқ йилдан буён, деди ва шу тариқа Хегенинг хизматларини камситмай ҳисобни яхлитлаб қўя қолди.

У мени боққани-боққан.

Бу сўзлар какрадай аччиқ эди.

Йилдан-йилга, қайта-қайта у бунга эслаши керак, такрорлаши керак. Бугунгидай, ёлғизликда қолган пайтларида, аёвсиз равишда бунга такрорлашга ўзини ўзи мажбур қилар, уларнинг аччиқ таъмини тотарди. Булар у билган сўзлар ичида энг аччиғи эди.

Эртага эрталаб иш қидиришга кетаман.

Агар ҳеч нима халал бермаса, қўшимча қилди у, номусли йигитлар қаторидан жой оламан.

Унинг ғира-шира хотиралари аро у ишга киришга уринган пайтларида юз берган кўп воқеалар сақланиб қолган эди. Бу воқеалар чорбоғларда, далада ё ўрмонда юз берарди. Унинг ишларига ҳар доим нимадир халақит берар, шунга қарамай у бирон марта ҳам бундан сабоқ чиқариб ололмаган эди. Қишлоқда энди ҳеч ким унга иш таклиф қилмас эди. Ҳамма иш қўлидан келадиган бу одамлар, унга қўлидан ҳеч нарса келмайдиган нотавон деб қарар, аксарият унга иш берганларидан пушаймон бўлиб қолардилар.

У, уйига қуруқ қайтар, қўлида ҳеч нимаси бўлмас эди. Хеге бунга кўникиб кетганидан ҳеч қачон жаҳли чиқмасди. Аммо Маттис опаси учун оғир юк эди. Ва у бунга тушунарди.

Эрталаб у ўзини қўлга олиб, чорбоғу томорқалардан иш қидириб кетиши керак.

– Ахир, қачондир менинг ҳам қўлимдан иш келиши керак-ку, – у алам ва қатъият билан бўшлиққа қараб гапирди. – Мен ишлашим керак, мени деб Хегенинг сочлари оқарди, қариб кетди бечора.

Бу фикр унинг тинчини бузди:

Хегенинг сочлари мени деб оқарди.

Ниҳоят, унга бор ҳақиқат аён бўлди! У ўзидан жудаям уялиб кетди.

## 5

Вақт ўтиб борарди. Маттис одатда бунақа кеч ётмасди. Негадир уйга киргиси йўқ, хаёллари унга тинчлик бермаётган эди. Одамнинг ичини бир нима кемираётганда, у ёнбошдан бу ёнбошга ағаниб тўлғунишдан ёмони йўқ.

Балки, Хеге ҳам ухламаётгандир. У мени кўрмаслик учун ётоғига эрта кириб кетган эди.

– Бунақа қилиғини ёқтирмайман, – девор ортидан Хеге эшитадиган қилиб баланд овозда гапириб юборди.

У жуда хафа бўлган эди.

Шу пайт тўсатдан келган бир ўй бутун вужудини ларзага солди.

– Фақат мени ташлаб кетма! – деган илтижо миясида чарх урарди. Бу илтижо ётоқхонасида ётган Хегега қаратилган эди. Сенгами, менгами, қай биримизга нима бўлса бўлсин, фақат мени ташлаб кетма!

Бу унчалик янги фикр эмасди, аммо ҳар гал ҳозир келган хаёлдай унга янгидан азоб берарди. Хеге бирон марта уни ташлаб кетиш ҳақида сўз очмаган бўлса-да, кўнглига бундай ўйлар қайтиб келарар ва у ҳар вақт уларни ҳайдаш билан ўзини ўзи овуғарди. Нимага бундай гумонлар билан ўзимни-ўзим қийнашим керак?

Шунга қарамасдан унинг кўз ўнгида доим бир манзара гавдаланарди – Хеге ўз йўлида узоққа кетиб бораётган бўлар эди. У лаш-лушларини бир бўғчага боғлаб, кўлтиғига қистирганча кетиб борарди.

Кетяпсанми?

Ҳа, Маттис.

Бунақа ҳаёт жонингга тегдими?

Ҳа, Маттис.

Сўнг кетарди-борарди.

Хеге ўз йўлида кетаркан, бошқа сўз эшитмасди, ундан йироқлашган сари кичрайиб борар, олисдан кичкина нуқтадай бўлиб кўринарди. Бу гурбат ўйинда ҳар қалай у бутунлай йўқ бўлиб кетмасди.

Мана шу ерга келганда бирдан мўъжиза юз берди. Маттис, Хегенинг ўз йўлида кетиб боришига қараб ўйлаб ўтираркан, — у эса ўзининг одатий ўрни — эшик олдидаги курсида ўтирарди, — нигоҳлари кўл ортида қорайиб турган тоғ ёнбағирлари бўйлаб сузди. Энди сувлар бутунлай қоп-қора, ёнбағирлар эса қоронғи, ваҳимали бўлиб кўринди. Осмонда ва ерда сирли ёз зулмати ҳукм сурарди. Маттис теварак-атрофнинг беқиёс гўзаллигига бефарқ эмасди.

Уларнинг уйлари тоғ ёнбағирини то кўлагача кесиб ўтувчи, ботқоқлашган, унчалик чуқур бўлмаган сойлиқда эди. Игнабаргли дарахтларга бурканган ўрмон бирда қайинзор, бирда теракзорлар билан навбатма-навбат алмашиб борарди. Сойлиқнинг энг тубида бир жилгача оқарди. Гоҳида Маттисга бу жойлар у кўрган бошқа жойларга нисбатан энг гўзали бўлиб туюларди.

Балки у ҳозир ҳам шуни ўйлаётгандир — ҳар қалай узоқ-узоқларга термулиб, ғира-шира қоронғиликнинг, у отини билмаган, нафис алланимага айланишини кузатарди.

Айни шу лаҳзада кутилмаган ҳодиса юз берди.

Маттис, бу тарафларда шабада оҳиста эсади, деб ўйлади қуруқшаган теракларнинг тун осмонида қорайиб турган учларига қараганча. Уларнинг орасидан бир нима отилиб чиққандай бўлди, ҳаво шу қадар тиниқ эдики, Маттисга гўё ҳаракат ростдан ҳам кўзга кўрингандек туюлди. Бу шамол эмас, аллақандай ҳаво оқими эди, ҳолбуки, теварак шу қадар сокин эдики, қуримаган теракларнинг биронта япроғи ҳатто қилт этмасди.

Кутилмаганда галати бир заиф овоз кулоққа чалинди. Ноаниқ бир чорлов. Маттис боши узра осмонда бир текис қанот қоқаётган бир қушнинг ҳадикли парвозини кўриб қолди. Кейин яна нотавон бир қуш тилида сокин чорлов овози эшитилди.

Шундоқ уйларининг устидан нимадир гириллаб ўтди.

Гўё Маттиснинг ичидан ўтгандай бўлди. У бўшашиб, эсанкираб, тилсиз ҳайрат қўйнида нафасини югиб ўтирарди.

Бу, балки, қандайдир ғайритабиий, илоҳий нарсадир?

Йўқ, табиийдан ҳам табиий, энг оддий нарса эди, лекин...

Бу — ўрмон қуши — лойхўрак эди. Кечанинг шундай бир дақиқаларида бу оддий ҳол бўлиши мумкин эмас: Маттиснинг уйи устидан лойхўрак жуфт излаб ўтди-я!

Қачондан бери ўтаётганикин?

Олдинги йилга бу ерда лойхўраклар жуфт изламасди. Изласа излагандир ҳам, аммо Маттис эсини танигандан буён бундай ҳодисани ҳеч кўрмаганди. У деярли ҳар оқшом эшик олдидаги мана шу курсида соатлаб ўтирарди, агар бу ерларда лойхўрак жуфт излаганида, бунди, албатта, пайқаган бўларди.

Бутунги оқшом лойхўрак тўшпа-тўғри уйлари устидан, Хеге билан унинг устидан жуфт излаб ўтди-я. Энди бу ерда ҳар тонг ва ҳар оқшом жуфтга қараб сузиб ўтади бу жонивор.

Маттис ўз уйига назар ташлади, уй ўзгариб қолганга ўхшарди, энди у бу уйга бошқача назар билан қаради. Жуфт излаш ҳодисаси унинг дунёси ҳудудидан ташқарида, юксак-юксакларда юз берадиган қандайдир ғайриоддий, мўъжизавий бир ҳол эди. Бугун эса кўрдикки, у мана шу ернинг ўзида экан, лойхўрак индамайгина учиб келди-ю, шу ерни макон қилди-қўйди.

Эҳтимол, фақат унга шундай туюлгандир? Маттис, бошидан бундай воқеалар кечиб туришини биларди. Аммо, ажабо, жуфтлашиш учун лойхўраклар ҳар йили ҳар хил жойдан макон излашармикин? У ҳеч қачон ҳеч кимдан бунга ўхшаш гапларни эшитмаган эди. Лойхўрак нима учун айнан шу ердан жуфт излади экан?

Маттис нафасини ютиб, энди нима бўлишини кутарди. Агар лойхўрак чиндан ҳам жуфт дардида келган бўлса, демак, у яқин орада қайтади. Қисқа муддатли тунги жуфтлашув давомида у бир жойнинг ўзидан бир неча марта у ёқдан-бу ёққа учиб ўтади. Маттис буни биларди. Сахарлаб лойхўрак яна ўша жойнинг ўзидан жуфтнинг ёнига келади — буни Маттисга бир овчи ҳикоя қилиб берганди. Маттис баъзан куриган қўлмак қатқалоқларида кушларнинг тумшуклари ва панжаларидан қолган нафис изларни кўриб қоларди.

У жим пойлаб турди, назарида жуда узоқ кутгандай туюлди, энди ўтмаса керак, деб ўйлай бошлади.

Бироқ — жим! — мана у! Липиллаётган қанотлар, кушнинг гира-шира шарпаси энди терс тарафдан келиб уй устидан учиб ўтди. Сўнгра у гойиб бўлди — секин зулмат ва уйқудаги ўрмон қаърига кириб кетди.

Маттис ҳаяжонланиб:

— Жуфтлашиш дегани мана шу! — деб қўйди.

Бу сўзларни нима учун айтди, ўзи ҳам билмайди. У нимадир дейиши ё нимадир қилиши керак эди-да... Инчунин, бу ерда ҳеч ким уни эшитмас эди.

Узоқ давом этган бу машаққатли вақт алал-оҳир ниҳоясига етди — унинг туйғулари таскин топди.

Шундан кейин энг олдин унинг хаёлига келган нарса — югуриб бориб Хегега ҳаммасини айтиш эди — опаси ухлаб қолганми, йўқми, барибир, ҳаммасини айтиши шарт... Аммо Маттис ўзини тийди. Кўрганларининг ҳаммаси рост бўлса, ҳозир лойхўрак учинчи бора учиб келиши керак; Маттис ўзига ишонқирамасдан, учинчи галгисини ҳам кутишга қарор қилди.

Агар уни учинчи марта кўрсам, Хеге менга ишониши керак бўлади. Ҳамма ҳам ишониши керак бўлади.

Жим, — ана!

Қайтадан, худди боягидай, тез-тез қоқилган қанотлар, қоронгилик қўнида сирғалаётган соя ва ўша ажойиб, балки, ҳеч ким эшитмаган, эшита олмайдиган толгин чорлов садолари... Шу ерда, нақ уларнинг томлари устида, чексизлик қаъридан эшитилган даъват овозлари...

Демак, ҳаммаси ҳақиқат. Ҳаммаси аниқ-тиниқ. Маттиснинг энди гумони йўқ. У ўзини бошқа одамдай ҳис қилди.

Хеге бўлса уйқуда.

Энди у ҳам бошқача бўлиб қолади.

## 6

Хеге уйқуда. Қанчадан-қанча кофтани яшин тезлигида тўқиб ташлайдиган Хеге шундай паллада ухлаб ётипти-я! Маттис доим биринчи ўринда бўлиб келган опасининг ўзидан устунлигига шу тобда унчалик ишонгиси келмас, ўзини ундан устунроқ қўйишга мойил бир ҳолатда эди.

У ташир-тупур қилиб ҳовлиққанча опасининг ётоқхонасига кирди.

Бу гирт тентаклик эди. Хеге ётганига анча бўлган — ҳозир ухлаб ҳам қолгандир — у эса шундай бемаҳалда опасини уйротди. Хегенинг жаҳли чиқди.

— Яна нима бўлди? — деб тўнғиллади у, ҳали Маттис бир оғиз сўз билан юрагидаги бор гапларини тўқиб солмасдан туриб. Маттис опасининг овозида бунақа дағалликни кўп эшитган эди. Ҳа, тўғри, у опасининг хонасига ташир-тупур қилиб бостириб кирганида у ухлаётган эди. Аммо Маттис опаси бундай дағал муомала қилса, бирор лаҳза ўтар-ўтмас яна ўзини қандай тутишини ҳам биларди. Хеге овозидаги кескинликни юмшатиш учун, айбдорларча бир йўталиб қўйди.

— Нима дейсан, Маттис? — деди оҳиста, узрхоҳ ва ҳорғин овоз билан.

— Уйимизнинг тепасида ўрмон лойхўраги учиб юрипти! — деди ўзини қўлга олиб Маттис.

Хеге каравоти ёнида турганча у ўзини деярли ёт одамдай ҳис қиларди.

Хеге унинг ҳаяжонланаётганини дарҳол пайқайди. Аллақандай завқ-шавқ таъсирида Маттиснинг тили тугилиб қолаётган эди. Укаси бошлаб келадиган мўъжизаларнинг ҳаммаси Хегега ёд бўлиб кетган эди. Улар тезда хира тортиб, ажойиблигини йўқотарди.

– Лойхўрак учиб юриптими? Яхши бўпти, жуда яхши. Бор, ухла, Маттис, – деди у бамайлихотир.

Маттис ҳайрон бўлиб қолди.

– Борақол, ётиб ухла, – унинг юзидаги ҳайратни пайқаб, Хеге майинлик билан такрорлади.

Маттис, ҳафсаласи пир бўлиб қотиб қолди.

– Сен нима деганимни эшитмадингми? Лойхўрак жуфтлашув ерини ўзгартирибди, энди у уйимиз устидан учяпти! Айнан шу тобда. Сен ўрнингда ётганинда.

Хеге ўша-ўша қилт этмасди, кўриниши ҳам хотиржам эди.

– Ҳаммасини эшитдим. Хўш, нима бўпти? Нега энди лойхўрак бизнинг уйимиз устидан учмаслиги керак?

Маттис опасини тушунмасди. Гўё бегона тилда гапираётганга ўхшарди.

– Сенингча, бу аҳамиятсиз нарсами? Сен ўзинг умрингда лойхўраклар қўшилиув ерини ўзгартирганини эшитганмисан? Ҳеч одамнинг устидан учиб ўтганини кўрганмисан?

– Мен қаёқдан билай? – Хеге оҳиста елка учуриб қўйди.

– Албатта, билмайсан. Кийин, ҳозир ташқарига чиқамиз.

– Ташқарига? Кечаси-я?

– Ҳа. Сен ҳам буни кўришинг керак.

– Истамайман!

– Кўришинг керак деяпман! Лойхўрак ҳали ҳам жуфтга учиб юрипти. Агар сенга бу ҳам қизиқ бўлмаса...

– Албатта, сенга лойхўракнинг жуфтга учиб юриши қизиқ бўлса керак, майли, сен кўравер, мен бошқа сафар кўрарман, – деди у. – Модомики, қуш жуфтлашувга шу ерни танлаган экан, тамом, у ҳеч қаёққа кетиб қолмайди. Тўғрими?

Маттис оғзини очганча унга қараб турарди.

– Модомики, қуш жуфтлашувга шу ерни танлаган экан, ҳеч қаёққа кетиб қолмайди, – ҳадик билан опасининг гапини такрорлади у. Сўнг нима дейишни билмай:

– Бу гапни, ҳаммадан ақлли бўлатуриб, сен гапиряпсанми? – деб юборди.

– Бу билан нима демоқчисан? – сўради Хеге.

Ҳамон Маттис кўзларини опасидан узмаётганди.

– Демак, сен ҳеч нимани тушунмас экансан, – деди у жиддий.

Ҳафсаласи пир бўлиб, боши қотган Маттис опасининг каравоти ёнида турарди.

Хеге унинг қўлидан ушлади. Бу дўстлик аломати эди. Аммо Маттис шу дақиқада Хегенинг қанчалар эзилиб ва чарчаб кетганини пайқамади. Опаси ўзининг ювилавериби унниқиб кетган ич қўйлагида ётарди ва деворга ўтирилиб олганди, укасига қарамасди.

– Кел, қушларнинг жуфтлашуви ҳақида эрталаб гаплашамиз. Ҳозир ётиб ухла, эшитдингми?

Маттис бундай воқеадан беҳабар қолишни калтабинлик деб ҳисобларди.

– Айтяпман-ку сенга, модасининг чорловига ҳозир келяпти, ахир, наҳотки, кўргинг келмаса? Сени тушунмай қолдим, қанақасан ўзинг, сенга нима муҳимроқ ўзи?

Энди буниси ортиқча эди, Хегенинг тоқати тоқ бўлди. Каравотини муштлаб, бақириб деди:

– Бунга сенинг ақлинг етмайди! Анақаларга ўхшаб гапирасан!

Лекин гапи оғзида қолди.

– Қанақаларга ўхшаб? – қўрқиб сўради Маттис.

Хеге унга ўтирилмасдан қичқирди:

– Ўз ҳолимга қўй! Ортиқ чидаёлмайман! Агар сен ҳозирнинг ўзида... Чиқиб кет, илтимос! Вақт алламаҳал бўлса... дам олишимиз керак, ахир!

У деворга қапишиб олди. Маттис, унинг елкалари тиграётганини кўрди. Бу манзара уни чуқур ларзага солди. Гарчи наздида қандайдир айбли иш қилиб қўймаган бўлса-да, ўзини айбдордек ҳис қилди.

Маттис эсанкираб қолди. Наҳотки у Хегени хафа қиладиган иш қилган бўлса? Аксинча, у опасини бу янгилик билан хурсанд қилмоқчи эди-ку! Ҳзи учун муҳим бўлган воқеа унинг учун ҳам шундай, деб ўйлаганди. Лойхўрак уйларининг устидан жуфти томон учиб ўтган-ю, Хегеге бўлса барибир эмиш, аввал Маттисни уришиб берди, энди бўлса, ётган жойида йиғлаётти. Бу — заифлик аломати ва хунук-ку!

— Кўйсанг-чи, Хеге... Мен сени хафа қилмоқчи эмасдим, мен фақат сени... Хеге бадтар тутақди.

— Мен сенга нима дедим?! — бақриб берди ёт овоз билан.

Маттис бир сакраб ўзини эшик олдида кўрди.

Гўё Хеге уйқуда эди-ю, уни уйғотиб юборишдан чўчигандай, секингина эшикни ёпиб қўйди.

Ҳамма одамлар ҳар хил, саросимага тушиб ўйларди, кўча эшигига чиқиб. Худди Хеге иккимиздай ҳар хил.

У ҳатто менга ишонмайди.

Қасам ичиб айтаманки, лойхўрак жуфтлашувга келганини ўз кўзим билан кўрдим. Фақат бутун бўлар иш бўлди — оқшом ўтди.

Ич-ичида алланима, қайтар жафосига бир кўшиқ айтайлик, дегандай бўлди. Йўқ, у кўшиқ айтмади. «Оқшом ўтди!» — деган сўзларга кўшиқ ярашармиди. Мен турли учрашувлар ва кечаларда бўлганман, биламан қанақа пайтларда кўшиқ айтилишини.

Оқшом ўтди. Лойхўрак севикли жуфттини топди.

Маттис бошини кўтариб юксакларга қаради, осмоннинг қуш учиб ўтган жойларида, шундоқ уйларининг устгинасида энди ёруғ бир из чўзилиб кетган эди.

Балки, кўзлари алдагандир, лекин у ерда, юксакларда нимадир ўзгарган, осмон энди илгаригидай эмасди. Эргалаб эса, худди оқшомдагидай, яна ўша-нақа ажойиб жуфтлашув бўлади. Маттис Хегени эшик олди курсисига боғлаб қўйишга мажбур бўлса-да, Хеге тонги жуфтлашув маросимини албатта кўради.

Энди ҳаммаси бошқача бўлади, деб ўйлади, ухлагани ётаркан. Маттис ўзининг йиғма диванини ёзди-да, ёш боладай гужанак бўлиб ёстиққа бош қўйди.

Мен ҳам ҳаммага ўхшаган одам бўларман, ахир?

Бу ўйдан бутун вужудига бир илиқлик югурди.

## 7

Маттис лойхўрак воқеасини тушида ҳам кўрди, бу кимнинг иродаси билан бўлди, аҳамияти йўқ, аммо бу ажойиб туш эди.

Кўз ўнгида ҳеч нима пайдо бўлмасидан бурун, у олдин уларнинг овозини эшитди:

— Биз учиб келдик, биз учиб келдик! Сен шу ердამисан?

Маттис, албатта, шу ердаман, деб жавоб бериши мумкин эди.

Овоз! У узоқ давом этди. Аммо энди ҳаммаси ўзгарди, деди мулойимлик билан Маттис.

Уй устида, юксак-юксакларда ёп-ёруғ бир из, қуйида, нақ том устида ҳам, ҳаммаёқда ҳам ёруғлик, кейин Маттис айнан ўзига керакли овозни эшитди. Уй бир зумда ичлари ҳам кўришиб яп-янги бўлиб қолди.

— Лекин энг асосийси, бу — уй эмас, — деди Маттис.

Ҳа, уй эмас, энг асосийси — Маттис. Ёруғлик Маттисни бошидан оёғигача чулаб олди ва у таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. У ўзининг ҳозир бўриб чиққан мушакларини синаб кўриш ниятида, ўнг билагини буккан эди, улар шу қадар таранглашдики, натижада енглари тирсиллаб ситилиб кетди. Ўзининг дум-думалоқ чиройли мушакларини кўриб, Маттис кулиб юборди.

— О, бу қандай яхши, — деди.

— Куч-қувват менга асқатади, — деди у ва сергаклик билан атрофини кўздан кечирди.

— Қаердасизлар? — қичқирди у.

Улар ўрмон ичкарисига биқиниб, кулиб юборишди:

— Ҳар доимги жойимиздамиз.

Қулбалари чиндан ҳам янги бўлиб қолганди. Маттис яқин бориб, қоронғи деразадан ўзига қаради. Деразада акс этиб турган шундай кучли, паҳлавон йигитни умри бино бўлиб сира кўрмаган эди. У ўзига ҳар тарафдан қараб кўрди — ҳаммаси жойида.

Маттис керилиб сўради:

— Кўряпсизларми?

— Кўряпмиз, хавотирланма, — ўрмон ичкарисидан туриб жавоб беришди, — фақат сенигина кўриб турибмиз.

— Бирпас тўхтаб туринглар, — илтимос қилди.

— Нимага? — бир овозда сўрашди.

— Нима истайсан, айт, Маттис?

— Ҳазир бўл, Маттис!

— Ҳа, ҳа, хавотир олманглар, — Маттис уларнинг сўзларини такрорлади.

Маттис бошини чайқади ва шу ондаёқ мияси ақл бовар қилмас даражада ҳамма-ҳамма нодир сўзларга, қолаверса, қизларга айтиладиган антиқа ва муқаддас сўзларга тўлиб кетганини ҳис қилди. Йлғари унинг қарашлари ўзини эшлай олмайдиган одамларнинг қарашларига ўхшар эди. Маттис кулиб юборди, яна деразага қараб, кўнглига келган бу мардона сўзлардан баъзиларини зикр этаётган янги тилини кўздан кечирди.

— Ҳой, ўрмон ичидагилар! — деб қичқирди у. — Сизлар тайёرمىсизлар?

— Тайёرمىз, тайёرمىз, — жавоб беришди улар. — Ким келсин?

— Кўнглимга ёққани келсин, кўнглимни оладигани келсин, — деди ва мушакларини шундай таранг қилдики, кўйлагининг чоклари сўкилиб кетди.

Бу ҳаммаси ажойиб эди!

— Мен сенга боришни хоҳлайман, — деб жавоб берди бири унга.

Қолган овозлар йўқ бўлди-қолди.

Мана, у дарахлар орасидан чиқиб келди, энди уни ҳеч нима тўсиб турмасди. Маттис уни хаёлида минг марта тасаввур қилганди, аммо у тамоман бошқача экан. Шунга қарамай Маттис уни дарҳол таниди ва ҳечам хижолат бўлмади. У яқинлашганда, Маттис муаттар бўй таралаётганини ҳис этди.

Маттис ҳали унга қўл теккиза олмасди.

— Бир нима қил, — деб ўтинди.

У Маттисни дарҳол тушунди.

— Яхши. Қара!

У қўлини сал қимирлатган эди, ҳаммаёқни қушлар сайроғи тутиб кетди.

— Биламан, сен оқшомги кўшилувдан яралдинг, — гап бошлади Маттис. — Сен анчадан буён менинг хаёлимдасан. Айтадиган гапинг бўлса, ҳозироқ айт.

— Айтайми?

— Ҳа.

— Йўқ, ортиқ сўзлагим келмаяпти.

Маттис унинг кўзларига тик қараб, аста чап қўлини букди, енги тирсиллаб чок-чокидан сўкилиб кетди. Бўртиб чиққан силлиқ мушаклари шундоқ унинг кўз ўнгида қуёшда йилтиради.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Маттис. — Кўйлақларим кўп.

— Чапақаймисан? — У ҳайрон бўлиб сўради.

— Ҳа-йўқ, — бепарво жавоб берди Маттис. — Шунчаки ўнг қўлимнинг енги боя йиртилиб кетганди.

У бошқа бир сўз ҳам демади. Маттиснинг кучига маҳфиё бўлиб қолганидан тили калимага келмас эди. Маттисга худди шу керак эди. У ўз орзусига етган эди. Бундан ташқари, у сўзларни керак жойда ишлата билиш қобилиятига ҳам эга бўлганди.

— Энди нимаики хоҳласанг, қилавер, ихтиёр сенда, — деди у эрқаланиб.

— Сен олгин йигит экансан.

Шундай деди-ю, унга яна-да яқинроқ келди.

— Сени нима учун бунча кўп кутганим боисини энди тушундим, — деди Маттис.

Унда бир сир бор эди ва бу сирни Маттисга очмоқчи бўлиб, индамай турарди. Фақат яна-да яқинроқ келди. Аввалги сафар у қўлини сал қимирлатганда, ҳамма ёқни қушлар сайроғи босиб кетган эди, энди бўлса ўзи ҳам тебрана бошлади, бу қандайдир афсунгарлик эди.

У қимирлай бошлади, Маттис нима бўлганини тушунмади. Бунга изоҳ йўқ эди. У фақат яна-да яқинроқ келди. Оқшомги жуфтлашувдан дунёга келган бу мўъжизавий зот Маттисни ўз қомига тортди.

## 8

Хеге одатдагидай биринчи бўлиб турди. Маттис ҳам уйғонди-ю, ўрнидан турмади, кўрган тушининг таъсирида ётаверди. У, Хегенинг ўз хонасида куй-маланаётганини, ниҳоят чиқиб келганини эшитди. Маттис девор томонга ўтирилиб, ўзини ухлаётганга солди. Бу кечаги аламли кунни эслаб қилинган эр-калик эди.

Хеге, ҳеч нима бўлмагандай, ошхонага ўтиб кетди. Унинг асаблари таранг эди. Лекин дарҳол юмушга тутинди, кўп ўтмай, одатдаги эрталабки товушлар — идишларнинг тарақ-туруғи янграй бошлади.

Маттис, энди ҳаммаси бошқача бўлади, деб хаёлан осмонларда парвоз қиларди. У кийиниб, уст-бошини тартибга солди. Оқшом чоғидаги жуфтлашув воқеаси ҳамда тунда кўрган туши гўё уни икки қўлтиғидан тутиб кўкка кўтариб кетгандай, ўзини жуда бошқача ҳис қиларди. Маттис қулоқ тутди: балки, бугун ҳам бирор воқеа юз берар? Энди ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетган бир вақтда уни қандайдир бир хушxabар ва бир оғиз ширин сўз кутаётган бўлиши ҳам мумкин.

Йўқ, ҳозирча ҳеч нима бўлмади. Аммо бугунги кун ўтган барча беҳисоб кунларга ўхшамаслиги керак ва бунинг учун унинг ўзи жон койитиши лозим эди.

— Олтиндан қиммат, — деди у Хегега, ошхона остонасида тўхтаб. У «Тонгги фурсат олтиндан қиммат» деган эски бир мақолни салом-алик ўрнида ишлатмоқчи бўлганди.

У қатъиятсиз бир аҳволда эди. Орасининг кеча йиғлагани ҳали Маттиснинг кўз олдидан кетмаган эди. Ахир, Маттис туфайли деворга ўтирилиб йиғлаганди-ку!

Шундан кейин у дарҳол ўша тушни кўрди!

Нима бўлган тақдирда ҳам, Хеге ухлаб турган ва энди хаёли бошқа ёқда эди. Кичкинагина, чаққон опаси стол ёнида типпа-тик турганча, нон кесарди. У, кечкурунги воқеа таассуротларини силлиқлаш учун, атай ўзини бепарво тутарди.

Хеге укасининг ғалати саломлашувига:

— Кайфиятнинг яхши-я? — деб жавоб берди.

Маттис ичида кулиб қўйди.

— Нега бундай деб ўйладинг?

— Тўғри-да, шундай эмасми?

— Шундай, лекин сен негалигини билмайсан, — деди.

Хеге кечаги воқеа тўғрисида сўз очмади. Лекин барибир хавfli мавзуга тил теккизишга журъат этди.

— Менимча, биламан: сен бугун кечаги гапларимизни амалга оширишга уриниб кўрасан. Яъники, биз учун олтиндан қиммат бўлган нарсани.

Эҳ, бугун иш қидиришга ваъда берганини тамоман унутибди-ку. Аммо Хеге, бундан чиқдики, унутмабди. Унинг қувончига кўланка тушди.

— Тополмадинг, — деди у.

— Сен шундай қилмоқчи эдинг-ку, тўғрими?

— Уйимизнинг устидан лойхўрак учиб ўтди! — дея опасининг гапини бўлди у, кайфияти нима сабабдан ўзгарганини изоҳлаб. Шунақанги қувонарли ҳодиса юз берган бир пайтда, қишлоқда эзилиб иш излашнинг нима кераги бор?

Лекин Хеге унинг кайфиятига шерик бўлмади.

— Хўш, нима бўпти? — сўради у. — Лойхўрак жуфтлашгани билан бир нарса ўзгариб қолдимми?

— Хўш... билмадим... Сен чинданам ҳеч нима тушунмаяпсанми?

Маттис ҳар доимгидан кўра дадилроқ эди, аммо бундан ҳеч қандай наф чиқмади.

— Тамадди қилиб ол, — деди Хеге.



Маттис тамадди қила бошлади. Унинг хаёлидан кўрган туши кетмасди. Майли, ҳозир нонушта қилиб олсин, кейин бўлган воқеанинг муҳимлиги, буни Хеге тушунишни истамаётганини унинг калласига қуйиб қўяди.

– Ихм! – бирдан у кинояли оҳангда томоқ қириб, полни уч марта бошмоғи билан тепиб қўйди.

– Ҳа, нима гап?

– Бунинг сенга аҳамияти йўқ.

– Менимча, аҳамияти бор, – деди Хеге. – Кўринишингдан, менга бир нимани айтмоқчи бўлиб турибсан.

Маттис индамай овқат тановул қилишда давом этди, охирида сабри чидамди.

– Одам истаса, нималар тушига кирмайди, – деди у.

Узоқдан бошланадиган гапларга Хегенинг тоқати йўқ эди.

– Ҳа-а, демак, туш кўрибсан-да? – деб сўради, гўё бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқдай.

– Ихм! – Маттис яна кинояли оҳангда томоқ қирди.

– Бўпти, гапириб бер, бир нима айтгинг келаётгани шундоқ кўриниб турибди, ахир!

Бу гаплардан кейин Маттиснинг туши янада аниқроқ, янада аҳамиятлироқ туюлиб кетди. Бамисоли ўнгида бўлгандай.

– Нима туш кўрганимни айтиб берайми?

Хеге бошини ирғади.

– Йўқ, айтолмайман, – дея Маттис опасига мағрур қаради.

– Демак, сен ҳеч қандай аҳамияти йўқ туш кўрибсан, – деди Хеге қайсарлик билан ва унга усти гадир-будур қаҳвақайнатичдан қаҳва қуйиб берди. Хеге энди бошқа нарса тўғрисида ўйлаб бошлаган эди.

– Андишали одамлар бундай тушларни гапирмайдилар. Билиб қўй, – деди Маттис.

– Шунақа дегин?

– Мени қийин-қистовга олганингдан фойда йўқ. Шунини яхши билиб қўй.

Хеге заррача бўлса ҳам қизиксинмади, устига-устак:

– Қувонавер, тушларнинг доим тескариси бўлади. Одамнинг тушига бўлмағур нарсалар киради, – деб Маттиснинг устидан бир челақ сув қуйгандек бўлди.

– Ёлгон! – хитоб қилди Маттис.

У опасининг сўзларидан бир сесканиб тушганди. Опаси атайин уни ранжитмоқчидай туюлди. Масала шундаки, Хеге гап нима ҳақда кетаётганини билмайди.

– Нега нафасинг бунча совут-а? – ҳаяжонланиб сўради у. Сўрашга сўради-ю, ишгаҳаси ҳам гипша бўғилди-қўйди.

У даст ўрнидан турган ҳам эдики, столнинг бир томони кўтарилиб тушди, чинни финжон ағдарилиб, қаҳва тўкилиб кетди.

– Оббо, Маттис, ҳаммаёқни ифлос қилиб, иш ортгирдинг-ку!

– Бунга ким айбдор?

Қилгиликни қилган ўзи-ку, менга тўнкашини қаранг! Наҳотки, шуни ҳам тушунмаётган бўлса?

– Доим кайфиятимни бузасан!

– Майли, Маттис, ўзингни бос.

Маттис ўзига келди.

– Ҳечқиси йўқ, энди бу ерда ҳамма нарса ўзгаради, ҳамма нарса. Ўзгариш кеча кечқурундан бошланган.

Хеге кеча кечқурун қайсарлик қилгани эсига тушиб, афсусланди.

– Жаҳл қилма. Бугун кечқурун сен билан лойхўрақлар учрашувини томоша қилгани чиқаман.

– Аммо энди бу биринчи кундақа бўлмайди.

Хеге укаси билан баҳслашиб ўтирмасдан, дастурхонни йиғиштирди, сўнг кофтанинг қолганини тўқишга тугинди. Айни чоғда зимдан Маттисни кузатарди. Маттис буни сездии ва:

– Сенга яна нима керак? – деди чўрт кесиб.

- Иш қидиришга бормайсанми деб қараб турибман. Ваъда бергандинг-ку. У шафқатсиз эди.
- Ҳа, лекин лойхўрак...
- У чекинадиганга ўхшамасди.
- Ҳеч қайси қуш, ҳеч қанақанги жуфтлашув сенга ёрдам бермайди. Ваъда бердингми, бас, бориб иш қидиришинг шарт.
- Маттиснинг тарвузи қўлтигидан тушди. Ўз сўзида қаттиқ туриб олибдими, тамом, Хегени кўндирилмаслиги аниқ. Наҳотки, опаси иш қидиришдан ҳам оғир азоб йўқлигини билмаса? Ўтирган жойидан даст туриб кетган Маттис хавотирланиб сўради:
- Лойхўрақлар жуфтлашувидан кейин ҳам уйимизда ҳеч нима ўзгармас-микин?
- Биз бўш келмаслигимиз лозим, буни минг марта айтганман.
- Сенга айтиш осон.
- Маттис ўйланиб қолди.
- Нега менинг енгларни йиртиб юборадиган кучли мушакларим йўқ? – деди Маттис шикоятмуз, баланд овозда.
- Хеге жавоб бермади.
- Сен ҳеч қачон мендан сўрамайсан! – дея давом этди ҳаяжон билан.
- Нима ҳақида?
- Сўраш мумкин бўлмаган нарсалар ҳақида.
- Бўлди қил, етар, – Хеге кескинлик билан жавоб берди.
- Бу иккаласининг ҳам нозик жойи эди.
- Менга рухсат бер, эртагача кутай... – илтимос қилди Маттис, иш қидириб борса қўшни қишлоқдагилар уни қандай мазах қилишларини кўз олдига келтириб. Хеге доим меҳрибон опа бўлиб келган, фақат кейинги вақтларда унинг ҳам тоқати тоқ бўлиб, сержаҳл бўлиб қолганди.
- Нега десанг, бутун – бошқача кун. Тушунасанми?
- Майли, – деди Хеге. – Эртагача кутамиз бўлмаса.

## 9

- Бутун – бутун эди.
- Маттис уйлари атрофида айланиб юрарди.
- Тушимда учта бебаҳо хазинам бор эди, ўйлади у: ақл, куч, муҳаббат.
- Уч жиҳатдан бошқача эдим.
- Ёзнинг тиниқ бир тонгида уйлари атрофида тентираб юрарди. Ҳозир, албатта, Хеге у иш излаб кетмаганига уйда аразлаб ўтирибди, майли, аразласа, аразлайверсин. Янгилик ахир ниҳоятда у билан боғлиқ, ниҳоятда аҳамиятли эди. Енгил шабадалар, билинар-билимас муаттар бўйлар Маттисни сархуш этарди.
- Уч хазина. Эрта билан улар яна ғойиб бўлганди. У ўзини алдамасди – фақат оёғи остидан садо бераётган нарсаларни эсидан чиқармай, улар овозига қулоқ тугарди. У гўё беҳосдан клавишларни босиб олгандек, тупроқ остидаги яширин мусиқа янграй бошлагандек туюлмоқда ва бу мусиқа мафгункор, ҳатто ушлаб кўрса бўладиган даражада жонли эди.
- Уч жиҳатдан бошқача. Аммо бутун – бу бутун. Хеге буни тушунмаётгани қизиқ, ўйлади Маттис, қўл бўйига тушиб бораркан.
- У қирғоққа келиб тўхтади ва боладай, сувга тошлар ота бошлади. Сув ойнадай тип-тиниқ – бутун балиқ овлашдан фойда йўқ эди. Маттис эскириб кетган қайиқчасига ҳатто яқин ҳам йўламаганига виждони қийналгани йўқ.
- Уч хазина. Улар Маттис билан бирга, шу ернинг ўзида эди. Бутун кечаси унинг ўзи ўзгарди. У орзу қилган нарсаларнинг ҳаммаси, ўз хоҳиши билан вужудида пайдо бўлди.
- Маттис сувга мушгдай-мушгдай тошларни отар, унинг кўзлари маъюс, аммо нам эмасди.
- Маттис! Тушликка кел! – Хеге эшик олдида уни чақирди.
  - Меҳрибон аёл овози.
- Уч бебаҳо хазина саросимада қолди.
- Хегенинг «тез кел!» дейишига ҳожат йўқ эди. Маттисни овқатта чақирган-

ларида сира куттириб қўймасди. У тезгина ёнбағир бўйлаб тепага қўтарилди ва дастурхонга ўтирди.

— Бундан кейин овқат бўладими-йўқми, билмайман, борида еб ол, — деди Хеге, унга товоқни узата туриб.

Иш қидиришдан бош тортгани учун опаси учуриқ қилаётганини Маттис тушуниб турарди. Хеге ундан аччиқланган эди.

— Агарда одам уч жиҳатдан ўзгарган бўлса-чи? — деди лунжини тўлдириб.

— Уч жиҳатдан? Бу нима деганинг?

— Бу сен билишинг шарт бўлмаган нарсага боғлиқ. Қизлар билан ва яна...

— Тушунарли.

— Сен қандай бўлсанг ўшандайсан, ҳеч қачон бошқача бўлолмайсан, — деди Маттис жаҳли чиқиб. — Сен буни тушунмайсан.

— Ҳа, майли, — рози бўлди Хеге. — Хўш, шундай қилиб, эртага ишга борасанми?

Мунчаям бирсўзли ва каллаварам, деб ўйлади у. Бироқ иккимизни боқади.

— Айтдимми, демак, бораман, — деб жавоб берди Маттис, аммо кучли ва эпчил ишчилар ёнида ўзининг ожизлигини ўйлаб, бирдан сиқилиб кетди.

Хеге яна кофта тўқишга тутинди.

— Бугун кушлар учрашувини кўрасанми? Эрталаб ваьда бергандинг, — Маттис деярли ялинган овоз билан сўради.

— Фақат бугун эмас, улар учрашувга жуда кеч келаркан.

— Эрталаб кўришни хоҳлагандинг-ку...

— Мен бунинг учун уйкута тўйиб олишим керак, — Хеге сўзида қатъий эди.

— Агарда сен бошқа ҳечам уйғонмасанг-чи? — қайсарлик билан сўради Маттис. — Ўшанда сен жудаям ачинасан.

Хегенинг эти жимирлаб кетди. Маттис нимагадир бу сўзлар опасига қаттиқ ботганини тушунмади.

— Ўчир овозингни!

Маттис қўрқиб кетиб, эшикка урилганча ташқарига отилди. Опаси орқасидан алланима деб жавраганча қолди.

Кечкурун Маттис эшик олдига чиқиб ўтирди, бармоқлари тек турмас, юраги така-пука эди. Хеге айтганини қилиб, ётиб ухлади.

Кутилган вақт ҳам етиб келди, жуфтлашув маросими бошланди.

Таниш овозлар янграб, шовқин кўтарилди, қанотлари билан ҳавони кесиб, ўрмон лойхўраги майингина учиб келарди.

У туннинг енгил ҳавоси бағрида қўшиқдай парвоз қилар, қанотлари эса нақ Маттиснинг юрагига келиб уриларди. Гўёки англашилмас бир майинлик қоронгилик қаъридан келиб тегиниб кетаётгандай эди. Маттис бундан ўзида йўқ хурсанд эди. Биз лойхўрак иккаламиз бир хилмиз, дер эди, ҳеч гапдан-ҳеч гап йўқ.

Хурсандлигидан ўз-ўзига сўз берди: модомики Хеге истаётган экан, эртага иш қидириб кетаман, жала ёғмаса, албатта. Момақалдироқ барибир момақалдироқ-да, жала ёғса мен ҳеч қасққа боролмайман — Хеге буни яхши билади.

Маттис қушнинг иккинчи бор учиб келишини ҳам пойлади, кейин ёз кечасининг иссиқ тафти ҳукм сурган хонасига кирди ва тез ухлагани ётди. Аммо, кечаги тушим такрорланади, деб бекор умид қилган экан. У ҳатто ўша тушга сал бўлса ҳам ўхшаб кетадиган бирон манзарани — на дарахтзорлару на қизларни кўрди.

## 10

Қуриган Маттис ва Хеге тераклари тонгги қуёш нурлари остида кўк тоқига бўй чўзиб турардилар. Маттис уларнинг ёнидан ўтиб кетди. У лабларини қимтиб олпанди: агар ҳаммаси эскича қолган бўлса, унда нима учун лойхўрак жуфтлашгани уйлари устидан ўтди? Балки, бир оз кутиш ва нима бўлишини кўриш керакдир? Хеге бунга йўл бермади-ку, ахир.

Кечаси лойхўрак келиб уни қутлаган чоғида ишга боргиси келган эди, энди унда ишлашга хоҳиш қолмади.

Хегенинг ўрнида бошқаси бўлганида, у ҳеч қачон Маттисни дунёда беҳуда тентираб юришга юбормаган, бундан бирон иш чиқмаслигини тушуниб етган бўларди. Бироқ Хегени ўзгартириб бўлмайди. Ўзгаришнинг унга кераги ҳам йўқ. Шундайлиги кўриниб турибди.

Маттис судралиб кетаверди.

Ниҳоят ўрмон тугади ва бугун қишлоқ унинг кўз ўнгида намоён бўлди. Бу ердаги ҳар бир чорбоғ, ҳар бир томорқа унинг қайсидир омадсиз кунларини хотирасида жонлантирар эди.

Йўл гавжум эди. Бу ерларда юришга ўрганиб қолган машиналар одамларни четга, йўл бўйидаги зовурларга суриб ташларди. Йўл ёқалари чандан хира тортиб кетганди.

Маттис бу йўлларда фақат иш қидириб юрмаган. Баъзи бир пайтлар Хеге унга пул бериб, дўкондан озиқ-овқат харид қилишга ёки битказган кофта-сини эгасига бериб келишга юборарди. Шундай пайтларда ишни силлиққина бажариб келадими ёки одамни ўртаб юборадиган мазахларга дучор бўладими — у буни ҳеч олдиндан билмасди.

Томорқаларда одамлар ишга киришгандилар. Маттис уларни ҳар бир ползда ё майдонда учратарди. Ёзнинг бошланиши. Ҳозир энг муҳими — ўтоқ. Одамлар ўзларига ишонган, кучли кўринардилар, улар учун ишга бориш худди яшаш ва нафас олишдай табиий бир ҳол эди. Бирларининг тишларида чилим бурқсир, бошқалари ўзларича хуштак чалар, учинчилари қўлларини силкиб-силкиб индамай ишлардилар.

Бўпти, керакми — керак, мулк соҳиблари билан у ҳам гаплашиб кўради, чоғи. Биринчи учраган томорқага кираверсамикин? Йўқ, йўқ. Хўжайинлар нега бугун хизматчи керакмаслигига турли баҳоналарни рўкач қилиб, фақат ач-чиқланишади. Маттис бирин-сирин томорқалар ёнидан индамай ўтиб борарди. Унинг назарида агар у иш сўрамай ўтиб кетса, томорқа соҳиблари енгил тортадигандай кўринарди.

Аммо улар мен кўрган тушни кўришлари даргумон, деб ўйлар эди у. Бу фикрдан у терисига сиғмай яйраб кетди.

Унинг кўнглида кўп уятли хотиралар сақланиб қолган, лекин улар ҳаммаси бир хил эди. Бугун ҳам учраган айрим йигитлар билан бирга ишлаганди, буни эслаганда, ерга кириб кетгудай уяларди. Йигитлар ҳам тезроқ ўтиб кетишга ошиқар, жангда енгилган жангчилар ҳеч нимани эслагиси келмагандай, булар ҳам бўлган воқеаларни унутилари келарди.

Бугун ҳаммаси, албатта, бошқача бўлади. Хеге ҳам, мен ҳам буни биламиз.

Мен ҳозир уйга буриламан, ўйлади у, ўтган йили мени таниб қолган томорқаларга боролмайман-ку!

Аммо қисматнинг галатилигини қаранг: шундай деб ўйлаган заҳоти ўйлаганининг тескарисини қилди — йўлдан бурилиб биринчи томорқага кирди. Нега? Хаёлида бир хотира йилг этиб уйғонди: худди шу томорқада ҳеч қанақа уятли иш бўлмаганди.

Балки, бугун шу ерда омади ўнгидан келар?

Маттис уй бурчагидан ўтиши билан хўжайинга тўқнаш келди. Хўжайиннинг ўзи, унинг ёнида эса қўлда тешалари билан бир қиз ва бир йигит турар, улар далада ўтоқ қилиб, сўнг янги униб чиққан шолғомни яганалашлари лозим эди.

Маттис аввалига, уларга урилиб кетмагунча, ҳеч бирини кўрмаганди, улар учун Маттис ҳам осмондан тушгандай эди.

— Ассалому алайкум, сенда менбоп иш топилмайдими? — сўради дарҳол, ҳадикли кўзларини хўжайиндан узмай. Бундай пайтда энг муҳими — дангаллик. У йигит билан қизга ўзини кўрсатмаслик учун орқа ўтириб туришга ҳаракат қиларди.

Хўжайин ҳам Маттиснинг ўзидай дангал жавоб қайтарди:

— Шолғом яганалашни билсанг — топилади.

Маттиснинг тилига ўйлаган гапи келди ва хуш жилмайди:

– Ўзимам айтдим-а, – деди у. – Ҳамма нарса ўзгардим, демак, айнан шундай бўлиши керак.

– Бу билан нима демоқчисан?

– Айтмоқчиманки, бугун ҳаётимда ҳамма нарса бошқача бўлиши керак. Аммо бунинг сенга алоқаси йўқ.

Қиз билан йигит ўрин алмашиб, Маттиснинг олд томонига ўтиб олишди. Улар бир-бирлари билан маъноли кўз уриштиришарди, Маттис бундай нигоҳларни яхши тушунар, улардан яхшилик кутиб бўлмасди.

– Бу гапим лойхўрақлар жуфтлашуви билан боғлиқ, – у асабийлашиб хўжайинга борини гапириб қўяқолди.

– Лойхўрақлар жуфтлашуви билан?

– Ия, сен бу нималигини билмайсанми ҳали?

Фақат шу гапдан кейингина томорқа соҳиби олдидаги одамнинг ақли ноқислигини пайқади, аммо кечиккан эди – у ўз лафзидан қайтгиси келмади.

– Мен, албатта, лойхўрақлар ҳақида эшитганман, – деди у. – Аммо сен, назаримда, иш сўрагандинг, шекилли? Ҳозир мен сенга теша бераман, ана ундан кейин биз ўтоқда ва яганалашда кимўзди ўйнаймиз, тушундингми?

Хўжайин шундай дейишни лозим топдим, демак, гап қайтариш мумкин эмас.

Маттис анчагина сезгир эди, дарров ҳаммасини пайқади.

– Балки, яна кимўздига югурсак ҳам керак? – деб сўради у ва хаҳолаб кулди.

У, зўр бериб ўз кулгусини одатдаги кулпуларга ўхшатишга ҳаракат қилди.

Томорқа соҳиби довдираб қолди, аммо дарров ўзини тутиб олиб, Маттиснинг кулгусига қўшилди.

– Полизга ким олдин етиб боришини кўргинг келяптими? – деб унинг гапини давом эттирди.

Улар эркакчасига ҳазиллаша бошладилар, ҳазилда гоҳ униси, гоҳ буниси устун келарди.

– Иш олдидан овқатланиб олишинг керак, тўғрими? – хўжайин ҳазил-хузудни тўхтатди.

Маттис бош чайқаб:

– Уйимизда овқат етарли, – деб жавоб берди.

Доим шундай дея олсанг, қандай яхши!

Энди фақат ишни бошлаб олса, бўлди. Маттис ҳам битта теша олиб, ҳамма билан бирга шолғом полга кетди. Дала унга чексиз-чексарасиз бўлиб кўринди, охири қаёқдалигини илғаёлмади, чунки экинзорнинг давоми тепаликдан ҳам ошиб ўтиб, ундан уёғи кўринмай кетарди.

Маттис томорқа соҳибига ўтирилди:

– Шунча шолғомни нима қиласан? – Унинг овозида салбий муносабат бор эди.

Чиндан ҳам у буни тушунмас ва ёқтирмас эди.

– Иш бошламасимиздан олдин бу нима деганинг? – деди томорқа соҳиби. Бу гап бемаъни кўринди, аммо тентак Маттис дарҳол ҳаммасини тушунди ва бошини қўйи солди.

Нозик мавзудан узоқлашгиси келиб:

– Мен манави жўякни олсам майлими? – дея сўради шоша-пиша оёғи остидаги жўякни кўрсатиб. Хўжайин бош ирғаб қўйди.

– Ўйлайманки, Маттис, сенга бу иш таниш! Тупчаларнинг ораси қанчадан бўлишини билсанг керак? Буни сўрамасликнинг иложи йўқ эди: яганалаш – муҳим иш, ҳосилнинг салмоғи шунга боғлиқ, меҳнат ҳақи ҳам шунга яраша бўлади.

– Шуни ҳам билмай ўлибманми, ёшим қирққа бориб қолди, – жавоб берди Маттис. – Уч кам қирқ, – деб қўшимча қилди яна. Бундай гапларга совуқ оҳанг муносиб кўринарди. Маттис ҳатто ўз жавобидан мағрур ва мамнун эди.

– Шундайликка шундай-ку-я, – деди хўжайин. – Сенга тупчаларнинг орасини қанчадан қил, деб ўргатишган – шуни билишим керак. Қани, менга кўрсат-чи...

Маттис таваккалига қаричлаб кўрсатди.

— Йўқ, нотўғри, — деди хўжайин. — Сенга яғаналашни ўргатган устозинг ўзи ҳам бунни яхши билмаган кўринади. Кўриб ол, туғчаларнинг ораси мана бунчадан бўлиши керак.

Маттис яна бошини қўйи солди.

Қиз билан йигит кўз уриштириб олишди. Улар ёнма-ён ишлаш мақсадида ёнма-ён жўякларни эгаллашди. Қиз билан томорқа соҳиби оралигидаги икки жўяк Маттисга қолди. Бу унга ёқмади.

— Диққат! — деди баланд овоз билан йигит. — Ким пайкал охирига биринчи бўлиб чиқаркин? Кетдик!

У қизга назар ташлаб, кулиб қўйди. Икковлари нуқул кулишар ва бир-бирларига қарардилар. Буни пайқаган заҳоти, Маттиснинг ичида бир шубҳа уйғонди.

Аммо оғзаки буйруқ берилди. Маттиснинг ишлашдан бошқа иложи қолмади. У ҳамма одамларга ўхшаб тез ва чаққон ишлашга ҳаракат қиларди. Жўякларнинг ёнларини ўт босган ва ўсиб кетган, шолғом туғчаларини ораларига-ча, ҳаммаёқни қоплаб олганди. Энди уларни илдизи билан юлиб олиш ва жазирама офтобга ташлаш керак. Бундан ташқари, ортиқча шолғом туғчаларини ҳам юлиб ташлаш керак эди, чунки улар ҳаддан зиёд зич бўлиб унганди. Маттис бирда теша билан, бирда қўлнинг ўзи билан тез ва пухта ишлаши керак эди.

У, иши унча юришмаётганидан, асабийлашар эди.

Тез орада одатдаги аҳвол юз берди. У доим бир ишга тугинса, фикрлари айқаш-уйқаш бўлиб, туғун бўлиб кетган ип сингари, чигаллашар, бугун борлигини чулғаб, ишлашга халақит берарди.

Унинг хоҳишига қарши ўлароқ бу чигал фикрлар эсини йиғиб олишга йўл бермас, гўё бармоқларига ҳам чирмалиб, ишининг белига тепарди.

Маттиснинг сўл томонида хўжайиннинг томоқ қириб йўталган овози эшитилди. У ҳам ўз жўягига энгашганча бир ёввойи ўтти тортар ва шолғомларни авайлаб яғаналар эди.

Маттис сергакланди. Бу томоқ қириб йўталиш, балки, ҳеч нимани билдирмаса ҳам керак. Одамлар баъзида ҳеч қандай ғаразсиз ҳам йўталади-ку!

Шундай бўлса-да, азбаройи асабийлашганидан қўллари ёввойи ўтларга қўшиб шолғом тупини ҳам юлиб ташламоқда эди. Бир маҳал тешада ишлаш ноқулай кўриниб, уни ташлаб юборди.

— Мен тешага ўрганмаганман, — деди хўжайинга, сопи ҳаддан зиёд узун экан.

— Ташласанг ташлайқол, қўлинг билан ўтайвер. Бунақаси янаям яхши — тозароқ чиқади.

— Яхши сўзингиз учун раҳмат, — Маттис чин юракдан миннатдорчилик билдирди. У хўжайиннинг сўзларида дўстона хайрихоҳлик оҳангини туйди. Унг тарафидаги ёшлар ёнида бундай хайрихоҳликка у жуда муҳтож эди.

Аввалига шериклар билан баравар ишлай олди. Ахир унинг ҳам ўн бармоғи соппа-соғ-ку! Йигит ва қиз эса, иш зерикарли бўлишига қарамай, бир-биридан ортда қолмасдан кула-кула ишламоқда эдилар. Маттис улар бир-бирини севишини алақачон тушуниб етганди. Бу Маттисга алам қилса-да, лекин барибир уларни қизиқсиниб кузатар ва бу димоғини чоғ қиларди. Маттис шу пайтгача севишганларни ҳеч бу қадар яқиндан кўрмаган эди.

Қиз Маттисга бахтиёр кўзлар билан боқар эди. Маттис қиздан ҳадиксираси ҳам бўларди, чунки у ўзи билан ёнма-ён ишлаётган йигитни яхши кўрар, Маттисдан кулиш эса хаёлига ҳам келмасди, у ўз йигитига хумор кўзлар билан қарашдан ортмас, нуқул йигитининг ҳар гапидан завқланиб кулар эди. Ниҳоят, у Маттисга ҳам ўтирилиб қаради. Маттис эса бунинг интизорлик билан кутарди. Маттис қизнинг шу биргина қарашидан таърифлаб бўлмайдиган бир бахтиёрлик ҳис этди. Қизнинг ҳаёт жўш уриб турган кулча юзлари унга бир жуфт ойни эслатди.

— Шу ифлос далада фақат биз иккимиз эмас, сен ҳам келиб ишлаётганинг зўр бўлди-да, — деди у худди эски танишлардай.

Маттис унга ўзига ишонгандай ишонишга тайёр эди. У дадилланиб, қизга

ташаккур айтмоқчи бўлди ва кўнглининг туб-тубида асраб келаётган бир нарса билан уни қувонтиргиси келди.

— Сен лойхўрақлар жуфтлашуви тўғрисида бирон нарса эшитганмисан? — деб сўради қиздан. Улар ўз жўякларига бир-бирларига шунчалик яқин турардиларки, Маттис фақат қизнинг ўзи эшитадиган қилиб, паст овозда гапирарверса бўларди.

Қиз:

— Албатта, эшитганман, нимаиди? — деди тез ва беғамлик билан.

— Йўқ, шунчаки айтдим-да.

Умуман олганда Маттис шу чоғда лойхўрақлар ҳақда ўйламаётган эди. Кўнглини, мана, мен қиз бола билан гаплашяпман, деган хаёл банд этган эди. Эҳтимол, бу фақат бошланишидир.

— Аммо лойхўрақ жуфтлашиш учун уйингнинг устидан учиб ўтмаган, тўғрими? — давом этди у, ўзини ҳар қачонгидан ҳам дадил ҳис қилиб.

Қиз бошини чайқаб кўйди, аммо ишини тўхтазмади: говлаб кетган яшил шўра бутасини илдиз-пилдизи билан суғуриб олиб, офтобрўяга улоқтирди. Маттис қиздан ортда қолмасликка тиришар, айни чоғда улар гаплашишда давом этардилар.

— Сенинг уйинг устидан ҳам лойхўрақ жуфтлашгани ўтмайди, — деди қиз, умуман уни хафа қилишни хаёлига ҳам келтирмай.

— Ҳали бир нарса дейиш қийин, — жавоб қайтарди Маттис.

Унинг ичида ҳаммаси ўт бўлиб чирсиллаб турарди.

— Ҳа, албатта, — деди қиз лоқайдлик билан, у шу топда нариги ёнида ўтоқ қилаётган йигитнинг ишига маҳлиё бўлиб қолганди.

Ортиқ жуфтлашув ҳақида гаплашмадилар. Маттис, лойхўрақ ҳақида жуда усталик билан гап қистирдим, деган хаёлда эди. Бу қиз унга жуда ёқиб қолганди, аммо унинг ёнида дўсти бор эди, шунинг учун Маттис у билан бошқа гаплашолмади.

Бундай нарсаларда босиқлик зарур, у буни биларди. Озгина гаплашди — етади шуниси ҳам.

— Мен... — у яна гап бошлаётганди, қиз унга қулоқ солмади. Ёнидаги йигити унинг оёғини очиқ жойидан чимчилаб олди. Қиз шу заҳоти Маттиснинг борлигини унутди: гўё энди Маттис ўтоқ қилаётган тарафда ҳеч ким йўқдай эди.

Ҳа, ҳаёт одамнинг ўнгида бошқача-ю, тушида бошқача. Маттис буни энди тушуниб етди. Ҳаёт ҳар жиҳатдан аёвсиз — балки, суҳбат шундай тутагани маъқулдир.

Ҳаммадан ёмони шундаки, бундай мулоҳазалар унинг кўп вақтини олади — ошиқ-маъшуклар ўз жўякларига Маттисдан бир оз олдинга ўтиб, илгарилаб кетишди, энди у фақат уларнинг қиёфаларини кўриб турарди. Маттис бирдан ҳушига келди ва хўжайинга ўтирилиб қаради. Хўжайин бирварақай учта жўякни ўтоқ қиларди. Ҳолбуки, у ҳам ҳамма қатори ўзига иккита жўяк олган эди.

— Нега сен бирйўла уч жўякни ўтоқ қилияпсан? — Маттис дабдурустдан савол берди.

— Ҳа... — хўжайин гап тополмай тараддудланиб, — менга шунақаси қулайроқ.. Хуллас, шуниси ўнғай. — У шўра билан ойқулоқни бор кучи билан тортган эди, ердан ҳавога кесақлар отилиб кетди.

Маттиснинг хаёли бошқа ёқда эди, хўжайинга яқин борди-да:

— Менимча, манавилар бир-бирини севишади. Шунақа эмасми? — деди пичирлаб.

Хўжайин бош ирғади.

— Сен буни билармидинг?

— Ҳа. Уларни шунинг учун ишга олганман, — деди хўжайин ҳам пичирлаб ва Маттисга кўз қисиб кўйди. — Биласанми, мен доим шолғом ўтоғи ва яганалашга севишганларни ёллайман. Севиб қолган одам, бу ишнинг зерикарли ва оғирлигини сезмайди. Сен билан мендақаларнинг йўриғи бошқа, тўғрими?

Хўжайин ақлли эди. У эрталаб Маттисни самимий кутиб олган ва ҳозир ҳам самимий гаплашаётган бўлса-да, Маттис ундан бир оз ҳайиқди. Йўқ, тир-

ноқча ҳам ҳайиққани йўқ, у билан бемалол гаплашиб ўтириш мумкин, чунки унинг ўзи ҳам ўтоқ зерикарли ва оғир ишлигини билади.

– Тўғри, биз бу қанақа ишлигини биламиз, – деди Маттис.

– Э, буни гапиришга эрта, ишни эндигина бошладик-ку, – деди хўжайин чўрт кесиб. – Чарчайдиган вақтга ҳали анча бор.

Маттис яна бошини куйи солди.

– Гапинг тўғри, – деб унинг фикрига қўшилди Маттис.

Хўжайин бирйўла уч жўякни ўтоқ қилаётган бўлса-да, тез илгарилаб кетди. Кейин ҳамма қатори яна икки жўякни тозалашга ўтди. Шунда у Маттисдан янада тезроқ узоқлаша бошлади.

– Мени ташлаб кетясанми? – зорланиб деди Маттис.

– На илож? – жавоб берди хўжайин. – Сен ҳам ғайрат қил, менга дарров етиб оласан.

– Менга йўл бўлсин, кўриб турибсан-ку, қанча кавламай, ишим унма-япти.

– Иҳм, – шўрага қараб тўнғиллади хўжайин.

Сўнгра Маттис орқада ёлғиз қолиб кетди. Бу «иҳм» нидоси хўжайиннинг сўнги сўзи бўлди. Қизиқ. Буни нима деб тушуниш керак? Фикрлари билан иши орасидаги масофа ортиб бораётгани учун, Маттис яна асабийлаша бошлади. Унинг жўяклари орқада думдай судралиб қолган, бошқа ўтоқчилар илгарилаб кетган сари бу янада узунлашиб борарди. Ўтоғи битмаган бундай жўякларни бу ердаги одамлар «ялқов дум» дейишарди.

Йўқ, бу «ялқов дум» эмас, деб куйди Маттис ўзига ўзи, мен тез ўтоқ қилишни билмайман, холос.

Не бўлганда ҳам, бу – Маттис сингари ҳар нарсадан тез таъсирланувчан одам учун ғирт шармандалик эди. Унинг ўтоқ қилинмаган жўяклари, икки ёнида теп-текис шолғом тушларини елкасида кўтарганча қорайиб турган қора жўяклараро далада кўм-кўк бўлиб ажралиб турарди.

Эҳ, қанийди энди борган сари узоқлашаётган бошқа ўтоқчиларни сал секинлатишнинг иложи бўлса... Йўқ, кўнгилсиз воқеа яқинлашмоқда. Хўжайин чаққон ва ишчан эди, у севишганларга ҳам тез етиб олди, ҳозир улар учови тепаликдан ошиб ўтиб, кўзга кўринмай кетишади.

Мана, тепаликдан ошиб ўтишди.

Энди Маттис бийдай далада бир ўзи сўшпайиб қолганга ўхшарди. Иссиқдан ҳолсизланди. Қуёш қиздиргандан қиздирар, кўйлаги баданига чип-чип ёпишиб, ғашини келтирарди.

Мунча ойқулоқ кўп бу ерда! – ўйларди Маттис ижирғаниб. Кимга керак экан у? Худди бошқа ўсимликни яшашга ҳақи йўқдай, қаёққа қарама – ойқулоқ. Бу ерда у якка ҳокимдай!

Маттис энди қаддини кўтармай, чўкка тушиб ишлар, олдинга секин-секин сургаларди. Бармоқлари итоатсиз, аллақаёқдаги фикрларга алаҳсиб, керакли ишни қилмас, ҳатто баъзида ишламай тек туриб қоларди.

Бундай ҳол Маттисга эскигандан таниш, кўпдан бунга кўникиб кетган эди. Қўлидан келганча – қандай ўрганган бўлса, шундай ишларди – калласида минг хил фикрлар уймалашарди. У тез орада шўра ўрнига шолғом юлаётганини сезиб қолди. Қилпан ишидан чўчиб, оёққа турди, вужудини титроқ босди.

Наҳотки, яна ақлдан...

Йўқ, йўқ.

Тепалик тарафда хўжайин ва ошиқ-маъшукларнинг қораси кўринди – улар энди қарши томондан ўтоқ қилиб келаётгандилар, ҳар бирлари иккитадан жўякни ўтдан тозалаб келишарди. Учовлари ҳам бутун орзу-умидларидан айрилганча мушкул аҳволда турган Маттисни кўришди. Қиз бошини кўтариб, қўл силкитиб куйди, лекин бу деярли сезилмади, чунки бу экинни тешалаш оралигидаги оний бир ҳаракат эди. Аммо Маттис буни аниқ-таниқ пайқади, ҳолбуки, ҳали ҳеч ким Маттисга бундай имо қилмаганди.

Унинг менга қўл силкиши тасодифий эмас, ўзига ўзи далда берарди у, демак, мен дадилроқ бўлишим керак, ёнида йигити бўлишига қарамай, жўякларимиз бараварлашганда, у билан яна бир марта гаплашиб олсам ёмон бўлмасди.



Бир муҳлат ғайратига ғайрат қўшилгандай бўлди. У эгатга чўккалаганча ёввойи ўтларни шарт-шурт юлиб, тиззасида олға силжиб борарди. Хато ҳам қилмаётган эди. Энди, улар бир-бирига яқинлашиб келишаркан ва Маттис, ўзининг назарида, ишни эпчиллик билан адо этаркан, ораларидаги масофа тез қисқариб борди. Аммо, мана, Маттис ўтоқни тўхтатди ва севишганларга термулди.

Ҳарҳолда, булар ҳақиқий ошиқ-маъшуклар эди.

Хўжайин иш орасида уларнинг қилган ўтоқларини кўриб мамнун жилма-яр ва бунинг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ эди. Хўжайин фақат уларнинг ишидан хурсанд эди, дейиш унча тўғри бўлмас керак, бу белоён далада севишганлар ишлаётганининг ўзи ҳам ҳар қандай одамга хуш кайфият ато этиши турган гап эди. Қиз билан йигит бирда хахолаб кулишар, бирда тинимсиз жовиллашар, аммо айни чоғда унумли ва тез ишлардилар. Гоҳи-гоҳида улар бир-бирларига яқинроқ келиб қолган пайтлари ҳам бўларди, шунда Маттис уларнинг ҳеч бир ҳаракатини назардан қочирмас, ҳар бир қадамларини диққат билан кузатарди: ахир, у бундай ҳолларни ҳеч қачон ҳеч қаерда кўрмаган эди-да!

Ҳақиқий севишганлар шундай бўларкан-да! Хизматчи танлашда омади юришган томорқа соҳиби улардан ортда қолмай, ўз жўякларини тозалаб борарди. Маттис ўз иши билан бу уч инсоннинг иши орасидаги фарқни кўрди: унинг кўз ўнгида улар тозалаган жўяклар шундоқ қоп-қора бўлиб ясланиб ётарди. Ўзи ишлаган жўяклар эса кўм-кўк ўтлар остида кўзга қаровсиз ва хунук кўринарди.

Аммо бўлар иш бўлди: аҳволни тузатишнинг иложи йўқ. У гул-гул очилган ёшлардан, уларнинг жўшқин-тошқин қувончларидан, юлдуз бўлиб чақнаётган бахтиёр кўзларидан кўзларини узолмас эди.

Мана, севишганлар яна Маттис билан бараварлашдилар. Уларнинг гангир-гунгурлари бошқа овозларни босиб кетмоқда эди.

Маттис қаддини ростлади.

— Сизлар ошиқ-маъшук бўлсанглар ҳам, мен хоҳлайманки... — деди дидлик билан гап бошлаб, аммо овози билан аҳволи мушкуллигини билдириб қўйди. У, очилиб кетган қизга тикка назар ташлади ва жим бўлиб қолди.

Улар — йигит ҳам, қиз ҳам ҳайрон бўлиб тўхташди. Ортиқ кулмасдилар. Маттис, ўзи фарқига бормай, беҳосдан, юз-кўзларида ва овозида шундоқ акс этиб турган зўр муҳаббати билан уларнинг кулпусига халал берганди.

Ҳатто хўжайин ҳам тўхтаб, ўз жўягида жим туриб қолди.

— Гапир, Маттис, гапирсанг-чи! — деди у паст овоз билан.

Қиз индамас, йигит ҳам жим турар, мароқ билан гапнинг давомини кузатардилар.

Аммо кутишлари беҳуда эди. Маттис айтмоқчи бўлган гапнинг давомини йўқ. Овози алланимага илиниб қолганга ўхшарди ва унинг ёнида яна кимдир бордек эди. Албатта, у кўпроқ нарса айтгиси, бошқачароқ айтгиси келарди, аммо айтмоқчи бўлган гапи, ҳар доимгидай, ғойиб бўлган ва бошқа фикрлар билан қоришиб кетганди.

— Ҳа... чунки сизлар бир-бирингизни севасиз, — деди у ниҳоят, аввалги сўзларига қайтиб.

— Тўғри, бир-биримизни севамиз, — деди қиз.

— Менам шундай севсайдим, — деб юборди у, эс-хушини йигиб улгурмасдан олдин.

— Сенда ҳам бўлади бундай муҳаббат, — деди қиз ва унга жуда бошқача бош силкиб қўйди.

Маттис, мен унга ўз тушимни охиригача айтсам бўларди, деб ўйлади.

— Бор-йўқ гапим шу, — гўлдирди у, ўздан ўпқаланиб. — Айтмоқчи бўлган ҳамма гапим шу!

— Эссизгина, — деди қиз.

— Ишга! — буйруқ берди йигит, бу билан ўзининг шу ердалигини, «ким ўзди»га ўйнаётганларини эслатди.

Сал нарида шундай ишчан хизматчилар ёллаганидан ўзини масъуд ҳис қилаётган омадли томорқа соҳиби кулиб турарди. Тентак Маттис ишчан хизматчилар ҳисобида эмасди, ҳеч ким унга жиддий аҳамият бермасди.

– Хўп, хўп, эшитдим, – деди қиз буйруққа жавобан.

Ишга! – Маттис бу сўзни эшитилар-эшитилмас такрорлади ва бу – елкасига ҳазилакам шапати олмаган йигитга қаратилган эди.

Ҳамма яна ишга тушди.

Кўш қиздиргандан қиздирарди... Эгатларнинг ҳар ер-ҳар ерида юлинган ўтлар сўлиб борарди. Шўралардан ҳовур кўтариларди.

Маттис, наҳотки хўжайин ҳалиям чарчамаган бўлса, деб орқасига ўгирилиб қаради. Йўқ, албатта, у жуда кучли ва ақлли эди. Маттиснинг ўзи эса чанқаб, тамом ҳолдан тойган, бармоқлари ўзига итоат этмасди. Қиз уни анча тетиклаштирганди, аммо бу ҳам аста-секин йўқ бўлиб кетди, ҳеч эшлаёлмаётган иши уни безор қилиб ташлаганди. Учовлон яна тепалик оша кўздан ғойиб бўлишди. Дала саҳродай кимсасиз ва мунгли эди. Бир муддат яна ишни қўя туришга тўғри келди, фикрлари шу қадар айқаш-уйқаш бўлиб кетгандики, оқибатда яна ўтлар қолиб, бўлажак шолғом тушларини юла бошлади.

Ниҳоят у ҳам тепалик ошиб ўтди, аммо ўзини ундан баттар ёлғиз ҳис қилди. Хўжайин ва севишганлар худди далани тарк этганга ўхшарди.

Маттиснинг жўяклари наманан деб, ўтлари гуркираб ям-яшил бўлиб турарди. У ўтоқ қиларкан, ўз нонимни ўзим топишим керак, деб ўйларди. У озгина вақт ўтирди. Уни ҳеч ким кўрмасди, фикрларидаги бесаранжомлик кўлларини ишдан чалғитарди. Чарчаганинда бир оз ўтирсанг, жонинг кирди-да ўзиям!

Тепалик ортида яна учовлоннинг шарпаси ғимирлаётганини кўриб, Маттис даҳшатга тушди. Бирпасда бу ерга етиб келишибди-ку! У ўзини ноқулай ҳис қилиб, ишга киришди ва бирданга бир неча шолғом тушини юлиб олди. Нима бўлгандаям бу мунгли дала адоғида одамларнинг пайдо бўлгани яхши! Севишганларнинг гангир-гунгурларида энди илгаригидай хурсандчилик сезилмаса-да, ҳар қалай, гангир-гунгур қилишарди. Хўжайин эса умуман чарчамаган эди. Одамнинг шундай катта даласи бўлса, чарчамай ишлайверадими-ишлайверадими. Хўжайин бир марта ҳам бош кўтариб атрофига қарамади. Шу пайт бирдан:

– Бир дақиқа тўхтанлар! – деган ўтинч овози янграб кетди.

Улар бу ғалати овоз – Маттиснинг ялинчоқ нидосини эшитиб, бир сесканиб тушишди. Ингрок, беихтиёр Маттиснинг ичидан отилиб чиққан эди.

Хўжайин шу ондаёқ қаддини ростлади, кир қўли билан манглайини артди. У қаттиқ терлаган эди.

– Нима бўлди, Маттис?

Маттиснинг кўриниши аянчли, гарчи у даланинг адоғига етмаган бўлса-да, ҳолида ҳол қолмаган эди. Мўйловига чанг ўтириб, қорайиб кетганди. Балки, бошқаларнинг ҳам мўйловлари шундай бўлиб қолгандир, аммо уларники ҳисобга ўтмасди. Маттис кўрқа-писа хўжайинга яқинлашди.

– Қара, қанча орқада қолиб кетдим?

– Нима бўпти? – Хўжайин бепарвогина жавоб қайтарди.

– Шундай бўлишини билмагандинг, тўғрими?

Хўжайин «э, қўявер» дегандек қўл силтади.

– Бу ўзимга ёқмаяпти, ғирт ношудлик бу, – Маттис жиддий гапирарди.

– Тушунаман, – хўжайин энгашиб, ердан нимадир олгандай бўлди.

Маттис, сен мени ишдан кеткизинг келяптими, деб сўрамоқчи бўлди-ю, тагин ўзини тугди. Хўжайин қовоғини уйганча алланима деб тўнғиллади. Севишганлар, танаффуздан фойдаланиб, бир-бирларига тегишардилар. Охири хўжайин Маттисдан кутилмаганда:

– Сенинг жўягингни ҳам ола қолайликми? – деб сўради.

Маттиснинг кўзларини кулранг парда қоплади. Авваллари – лойхўрак воқеасидан бурун ҳам – бундай ҳол юз бериб турарди.

– Йўқ, хоҳламайман, – деб қатъий жавоб берди у.

– Майли, ўзинг биласан.

Хўжайин ишига туғинди.

Маттис ўз жўякларига қайтди. Қизнинг ёнидан ўтаркан, унга ўтинчли назар ташлади. Ҳамма ишлар ҳаммага ҳам енгил ва ёқимли бўлиши учун бир илож қилар, балки. Ахир, у хушчақчақ ва ёш, бунинг устига йигити ҳам бор.

Маттис йўталиб қўйди, бу билан қизнинг тез ёрдамига муҳтож эканлигини билдирмоқчи эди.

Қиз ҳаммасини тушунди ва унга жилмайиб қўйди. Гўё, бу ерда биз — сен ҳам, мен ҳам биргамиз, далада ишлаётганда бир-биримизга қўл силкиб қўямиз, деб эслатмоқчи бўларди.

Бундан ортигига зарурат йўқ эди. Маттис буни шу қадар аниқ эшитгандай бўлдики, овоз чиқариб:

— Ҳа, биз — сен ҳам, мен ҳам — далада бирга ишляпмиз, — деб такрорлади. У бу сўзларни ўшандоқ меҳр билан, аммо қиздай очиқ-ошкор эмас, бошқаларга билдирмайроқ айтди.

— Тўғри, — деб унинг гапига қўшилди қиз.

У Маттисга разм солиб қаради, гарчи Маттиснинг кўриниши у қадар чиройли бўлмаса ҳам, кўнглида ғулғула уйғота оларди.

— Ишга! — қичқирди йигити ва қизнинг оёгини чимчилаб олди — у буни, афтидан, шўхлик, қувноқ ҳазил деб ҳисобларди. Қиз яна ошиқи беқарор Маттис учун етти ёт бегонага айланди.

— Ҳа! — деди хўжайин ҳам.

Катта ери бўлган одам сало берди. Йигит билан қиз хўжайинга қараб, нима демоқчи бўлганини англашди: ишлаш керак.

Шундан кейин учовлари яна Маттисни орқада қолдириб кетишди. Маттис уларга назар ташлаб, ўзи орзу қилган ўша уч хазина айнан шуларда бор деб ўйлади. Бу одамлар умр бўйи шу уч хазинадан баҳраманд бўлганлар. Улар бу бойликка ўрганиб кетганлар ва ўзлари буни пайқамайдилар — улар учун ҳаммаси қонуний, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Акс ҳолда бемалол шолғом ўтоқ қила олармидилар?

Маттис қорнида ётиб олиб ўтоқ қиларкан, нотинч ўйлари тинкасини қуритарди. Ўзинг мадад бер, деб ўйларди у.

Ҳар доимгидай, фикрлари ишлагашга халал берар, ўша-ўша ўт ўрнига шолғом тушларини юларди.

Йўқ, менга ҳеч ким мадад бермайди, ўйларди у, кўз ўнгида қора ва қизил рўёлар жимирлаб.

Маттиснинг қимматбаҳо шолғом тупчаларига юраги ачишарди, чунки улар, атрофидаги манави ўтлар юлиб ташланганда, суянчигидан айрилгандай мажмағил ва аянчли бўлиб кўринадилар. Маттис бундай ҳақир бахтсиз букурларни мажруҳликлари учун койиб ташлагиси келар, унинг назарида, улар инсоннинг тупроқ титиб қийналишларига арзимас эдилар.

Фикрлари ҳар томонга сочилиб кетаётганга ўхшарди. Маттис ишлай бошлаганда доим шундай бўларди — демак, ҳаётида ҳеч нима ўзгармабди. Бугунги кун айнан шу сирни қўйнида яширган экан: ҳеч нима ўзгармаган, ҳаммаси ўша-ўша, жой-жойида қолган эди.

— Маттис!

Худога шукр, тепа ортига яширинганлар уни чақиринди.

Уни ақлли хўжайиннинг ўзи чақирганди. Анов кўркам ва кучли ёшлар жим туришарди, аммо бунинг нима аҳамияти бор? Уларнинг уч хазинаси бор, ахир!

— Тушлик вақти бўлдими? — деб сўради Маттис дарҳол.

— Ҳа, кетдик! — деб қичқирди хўжайин тепа ортидан. Бу даъват овози кишини ҳайратга солиб аввал осмонга ўрлади ва тепадан оша яна ерга тушди. Маттис уларнинг қаторига қўшилиш учун тез-тез одимлай кетди.

Унинг жўяклари чала қолди. Аммо у ҳар қалай даланинг адоғига чиқай-чиқай деб қолганди. Бундан ҳам бадтар бўлиши мумкин эди-ку! — деб ўйлади Маттис бирмунча жонланиб, чунки эндиги йўл тушлик дастурхонига бошлаб борарди.

Ҳеч ким унга, сен ёмон хизматчи экансан, деб таъна қилмади, у бамай-лихотир шерикларига етиб олгач, улар билан бирга уй тарафга одимлаб кетди. Ҳеч ким бир оғиз ҳам сўз айтгани йўқ, аммо Маттис улар ичларида фақат шуни ўйлаётганига шубҳа қилмас эди: олдинига бир оз тетикланиб олди, аммо кейин чидамади.

— Нега тилингининг учида турган гапни айта қолмайсизлар? — Улар ариқчадан қўлларини чайиб олишаркан, шундай деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

– Тилимизнинг учида нима турган экан? – деб ҳайрон бўлди йигит. Бу унинг Маттисга биринчи муурожаат қилиши эди.

– Мен нима деб ўйлаётганларингни биламан, – деди Маттис. У уялганидан лағча чўедай қизариб кетган, ўзини озроқ қийнаши керак эди.

– Қўйсанг-чи! – деди хўжайин. – Кетдик уйга, озроқ тотиниб оламиз, ҳордиқ чиқарамиз.

Улар дала этагида жилдираб оқиб ётган тиниқ ариқ сувидан олиб, қўллари ювишди. Маттис билан қиз бир сув идишдан қўл ювишди. Тўқилган ифлос сув ёнида Маттис беҳос қизга тегиб кетди ва бутун вужудига ўт ташгандай бўлди.

Бир ўрачага тўпланган сув ўз-ўзидан тоза тортиб, қайтадан тиниқланди ва икковларининг тозаланган қўллари сувда йилт-йилт аксланиб кўринди. Маттис ортиқ қизга тегинишга ботинмади.

Қиз Маттисга қаради, лекин Маттиснинг ўйлашга вақти йўқ, бахтиёр гандираклаб борарди.

– Одам электр симига теккандай бўларкан, – деб қўйди у.

Бу гапи ўзига анчагина ақлли бўлиб кўринди, бироқ қиз бепарво, юзини ўтириб олганди. Балки, унга бу гапи кулгили кўрингандир? Севган йигити ёнида ювинар, у ҳеч нима бўлмагандай, қизни белидан кучоқлади ва улар то уйгача, ҳатто дастурхон тепасигача кучоқлашиб бордилар. Балки, улар умуман чарчашмагандир? Маттис, йигит қўллари буқаётганини кўрди – мушаклари диркиллаб ўйнаб турарди – у ана шу кучли билаклари билан қизни белидан кучиб олганди. Шундай бўлиши ҳам керак, ҳаммаси қонуний, рисоладагидай.

– Салом, Маттис.

Бу томорқа соҳибасининг овози эди. У Маттисни самимий кутиб олди. Тушлик жуда мазали бўлган эди. Маттис бурнидан чиққунча тўйиб овқат еди. Одам, ахир, ишлаганига яраша тишлаши керак, деб қўйди ўзига-ўзи. Тўйиб кетганидан кўзларини мудроқ боса бошлади ва дам олгани ўтлоққа чўзилди. Севишганлар қаёққа гойиб бўлишганини кўрмади. У ухлаб қолди.

## 11

Жазирама офтобда ухлагандан кейин Маттис қайнатилган гўштга ўхшаб қолганди. Калласи сал уни-буни фарқлай бошлаганда энг олдин учовлон далада ишлаётганини кўрди. Улар бу лаънати жўякларга бошлари ерга теккудай энгашиб олишганди. Ишни бошлаганларига анча вақт бўлгани талай жойни ўтоқ қилиб қўйганларидан билиниб турарди.

Улар Маттисни уйғотмай кетиб қолишганди. Маттис уялиб кетди, аммо бунда унинг айби йўқ эди. Томорқа соҳибаси уйдан чиқиб унинг олдига келди ва:

– Мен сени уйғотишга қўймадим, – деди. – Хўжайин сени туртиб уйғотмоқчи бўлганди, ширин ухлаётганингни кўриб раҳмим келди. Улар кетишганига икки соат бўлди.

Маттис нима дейишни билмай кўзларини пирпиратди. Соҳиба хоним жуда майин, меҳрибон эди. Шунини кўрганда нима учун эрталаб йўлини қатъиян шу томорқага бурганини тушунди. Бир пайтлар у шу ерда бўлган ва томорқа соҳибасининг чехраси хаёлида муҳрланиб қолганди. Ҳа, илгари бу аёлни кўрган эди.

– Сен кечаси ёмон ухлагансан, тўғрими? – сўради у, Маттисга тузукроқ баҳона топиб бериб.

– Ҳа, ҳа! – хитоб қилди Маттис. – Мен икки кеча ухлолмадим, биласанми, уйимиз тепасидан лойхўрак жуфглашгани ўгади.

Маттис бу гапни шундай ҳаяжон билан айтдики, буни эшитган соҳиба олдинга кўрқиб кетди, кейин ёнидаги одам тентаклиги эсига тушиб, дарров ўзини ўнглаб олди. Маттис буни пайқади.

– Тушунаман, – деди аёл хотиржамлик билан. – Бунақа пайтда ухлаб бўладими? Қанақа бўлди ўзи? – сўради у сабр-тоқат билан.

– Қанақа бўларди, бўлганича бўлди, тамом-вассалом. Кечаси, қоп-қоронғи эди. Кейин мен бир ғаройиб туш кўрдим.

— Ҳа, шундай бўлиб туради. Лекин одам ўз тушини бошқалардан сир сақлаши керак, шунинг учун уни менга гапириб берма, — деди аёл, бошқа ишлари қолиб кетаётганидан безовталаниб.

Бу ҳам ақлли, ўйлади Маттис ва жазирама офтобда шолғом ўтоқ қилаётганларга хавотир билан қараб қўйди. Соҳиба унинг қарашларини тушунди.

— Қани, ўзинг айт-чи, далага, уларнинг олдига боргинг келяптими ё ошхонага кириб, қўлимдан бир финжон қаҳва ичмоқчимисан?

— Қаҳва ичсам ёмон бўлмасди, қаҳванг жуда мазали экан, — тез жавоб берди у.

— Тўғри қиласан, — деди соҳиба.

— Анави ошиқ-маъшукларни томоша қилганда ҳам одам маза қилади, — деди Маттис, соддадиллик билан.

— Албатта, лекин улар ўтоқ қилишсин, биз қаҳва ичайлик.

— Раҳмат, агар малюл келмаса...

Маттис унинг кетидан ошхонага кириб бораркан, хотин киши шундай бўлиши керак, деб ўйлади.

Қаҳва мазали эди. Соҳиба Маттисдан унинг опаси нима билан машфуллигини суришгирди.

— Ҳа, биласанми, у ҳар доим тўқигани-тўқиган.

Улар бирпас жимгина ўтиришди. Маттис, уни боқишга мажбур бўлаётган Хегени ўйлаб, сиқилиб кетди.

— Мен кўп овқат ейман, — Маттис соҳибани алдаш мумкин эмаслигини ўйлаб, рўй-рост гапирарди. — Унинг бутун тошпан-туштани менинг қорнимга кетади.

Бу гапга соҳиба жавоб қайтармади, фақат Маттисга тинмай қаҳва қуйиб узатарди.

— Энди унинг сочи ҳам оқарди, — деб маълум қилди Маттис.

Соҳиба индамади.

— Мен билан яшаш қийин, — деди у.

Соҳиба ўрнидан турди ва:

— Бундай нарсаларни оғизга олмайдилар, Маттис, — деб, унинг гапини чўрт кесди.

Оғизга ҳам олмайдилар. Маттис эса ўзи ва Хеге ҳақида кўпроқ нарсаларни гаплашиши келарди. Унга аёл киши билан қаҳва устида барча кечинмалари ҳақида ҳасраглашиш имконияти доим ҳам бўлавермасди.

— Майли, гапирмайман, — деди у.

Унинг овози титради.

Шу асно соҳибанинг бошқа бир хонада зарур иши чиқиб қолди ва Маттис бир ўзи қолиб кетди. Аёл қайтиб келганда Маттис оғир ва ёқимсиз хаёлларга чўмланча жойида қилг этмай ўтирарди. Бирдан у:

— Сендан бир нарса сўрасам майлими? — деб қолди-ку.

Соҳиба истар-истамас бошини лиқиллатди:

— Сўрашинг мумкин. Аммо унга жавоб бера оламанми, йўқми — билмайман. Балки, жавоб беролмасман.

Маттис саволини берди:

— Нега ҳамма нарса қандай бўлса шундай?

Соҳиба бошини чайқаб қўйди. Маттис саволини қайтаришга ботинмади. Сабр қилиб кулди. Аммо сабри зўраки эди. Ичида сабрсизлик галаён қилаётган эди. У яна «хўш!» дегандай соҳибига юзланди. Соҳиба эса яна бошини чайқади.

— Тагин қаҳва ичасанми? — сўради у.

Маттис ҳаммасини тушунар ва айни чоғда ҳеч нарсани тушунмасди. У совқотгандай титрай бошлади. У муаммоларга тўла жарликка қараётган эди.

— Ичишга ичаман, — деди у, кейин сўзида давом этиб сўради:

— Аммо ўрмон лойхўраги учиб келгандир, ахир?! — Унинг овозида ҳайрат оҳанги янграмоқда эди.

— Ҳа, биз уйимиз тепасида ҳеч қачон бунақа манзарани кўрмаганмиз, — деди соҳиба тез-тез, Маттисга жавоб беролганидан хурсанд бўлиб. — Сен бирпас ўтириб тур, — деди-да, «мен ҳозир келаман» дея яна чиқиб кетди. Мат-

тис учун касалликка айланган бу муаммо яна түбсиз жарликка тушиб кетгандай бўлди. Бу муаммонинг жавоби шу теранликларда абадиян яшириниб ётарди.

Вақт ўтиб борарди. Маттис ошхонада ўтирарди.

— Улар иссиқда қолишгандир, — деди у соҳибага.

Соҳиба наридан-бери бир егулик пишириб, столга дастурхон ёзди, кечки овқат вақти яқинлашиб қолганди.

— Мен далага борсаммикан, нима дейсан?

— Энди кеч бўлди. Улар тезда қайтиб келишади. Сен безовта бўлма, — деб қўшимча қилди, Маттиснинг хижолат тортаётганини қўриб. — Агар сен ҳозир у ёққа бориб қолсанг, уларга ёқмаслиги ҳам мумкин.

Аёлнинг овози ва юз ифодаси жуда қатъий эди. Маттис ишлаб келганлар билан учрашувдан қўрқиб, тиконда ўтиргандай безовталанар эди. Мана, ниҳоят, соҳиба эшик олдига чиқиб уларни емакка чақирди. Энди Маттис улар билан ёнма-ён бўлиб, ариқдан улар билан баравар қўлларини ювгиси келарди.

Ниҳоят, улар келишди. Эшик кенг очилди. Улар ҳовлида бир оз тугилиб қолишди. Маттиснинг эшитиш сезгиси ўткир бўлиб, ҳозир улардан бири «тен-так» сўзини ишлатармикин деб қуроғи динг эди. Шундай бўлди ҳам. Бу сўзни биринчи бўлиб йигит айтди. Бироқ нима муносабати билан айтганини Маттис аниқ билолмай қолди. Мана улар ошхонага киришди. Маттис курсида ўтиравериб чарчаб кетганди. У, уялганидан ловуллаб бўлса-да, ўзини томорқа соҳибига сўз қотишга мажбур этди:

— Мен ҳам далага чиқишим ва ўз жўякларимни охиригача ўтоқ қилиб қўйишим керак эди, аммо, тушунасанми, мени қаҳвахўрликка таклиф қилишди, мен йўқ деёлмадим.

Хўжайин хиёл бош силкиб қўйди. У ҳориган, оёқ-қўллари зирқираб оғрирди, шунинг учун эрталабкидай жуда хушмуомала эмасди.

— Сенинг думингни ҳам охирига етказиб ўтоқ қилиб қўйдик, — деди у. — Шундай қолдириб бўлмасди-ку, ахир!

Қиз билан йигит Маттисни кўрмаганга олиб, ёнидан ўтиб кетишди, кўришишлари хижолатли эди.

— Кел, Маттис, — деди хўжайин ҳар қалай гап мавзуини бошқа ёққа буриб.

— Овқатдан қочиш йўқ, — деди Маттис ва бу гапидан уялиб, ғалати бўлиб кетди.

Дастурхон устида ошиқ-маъшуклар ҳар қалай Маттисни ноқулай аҳволдан қутқаришди. Аслида Маттис бунақа ёшлардан нуқул ҳазил-мазах сўзларининг гина кутарди. Аммо булар вазмин эди ва Маттисга яхши муносабатларини ўзгартиришмади. Балки, соҳиба ҳовлида Маттисга яхши сўзланглар, деб қўйгандир. Маттис бундай ҳолларни ҳам кўп кўрганди. Майли, гапирса гапираверсин, дер эди у ўзига ўзи, нохуш хаёлларни кўнглидан ҳайдаб.

Афсуски, ёшлар қаттиқ чарчашибди, эрталабкидай ошиқона ҳазил-хузулларга ҳоллари қолмаганди. Одам чарчаганда шундай бўларкан-да, афсус, минг карра афсус. У қиз билан бу ҳақда гаплашгиси келарди. Улар юзма-юз овқатланиб ўтиришаркан, Маттис қиздан кўзини узмасди. Қизнинг ҳозиргина ювилган ошпоқ қўллари унинг ёнгинасида, стол устида турарди, ўзи эса шахтидан тушиб, тинчланиб қолганди.

— Чарчадингми? — деб гап бошлади Маттис бир оз далиллик билан.

У, худди оналар сўрагандай, ўз овозида катта меҳр-муҳаббат товланишини тасаввур ҳам қилмаганди. Дастурхон устида ўтирганлар Маттисга ҳайрат билан қаради. Қиз қизариб кетди.

— Ҳа, — паст овоз билан жавоб қайтарди қиз. Маттиснинг овозидаги меҳр ва ғамхўрлик уни тонг қолдирганди.

Ҳаммалари, энди Маттис нима деркин, деб кутиб туришарди.

— Демак, ошиқларнинг ҳоли ҳам аянчли экан-да, — деди у. Миясида ҳамма нарса қоришиб кетди ва калаванинг учини йўқотиб қўйди. Шунга қарамай гаплари ўта самимий эди.

Ўтирганлар енгил тортиб кулиб юборишди ва яна тамадди қилишга туғи-нишди. Маттиснинг ўзи ҳам ҳиринглаб қўйди. Балки, у жуда ҳам ақлсиз эмас-дир? Унинг ҳиринглаши отнинг кишнашига ўхшарди, бу ҳам ҳаммининг кул-гисини қистатди. Кейин момақалдироқдан кейин далаларга чўкадитан жим-ликдай, ўртага сукунат чўкди. Нега бундай бўлди? Ҳеч ким билмасди.

Улар дастурхондан турдилар. Бугунги иш битган эди. Хўжайин севишган-лардан, эртага ҳам ишга келасизларми, деб сўради.

– Албатта, келамиз, – жавоб беришди улар, жўнаб кетаркан.

Маттис уларнинг орқасидан узоқ қараб қолди. Энди уларга қараб завқла-ниш йўқ, чунки эртага Маттис ишга келмайди.

– Сен эртага ҳам келишимни хоҳламайсан, албатта, тўғрими? – Маттис мажбуран савол берди – бугунги ишдан кейин бундай деб сўраш безбетлик эди.

Хўжайин ҳам ўзини нокулай ҳис қилди.

– Сендан ҳеч қандай фойда йўқ-да, – деди зўр-базўр у ҳам. – Ўзинг нима деб ўйлайсан? Аммо бугунинг учун ҳақингни бераман.

– Керакмас! Мен ҳеч нима қилмадим. Шундай эмасми?

– Оз бўлса ҳам ишладинг, ҳақингни беришим керак.

– Ўша арзимаган икки жўяк учун-а? – деди Маттис, ҳақ олишдан деярли умид қилмай.

– Ҳа, ўша икки жўякда қилган ишинг учун... Шунда орамиз очиқ бўла-ди, – деди у.

Хўжайин Маттисга пул узатди ва, расм-русумга кўра, меҳнати учун та-шаккур айтди.

– Ҳм, – минғирлади Маттис.

– Нима, кўнғилдагидек эмасми?

– Йўқ. Ҳаммаси жойида. Орамиз очиқ.

«Орамиз очиқ», деб ўзича пўнғиллади яна. Бу ажойиб сўзларни яна бир бор такрорлаш қандайдир ёқимли кўринарди – эрақлар ўзаро шундай гап-лашадилар одатда.

У шапкасини қўлига олди.

– Мана шунақа, – деди у, остонадан ҳатларкан.

## 12

Хеге эшик олдида кофтасини тўқиб ўтирарди. У ўтирган жойдан уйга ту-шиб келувчи сўқмоқ яққол кўриниб турарди. Маттис ўрмондан чиқиши би-ланоқ опасига кўзи тушди, опаси унга кулранг тусли кичкина латта-путталар ўрамага ўхшаб кўринди. Кўнишибгина ўтирганидан боёқкиш мушгдеккина бўлиб қолганга ўхшарди.

Қизик, унинг калласи қанақа калла экан-а? – деб ўйлади Маттис тўсат-дан. Опажониси шундай оқилаки! Маттис опасини шунинг учун ҳам яхши кўрарди. Тўғри, баъзи пайтлар у Маттиснинг нақ қонини ичарди ўзиям.

У опаси эмас, синглиси бўлганда дуруст бўларди, чунки шунда жажжи-лик унга ярашарди. Маттис қошиқда овқатини ўзи едириб қўярди, қизгина-нинг оғзи шундоқ ширгуруч бўлиб кетарди. Лекин дунёда ҳеч бир нарса одам хоҳлаганидай бўлмаганидек, опаси ҳам сингил бўлиб қолмайди.

Дарахларнинг соялари узунлашиб борарди. Қош қорайиб, оқшом шабада-си эса бошлаганди. Кун бўйи жазирама офтобда силласи қуриб ишлаганлар учун бу шабада, айниқса, оромбахш эди.

Маттис етиб келганча, Хеге ўрнидан турди.

– Қорнинг тўқ, деб умид қилсам бўлар? – деб қўглади уни опаси.

– Бўлмасам-чи? – Маттис маънодор қилиб жавоб берди. У лоақал бугун бир зўр иш қилиб келганидан ва энди буни айтиб бериши мумкинлигидан хурсанд эди. – Мени овқатсиз қўйишмади, – деб қўйди яна керилиб.

Хеге, қаерда бўлдинг, нима иш қилдинг, деб суриштиришга тушди, куни қандай ўтганини билгиси келарди. Маттис ҳаммасини айтиб берди.

– Шу пайтгача ўша ерда эдим.

– Ўҳ-ҳў, – деди Хеге.

– Кофта тўқийсан, ҳисоблашини нималигини ўзинг ҳам биласан.

Ҳаяжондан унинг овози титрар, тезроқ Хегега севишпанлар тўғрисида гапириб бергиси келар эди.

– Кейин мен томорқа соҳибасига бир савол бердим, у саволимга жавоб беролмади, – деб ҳикоясини тугатди.

– Яна-я? Тагин ўша саволни бердингми? – сўради Хеге афсусланиб.

– Биласанми, у шунақа яхши аёлки...

– Нима аҳамияти бор, сен савол беришни бутунлай бас қилишинг керак, – деди Хеге қатъий оҳангда.

– Нега?

– Чунки, бу тентаклик, – деди алам билан опаси.

Маттис сиқилиб кетди ва жим бўлди. Хеге, укасининг томорқа соҳибасига қандай савол берганини сўрамади. Шундоғам у буни биларди.

Аммо қоронғи тушганда Хеге лойхўрақлар жуфтлашувини кўргиси келаётганини айтди, Маттис буни бу кунги эзилганлари эвазига берилган мукофотдай қабул қилди. Бора-бора Маттис лойхўрақлар жуфтлашуви – бу менинг ишим, бу – менинг иродам билан юз берди, деб ўйлайдиган бўлиб қолди. Мана, ниҳоят Хеге ҳам буни кўргиси келяпти.

– Ўйлаб кўрганинг яхши бўлди, – деди у.

Жимлик ҳукмрон, ҳамма нарса кўнгилдагидек кетаётган эди. Маттис хурсанд, бошини бир у ёққа, бир бу ёққа буриб атрофга қулоқ солар ва кушлар келишини кутарди.

Лойхўрақ таърифга сиғмайдиган, доимий мўъжизалари билан учиб келганда Хеге ҳам ёнида эди. Йилтирашлар, юракни ром этган қанотлар, сўнг яна ҳувиллаган жимжитлик.

Хеге индамасди, аммо яхши кайфиятда эканлиги кўриниб турарди.

Маттис ҳаяжонда эди.

– Мана шундай, қайта-қайтадан, қайта-қайтадан, – деди у.

Хеге, энди ухлаш керак, деб кўйди. Лекин уни ҳам лойхўрақлар жуфтлашуви ҳаяжонга солди, деб ўйлади Маттис.

Маттис опасининг кифтига қўл теккизди. У, уйлари ўзгариши, бошқа уйларга қараганда унда афзалликлар юзага келиши ва ҳаммасидан ҳам юксакроққа кўтарилиши тўғрисида опасига гапириб бергиси келарди. Буни опасига англатиши амримаҳол эди, лекин елкасига қўлини қўя оларди.

– Мана, энди сен ҳам жуфтлашувни кўрдинг, – деди у ва шундай дейиши билан юзларида мулкдорликка хос бир ифода пайдо бўлди.

Хеге хаёлга чўмиб:

– Худди бу сенинг ишинг-у, ҳаммаси сенинг ироданг билан юз бергандай гапирасан-а...

Маттис довдираб қолди. Чўчинқираб опасига тикилди. Келиб-келиб шу дақиқада қаёқдаги гапларни гапиреди-я!.. Ичида лоп этиб ғазаб олови ёнди:

– Ҳой, сен нега мунақасан-а? Доим кайфиятни бузасан?!

– Тинчлан!

Аммо у тинчлангиси келмасди, худди опасининг аламини келтирадиган бир нарса излаётгандай атрофига аланларди. Дастлаб унинг кўзига ташланган нарса қуриб қолган кўштерак бўлди.

– Манови теракларни кўряпсанми? Уларни иккимизга ўхшатиб Маттис ва Хеге дейишади. Уларни ҳамма шундай дейди! Шунга билиб кўй! Одамлар сендан ҳам қулишади.

Дарҳол Хегенинг руҳи тушиб кетади, деб ўйлаганди. Қаёқда дейсиз! Бугун у ҳеч қанақасига опасининг аччиғини чиқара олмасди.

– Демак, буни сен ҳам биларкансан-да? – деди опаси вазминлик билан.

Маттис унга кўзларини ола-кула қилиб қаради.

– Бизнинг уйда буни фақат мен биламан деб юрсам... – деди у ва опасининг елкасидан силаб кўйди.

Хеге ундан кўра гурурлироқ экан. Унинг бундай мағрурлигини шу пайтгача билмабди-я!



Опаси ўзларининг шаънига дахлдордай бу дарахтларни назарда тутиб:

– Бизга буларнинг нима алоқаси бор? – деди. – Ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аҳмоқ болакайлар тўқиган гап. Бемаъни ҳазил-хузулдан бошқа нарса эмас.

Хеге унинг кўз ўнгида баландлаб кетгандай бўлди. Маттис ҳам баландлади, чунки Хеге билан ёнма-ён эди, унинг укаси эди, чунки қуриган дарахтларнинг бирига унинг номини беришганди, унга эса барибир эди.

Умуман олганда у Хегенинг фикрига қўшилмасди. Хегега гапириш осон. Лекин уни эшитиш ёқимли эди. Хегенинг кўриниши унинг кучига куч қўшарди. Хеге Маттисдан кўзини олмай:

– Кел, бу дарахтларни унутайлик. Улар бу ерда минг аср турса ҳам, бизга барибир, – деди қатъият билан.

– Ҳа, минг аср турса ҳам, – унинг фикрига қўшилди Маттис ва жим бўлди.

### 13

Икки кундан кейин Хеге:

– Менимча, сен яна боришинг керак, – деди.

Бу худди буйруқдай эшитилди.

– Қаёққа, ишлашгами?

– Лоақал билишга. Охирги гал ишинг ўнгидан келганди-ку!

– Ахир, тез орада ҳаммаси ўзгаради. – У гапга киргиси келмаётганга ўхшарди.

– Ўзгаришларни кутсанг кугавер, аммо ишлаб тур, – деди Хеге дағаллик билан.

Эргалабдан кун иссиқ бўлиши кўриниб турарди. Маттис икки кунни қирғоқда ўтказди, сувга тош отиб, ўйлаб ўтирарди. Қайиқда сузди, балиқ овлади, аммо одатдагидай, қармоғига ҳеч нима илинмади. Хеге бир нарсани – укасининг бекордан-бекор сувга тинмай аҳмоқона тошлар отиб ўтиришини кўрмасам дерди. У Маттисни ишлаш учун эмас (бундан умид йўқ эди), шунчаки бир нарса билан машғул қилиб қўйиш учун юборганди.

Хегенинг овозидаги дағаллик ишни бузди.

– Лекин шолғом ўтагани бормаيمان! – ёлворди Маттис.

– Менга нима иш қилсанг ҳам барибир, уйга пул олиб келсанг – бўлди, – деди Хеге. – Бирор иш билан машғул бўл.

– Ўйлашларим халақит беради, ҳаммаси шунга боғлиқ. Сен бўлсанг шу ўйларимдай қайсарсан, – дея қўшимча қилди, дадилланиб.

– Мана кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади, – деди Хеге. – Ишлагиси келганларга бу ерда майда ишлар тўлиб ётибди.

Хеге бутун Маттисни қаттиқ сиқувга олди – ишқилиб, Маттис уйдан чиқиб кетса бас. Хеге олдингидан қайсарроқ, келишишнинг иложи бўлмай қолди, деб ўзича опасини айбларди у.

Қаёққа борсин? У опасининг амри билан иш қидириб кетди. Сўнги марта ишлаган томорқаси билан абадиян хайрлашган. Устига-устак, улар ҳамон шолғом ўтаётган бўлишса керак. У томорқа тарафга қаради.

Ҳа, худди ўйлаганидай. Ҳув ана, далада уч киши. Ҳозиргина келишибди. Хайҳотдек дала ҳали ўтоқдан чиқмаган... Бу ердан ғиқ этмай ўтиб кетиш Маттисга галати кўринди. Улар билан уззу кун ишлаб, кўп нарсаларни бошидан кечирди. Ҳозир тонг, ҳали севишганлар тетик, уларнинг димоқлари чоғ.

Унинг йўлдан ўтиб кетаётганини кўришдимикин?

Йўқ.

Менга қўл силкитсанглари-чи, деб ўйларди у. Бу, ёдида қолган олтин доғ эди. Майли, қиз силкисин. У, эрақлар қўл силкишини хоҳламасди, бу уни хижолат қилган бўларди. Қиз бошқа гап. Ҳолбуки, ҳозир қизнинг хаёли бошқа нарсада – йигити оёғини чимчилашини кутарди, холос.

Сал нарироқда йўл ёқасидаги ўтлоқда икки қизча ўтирар, тўсиқ шохлар панасида тинчгина ўйинчоқ ўйнашарди. Уларнинг ўзлари ҳам қўлларидаги қўғирчоқлардай кичкина, ҳали виждонларида ҳеч қандай гуноҳлик доғи йўқ

эди. Улар ўз ўйинлари билан овора эдилар, аммо улардан бири, ҳар қалай, кўнғироқдай овоз билан:

– Ҳой Тентак, қаёққа кетяпсан? – деб сўрашга улгурди ва мовий кўзларини ола-кула қилиб Маттисга қаради.

Қизча берган саволининг жавобига қизиқмас, худди миннат юзасидан сўрагандай сўраганди. Яқин томорқаларнинг болалари бу ерда турувчиларнинг ҳаммасини билишар, бекорга йўл ёқасида яшашмасди. Улар аллақачон Маттисга ўрганиб кетишганди.

– Хотиржам бўл, ўзингни туг, – деди у ўзига ўзи, булар ҳали кичкина.

– Шунчаки ўзим... Айланиб юрибман... – жавоб берди у.

Қизчалар бошқа савол беришмади: қаёққа кетаётганининг уларга қизиғи йўқ эди.

Лекин у кетишга шошилди. Қувиб ўтган топ-тоза, ялтироқ машиналар сал кайфиятини кўтарди. Нотаниш машиналарни кўриш ҳар доим ёқимли таассурот қолдирарди. Чунки уларда кетаётган одамлар Маттиснинг Тентаклигини билмайдилар. Маттис уларга мустақил тусда назар ташлар, улар Маттисни ҳамма қатори ақли одам деб ўйлардилар.

Маттис томорқаларни бирма-бир ортда қолдириб кетаверди. Ишпа тутинадиган пайт ўта бошлаган эди. У навбатдаги томорқага буриладиган жойга келганда тўхтади ва оёқларига диққат билан қулоқ солди – у шундай чорасиз аҳволда қолганда ўзини шу тарзда синашни ўйлаб топганди.

– Яна у ёққа юрмоқчи бўлсангиз, мен сизлардан бир туртки бўлганини сезишим керак, – деб, бир оз кутиб турарди.

Йўқ, бу бурилишда ҳам у ҳеч қандай туртки бўлганини сезмади, оёқлари ундан кўра ақллироқ эди. Бундан бу ёғига Маттис ўзини, оёқларини ҳар мулоҳида синар, аммо натижа битта бўлар эди.

Аммо Хеге бугун кунимни шундай ўтказганимга қандай муносабатда бўларкин – билиб бўлмасди.

«Оёқ синовлари» тўғрисида Хеге ҳеч нима билмасди, чунки бу унинг шахсий сирини эди. Бундай нарсаларни у маъқулламади.

Ниҳоят, у дўконга етиб борди – умуман бутун йўл давомида дўконга қараб кетаётганини ўзи англар, бунга оёқ синовининг кераги ҳам йўқ эди. Дўкон, ҳаммани тутадиган қопқондай, йўл ёқасида жойлашган, иккинчи томони қирғоқ, қайиқлар тўхтайдиган жой эди.

Дўконда обакидандон сотилар, Маттис эса обакини яхши кўрарди. Дўкончи яхши одам бўлса керак, Маттис ўзини телбаларча тутган пайтларида ҳам, ҳеч қачон унинг устидан қулмаганди.

Бу соатда танишлардан ҳеч бири дўконда йўқ эди, фақат велосипедда келган ёзлик кийимдаги бир неча сайёҳларгина маъданли сув ичардилар. Маттис бир фурсат улардан кўз узолмай қараб турди, лекин ҳарҳолда бир амаллаб ўтирилишга ўзида куч топди. Чўнтагини кавлаштириб яшириб қўйган бир тангасини чиқарди-да:

– Ўн беш эрелик<sup>1</sup> обакидан беринг, – деб илтимос қилди лоқайдлик билан, худди ҳар куни олиб юргандек.

– Ялпизлигиданми? – қоидаси билан сўради дўкончи ҳам.

У Маттиснинг дидини биларди, бу ерда турганлар ҳам гапни эшитганлари Маттисга хуш ёқди. Бу қисқагина бегараз суҳбат учун миннатдор эди.

– Ҳа, ҳар галгидай, – жавоб берди у.

Лекин бугун унинг заҳирасида жуда муҳим савол бор эди.

– Сен умрингда лойхўрак жой ўзгартирганини кўрганмисан? Ҳеч гапдан-ҳеч гап йўқ, масалан, уй устидан ўтиб жуфтлашганини? – Бу мураккаб савол эди, лекин Маттис уни бу ёққа келаётганида ёдлаб олганди.

– Ҳа, йўқ, лойхўрак ҳар доим бир жойнинг ўзида жуфтлашади, – деди дўкончи. – Агар бирдан жуфтлашув янги жойда юз берган бўлса, демак, ўтган йили туғилган янги лойхўрак жуфтлаша бошлаган бўлади, менимча шундай.

Дўкондор шундай дея туриб, митти куракчаси билан ёнидаги идишдан обакидандон олди. Идиш тагида олгин товланиб турарди.

<sup>1</sup> Э р е – Норвегия, Дания, Швецияда пул бирлиги, танга, чақа.

Аммо Маттис дўқондорнинг жавобидан хафа бўлиб кетди.

— Сен шундай деб ўйлайсанми?

— Ҳа, менимча, шундай. Нима, сен яқин орада жуфтлашувни кўрдингми?

— Гап бунда эмас. Сенингча, лойхўракнинг жой ўзгартириши ҳеч ниманинг аломати эмасми? Нега бундай дейсан? Бу чакана эмас, жуда муҳим масала-ку!

У битта обакини оғзига отди.

Шу асно бир велосипедли сайёҳ шеригига:

— Оббо иблис-ей, анов булутларга қара! Ҳалемай жала қуяди, — деб қолди.

Маттис чўчиб тушганидан, оғзидаги обакисига тикилиб қолай деди. Деразадан бошини чиқариб осмонга қаради, тепалик ортидан шиддат билан сузиб келаётган қора булутларни кўрди. Аммо қуёш ҳали яширинмаган эди.

— Жала бўладими? — Маттис ваҳима аралаш сўради. Жунли қўл-оёқлари кунда қорайган сайёҳдан.

Сайёҳ унга ажабланиб қаради ва:

— Бўлганда қандоқ! — деб пўнғиллади. У Маттисга эмас, асосан ола-була кийинган ўз ҳамроҳларига мурожаат қилганди. — Биз эса саёҳатимиз ёқимли ўтади деб умид қилгандик.

Энди Маттисни дўқонда ҳеч нима тутиб туrolмасди. Жала қуяди, момақалдироқ бўлади, уйга, уйга, — калласида шундан бошқа фикр йўқ эди. Унинг бошпанаси олисроқда, тезроқ унга етиб олиш керак.

Маттис дўқондан шоша-пиша чиқиб кетди. Очиқ қолган эшикдан дўқончининг велосипедли сайёҳ саволларига жавобан ўзи ҳақда бир нима дегани эшитилди. Одатда, одамлар Маттиснинг эшитиш сезгиси кучли эканини унутардилар. Ўзига тегишли гапларни у девор ортидан ҳам эшитарди. Дунёдаги биронта одам бундай олис масофадан бунақа гапларни эшитиши даргумон. Маттис ўз қулоқларига тегишли бўлмаган гапларни эшитавериб, бунга ўрганиб кетганди.

— Бу йигитнинг эси сал кирди-чиқдироқ, — деб тушунтирди дўқончи велосипедли сайёҳларга.

Бу дўқондор ҳам гийбатчи экан-да. Маттис ҳеч уни бундай одам деб ўйламаган эди. Сирасини айтганда, нега энди бу дўқончи бошқалардан афзалроқ бўлиши керак? Маттис бу гап тўғрилигини тан олишга мажбур эди. Дўқондор бор гапни айтди, холос. Маттиснинг эси сал кирди-чиқдироқ. Шундан кейин Маттис унинг:

— Аммо опаси мард аёл, унга тушов бўлиб юрибди бу, — деганини ҳам эшитди.

Дўқон эшиги тарақлаб ёпилгани яхши бўлди, уни гийбатнинг давомини эшитишдан халос қилди. Балки, Маттис ҳамма каби ишлай олмаслиги тўғрисида ҳам гап бўлгандир.

Лекин қора булутларнинг қоронғиси ва бўлажак қалдироқлар даҳшати бу ўйларни босиб кетди. Энди тезроқ уйга етиб бориш ва хатарсиз жойга яшириниб олиш керак эди. Маттис жон-жаҳди билан уйга ошиқар, обаки ўралган халтачасини қўлида ушлаб борарди. Қуёш ҳали ҳам ўзини панага олмай, доим жала олдидан бўлганидай, баданни қуйдирарди.

Маттиснинг орқасидан бир машина жаҳлланиб сигнал берди ва у йўл четига, кимдир отган тошдай, ирғиб тушди. Машина кескин тормоз бериб, Маттисга етиб олганда, ҳайдовчи очиқ деразадан:

— Аҳмоқ, ким йўлнинг ўртасидан юради? — деб бақирди.

Овоз кўрқинчли ва газабнок эди. Маттис очиқ деразадан даргазаб кўзларни кўрди. Бу бутунлай нотаниш одам эди.

— Улишингизга бир бахя қолди, — деди ҳаяжонли овоз. — Сизни уриб юборай дедим. Бундай бепарво бўлиш керак эмас.

Дераза ойнаси кўтарилиб, машина бир зумда керакли тезликка эришди ва Маттисга заҳарли тугунини пуркаганча кўздан ғойиб бўлди.

Маттис тугунни ютиб, йўл четидан олға одимлади. Машинадаги одам кимга бўлса ҳам ўша гапини айтган бўларди — Маттис буни англашга англади-ю, аммо жуда кўрқиб кетганди. У сайёҳ эди, ким билан гаплашаётганини бил-

масди — Маттис буни кўп карра такрорлади ва ўзини эмин-эркин ҳис қилди — юз миллионлаб одамлар у ҳақда ҳеч нима билмайдилар. Маттисни улардан кўринмас бир нарса ажратиб турарди. Кўпчилик одамлар ҳатто менинг тен-таклигим ҳақида гумонга ҳам бормайдилар.

Энди Маттис момақалдироқ билан «ким ўзди» ўйнади. Ўз тажрибасидан қалдироқлар ҳар хил бўлишини биларди. Бирлари тўсатдан қарсиллайди, бошқалари аста-секин йиғилади, енгил-елпи қалдираб кўяди-да, ана ундан кейин хатарли тус олади. Учинчилари ҳаммавақт ўзларини олисроқда тутадилар ва ўшанақаси бошқа йўлдан кетадилар. Бир муқим қоидаси йўқ уларнинг. Бугунги булутлар секин-секин кучайиб бормоқда эди. Маттис уйга деярли ўз вақтида етиб боришига ишончи комил эди.

Маттис йўлдан уйга қараб бурилди. Куриган тераклар яланғоч шохларини кўкка кўтариб турибди. Маттис ҳатто уларга қарамади ҳам.

Йўқ, Маттис уларга ҳатто қарамади ҳам, чунки ҳозир бир мўъжиза юз берди ва у оламдаги ҳамма нарсани унутди: уй яқинида, шундоқ сўқмоқнинг ўзида бир куш кўрди.

Сўқмоқнинг ўртасида каттакон ажойиб бир куш турарди.

Бу номаълум куш эди, бошини кўтариб, тепадан уйга тушиб келаётган Маттисга қаради.

Ажабо, қанақа куш бу? — ҳайратланиб ўйлади у.

Куш сўқмоқда турарди, аммо энди, уни кўриб қолганидан кейин, бу ерда қолиш мумкин эмасди — шундай бўлди ҳам: у парр этиб ҳавога кўтарилди. Сўнг овозсиз қанот қоққанча дарахлар ортита яширинди. Бу ўрмон лойхўраги эмас, лойхўрақдан анчагина катта ва унга ўхшамаган куш эди. Аммо унинг сўқмоқ бўйлаб юришлари қизиқ эди.

Ё, Хегега бирон нарса бўлдимикин? — ўйлади у. Унинг хаёлига шундан бошқа фикр келмади. Уйга отилди.

Тезда Хегени кўрди. У, Маттис қишлоққа кетганда сўқмоққа қараб ўтирадиган одатдаги жойида эди. Эшик тагидаги курсисида ўтирар ва ўша-ўша кичкина бир тутам латта ўрамага ўхшарди. Бармоқларининг моҳирона ҳаракатларини олисдан пайқаш қийин эди, аммо Маттис биларди: опасининг бармоқлари ҳаракатда.

Маттис кўзлари косасидан чиққудай бўлиб, Хегенинг ёнига келди:

— Сенинг олдингда биров бормиди? — сўради у.

Хеге ҳеч нимага тушунмай ялт этиб унга қаради.

— Сенга нима бўлди?

— Анов ерда, сўқмоқда қандайдир бир ажойиб куш юрган экан, — довдираб гап бошлади у.

Хеге ишга тутинди. Симларини бир зумгина тўхтатиб туришини истаб, Маттис унга хижолатли оҳангда деди:

— Мен катта, жуда чиройли бир кушни кўрдим. Бу ердан узоқда эмас, анов сўқмоқда.

— Шундай дегин? — ўта бепарво жавоб қайтарди Хеге. Аммо одатдаги дағаллиги йўқ эди, овозида куш чиндан ҳам гўзал эди, дегандай оҳанг товланарди. Бу гўзаллик шу уйда яшовчи бир одамга аталгандай эди. Ўртага жимлик чўқди — кутилмаган тўхтади. Аммо унинг номи йўқ эди.

— Мен уни кўрган заҳотим учиб кетди, — деди Маттис.

Мана, ҳозир... ҳозир Хеге ўзининг даргазаб саволини беради: нега қайтиб келдинг, иш қидиришинг керак эди-ку... Яхшиси, ўзи бошлагани маъқул.

— Менбоп иш топилмагани учун қайтиб келдим. Шундай бўлишини билгандим. Ундан ташқари бир одам, ҳозир жала куяди, деб қолди. Аммо жала бўлмади, — деди Маттис.

— Ҳа, бўлмади, — деди Хеге.

— Ундан ташқари йўлда мени бир танишим тўхтатди.

У бор ҳақиқатни айтгиси келганди. Ва айтганлари ҳаммаси ҳақиқат эди.

— Ана шундай.

Хеге аччиқланмади, аммо қандайдир бошқачароқ эди. Боиси Маттиснинг юзида ўша гўзал куш жуда чиройли акс этган эди.

## 14

Эрталаб Маттис уйғонганда, бугун лойхўрак билан бирга бўламиз, деган қувончли фикрдан юраги ҳаприқиб, ўйлаб ётди.

Бунинг маъноси нималигини у тушунтириб беролмасди, изоҳнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Маттис ухлаб ётганда бу ерлардан лойхўрак учиб ўтади ва уйлари устида ҳавода ёруғ йўллар қолдиради. Бугун кечаси ҳам, эртага ҳам, ҳар доим кечалари шундай бўлади. Ухлаш Маттисга гуноҳ бўлиб кўринарди.

У қанча ўйлаб кўрмасин, барибир лойхўракнинг пайдо бўлиши унга яхшилик аломати бўлиб кўринарди. Нимадир ўзгарди. Мана, энди лойхўрак шу ерда эрталаб ҳам, оқшом усти ҳам жуфтлашмоқда, фақат улар одамлар уй-уйларига кириб кетишгандан кейин жуфтлашадилар.

Маттис, бу — яхшилик келтиради, деб ҳисобларди. Ўзи эса эшик тагида хоҳлаганча бу маросимни кузатиб ўтира олар, Маттис ва лойхўрак бир-бирлари билан ҳамжиҳат эдилар.

Бугун уларни янги кун кутаётган эди.

Маттиснинг бугун фикри-ёди лойхўрак билан банд эди. У ҳеч ўзини тутолмас, фақат у ҳақда гапирарди. Бу Хегенинг жонига тегиб кетди. Шунда Маттис лойхўрак ҳақида Хеге тушунмайдиган қилиб гапиришга аҳд қилди. Ана шунда Хеге гап нима ҳақда кетаётганини тушунмайди, Маттис эса гапириб хумордан чиқади. Бугун эрталаб Хеге унинг олдида тақсимчада овқат қўяётган эди, Маттис унга:

- Энди у ёққа, бу ёққа учаман, — деди.
- Қанақасига? — сабр-тоқат билан сўради Хеге.
- Шунақасига.

Маттис бармоғини лойхўрак учган тарафга қарата суздирди.

Хеге ишга тутинмоқчи бўлди. У ҳар вақт шошгани-шошган. Маттис эса ичидаги ҳаяжонларини у билан баҳам кўргиси келади, аммо Хеге гўрсўхтадай буни кўрмайди.

- Тўхта, Хеге, ҳали гап кўп.
- Тезроқ бўл.

— Сен баъзи бир нарсалар тўғрисида ҳеч нима билмайсан.

У бу гапни юмшоқ қилиб, бир оз ҳадик билан айтди: ҳар қалай у ақлли одамлардан бири билан гаплашяпти, ахир!

- Бўла қол, айт, нима гап?
- У ёққа, бу ёққа учаман, — деди у. — Кечаси сен ухлаб ётганинда... — деб тутатди гапини.

Энди Хеге унга катта одамга қарагандай қаради. Кейин бирдан ғалати бир нарсани айтиб юборди:

— Сенда шундай ҳолат бўлиб турадимиз, бу жуда яхши. Лекин, менда ҳам шундай бўлиб туради, деб мақтанолмайман.

Хеге қимир этмай турар ва энди ўзининг саккиз япроқли мураккаб гулларида шошилмас эди. Бугун Хеге ҳам шунга ўхшаш алланимани эшитиб, қотиб қолган экан.

— Сен бусиз қандай яшайсан? — деб сўради Маттис ва хатога йўл қўйди.

Ширин кайфият ғойиб бўлди. Хеге, ўзи айбдор бўлса ҳам, яна яккаланиб олди — Маттисни ёлғиз қолдириб хонасига кириб кетди.

Маттиснинг ичида ҳамма нарса жўш уради ва биз лойхўрак билан биргामиз, деб қўшиқ айтарди. У ҳар куни осмонда кўринмас йўл қолган ўрмончани бир кесиб ўтмаса, кўнгли жойига тушмас эди. Энди, охири қувончга уланувчи бу йўл, унинг йўли эди. Мана, умиди ҳақ экан — бир жойда таққа тўхташга тўғри келди.

Сен — бу сен, деган бир овоз келди ич-ичидан, ҳар қалай шундай овоз эшитилди.

Бу унга куш тилида айтилди ва куш ёзувида етказилди.

У айнан лойхўрак жуфтлашган жойдан, қуриган қўлмак устидан чиқиб, сеҳрлангандай туриб қолди. Ва ўз номига ёзиб қолдирилган мактубни ўқишга тутинди, шундай қилмаса келажақда нима бўлишини билиш мушкул эди.

Қуриган қўлмакнинг силлиқ қорамтир ўзанида қуш пайпоқларидан қолган ёзмалар, ундан ташқари қуруқ ерда кўпдан-кўп чуқур думалоқ тешикчалар кўриниб турарди. Лойхўрак шу ерда юрган. Тешиклар — тумшуклар қолдирган излар — лойхўрак тупроқ остидан қандайдир етулик топиб, тортиб олган, баъзида ерга шунчаки ёзув ёзган, холос.

Маттис энгаши ва нималар ёзилганини ўқиди. Енгил рақс изларига разм солиб қаради. Оҳ, менинг лойхўрагим, мана у қандай енгил ва чиройли экан, деб ўйлади Маттис. Осмондан чарчаганда ботқоқлик бўйлаб мана қандай енгил-енгил одимларкан.

Сен — бу сен, деб ёзилганди ерда.

Худди қутловдай.

Маттис бир таёқча топиб, қорамтир майдончанинг бўш бир ерига жавоб ёзди. У одатдаги ҳарфлар билан ёзолмасди, бу ахир лойхўракка битилияпти-ку! Маттис ҳам қуш тилида ёзди.

Лойхўрак янаги сафар бу ерга учиб келганда бу мактубни ўқийди. Бу ерларда фақат мен юраман, демак, бу хатни ҳам фақат мен ёзган бўламан.

Атроф сокин ва сирли, учрашишга бундан яхшироқ жой йўқ эди. Бу кичик ботқоқликни баланд-баланд дарахтлар ўраб олганди. Қуёш бу сайхонликка ҳам ёриб кириб, саховат билан ёритар ва ҳаммадан қўрқиб юрадиган зотлар шу ерда рақсга тушсин учун тупроқни қуришиб қўйган эди.

Уззукун ва бутун оқшом давомида шу ерда бўлса ва қушни кутса бўлаверармикин? Балки, шу ерга келиб кўнар ва у билан ёнма-ён ўтирар, ким билди дейсиз?

Бу фикр кўнглини жуда суёт кетказарди. Аммо Маттис, йўқ, деган қатъий қарорга келди. Бундай қилишга ҳаққи йўқ. Ҳаммаси шу қадар ғайриоддий эдики... Қуш чўчиб кетиши мумкин. У ҳолда нимадир чил-чил синади... бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

У лойхўракдан салом олди, шунинг ўзи етарли. У эрталаб яна бу ерга келади ва лойхўрак мактубини ўқиганини кўради. Маттис уйга кетаркан, майин-майин хуштак чалиб борарди, аммо Хегега бўлган воқеаларни айтиб бермади: опаси бундай нарсаларни англаб етармиди...

## 15

Маттис ўша ерга сабрсизликдан ўтдай ёниб эртаси куни ҳам борди — кутганлари уни алдамабди. Ўз белгилари яқинида қуш тумшуги билан ўйилган янги нуқталар ва чизиқларни топди.

Маттис бунга тайёр эди, лекин олган таассуроти шу қадар кучли бўлдики, бир тошга ўтиришга тўғри келди.

Демак, ораларида чиндан-да алоқа бор экан-да!

Қуш ўзининг ғаройиб тилида унга нима деди экан?

Маттиснинг юраги шубҳадан ҳоли эди: қуш унга оташин дўстлик тўғрисида ёзган. Нуқта, нуқта, нуқта. Бу белгилар мангу дўстлик маъносини билдиради.

Маттис таёқча олиб, тантана билан ўзи ҳам қушга айнан шундай муносабатда эканлигини билдирувчи чизиқлар чизди.

Қуш тилида ёзиш осон. Улар бир-бирларига кўп нарсалардан дарак беришлари керак эди.

Ерда қуш пайпоқларининг янги ёзмалари пайдо бўлди. Маттис бу ёзувлар рақслардан қолган изларга ўхшайди, деган хулосага келди. Мана бу ерда бир ёлғиз қуш рақс қилган.

Аммо пистирма ясаб, рақсига мўралаш виждонига хилоф эди.

Маттис атрофига аланглади ва:

—Қойил-е! — деди баланд овоз билан.

Буни у, одатда, қўпол эшитиладиган, кундалик инсон тилида айтди. Ҳолбуки, у энди фақат қуш тилида сўзлашгиси келарди — уйга борганда Хегега ҳам қуш тилида гапирсам, дерди. Эҳтимол, ўшанда опаси ҳозир тушунмаётган нарсаларни англай бошлармиди.

Аммо Маттис бундай қилишга ботинмасди, чунки бу нима билан тугаши-ни, гира-шира бўлса-да, тасаввур қиларди. Агар ундай қилсам, улар мени тегишли жойларга тиқиб қўйишади. Улар тиллар аро энг ажойиби бўлган қуш тилини билгилари ҳам келмайди. Улар қуш тилини ёмон кўрадилар.

Маттиснинг ич-ичидан фавворадай отилиб чиқаётган қувонч унинг бутун борлигини қамраб олганди. У энгашди ва ёзувларига яна озгина ёзув қўшди. У қуриган қўлмакнинг бутун ўзанини ўз хатлари билан тўлдириб ташлашни ҳам эплай оларди. Лекин бундай қилмаслик керак — лойхўракка ёзиш учун жой керак. Улар иккови ҳар куни бу ерга шошилиб келадилар, худди рақс тушгандай енгиллик билан юракларидан отилиб чиқаётган сўзларни ёзиб қолдирадилар.

Маттис бу ерни кашф қилганининг учинчи куни ҳам яна ҳаммаси так-рорланди, тўртинчи куни ҳам... Кейин Хеге нима учун Маттис ҳар куни ўрмонга бораётганига қизиқиб қолди.

— Иҳм! — деб жавоб берди у.

Опаси суриштирмай қўя қолди.

Маттисда пистирма қуриш ишғиёқи пайдо бўлди, аммо бу истагига бўйсунмади. У ҳар бир янги кунни сабрсизлик билан кутарди.

Бешинчи куни у лойхўракдан навбатдаги хатни топмади. Нима бўлдийкин? Бутун ҳам ўрмонда ҳаммаёқ тиша-тинч, шекилли?

Маттисни, лойхўрак ўлган, деган фикр куйдириб олди.

Йўқ, йўқ!

Тўрт кунлик ёзишма Маттисни жуда қаттиқ ром этган эди, ўздан янги мактуб топмагандан кейин дарҳол тасавурида хилма-хил бахтсизликлар гавдалана бошлади, бири биридан даҳшатли. Шундай бўлса ҳам уйига кетатуриб, у яна лойхўракка хат ёзди. Кечкурун эса, у эшик тагига чиқиб, навбатдаги жуфтлашувни кутди. Хеге ухларди.

Ҳаво майин ва нам. Ҳаммаси кутганидай. Маттис кутилмаганда ҳаётни тушунди.

Вақт-соати етгач, жуфтлашувлар бўлмайди. Вақт-соати етгач, лойхўракнинг ўзи ҳам қолмайди.

— Ким бу ерда бахтсизликларни башорат қилаётир? — деди Маттис бирдан нам ҳавога юзланиб. Шу пайт ўша тарафда у пайдо бўлди — Маттисни интизор қилган, ҳар вақт қалбини ҳайратларга соладиган қуш, таниш ва жонажон овозларни атрофга таратиб, ўз олатий йўналишида бамайлихотир учиб келаётган эди. Маттис Хегени уйғотишга эҳтиёж сезмади.

Эртасига Маттис учрашув жойига келганда уни янги мактуб кутар эди.

Мана бизнинг орамиздаги дўстлик, ўйлади у.

Қўлмак ўзанида ҳали бўш жойлар бор эди, тез орада бу жойлар ҳам нуқталар ва рақс тушган лойхўрак пайпоқларининг излари билан қопланажак.

## 16

Аммо бир неча кундан кейин Маттисни қаттиқ оғриқ тутди. Тўсатдан. Ўзини қўярга жой тополмай зир-зир югурарди. Хегенинг, сенга нима бўлди, деган саволига у:

— Қорним оғриётганга ўхшайди. Фақат ўхшайди холос, — деб жавоб берди.

— Бирон нима еганмидинг? Ё ҳаводанми бу?

— Уям, буям эмас, — деб жавоб берди ва ҳовлига учиб чиқиб кетди.

Лойхўрак хавф остида эди.

Шу куни эрталаб у йўлда бир йигитни учратди, у йигит Маттислар уйи устидан лойхўрак ўтгани ростми, деб сўради.

— Албатта, рост, — жавоб берди Маттис, одамлар лойхўраклар жуфтлашувига қизиқиб бораётганидан мамнун бўлиб. Бу кунгача Маттиснинг ўзи бу ҳақдаги гаплари билан одамларга элакишарди.

Аммо шу ондаёқ у қўрққанидан музлаб кетди ва жавоб қайтарганига ачинди. Олдиндаги йигит овчи эди — Маттис буни унинг ёниб турган кўзларидан англаганди.

— Лекин энди ўтмаяпти. Жуфтлашув мавсуми тугади. Мен анчадан бери лойхўракни кўрмадим.

Йигит мийиғида илжайиб қўйди: гўё, мени алдаб бўпсан, дегандек.

— Ўз қўнглингда мени жуфтлашув қачон тўхташини билмайди, деб ўйла-  
япсан, шекилли?

Маттиснинг ҳийласи ўтмади. Шунда у, йигитдан қушга тегмаслигини сўра-  
моқчи бўлди, аммо, ҳар вақтдагидай, бунга улгурмади.

— Яхши қол, — деди йигит ва шахдам қадам билан тез жўнаб қолди. Оф-  
тобда тобланган, хизматчи деса дегундек, бақувват эди. Бундайларни мулк-  
дорлар жон-жон деб ишга ёллашади, уларга кўпроқ ҳақ беришади, қизлар  
эса бунақа йигитларга ёпишиб оладилар.

Лекин Маттис унинг кўзлари бирдан ёниб кетганини унутолмасди. Бу —  
овчи, энди бу ёққа милтиқ билан келади, ўрмон ёқасида ётиб олиб, лойхў-  
ракни пистирмада кутади. Отиб ўлдиради, холос.

Балки, бугун кечқуруноқ келса керак. Агар унинг қорни оғриб қолган бўлса  
— бунинг нимаси ажабланарли?

У буни Хегега айтгиси келмади — чунки айтса, унинг ўзи жуфтлашув  
ҳақидаги гапни овоза қилгани очилиб қолади, бундан даҳшатлиси йўқ эди.  
Энди жуфтлашув ҳақида Маттис туфайли ҳамма хабардор — у ўзини ўзи юпа-  
тиб қўрди, аммо бу ёрдам бермади. Бугун ҳам у ўзидан ҳаммасини билиб  
кетгани атай келган овчига жуфтлашув ҳақида ахборот бериб қўйди-я! Фақат  
Маттис буни жуда кеч фаҳмлади.

Қорни янада қаттикроқ эса бошлади.

Бу оқшом ажойиб эди, илиқ ва булутли. Ҳаводан ёмғирнинг таъми келар-  
ди. Маттис бирон жойда қуролли оламни кўрса халақит бермоқчи бўлгандай,  
ҳар бир бутани кўздан кечириб, уй атрофини айланиб чиқди.

У ҳеч нарсадан умид қилиб бўлмаслигини англади. Бу ўрмон у йигитга  
ўхшаган юзларча милтиқли кишиларни панасига олиши ва Маттис уларни  
ҳеч қачон тополмаслиги мумкин эди. Шундай бўлса ҳам у бу ерларда борган  
сари қуюқлашаётган қоронғиликни ва бутазорларни кўздан кечириб айланиб  
юрарди. Вақт ўтган сайин кўринмас милтиқлардан кўркуви ортиб борарди.  
Ҳа, улар бу ерда кўпчилик бўлса керак.

Йўқ, йўқ, йўқ.

У худди уйни қамалга оландай эди. Аммо бунинг ёрдами тегармикин? Қуш-  
лар ахир ҳаволарда, баланд-баланд учишади. Маттис уларни огоҳлантириб ул-  
гурармикин, улар бўғотларга келиши мумкин, у ҳолда кеч бўлади.

Жуфтлашув бошланганини кўриб, у бутунлай сиқилиб кетди. Юраги тўхтаб  
қолди.

Мана, қуш учиб келди.

Бир лаҳза ўтди. Мана, у қўнди. Мана, у йўқ. Маттиснинг юраги тешилган-  
дай бўлди. Аммо, хайрият, қуш ҳеч қандай хатарга учрамади, ўқ овози ян-  
рамади.

Балки, Маттис буларни ўйлаб тошгандир? Йўқ, у янглишиши мумкин эмас.  
Милтиқ шу яқин орада, биринчи уринишда у отилмай қолгандир.

Маттис ўзининг фойдасиз айланишини давом эттирарди.

— Ҳей! — у бутазорни огоҳлантириб қичқирди.

Ҳеч ким жавоб бермади.

— Ҳей! — қаттикроқ қичқирди у.

Жавобдан асар йўқ. Лекин шу асно буталар ичида нимадир қисирлади. Тинч,  
аммо таҳдидли.

Нима бу? Маттис овоз қаёқдан келганини пайқамай қолди. У ерда одамлар  
борлиги аниқ эди. У яна қаттикроқ қичқирди.

— Мумкин эмас! — қичқирди тўғри ўша ёққа қараб. — Бу ерда ҳеч ким-  
нинг ёвузлик қилишга ҳаққи йўқ!

Ўрмон сукут сақлар эди.

Ҳозир лойхўрак иккинчи марта учиб келади.

— Керакмас! — кучсиз қичқирди Маттис — овози бўшашиб кетди. У би-  
қинган ўқчини жиноят қилмасликка чақириб, огоҳлантирдими ё яқинлашаёт-  
ган қушни бу ердан учиб кетишга ундаб, сақлаб қолмоқчи бўлдимми — буни  
ўзи ҳам билмасди. Балки, ҳам ундоқ, ҳам бундоқдир.



Бу кунги оқшом ўрмонни таниб бўлмай қолганди. Ҳар доим Маттис ўрмонда ўзини эмин-эркин ҳис қилган бўлса, бугун кечкурун бу ерда ажал яширинганга ўхшар, ҳар ёқдан ўлим таҳдид солар эди. Кўк тоқидан ёз оқшоми оқим бўлиб ёғилар ва сайхонликни тўлатиб юборганди, аммо бутазорлар ичида милтиқ яширинган эди. Ва бу ҳамма нарсани нобуд қилиши мумкин эди.

Маттис учинчи бора қичқирмоқчи бўлди, бироқ қанотлар хуштагини эшитиб, очилган оғзидан биронга садо учиб чиқмади.

Мумкин эмас, ичида шиквали ва салосиз йиғи ҳиқиллади.

Қарс! — Маттиснинг назари етмайдиган ичкарилиқда, ўрмон бўйлаб гулдурган садо ёйилди. Шу ондаёқ осмонда куш чинқирди.

Қарс! — тепаликлар бўғиқ садо берди.

Маттисни бамисоли жойига миҳлаб қўйишди. Аввал отилган ўқ уни қора тугун бўлиб босди, сўнг қоронғи осмондан яраланган лойхўрак қулади ва Маттисдан икки қадам нарида ерга шалоо этиб тушди.

Маттис аввалгидай, қимирлашга мажолсиз эди. У хаёлларини, итоатсиз ўйларини тартибга солишга уринди. Шу пайт бутазорлар ичидан йигит югуриб чиқди, Маттиснинг бадани ҳам шу дақиқанинг ўзида ўзини эркин ҳис қилди. У лип этиб сакради ва қўрғошин билан тешилган илиқ қушни дарҳол қўлига олди, эзилган патларини текислаб, қора кўзларига назар солди.

Қуш унга қаради.

Йўқ, йўқ, бу ҳақда ўйламаслик керак. Бундай ўйлаш мумкин эмас. Бу куш ўлик.

Ўликми, нега у ўлик бўлиши керак?

У ахир Маттисга қаради-ку!

Овчи очиқ жойга чиқди, яхши овидан қувониб бемалол Маттис томонга қараб чопиб кела бошлади. Тўғри, бу ўша, эрталаб Маттис учратган хушчақчақ ва кучли йигит эди.

Маттис ҳали ҳам қушни қўлида ушлаб турарди.

— Мерганлигим чакки эмас-а, тўғрими? — Йигит ярақлаган қора милтигини силкитиб қўйди. — У ўқдай физиллаб кетаётган эди, бироқ мен уни кўрган заҳотим, шарт милтиқни қўлга олдим.

Маттис жавоб бермади.

— Дарвоқе, сен бундай нарсаларни тушунмайсан, — деди йигит. — Аммо бу, ҳақиқий пойлогичлик, зўр мерганлик эди. Кўрдингми, тап тортишга йўл бермадим, у ҳатто тебраниб ҳам улгурмади.

Маттис эсанкираганча қушни қўлида ушлаб турар, индамас эди. Қушли қўли қамчидай осилганди, у худди нимани ушлаб турганини унутгандек эди.

— Сен бунга ўзингни деб ўйляясанми? — ҳайрон бўлиб сўради йигит.

Маттис индамас эди.

— Қани, бу ёққа бер, мен қандай мерганлигимни уйдагиларга кўрсатишим керак.

Йигит Маттисга кўз қисиб, дўстона бош ҳам ирғаб қўйди, айна пайтда милтиқни елкага осиб, кетишга чоеланди.

Аммо Маттис унга қушни бермади, итоат ҳам қилмоқчи эмас, йигитга еб қўйгудек қараб турарди. Йигит орта тисланди.

— Нега индамайсан? — деб сўради у. Ўрмондан чиқаётган пайтидаги қувончидан асар ҳам қолмаганди.

Маттис ўзини қўлга олди, ҳозиргина ўзига қараган ўша қора кўзлар ҳақида нимадир демоқчи бўлди-ю, аммо бирдан у қора кўзлар энди йўқлигини кўрди. У кўзларни энди тўр қоплаганди. Бошқа гапирадиган гапи йўқ эди. Шунда ҳам қушни бермади.

Маттис лойхўрак билан қолди. Узун тумшугидан ўтга қон томарди.

Йигит кетгач, Маттиснинг тили калимага келди ва:

— Кўзларини тўр қошлади... Энди кўрмайди... Қанотлари ичида қўрғошин, — деди минғирлаб, овози аранг эшитилди.

Маттис йигитни ўйламади. Қушни бермай аҳмоқона иш қилдим, деган туйғу йўқ эди. У эшик тагига келди, остонага қоқилиб, уйга кирди. У ерда лойхўракни столга қўйди.

Йўқ, бу босинқираб қўрилган даҳшатли туш эмас, ўнгида бўлиб ўтган ҳаётгий воқеа эди.

Лойхўрак танида оғир ўқ билан кўзларини юмиб ётарди.

Уни ердан кўтариб олганда, у Маттисга қаради, буниси аниқ.

Маттис бемаҳалда пайдо бўлганда Хеге уни ёмон қаршилашини ҳам унутиб, унинг эшигини тиқирлатди. Албатта, у ухлаб ётарди.

— Хеге! Тур! Тезроқ тур! Турмасанг бўлмайди! — деб қичқирди ёт овоз билан.

Хеге уйғонди, турмайман, деб жавоб берди хоҳишсиз ва асабийлашган ҳолда.

— Аммо туришинг зарур, Хеге. Бу ёққа чиқ. Фалокат юз берди.

— Яна нима бўлди?

Маттиснинг овози шундай эдики, Хеге шу ондаёқ:

— Чиқяпман, чиқяпман. Нима бўлди у ерда? — деди.

Хеге ўз хаёлларига чўмган, сочлари ёйилганча ўрнидан туриб келди. Маттис безовта қилганидан норози эди. У ҳеч нимани кўрмади. Маттис столда ётган лойхўракни кўрсатди.

— Бу сенинг лойхўрагинг-ку?

Маттис эзилиб бош ирғади.

— Мен ўқ овозини эшитдим, — деди Хеге. — Буниси сенга ким берди? Овчими?

— Йўқ, ундай бўлмади, — деди Маттис. — У отди. Аммо бу қуш уники бўлди, дегани эмас.

— Бу лойхўракни сен ўзинг олдингми?

— У эътироз қилолмади. Бу, ахир, унинг қуши эмас! Тушунасанми, Хеге?

Хеге жавоб бермади. У буниси тушунмади. У буниси тушуна олмас эди. Опа-ука столда ётган қушга қараб туришарди. Маттис учун бу — тушунини жуда оғир бўлган муаммо эди. Энди тушунини янада оғирлашди.

— Тушунасанми, Хеге?

— Йўқ.

— Демак, сен ҳам ҳаммага ўхшаган экансан, — деди Маттис алам билан. — Гап жиддий масалага бориб тақалганда доим шунақасан.

У қаттиқ изгирибди эди. Хеге яшин тезлигида бирон нарса ўйлаб топиши зарур эди.

— Қушлар шундоғам оз яшайди. Буниси билмайсанми, ахир? Айтмоқчиманки, агарда уни ҳеч ким отмаса ҳам, узоқ яшамаган бўларди...

Маттис бош чайқади.

— Мен қушлар узоқ яшайди деб эшитганман. Ўлаётганда менга қаради.

— Ким?

— Лойхўрак! Уни ердан кўтариб олганимда...

— Ҳали тирикмиди?

— Билмайман, лекин у менга қаради. Қарагани аниқ.

— Бу ҳақда ўйламаслик керак, — деди Хеге. — Агар ўлган бўлса, сенга қаролмасди. Булар бари кераксиз гаплар.

— Кўзлари кейин тўр билан қошланди.

Хеге гапга чек қўйиш учун қатъият билан деди:

— Бу ҳақда ўйлашни бас қил. Қушни бу ердан йўқот, мен унинг столда ётишини хоҳламайман. Биз уни емаймиз.

Маттис қалтираб кетди.

— Уни ейиш... йўқ...

— Обор, уни бирор қатгароқ тош тагига кўм.

— Катта тош тагига? Нима учун?

— Унга бошқа ҳеч ким зарар етказмасин учун.

— Тўғри айтсан, — Маттис миннатдорлик билан гапирди.

— Кейин тез қайтиб келиб, ухлайсан. Бошқа ҳеч нима қилишнинг иложи йўқ. Тушунарлими? Бундай нарсаларга сабр қилиш керак.

— Ҳа, лекин...

— Бўлди, Маттис. Баъзида шундай ҳам бўлиб туради.

— Буниси ўзим ҳам биламан, — деб қўйди Маттис. — Мен сендан бошқа нарсани сўраганим.

Хеге ётоғига кириб кетди, юпун кийимда бўлгани учун, совқота бошлаганди. Маттис эса лойхўракни олиб чиқиб кетди ва ҳаммасини Хеге айтганидай қилди.

Маттис терлаб-пишиб кетди, аммо ишнинг энг оғир қисми битган эди. У лойхўракнинг беҳатар ётишини ўйлаб ва унинг иззатини жойига қўйиш учун, баҳайбат бир тошни думалатиб келди. Бу харсангни олиб келишга бор-йўқ кучини сарфлади. Тун яримлаб қолган эди.

Кейин бир оз дам олгани шу тошга ўтирди.

Агарда бу Хеге бўлганида... — деб ўйлади қутилмаганда.

Сокин ион кечаси бу фикр бошидан изгириқ каби сескантириб ўтди. Маттис ўз фикридан ўзи кўрқиб кетди. Бирдан ўзини ҳамма ташлаб кетгандай кўринди — Хеге ҳам, лойхўрак ҳам — ҳар иккови харсанг остида ётардилар.

Кўзларини тўр қоплаган, дарёлар тўхтаган бўлади.

У бор-йўқ қувончидан айрилгандай, гўлдиреди. Унинг барча ғайриоддий сўзлари ҳаммавақт қувонч билан боланган бўларди. У хавотир билан кўлмакка, ўтларга, уйқудаги ўрмонга қараб қўйди. Бирдан совқотиб кетди. Минг бор шукрки, Хегенинг ёнига боради. Шунча воқеалардан кейин бу ерда Хегесиз қололмасди.

У яна опасининг эшигини тиқирлатди.

— Олдинга кириб ётай, Хеге, бир ўзим ётолмаяпман, — деди у эшик тирқишидан.

У ғира-шира қоронғида деворга тақалган ойна тагида ётган Хегени кўрди.

— Кира қол, — деди у, ҳайрон қоларли даражада итоат билан.

Демак, у ҳам ухламаган экан. Маттис кирганда:

— Айтганимни қилдингми? — деб сўради майин овоз билан.

— Ҳа, лекин...

— Яна бир нарса бўлдимми? — деб сўради у тезгина.

Унинг майин гапиришларидан у баттар қийналиб кетди, ухлатмагани учун жаҳл билан уришиб бергани яхшироқ эди.

— Ҳа, аммо буни сенга айтолмайман. Аслида шу боисдан сенинг олдинга ухлагани келгандим.

— Ҳеч нимадан кўрқма, — деб қўя қолди Хеге.

— Кўрқма? Нимадан?

— Билмайман, овозингдан шунчаки кўрқаётгандай кўридинг. Сен бу қушни унутишинг керак.

— Йўқ! — Маттис қичқириб юборди. — Мен фақат лойхўракни айтмаяпман.

— Кел, ёнимда ёт. Дарров ухлаб қолишингга ишонаман.

У келди. Опасининг ёнида, кўрпа устида ётди. Гарчи у опаси бўлса ҳам, ундан аёл ҳиди келарди. Маттиснинг фикрлари аралашиб кетди.

— Бошмоғингни ечиб ташладингми?

— Ҳа, — деди у. Сўнг қўшимча қилди: — Қандай ачинарли эди-я, бу қуш...

— Энди у тош остида тинч ётибди, — Хеге унга таскин берди.

— Сен менга нима демоқчисан? — сўради у, чунки укасини беш қўлдаи биларди. Маттис чўчиб тушди.

— Ҳеч нима!

— Бўпти-бўпти, кейин бир кунмас-бир кун айтарсан, ҳозир эса, кел, ухлайлик.

У шу топда опасининг қўллари қайтадан юзларини силашини орзу қиларди, аммо орзуси беҳуда эди.

— Хеге, — деди у, эҳтиётлик билан.

Опаси жавоб бермади, энди уни чинакамига уйқу босганга ўхшарди — Маттис ёнида, опаси тинчланган эди.

*Давоми бор.*



*XX аср Корея шеъриятидан*

## Гулга кирди тоғ шафтолиси

ЛИ САН-ХВА

(1890—1957)

### ТОРТИБ ОЛИНГАН ДАЛАЛАРДА БАҲОР

**Б**аҳор қайтди тортиб олинган далаларга ҳам —  
Бегона ерларга энди мен учун.  
Кўёш шуълаларин мавжидан шодон  
Шолизорда — текис фарқдек очилган  
Сўқмоқдан бормоқдаман, худди тушимда.

Осмон сукут ичра, сукутда дала,  
Ўзимча келмадим бу ерларга мен.  
Кимдир чорлади-ку, баҳор, сенмасми?  
Эзилди юрагим, айлангиз жавоб.

Шамол шивирлайди қулоқларимга,  
“Тўхтамагин”, дея либосим этаклари шитирлар.  
Севинчи тошган қизалоқ каби,  
Тўрғайлар мени кўриб қувнаётирлар.

Бир кечада бўйи чўзилиб қолган  
Арпа даласининг аршига чиқиб,  
Ярим тун бошланган шаррос ёмғир-ла  
Қуюқ сочларини ювибсан унинг,  
Бундан ҳатто мен ҳам туйдим енгиллик.

Сув қайтар далалардан,  
Мангу ўйноқ сувлар, қақроқ далаларни кучиб,  
Алла айтиб, айланиб-ўрғиларлар.  
Қўшиқларин куйлаб бўлиб,  
Хайрлашарлар далалар билан,  
Елкаларин ўйнатиб, бир-бирлари-ла  
Рақсга тушганча.

Тепамда капалакдек бўлиб гиргитгон,  
Кўп шоширманг, “тожи хўроз” гулларига  
Эҳтиромим улашиб олай.

Юрагим орзиқар, қачонлардир бу ерларни  
Тер тўкиб ўтоқ қилган, юзлари кунжуг мойи  
Сурилгандек ялтираб кетган одамларни кўрмоққа.

Менинг қўлимга омоч беринг,  
Куракларим оғриқ сезгунга қадар  
Ҳис этайин ерни, унинг юмшоқ тупроғин,  
Ҳечқиси йўқ, хийла терласам.

Дарё соҳилига тушган гўдакдек  
Тин олмай, тўхтамай, мангу югурасан, руҳим,  
Ажаб, нелар излайсан сен, йўл олгунг қайга?

Майсалар исига чулганиб буткул,  
Бутун кун, бутун тун оқсоқлаганча  
Яшил ғусса мовий табассум ила  
Ковушган уфқ сари кетгум одимлаб.  
Бироқ даламдан айрилиб — мен энди  
Баҳордан ҳам айрилиб қолдим, шекилли.

## ЧО НАМ-СОН

(1890—1957)

### ДЕНГИЗ ВА ЎҒЛОНЛАР

Галаёнли тўлқинларим, тўфоним-ла мен  
Синдираман ва йиқаман ҳамма нарсани.  
Нима менга — тоғ ҳайбатли юксак мақбара,  
Нима менга — чўнг қоялар метин, нурамас,  
Сиз билмайсиз қудратимни, жазавамни, о,  
Синдираман ва йиқаман ҳамма нарсани  
Тугёнларим, наъраларим, дағдағам билан!

Мен жунбушга кирганимда қаҳримни сочиб,  
Ҳеч нарсадан қўрқмагайман, ҳатто барчани  
Қаршисида тиз чўктирган энг кабир куч ҳам  
Рўпарамда узр сўрар тушиб юзгубан.  
Ҳеч ким, ҳеч ким бас келолмас менинг қаҳримга,  
Менинг жунбуш тўлқинларим, наъраларимга!

Тўлқинларим шиддатию тўфонларимдан  
Ким бор яна юрагида титроқ туймаган,  
Ким бор яна рўпарамда таъзим қилмаган?  
Сиз-чи, шаҳаншоҳлар, сиз-чи, Наполеон?..  
Маҳқумдирсиз сиз-да менга куллуқ қилмоққа!  
Айтинг, ким ҳам ҳадди сигиб тортиша олур  
Менинг наърам, дағдағамнинг шукуҳи билан!

Мавжларимнинг шиддатию тўлқинларимга  
Нигоҳ ташлаб олислардан — тоғлар қўйнида  
Ёки тошлоқ соҳилларда — нақ кафтча ердан  
Тиришқоқлик билан ризқин ундира билган  
Ҳада мағрур ҳис этувчи ўзини шундан,  
Келгин сен ҳам яқинимга, қара яқиндан,  
Тўлқинларим жунбушига, тугёнларимга!

Мавжларимнинг жунбушию тугёнларимга  
Бас келолгай ёлғизгина бир салоҳият,  
У ҳам бўлса худди ўзим каби турфа хил  
Майда баҳсу ҳамда майда адоватлардан  
Доим баланд туролувчи мовий осмондир,  
Чиркин фиску фужурлардан, фитнадан холи!

Мавжларимнинг жунбушию галаёнимда  
Гарчи жўшар менда жами борлиққа нафрат,  
Дунёдаги барча одамга ҳатто.  
Лекин улар аро борки мудом энг асл,  
Қалби тоза, матонатли, ёвқур ўелонлар,  
Улар гўзал қайиқларга ўтириб ўктам  
Отиларлар менинг бағримга шодон,  
О, келингиз, қучайин бир, ўпайин сизни!  
Ҳавасини кўзғатмоқда қайиқларингиз —  
Тагин саркаш тўлқинларим, тўфонларимнинг!

## ХАН ЁН-УН

(1879—1944)

### БАҒИШЛОВ

Севгилим, сен руҳан юз бора чиниққансан,  
Қабул айла самовий севгимни,  
тут дарахтин мевалари айланмасдан бурун  
марваридларга,  
Севгилим, менинг севгим — тонгнинг илк нурлари.

Севгилим, сен яхши биласан  
қарз юки қанчалар оғирлигин,  
тилланинг енгиллигин.  
Қапшоқнинг даласига фаровонлик уруғини сеп.  
Севгилим, менинг севгим — кўҳна жезнинг  
ичкин товуши.

Севгилим, сенга баҳор ёқади,  
ёқар ҳаёт ва дунё.  
Сен ҳимматли инсон бўлгин  
кўз ёши шашқатор инсон қалбида.  
Севгилим, сенинг севгинг  
совуқ денгиздан эсан  
баҳор елларибир бамисли.

### ПАРОМЧИ ВА ЙЎЛОВЧИ

Мен кечувдаги паромман, сиз — менинг йўловчим,  
Сиз доим чанг оёқларингиз билан чиқасиз,  
Мен эса сизни дарёдан ўтказаман,  
Сизни олдимми — чуқур, саёз, тезкор бўлмасин дарё —  
ўтказиб кўяман.

Агар сиз келмасангиз,  
Қунми, тунми, ёмғирми, қорми — мен кутавераман.  
Сиз ўтиб бўлгач, кетасиз, ҳатто  
Оргингизга бир бор қайрилмай.  
Мен эса кундан-кун кутиб,  
Тобора унниқавераман.  
Мен кечувдаги паромман, сиз — менинг йўловчим.

**КИМ СО-ВОЛЬ**

(1903—1934)

**АЗАЛИЯ<sup>1</sup>**

Агар зериккан бўлсанг, кетишинг мумкин,  
Бир сўз қотмасман.

Дунёдаги энг гўзал арчагуллар гулини териб,  
Йўлингга сочгайман.

Ҳар қадам учратиб ушбу гулларни,  
Гулбаргларин бир-бир босиб ўтгин сен.

Агар зериккан бўлсанг, кетишинг мумкин,  
Ўлсам ҳам... кўз ёши қилмайман.

**ТОҒДАГИ ГУЛЛАР**

Тоғда — гуллар.  
Тоғда гуллар гуллар, гуллар гуллар.  
Кузми, ёзми, баҳорми — бари бир гуллар гуллар.  
Тоғда,  
Тоғда очилар гуллар, ёлғизгина бўлса ҳам очилар.  
Тоғда бирам кўңдир сайроқ кушчалар!  
Гуллар — истаганингизча.  
Тоғда яшанг!  
Тоғда гуллар хазон бўлар, тўкилар.  
Кузми, ёзми, баҳорми — бари бир гуллар тўкилар.

**ҚАЛЬ НИДОСИ**

Исм чил-чил синди! Сочилиб кетди қоронғиликка!  
Чақираман, лекин исмнинг эгаси йўқ!  
Чақираман ва мен шу исм билан ўламан!

Қалбимда биргина сўз қолди  
Сўнгигача айтилмаган.  
Бу — севгилим!  
Бу — севгилим!

Қизил қуёш мағриб тоғларин тароқларига илинди,  
Оҳулар тўдаси ҳам ғуссанок бу дам.  
Юксак тоғ чўққисидан исмингни айтиб чақираман.

Овозим узоқ учар акс-садо бериб,  
Осмон ва ер ораси бунчалар узун!

Агар шунда тошга айланиб қолсам-да,  
Чақираман ва ўламан шу исм билан!  
Бу — севгилим исми!  
Бу — севгилим исми!

<sup>1</sup> Доим ям-яшил бўлиб турадиган манзарали бутоқли ўсимлик. Бу ерда — қиз исми.

**КИМ ЕН-НАНЬ**

(1903—1950)

**ПИОНГУЛЛАР ЯШНАБ ТУРАРКАН**

Мен мудом ўз баҳоримни кутиб яшайман,  
 Бироқ пионгуллар хазон бўлган кун  
 Чулғанаман ғам-ғуссаларга,  
 Баҳор ҳам жим, мунғайиб қолар.  
 Май кунларин бирида, димиққан кунда  
 Ерга тушса қовжираган бирорта гулбарг,  
 Бирдан йўқолади пионгуллар денгизи.  
 Менинг қалбимда сўнар жунбуш завқ,  
 Пионгуллар ғойиб бўлар, кетарлар бундан  
 Ва менинг бутун йилим — 360 кун  
 Улар билан кетар йўқликка,  
 Мен эса хўрсиниб йиғлайман ғамда.

**ТУГАНМАС ДАРЁ ОҚАДИ**

Қайлардадир, қалбим туб-тубларида  
 Ҳеч туганмас дарё оқадир.  
 Отаётган тонг  
 Кумуш тўлқинларини яна-да ярқиратар,  
 Юрагим — кўксим ёки томиримда —  
 Яшириниб олар, мунғайиб.  
 Қайлардадир, қалбим туб-тубларида  
 Дарё оқар, туганмас дарё.

**ПАК ЕН-ЧХОЛЬ**

(1904—1938)

**КЕТАЁТГАН КЕМА**

Мен ҳам кетаман.  
 Наҳотки кўз ёш-ла кузатсам ёшлигимни?  
 Кетаман мен.

Осонми бу файзли соҳилни тарк этмоқ,  
 Кўз ўнгимда жонланар олмос чўққили  
 тоғлар манзараси,  
 Нигоҳларим ардоқлар қадрдон кишиларимнинг  
 ҳатто ажинларин...  
 Кетар экан, унутиб бўларми буларни?  
 Бошқалар кўнглига ғашлик солган  
 булутларга ҳатто суқланиб боқаман,  
 Шамол юзларимга урилар.  
 Учрата олурманми яна орзуларим рамзи бўлган  
 олмос чўққили тоғларни?

Мен ҳам кетаман.  
 Наҳотки ёшлигимни кузатсам кўз ёш-ла?  
 Кетаман мен.



## КИМ КВАН-КУИН

(1914)

## ҚОРЛИ КЕЧА

Қоронги тун изсиз йўқолар  
 Олиб келишганда менга нохуш хабарни.  
 Пилик туғаб борар, мойчироқ шуъласи липиллар,  
 Қор эса ёғади эски хотиралар гуссаси янглиғ.  
 Энтикиб кетаман, оғзимдан чиққан бунни тутаркан,  
 Юрагим бўшлиғини ёритаман чироқ шуъласи билан.  
 Либос сасларини эшитаман, аёл вужудидан тушаётган.  
 Қор ёғар зулмат сари,  
 Унут хотиралар бўлакларин йиғиб,  
 Уйғотиб юракда ўтмишнинг дилгир ўкинчларини.  
 Ёғар қор паға-паға — рангсиз ва ҳидсиз,  
 Бироқ тикар танга совуқ либослар  
 Ва менинг гуссам ҳам қорда  
 Уюмга айланиб, тобора каттариб борар.

## КУЗ АЙЁМИ СЕЗГИСИ

Ердаги хазонлар поляк муҳожир ҳукуматининг  
 қоғоз пулларини эслатар,  
 Кузги осмон,  
 замбарак ўқларидан вайрон бўлган Торунь шаҳри.  
 Йўллар, эгри-бутри, мисоли ечилган ва  
 нижимланган бўйинбоғ,  
 Кундуз қуёши шарпаси остида йўқолар —  
 Ҳалқа-ҳалқа тамаки тутунларин чиқариб,  
 Яна учар ирода устидан икки соатли поезд.  
 Ошпоқ теракларнинг яланғоч шохлари аро  
 Завод томлари кўринар, оқ тишлар каби.  
 Шамол майишган темир тўсиқ бўлагин ўйнар,  
 Тепада сувқоғоздан булут осилган,  
 Оёғим-ла бузаман,  
 ёввойи ўғлар-ла чирмашиб кетган  
 буталарнинг пишиқ деворин,  
 Бунда ўрин йўқ  
 хотираси нигун ёлғизлар учун.

## ПАК ТУ-ЧИН

(1916)

## ҚУЁШ

Чиққин, қуёш, чиққин!  
 Нурли, мусаффо юзинг билан ярқира,  
 эрка қуёш!  
 Кўтарил тоғ чўққилари узра  
 Ва ёрит туннинг зулматини.  
 Кўтарил тоғ чўққилари узра,  
 Ёндир, абас айла қоронғиликни.  
 Мен нафратланаман ойдин тундан,  
 Хуш кўрмайман ойдин тунни —  
 Ой дарёларни кўз ёшлари мисол ёритган палла.

Куёш, эрка куёш,  
 Сен чиққанда яшил тоғлар  
 Менга гўзал кўринар.  
 Унинг кулоч отган силсилалари  
 Кўзим яйратар,  
 Мен хуш кўраман яшил тоғларда ёлғиз қолмоқни.  
 Мен оҳуни кузатаман, кўздан қочирмайман  
 Куёш остидаги серхол оҳуни.  
 Оҳунинг изидан эргашаман куёш тигида,  
 Агар тутиб олсам,  
 Мен ўйнашаман у оҳу билан.  
 Мен изидан эргашаман йўлбарснинг,  
 Йўл-йўл йўлбарснинг,  
 Агар тутиб олсам,  
 Ўйнашаман мен йўлбарс билан...  
 Куёш, эрка куёш,  
 Чиққин!  
 Сени мен кўрганим дамда илк тонг,  
 Гулларни, йиртқишларни ва қушларни  
 Чақираман баланд овоз-ла.  
 Баланд овозда хитоб қиламан,  
 “Тўхтаг бир лаҳзага” дейман  
 Ва ёнимга чорлаб барчани,  
 Янги кун шукуҳидан туяман сурур.

## ҚАБРИСТОН МАДҲИЯСИ

Тепачалар — қабристондаги  
 Яшил майсалар-ла безанган дамда  
 Унча қайғули ва ёлғиз кўринмас.  
 Оқарган чаноқлар қоронғилиқда  
 Таратар мурдалар ҳидин.  
 Тириклигида кўп оҳлар чеккан мурда  
 Заминга куёш нури тушган лаҳзада  
 Бирдан хўрсинишдан тўхтади.  
 Гиёҳлар аро гуллар айиқтовонлар,  
 Чиройли сайрар бунда қушчалар.  
 Ётар мурдалар юмшоқ қабрларида  
 Баҳорнинг куёшида исиниб.

## ТОБОНГ ТОҒИ

Тоғ қушчаси энди ҳеч қачон  
 Сайраш учун қайтмайди.  
 Булутлар сузиб борар экан,  
 Яйдоқ саҳроларга  
 Қайтмайди энди ҳеч қачон.  
 Инсон руҳидан асар йўқдир бунда —  
 Бу тоғларда фақат шомнинг изи бор.  
 Мен чақираман баланд овоз-ла  
 Йўқ кимсани.  
 Фақат акс-садо даралар аро беҳуда санғиб,  
 Қайтар ўзимга.

Шафақтаги қизил қуёш  
 Тоғлар соясини узайтар,  
 Шом ўрнини олар серюлдуз кеча.  
 Вақт ўгиши билан  
 Ҳаёт совуқлашиб борар,  
 Муҳаббат эса изтиробга тўлар тобора.  
 Фақат сени деб қалбимни очаман мен  
 Бу ғуссага, бу узун кечага.  
 Сен қайси мен билмас қишлоқда  
 Ҳордиқ чиқараётгирсан —  
 Ўтказаётгирсан бу кечани?

## ЧО ЧЖИ-ХУН

(1920)

### РОҲИБА РАҚСИ

Оппоқ ёпинчиғи майин шоҳидан,  
 Қўниб турган капалақдир нақ.  
 Тақир боши ҳарир мато остидан  
 Ялтиллаб кўринар.  
 Ол ёноғи шундоқ масъумки,  
 Қўнглинг оҳларга тўлар.  
 Бўм-бўш кат устида шам нури милт-милт.  
 Нокнинг шохларига қўниб ўтар ой.  
 Ҳаволанар узун енглар осмонга.  
 Чиройли, мўъжаз пайпоқларда  
 Енгил учар унинг оёқчалари.  
 Қўтаргач у қобоғин майин,  
 Ёндиргувчи кўзлар нигоҳи  
 Тўқнашар юлдуз-ла энг олисдаги.  
 Майин ёноқларда икки томчи ёш —  
 Юлдуз кўз ёшлари — дунёга муштоқ,  
 Гарчи бисёр унда ҳали ғам-ғусса.  
 Дам тўлганган вужуд, дам яна кўкка  
 Узатилган қўллар  
 Кафтларини майин сиқимлаб,  
 Юракнинг тубидан чиқиб боргувчи  
 Илоҳий ҳаяжон титроғин берар.  
 Ушбу тун ҳаттоки чиридоқлар ҳам  
 Қўз юммади, ухламадилар.  
 Оппоқ ёпинчиғи майин шоҳидан,  
 Қўниб турган капалақдир нақ.

### ҚАҚНУС

Забардаст устунлар, қўнғизларга ем,  
 қўнғироқлар саси таралган  
 бўғотлар остида унниққан ёзув,  
 тартибсиз уялар қуриб ташлаган  
 қалдирғочлар ҳамда ўрмон қушлари.  
 Бутун мамлакат таъзим қилган қирол тахти  
 ўргимчак тўрлари билан чулганган,  
 устида жамики эзгу тилакни

ижобат қилгувчи ёқут кўзли жуфт  
аждаҳо ўрнига иккита қақнус  
бураб қадалган.

Қачондир куйлаган бунда қақнуслар.  
Соям мовий гумбаз остидан ўтар,  
тошли деворлари узра қудуқнинг.  
Яшил тошли шокилалар саслари тинган.  
Бирдан ўн саккизинчи даражага қадар  
амалдорлар йиғилар манзилни кўрсатувчи  
тош устунчалар ёнида вужудимга менинг  
жой тошилмади умуман.  
Агар билганида эди  
ортиқча кўз ёшлар бачканалигини,  
қақнус улкан, чўнг осмонга қараб  
аччиқ нолалар қилган бўларди.

## АЛАФ ЯПРОҚЛАРИ

Қорли изғиринлар тинмай ялаган  
Вайроналари остида кўҳна қальанинг,  
Мана, асрларким ётар улкан тош.  
Устидан булутлар сузиб ўтгувчи  
Тепаликка ғамгин чиқиб бораркан,  
Қорли шамолларга кўксини очган  
Алаф япроқларин ҳолин англайман.  
Чулғайди эпкинлар мени-да шу дам.  
Ҳаёт ниҳоллари гул очган айём  
Изтиробга тўла юзларимизни  
Бир-бирига яқин келтирган кўйи,  
Ҳорғин жилмайганча курамыз суҳбат.  
О, мангу руҳ япроқлари, улар  
Вақт оқими сокин оқувчи  
Маъволарда фақат гулларлар пинҳон.

## ПАК МОК-ВОЛЬ

(1917—1978)

### ОЙ

Гуллаётган шафтолининг  
Шохларига яшириниб  
Ой сузиб борар.  
Недонг-мён ёки Одонг-мён  
Қишлоқлари устидан,  
Пульгукс ибодатхонаси турган жойлар,  
Кёнгчжу вилояти узра.  
Ой сузиб борар  
Гуллаган шафтолининг  
Шохларига бурканиб.

## ТОҒ ШАФТОЛИСИ ГУЛЛАДИ

Тепалик,  
Хугасан тепалиги,  
Қизил тошлари ял-ял тепалик.

Гулга кирди тоғ шафтолиси,  
 Гуллари битта ёки  
 Иккита шохида, холос.  
 Кўнғир-яшил сув тошқинларида  
 Эрир баҳор қори,  
 Унда оху, она оху  
 Ўзининг оёқларини ювар.

## КАБИСА ЙИЛИ БАҲОРИ

Қарагайзор чанглари чарх урар  
 Олис тоғ чўққисида.  
 Кабиса йилининг баҳор куни жуда узун.  
 Какку сайрай бошлаганда,  
 Қияликдаги қабристон қоровули уйида  
 Қўзлари кўр қиз  
 Турар эшик кесакисига босиб қулоғин...  
 Ниманидир эшитар.

## КИМ ХЁН-ЧО

(1956)

### ТОҒ

Оёққа тургач у  
 Кўйиб юборди нафсини;  
 Бойликлар орттиргач  
 Унута борди уятни.  
 Юксак осмонларга интилди  
 Ва унинг ташвишларидан  
 Кирланди мусаффо дунё.  
 Тоғ,  
 Бағрида қийғос очилган  
 Гуллар қулгусини яширди.

### КЎЛ

Қачонлардир жавлон урган вақт  
 Томчига айланиб, уйқута чўмди.  
 Қулгусиз, фарёдсиз бўм-бўш бир макон.  
 Коинот ва вақт  
 Сўйлашар шивирлашиб.  
 Борлиққа кўмилган  
 Ҳаёт шуқуҳи.

## АЗАЛИЯ ГУЛИ

Ёғоч тахта қон рангига бўялган,  
 Бу уйда,  
 Гуллар ўрнига бунда  
 Қашшоқлик барқ урар.  
 Ёлғизлик бағрингни тунлар кемирар.  
 Яланғоч шоҳларда мева қолдиғи,  
 Ойдин тун бағрида йиелайди қушча.

Дудоқлар гезарар сўзлардан  
Курсоқ бўм-бўш.  
Бир қошиқ атала  
Қотар томоқда.

## КИМ ЁН-ГИ

(1960)

### АЙРИЛИҚ

Ер юмалоқ,  
Қуёш юмалоқ,  
Коинот ҳам юмалоқ,  
Агра эгри бўлмаса инсон туйғулари,  
Изига қайтсин.  
Ҳар ким ёдуга дуч келар йўлида,  
Дуч келар янги барг чиқарган ниҳолга.  
Парвоздаги кушдек, туяман аён  
Ернинг тортиш кучи, осмон залварин.  
Янги кун ҳақида қайғураман  
Ҳеч кимни ўйламай,  
Ғамдан мосуво вақт — бардошли анъё,  
Бирлаштирар одамларни янги уфқ ишқи.  
Майли, ҳозирданоқ отлансин йўлга  
Бизни ташлаб кетишга  
Аҳд қилганлар.

## ТОВОН-САДАГИ БУДДА ИБОДАТХОНАСИ

Ўрганмоқдаман ўлишни.  
Ажиб водий узра тек қотди шамол,  
Чулдираган ирмоқ уммонга етолгайми,  
Гарчи тоғ қуши ҳар мавсум  
Илтижо қилса ҳам Буддага.  
Яғоч шақилдоқнинг огоҳлантурғувчи  
Садоси уйғотар мудроқ тоғларни.  
Шу боис ўлмоқ душвор.  
Ортдаги умримга ташлайман нигоҳ...  
Эҳ, душвор!  
Тугундек ортмоқдаб васиятларни  
Югурамиз ҳаёт қўйнида ҳаргиз.  
Бироқ ақидалар  
Синар муз каби.  
Музлаган юрак ҳам сингайми шудоқ?  
Яшаса бўлурми дардсиз, соғинчсиз?

*Мирнўлат МИРЗО  
таржималари.*



Гулистон ОМОНОВА

## «Мовий оху» гуруҳи иждоди

30-йиллар бошларида Корея адабий майдонида “Мовий оху” номи билан янги гуруҳ пайдо бўлди. Чо Чжи-хун, Пак Мок-воль, Пак Ту-чинлар ушбу гуруҳнинг кўзга кўринган намояндалари эдилар. “Мовий оху” тарафдорлари ўз иқтидорларини жонажон табиат гўзаллигини, миллий маданият ёдгорликлари ва ашъёларини, машҳур ибодатхоналар, эҳромлар, будда қадамжоларини қуйлашга бахшида этдилар.

“Мовий оху” шеъриятида табиат юксак мақомдаги олий мезонни ўзида мужжасам этган гўзалликнинг моддий таянчига айланади. Қадрдон ўлка чиройининг шеъриятдаги сурури инсонни софликка, буюк соддаликка яқинлаштиради.

“Мовий оху” тимсоли тезкор ривожланаётган ва ўзгарувчан ҳозирги замонда ўз бокиралиги ва табиийлигини йўқотиб бораётган инсон туйғуларининг бамисоли тажассуми эди. “Мовий оху” тарафдорлари фикрига кўра табиат инсон учун ҳаёт ташвишларидан, курашлар гирдобию турмуш укубатларидан жон сақлаб, руҳиятини тозарга оладиган эҳром ҳамдир. Ҳамма шоирлар иждодида табиатга сифиниш биринчи ўринда туради, зеро ўлка гўзаллиги талқини муқаддас қадриятлар мезонига айланган.

“Мовий оху” поэзияси мумтоз шеърият, яъни “канхо” (дарё ва кўллар) шеъриятида кўп қўлланилувчи манзара лирикасининг энг яхши анъаналарини бойитди. Ёлғизлик сурурини қуйловчи “канхо” шеъриятдан фарқли ўлароқ, “Мовий оху” поэзияси ёрқин ватанпарварлик ва инсонийлик туйғуларини ҳам ўзида мужжасам этди. Бунинг маълум сабаблари бор эди, албатта. Зеро бу гуруҳ фаолияти Корея тарихининг мамлакат ўз мустақиллигини йўқотиб, икки ўн йиллик давомида япон босқинчилари зугуми остида яшаган даврга тўғри келди. Бу даврдаги босқинчилик сиёсати, аввало ҳар жиҳатдан мустабидларни улуглаш ва ерли халқдаги миллий шуурни пасайтириш орқали тарихий ўтмишни бузиб кўрсатиш, анъана ва урф-одатларга нописандлик билан қарашдан иборат эди. “Мовий оху” тарафдорлари, яъни чинакам миллийликни қуйлаган шоирлар, цензура билан қаттиқ курашган ҳолда нафақат миллий туйғуларини ифода этдилар, балки истибод сиёсатига ҳам очиқдан-очиқ қарши чиқдилар. Бу тамойил “Мовий оху” шеъриятига фаол йўналиш бериб, уни ваганшпарварлик туйғулари билан бойитди. “Мовий оху” тарафдорлари ўзларининг табиат лирикасида кўп асрлик ёдгорликлар, қадамжолар, яшил телаликлар ва мовий кўллар гўзаллигини қуйлабгина қолмай, йўқотилган озодликни ва тинч ҳаётни қўмсаш туйғуларини ҳам ўз иждоларида ифода этдилар. Айни чоғда улар ўз халқига табиат олдида масъуллиқни, уни авлодлар учун асраш туйғусини синдиришга ҳам ҳаракат қилдилар. “Мовий оху” поэзияси анъанавий табиат лирикасини қуйлаш оқимида ривож топди.

Ажойиб шоир ва педагог Чо Чжи-хун бу гуруҳнинг ёрқин намояндаларидан бири эди. У 1920 йили Енанда, мумтоз маърифат анъаналари кучли бўлган, олимлар ва илм эъозланувчи оилада дунёга келди. У хитой адабий тилини бобосидан ўрганди. Коллежда таҳсил олгач, 1941 йили машҳур будда ибодатхонасининг Воль Чжун-са академиясида ўқитувчилик фаолиятини бошлади.

Шоир дунёқарашининг шаклланишида унинг кўп йиллик ўқув тажрибалари ҳамда академиядаги будда фалсафасидан берган таълим жараёни катта таъсир кўрсатди. Чо Чжи-хун ўз ижодини жуда эрта бошлади. 20 ёшида унинг шеърлари ўша даврнинг машҳур нашри бўлган “Асарлар” номли адабий журналида босилди. 22 ёшида корейс тили изоҳли луғатини яратиш бўйича иш олиб бораётган тилшунослик жамияти аъзоси бўлди. 1945 йили мамлакат озод бўлганидан кейин у ўзини япон босқинчилиги даврида бутунлай тақиққа учраган корейс тилини ўрганишга ва унинг қайтадан туғилишига кўмаклашишга бағишлади. Чо Чжи-хун корейс тили, адабиёти ва маданияти тарихидан турли коллежларда сабоқ берди. У 1948 йили Корё университетининг профессори унвонига сазовор бўлиб, йигирма йил давомида, яъни умрининг охирига қадар унда фаолият кўрсатди. Чо Чжи-хун таниқли жамоат арбоби ҳам эди — у “Корея маданияти тарихи”га муҳаррир, Корё университети қошида тузилган ҳозирга қадар ишлаб келаётган Корея маданиятини ўрганиш институтининг ташкилотчиларидан бири бўлди. Унинг “Тоғдаги ёмғир”, “Мовий оху шеърлари” (1952), “Чжо Чжи-хуннинг танланган шеърлари” (1956), “Аввалги тарих” (1959), “Мовий оху”дан кейинги шеърлар” номли бир қанча тўпламлари чоп этилди.

Чо Чжи-хун поэзияси кўп қирралидир. “Тонгги шудринлар”, “Мен най чалганим маҳал”, “Бананзорда” каби асарлари корейс мумтоз шеърляти таъсири остида ёзилган бўлиб, унинг табиатни куйловчи шеърлари туркумига асос бўлди. Сўз санъаткори ажойиб табиат манзараларини чизибгина қолмайди, балки ўзининг фалсафий мулоҳазалари билан турмуш, табиат ва инсонга дохил муаммоларга муносабатини билдиради. Ушбу манзара-шеърлар беихтиёр ўқувчини маълум бир маънавий оламга, туйғулар дунёсига тортиб кетади.

Санъаткор ижодининг анъанавий поэзия билан оҳанглошлиги лирик қаҳрамоннинг маҳзун кайфиятида, афсус-надомат туйғуларида, борлиқ табиат гўзаллигига нисбатан “сабабсиз нола”да, умр ўткинчилиги, ҳаёт тезоблигидан юракка чўккан андуҳларда кўринади. Одатда, мумтоз шеърлятда бундай кайфият ёлғиз сайёҳ, тақводор ёки дунё ташвишларидан софланиш учун табиат кўйнидаги узлатга чекиниб, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги мулоҳазаларга берилган инсон орқали ифодаланган. Бундоқ фикр-мулоҳазалар, одатда, юксак тоғларда ёки чўлу биёбондаги узлат қўйнида туғиларди, зеро инсон қалби табиат сокинлиги оғушида ўз ички дунёсига теранроқ назар ташлайди ҳамда табиат товушлари ва ранглариини ўткирроқ илғайди. Инсон ҳаётининг мўртлиги ҳақидаги туйғулар хусусан шу муҳитда фожей оҳангларга йўғрилганди. Мазкур шеърларда таркидунё қилиб, жаҳонни дарвешона кезишга отланган шахс тимсоли жамият ҳаёти тамойилига аксилтимсол ўлароқ, тафаккур эркинлигига уйғунлашган бўлиб, ҳар қандай чекловларга, расмий тантанаворлик ҳамда юзаки ахлоқ қоидаларига қарши чиқувчи қалб парвози ифодаланарди. Ўзига инсон туйғулари ва ҳиссиёти табиатини сингдирган асарлардаги манзара лирикасига хос бўлган теран фикрлилик нафақат будда тафаккурига уйғун фикр йўналишини ифодалаган, балки шоирнинг асл ҳаёт тарзини ҳам акс эттирган. Ер юзидаги жамики нарсанинг ўткинчилиги шоирда дунё ташвишларидан юз ўтиришга, тоғ бағрига, тоза булоқлар қошига кетиб, мангулик била мулоқотда бўлишга, айнан шу муҳитда руҳий мувозанат ва хотиржамлик касб этишга интилиш пайдо қилган.

Корейс мумтоз шеърляти кўп асрлар давомида хитой адабиётининг кучли таъсири остида ривожланган. Бу, албатта, маданий алоқаларнинг узвийлиги туфайли эди. Зеро, XV асрга қадар корей адабиёти ва шеърляти Хитой иероглиф ёзувига суянган бўлиб, унинг поэтикаси ва образлигига йўғрилган эди. Бутун хитой шеърляти сингари шоирнинг “Мен най чалганим маҳал” номли шеъри ҳам беадад маҳзунлик заминига қурилган. Унинг сеvimли мавзулари — умрнинг фонийлиги, мураккаб қисматларга йўғрилган ҳаёт, айрилиқ, ўлим муқаррарлиги, номаълум дунёдан умид соҳилларига етишиш ҳамда шунинг асносидаги афсус-надомат туйғулари эди.



Мен най чалганим маҳал  
 Минора тепасида  
 Ўн минг ли олислардан  
 Эшитилар турналарнинг мунгли саслари.

Шудрингга чўмилар эзилган майса.  
 Тўлин ой ёритиб яшил уфқларни,  
 Адирлар устидан сузар — сув узра  
 Сузган каби еллар тун чоғи.

Оқ ва совуқ булутлар  
 Юракни жунжиктирар,  
 Мен най чалганим маҳал  
 Минорага суяниб.

*“Мен най чалганим маҳал”*

Чо Чжи-хун ўз шеърларида мумтоз шеърятнинг манзара лирикасига дахлдор жами унсурлари — ой, булут, шамол, тоғ чўққилари, яшил майса, дарё тошқини, қушлар, охулардан фойдаланади. Моддий борлиқнинг аниқ тасвирларидан фойдаланиш усули асар таъсирчанлигини оширибгина қолмай, бу лирик қаҳрамоннинг энг нозик ва мураккаб туйғу ҳамда кечинмаларини, масалан, “Мен най чалганим маҳал” шеърисидаги каби ифодалашга хизмат қилади. Бу каби ашбёвий ва тигиз тимсолли шеър Чо Чжи-хун поэзиясини табиатни куйлаш бўйича ўзининг кўп асрлик анъанаси қонунларига эга бўлган хитой манзара шеърлари тасвирий услубидан кескин ажратиб туради. Жумладан, хитой манзара шеъриятида “деньцзин” — “манзарага ниманидир олиб кириш” деб аталувчи усул бор. Агар тоғ тасвирланса, тоғ манзарасига инсон қиёфаси ҳам олиб кирилади, агар қарағай тасвирланса, унга тошнинг, қояларнинг тасвири ҳам қўшилади. Бу ифоданинг тўла-тўқислигини, тугалланганлигини билдирувчи усул саналади. Буюк хитой шоири Ван Вэй бу усулни ўзининг манзара лирикасида қўллаб, табиат билан инсонни маҳорат билан уйғунлаштирган. Унинг шеърларида асосан хитой мумтоз шеърияти манзара лирикасининг Тан даврига хос поэтикаси ва тимсоллари кўпроқ қўлланилади.

Шоир Чо Чжи-хун шеърларида Инсон — Табиат — Коинот — яхлит бир бутунлик ҳолида берилиб, бир-бири билан эркин муносабатда бўла оладиган, бир-бирининг ички ҳолатига тўсиқсиз ўта оладиган тарзда ифодаланади. “Табиат ҳеч қачон инсондан узилган ҳолда тасвирланган эмас. Ҳатто табиат ўз ҳолича туюлса-да, уни ҳамisha жонли, синчков шоир нигоҳи кузатган”, дея эътироф этади санъаткорнинг ўзи. Зеро унинг поэтик дунёси моддий ва руҳий оламга бўлинмаган эди, у борлиқни илоҳий бир бутунликда қабул қиларди. Унинг шеърларида поэтик сезги ҳамда фалсафий идрок бир-бири билан уйғунлашган ҳолда ўз аксини топган. Унинг шуури орзулар, тушлар, ҳақиқий хоҳиш-истаклар дунёсига бедахл кириб боради. Қоронғилик, сас ва садолар алоҳида таъсир касб этадиган макон яратишга хизмат қилади, зеро унда биз ерга тушаётган ҳазоннинг илғаб бўлмас товушини эшитамиз, ой нурининг сеҳрини, шуъла ва товушлар ўйинини туямиз, борлиғу коинотнинг тинимсиз ҳаракатини ҳис қиламиз. Мазкур ҳолатларни хусусан шоирнинг “Ой нури кўшиғи” ва “Уйқу” номли шеърларида яққол кузатишимиз мумкин.

Табиат дунёсининг бор гўзаллиги шоирга асосан кечаси, яъни у кундуз ташвишларидан холи пайтда намоён бўлади. Фақат кечаси — ой ёдуси табиатга ошно бўлган пайтда “инсон ҳаётнинг моҳиятини англаб етиши, мангулик билан мулоқот қилиши мумкин... Ой нурининг сеҳри табиат уйғунлигини англашимизга имкон беради.”

Чо Чжи-хун шеърляти теварак дунё билан теран узвий алоқада бўлиб, ҳатто айтиш мумкинки, унинг сарҳадсиз ва тубсиз кенгликларига қоришиб кетади. Унинг парвози ер тортиш кучига ҳамда ҳаёт қонунларига бўйсунмайди. Бу “Тун сукути” шеърдаги сингари мутлақ озод руҳ поэзиясидир.

Чо Чжи-хун ижтимоий муҳит билан зиддиятда бўлмаган шоирдир, зеро унинг шеърлари ҳозирги кун муаммоларини ўртага қўймайди. Чо Чжи-хун поэзияси беҳуда саби ҳаракатлардан ва адоқсиз кундалик турмуш ташвишларидан баланд турган ҳолда ўзаро инсоний муносабатлар ва туйғуларнинг мураккаб дунёсидан ҳам ҳолидир. Билъакс, у табиат сиру синоатини англашга, унинг энг кичик тебранишу жилваларини ҳис этишга, илғашга ташнадир. Юзини сокин шамол эпкинига тутган ҳолда у бу эпкини ўзининг “Тоғ кулбаси”, “Тўкилаётган ҳазонлар” каби шеърларида тасвир этгани сингари, коинотнинг майин ва мулојим тўқнашуви сифатида ҳис қилади. Шамол Узоқ Шарқ мамлакатларида қадимдан коинотнинг ўзида моддийлик ва руҳийликни уйғунлаштирган теран кучларнинг намоён бўлиши сифатида талқин қилинган. Улар тушунчасида Шамол ва Оқим бир-бирига қарама-қарши бўлган Ян ҳамда Инь кураши оқибатида вужудга келган ва жамики нарсалар ҳамда бизнинг дунёмиз кўринишининг турфалиги ва ранг-баранглиги аввало уларда мужассам бўлган. Шу боисдан ҳам шеъринг матнда уларнинг роли тобора санжоб фалсафий моҳият касб этган. Чо Чжи-хун манзара лирикасининг ўзига хослиги аксарият ҳолларда унинг услубидаги мажозийликда кўзга ташланади.

Чо Чжи-хун ҳамшиша табиат қонуниятини олдида бош этган. У ҳамшиша ундаги бирламчи ҳақиқатни тан олган ва доим ўзини унинг мукамал салоҳияти қаршисида оддий, ожиз ва жўн ҳис этган. Айниқса унинг “Мен чўққида турган дамда” шеърда мазкур ҳис-туйғулар бўртиб туради:

Мен қоя чўққисидан турганим дамда,  
Денгизни кузатиб  
Англайман ўзимни бахтсиз бир махлуқ,  
Бир пайт келиб ҳаёт сўнажак,  
Булутлар орғига беркинар,  
Эт ва қондан кейинги очликдек  
Бу мени таъқиб қилар тушларимда ҳам.

Бир куни мени ювиб ташлар  
Денгизнинг даҳшатли тўлқини  
Мен жонворман,  
Йиғлашни энди ўрганаётган —  
Қоя чўққисидан турганим дамда!

“Мовий оху” гуруҳининг энг таниқли намояндаларидан яна бири шоир Пак Мок-воль эди. У 1917 йили мамлакат жанубидаги Кёнчжу шаҳрида дунёга келади. У Ханян университетида дарс беради. “Тимсол” номли шеъринг нашр саналган журналга муҳаррирлик қилади. У асосан 1939 йили шеърлари “Адабий асарлар” журналида эълон қилингандан кейин доврўф қозонди. “Мовий оху” гуруҳининг бошқа аъзолари сингари Пак Мок-воль ҳам қалбига илҳомни она табиат гўзалликларидан олди. У ўз шеърларида халқ оғзаки ижодидан қадимги афсона ва ривоятлардан самарали фойдаланди. У ҳаёти давомида “Мовий оху шеърлари” (1946), “Тоғ шафтолиси гуллади” (1954), “Менинг ишқий шеърларим” (1959), “Кўёшли ёки сербулут” (1964), “Дераза ёнида” (1969), “Онажон” каби мажмуаларини эълон қилди. Пак Мок-воль 1955 йили Осие-нинг озод адабиёти мукофотида сазовор бўлди. Шоир 1972 йилда ҳаётдан кўз юмди.

“Мовий оху” ва “Март” шеърларида унинг поэтик дунёқарашининг моҳияти мужассамдир. Заминда яйраб яшаётган, унинг гўзаллигидан фараҳга тўлиб ҳамда унинг қонунларини ўзига эътиқод билгувчи оху тимсоли шоирнинг Ерда инсоннинг ўз эркига ҳамоҳанг ва уйғун яшашига нисбатан орзусини ифодалайди:

Қирларнинг орқасида  
Чонг-унса ибодатхонаси бор,  
Унинг эски усулда ёпилган томи  
Кўриниб турар Ягасан тепалигида.

Баҳорда қорлар эриганда  
Ўн икки бурилишли дарёнинг қирғоқларидан  
Жилғалар югурганда қадимги ёзувлардек,

Мовий оҳунинг  
Тиниқ кўзларида  
Сузар булутлар.

*“Мовий оху”*

Унинг “Тоғ шафтолиси гуллади”, “Ой” номли мўъжаз лирик шеърларида шоир тилга олган машҳур жойларнинг, ибодатхоналарнинг, Корея тоғларининг номлари хайратланарли аниқлиги ва ажиб гўзаллиги билан ажралиб туради. Шеърдаги табиат манзаралари, худди рангтасвирдаги манзаралар сингари санъаткорнинг бир нафаслик бетакрор илҳоми билан яратилганлигини ҳис этамиз. Сониялар аро илгаб олинган воқелик, манзара ўзида айтиб улгурилмаган фикрларни ҳам мужассам қилиб, ўқувчини яратилган асар хусусида ўз ҳаётий тажрибалари ва қалб хотиралари асосида мустақил фикрлашга ва бу фикру хулосалари билан асарни мукаммаллаштиришга даъват этади:

Тепалик,  
Хугасан тепалиги  
Қизил тошлари ял-ял тепалик.  
Гулга кирди тоғ шафтолиси  
Гуллари битга ёки  
Иккита шохиди, холос.  
Кўнғир-яшил сув тошқинларида  
Эрир баҳор қори,  
Унда оху, она оху  
Ўзининг оёқларини ювар.

*“Тоғ шафтолиси гуллади”*

Шоирнинг юқоридаги сингари манзара шеърлари она заминнинг гўзаллигинигина ифодалаб қолмай, балки ўзида маълум бир рамзий маънони ҳам ташийди. Ҳатто унинг энг мўъжаз шеърлари ҳам, Коинотдаги ҳамма нарса вақт ва маконда буюк Дао мақомига бўйсунган ҳолда бир меъёрда ҳаракатланади, деган таълимотни тасдиқлашга хизмат қилади. Асрлар бўйи тек қотган чўққилар ва тепаликларда, эриётган қорларни оқизиб бораётган майда жилгалар шиддатида, хушқад оҳунинг лагиф ҳаракатларида мазкур Коинот мақоми айниқса кўзга яққол ташланади. Ушбу манзара шоирнинг нигоҳи табиат воқелиги моҳиятининг фақат ташқи жиҳатдан эмас, балки ичдан ундаги мангулик шукуҳи ва сир-синоатини ҳам илганлигини далиллайди. Кейин эса атроф-дунёга сингиб бориш ундан-да юксак, шуурсиз даражада кечади. Шоир атрофини ўраб турган дунё билан ўзи ўртасида ажратиб турувчи тўсиқни ҳис этмайди. Ҳаёлотдаги ўйноқи сувлар, тўлқин-тўлқин адирлар, яшил майсалар, қушлар, турфа жониворлар нимаси биландир тасаввурда мусиқа, рақс, оҳангга ўхшаш уйғунлик ҳосил қилар эди. Теварақ табиат ва атрофдаги жамики тирик мавжудот шоирнинг назарида мангу мавжланувчи ва ўзгарувчан воқелик уммонининг кичик томчиси эди. Шоир, ҳамма нарсанинг ибтидосини идрок этаркан, уларни ичдан англагани сингари, ўзини яхлит оламнинг заррасидек ҳис этарди.

Пак Мок-воль шеърларида табиат тимсоли вақтнинг тинимсиз ўтиб боришини эслатади. Зеро табиат тимсоллари орқали шоир яширин оҳангдошлик, ички уйғунлик усулини қўллайди. Масалан, “Мовий оху”, “Тоғ шафтолиси” шеърларидаги жўшқин сувлар ва гиёҳларнинг гуллаши янгилиниш, янги ҳаёт, янги севги аломатларидир. Пак Мок-воль шеърларида ғам-ғусса, афсус ва надомат туйғуларини ташувчи завол руҳи, табиат емрилиши манзаралари учрамайди. Улар Корея тарихининг энг фожиали даврида яратилганига қарамай, ёруғ орзу-умидлар билан лиммо-лимдир.

Гуллётган шафтолининг  
Шохларига яшириниб  
Ой сузиб борар.

Недонг-мён ёки Одонг-мён  
Қишлоқлари устидан,  
Пульгукс ибодатхонаси турган жойлар,  
Кёнгчжу вилояти узра.

Ой сузиб борар  
Гуллаган шафтолининг  
Шохларига бурканиб.

“Ой”

Пак Мок-воль муҳаббат лирикаси билан ҳам машҳур шоирлардан саналади. Ички кечинмаларнинг ошкорлиги, туйғу ва ҳолатлар рангдорлиги, руҳий мўъжизага интиқлик, шуур мунавварлиги шоирнинг севги мавзусидаги шеърлари заминини ташкил қилади. Севги мавзусига оид шеърларга хос бўлган жиҳат севишганларнинг бир-бирига муносабатини (висол, айрилиқ, хиёнат ва ҳ.к.) очиб беришда эмас, балки туйғуларни ва уларнинг моҳиятини биринчи ўринга қўйишда кўринади. Севги объекти деярли ҳеч бир пайт тасвирланмайди, кўп ҳолларда умуман иштирок этмайди ёки шартли равишда мавжуддир, холос. “Соч учун лента”, “Менинг севгим”, “Севгимга” ва бошқа шеърларида лирик қаҳрамон ҳис-туйғулари ранглар ва товушларга табиий йўғрилиб кетади. Бу уйғунлик шеърнинг ёрқин оҳанги ва яхлитлигини таъминлаб, парвозчанлиги билан ўзига мафтун этади. Пак Мок-воль поэзиясида тимсол моҳиятини яққол очиб берувчи поэтик деталь муҳим роль ўйнайди. Корея мумтоз шеърлятидаги поэтик деталнинг катта аҳамияти ҳақида таниқли тадқиқотчи Г.Пермяков шундай таъкидлайди: “Корея лирик шеърляти ҳақида айтиш мумкинки, бу аниқ ҳис этилган деталь шеърлятидир. Ҳатто мавҳум тушунчалар ҳам бунда реал ҳаётнинг кўриш мумкин бўлган аниқ шакллари касб этади”. “Менинг севгимга” шеърда лирик қаҳрамоннинг соғинч тўла қалби паромли қайиққа қиёс қилинади:

Менинг соғинч тўла қалбим  
Паромли қайиқдир,  
Сув юзида енгил чайқалиб турган.

Ҳеч кимни севмай  
Паромли қайиқ  
Эриниб чайқалар.

“Менинг севгимга”

Пак Ту-чин жанубий Конкидо вилоятининг Ансон шаҳрида 1916 йили дунёга келди. Пак Ту-чин шеърлари 1936 йили “Адабий асарлар” журналида эълон этилгандан сўнг жамоатчилик эътиборини қозонди. У 1956 йили Озол адабиёт мукофотига сазовор бўлди. Пак Ту-чин “Мовий оху” шеърлари” (1946), “Қишлоққа бошқа ташриф” (1946), “Денгиз истаги” (1946), “Денгизни кўмсаб”, “Чошгоҳдаги дуо” (1953), “Ўргимчак ва оққанотлилар юдузи” (1967) номли ва яна кўплаб шеърый мажмуалар муаллифи саналади. Пак Ту-чин ҳам Чжо Чжи-хун каби шеърларига илҳомни асосан ўз юрти табиати оғушидан олади. У табиатта — унинг бағридан узилиб кўп нарсани бой берган ва оқибатда онги путур тошган инсонни қайтадан тарбиялайдиган азалий муҳит сифатида ёндошади.

Табиатни жонлантириш ва инсонийлаштиришнинг мумтоз анъанаси ифодасини “Куёш” шеърда яққол ҳис этиш мумкин. Корея шеърлятида инсонийлаштириш усули гарбдан кўра ўзгача, яъни инсон ва табиат муносабатларининг тамомила бошқа кўринишида бўлиб, ўзининг айрича сарчашмаларига эгадир. Бу муносабатларнинг ибтидоси инсон ва табиатни узвийликда ва яхлит бир бутунликда ҳис этишда акс этади. Шу боисдан ҳам Узоқ Шарқ

умуммаданиятига хос бўлгани сингари, бу каби жонлантириш тамойили корейслар томонидан адабий усул сифатида қабул қилинмаган ҳолда, уларнинг табиат ва унга инсон муносабатини англаш борасидаги оддий, жўн тушунчасини ифода қилади. Ғарб шеърлятида жонлантириш усули одатда ўз олдига табиатни жонлантиришни мақсад қилиб қўймайди, балки кўп ҳолларда у шунчаки жонлантиришга, образларни фаоллаштиришга хизмат қилади. Кишилик жамиятидаги бўшлиқдан қўнгиллари қолган шоирлар ўзларига табиат дунёсидан таскин излаганлар. Уларнинг бу бешиқлари инсон қисматининг фожиавийлиги билан узвий боғлиқдир. Улар бир-бирдан узоқлашган ва бегоналашган одамларнинг ҳозирги дунёси ҳаёт гўзаллигини қаттиқ путур етказишини юракдан ҳис этганлар. Бу руҳий ёлғизликни ва воқелик гўзаллигини англамасликни шоир “Оғуш” шеърлида ажойиб тарзда ифодалаган:

Ғарчи учрашса-да кўзлар кўзлар билан,  
Юрак юраклар билан учрашса-да,  
Қон қонлар билан учрашса-да,  
Биз қоламиз бегоналигимизча  
Бари бир.

Ғарчи ҳаёт чашмаларига  
бот-бот қайтсак-да,  
Биз асли болаликка қайтамиз,  
Юпун дамларимизга қайтамиз,  
Шунчаки оддий сўзлар  
дунёсига қайтамиз.

Кўзлар кўзлар билан учрашар албат,  
Юрак юраклар билан учрашар,  
Қонлар қонлар билан учрашар,  
Хотиралар учрашар хотиралар билан,  
Лекин биз лоқайдлигимизча қолаверамиз  
Бари бир.

Шеър очик ҳукм, дунё одамларига айбнома сингари янграйди. Шоирлардан ҳеч қайсиси ҳозирги жамият моҳиятини бунчалар аниқ ифодалай олмаган эди. Шоир нафақат ёлғизлик ва инсон қисмати чорасизлигини кўрсатган, аини чоғда шахс “мен”ининг чуқур зиддиятини ҳам очиб берган:

Мен менлигимча борман,  
мангу бўлолмайман.  
Сен сенлигингча борсан,  
мен бўлолмайсан ҳеч қачон.

Менинг билгим келар лекин —  
Қачон менинг асл моҳиятим  
Менинг ҳақиқий “мен”им  
Олис саҳролардан қайтар ўзимга,  
Олис ёлғизликдан,  
Олис кўз ёшлардан?

Пак Ту-чин шеърлятидаги келажак адолатли жамияти ҳақида, одамлар ўртасидаги тенглик ва биродарлик ҳақидаги орзу-хаёлар, ҳаётсеварлик ва инсонга нисбатан ишонч туйғулари Уитмен шеърляти ва унинг бадиий услуби таъсирида шаклланганлигини пайқаш мумкин. Зеро шоирларни бир-бирига жонли тилдан фойдаланишга интилиши ҳам яқинлаштирар экан. Уитмен америка адабиётидаги анъанавий “юксак” шеърлят тили ўрнига ўз шеърлярида замонавий тилда гапирди. “Мен”дан фойдаланиш шоирга инсон шахсининг беқийс аҳамияти ҳақидаги ўз фикрини ёрқин ифодалашга катта имкон беради. Пак Ту-чин шеърлятидаги “мен” нафақат Уитмендаги ўзликни қуйлашга ҳамоҳанг, балки машҳур хитой шоири Го Мо-жонинг “Биз — у, биз — мен” шеърлига ҳам оҳангдошдир.

Пак Ту-чин шеърляти ўзининг фаол, шиддатли ва ҳаётбахш кучи билангина эмас, дастлабки шеърларидаги тушкун ва маҳзун оҳанглар билан ҳам доврў топди. Шоир символистлар ва забун шоирлар руҳида шеърлар битиш тажрибасига ҳам эга эдики, бу “Мовий оху” шеърлий услубидан кескин фарқланарди. Жумладан, унинг “Тобонг тоғи” шеърлий туркумида ер юзида содир бўлувчи ҳамма нарсаларнинг такрорланмаслиги, ҳаёт оқимининг ортга қайтмаслиги борасида ғусса ва мунг ифодаланган бўлиб, унда шоир гуллар ва қушлар, шамол ва булутлар воситасидаги анъанавий мажозий-рамзий усулдан фойдаланади:

Тоғ қушчаси энди ҳеч қачон  
Қайтиб келмайди сайраш учун.  
Булутлар, сузиб борар экан,  
Бу бўм-бўш саҳроларга  
Қайтмайди ҳеч қачон.

Шоир “Қабристон мадҳияси” номли шеърда ўзининг тушкун кайфиятини ёруелик ва зулмат тимсоли бўлган ҳаёт ва ўлимни бир-бирига қарама-қарши қўйган ҳолда акс эттирадики, унда ҳаётнинг фонийлигига доир маҳзун ва умидсиз оҳанглар ифодаланган.

Пак Ту-чин мазкур туркумида нажотсизлик, инсон қисматидаги ёлғизлик ҳамда мавжуд замоннинг нуқсонлари, маънавият қаҳатчилиги ҳақидагина афсус-надоматлар чекиб, кўзёшлар тўкмайди. Унинг кейинги ижодидаги — нажот йўли ва табиат билан ҳамоҳангликдаги таскин туйғулари ўз аксини топган “Осмон”, “Сув ва тош тарихи”, “Гул”, “Юлдузлар” ва “Қуёшга” каби шеърларида шоирнинг бадиий онгининг юксалиш уфқлари яққол намоён бўлади. Пак Ту-чин лирикаси айниқса ўзининг майин туйғуларга ва ажиб рангларга бойлиги билан ҳам юракларни забт этади.

“Мовий оху” шоирлари ижодида анъанавий корея лирикаси, унинг бадиий жилоси ўз тақомилини давом эттирди. “Мовий оху” шоирлари ўз ижодида мумтоз мактаб сарчашмалари ва оҳангларига мурोजаат этишар экан, аввало ўзларининг миллий маданиятга, демакким ватанга муҳаббат ва садоқатини намоён қилдилар. Уларнинг анъанавий оҳанглар ва мавзуларга азалий мойиллиги босиб келиб ўрнашиб олаётган ўзга улус маданияти, тили, яшаш тарзига нисбатан бўлган ўзига хос руҳий қаршиликнинг, муросасизликнинг бир шакли эди. Шоирларнинг “Мовий оху”га дахлдорлиги улардаги ижодий эркинликни чеклаб қўйгани йўқ ва шу боисдан ҳам бу шеърят услуб жиҳатдан турфа ва ранг-барангдир. Жумладан, Чо Чжи-хуннинг фалсафий лирикасига будда тафаккури ҳамда “канхо” шеърлятидаги хилватнишинлик хос бўлса, Пак Мок-волнинг мўъжаз шеърлярига манзаралар ёркинлиги ва жуғрофий аниқлик хосдир. Пак Ту-чин шеърляти эса ҳаётлий фаоллиги ва дунёни ўзгартириш борасидаги кескин ижтимоий танқид руҳига йўғрилган даъвати билан ажралиб туради. Ўзининг фалсафий йўналишига қарамасдан, бу лирик шеърлар мумтоз шеърлятдаги ғуссанок ва маҳзун оҳанглардан фарқли ўлароқ, ўзида ёруғ туйғуларнинг бетакрор жилосини мужассам этган. “Мовий оху” гуруҳи шеърлятини символистлар, романтиклар, модернистлар шеърлятига хос бўлган тушкунликдан кескин фарқланувчи умидбахш шеърят, яъни ўз ватанидан ифтихор ҳисларига ва миллий қадриятларидан ғурур туйғуларига тўлиб-тошган ижод сифатида қараш керак.



## ПРЕМЧАНД

## Фидойи

Роман

## 36

**С**адан уйига етиб келганида минг машаққатлар билан пул тўплаган, кўнглида уни оламан, буни оламан, деб ўзида йўқ хурсанд бўлган, аммо уйига келиб сандиқни очиб қарасаки ҳамёнини бўм-бўш кўрган одамнинг аҳволига тушиб қолган эди.

Фикр эркинлиги билим, одамлар билан ахиллик ва тажриба туфайли юзга келади. Садан бу барча хислатлардан маҳрум эди. У ҳозир ҳаётнинг шундай палласида эдики, бу вақтда киши ўз маънавий фикр-ўйлари, ижтимоий ақидаларини ҳамма нарсадан устун қўйган бўлади. Бу борада у ўзини бекаму кўст деб билади, ўз эътиқодига монелик қилиши мумкин бўлган бирон-бир исбот ё далилни эшигишга тоқат қилолмайди, ишининг олга босишига нима ва не сабабдан халақит бераётгани хусусида ўйлаб кўриш хаёлига ҳам келмайди. Садан уйдаги аёлларни Гангада чўмилтиргани олиб бориш ўрнига, уйдан бош олиб чиқиб кетишни афзал кўрарди. Борди-ю, аёлларнинг кулган овози унинг эркаклар турадиган қисмига етиб келгудек бўлса, у қовоғини уйганча уйга кирарди-да, онасини нари олиб бориб, бери олиб келарди. Субҳадрага қайнотаси ҳам бу қадар қаттиқ ҳукмини ўтказолмаганди. Инсоннинг маънавий бузилишига Садан олимона бағрикенглик билан эмас, тўпори мулла нигоҳи билан қарарди. У қишлоғидаги тўқурнинг бир яллачи хотинни уйига ўтказиб олганида бутун қишлоқ унинг эшигига бош суқиб қарамай қўйганди, шўрлик тўқур маломатга қолганини ва охирида яллачи хотинни уйдан чиқариб юборишга мажбур бўлганини ўз кўзи билан кўрганди. У Суманбойига жонини фидо қилишга тайёр эди, бунга шубҳа йўқ, лекин унинг дунёвий тафаккурида бу муҳаббат Суманнинг сояси унинг уйига келганчалик барқарор эмасди. У шу пайтгача Суманнинг уйида битта пон ҳам чайнагани йўқ эди. У ўзининг насл-насаб иззати ва ижтимоий нуфузини ўз виждонидан кўра муҳимроқ нарса деб биларди. Бузуқ аёлга уйланиши туфайли унинг насаби ёмонотлиқ бўлиб қолишидек шармандалик ва ҳақоратни у тасаввурига ҳам келтиролмасди. Садан тўйдаги одамлар орасида пандит Падмасинхнинг гапларини эслаб бетоқат бўлмоқда эди. Ишқилиб, дадам амакимнинг гапига кирмаган бўлсин-да, деб кўрқарди. Амакисига нима бўлганини у ҳеч тушунолмаётганди. Агар шу гапларни бошқа одам гапирганда, у ўша одамнинг тилини суғуриб олган бўларди. Бироқ амакисидан у қаттиқ ҳайиқарди. Шунга қарамай, унинг гапларини шартга қайтариб ташлашга ҳам чоғланган эди, унинг иззат-нафси ҳеч қачон бу қадар жунбушга келмаган эди ва агар ҳадди сиққанида амакиси билан чинакамига даҳанаки жангга киришиб кетиши мумкин эди. Лекин дадасининг айтганида туриб, тўйни бузгани ундаги олишувга бўлган қизиққонликни ҳайрихоҳликка айлантириб юборди.

Ҳафсаласи пир бўлган Саданнинг эҳгироста тўла қалби яна Суманни кўмсаб

Охири. Боши ўтган сонларда.

кетди. Бир карра айшу ишрат мазасидан тотгандан кейин кимнингдир муҳаббати хаёлисиз туролмасди. Ҳа, бир карра юрагига ишқ оташининг алангаси нур ташлаб ўтди, энди у зулматда яшашни истамасди. У Падмасинҳ билан бирга Кошийга жўнаб кетди.

Бироқ бу ерга келгач, у икки хил ҳолатга тушиб қолди. Суман бу гаплардан хабар топганмикин ёки йўқми деган савол уни қийнай бошлади. Унинг ўзи бу ерда қолмаган бўлса керак, одамлар ундан юз ўтирган бўлиши эҳтимол, лекин унга тўй ҳақидаги гапни етказишган бўлиши аниқ. Агар шундай бўлиб чиқса, у Садан билан одамларча гаплашмайди. Ундан қўлини ювиб, қўлтигига суртган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ кеч тушиши билан у кийимларини алмаширди, отга эгар урди ва Резаворфурушлар бозори томон йўл олди. Висолнинг лаззатли орзуси олдида барча шубҳа-гумонлар бир чақа бўлиб қолди. Суман менга аввал нима дейди-ю, мен унга нима деб жавоб қиламан деган ўй миясини банд этганди. Тагин у ҳеч нарсадан беҳабар бўлса-ю боришим билан бўйнимдан кучоқлаб, одам ҳам шунақа бағритош бўладими, деса-чи? Шунини ўйлаб унинг муҳаббати бадтар алангаланди ва у отни ниқтади, кўз очиб юмгунча Резаворфурушлар бозорига етиб келди. Ўйинқароқ бола мактаб эшиги олдида ичкарига киришдан қўрққандай, Садан ҳам бозор олдида келиб таққа тўхтаб қолди, юрагидagi ишқ олови бирдан сусайди. У аста шундай бир жойга келиб олдики, бу ердан Суманнинг кошонаси яққол кўриниб турарди. У ҳадик тўла нигоҳ билан уй эшигига разм солди. Эшик берк бўлиб, қулф урилган эди. Садан бирдан енгил тортди. Вужудини қандайдир мамнуният ҳисси чулғади. Унинг ҳозирги ҳолати, ёнида ҳемири ҳам бўлмаса-да, ўглининг тархашлиги жонига текканидан ўйинчоқ дўконига келган ва унинг ёпиқлигини кўриб суюнган одамга ўхшарди.

Бироқ уйига келгач, Садан ўзининг бўшанглигидан қаттиқ афсусланди. Ҳижрон азоби билан бирга унинг вазоҳати ҳам авж олмоқда эди. Ўзини қаерга қўйишни билмаётганди. Тунда ҳамма еб-ичиб бўлиб ухлагани ётгач, у жимгина ўрнидан турди-да, Резаворфурушлар бозори томон кетди. Қиш бўлганидан муздек шамол эсар, ой булутлар орасидан дам-бадам мўраланганча бир нарсадан қўрққан одамдай шиддат билан югурарди. Садан бозорга жуда тез етиб келди, бироқ ҳалиги ерга келгач, яна оёқлари таққа тўхтаб қолди.

Оёқ-қўли каби ҳафсаласи ҳам совиди. Шундай бемаҳалда унинг бу ерга келиши ўта қулгили эканини ҳис қилди. Суманнинг олдида борса, у нима деб ўйлайди? Хизматкорлари уйқуни ураётган бўлса керак. У ерда мени ким таниб ўтирибди? Бу ерга қандай келиб қолганига ҳам энди ўзи ҳайрон бўла бошлади. Уйдан чиқаётганида ақли қаерда эди? Бинобарин, у изига қайтди.

Эртаси кунни кечкурун у яна борди. Дилида, агар Суман мени кўриб қолса-ю чақирса, бораман, акс ҳолда ғирра изимга қайтиб кетавераман, деб аҳд қилди. Борди-ю, у чақирса, демак, унинг кўнгли менда эканлиги маълум бўлади. Бўлмаса, мана бу воқеадан кейин у менга қайрилиб қарамаса ҳам бўлади. Яна бир оз юрди-да, у яна ўйлай бошлади: хўш, у мени келармикин деб дарчаси тагида йўлимга кўз тикиб ўтирибдими ўзи? Менинг бу ерга келганимни у қаёқдан билсин? Нима бўлганда ҳам мен бирров унинг олдида ўтишим керак. Суман мендан ҳеч қачон хафа бўлолмайди ва хафа бўлганда ҳам мен амманнинг бузоғидай қараб турармидим? Унинг қаршисида қўларимни қовуштириб ялинаман, оёғи остига йиқиламан ва кўз ёшларимни селдай оқизиб, юрагидagi бор ғуборини тикиб юбораман. Оҳ! Агар у нилуфардек кўзларига ёш тўлиб, йўлимга кўз тикиб ўтирган бўлса, мен унинг учун нималар қилмас эдим! Агар юраги ғуссага ботган бўлса, мен бу ғуссени йўқотиш учун жонимни фидо қилишга ҳам тайёрман – ишқилиб, мана бу гуноҳимни кечирса бўлгани, бошқаси билан ишим йўқ! Бироқ Резаворфурушлар бозорига етиши ҳамон унинг дилида жўш уриб турган муҳаббатдан асар ҳам қолмасди. Қишлоғида кечкурун ним дарахти тагидagi маъбуда сиймосини кўриб, дилидаги шубҳа-гумонлар қандай тарқалса, бу ҳам шундай бўлди. Менга кўзи тушса-ю, - деб кўнглидан ўтказди у, дилида: «Ана, кўёвтўра келаяптилар, ўзини шоҳлардай тутишини қаранлар, одам ҳам шунақа бевурд, бесубут бўлар эканми», деб ўйласа-чи? Шундай оёқла борди-ю, оёқлари юришдан таққа тўхтади. Бир қадам ҳам босишга юраги дов бермади.



Шу тариқа кунлар ўтаверди. Кечасию кундузи у азбаройи ишқнинг зўридан хаёлларга берилиб, қумдан орзу биноларини тиклар, кечқурун Резаворфурушлар бозорига қадам кўйди демагунча, шубҳа-гумонларнинг биргина эпкиниданоқ бу қум девори ер билан яксон бўлар эди.

Бир куни у айланиб юриб, Квинс паркига бориб қолди. У ерда чодир тикилган бўлиб, атрофида одамлар ўтирганча Рамешдатнинг оташин нутқини тингламоқда эдилар. Садан отдан тушди-да, нутққа қулоқ сола бошлади. Ҳа, ўйлади Садан, ростданам фоҳишалар бизга катта зарар етказаяпти. Улар жамият учун захри ҳалоқидан бошқа нарса эмас. Мен вақтида қутулиб қолдим, бўлмаса бир чақага қиммат бўлиб қолар эдим. Уларни албатта шаҳардан ташқарига чиқариб юбориш керак. Агар улар бозорда бўлишмаганда, мен Суманбойининг тузоғига илинмаган бўлардим.

Эртасига у яна ўша парк томонга қараб кетди. Энди у ерда мунший Абулвафо куйиб-пишиб нутқ қилмоқда эди. Садан унинг сўзларига диққат билан қулоқ солди. Унинг дилидан шундай фикрлар кеча бошлади: шубҳасиз, фоҳишалар жонимизга ора кириб турибди. Тўғри-да, бўлмаса, маъбудларимиз сиймосига топинадиган одам қолармиди? Фоҳишахона ҳинду билан мусулмонлар апоқ-чапоқ бўлиб, оғиз-бурун ўпишадиган кўнгилочар жой деб жуда тўғри айтаёпти. У ерда аловат деган гаплар йўқ, у ерда биз ҳаётдаги қийинчиликлардан чарчаб, ҳордиқ ёзгани борамиз, кўнглимизни тоғдай босиб турган ғам-ғуссаларни унутиш учун паноҳ топамиз. Фоҳишаларни шаҳардан ҳайдаб чиқариш бир уларнинг ўзига эмас, ҳаттоки бутун жамият учун ҳам қилинган зўр шафқатсизлик бўлур эди.

Бир неча кундан кейин унинг бу фикри ҳам ўзгарди. Умуман, фикрлари тинмай ўзгариб турарди. Саданнинг ўзида мустақил фикр юритиш йўқ эди. Бирор нарсани қоралаб ё оқлаб, ундан бир жўяли хулоса чиқаришга у ожиз эди. Бинобарин, ҳар қандай бақувват далил унинг дилидаги кечинмаларни ағдар-тўнтар қилиб юборарди.

Бир куни у Падмасинҳ нутқи ҳақидаги эълонни кўриб қолди. Ўша заҳоти йўлга отланиб, Бенийбоғ томон равона бўлди ва соат тўртда ўша ерга етиб борди. Ҳали одамлар тўпланмаган, уч-тўрт киши ерга бўйра тўшаш билан овора эди. У отдан тушди-да, бўйра тўшашда ҳалигиларга қараша бошлади. Соат бешда одамлар битта-битта келишга бошлаб, ярим соат ичида минглаб ҳалойиқ жам бўлди. Бир вақт извошда келган Падмасинҳга унинг кўзи тушди. Саданнинг юраги дук-дук қила бошлади. Аввал Рустамога бир ихчамгина шеър ўқиди, бу шеърни ҳозирги маросим учун Тиг Али ёзиб берганди. Рустамога ўтиргач, Виттхалдос ўрнидан турди. Гарчи унинг нутқи қуруқ, унда на шира-мазадан, на ўткир фикрдан ном-нишон бўлса-да, одамлар унинг гапларини вужудлари қулоққа айланиб тинглашди. Унинг сўзлари бегараз, фақат одамлар дарду ҳасрати билан тўлиб-тошгани учун ҳам ҳамма уни бирдек иззат қиларди. Унинг куйиб-пишиб айтаётган гапларини ҳалойиқ шундай иштиёқ билан тинглардики, гўё ташна одам сув ичгандай. Бу сув олдида ҳар қандай шарбат ҳам таъсиз бир нарсага айланарди. Охирида Падмасинҳ ўрнидан турди. Саданнинг юраги гўё бир ғайритабиий ҳодиса бўладигандек, қинидан чиқиб кетгудек ура бошлади. Падмасинҳнинг нутқи гоят жозибадор ва ҳиссиётга тўлиқ эди. Оддий ва ширадор сўзлари юракка чиппа-чиппа ёпишиб қолмоқда эди. Ўқтин-ўқтин у шунақанги таъсирчан гапларни тошиб айтмоқда эдики, беихтиёр Саданнинг эти жимирлаб кетаётганди. Унинг айтишича, биз фоҳишалардан нафрат қилганимиз учун уларни шаҳардан ташқарига кўчирилсин демаёмиз, улардан нафрат қилишга ҳақимиз ҳам йўқ. Бу уларга нисбатан зулм бўлур эди. Уларни бундай бадном қилган асли бизнинг манфур анъаналаримиз, нафси амморамиз, дилимиздаги разил ўй-ниятларимиз бўлади. Резаворфурушлар бозори виждонимиз исноди, ваҳшиёна ҳисларга тўлиб-тошиб кетган бадбин юрагимиз рамзи. Уларнинг нимасидан нафратланамиз? Уларнинг аҳволи нечоғлик ночор эканини биласизми? Бизнинг бурчимиз, уларни тўғри йўлга олиб чиқиш, улар турмушини яхшилаш. Бунга қандай эришиб бўлади — қачонки, улар шаҳардан ташқарида бемаъни ишлардан узоқда яшашса. Турмуш ва жамиятдаги иллатлар оловдек хатарли бўлади, бу шўрликлар эса бамисоли нозик гул. Гулни оловдан асраш учун уни иложи борича панага олиш

керак. Садан сукут сақлаб нутқни тинглар экан, ён-веридагиларнинг ўқтин-ўқтин нотикни мақтаб гапирган сўзлари ёки унинг нутқини олқишлаб чапак чалгани қулоғига чалинарди ва ҳаяжони янада ортарди. Лекин нимагадир йиғиланларнинг битта-битта ўрнидан туриб кетаётганини кўриб ажабланди. Улар асосан фоҳишаларни қоралаб, расвои радди маърака қиладиган сўзларни эшитишга келган шинавандалар эди. Падмасинҳнинг бу бағрикенглиги уларга ёқмаганди.

### 37

Саданга нутқлар шунақанги наша қилдики, қаерда бирон йиғиннинг дараги қулоғига чалинди дегунча ўша ерда ҳозир у нозир эди. Икки томоннинг гапларини ойлаб тинглаш ва улар ҳақида мушоҳада юритиб бир қарорга келиш машқини ола бошлади. Энди у бирон-бир фикрнинг енгилишидан ҳайратга тушмас, унинг ҳақиқатга қанчалик яқинлигини аввал дилида чамалаб кўрарди. Охирида у шунга амин бўлдики, нутқларнинг кўпчилиги қуруқ гаплардан иборат бўлар экан, уларда пичоққа илингудек нарса ё бўлмас экан, ё эски фикрларга янги тўн кийдириб гапирилар экан. Унда танқидий қараш деган нарса пайдо бўлди. У амакиси тарафда бўлишга қарор қилди.

Бироқ вазиятга қараб унинг танқидий қарашни тарафкашлик билан тўлиб, тобора кескин тус олиб кетди. Тарафларнинг қайси бири ҳақ-ноҳақлигини назар-писанд қилмайдиган бўлиб қолди. Ҳалиги таклифга қаршилиқ қилаётганларнинг барчаси ишрат қуллари деган қарорга келди у. Азбаройи таъсирланганидан Резаворфурушлар бозори томонга қалам босмай кўйди. Бирон фоҳишанинг извошда боғ айланиб юрганига кўзи тушганда шунақанги газаби қайнардики, бориб ҳайдаб юборса. Кўйиб берса, Резаворфурушлар бозорини ер билан яксон қилиб ташласа. Шу топда ўйинчилар ҳам, уни томоша қилувчилар ҳам дунёдаги энг тубан одамлар бўлиб кўриниб кетмоқда эди. Битта-яримтаси танҳо йўлиқиб қолгудек бўлса, болахонадор қилиб сўкишдан ҳам тоймасди. Шу пайтгача иккиланиб юрган бўлса-да, энди мана бу таклифни қўлаб-қувватлашга асло шубҳа йўқ эди. Шу боис аҳду қароридида собит туриш учун у ҳозирча дилидагини ҳеч кимга билдирмасликка азм қилди. Суман ҳамон унинг қалбидан чиқиб кетмаганди. Унга бўлган муҳаббат олови юрагида ёниб турарди. Жувоннинг мафтункор чеҳраси сира кўз олдидан кетмасди. Уни унутиш учун Садан танҳоликда ўтиришни бас қилди. Тонг-азонда турарди-да, чўмилгани Гангага тушарди. Тунги ўн-ўн биргача турли китоблар ўқирди. Бироқ барибир Суман унинг хаёлидан кетмади. У турли либосларда кўз олдидида пайдо бўлар, гоҳ Садандан аразлар, гоҳ ёлворар, гоҳ унинг бўйнидан кучиб, ўпиб-эркаларди. Кейин уйқудан уйғонгандек, Садан бирдан ўзига келар ва бўлмағур хаёлларни миясидан ҳайдаб, шу кунларда амаким нега бунча хафалар, деб ўйлай бошларди. Ҳеч кулмайдилар, Житан ҳам уларга дори-дармон олиб келмай кўйди. Уларга бир нима бўлмаганмикин? Шунда Суман яна унинг хаёл денгизи узра намоен бўлар ва кўзида ёш билан дерди: «Садан, сени шундай қиларсан деб ўйламагандим. Мени бир тубан фоҳиша деб ўйласанг керак, лекин мен сенга фоҳишалардай муомала қилмадим-ку; сенга соф муҳаббатимни нисор қилдим. Наҳотки, менинг соф муҳаббатимни бир чақага олмасанг?» Садан яна хушёр тортар ва Суманни ўйламасликка ҳаракат қиларди. Бир йиғинда эшитгандики, инсоннинг ҳаёти ўз қўлида бўлади, ким бўлишни истаса — ихтиёр ўзида, бунинг туб негизи шундаки, ёмон, паст, манфур хаёлларни дилига келтирмасин, бундай хаёлларни бир амаллаб ўзидан йўқотсин ва олийжаноб хаёл ва туйғулар билан қалбини мунаввар этсин. Ўша йиғинда яна шунини ҳам эшитгандики, ҳаётда олий даражага эришиш учун олий маълумот олиш шарт эмас, аввало олий даражадаги хаёл ва орзуларга эга бўлиши лозим. Саданга ҳаммадан ҳам мана шу фикр ёқиб тушганди. Шундан бери у нукул яхши нарсаларни ўйлашга ҳаракат қилиб келарди. Минглаб тингловчилар ўша нотикнинг оғзидан мана бу гапни ҳам эшитганди: «Ёмон битта бўлса ҳам кўплик қилади, бир тиррақи бузоқ бутун подани булгайди», деб. Бироқ баъзи кўзи очиклар ҳам, бу гапни бир қулоғи билан эшитиб, нариги қулоғидан чиқариб юборди, оққўнгил Садан эса ҳамма гапни дилига

маҳкам туғиб олди. Гўё қашшоқ одам бир парча олгин тоғиб олгандай суюнди. Садан ҳозир бошқа бир оламга кириб қолганди. Йўлда агар шу топ бирон-та қиз-пиз йўлиқиб қолгудек бўлса, ўзини гуноҳга ботган ҳисоблар, онийлик куфрона қараш билан икки дунёмни куйдирдим дея афсус-надомат қилган бўларди. Шугина ҳушёрлик ҳам унинг кўнглига тасалли бермоқда эди.

Бир куни чўмилгани Гангага тушаётганида, йўлда Саданнинг кўзи бир тўда фоҳиша аёлларга тушди. Аёллар дарёдан гул қилиб қайтишаётганди. Буни кўриб Садан тош қотиб қолди. Бундай латофатни, бокираликни, гўзалликни у умрида кўрмаганди. Аёллар эғнидаги шойи либослар кўзни олгудек товлар, тақинчоқларнинг ёқимли овози дилни қитиқлар, туғёнга солар эди. Садан минг ўзини кўлга олишга ҳаракат қилмасин, бўлмади, бу эртакнамо гўзал манзарани у яна бир бор тўйиб томоша қилди. Гўё ойлаб имтиҳонга тайёрланиб, охири ташвишдан қутулган талабадай вужудида ажиб енгиллик ва ҳаловат ҳис этди. Барибир кўнгли тўлмади, у яна қаради, қараб туриб аёллардан нигоҳини узолмай, ҳатто юришдан тўхтаб қолганини ўзи билмасди. Аёллар тўдаси ўтиб кетгачина Садан ўзига келди ва ўзича пушаймон қила бошлади. Ойлаб қилган тоатингни бир лаҳзада бир пул қилдинг, эвоҳ, бундан зўр гуноҳ борми! Шу қадар ожизманми? Бироқ сал ўтмай ўзига тасалли берди: «Қарасам нима қипи, шунга ҳам гуноҳкор бўлиб қолаверадими одам? Мен уларга ёмон кўз билан қарамадим-ку. Дилимда унақа куфрона хаёллар йўқ эди. Тангри яратган гўзалликдан баҳра олиш бандасига фарз».

Шундан кейин у олға юриб кетди. Лекин дилининг бир чети ғаш эди. Нега ўзимни-ўзим алдайман? Тан олишим керак: хатога йўл қўйдимми – қўйдим, гуноҳ қилдимми – қилдим, вассалом! Лекин ҳозирги руҳий ҳолатимда мен ўзимни гуноҳкор санамайман. Мен аллома бўлмасам, дин пешвоси бўлмасам, бор-йўғи ақл-хуши жойида бир одамман. Бу қадар катта фарзларни бўйнимга олиб, ўзимни қийнаганимдан не маъно? Оҳ, гўзаллик деганлари ҳам фаройиб нарса бўларкан-да! Одамларнинг гапича, имонсизлик одам юзини бефарошга қилар эмиш. Лекин анови соҳибжамолларнинг имонсизлиги ҳуснига ҳусн қўшади-я! Юз – дил кўзгуси дейдилар. Лекин бу гапга ҳам унча ишонгим келмайди.

Садан яна ўзини кўлга олди ва кўнглини куфрдан холи қилиш учун шу нарсанинг бошқа томонлари ҳақида ўйлай бошлади. Ҳа, бу аёллар чинданам гоят гўзал, жуда ҳам латофатли, лекин улар ўзларининг жаннатий фазилатларини нега суиистеъмол қиладилар? Нега ўзларини ўзлари бу қадар хор қиладилар? Ҳа, фақат мана шу шойи-атласлар, дуру жавоҳирлар деб ифлос кўчага кирганлар. Муҳаббат ўти чақнайдиган кўзлар энди фириб, ҳирс, макр билан боқади. Соф севги булогидек қайнаб-жўшадиган қалблардан бадбўй ҳид анқийди, уларни чиркин нажасот қоплаган. Қандай бедодлик!

Шундай хаёллар билан Садан сал ўзига келгандай бўлди. У аста Ганга қирғоғига яқинлашди. Ўй суравериб талай вақтини йўқотганидан у ҳар куни гул қиладиган жойга эмас, ундан сал берироққа бориб қўя қолди. Шаҳардан хийла узоқ бўлгани учун бу ерга одам кам келар ва шу боисдан ҳам тинчроқ эди.

Сал нарида бир аёлнинг соҳил томондан келаётгани кўринди. Садан дарров таниди: у Суман эди! Суман бугунлай ўзгариб кетганди. Узун сочлару нозила юришлардан, гулдек хандон лаблару ўтдек чақноқ кўзлардан асар ҳам йўқ. Шоҳона пардоз-андозу жангир-жунгур тақинчоқлар қани? Эғнида опшоқ сарийдан ўзга ҳеч вақо йўқ. Қадамларини ҳам битта-битта босар, чехраси тушкин ва гамгин эди. Ҳусни-ку, ўша-ўша, бироқ жозибадан холи, шу боис оддий аёллардан заррача фарқи йўқ. Аввалига Садан муҳаббати жўш уриб бир-икки одим интилди, бироқ жувоннинг ҳолатини кўриб, гўё танимай адашгандек, Суман эмас, бошқа аёлдек, таққа тўхтади. Юраги ҳам ҳаприқмай қўйди. Нега ўзининг бу тахлит ўзгариб кетганига ҳеч ақли етмаётганди. У яна Суман томонга боқди. У ҳам йигитга қараб турарди, бироқ унинг нигоҳида муҳаббат ўрнига қандайдир ташвиш акс этарди, гўё у олдинги гапларни унутиб юборгандай ё унутмоқчи бўлгандай, юрагида ўчиб қолган оловни қайта ёндиришни истамаётгандай эди. Садан ўзича, у мени разил, алдоқчи ва худбин деб ўйлаётми, дея тахмин қилди ва яна жувон томонга қаради. Ўз шубҳасининг қанчалик тўғри-нотўғрилигини билмоқчи бўлди. Шунда икковининг нигоҳи

тўқнашди ва ўша заҳоти ажрашди. Садан шубҳасининг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилди ва юрагини бир нима тилиб ўтгандай ҳис этди. У ўзидан қаттиқ хафа бўлди. Ҳозиргина қандай хаёлларга бормаганди, яна зум ўтмай куфрона ўйларга берилди. У бошқа Суман томонга қарамади. Суман бошини эгтанча унинг олдидан ўтиб кетди. Садан унинг оёқлари қалтираётганини кўрди. У жойидан жилмади ҳам, бирон ишора қилмади ҳам. Ички бир ун билан Суманга хитоб қилди: «Сен мендан бир чақирим узоқлашсанг, мен сендан минг чақирим нари кетурман. Лекин сен менинг бир жойда ҳайкалдай қотиб турганимни кўрмадинг». Аслида шу қотиб туриши билан у дилида кечаётган туйғуларини алайна-ошкор намоён этмоқда эди.

Суман сал нари кетгач, йигит изига қайтди ва ўзини унинг орқасидан паналаб юриб кетди. У Суманнинг қаерга боришини кўрмоқчи эди. Ақл кўнгил олдида бош этди.

### 38

Куёвнавкарлар қайтиб келган кундан бери Кришанчандр уйдан чиққани йўқ. Ичкарида кўмилиб ётаверди. У бировга бош кўтариб қарагани юзи чидамасди. Суманнинг бу қилиги одамларнинг назарида у қадар даҳшатли нарса бўлмаса-да, лекин ота ўзини ер тагига киргандек сезмоқда эди. Шармандаликлдан бош кўтаролмаётганди. У уч-тўрт йил қамоқда ўтириб келди, лекин бундан бунчалик хижолат тортмаганди. У нима кўрган бўлсам, қилмишимдан кўрдим, дея ўзига тасалли берарди. Лекин мана бу юзқоралик уни ер билан битга қилди-қўйди. У илгари бирга-бирга чилим тортишадиган энг тубан одамларнинг ҳам олдига бормасди. Ўзини улардан ҳам тубанроқ ҳис қиларди. Унга гўё ҳамма уни ёмонлаб гапирётгандай, фалончининг қизи ... , деётгандек бўлаверарди. Шуларни ўйлаган сайин егги қат ер тубига тушиб кетгандек бўларди. Эвоҳ! Бунақа обрўйим тўкилишини билганимда, бўғиб ўлдириб қўя қолардим, деб ўйларди. Биламан, у бахтиқаро асли бой хонадонга келин бўлишга муносиб эди, зўр яшашни орзу қиларди. Лекин мен овсар унинг назари бу қадар паст эканини билмаган эканман. Дунёда ким доим бир хил яшабди? Мусибат ҳар кимнинг ҳам бошига тушади. Мана мен деган бадавлат хонадон аёллари ҳам доим емак-ичмагу кийим-кечакдан сиқилиб юришади, лекин биров уларнинг на чехрасида гам-қайғу аломатини, на йиғлашганидан кўзларида ёш кўради. Ҳеч кимнинг олдида «мундоқ гамим бор» деб оғиз очинмайди. Ўлсалар ўладиларки, бировларнинг қўлига қараб қолишмайди. Аёлмас, фаришталар улар. Наслу насаб обрўйи учун яшайдилар, шу обрўни ҳимоя қилиб ўладилар. Лекин мана бу ярамас, бадбахт қиз ... Эри-чи, эр деган ҳам шунақа қўрқоқ бўладими, чўрт бошини узиб ташламайдими! Уйдан кўчага қадам ташлаб чиққан кунёқ нега бўғиб қўя қолмади? Ўхшатмасдан учратмас дейдилар, у ҳам шунақа пасткаш, бузуқи, номард экан. Унда насл-насаб ғурури бўлганда, бу кунларга қолиб ўтирмасди. Шарманда бўлишдан у уялмас экан, мен уяламан, қилмиши учун Суманга ўзим жазо бераман. Уни парвариш қилган, едириб-ичирган шу қўлларим билан бошини танасидан жудо қиламан. Бир вақтлар унинг ўйнаганларини кўриб шу кўзларим қувончга тўларди, энди унинг қора қонига беланишини кўриб тасалли топади. Ер билан яксон бўлган обрўни фақат шу йўл билан тиклаш мумкин. Одамлар оила шаънига иснод келтирганлар қандай жазога лойиқ бўлишини кўриб қўйсинлар.

Шундай қарорга келиб Кришанчандр ўз мақсадини амалга ошириш йўллари устида ўйлай бошлади. Қамоқхонада у қамалганлардан қотилликнинг қанчалик турларини ўрганиб олганди. Кечасио кундузи суҳбатлари фақат шу ҳақда бўларди. Унга энг маъқул кўринган йўли шу бўлдики, қилич билан қизини чошиб ўлдирсин-да, бориб полицияга ўзи хабар берсин. Судда кўрсатма берганида, эшитиб одамлар оғзини ланг очиб қолсин. Ўзича бу тadbирдан руҳланиб кетиб, ўша кўрсатма режасини туза бошлади. Олдин бир оз зодагонларнинг шоҳона турмушини ҳимоя қиламан, полициянинг фирибгарлик сирларини фош қиламан, шундан кейин йигит-қиз тўйидаги хўрликларни тасвирлашга киришаман. Қалин деган нарсанинг шунақанги расвосини чиқарайки, одамлар бақа бўлиб қолсин. Айниқса обрў дарахтимиз илдизига болта уради-

ганлар айнан ўзимиз эканини кўрсатишим энг асосий нуқтаси бўлади. Қўрқоқ-лигимизни, муҳаббатимизнинг сохталигини, тўғри гапни юзга айтолмаслигимизни, фарзандларимизга беоқибатлигимизни, гуруримиз йўқлигини очиб ташлайман. Бир-биримизнинг айбимизни яширишимизни ва шу туфайли сатта пасткаш ва тубан одамлар елкамизга миниб олишганини ҳам айтаман.

Кришанчандр ўзича шу қарорга келди-ю, бироқ Шантанинг ҳоли не кечишини ўйламабди. Шармандалик, номуснинг зўридан унинг кўзига бошқа ҳеч нарса кўринмаётганди. Унинг ҳозирги аҳволи, лўнда қилиб айтганда, бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдиришга ўхшарди.

Кечки пайт эди. Кришанчандр бугун қизидан қасос олишга аҳду қарор қилиб қўйган. Шу топда ичига чироқ ёқса ёримасди. Одатда бирон мудҳиш ниятни амалга оширмақчи бўлган одам дилида ана шундай гашлик ҳукм суради. Орадан бир неча кун ўтиб, юрагидаги ғазаб ўти хиёл пасайиб улгурганди. Гўё узлуксиз эсиб турган қаттиқ шамол бир оз шапшгидан қайтгандай. Дилгирлик ҳам бир жиҳатдан тарки дунё қилган дарвеш атворига ўхшайди, инсонга ўзининг ҳаёти тўғрисида ўйлаб олишга имкон беради ва ўтмиш хотиралар дилида қайта жонлана бошлайди. Кришанчандрнинг кўз олдига шоду хурамлик билан кечган, иккала қизалоғини олиб, бирга сайр қилган кунлари келди. Гоҳ Суманни, гоҳ Шантани бағрига олиб кўтарар эди. Уйга қайтганларида эса Гангажалий югуриб келарди-да, иккала қизини суйиб эркалаб кетарди. Бахт туйғусининг ўзидан ҳам унинг хотираси тотлироқ бўлади. Кўзингизга кимсасиз ва ҳувиллаб кўринган тоғ, ўрмон, сиз ёнидан кўзингизни юмиб бепарво ўтиб кетган дарё ва кўллар бир оздан сўнг ўзларининг ғоятда кўркам, осуда манзаралари билан қайта кўз олдингизга келади ва сиз уларни яна бир кўриш иштиёқида ёна бошлайсиз. Кришанчандр ўша ўтмиш давридаги ҳаётни эслаб, юраги тўлиқиб кетди. Кўзларида ёш ҳалқаланди. Эҳ! Наҳотки, ўша сурурбахш ҳаёти мана бундай фожеали анжом топса?! Наҳотки, ўз қўлим билан катта қилган жондек қизимни ўзим ўлдиришга жазм қилган бўлсам?! Кришанчандрнинг қизига раҳми келиб кетди. Шўрлик қизи чоғга йиқилиб тушди. Хўш, мен ўз қизимга, кўзимнинг нури бўлган, бахтли бўлиши учун жонимни тиккан қизимга шунчалар бедодлик қилайми, ўлганининг устига чиқиб тепайми?

Бироқ бу шафқат туйғуси Кришанчандрнинг дилида узоқ сақланиб қололмади. Суманнинг асло кечириб бўлмайдиган катта гуноҳларидан бири шу эдики, бугун унинг эшиги ҳамма учун очиқ эди. Ҳинду ҳам, мусулмон ҳам — ҳамма у ерга танда қўйган эди. Шуни ўйлаганда Кришанчандрнинг юрагида нафрат ва номус ўги ловуллаб кетар эди.

Шу топ пандит Умонат унинг ёнига келиб ўтирди ва деди:

- Мен оқловчининг олдига борган эдим. У жиноий иш кўзғаш керак деб маслаҳат берди.

Кришанчандр чўчиб сўради:

- Қанақа жиноий иш?

У м о н а т: - Куёвнавкарларни эшиги тагидан ҳайлаб юборган хонадонга қарши-да.

К р и ш а н ч а н д р: - Бундан нима чиқади?

У м о н а т: - Бундан шу чиқадики, у ё қизини беради, ё жарима тўлайди.

К р и ш а н ч а н д р: - Қош қўяман деб кўз чиқариб қўймаймизми тагин?

У м о н а т: - Кўз чиқаришга чиқариб бўлдик, энди нимадан кўрқамиз?

Қалин пулига мен минг рупия берганман, тўрт-беш юз рупия чой-нонга сарф бўлди, нима, жим қараб тураверайми? Биронта бева-бечорага берганимда у жон-жон деб тўйга розилик берган бўларди. Уқимишли муллаларнинг бир чуви чиқсин.

Кришанчандр чуқур тин олиб деди: - Менга заҳар беринг-да, кейин жиноий иш очаверинг.

Умонат зардаси қайнаб деди: - Сиз нега кўрқасиз бунча?

К р и ш а н ч а н д р: - Жиноий иш очишга аҳд қилдингизми?

У м о н а т: - Ҳа, мен аҳд қилдим. Кеча шаҳарнинг сатта казо-казолари йиғилган эди. Бу жиноий иш бугунлай бошқача бўлади. Улар жуда ўйлаб-жўйлаб туриб шу маслаҳатни беришди. Иккита оқловчига кўрсатма ҳам бериб келдим.

Кришанчандрнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб деди: - Яхши, қўзғасангиз қўзғайверинг жиноий иш.

У м о н а т: - Сиз нега бундан норози бўлаясиз?

К р и ш а н ч а н д р: - Сиз ҳеч нарсани тушунмаганингиздан кейин мен нима қилай? Ҳозирча икки-уч қишлоқ билган гапни эртага бутун шаҳар биллади. Суман албатта судга чақирилади, менинг номим оғизга тушади.

У м о н а т: - Мен қачонгача кўрқиб юраман? Мен ҳам ҳали икки қизимни чиқаришим керак. Бекорга юзимни қора қилиб, уларнинг тўйига гов солмайман-ку.

К р и ш а н ч а н д р: - Демак, номим ёмонга чиқмасин деб бу жиноий ишни қўзғаясиз, шундайми?

Умонат шартга деди: - Ҳа, агар сиз шундай маъно бермоқчи экансиз, шундоқ бўла қолсин. Куёвнавкарлар менинг эшигимдан қайтишган, одамлар билмай Суманни менинг қизим деб ўйлаган. Бутун шаҳарда ҳамманинг оғзида ҳозир менман. Мен ўн минг рупия даъво қиламан. Агар беш минг рупия ундирсам, Шантани бирон тагли-тахтли жойга узатиб юбораман. Ўзингиз биласиз-ку, сиртига шира суриб берсангиз, одамлар нималарни емайди. Токи ақча билан одамлар кўзини ўйнатмагунча, Шантани эрга бериб бўлман. Бир жиҳатдан менинг шаънимга ҳам доғ тушди. Илгари қуда-анда бўлиш учун соямага салом берадиганлар энди саломимга тўғри алик олмай ўташпти, мана гап қаерда.

Кришанчандр деди: - Бўлти, жиноий иш қўзғатаверинг.

Умонат кетгач, Кришанчандр осмонга қараб деди:

- Эй худо, олсанг ола қолмайсанми жонимни, бу кўргуликка ортиқ чи-долмайман!

Бутун у шармандаликни дил-дилидан ҳис этди. Суманни жазолаган билан бу иснод ювилиб кетмаслигини аниқ билди. Илонни ўлдирган билан унинг захрини йўқотиб бўлмайди-ку. Қизининг жонига қасд қилиш — ўзини бадтар кулига қўйиш деган гап. Полиция туғиб кетади, айблаб сарсону саргардон бўламан, чеккан чексиз азобларим эвазига охири дорга тортиламан. Ундан кўра сувга чўкиб ўлганим минг марта аъло. Нуридан нукул шайтон қўлкаси кўринадиган бу чироқни бир пуфлаб ўчириб қўя қолганим дуруст. Қадбахт Суман шўрлик Шантани ҳам ўзи билан бирга гарқ қилади. Синглисининг бахтига зомин бўлди-я. Эй парвардигор! Энди битта ўзинг уларга мададкорсан! Бу бечора қизнинг сандан бошқа ҳеч қандай паноҳқори йўқ. Фақат тезроқ мени бу ердан гумдон қил, токи шу қизимнинг афтода ҳолини кўрмай.

Бир оздан сўнг Шанга отасини овқатлангани айтишга келди. Тўй кунидан бери Кришанчандр уни кўрмаганди. У қизига ғамгин кўзлари билан боқди. Чироқнинг гира-шира ёғдусида қизининг чеҳрасида ғайритабиий бир нур акс этарди. Бегубор кўзлари пинҳоний севинчдан чарақлар, ғам ва ташвишдан асар ҳам кўринмасди. У Саданни кўрганидан бери юрагида таъриф қилиб бўлмас бир кўтаринкилик пайдо бўлганди. Қалбида мусаффо туйғуларнинг шаффоф чашмаси кўз очиб улгуриб, вужуди бир ажиб руҳий қувватга тўлиб-тошмоқда эди. У отаси билан сира очилиб-сочилиб гаплашмасди, энди эса соатлаб унинг оёғини уқалар, опаларига заррача ҳасад қилмай қўйганди. Ўйнаб-қулиб қудуқдан сув тортар, ёргучоқни ҳам жуда завқ билан айлантириб, ун тортарди. Унинг ҳаётида муҳаббат ниҳоли ниш урганди. Унга Садан эмас, Садандан ҳам қимматлироқ нарса насиб этганди. Бу Саданга бўлган муҳаббат эди.

Кришанчандр қизидоғи бу ўзгаришни кўриб, ҳайратдан кўра кўпроқ ҳадикка тушди. Юрагидаги ғам кўз ёши билан чиқиб кетмай, уни телба қилиб қўймадимикан, деган хаёлга борди. Бу мудҳиш азобларим учун сиз айбдорсиз деб юзимга солаётгани эмасмикин бу? Чунончи, қизига хавотир ила кўз ташлаб, аста:

- Шанга! — деди.

Шанга ҳайрон бўлиб унга қаради. Кришанчандр синиқ овозда деди:

- Мана тўрт йилдирки, ҳаётим кемаси гирдобга тушиб қолган. Бу мусибат мени бутунлай хонавайрон қилди. Лекин фарзандларимнинг азоб чекишига чидаб туролмайман. Биламан, буларнинг барчасига мен айбдорман. Агар мен бошида сал кўзимга қараб юрганимда, сизлар бу кунларга қолмас эдиларинг. Энди кўп яшамасам керак. Агар бир кун бадбахт Суманни учратиб қолсанг,

айт, мен уни кечирдим. У нимаики қилган бўлса, барча гуноҳи менинг бўйнимга. Икки кундан бери уни ўлдириш пайида юрган эдим. Лекин худо мени бу гуноҳдан сақлаб қолди. Унга айт, у шўрлик отаси ва бахтсиз онаси руҳини чирқиллатмасин.

Шундай дея Кришанчандр жим бўлиб қолди. Шанта чурқ этмай турарди. Унинг отасига қаттиқ раҳми келмоқда эди. Бир оздан сўнг Кришанчандр деди:

- Сендан ҳам бир ўтинчим бор.

Ш а н т а: - Айтинг, нима экан?

К р и ш а н ч а н д р: - Ҳеч нима, фақат ҳеч қачон умидсизланма. Шундагина энг қийин дамларда ҳам ўзингни йўқотмайсан.

Шанта отасининг нимадир демоқчилигини англади, бироқ бунга журъати етмай, гапни бошқа томонга бурди. Отасининг кўнглидагини у бари бир биллиб турарди. Қиз бошини мағрур кўтариб, отасига кўзларини тикди. Шу қараш билан у тилда айтиб бўлмайдиган жуда кўп гапларни айтди. Қиз ичида деди: «Пешонасида эри бўлган аёл учун бу дунёда бошқа ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ. Бахти ҳам, умиди ҳам, ҳаловати ҳам — бари шунда».

Тун ярмидан оққан эди. Кришанчандр уйдан ташқарига чиқди. Борлиқ қари камшир сингари туман чодирига бурканганча уйқуни урмоқда. Осмонда хира ой барқаша юзини яширган кўйи шитоб билан чошиб кетаяпти, қаёққа — ўзи ҳам билмайди.

Кришанчандрнинг дилида, Гангажалийни қандай кўрсам бўларкин, деган жиддий ният пайдо бўлди. Ёруғ дунёда унинг ҳаётига қувонч бағишлаб турган ягона инсон у эди. Умидсизликнинг тим қора зулмати ичра фақат мана шу ёдугина уни ўзи томон оҳанрабодай тортигани-тортган эди. У бирмунча вақт ҳовлида тек туриб қолди, кейин чуқур сўлиш олди-да, юриб кетди. Унга гўё Гангажалий осмонда ўтириб уни чақираётгандай туюлмоқда эди.

Кришанчандрнинг кўнглида ҳозир на бир истак, на бир умид, на бир ташвиш бор эди. Унинг дунёдан кўнгли қолган эди. У бир амаллаб Ганга соҳилига етиб олсам-у, унинг тубсиз қаърига ўзимни отсам деган хаёлга борди. Лекин журъатим етмаса-чи, деб иккиланди. Қароримдан қайтиб қолмай дея у югура бошлади.

Бироқ сал нарига бориб у тўхтади ва ўйлай бошлади. Сувга ташлашдан осони борми, оёғинг ердан узилдими — барчаси тугади дегани. Шунини ўйлаб унинг юраги яна ҳаприқиб кетди. Бирдан миясига, аллақайёққа бош олиб кетсам-чи, деган ўй келди. Ўзга ерларда ким менга таъна қиларди? Бироқ бу ҳам кўнглига ўтирмади. Ҳеч жойни қилма орзу, ҳар жойда бор тош билан тарозу. Гарчанд у диндор одам бўлмаса-да, юраги номаълум бир кўркувдан титраб турарди, шундай бўлса-да, у ҳамон бир нарсадан бутунлай умидини узмаганди: парвардигор раҳмдил ва шафқатли. У икки йўл орасида қолганди. Унинг ҳозирги аҳволи ўртоғининг ўйинчоғини синдириб қуйиб, ўз уйига киришга юраги дов бермаётган болага ўхшарди.

Шу тариқа Кришанчандр тўрт милча йўл босди. Ҳар гал Ганга соҳилига яқинлашганда юраги дук-дук уриб кетарди. Бутун вужудини ваҳм чулғаб оларди. Бироқ бу ички заифликни бир оз қадамини жадаллатиб ва бир оз нафрат билан ўзидан йироқлатишга ҳаракат қиларди. Ҳа, мен қанчалик беномус, тубан одамман! Шу хароб аҳволимда ҳам ўлимдан кўрқаман-а. Шу топ кимнингдир кўшиқ айтаётгани қулоғига чалинди. У олдинга юргани сайин кўшиқ овози тобора яқинлашиб келарди. Кўшиқчи у томонга қараб келаётганди. Сокин тун кўйида кўшиқ Кришанчандрга жуда сеҳрли туюлмоқда эди. Гарчи кўшиқ ижрочисининг овози у қадар тиниқ бўлмаса-да, сўзлари қайсидир муқаддас китобдан олинган эди, Кришанчандрни маҳлиё қилган жиҳати шунда эди. У бу қайси китобдан эканини яхши биларди. Юраги сал ором олгандай бўлди.

Кўшиқ тўхтади ва кўп ўтмай Кришанчандр томон юриб келаётган сочлари ўсиқ бир дарвеш кўринди. Дарвеш унинг исмини ва жойини сўради. Ўзини тутишига қараганда, дарвеш уни танирди. Кришанчандр йўлида давом этмоқчи бўлган эди, дарвеш унга сўз қотди:

- Бемаҳалда қаёққа кетаяпсиз?

К р и ш а н ч а н д р: - Бир иш чиқиб қолган эди.

Д а р в е ш: - Ярим тунда Ганга соҳилида нима ишингиз бўлиши мумкин?

Кришанчандр тоқатсизланиб жавоб берди:

- Сиз одамнинг юрагидагини айтмаса ҳам биласиз. Ўзингиздан қолар гап йўқ.

Д а р в е ш: - Одамнинг юрагидагини мен эмас, фақат яратган биледи. Мен сизнинг ҳозир у ёққа боришингизга йўл қўймайман.

К р и ш а н ч а н д р: - Сиз йўлингиздан қолманг. Менинг ишимга аралашишга нима ҳақингиз бор?

Д а р в е ш: - Ҳақим бўлмаганда сизни тўхтатмас эдим. Сиз мени танимаясиз, лекин мен сизнинг ўғлингизман, исмим Гажодҳар Панде бўлади!

К р и ш а н ч а н д р: - Э-ҳа, сиз Гажодҳармисиз? Қачондан буён бунақа қиёфага кириб олдингиз? Сизни жуда-жуда кўрмоқчи бўлиб юргандим, сиздан сўрайдиган жуда кўп гапларим бор.

Г а ж о д ҳ а р: - Менинг масканим Ганга соҳилидаги бир дарахт тагида, юринг, у ерда бир оз дам олинг, мен ҳамма гапни сизга айтиб бераман.

Йўлда иккала киши ҳам жим боришди. Ҳаял ўтмай ҳалиги дарахт тагига етиб келишди, у ерда бир йўғон томир ёнарди. Ерга похол тўшалган ва унинг устида бир оху пўстаги, качкул ва китоблар солинган халта ётарди.

Кришанчандр оловда тобланаркан, деди:

- Сиз дарвеш бўлиб кетибсиз, тўғриси айтинг, Суман қандай қилиб ёмон йўлга кириб келди?

Гажодҳар олов ёдусида Кришанчандрнинг чеҳрасига ачиниш билан қарамоқда эди. Унинг чеҳраси дилидаги ҳамма гапни шундоққина айтиб турарди. У аввали Гажодҳар эмасди. Ҳаёт йўлидаги пасту баландликлар уни мулла қилиб қўйганди. У ҳалиги воқеани ўйлагани сайин пушаймонни ортиб борарди. Шу тариқа кўп сир-синаотлардан ўтиб, у Суманнинг барча гуноҳларини кечиб юборганди. Гоҳ-гоҳ бориб, унинг оёғига йиқилсаммикин, деб хаёл қиларди.

Гажодҳар деди:

- Бунга менинг ноҳақлигим сабабчи. Булар барчаси менинг меҳрсизлигим ва ноинсофлигим оқибати. У бир олгин ёмби эди, у бой хонадон бекаси бўлишга муносиб аёл эди. Мендай золим, бадахлоқ, бадгумон унинг асло тенги эмасди. Ўшанда менинг кўзларим кўр эди, ундаги фазилатларни кўролмадим. Мен билан яшаб, у тортмаган биронта жабр қолмади. Лекин у бирон марта юзимга тик боқмади. У мени ҳурмат қиларди. Лекин мен унинг бу муомаласини кўриб, мени лақиллатаётти, деган шубҳага борардим. Унинг сабр-тоқати, унинг садоқати, унинг бир сўзлигини мен нотўғри тушунардим. Ўйлардимки, у менга фириб бермоқчи, хиёнат қилмоқчи деб. Агар у арзимаган нарсалар учун галва қилганда, йиелганда, қаргаганда, таъна-маломатлар қилганда, бунга ишонган бўлардим. Унинг бағри кенлиги менда ишончсизлик уйғотганди. Мен унинг садоқатига шубҳа қила бошладим. Охири шунга олиб келдики, у бир дугонасиникида кечаси бир оз ҳаяллаб қолди-ю, мен уни уйдан ҳайдаб юбордим.

Кришанчандр унинг гапини бўлиб деди:

- Ўшанда эсинг қаерга кетган эди? Бу ишинг билан бутун бир авлод шаънини ер билан яқсон қилаётганингни, наҳотки ақлинг етмаганди?

Г а ж о д ҳ а р: - Тақсир, менга нима бўлганини қаёқдан билай? Мен унинг гапига ишонмадим. Лекин унинг виждони пок эди. Ёмон йўлга юривчилардан нафрат қиларди. Ҳозир у бевахонада яшайпти, ҳамма ундан хурсанд эмиш. Унинг тақводорлигини кўриб, одамлар ҳайрон қолармиш.

Гажодҳарнинг гапларини эшитиб, Кришанчандрнинг юраги Суманга нисбатан сал юмшади. Бироқ бир томондан қанча юмшаган бўлса, иккинчи томондан шунчалик тош қотмоқда эди. У Гажодҳарга оч шер ўз ўлжасига қарагандай ўқрайиб қараб ўғирарди. Менинг наслимни булаган одам шу бўлади, дея кўпроқ ўзини ишонтирмоқда эди. Наслимни булгадигина эмас, Суманни ҳам қон қақшатди. Уни турли азобларга гирифтор қилди. Хўш, энди қилмишидан пушаймон бўлаётгани учун буни ўз ҳолига қўйиб юбораверайми? Лекин бу гапларни у менга нега айтаяпти? У мени ҳеч нима қилолмайди деб ўйлаётган бўлса керак-да. Шундай бўлмаганда, у менинг олдимда ўз гуноҳларига бу қадар дадиллик билан иқрор бўлмасди. Кришанчандр Гажодҳарнинг кўнглидагини англамасди. У бир оз оловга тикилиб турди-да, сўнг жиддий оҳангда деди:

- Гажодҳар, сен менинг наслимни ер билан битта қилдинг. Сен менга ба-



шарангни кўрсатишга муносиб эмассан. Сен менинг қизимни ўлдирдинг, уни йўқ қилдинг, тагин менинг олдимда ўзингни сугдан оқ, мусичадан ювош қилиб кўрсатмоқчи бўлаяпсан-а? Сен бир ҳовуч сувга чўкиб ўлганинг яхши.

Гажодҳар бошини эгтанча ер тирнарди.

Кришанчандр сўзида давом этди:

- Сен камбағал эдинг. Бунда сени айблаб бўлмайди. Агар сен хотинингни яхшилаб парвариш қилолмаган бўлганингда, бунда сени айбдор қилиб бўлмасди. Сен унинг юрагини тушунмадинг, унинг яхши ниятларига парво қилмадинг, бунинг учун ҳам сени айблаб бўлмайди. Сенинг гуноҳинг шундаки, уни уйдан ҳайлаб юбординг. Нега уни ўлдириб қўя қолмадинг? Агар у сенга хиёнат қилган бўлса, нега бошини чўрт узиб ташламадинг? Бунга журъатинг етмаган бўлса, нега ўзингни ўлдирмадинг? Нега заҳар ичиб қўя қолмадинг? Агар сен уни ўлдирганингда, у бундай қора кунларга қолмасди, менинг наслим бадном бўлмасди. Тагин ўзингни эркакман деб юрибсанми? Лаънат сендай қўрқоқ, беномус эркакка! Ўз хотинининг бошқалар билан ётиб-турганини кўриб туриб ҳам виждони қийналмас экан, ундай пасткаш эр одам эмас, ҳайвондан ҳам бадтардир.

Суманни уйдан ҳайлаб юбориб, ўз бўйнига ўзи сиртмоқ солганини Гажодҳар энди англади. Бағрикентлик қиламан деб мен шунчалик хушёрликни бой берманми, дея ич-ичидан пушаймон қила бошлади. Суманни заррача ҳам таҳқирлашга ҳақи йўқ экан-ку. Суманни таҳқирлаш оқибати бунақа бўлади, охири юрагига ўқ бўлиб санчиледи деб хаёлига келтирмаганди. Куйган дилга ҳақоратомуз ва разилона таъна эмас, хайрихоҳлик ва ҳамдардлик билан қилинган таъна далда бўла олади. Пишган ярани тош билан уриб эмас, наштаг билан тилиб ёрадилар. Гажодҳар энди ўзидан кўрсин. У ўзини оқлашга ҳаракат қила бошлаган эди, Кришанчандр ўшқириб деди:

- Хўш, нега уни ўлдириб қўя қолмадинг?

Гажодҳар жиддий оҳангда жавоб берди:

- Мен унақа тошбағир эмасман.

К р и ш а н ч а н д р : - Унда нега уйдан ҳайлаб чиқардинг?

Г а ж о д ҳ а р : - Чунки ундан қутулишнинг бошқа чорасини тополмагандим, шунинг учун.

Кришанчандр афтини бужмайтириб деди:

- Нега? Заҳар ичишинг мумкин эди.

Гажодҳар бу зарбадан инграниб деди:

- Бекорга ўлиб кетаверайми?

К р и ш а н ч а н д р : - Бекорга яшагандан бекорга ўлган яхши.

Г а ж о д ҳ а р : - Сиз мени бекорга яшаяпсан деёлмайсиз. Сизга пандит Умонат айтмаган бўлса керак, лекин мен ҳадеб ялиниб-ёлбора бергандан кейин унга бир ярим минг рупия пул берганман, ҳозир ҳам унга бир минг рупия олиб кетаётгандим, тўйнинг қолган кам-кўстига яратар деб.

Шундай дея Гажодҳар жим бўлиб қолди. Чакки қилдим, бу гаплар билан ўзимнинг овсарлигимни билдириб қўйдим, дея пушаймон қила бошлади. У хижолат ичида бошини қуйи солди.

Кришанчандр сир бой бермаган оҳангда деди:

- Улар бу борада менга ҳеч нарса дейишмади.

Г а ж о д ҳ а р : - Бу сизга айтадиган гап ҳам эмас эди-да. Менинг ҳам оғзимдан чиқиб кетди. Мени кечиринг, фақат шуни айтмоқчи эдимки, жонимга қасд қилганим билан бировга бундан на фойда, на зиён бўларди. Бу иснод менинг ҳаётимни ҳам остин-устин қилиб юборди. Поймол бўлган гурурни тиклаш учун хатоларимиз ўзига яраша бир илоҳий оятдек гап, улар бизни ҳар доим хушёр қилиб туради. Таълим, панд-насихат, тоат-ибодат — буларнинг биронтаси хатоларимиздан чиқарган сабоқдек бизга фойдали таъсир қилолмайди. Балки, сиз бунини менинг кўрқоқлигимга йўяётгандирсиз, лекин ана шу кўрқоқлик мен учун хотиржамлик ва хайр-эҳсон ато этувчи битмас-туганмас хазина бўлиб қолган. Бир бандани хонавайрон қилиб, мен бугун юзлаб бахтиқаро қизларга яхшилик кўрсатишга қодир бўлдим, буни кўриб чексиз хузур қиламан — мана шу савобли ишим Суманга ҳам яхши таъсир қилаяпти. Қулбамда ўтириб, мен унинг Гангага гусл қилгани келганини бир неча марта кўрдим, унинг тақво ва ихлосини кўриб, ёқа ушладим. Унинг

чехрасидан нур ёғилади. У илгари ажойиб уй бекаси бўлган бўлса, энди поктийнат художўйга айланган. Ишонаманки, бир кун келиб у аёллар ичида энг аълоси бўлади.

Кришанчандр аввалига унинг гапларига худди бир қув савдогарнинг омади гапларини эшитаётгандек қулоқ солиб турди. У савдогар ҳеч қачон харидор манфаатини кўзлаб гапирмаслигини яхши биларди. Лекин аста-секин унинг гаплари Кришанчандрга таъсир қила бошлади. Бу одамга қаттиқ гапириб, дилини оғритиб қўйганини ҳис этди, ҳолбуки у қилмишидан қаттиқ пушаймон экан, у ҳам менга ўхшаб бировларга қилган яхшилиги жабрини тортмоқда экан. Ҳа, мен ҳам ўлгудай тошбағир эканман. Шуларни ўйлаб унинг кўзларига ёш тўлди. Соддадил одамлар шамнинг мумига ўхшаган бўлади: қанчалик тез қотса, шунчалик тез эрийди ҳам.

Гажодҳар унга раҳм тўла нигоҳ билан қараб деди:

- Бир кеча дарвешнинг меҳмони бўлсангиз бўлибсиз-да. Азонда мен сиз билан бирга кетаман. Мана бу адёлга ўраниб олинг, совқотмайсиз.

Кришанчандр мулоиймлиқ билан деди:

- Адёлнинг кераги йўқ. Шундоқ ётавераман.

Г а ж о д ҳ а р: - Менинг адёлимни ёпинсангиз гуноҳга ботаман деб ўйлаясизми? Лекин бу адёл меники эмас, мен уни азиз меҳмонларим учун олиб қўйганман.

Кришанчандр ортиқ қаршилиқ қилмади. У совқотаётган эди. Адёлга ўраниб ётиши билан дарров уйқу элитди, лекин бу оромбахш уйқу эмасди, унинг бир азобига яна бир азоб қўшди, ҳолос. У туш кўрди. Тушида қамоқхонанинг ўликхонасида ётганмиш, қамоқхона доруғаси унга ижираниб қараганча, «Сен ҳали озод бўлмайсан», деётганмиш. Шу топ Гангажалий ва Кришанчандрнинг отаси келиб, каравот олдида туриб олишганмиш. Уларнинг кўзлари тунд ва қора сурилганмиш. Гангажалий йиғлаб туриб шундай дермиш: «Сен туфайли биз шунақа аҳволга тушдик». Отаси газаб ичида дермиш: «Хўш, бизни иснодга қўйишинг учун сени дунёга келтирганмидим? Энди бу иснодни ҳеч қачон ювиб бўлмайди. Биз энди абадий азоб чекишга маҳкуммиз. Сен тўрт кунлик умринг учун бизни шундай азобларга гирифтор этдинг, лекин биз сенинг жонингни ҳозироқ олмоқчимиз». Шундай дея ота қўлига бир болта олиб, унга ташланганмиш.

Кришанчандрнинг уйқуси қочиб кетди. Юраги гурс-гурс тепарди. Ухлаган вақтида у нима учун уйдан чиққанини унуттанди. Мана бу туш унга шуни эслатди. У ўзини қаттиқ койиди. Сўзида турмайдиган қандай одам бўлдим?! Бу туш эмас, хабар эканига унинг ишончи комил эди.

Гажодҳар гапларининг таъсири аста-секин унинг кўнглидан ғойиб бўла бошлади. Суман энди хоҳ ўзини ўтда куйдирсин, хоҳ таркидунё қилсин, барибир у юзимизга суртган қора доғ энди йўқолмайди. Бир донишманд айтган экан, «Гуноҳ кучли ислоҳ қилиш қудратига эга», деб. Лекин мен бунга сира кўрмаяман-ку. Мен ҳам гуноҳ қилганман, лекин сира унинг қудратини сезмаганман. Бу уларнинг қуруқ сафсатабозлигидан бошқа нарса эмас, улар ўз ночорликларини баландпарвоз сўзлар билан хаспўшлаганлар. Бўлмаган гап, гуноҳдан гуноҳ пайдо бўлади. Агар гуноҳдан савоб пайдо бўлганда, ҳозир дунёда битта ҳам гуноҳқор қолмаган бўларди.

Шуларни кўнглидан ўтказиб у ўрнидан туриб ўтирди — Гажодҳар ҳам олов ёнида ётар эди. Кришанчандр ўрнидан турди-да, Ганга соҳили томон юриб кетди. Энди бу азобларга чек қўймасам бўлмайди, дея ўзича қарор қилди у.

Ой аллақачон ботган эди. Туман янада қалинлашганди. Зулмат қўйнида довдарахтларни, тоғларни ва осмонни бир-бирдан ажратиб бўлмасди. Кришанчандр сўқмоқдан кетиб бораркан, кўзи билан эмас, кўпроқ тусмол билан иш кўришга тўғри келмоқда эди. Чақир тошлар ва тиканли буталардан сақланиш учун у азбаройи банд бўлганидан ўзининг ҳолига эътибор қилмаётганди.

Жарлик ёқасига етиб келганда унинг кўзига аллақандай ёдду ташланди. У пастга тушди. Ганга туманнинг қалин чодирига бурканганча фарёд қилар эди. Атрофдаги зулмат ва дарёни фақат тўлқинларгина ажратиб турарди. Бу долғали зулмат эди. Бутун борлиқни ўлик чиққан уйдагига ўхшаш мотамсаролик чулғаб олганди.

Кришанчандр дарё устида тик турарди. У ўйлади: «Э-воҳ! Менинг сўнгги

нафасим жуда яқин қолди. Яна бир лаҳзадан кейин бу жон қаерларга учиб кетмайди. Бу ёғи нима бўларкин-а? Ёруғ оламдаги насибам тугаяпти. Эй парвардигор, энди сенинг хузурингга бораман, менга раҳм қил, эй худо, мени паноҳингга ол!»

Шундан кейин у бир лаҳза бор кучини юрагига тўшлади. У ўзининг қўрқмаётганини ҳис қилди. У сувга тушди. Сув жуда совуқ эди. Кришанчандрнинг аъзойи бадани титраб кетди. У сувга ботиб бораверди. Бўйнигача сувга киргач, яна бир карра тубсиз зулматга боқди. Бу ёруғ оламга бўлган муҳаббатининг сўнги соати эди. Бу ирода кучи, виждони, ор-номусининг сўнги имтиҳони эди. Шу пайтгача у нимаики қилган бўлса, барчаси мана шу имтиҳонга тайёргарлик эди. Орзу ва рўё ўртасидаги сўнги жанг эди. Рўё бор кучи билан уни ўзи томон тортди. Мурдор либосида Суман пайдо бўлди, мотамга ботган Шанта қиёфаси кўз ўнгига келди. Нима, осмон узилиб ерга тушдимми? Дарвеш бўлсам нима қилибди? Мен жуда ким бўлибманки, одамлар мени ва авлод-ажлодимни тилдан қўймай гапиришади? Қанчалаб қиз-жувонлар гуноҳ ботқоғига ботмаган. Одамлар қайси бирига парво қиляпти? Одамлар устимдан кулишади, деб ўйлаган асли мен ўзим аҳмоқман. Бир кўнгли, йўқ, қулоқ солма, деб қаршилиқ кўрсатмоқчи ҳам бўлди, бироқ бу беҳуда кетди. Бир шўнғиса бўлди — тамом-вассалом. Ҳаёт ва ўлим ўртасидаги масофа бир қадамгина эди, холос. Орқага қўйилган қадам қанчалик ёқимли, қанчалик оддий! Олдинга қўйилган қадам қанчалик оғир, қанчалик даҳшатли!

Кришанчандр орта қайтгани одим ташлади. Рўё ўзининг мўъжизавий қудратини намойиш этди. Дарҳақиқат, бу ёруғ оламга бўлган муҳаббат эмас, йўқлик қўрқинчи эди.

Ушанда Кришанчандр энди мен учун орқага йўл йўқ деб ўйлаганди. У аста-секин ўзида-ўзи сурилиб кетаверди. У қаттиқ қичқирди. Муз қотган оёқларини жон-жаҳди билан орқага олишга ҳаракат қилди, бироқ не чора қилсинки, у олдинга силжиб борарди.

Шу топ қулоғига Гажодҳарнинг қақирган овози чалинди. Кришанчандр қичқириб жавоб қайтарди — бироқ овозининг ярми бўғзида қолиб кетди, шамолдан ўчиб, қоронғулик ичида кўринмай кетган шам каби тўлқинлар орасида ғойиб бўлди. Ғам-алам, номус ва жафо ўтида ёниб турган юрак муздек сувдан тинчиди-қолди. Гажодҳар фақат унинг: «Чўкиб кетаяпман!» дея қичқирганини эшитди ва шундан сўнг мавжларнинг бир-бирига урилиб чапиллашидан бошқа товуш қулоғига чалинмади.

Қайғуга ботганча Гажодҳар анчагача қирғоқда туриб қолди. Чор атрофдан қулоғига фақат ҳалиги сўзлар келиб уриларди. Бу сўзлар яқиндаги тоғларда, сув юзидаги мавжларда ва чор атрофни чулғаб олган зим-зиё қоронғуликда акс-садо бергани-берган эди.

## 39

Эрталаб бу мудҳиш хабар Амолага ёйилди, битта-яримта одамни айтмаганда ҳеч ким Умонатнинг уйига таъзия билдиргани келмади. Оддий ўлим бўлганида-ку, эҳтимол, унинг душманлари ҳам бирров кўнгили сўраб кетарди, бироқ ўз жонига қасд қилиш — бу бошқа гап, буни полиция ҳал қилади; шу муносабат билан дўстлар ҳам душманнинг ишини қилишди.

Гажодҳар бу хабарни Умонатга етказганида у қудуқ бошида чўмилаётган эди. Хабардан у заррача ғамга ботмади, аксинча, Кришанчандрдан қаттиқ жаҳли чиқди, полиция найрангларидан қўркув туйғуси олдида мотам ҳам кўзга кўринмасди. Уша куни унинг ғусли жуда чўзилиб кетди. Ваҳимага тушгани шунчаликки, у нима қилаётганини ҳам эсидан чиқарганди. Бундай вақтда мия ҳам ишламай қўяди.

Шоҳнавий уввос солиб йиғлади. Унинг йиғлаганини кўриб иккала қизи ҳам йиғлай бошлади. Ён-вердаги қўшни хотинлар тасалли бергани келишди. Улар полициядан қўрқинмасди, бироқ дод-войлар тезгина тинди. Кришанчандрнинг яхши-ёмон ишлари тўғрисида гаплаша бошлашди. Қишлоқ оқсоқоли эътироф этиб айтдики, унинг қилган яхшиликлари олдида гуноҳ ишлари йўқ ҳисоби. Туш чоғи Умонат шарбат ичгани уйига келди, Кришанчандр борасида баъзи нохуш гапларни айтганди, Шоҳнавий унга еб қўйгудек қараб:

- Нималар деяпсиз ўзи? — деди.

Умонат тил тишлаб қолди. Шоҳнавий дилидаги хурсандчиликни ўзи билан ўзи баҳам кўрмоқда эди. Бу севинччи азбаройи назарига илмаганидан Умонатта ҳам билдиришни эп кўрмасди. Шантадан бошқа ҳеч ким дилдан аза тутмаётганди. Гарчи отасининг қўли қисқа, ночор бир кимса эканини билса-да, барибир ёруғ оламда у таянадиган бир суянчиқ бор эди. Отасини шу ночорлиги учун ҳам яхши кўрарди, энди шу яхши кўрадиган суянчигидан ҳам айрилди. Бироқ ғам унинг ҳаётда кўзлаган мақсадидан жудо қилолмади. Унинг кўнгли янада нозик бўлиб қолди. Кришанчандр ҳаётлигида берган панд-насиҳатлари ўтиглар энди унга янгидан куч ва илҳом бағишламоқда эди. Қизгина ҳамманинг назарида бир фариштага айланганди. Пуве ойининг сўнгги томчилари каби бандасининг сўнгги сўзлари ҳам бекор кетмайди. Отамнинг руҳи озор чекмасин деб Шанта энди оғзидан биронта ноҳўя сўз чиқармасди. Отаси кўзи очқилигида гоҳ Шанта унинг гапини икки қилган пайтлари ҳам бўларди, энди эса бу бўлмағур хотираларни иложи борича эсга олмасликка ҳаракат қиларди. Жисмдан озод бўлган руҳ учун ичкари билан ташқарининг ҳеч қандай фарқи бўлмаслигини биларди. Гарчанд у Шоҳнавийнинг кўнглини хотиржам қилиш мақсадида ҳеч нарса деб оғиз очмаса-да, барибир Шоҳнавий кунда уч-тўрт марта унга албатта бобиллаб берарди. Бирдан Шантанинг жаҳли чиқарди, лекин захрини қулг этиб ичига ютар, хилватда юм-юм йиғлаб оларди. Йиғлаганини эшитиб отасининг руҳи хафа бўлмасин, деб кўрқарди бояқиш қиз.

Ҳўлий байрами куни Умонат иккала қизига қулинг ўргулсин сарий олиб келди. Шоҳнавий ҳам шойи сарийсини чиқарди, бироқ Шанта ўзининг эски дхўтийсини кийишдан бошқа иложи қолмади. Унинг юраги аламдан тилка-пора бўлса-да, бироқ заррача сир бой бермади. Иккала қизи сариймизга жияк қадамасиз деб тумшайиб ўтирарди, Шанта эса ҳеч нарса бўлмагандек, уй юмушлари билан овора эди, Шоҳнавийнинг унга раҳми келиб кетди. У ўзининг эски, аммо шойи сарийсини олиб чиқиб, Шантага берди. Шанта чурқ этмай сарийни олди-да, кийиб, пишириқлар пиширишга уннаб кетди.

Бир куни Шанта Умонатнинг дхўтийсини қуригишни унутиб қўйди. Эртасига Умонат ғул қилгани борса, дхўтийси ҳўллитича ётибди. Умонат-ку, ҳеч нима демади, аммо Шоҳнавий уни шунақанги қарғаб бердики, у йиғлаб юборди. Йиғлай-йиғлай дхўтийни қуригиб берди. Умонат буни кўриб хафа бўлиб кетди, ичида, «Бир бурда нон учун бу етимчага шунча зулм қилаяпмиз, худонинг олдида нима деб жавоб берамиз?» деб ўйлади. Шоҳнавийга у ҳеч нима демади, бироқ тезда бу адолатсизликка чек қўйишга қарор қилди. Марҳумнинг маросимларидан қутулгач, Умонат энди Мадансинҳни судга бериш ишлари билан овора эди. Оқловчилар галаба сиз тарафда деб уни ишонтириб қўйганди. Беш минг рупияни шарақлатиб ундириб олади, қандай маза, деб Умонат ўзида йўқ хурсанд эди. Ўзича турли режалар ҳам туза бошлаганди. Янги уй қуради. Ҳатто муносиб жой топиш тўғрисида гаплашиб ҳам қўйди. Бу ширин орзулар ичида Шантани эсидан ҳам чиқариб юборганди. Шоҳнавийнинг мана бу қилигидан кейин унинг Шантага ичи ачиб кетди. Гаждоҳар суд харажатларига деб берган юз рупия уйда эди. Бир куни Шоҳнавий худди шу пул тўғрисида оғиз очиб қолди. Бир жойда муносиброқ йигит бор экан. Буни Шанта ҳам эшитиб қолди. Суд ҳақидаги гапни эшитиб хафа бўлса-да, лекин у бунга аралашини маъқул топмади. Аммо тўй ҳақидаги гапни эшитгач, жим туролмади. Хижолат-пижолатни бир чеккага йиғиштириб қўйди-да, Умонат кетиши билан у Шоҳнавийнинг олдига келиб деди:

- Амаким ҳозир бир нима дедиларми?

Шоҳнавий мамнун ҳолда жавоб берди:

- Нима дерди, дардини айтди-да. Ҳаммасини шу бадбахт Суман қилди, бўлмаса икки тарафлама ўт ичида қолармидик. Энди на бир тагли-тахтли оила учрайди, на бир тузук куёв топилади. Сал нарида бир қишлоқ бор, ўша ердаги бир йигитни кўргани кетди.

Шанта ердан кўзини олмай деди:

- Мен сизларни шунчалик қийнаб қўйдиммики, мени улоқтирмоқчи бўлаётисизлар? Амакимга айтинг, мени деб овора бўлмасинлар.

Ш о ҳ н а в и й: - Амакинг сени яхши кўради, сенинг қийналишингни истамайди. Мен ҳам айтдим бўлмаса, шошмай туринг, деб. Аввал суд ўтсин,

пул қўлингизга келиб тушсин, кейин қилинг бу харажатиңизни, дедим, лекин у гапимга кирармиди.

Ш а н т а: - Нега мени ўша жойга элтиб ташламайсизлар?

Ш о ҳ н а в и й (*таажжуб билан*): - Қарга?

Ш а н т а: - Чунаргами, Кошийгами...

Ш о ҳ н а в и й: - Ёш боланинг гапини қиласан-а! Агар шунақа бўлганда бу кўз ёшларга бало бормиди. Улар сени уйларига сиғдиришганда амакинг ҳам бунақа галвани бошламасди.

Ш а н т а: - Келин қилиб бўлмаса, қиз қилиб олишарди.

Шоҳнавийники ҳам тутиб кетди: - Ана, катта кўча! Сени гердаиб олиб борсин-да, у ердан яна шарманда бўлиб қайтариб олиб келсин – амакинг бунга ўлсаям рози бўлмайди. У худди ўшаларнинг башарасини ёриб, пулини ундиреди.

Ш а н т а: - Келиноғи, улар ҳар қанча димоғдор бўлишмасин, лекин мен уларнинг эшигига бориб турсам, улар менга раҳм қилишади. Уларнинг мени кўчага ҳайдаб чиқармасликларига ишонаман. Уйга келгани ит қопмас дейдилар, ахир мен уларга...

Шоҳнавий қизнинг бу шарткалигига ортиқ бардош беролмади, унинг гапини бўлиб деди:

- Жим бўл! Шарм-ҳаё деган нарса қолмабди ўзи сенда! Етим бола асрасанг оғзи-бурнинг қон бўлар деганлари ҳаққос рост экан. Битиб кетган бой бўлса ҳам, ўзини билмаган одам билан гаплашишнинг кераги йўқ. Ўзингдан чиққан бало деганлари шу бўлса керак-да. Энди ўша пасткашлар бу ерга оёғини босиб кўрсин-чи, амакинг яқинлаштириб бўлти.

Шанта жим бўлиб қолди. Одамлар нима деб ўйласа ўйлайверсин-у, лекин у ўзини келин деб ҳисобларди. Никоҳдан ўтган қиз бошқа хонадонга узатилса, қиз учун бундан ортиқ шармандалиқ бўлмаса керак. Тўй бўлишидан бир ой олдин у Саданнинг таърифини эшитавериб, орқароватдан ўзини унга топшириб қўйганди. Куёвнавкарлар келган кун у Саданни бегона эркак эмас, ўз эри сифатида кўрган эди. Энди бошқа бир эркакни тасаввур қилиш унинг учун ўлимдан оғир эди. Шунча кундан бери эрим деб келган Саданни у юрагидан чиқариб ташлолмасди, энди уни хоҳ сўраб келсин ё келмасин, уни хотини деб билсин ё билмасин – барибир. Агар куёвнавкарлар билан келганида маросимдан кейин Садан унинг олдида кирганида, уни ўз эридай қарши олган бўларди. Никоҳ, олов айланиш ё фарққа қизил суриш эмас, фақатгина кўнгил боғлаш биринчи ўринда туради.

Шанта шу пайтгача охири бир кун келиб мен эримнинг уйига кетаман деб ўйлаб юрарди. Қачон бўлмасин бегимнинг хоки пойини олиб, уники бўламан, дерди ўзича. Бироқ бугун унинг узатилиши – ёки қайта узатилиши – ҳақидаги гапни эшитди-ю, юраги тарс ёрилаёзди. У ҳеч иккиланмай-нетмай келиноғисига, мени эримнинг уйига жўнатиб, деб зорлана бошлади. Унинг кучи шунгагина етарди. Етганда ҳам қўлидан нима келарди? Бироқ Шоҳнавийнинг важоҳатини кўриб, нима қилишни билмай қолди: юраги қафасдаги қушдек типирчиларди. Тунда ҳамма уйқуга кетгач, у Падмасингга хат ёзишга тушди. Бу унинг сўнгги чораси эди. Агар бундан бир иш чиқмаса, у ёғини ўзи билади.

Хатни тезда ёзиб тугатди. Ёзадиган гапларини олдиндан дилида пишитиб олганди-да. Фақат қоғозга тушириш қолганди, холос: «Муҳтарам отамизнинг хоки пойларини кўзга суртгувчи Шанта ёзаяпман. Ассалому алайкум! Мен қаттиқ ташвишда қолдим. Менга раҳмингиз келсин, мени ўз қанотингиз остига олинг. Отам Гангага чўкиб кетдилар. Бу ерда сизларни судга беришга ҳозирлик кўришаяпти. Мени бошқа эрга беришмоқчи. Тезда чора кўринглар. Бир ҳафтагача кўзларим йўлингизда бўлади. Ундан кеч қолсангиз, бу шўрликнинг овозини бошқа эшитмайсиз».

Шу пайт Шоҳнавий уйғониб қолди. Пашшалар унинг аъзойи баданини талалаб ташлаганди. Қашина туриб:

- Шанта, нима қилаяпсан? – деди.

Шанта ҳеч иккиланмай жавоб берди:

- Хат ёзаяпман.

- Кимга?

- Қайнотамга.

- Бир ҳовуч сувга чўкиб ўлиб қўя қолганинг яхши эмасми.

- Етти кундан кейин ўламан.

Шоҳнавий ҳеч нима деб жавоб бермади — яна ухлаб қолди. Шанга конвертга манзилни ёзди, уни кўрпаси тагига қўйди ва ўрнига чўзилди.

#### 40

Падмасинҳ биринчи бор уйланганда коллежда ўқиб юрарди ва Эф-Эйни топширганга бир ўғилнинг отаси эди. Лекин ёш қайлиғи бола боқишни билмас эди. Чақалоқ дунёга келган вақтда дўмбоққина эди, лекин кейин аста-секин чиллашир бўлиб қолди. Охири олти ой деганда она билан бола бирдан нига дунёдан ўтди. Падмасинҳ бошқа уйланмасликка қарор қилди. Бироқ оқловчи бўлгач, у яна оила қуришни бўйнига олишига тўғри келди. Субҳадра Бону келин бўлиб тушди. Шунга ҳам етти йил бўлибди.

Дастлабки икки-уч йилда Падмасинҳ фарзанд ҳақида ўйлагани ҳам йўқ. Хотини бу ҳақда оғиз очди дегунча у қайтариб ташларди. Менга фарзанднинг кераги йўқ, мен фарзанд боқолмайман, дерди яккаш. Вақти келганда кўраве-рамиз деб унчалик шошмаётганди.

Бироқ тўртинчи йил ҳам шундоқ ўтгач, у ташвишлана бошлади. Ростданам бефарзанд ўтаманми, деган гўлгула тушди ичига. Кундан-кун унинг бу ташвиши ортгандан-ортиб бораверди. Энди унга ҳаёти мазмунсиздек туюлмоқда эди. Хотинини ҳам илгаригидек хушламай қўйганини Субҳадра пайқаб қолди. У хафа бўлишга бўлди-ю, бироқ буни тақдири азалининг ишига йўйиб сабр қилди.

Фарзанд кўриб нима ҳам қилардим, деб Падмасинҳ ўзига тасалли берарди. Туғилганидан тортиб йигирма беш ёшигача оқ ювиб — оқ тарайсан, боқасан, ўқитасан, шунда ҳам бундан бир нарса чиқармикин деган ташвишдан қутулмайсан. Боланг ўлиб қолса, отини айтиб йиғлайсан. Мен ё онаси ўлиб қолсак, унинг умри хазон бўлади. Бунақа бахт менга керакмас. Бироқ бундай фикрлар билан кўнгли таскин топмасди. У дилидаги гапларни хотинидан сир тугар ва бунда унинг айби йўқ деб аввалгидек севишни истарди, бироқ дилни ҳам булути босиб турганда юзда шодлик нури қаёқдан пайдо бўлсин? Ақли расо одам эр-хотин ўртасида озгина фарқ бўлиши кераклигини тушунади. Падмасинҳнинг бахтига, Субҳадра эрига садоқат борасида бекаму кўст эди, шунинг учун ҳам у ўзини олдирмай келар, фарзанд кўриш ҳаваси ҳиссасини эрига бўлган муҳаббатидан чиқарарди. Бироқ ўзининг ҳозирги ночор ҳолати билан у беморни куф-суф билан тузатмоқчи бўлган табибга ўхшарди, уйдаги майда-чуйда гаплар жонига тегиб кетган бўлса ҳам эрини деб барчасига чидарди. Садан бу ерда тура бошлаганидан бери эридан озмунча маломатларга қолдимиз? Хотин эрининг барча захар-заққумини кўтаради, аммо бошқа биров туфайли эшитган нина учидек таънага асло чидаёлмайди. Садан Субҳадранинг кўзига чўпдек қадалгани-қадалган эди. Айниқса кечаги гап ҳаммасидан ўтиб тушди. Кун жуда иссиқ эди. Оқсоч қандайдир сабаб билан келмаган бўлиб, Субҳадра ўзи овқат қилишига тўғри келди. У Падмасинҳга ёғли кулчалар пиширди, иссиқдан лоҳас бўлавергач, Саданга ёғсиз нон пишириб қўя қолди. Падмасинҳ овқатлангани ўтирди, қараса, Саданнинг ликобчасида оддий кулчалар. Азбаройи жаҳли чиққанидан ўзининг ёғли кулчаларини олиб, Саданнинг ликобчасига қўйди ва ундагини ўзига олди. Бундан жаҳли чиққан Субҳадра бир-икки аччиқ гап айтди, Падмасинҳ ҳам унга худди шундай жавоб қайтарди. Орада даҳанаки жанг бошланди. Охири у зарда билан ошхонадан чиқиб кетди. Субҳадра уни қайтармади ҳам. У дастурхонни йиғиштирди-да, бориб ётиб олди, бироқ икковидан биттаси ҳам битта гапдан қолай демасди. Бугун оқсочнинг ўзи келиб овқат қилди, бироқ на Падмасинҳ келиб унга қўл урди, на Субҳадра. Садан гоҳ унга бориб ёлборар, гоҳ бунинг олдига келиб унатарди. Бироқ бири қорним тўқ деб жавоб берса, иккинчиси, ейманда, овқат қочиб кетаяптими, деб жавоб қиларди. Қочиб бўпти, бекорга ким бировдан тарсаки ейман деб турибди. Шуниси қизиққи, Садан билан келин-ойиси бир гапириб, ўн кулиб муомала қиларди, ўшандай хотиндан мана бу қилиқ чиққанига нима дейсиз? Панадан туриб отилган ўқ аслида овчининг

балойи нафси ёки ноёб ҳайвонга ўчлиги оқибати эканини оҳу жуда яхши билади.

Кун қиёмга келиб қолганди, Падмасинҳ уйқудан турди ва эснай бошлади. У Субҳадрани кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди шу топда. Бундай хотин билан яшагандан кўра ит билан яшаган афзал! Шу топ почтачи келиб, унга бир хат тутқазди. Хат келгани учун почтачи айбдордек, у почтачига ўкрайиб қараб кўйди. Аввал хатни очмасдан қайтариб юборай ҳам деди, биронта қашшоқ муваккил дийдиёсини айғиб ёзгандир-да. Бироқ бир зум ўйланиб турди-да, хатни олди ва очиб ўқий бошлади. Бу Шантанинг хати эди. У яна бир карра ўқиб чиқди-да, стол устига кўйди. Бир оздан сўнг олиб яна ўқиди ва хонани кезина бошлади. Шу топ Мадансинҳ шу ерда бўлганда, хатни унга кўрсатарди-да: «Мана сизларнинг ўша аймоқлик гурурингиз оқибати, одамлар гап-сўзидан кўрқиш бунақа бўлади. Сиз бутун бошли бир одамнинг бошига етдингиз, унинг ўлимига сизлар сабабчисизлар!» деган бўларди. Падмасинҳ судга бериш ҳақидаги хабарни ўқиб, бир чети суянди ҳам. Шу суд бўлса зўр бўларди-да, ҳаммаси дунёга келганига бир пушаймон қиларди. Умонат пулини албатта ундириб олади, ана шунда насаб обрўси қанчалик қимматли нарсани эканини тушуниб етарди. Э-воҳ! Анави шўрлик қизнинг юрагидан нелар кечмаяпти экан! Падмасинҳ ҳалиги хатни яна бир марта ўқиб чиқди, хатда ўзига нисбатан зўр ҳурмат билдирилганини ҳис қилди. Дилида адолат туйғуси жўш уриб кетди. «Ота» дебди-я. Бу сўз уни бутунлай ўзига ром қилиб кўйди. Қизгина унинг юрагидаги фарзандлик меҳр торларини чертиб юборганди. У кийинди-да, Витҳалдоснинг уйига борди. Маълум бўлишича, у Кунвар Анирудҳсинҳникига кетган экан. Шартта велосипедда ўша ёққа қараб учди. У Шанта борасида бирон-бир чора кўриш пайида эди. Агар галга соладиган бўлса, бу иш шундайича қолиб кетишидан кўрқаётганди.

Кунвар соҳибникига Гвалиордан бир машшоқ меҳмон бўлиб келган эди. Шу машшоқнинг қўшиқларини тинглагани у дўстларини уйига таклиф қилганди. Падмасинҳ ўша ерга етиб борганида Витҳалдос билан профессор Рамешдат баланд овозда баҳслашарди. Кунвар соҳиб, пандит Прабҳакар Рао ҳамда Тиг Али ўгириб, жўжаҳўрозларнинг бу жангини томоша қиларди. Падмасинҳга кўзи тушиши билан Кунвар соҳиб унга салом берди ва деди:

- Келсинлар, келсинлар, қаранг, бу ерда зўр жанг кетаяпти, ўзингиз бир амаллаб ажратиб кўйинг, бўлмаса булар бир-бирини ўлдириб қўяди.

Профессор Рамешдат деди:

- Теософист бўлиш айб эмас, мен теософистман, буни бутун шаҳар билади. Жамиятимиз фаолиятининг самараси шундан иборатки, бугунги кунда Америка, Германия, Россия каби мамлакатларда Рам ва Кришна содиқлари ва Гита, Упанишад сингари китобларнинг мухлислари пайдо бўлмоқда. Жамиятимиз ҳинду мазҳабининг обрўсини ошириб юборди, унинг аҳамиятини англади ва уни шундай олий даражага чиқариб кўйдик, мана, неча асрлардан бери ўша юксакликка бошқа чиқолмаяпти. Агар биз ўша инсонлар буюклигини тан олмас эканмиз, бу бизнинг ўта ноинсофлигимиздан дарак беради. Улар тафаккур машъали билан бизга келажак йўлларини ёритдилар. Бу машъал Блабетскийники ё Волкатники ёки бошқа бирон одамники бўладими, бунинг бизга ҳеч қандай фарқи йўқ. Ким йўлимизни ёритган бўлса, ўшандан миннатдор бўлиш биз учун фарздор. Агар сиз буни куллик деб тушунсангиз, хато қиласиз.

Витҳалдос унинг гапларини шундай энсаси қотиб тингладики, гўё у қуруқ алжирагандай. Сўнг деди:

- Худди шу нарсани куллик бўлади. Балки қул бир жиҳатдан эркин бўлади, унинг жони бировга қарам бўлса ҳам, жисми ўзиники бўлади. Сизлар эса жонингизни ҳам сотиб юборгансиз. Сизларнинг инглизча таълимингиз ўзларингизни шунчалик тобе қилиб қўйганки, токи европалик бирон олим бирон мавзунинг салбий-ижобий томонларини очиб бермагунча, сизлар амманнинг бузоғидай қараб тураверасизлар. Сизлар Упанишадларни ўзи қадрли бўлгани учун қадрламайсизлар эмас, балки Блабетский ва Максимуларлар уларни қадрлагани учун қадрлайсизлар. Сизлар ўз ақлингиз билан иш кўриш қобилиятидан маҳрум бўлгансизлар. ҳалигача сизлар тантр таълимотининг нима эка-

нини тушунмайсизлар. Европалик олимлар бу таълимот сирларини очишга бел боғлашганда, сизлар бундай таълим борлигини энди билаяписизлар. Маънавий қуллик моддий қулликдан юз барабар ёмон. Сизлар Упанишадларни инглиз тилида, Гитани олмон тилида ўқийсизлар, Аржунни Аржуна<sup>1</sup>, Кришанни Кришна деб ўзингизни билагон қилиб кўрсатасизлар. Сизлар мана шу маънавий қуллик туфайли бизлар аجدодларимиз шон-шавкати ва улуглиги билан асрлар давомида галаба оловини ҳилпиратиб келган соҳада ўз мағлубиятингизни тан олиб ўтирибсизлар.

Рамешдат жавоб бермоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эдики, Кунвар соҳиб гапни илиб кетди:

- Дўстлар, энди гапирмасам бўлмайдиган кўринади. Лоласоҳиб, сиз ўша «қуллик» деган сўзингизни қайтиб олинг.

В и т т ҳ а л д о с: - Нега қайтиб олар эканман?

К у н в а р с о ҳ и б: - Сиз бу сўзни айтишга ҳақли эмассиз.

В и т т ҳ а л д о с: - Гапингизни тушунмадим.

К у н в а р с о ҳ и б: - Айтмоқчиманки, биронтангиз бошқаларни қул деб айтишга ҳақли эмассиз. Кўрлар шаҳрида ким кимни кўр дейди? Шоҳимизми, гадомизми, бизлар барчамиз қулмиз. Агар саводсиз, камбағал, овсар бўлганимизда, ярим қул бўлар эдик. Биз ўзимизнинг Рамимизни такрорлаймиз, ўзимизнинг сигиримизни боқамиз, ўзимизнинг Гангамизда чўмиламиз. Борди-ю, бизлар олим, маданиятли, художўй бўлсак, унда тўлиқ қулмиз, чунки чет тилда гаплашамиз, ит боқамиз, ўз ватандошларимизни менсимаймиз. Бутун миллат мана шу икки гуруҳга бўлинган, шунинг учун ҳеч ким бировни қул деблмайди. Қулликни маънавий, руҳий, жисмоний каби қисмларга ажратиш бемаънилиқдир. Қуллик фақат руҳий бўлади, бошқа жиҳатлар шунинг ичида кетади. Автомобил, дангиллама ҳовли, чавгон ва пианино — булар кишанга ўхшаган нарсалар. Шу кишанни тақмаганлар чинакам эркинлик лаззатини тотади. Биласизми, булар кимлар? Булар бизнинг ғариб деҳқонларимиз, улар пешона тери тўкиб ризқ топадилар, ўз миллат кийими, тили ва туйғусини қадрлайдилар ва ҳеч кимнинг олдида бош эгмайдилар.

Прабҳакар Рао жилмайиб деди:

- Сиз деҳқон бўлишингиз керак экан.

Кунвар соҳиб:

- Унда олдинги туғилишларимдаги гуноҳларимни қандай юваман? Ҳайит кунлари мевали дарахт қўчатларини қандай ўтказаман? Келинсаломда товонхоначиға қандай ушмомад қиламан? Унвон учун беғуноҳларнинг қандай додини бераман? Базму зиёфатлар бериб хонимлар кучуқларини қандай бағримга оламан? Маъбудларни хурсанд қилиш учун эл-юрт манфаатига қарши ишларга қандай бош қўшаман? Булар барчаси инсон таназзулининг сўнгги белгиларидир. Шуларни бошдан ўтказмай туриб, халоскорликка эришиб бўлмайди. (Падмасинҳа.) Хўш, тақсир, таклифингизни юқорига қачон олиб чиқасиз? Шу кунларда сал хомуш кўринасиз? Нима, олдинги жамоат ишларингиз каби бу таклиф ҳам йўққа чиқдимми ё?

Ҳақиқатан ҳам бир неча кундан бери Падмасинҳнинг кайфияти йўқ эди. Унинг ёнида бўлиш умиди кучайгани сайин унга бўлган ишончи тобора сустаймоқда эди. Талаба имтиҳонни топшириб бўлмагунча дарсдан бош кўтармайди, бироқ имтиҳондан ўтгандан кейин ҳаёт учун кураш туйғуси унга илҳом бағишлайди. Шу пайтгача унга муваффақият келтирган нарсалар янги, бепоеън, номаълум соҳа учун лозим эмасдек бўлиб туюлади. Падмасинҳ ҳам ҳозир шундай ҳолга тушиб қолганди. Таклифи унга номаъқулдай туюлмоқда эди. Гоҳо фойда ўрнига зарар кўриб қолмасайдим, деган шубҳа ичини кеми-рарди. Бироқ у шубҳаларини бировга айтолмасди. Кунвар соҳибга дадил боқиб деди:

- Йўқ, унақа эмас, фақат шу кунларда вақт йўқлигидан иш чўзилиб кетди.

К у н в а р с о ҳ и б: - Энди ҳеч нарса халақит бермайдими унинг олдиға боришға?

<sup>1</sup> Ҳиндий тилида охири «а» товуши билан тугайдиган отлар кўпинча женский родга тааллуқли бўлади (тарж.).



Падмасинҳ Тиф Али томонга қараб қўйиб деди:

- Мусулмон вакилларга боғлиқ бу.

Тиф Али босиқлик билан деди:

- Уларга умид боғлаш қумдан минора ясаш билан баробар. У ёқда қандай найранглар бўлаётганидан хабарингиз борми? Пайтгини топиб панд беришлари ҳеч гап эмас.

П а д м а с и н ҳ: - Мен бунга ишонмайман.

Т и ф А л и: - Ишонмасангиз ишонманг. У ёқда ҳозир урду-ҳинди можа-роси, сигир сўйиш масаласи, алоҳида сайлов, судхўрлик жаримаси ҳақида қонун – мана шу барчасидан диний адоватни кучайтиришда фойдаланмоқдалар.

П р а б ҳ а к а р Р а о: - Сетҳ Балбҳадрдос келмайдими, нима? Унга бир амаллаб тушунтириш керак.

К у н в а р с о ҳ и б: - Мен уларни таклиф ҳам қилмадим, чунки уларнинг ҳечам келмаслигини биламан. Турлича қарашни улар адоват деб билишади. Бизнинг деярли барча раҳбарларимиз шунақа. Уларнинг фаолияти на-моён бўладиган мавзу фақат мана шу. Сал бошқача фикрладингизми, улар-нинг қон душманига айланасиз, сиз билан гаплашиши у ёқда турсин, баша-рангизни кўришга тоқатлари чидамайди. Пайт топишди дегунча хўжайинларга сизни ёмонлашади. Дўстлари даврасида сизнинг юриш-туришингиз, хулқ-ат-ворингизни ёмонлашгани-ёмонлашган. Браҳман бўлсангиз, баққолми, исло-вотхона ходимими қилиб кўрсатишади, шудра бўлсангиз, бориб турган фар-рошсиз. Агар қўшиқ айтишга ҳавасингиз бўлса, сиз бадахлоқсиз, давракаш-сиз, дарров сизга отарчи, яқанчи лақабини тақишади. Ҳатто уйда ўтирган онангизу хотингизнинг устидан мағзава ағдаришади. Бизда бошқача қараш буюк гуноҳ, унга ҳеч қандай каффорат йўқ. Ана шунақа! Ана, доктор Шиё-мачараннинг машинаси келиб қолди.

Доктор Шиёмачаран машинадан тушди-да, ҳозир бўлган жанобларга қараб деди:

- I am sorry. I was late.

Кунвар соҳиб унга салом берди. Бошқалар ҳам қўл бериб кўришишди ва доктор соҳиб бир курсига ўтириб деди:

- When is the performance going to begin!

К у н в а р с о ҳ и б: - Доктор соҳиб, сиз адашяпсиз, бу қора одамлар жамияти.

Доктор соҳиб кулиб деди:

- Кечирасиз, сизларда паст табақалар тилида гапириш ман этилгани эсим-дан чиқибди.

К у н в а р с о ҳ и б: - Аммо фаришталар жамиятида сиз ҳеч қачон бунақа янглишмайсиз.

Д о к т о р: - Унда, тақсир, бунинг биронга каффоратини айтсангиз бўлар-миди?

К у н в а р с о ҳ и б: - Бунинг каффорати шуки, сиз дўстларингиз билан ўз она тилингизда гаплашишни одаг қилинг.

Д о к т о р: - Сизлар рутбали одамсизлар, сизларнинг қўлингиздан ҳамма нарса келади. Бизларнинг бунга риюя қилишимиз амри маҳол. Инглиз тили бизнинг умумий тилимиз бўлиб бормоқда.

К у н в а р с о ҳ и б: - Унинг авж олишига сизлар имкон туғдириб бераяпсизлар. Форс ва Кобулнинг эси паст сипоҳийлари ва ҳинду савдогарла-ри чатишиб урду деган тилни келтириб чиқаришган. Агар мамлакатимизнинг турли вилоятлари олимлари ўзаро тил топишганда эди, шу пайтгача бемалол умумий тил бўлиб қолган бўларди. Токи сиздай алломалар инглиз тилига со-диқ қолар экан, ҳеч қачон умумий тил дунёга келмайди. Модомики, бу иш қийин экан, ким қилиши керак уни? Одамларга тайёр пухта инглиз тили учраб қолди, ҳамма «оҳ» деб ўзини шунга урди. Ҳеч тушунмайман, одамлар нега инглизча ўқиш ва ёзишни ўзларига мартаба деб билишади? Мен ҳам инглизча ўқиганман. Икки йил Англияда бўлдим ва сизларнинг қанчалаб мана мен деган инглизшунос жанобларингизни ёзиш ва ўқишда бир чўқишда қочи-раман. Лекин мен уни шунақанги ёмон кўраманки, худди бир инглизнинг эски кийимини кийгандай.

Падмасинҳ бу баҳсларга бир оғиз ҳам аралашмади. Фурсат топиб, у Виттхалдосни чақирди ва уни бир четга олиб бориб, Шантанинг хатини кўрсатди.

Виттхалдос деди: - Энди сиз нима қилмоқчисиз?

П а д м а с и н ҳ: - Нима қилишимни билолмаяпман. Шу хатни олганимдан бери ўзимни дарёда оқиб кетаётгандай ҳис қиляпман.

В и т т х а л д о с: - Бир нима қилмаса бўлмайди.

П а д м а с и н ҳ: - Нима қилай?

В и т т х а л д о с: - Шантани бу ерга олиб келпиринг.

П а д м а с и н ҳ: - Ҳамма қариндош-уруғлар билан ажрашиб кетамиз-да.

В и т т х а л д о с: - Ажрашсангиз ажрашарсиз. Бурч олдида ҳеч нарсадан кўрқин керак эмас.

П а д м а с и н ҳ: - Гапингиз тўғри, лекин мен бунга журъат қилолмайман. Акамни хафа қилишга ҳаддим сигмайди.

В и т т х а л д о с: - Ўзингизда сақламайсиз, бевахонага жойлайсиз. Бу кийин эмас-ку.

П а д м а с и н ҳ: - Ҳа, яхши йўлини айтдингиз. Шу ҳам эсимга келмабди. Бошимга ташвиш тушса, бутунлай ақлимни йўқотиб қўяман.

В и т т х а л д о с: - Лекин у ёққа ўзингиз боришингизга тўғри келади.

П а д м а с и н ҳ: - Нега? Сиз борсангиз бўлмайдимиз?

В и т т х а л д о с: - Умонат уни мен билан юборармиди?

П а д м а с и н ҳ: - У нега қаршилиқ қилиши мумкин?

В и т т х а л д о с: - Сиз баъзида болалардай гапларни гапира бошлайсиз. Шанта унинг қизи бўлмаса ҳам, лекин ҳозир у унинг отаси. Бир нотаниш одамга қандай кўшиб жўнатади?

П а д м а с и н ҳ: - Биродари азиз, сиз хафа бўлманг, мен ростданам эсимни еб қўйганман. Лекин мен борсам, зўр жанжал бўлади. Акам эшитса, мени худди ўлдирди-я. Тўйда у мени шунақанги силтаб ташлагандики, ҳалигача эсимдан чиқмайди.

В и т т х а л д о с: - Яхши, сиз борманг, мен ўзим бора қоламан. Лекин Умонат номига бир энлик хат ёзиб берсангиз бир жойингиз камайиб қолмайди.

П а д м а с и н ҳ: - Сиз бу одамми ё бир замбил лойми деб ўйлаётгандирсиз мени? Лекин менда шугина журъат ҳам йўқ. Шундай бир йўлини топингки, айни фурсати етди деганда топ-тоза чиқиб кетай! Акам менга ҳеч нима деёлмай қолсин.

Виттхалдос нижиниб жавоб берди:

- Мен унақа йўлини билмайман. Барака топгур, ўзингизни тагин одам санаб юрибсизми? Халойиқ олдида баландпарвоз сўзлар билан ҳаммани озингизга қаратиб эҳгиресли нутқлар қилганингиз қаёқдаю, мана бу титраб-қақшаб туришингиз қаёқда.

Падмасинҳ қизариб деди:

- Ҳозир нима десангиз деяверинг, лекин бу ишларнинг барча оғирини сиз кўтарасиз.

В и т т х а л д о с: - Бўпти, битта телеграмма берарсиз? Ё шуям келмайдимиз кўлингиздан?

П а д м а с и н ҳ (*жонланиб*): - Ҳа, телеграмма юбораман. Бир йўлини топишингизни билардим! Энди агар бирон гап чиққудай бўлса, мен телеграмма юбормаганман, кимдир менинг номимдан юборган, деб айтаман.

Лекин ўша ондаёқ у фикридан қайтди. Юраксизлик қилганидан ўзи уялиб кетди. Кўнглида, акам шунчалик аҳмоқ эмаски, бундай савоб иш учун мендан хафа бўлса, борди-ю хафа бўлганда ҳам мен бунга парво қилмаслигим керак, деб ўйлади.

В и т т х а л д о с: - Унда бугуноқ телеграмма жўнатинг.

П а д м а с и н ҳ: - Лекин бу гирт алдамчилик бўлади-ку.

В и т т х а л д о с: - Ҳа, алдамчилик бўлади, орамизда қолсин.

П а д м а с и н ҳ: - Мен борсам, қандоқ бўларкин?

В и т т х а л д о с: - Жуда зўр бўлади, ҳамма иш хамирдан қил суғургандек битади.

П а д м а с и н ҳ: - Бундай қиламиз, мен ва сиз — иккаламиз борайлик.

В и т т х а л д о с : - Қачон?

П а д м а с и н ҳ : - Бўлди, бугун, Шантани олиб кетгани бораяпмиз, деб телеграмма юбораман, индин кечкурун поездда жўнаб кетамиз.

В и т т х а л д о с : - Гап биттами?

П а д м а с и н ҳ : - Ҳа, гап битта. Сиз қулоғимдан тортиб олиб кетасиз.

Виттхалдос соддадил дўстига гап бундоқ бўлган дегандек қараб қўйди ва иккаласи ҳалидан бери янграётган ёқимли жалтаранг тароналарини тинглагани ўтирди.

## 41

Соғлиғимизни тиклагани бирон тоққа борадиган бўлсак, барча қоидаларга тўлиқ риоя қилишга тиришамиз. Мунтазам равишда бадантарбия қиламиз, соғлом бўлиш кўрсатмаларини қўлдан қўймаймиз. Суман бевахонага руҳий соғлиғини тиклагани келган эди ва не мақсадда келганини бир зум ёддан чиқармасди. У бошқа опа-сингиллари хизматида доим ҳозир у нозир эди ва диний китобларни кўп ўқирди. Тоат-ибодату гуслар унинг мажруҳ қалбига ором бағишларди.

Виттхалдос Амола воқеасини ундан яширган эди, бироқ Шантани бевахонага олиб келишга қарор қилинган, улар Суманни бунга тайёр қилишни маъқул деб топишди. Улар Кунвар соҳибниқидан келиб, унга ҳамма гапни бир бошдан айтиб беришди.

Бевахонада жимлик ҳукм суларди. Тун яримлаб қолганига қарамай Суманнинг уйқуси келмаётганди. У бугун ўз калтабинлигининг асил қиёфасини яққол кўриб турарди. Бирон бемор хлороформ олгандан кейин ҳушига келиб, танасининг ёриб-чоғиб ташланган жойига кўзи тушган, қайта ҳушидан кетганидек, Суман ҳам шундай ҳолга тушганди. Қаршисида отаси, онаси ва синглиси учовлон ўтиргандек тасаввур этарди. Ойиси уят ва қайғудан бошини қуйи солганча ғамгин ўтирибди, отаси тик турганча ғазабдан қон тўлган кўзлари билан еб юборгудек қараб турибди, синглиси Шанта эса ғам-алам, таҳқир ва тушқунлик юкидан эзилганча гоҳ ерга, гоҳ осмонга боқарди. Суманнинг юраги орзиқиб кетди. У чорпоядан турди-да, зўр бериб бошини қаттиқ ерга ура бошлади. У ўзини бир алвастидек ҳис қилмоқда эди. Ерга қаттиқ урганидан боши айлана бошлади. Бир зумдан кейин у ҳушига келди, пешонасидан қон сизарди. У аста хона эшигини очди. Ҳовли қоп-қоронғи эди. Талпинганча дарвоза олдига келди, дарвоза қулфлог эди. У қулфни бир неча бор силкитди, лекин қулф очилмади. Кекса қоровул дарвозадан сал нарида ухлаб ётарди. Суман аста унга яқин келди ва пайпаслаб бошининг тагидан калидни қидирди. Қоровул чўчиб уйғониб кетди ва «ўғри-ўғри» деб қичқира бошлади. Суман у ердан қочди ва хонасига кириб, эшигини қулфлаб олди.

Тонги шабада каби юракдаги туғён ҳам тез босилади. Суман ўкраб-ўкраб йиғлади. Э-воҳ! Мендай касофат аёл дунёда бормикан! Айш-ишрат қўйида наслимиз шаънини ер билан яқсон қилдим, мен ўз отамнинг қотилиман, мен синглим Шантанинг бўйнидан наштаг тортидим, энди унга қайси юз билан қарайман? Бу қора юзимни унга қандай кўрсатаман? Отажоним бу гапни эшитганларида не қўйга тушган бўлсалар-а! Шуларни ўйлаб у яна йиғлай бошлади. Ҳамма азоблардан бу азобга чидаш қийиндек туюлмоқда эди унга. Бу гапни отасига айтгандан кўра Мадансинҳ уни келига солиб туйганда, филнинг оёғи остига ташлаганда, оловга ирғитганда, итларга талатганда у чурқ этмаган бўларди. Агар ҳою ҳавас ва бешафқат ҳақорат унинг шарму ҳаёсидан жудо қилмаганида эди, у ҳеч қачон остона ҳатлаб кўчага чиқмаган бўларди. У эрининг ҳар қандай зулм ва зуғумларига чидаган ва уйдан чиқмай ётган бўларди. Уйдан чиқаётганида у вақти келиб Резаворфурушлар бозоридаги исловотхонада ўтиришимга тўғри келади деб ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Наридан бери сини ўйлаб-нетиб ўтирмай «ҳайт» деди-ю, уйдан чиқди-кетди. Аччиқ устида, юраги ғам-аламга тўлган бир ҳолда у отаси, синглиси борлигини унутганди.

Узоқ айрилиқ отаси ҳақидаги хотираларни ёдидан ўчириб юборганди. У ўзини дунёда танҳо, бечора ҳис қиларди. Ўзини ўзга юртлик бир мусофир деб билар ва қилган ишимни ҳеч ким билмайди деб ўйларди. Бироқ энди

шундай вазият юзага келган эдики, у яна ўзини виждон ришталарига чир-малпан ҳолда топди. У унутиб юборган нарсалар қайта кўз ўнгида намоён бўлган ва ор-номус ёдусидан жимжима қилган шарму ҳаё инжулари борлигини мунаввар қила бошлаган эди.

Суман тонггача ажриққа ағанаб чиқди гўё. Соат тўртда Гангада гусл қилгани кетди. У кўпинча бир ўзи борарди ва шу боис, қоровул суриштириб ҳам ўтирмади.

Суман қирғоққа келиб ҳеч ким йўқмикин, дея у ёқ-бу ёққа разм сола бошлади. Бугун у Гангага гусл қилгани эмас, чўккани келган эди. У ҳеч қанақанги ҳадик, кўркув ё ҳаяжон ҳис қилмаётганди. Эртага Шанта бевахонага келади. Синглисига юзини кўрсатгандан Ганга кўйнига кириб гойиб бўлиши қанчалик осон.

Тўсатдан ўзи томон келаётган бир одамга кўзи тушди. Тонг энди бўзара бошлаганига қарамай, Суман унинг аллақандай дарвеш эканини билди. Суманнинг бармоғида бир узук бор эди. У шу узукни дарвешга ҳадя қилишга аҳд қилди, бироқ дарвеш яқин келгач, Суман даҳшат, нафрат ва номусдан юзини яшириб олди. У Гажодҳар эди.

Гажодҳар бир жойда қимир этмай турган Суманнинг оёғига ўзини ташлади ва бўғиқ овозда:

- Гуноҳимни кечир! — деди.

Суман орқага тисланди, қандай ҳақоратлангани кўз олдига келди. Яра янгиланди. Кўнглида, сен отамнинг қотилисан, умримни сен хазон қилдинг, дея ҳайдаб юборсаммикин деди. Бироқ Гажодҳарнинг бош эгиб туриши, дарвешона қиёфаси, дунёдан кўлини ювиб, кўлтиғига суртган ҳозирги ҳолатини кўриб, юраги эзилди. Кўзларига ёш келди. Мунгли оҳангда деди:

- Сизнинг ҳеч қандай гуноҳингиз йўқ, бунинг ҳаммасига мен сабабчиман.

Г а ж о д ҳ а р: - Йўқ, Суман, ундай дема, ҳаммасига менинг аҳмоқлигим ва жоҳиллигим сабабчи. Тавба-тазарру қилсам, яхши бўлиб кетади деб ўйлагандим, аммо қилган зулмларимнинг муҳиш натижаларини кўриб аниқ билдимки, тавба-тазаррулар билан ўрнига тушмас экан. Мана шу кўзларим билан отамнинг дарёга ғарқ бўлганини кўрдим.

Суман қизиқсиниб тақрор сўради:

- Нима, отамнинг чўкканини кўрдингизми?

Г а ж о д ҳ а р: - Ҳа, Суман, чўкканини кўрдим. Кечаси Амолага кетаётувдим, йўлда у учраб қолди. Ярим тунда унинг дарё томон кетаётганини кўриб шубҳаландим. Уни ўзимнинг жойимга олиб келдим ва тасалли беришга ҳаракат қилдим. Унинг ўзига келганига ишонч ҳосил қилиб, ухлаб қолдим. Бир оздан кейин туриб қарасам, у жойида йўқ. Шартта дарё томонга чопдим. Шунда унинг мени чақираётганини эшитдим. Унинг қаердалигини аниқлагу-нимча, бераҳм тўлқинлар уни комига тортиб кетди! Шундоқ бир тилла одам кўз олдимда у дунёга жўнаворди. Шундан бери асло кечириб бўлмайдиган, ҳар қандай жазо билан ҳам тўлдириб бўлмайдиган гуноҳга йўл қўйганимни ҳис қилиб, ўз ўтимда ўзим ёнаман. Энди худо олдида ҳолим не кечади? Билмайман, ҳа, билмайман...

Совун кирга қандай таъсир қилса, Гажодҳарнинг дардли сўзлари Суманга шундай таъсир кўрсатди. У юрагидаги араз-ғаразларни бир четта суриб қўйди. Ҳеч кимга билдиришни истамаган ҳислари юзага қалқиб чиқди ва деди:

- Худойим сизга тиниқ ақл ато этган. Сиз савобли ишларингиз билан истаган нарсангизга эриша оласиз. Лекин мен нима бўлишимни билмайман, мен иккала дунёмни ҳам йўқотганман. Оҳ! Кайф-сафога учишим мени не қўйга солмади! Энди нимани ҳам яширай, сизнинг камбағаллигингиз, ундан ҳам кўпроқ сизнинг кўпол муомалаларингиз дилимда норозилик уйғотди, чоратрофдаги ҳашаматларни, гуноҳкорлар дунёсидаги дабдабаю асьасаларни кўриб, норозилигим бадтар кучаяверди, охири дил кўзимни кўр қилди. Ўшанда пишиб турган ярани ёриш учун арзимаган туртки етарли эди. Сизнинг меҳрибонлигингиз, муҳаббатингиз, ғамхўрлигингиз, бағрикенглигингиз ўша ярага қўйилган малҳам ишини қилди, лекин сиз уни эзгилаб ташладингиз, оғриқнинг зўридан дод солиб, ҳушимни йўқотдим. Ўша ваҳшиёна қилигингизни

ҳар эслаганимда юрагимни ўт олгандек бўлади, ичимдан сизга қарши қарғишлар отилиб чиқади. Менинг куним битди, бир оздан кейин бу гуноҳкор жисм дарёга гарқ бўлади, отамнинг ҳузурларига бораман, шунинг учун худодан илтижо қиламанки, сизнинг гуноҳларингизни кечирсин.

Гажодҳар безовталаниб деди:

- Суман, агар жондан кечиш билан гуноҳ ювиладиган бўлганда мен аллақачон жонимдан воз кечган бўлардим.

С у м а н: - Ҳеч бўлмаганда азоблардан қутуламан-ку.

Г а ж о д ҳ а р: - Ҳа, сен азоблардан қутулсан, лекин сенинг азобларингдан азоб чекадиганлар азобга қолишади. Ота-онанг у дунёга кетди, лекин уларнинг руҳлари атрофинда кезиб юрибди. Улар сенинг севинчингдан севиниб, гамингдан гамга ботади. Ўйлаб қўр, жонингга қасд қилсанг, уларга азоб берасан, ўзингни қўлга олиб, йўлингни топсанг, уларни шод ва хотиржам қиласан. Афсус-надомат қилиш — бу тўғри йўлни топишимиз учун тангри томонидан бизга ҳадя этилган сўнги иноят. Агар биз бунга тўғри тушунмай тушқун ҳолатда жонимизга қасд қилсак, бизга ҳидоят қилинган бу сўнги раҳматни ҳам бой берган бўламиз. Яна шуни ўйла: сен бўлмасанг, анови шўрлик Шантанинг ҳоли не кечади? У ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, ҳаётда ҳеч нарсани кўрмаган содда, норасида қиз. Дунёда сендан бошқа кими бор унинг? Умонатнинг аҳволини ўзинг биласан, у уни эшловмайди. У меҳрибон одам, лекин ундан ўн барабар очкўз ҳам. Қачон бўлмасин охири уни кўчага чиқариб ташлайди. Шунда бечора қиз кимнинг эшигига бориб бош уради?

Суман бу сўзларни Гажодҳар чин дилдан айтаётганини ҳис қилди. У эрига миннатдор бир тусда боқиб деди:

- Шанга билан кўришганимдан кўра жонимдан кечиш осонроқ туюлаётми. Тунов кун Падмасинҳга у бир хат ёзибди. Умонат уни аллақерга узатаётган эмиш. У рози эмас эмиш.

Г а ж о д ҳ а р: - Қойил!

С у м а н: - Падмасинҳ ҳам нима қилсинлар, уни ҳам чақириб бевахонага жойлашга аҳд қилибдилар. Агар акалари рози бўлса-ку бир нав, бўлмаса у шўрликка, ким билсин, бевахонада неча кун туриш насиб бўларкин. Эртага у бу ерга келади. Унга рўпара бўлишни, унинг кўзига қарашни ўйласам, уят ва даҳшатдан ўзимни қўйгани жой тополмайман. У менга таъна билан қараса, унда мен нима қиламан? Борди-ю, мен билан кучоқлашиб кўришишдан ор қилиб, ўзини олиб қочса, ўша заҳоти заҳар ичиб ўлиб қўя қоламан. Бу шармандаликдан ўлганим минг марта аъло!

Гажодҳар Суманга ҳурмат билан боқди, — бундай ҳолда мен ҳам айнан Суман тутган йўлни тулар эдим, деб ўйлади у ва деди:

- Суман, гапларинг жуда тўғри, лекин дилингдан не кечса кечаётгандир-у, аммо Шанга учун сен ҳаммасига чидашингга тўғри келади. Унинг учун сенинг ўрнингни ҳеч ким босолмайди. Шу пайтгача сен ўзинг учун яшаб келатганинг, энди бошқалар учун яша.

Шундай дея Гажодҳар қаёқдан келган бўлса, ўша ёққа қараб кетди. Суман соҳилда тик турганча узоқ вақт Гажодҳарнинг гапларини хаёл тарозусидан ўтказди, сўнг гусл қилиб, бевахона томон юриб кетди. У жангда мағлуб бўлиб, маънос уйга қайтаётган аскарга ўхшарди.

## 42

Шанга хат ёзиб жўнатди-ю, аммо унга жавоб келишига ҳеч қандай умид йўқ эди. Уч кун ўтди, у тобора умидини узмоқда эди. Борди-ю, бирон жўяли жавоб келмаса, Умонат албатта уни узатиб юборади, шуни ўйлаб Шантанинг юраги қинидан чиққудек бўлмоқда эди. У кунда неча бор тангри сиймоси олдида чўк тушиб, унга илтижолар қилгани-қилган эди. Гоҳ Шива жий эҳромга борар ва дардини унга ёрарди. Саданни у бир лаҳза ҳам ёдидан қўймасди. У йигит сиймосини дил чашми рўпарасига ўтқазарди-да, қўлларини қовуштирганча дерди: «Эй бегим, нега мени олмайсиз? Одамларнинг маломатидан қўрқаяпсизми? Оҳ, шунчалар жоним сабил эканмики, хотинликка арзимасам? Сиз мендан воз кечаяпсиз, оловга ташлаяпсиз. Фақат биргина айбим —

Суманнинг синглиси бўлганим учун. Бор гап шу! Бирор жойда учратиб қолсам, мен сизни маҳкам тутиб олардим, қани, қочиб кўринг-чи! Сиз тош эмас-сизки, кўз ёшларимни кўриб юшамасангиз. Агар ўз кўзингиз билан бир қур аҳволимни кўрсангиз эди, чидаб туrolмасдингиз. қалбингизда раҳм-шафқат бўлмаслиги мумкин эмас. Қандоқ қилай? Сизга юрагимдаги дардимни қандай билдирай?»

Тўртинчи кун эрталаб Падмасинҳдан хат келди. Шанга кўрқиб кетди. Бирданига барча умидлари сўнгандай бўлди. Ўзининг бундан кейинги аҳволини ўйлаб, юраги така-пука бўла бошлади.

Лекин Умонат севинчидан терисига сиғмасди. Муסיқачини тўғрилади. Уловларни ҳозирлади. Бугун қишлоққа тақлифнома тарқатди, меҳмонлар учун сўри ва ҳоказоларга палослар тўшатди. Қишлоқ аҳли ҳайрон эди: бу қанақаси, тўй бўлгани йўғ-у, қизни узатиб юбораверар эканми? Умонат бирон-бир найранг кўрсатишини улар билиб туришарди. Кошки, бу биринчиси бўлса! Белгиланган вақтда Умонат станцияга кетди ва муסיқа садолари остида меҳмонларни уйига олиб келди. Уларни сўрига ўтқазди. Бор-йўғи уч одам эди: Падмасинҳ, Виттҳалдос ва бир хизматкор.

Эртасига кечқурун қизнинг хайрлашув маросими бўлиши керак эди. Кун қиймага келди ҳамки, Умонатнинг уйида қишлоқнинг биронта аёли кўринмасди. У дам-бадам ичкарига кирар, қошини чимираб, деворларга қараб: ҳали мендан кўрасанлар, деб дўқ урарди. Шоҳнавийдан жаҳли чиқиб, ҳаммасининг дабдаласини чиқараман, дерди. Бироқ илгари кўл остидагиларни зир тигратадиган бу дўқ-пўписалар бугун ҳеч кимга заррача таъсир қилмаётганди. Жамоадошлари ўринсиз дашномни бир пулга олмасди. Калондимонларнинг попугини пасайтириб қўйиш учун улар айнан мана шунақа пайтгни пойлашади. Кеч тушиб ҳаммоллар тахтиравонни ҳовлига олиб келиб қўйишди. Шоҳнавий билан Шанга кучоқлашиб роса йиғлашди.

Шантанинг қалбида меҳр жўш урмоқда эди. Шу хонадонда нимаики жабрлар тортган бўлса, шу топда у барчасини унутганди. Энди улар қайта кўришишмайди, бу хонадон энди унга бегона, булар билан қариндош-уругчилик ришталари ҳамишаликка узилади, шуларни ўйлаб қизгинанинг юраги пора-пора бўлиб кетмоқда эди. Шоҳнавийнинг юраги ҳам меҳрга тўла эди. Бу отаонасиз етимча қизга кўп зулмлар қилди, шуларни ўйлаб у кўз ёшларини тилмади. Ҳар иккаласининг қалбида самимий, беғубор, нафис туйғулар булоқдай тошмоқда эди.

Умонат ичкаридан чиқиб келгач, Шанга унинг оёқларига чирмалди ва иткорлик билан деди:

- Сиз менинг отамсиз, қизингизни унутиб юборманг, сингилларимга яхши-яхши тақинчоқлар, яхши-яхши кийимлар олиб беринг, байрам ва ҳайит кунлари йўқлаб туринг, мендан эса икки энлик хатингизни дариг тутмасангиз бўлди, шуни бошимга тош, кўзимга тўғиё қиламан.

Умонат унга тасалли бериб деди:

- Икки қизим қаторида сен ҳам битта қизим эдинг. Худойим сенинг ҳамиша толейингни берсин. — Шундай деб у йиғлай бошлади.

Кечқурун. Мунний лақабли сигир ҳовлига кириб келди. Шанга унинг бўйнидан кучоқлаб йиғлай бошлади. Икки-уч йил шу сигирни қаради. Энди Шанга қай сигирга ўт юлиб келади? Қайси сигирнинг бўйнига қора ипга мунчоқ тизиб осади. Сигир бошини эгиб, қизнинг қўлларини ялади. Айрилиқ ёшлари унинг ҳам кўзларини галтон қилганди.

Шоҳнавий Шангани олиб келиб тахтиравонга ўтқазди, ҳаммоллар тахтиравонни кўтаришди. Шанга ўзини тубсиз денгиз узра сузиб кетаётгандай ҳис қилди.

Қишлоқ аёллари ҳовлиларидан турганча тахтиравонга қарар ва йиғлар эдилар.

Умонат станциягача кузатиб келди. Қайтиб кетаётиб у бошидан салласини ечди-да, Падмасинҳнинг оёғига қўйди. Падмасинҳ уни бағрига босди.

Поезд ўрнидан кўзгалгач, Падмасинҳ Виттҳалдосга деди:

- Энди бу томошанинг энг оғир қисмига келиб қолдик.

В и т т х а л д о с : - Тушунмадим.

П а д м а с и н ҳ: - Шантага ҳеч нима демасдан уни ўша жойга олиб бориб қўймоқчимисиз? Бунинг учун аввал уни бохабар қилиб қўймоқ лозим.

В и т т ҳ а л д о с: - Ҳа, бу гапингиз тўғри, бориб айтайми?

П а д м а с и н ҳ: - Аввал ўйлаб олмайсизми, нима дейсиз? Ҳозир у қуёвникига кетаяпман деб ўйлаяпти. Азали юрагига шу умид далда бериб турибди. Лекин бизнинг найрангимиз унга маълум бўлгач, қанчалик хафа бўлишини биласизми? Аввалроқ нега айтмадик деб мен энди афсусланапман.

В и т т ҳ а л д о с: - Ҳозир айтсак бир нима бўлармиди? Мирзапурда поезд анча туради, мен бориб унга тушунтираман.

П а д м а с и н ҳ: - Мен катта хатога йўл қўйдим.

В и т т ҳ а л д о с: - Агар ўша хатоингиздан афсус қилиш билан иш чиқадиган бўлса, маза қилиб афсус қилаверинг.

П а д м а с и н ҳ: - Ёнингизда қалам борми? Бу ёққа олинг, хат ёзиб, ҳамма гапни англатаман.

В и т т ҳ а л д о с: - Йўқ, телеграмма жўнатиш, бу ундан ҳам зўр бўлади. Жуда қизиқ одамсиз-да, арзимаган нарсага ҳам ота гўри – қозихонами?

П а д м а с и н ҳ: - Шунақа бўлиб қолса, мен нима қилай? Кўнглимга бир гап келди, Мўғулсаройда анча тўхташга тўғри келади, ўша ерда унинг олдига бориб ҳамма гапни айтаман.

В и т т ҳ а л д о с: - Сиз арқонни жуда узун ташлаб юбордингиз, шунинг учун машойихлар айтади-да, етти ўлчаб, бир кес, деб. Отан ўқингиз нишонга уради, лекин айланиб-айланиб бориб уради. Буни аввал ўйлаш керак эди.

Шанта олдидаги вагоннинг аёллар бўлимида ўтирарди. У ерда иккита нарсоний аёл ҳам бор эди. Улар Шантани кўриб инглизчалаб гаплаша бошлашди:

- Кўринишидан бу янги турмушга чиққан аёл бўлса керак.

- Ҳа, юқори табақа хонадонидан. Қайнота уйига кетаётибди.

- Худди зўрлаб олиб кетаётгандай йиғлашини қаранг.

- Эрининг башарасини ҳали кўрмаган бўлса керак, қандай севаркин. Кўрққанидан юраги ёрилаётгандир.

- Уларнинг шу одати жуда ёмон-да. Шўрлик қизни ҳеч танимаган уйга жўнатиб юборишади, у ерда биронта ҳам яқин одами бўлмайди.

- Булар бари тош асрдан қолган одатлар, у пайтларда аёлни зўрлаб олиб кетишган.

- Ҳой, синглим (*Шантага*), қайнота уйига кетаяпсизми?

Шанта билинар-билинемас бош ирғади.

- Бирам чиройли экансанки, қуёвинг ҳам ўзингга ўхшагандир?

Шанта жиддий оҳангда жавоб берди:

- Қуёвнинг чиройли-хунуклигига қаралмайди.

- Бир қоп-қора занжи бўлса-чи?

Шанта дадил жавоб қайтарди:

- Қанақа бўлса ҳам биз уни худо деб биламиз.

- Яхши, фараз қилки, қаршингга иккита йигитни олиб келишди, бири хушрўй, иккинчиси хунук, сен қайси бирини танлардинг?

- Ота-онамиз қайсисини ёқгирса, ўшани.

Шанта бу иккала хотиннинг урф-одатларимиз устидан кулаётганини англаб турарди. Бир оздан кейин у аёллардан сўради:

- Эшитишимча, сизлар эрингизни ўзларингиз танлар экансизларми?

- Ҳа, биз бу борада эркинмиз.

- Сизлар ўзларингизни ота-онангиздан ақллироқ деб ўйлайсизларми?

- Улар ёқтирган йигитни биз сева оламизми, йўқми, ота-онамиз қаёқдан билиб ўтиришибди?

- Демак, сизлар севишни никоҳдан устун қўясизлар, шундайми?

- Ҳа, бўлмасам-чи. Никоҳ севги йўлидаги гов.

- Биз никоҳни дин йўлидаги гов деб биламиз. Бизда севги диндан кейин туради.

Соат тўққизда поезд Мўғулсаройга етиб келди. Виттхалдос келиб, Шантани вагондан олиб тушди ва сал нарида платформага гиламча ташлаб, уни ўқазиб қўйди. Банорас поезди келишига яна ярим соат бор эди.

Шанта одамларнинг катта-катта тутунларни ортмоқлаганча бир тор эшик

олдида турганини ва ташқарига чиқиш учун бир-бирининг устига йиқилгудек бўлаётганини кўрди. Бошқа бир танг эшик олдида одамлар ичкарига кириш учун жикқамушт бўлмоқда эди. Бироқ яна бир кенг эшикдан инглизлар ҳассаларини ўйнатиб, итларини етаклаганча бемалол кириб-чиқиб турарди. Ҳеч ким уларни тўхтатмас, ҳеч ким уларга гапирмасди.

Шу пайт пандит Падмасинҳ унга яқин келди-да, деди:

- Шанта, мен сенинг шаръий отанг Падмасинҳман.

Шанта ўрнидан турди ва қўлларини қовуштириб, унга таъзим қилди.

Падмасинҳ деди:

- Чунарда нега тушмадик деб ҳайрон бўлаётгандирсан, ҳойнаҳой? Бунга сабаб шуки, шу пайтгача мен акамдан сен хусусингда ҳеч нарса сўраганим йўқ. Хатингни олгач, шунақанги қўрқиб кетдимки, сени чақириб олмасам бўлмас экан деб ўйладим. Акамга бир-икки оғиз гап айтишга ҳам фурсат бўлмади. Шунинг учун бир неча кун Банорасда қолишга тўғри келади. Сени опанг Суманбону турган жойга олиб бориб жойлаштиришни маъкул кўрдим. Опанг билан бирга турсанг, ҳеч нарсадан қийналмайсан. Суман борасида ни-маики яхши-ёмон гаплар эшитган бўлсанг, уларни юрагингдан чиқариб ташла. Ҳозир у фаришта. Унинг ҳаёти гуноҳлардан фориғ бўлиб, бутунлай бошқача яшайпти. Агар шундай бўлмаганида, мен ўзимнинг шаръий қизимни у билан бирга тургани зинҳор йўл қўймас эдим. Бир-икки ойда мен акамни йўлга солиб оламан. Агар сен бу тadbиримизга йўқ дейдиган бўлсанг, менга очигини айтавер, бошқа бирон йўлини топармиз.

Падмасинҳ гапини жуда қийинчилик билан тугатди. Суманни мақтаб айтган сўзларига ўзи ҳам ишонмаётганди. Мадансинҳ борасида ҳам хиёл ошириб юборди, аслида сал бошқачароқ қилиб гапирмоқчи эди. Бир соддадил қизга бу тариқа ёлгон сўзларни айтиб, виждони қийнала бошлади.

Шанта йиғлаганча ўзини Падмасинҳнинг оёғига ташлади ва уят, тушкунлик ва алам билан шу сўзларни айтди, холос:

- Жоним сизнинг қўлингизда, нима қилсангиз, ўзингиз биласиз.

Шантанинг юраги қушдек енгил тортиди. Энди унинг ўз келажаги хусусида ташвиш қилишига ҳожат қолмади, нима бўлганда ҳам дастлабки пайтлардаги ҳаёт йўлини аниқлаб олишига имкон пайдо бўлди-ку. Унинг ҳозирги ҳолати бирмунча муддат қоронғулик ваҳмидан халос бўлгани учун кулбаси ёнганидан хурсанд бўлган одамга ўхшарди.

Соат ўн бирда учовтон бевахонага етиб келди. Виттҳалдос бориб Суманбонуга хабар берай деб извошдан тушди, бироқ у ерга бориб қарасаки, у қаттиқ иситмалаб ётибди. Бевахонанинг бир қанча аёллари унинг атрофида парвона. Бири елпигич билан елпир, бири унинг бошини босар, яна бири оёқларини уқаларди. Ора-сира алаҳсираган товуш қулоққа чалинарди. Виттҳалдос чўчиб сўради:

- Доктор чақирдингизми?

- Ҳа, у кўриб, ҳозиргина кетувди, - деган жавоб бўлди.

Бир неча аёл бориб Шантани извошдан туширди. Шанта Суманнинг чор-пояси олдида туриб, «Опажон!» деди. Шанта қимир этмай турган кўйи опасига ачиниш ва меҳр тўла нигоҳлари билан қараб турарди. Уч-тўрт йил бурун бирга ўйнаб юрган опажоним шуми? Узун-узун қоп-қора сочлар қани? Қани ўша тўлган ойдек оппоқ чехра? Табассум аримайдиган чақноқ, ёниқ кўзлар қаёққа кетди? Сарвдек тик қомат, гулдек тоза, бўлиқ бадан, қирмизи ёноқлар қаёққа гойиб бўлди? Бу опасими ё жасадими? Ёки унинг жонсиз тимсолими? Унинг йиллар чеккан изгириб эрта сўлдирган қонсиз юзида билинар-билимас нур ўйнарди. Шантанинг юраги меҳр ва илтифот ҳиссига тўлди. У аёлларга бир четга ўтинлар дегандек ишора қилди ва йиғлаганча опасининг бўйнидан кучоқлади.

- Опажон, кўзингизни очинг, қалайсиз? — деди у. — Мен, синглингиз Шантаман.

Суман кўзини очди ва ҳуши жойида эмасдек Шантага қараб деди:

- Қайси Шанта? Нари тур, менга тегма, мен гуноҳкорман, мен бадбахтман, гумроҳман, сен фаришгасан, поксан, менга баданингни теккизишдан эҳтиёт бўл. Бу юрак айшпу ишратлардан, ҳою ҳаваслардан, бузук ниятлардан



булганган, сен ўзингнинг беғубор, пок юрагингни бунинг ёнига олиб келма, бу ердан кет! Ана, рўпарангда дўзах ўти ловуллаб ёнаяпти, азроил мени шу ўтга ташлаш учун судраб олиб кетаяпти. Сен бу ердан кет. — Шундай дея Суман ҳушидан кетди.

Шанта тун бўйи опасининг ёнида ўтириб, уни елпиб чиқди.

### 43

Шантанинг бевахонага келганига ҳам бир ойдан ошиб қолди, лекин Падмасинҳ шу дамгача уйда ҳеч кимга бу ҳақда оғиз очмади. Гоҳ акамга хат ёзсаммикин деб ўйлар, гоҳ бориб ўзига айтсаммикин дерди, баъзан Виттхалдосни юбормоқчи ҳам бўларди, бироқ бунга ҳам журъат қилмасди.

Бу ёқда дўстлар фоҳишалар масаласини муниципалитетга тақдим этиш учун шоширмоқда эди. Улар бу масаланинг ижобий ҳал этилишига қаттиқ ишонинишарди. Ким билсин, пайсалга солаверса қолган ишга қор ёғар, дегандек, бутунлай йўққа чиқариши ҳам ҳеч гап эмасди-да. Бироқ Падмасинҳ пайсалга солгани-солган эди. Ҳатто май ойи ҳам етиб келди. Охири Рамешдат ва Виттхалдос шундай қистовга олишдики, у ночор муниципалитет мажлисига ўз таклифи ҳақида хабар беришга мажбур бўлди. Кун ва соат белгиланганди.

Белгиланган кун яқинлашган сайин Падмасинҳнинг юраги безовта бўлмоқда эди. Биргина шу таклифнинг инобатга олиниши билан мақсадга эришиб бўлмаслигини биларди. Уни ҳаётга татбиқ қилиш учун шаҳардаги барча бойларнинг розилиги ва ҳамкорлиги зарур эди, шу боис у Ҳожи Ҳошимни бир амаллаб ўзига оғдириб олишни истарди. Ҳожи соҳибнинг шаҳарда обрўси шунчалар баланд эдики, фоҳишалар ҳам унинг буйруғига қош қайтармас эдилар. Охири Ҳожи соҳиб ҳам юмшади. У Падмасинҳнинг нияти холислигига амин бўлди.

Бутун муниципалитетда шу таклиф кўриб чиқилади. Муниципалитет идораси ҳовлисида одам қалин. Фоҳишалар ўзларининг бутун бир тўдаси билан жангга шайланиб келган. «Кўрайлик-чи, муниципалитет не қарорга келаркин».

Мажлис ўз ишини бошлади. Барча аъзолар ҳозир. Доктор Шёмачаран тоққа жўнашни кейинга қолдирган бўлиши керак, мунший Абдулвафо бутун туни билан мижжа қоқмади. У гоҳ ташқари чиқар, гоҳ ичкари кирарди. Бутун у чинакамига тер босадиган кун бўлади-да ўзиям.

Падмасинҳ ўз таклифини ўртага ташлади ва сўзларини чертиб-чертиб уни далиллаб чиқди. Масала уч қисмдан иборат эди: 1). Фоҳишаларни шаҳарнинг марказий жойидан кўчириб, аҳоли яшайдиган маҳаллалардан узоқроққа олинсин; 2). Уларнинг шаҳар маркази ва боғларига келишлари тақиқлаб қўйилсин; 3). Фоҳишаларнинг томоша кўрсатишлари учун қатта миқдордаги солиқ белгилансин ва бу томошаларнинг очиқ жойларда ўтказилишига йўл қўйилмасин.

Профессор Рамешдат уни қўллаб чиқди.

Саййид Шафқат Али деди:

- Мен бу таклифга жон деб қўшиламан, бироқ айрим аниқликлар киритмасдан туриб уни қабул қилиб бўлмайди. Менимча, резолюциянинг биринчи қисмига мана бу гап қўшиб қўйилса: «Тўққиз ой ичида ё қонуний никоҳдан ўтиб олганлар ёки биронга касбнинг бошини тутиб, жоиз тарзда ҳаёт кечира бошлаганлар бундан мустасно».

Кунвар Анирудҳсинҳ деди:

- Мен бу қўшимчани қўллаб-қувватлайман. Бу фоҳишаларни бузук деб аташимизга ҳеч қандай ҳақимиз йўқ, бу бизнинг қаттиқ ҳатоимиз бўлади. Бизлар кечасию кундузи порахўрлик қиламиз, ғарибларнинг қонини сўраимиз, бечораларнинг томоғидан бўғизлаймиз, шундай экан, жамиятнинг бир қисмини пасткаш ё ҳеч нарсага арзимайди деб ҳукм чиқаришга лойиқ эмасмиз. Энг пасткаши ўзимиз, энг гуноҳқори ҳам, бадахлоқи ҳам, золими ҳам ўзимиз, ўзимизни ўқимишли, маданиятли, саховатпеша, ҳалол деб биламиз. Бизнинг ўқимишли дўстларимиз шарофати билан Резаворфурушлар бозори обод, гузарлар гавжум, хотин бозорлари чаққон. Мийно бозорни ҳам гуллатган бизларимиз, гулдек-гулдек аёл-қизларимизни куш каби қафасларга солиб қўйган ҳам ўзимиз, уларни қўғирчоқдек ўйнатиб базму жамшидларимизни қизитган

ҳам ўзимиз бўламиз. Золим заминдорлар, порахўрлар, очқўз амалдорлар, адолатсиз прокурорлар, худбин товламачилар иззат-икром қилинган жамиятда Резаворфурушлар бозори обод бўлмай бўладими?! Ҳаромдан тошилган бойлик ҳаромга сарф бўлмай, қаёққа сарф бўлади? Токи мана шу иллатлар барҳам топмас экан, Резаворфурушлар бозори ҳам гуллайверади, қушлар сайрайверади, тамом! Мана шу қўшимчалар киритилмас экан, асосий таклиф бамисоли малҳам қўйилмаган наштар жароҳатига ўхшайди. Мен таклифга қўшилмайман.

Прабҳакар Рао деди:

- Мен тушунолмайд қолдим, бу қўшимчаларнинг резолюцияга нима алоқаси бор? Сиз буни алоҳида резолюция тариқасида тақдим этишингиз мумкин. Ислоҳот борасида сиз қилган ишлар мақтовга сазовор, лекин бу ишни фоҳишалар маҳалласини кўчирмай туриб шаҳар ичида ҳам осонгина бажарса бўлади, қайтанга бунда қулайликлар кўпроқ бўлади.

Абулвафо деди:

- Мен бу қўшимчаларни тўла қўллаб-қувватлайман.

Абдуллатиф деди:

- Қўшимчаларсиз мен резолюция қабул қилинишига қаршиман.

Динанат Тиварий ҳам қўшимчани ёқлаб чиқди.

Падмасинҳ деди:

- Бу таклиф билан биз фоҳишаларни қийнамоқчи эмасмиз, фақат уларни тўғри йўлга солмоқчимиз, холос. Шу боис ушбу қўшимчани қабул қилишга ҳеч қандай қаршилигим йўқ.

Саййид Тиг Али сўз олиб деди:

- Қўшимчалар асосий таклифни йўққа чиқариш хавфи бор. Сизлар гўё бир уйнинг асосий эшигини ёпиб қўйиб, орқадан бошқа эшик очаяписизлар. Бу мумкин эмас, чунки айш-ишрат ва кайф-сафо билан кун кўриб келаётган аёллар тер тўкиб меҳнат қилишга асло рози бўлмайди. Бу қўшимчалардан улар нотўғри мақсадда фойдаланадилар, биттаси болохонага тикув машинаси қўйиб ўзини ҳимоя қилса, бошқаси тўқув дастгоҳи қўйиб олади, яна бири нон дўкони очади ва ҳоказо. Сохта никоҳ авжга чиқади, шундай никоҳ остида ҳаром ишлар олдингидан бешбадтар тус олади. Бу қўшимчани қабул қилиш билан инсоний хислатлардан беҳабар эканлигимизни намоён этган бўламиз.

Ҳаким Шухрат Хон деди:

- Менга Саййид Тиг Алининг фикрлари ёқмади. Аввал бу безотларни шаҳардан ҳайдаб чиқариш керак. Шундан кейин улар жўнгина ҳаёт кечиришни исташса, шаҳар ичида яшашга ижозат бериш лозим. Шаҳар дарвозаси доим очик, истаган одам келиб яшайвериши мумкин. Имоним комитки, қўшимчалар таклифдаги асосий мақсадга зид.

Оқловчи Шариф Ҳасан деди:

- Шубҳасиз пандит Падмасинҳ гоятда олийжаноб ва меҳрибон зот, лекин бу қўшимчаларни киритишга рози бўлиб, у асл мақсадни кўзда тутиш ўрнига ҳардилазиз бўлишга, яъни ҳар икки томонга ҳам яхши кўринишга ҳаракат қилдилар. Ундан бундай таклифни киритмаган яхши эди. Саййид Шарофат Али агар эҳтиёткорлик билан иш тутганларида эди, бу қўшимчаларни тақдим қилмаган бўлар эдилар.

Шокирбек деди:

- Моддий ишларда келишувчилик ҳар қанча муҳим бўлмасин, ахлоқий масалаларда бу мутлақо тўғри келмайди. Бу ахлоқий иллатларни хаспўшлаш бўлади.

Ийгилиш раиси сетҳ Балбҳалдрос резолюциянинг биринчи қисмини овозга қўйди. Тўққиз аъзо «ҳа» деб овоз берди, саккизтаси «қарши» чиқди. Таклиф қабул қилинди.

Кейин қўшимчалар овозга қўйилди, саккиз одам «ҳа» деди, саккиз одам «қарши» бўлди. Қўшимчалар ҳам қабул қилинди. Раис «ҳа» деб овоз берди. Доктор Шиёмачаран бетараф қолди.

Профессор Рамешдат, Рустамоға ва Прабҳакар Рао қўшимчаларни қабул қилишда ўз мағлубиятларини тан олишди ва Падмасинҳга худди хоинга қарагандек қараб қўйишди. Кунвар соҳиб хусусида эса бу ғирт вайсақи, шаккок ва туғуриқсиз одам деган қарорга келишди.

Абулвафо ва унинг дўстлари шунақанги хурсанд эдики, гўё улар ғалаба қозонгандек. Уларнинг бундай яйраши Прабҳакар Рао ва унинг дўстларига тикандек ботмоқда эди.

Таклифнинг иккинчи қисми овозга қўйилди. Прабҳакар Рао ва дўстлари бу гал унга қарши овоз беришди. Улар Падмасинҳнинг хоинлиги учун атайлаб шундай қилишди. Таклифнинг бу қисми қабул қилинмади. Абулвафо ва дўстлар дўшларини осмонга отишди.

Энди таклифнинг учинчи қисмига навбат келди. Кунвар Анируддҳсинҳ уни қувватлаб чиқди. Ҳаким Шухрат Хон, Саййид Шафқат Али, Шариф Ҳасан ва Шокирбеклар ҳам уни ёқлаб овоз беришди. Бироқ Прабҳакар Рао ва дўстлари бунга ҳам қарши овоз беришди. Қўшимчалар қабул қилинганидан кейин уларга бу борадаги бошқа барча ҳаракатлар беҳудадек туюлмоқда эди. Улар «ё ҳаммаси, ё биттаси ҳам» дегувчилар тоифасидан эди. Таклифнинг учинчи қисми ҳам қабул қилинмади.

Йиғилиш тун ярмидан оққанда тугади. Маълумиятга учраймиз деб хавотар олганлар хурсанд чиқишди, енгиб чиқамиз деганларнинг лаб-лунжлари осилган эди.

Кета туриб Кунвар соҳиб Рустамоғага деди:

- Бу сизлар нима қилиб қўйдиларинг ўзи?

Рустамоға киноя билан деди:

- Сизлар нима қилган бўлсангиз, биз ҳам шуни қилдик. Сизлар кўзани ўйиб қўйдингиз, биз уни тепиб юбордик. Натижа иккаласида ҳам бир хил.

Ҳамма кетди. қоронғулик янада қуюқлашганди. Қоровул билан боғбон ҳам дарвозани қулфлаб кетишди, фақат Падмасинҳгина ўша ердаги майсазорда хомуш ва ўйчан бир ҳолда қимир этмай ўтирарди.

## 44

Падмасинҳнинг юраги қўшимчаларни қабул қилишдаги йўл қўйган хатосини сира тан олгиси келмаётганди. Дўстлари бир арзимаган гап устида шунчалик қаршилик кўрсатишади деб хаёлига ҳам келтирмаганди. У таклифнинг қабул қилинмаслигини дўстларим мендан кўрди деб хафа бўлмаётганди, ҳамма гап шундаки, бунинг барчасига бирга ишлайдиган ҳамкасбларининг калтабинлиги ва ноиттифоқлиги сабаб деб ўйлаётганди. Қўшимчаларни у иккинчи даражали нарса деб биларди, аммо уларнинг суистеъмол қилиниши мумкинлигини Падмасинҳ тасаввурига ҳам келтиролмасди. Ҳамкасбларига бўлган ана шу ишонч бу таклифнинг бутун масъулиятини унинг зиммасига юклар эди. Ҳозирги ижтимоий аҳвол нуқтаи назаридан ушбу таклифнинг рўёбга чиқиши ғоятда амри маҳол эканига тобора амин бўлмоқда эди. Гоҳо туриб-туриб бу можарони бекор зиммамга олдим деб пушаймон бўлар эди. Бу тиканли тўқайга қандай кириб қолдим ўзи деб таажжубга ҳам тушар эди. Агар ўтмишдаги муваффақият юки бу қўшимчалар чекига тушадиган бўлса, у жуда катта жавобгарликдан халос бўлар эди, бироқ энди ғишт қолипдан кўчиб, бўлар иш бўлган эди. Энди барча ишга у балогардон, муҳолиф томон унинг устидан кулади, унинг қайсарлиги тилларда дoston бўлади ва барча таъна-маломатларни бир ўзи кўтаришга мажбур. Унинг биронга дўсти йўқ, ҳеч ким унга тасалли бермайди. Бир умиди Виттҳалдосдан эди, мени тушунар, жаҳли чиққан дўстларни алдаб-сулдаб қайтарар деганди, бироқ қайтанга Виттҳалдоснинг ўзи аввал уни айбдорга чиқарди. У шундай деди:

- Қўшимчаларни маъқуллаб, ўзингиз ҳамма ишни расво қилдингиз, йиллаб қилган меҳнатингизни йўққа чиқардингиз.

Фақат Кунварсинҳгина Падмасинҳнинг вайрон бўлган кўнглига далда берар ва ҳамдардлик билдирарди.

Бир ой давомида Падмасинҳ маҳкамага изини босмади. Танҳо ўтирганча ўша воқеани ўйлагани-ўйлаган эди. Унинг қарашларида ғалаги бир совуққонлик пайдо бўлганди. Дўстларининг ноаҳиллигидан хафа бўлиб, модомики, шундоқ ўқимишли, доно одамлар арзимаган нарса туфайли ўз лафзларидан қайтар экан, бу мамлакатнинг ўнгланиб олишига асло умид йўқ, деган хаёлларга борарди. Хўп, қўшимчага рози бўлиб, мен хато қилдим, лекин бу хатомни тузатиш ўрнига улар нега таслим бўлишди?

Падмасинҳ мана шундай руҳий азоблар гирдобиди тўлганар экан, бир ожизанинг мушқил чоғда жонига ора кириши мумкинлигини биринчи бор ҳис этди. Агар дунёда унинг дардини тушунадиган одам бор бўлса, бу, шубҳасиз, Субҳадра эди. Субҳадра ўша қўшимчаларни эридан ҳам кўра кўпроқ маъқулламоқда эди. Эрининг ҳамкасблари қилмишларини у Падмасинҳдан ўн чандон қоралашга тайёр эди. Хотинининг гаплари Падмасинҳга мойдай ёқиб тушди. Ҳолбуки, у Субҳадрани бундай чуқур мазмунли нарсаларга қандай ақли етарди, тўтиқушдай нуқул айтганларини такрорлайди, холос, деб писанд қилмай келарди.

Бироқ орадан бир ой ўтар-ўтмас, Прабҳакар Рао ўз газетасида шу таклиф муносабати билан қатор мақолалар эълон қила бошлади. Уларда Падмасинҳга шунақанги маломат тошлари ёғдирилдики, уларни ўқиб Падмасинҳ ҳангуманг бўлиб қоларди. Бир мақолада у Падмасинҳнинг хатти-ҳаракатлари билан бу қўшимчалар ўртасида узвий боғлиқлик бор деб кўрсатди. Яна бир мақолада унинг феъл-атворини танқид қилар экан, у замонамизнинг ватанни унутиб фақат ўзини ўйлайдиган, ватанга хизмат қилиш ниқоби остида ўз манфаатини кўзлайдиган ватанпарвардир, деб ёзди. Миллатимиз ёшлари ўзини чоғга ташласа ташлайверсин, фақат Кошйидаги жаннат эшиклари очиқ қолса бўлгани. Падмасинҳ ўз шаънига айтилган бу бўҳтонлардан ҳам жаҳли чиқарди, ҳам таажжубланарди. Ноинсофлик шу даражага етиши мумкинлигини у биринчи марта кўриши эди. Ташқаридан қараганда ажабтовур бир зиёли одам, аммо юрак деган ҳам шунчалик кир бўладими? Бунинг устига ҳой, оғзинга қараб гапирсанг-чи, дея уни қайтарадиган ҳеч ким йўқ эди.

Кечқурунги пайт эди. Ҳалиги мақола чорпоёда ётарди. Падмасинҳ столга ўтириб, бу мақолага жавоб ёзишга ҳаракат қила бошлади, лекин миясига ҳеч нарс келмай боши қотиб турган эди, Субҳадра келиб деди:

- Иссиқда бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? Юринг, ташқарига чиқайлик.

П а д м а с и н ҳ: - Прабҳакар Рао бугун мени роса сўкибди, шунга жавоб ёзаётгандим.

С у б ҳ а д р а: - Нега у сизга бунақа ёпишиб олди?

Шундай дея Субҳадра газетани олиб, ҳалиги мақолани ўқий бошлади. Бироздан кейин Падмасинҳ сўради:

- Қалай ёзибди?

С у б ҳ а д р а: - Бу мақола эмас, турган-битгани ҳақорат-ку. Мен шаллақиликни фақат хотинларга чиқарган деб юрардим, лекин эркалар биздан ҳам ўғиб тушар экан. Ҳали олим деганингиз шуми?

П а д м а с и н ҳ: - Ҳа, нега олим бўлмасин, бир дунё китоби бор, китобдан бош кўтармайди.

С у б ҳ а д р а: - Олимнингизнинг ҳоли шу денг?

П а д м а с и н ҳ: - Мен бунга жавоб ёзаяпман, шунақанги бошлайки, ҳали менинг совунимга кир ювмабди у.

С у б ҳ а д р а: - Ҳақоратга нима деб жавоб берардингиз?

П а д м а с и н ҳ: - Эгри қозиққа — эгри тўқмоқ қиламан.

С у б ҳ а д р а: - Йўқ, ҳақоратга энг яхши жавоб — сукут. Ҳақоратга фақат аҳмоқ одам ҳақорат билан жавоб қайтаради, унда сиз билан унинг нима фарқингиз қолади?

Падмасинҳ хотинига миннатдорона боқди. Жуда тўғри гап! Гоҳо менсимай биз илгари бир нарсани сўрашдан ор қилиб юрган одамлардан кўп нарса билиб оламиз.

П а д м а с и н ҳ: - Бўпти, сукут сақлаганим бўлсин.

С у б ҳ а д р а: - Маслаҳатим шу. У нима деса деяверсин. Бир кун ўзи уялиб қолади. Ҳақоратлари учун шунинг ўзи яхши жазо бўлади.

П а д м а с и н ҳ: - У ҳеч қачон уялмайди, булар уяг деган нарса ўзи нима эканини билишмайди. ҳозир олдига борсам, э, келинг-келинг, деб қучоқ очиб кўришади, кулиб гаплашади, лекин кеч тушиши билан яна ҳақорат хумори хуруж қила бошлайди.

С у б ҳ а д р а: - Бировларни ҳақорат қилишдан бошқа иши йўқми унинг?

П а д м а с и н ҳ: - Йўқ, иши бор, лекин муҳаррирлар мушгарийлар

сонини орттириш учун мана шунақа оҳангжамалар чиқариб турадилар. Бунақа ҳақорат тўла газеталарнинг мижози кўпаяди, халқ бунақа жанжаллардан завқ олади. Мухаррирлар ўзларининг аҳамиятларини унутиб, халқнинг мана шу жанжалли нарсаларни ёқтиришидан фойдалана бошлайдилар. Яхши гапларни кўйиб, ёмон нарсаларни кўпроқ овоза қила бошлайдилар. Мижозларимизни хурсанд қилиш бизнинг бурчимиз, бизни улар боқади, аравасига тушганингдан кейин кўшигини ҳам айтасан-да, дейдиган муҳаррирлар ҳам йўқ эмас.

С у б ҳ а д р а: - Унда бу одамларга фақат пул бўлса бўлди экан-да. Булардан жаҳлинг чиқмайди, раҳминг келади, холос.

Падмасинҳ столдан турди. Жавоб ёзиш фикридан қайтди. У хотинини шунчалик ақли деб ўйламаганди. Ўзимни ҳар қанча билимдон деб билмайин, барибир унинг юрагидаги ҳимматни англашга қурбим етмайди, у саводсиз бўла туриб ҳам мендан кўпроқ нарсани тушунади, деб ўйлади Падмасинҳ. Фарзандсиз бўлса ҳам аёл чексиз меҳр ва сабот тимсоли бўлиши мумкин экан. Субҳадрага нисбатан юрагида бир янги муҳаббат уйғонди. Бир тўлқин келди-да, йиллар давомида тўпланиб қолган ғуборни ювиб кетди. У хотинига самимий, беғубор нигоҳини тикди. Субҳадра эрининг дилидагини англаб турарди, унинг ҳам қалби севинчдан ҳаприқиб кетди.

## 45

Садан Суманни кўриб қайтгач, йиллаб тўплаган бисотини ўғри уриб кетган қашшоқ ҳолига тушиб қолди.

У, нега Суман менга гапирмади? Мени шунчалик пасткаш деб билдими? — деб ўйлай бошлади. Йўқ, у ўзининг олдинги қилмишидан хижолатда, у мени унутмоқчи. Балки менинг уйланишим ҳақида хабар топгандир, мени алдоқчи, зolim деётгандир? У Суман билан яна бир учрашишни кўнглига тутиб қўйди. Эртасига яна ўша жойга қараб йўл олди, бироқ ярим йўлдан қайтиб келди. Тагин Шанга ҳақида сўз очилиб қолса, нима деб жавоб беради? Бунинг устига авлиё Гаждар Прасаднинг ўтиглари ёдига тушди.

Садан баъзан Шанга олдидаги ўз бурчи ҳақида ўй суриб қоларди. Ойлар давомида ижтимоий ҳолат хусусидаги маърузаларни тинглаш унга заррача кор қилмабди деб бўлмасди. Шангага нисбатан адолатсизлик қилишганига у дилдан икром бўла бошлаганди, бироқ ҳақорат қилиб туриб виждон олдида без бўлиб тураверадиган ундай сурбетлик ҳали унда пайдо бўлганича йўқ эди.

Шу кунларда у жуда маърифатпарвар бўлиб қолганди. Резаворфурушлар бозори ва гузар сайридан маҳрум бўлгач, энди у янги йўлни ихтиёр қилганди. Оря Самож<sup>1</sup> тантаналаридаги маърузаларда ҳиссиётни жиловлашнинг аҳамияти баён этилган гапларни эшитганди. Шунинг эшитгандан кейин «бўларим бўлди» деган хато фикр дилидан ғойиб бўлди. Ўша ерда унга олим бўлиш билангина одам маънавий баркамолликка эришолмайди, бунинг учун пок ахлоқли бўлиш зарур, илмдан ҳам ахлоқнинг аҳамияти жуда улуг, деб айтишганди. У ўша кундан эҳтиросни тийиш ва иродали бўлиш билан боғлиқ китобларни ўқий бошлади ва кундан-кун бу синоатлар замирига чуқурроқ кириб бормоқда эди. Энди у ўқимишли бўлмасам ҳам одамлар учун бирон фойдали иш қила оламан деган қарорга кела бошлаганди. Уқиган китобларида туйғуларни жиловлаш ҳамда кўнглини барқарор сақлаш хусусида айтилган гаплар унинг хотирасида маҳкам ўрнашиб қолганди.

У муниципалитет бошқармасининг фоҳишалар билан боғлиқ таклифни кўриладиган мажлисида ишгирок этганидан, ҳалиги кўшимча қабул қилинганидан қаттиқ хафа бўлганди. Амакисининг хатосини тан олса-да, аммо Прабҳакар Рао Падмасинҳни маломат қила бошлагач, у амакисининг ёнини олишга азму қарор қилди. У икки-учта мақола ёзди-да, почта орқали Прабҳакар Раога жўнатди. Бир неча кунгача мақола чиқишига умид боғлаб юрди. Мақола чиқиши билан катта шов-шув кўтарилишига, дунёда катта ўзгариш содир бўлишига унинг имони комил эди. Почтачи газеталарни олиб келиши билан у очиб, ўзининг мақоласини қидирар, лекин унинг ўрнига фақат гараз ва сотқин-

<sup>1</sup> Авлиё Даёнанд томонидан тузилган диний жамият (*тарж.*).

лик билан тўлиб-тошган мақолаларни кўрарди. Уларни ўқиб вужудини ўт олгандек бўларди, муҳаррирнинг бошлаб таъзирини бериш керак, деган қарорга келди. Агар унда заррача инсоф бўлганида, менинг мақоламни босар эди, тили унчалик равон бўлмас, аммо у қадар маъносиз эмас эди-ку. Уни чиқармаслиги шу нарсадан далолат берадики, ҳақиқатни айтишни истамайди, фақат одамларни хурсанд қилиш учун ҳақоратлар қилгани-қилган. У кўнглидаги гапларни ҳеч кимга билдирмади. Кечкурун йўғон бир сўйилни олиб «Жагат» («Дунё») идорасига борди.

Иш вақти тутаган бўлса-да, Прабҳакар Рао ўзининг муҳаррирлик хонасида алланималарни ёзиб ўтирарди. Садан шартга ўзқарига кирди-да, унинг рўпарасига бориб турди. Прабҳакар Рао чўчиб бошини кўтарди, қараса давангирдай бир йигит таёқ кўтарганча важоҳат билан қаршисида турибди. У ўшқириб:

- Ким бўласиз? – деди.

С а д а н: - Шу ерликман, сиздан бир нарсани сўрамоқчиман, неча кундан бери Падмасинҳни нега ҳақорат қиляяпсиз?

П р а б ҳ а к а р Р а о: - Э-ҳа, икки-учта мақолани менга юборган сизмидингиз?

С а д а н: - Ҳа, мен юборган эдим.

П р а б ҳ а к а р Р а о: - Бунинг учун сизга катта раҳмат. Келинг, ўтиринг, мен ўзим сиз билан учрашмоқчи эдим, лекин турар жойингизни билолмадим. Мақолангиз ғоятда зўр ва мазмундор экан, ўзи аллақачон чиқарган бўлардим, аммо номсиз мақолаларни босиш қонунга тўғри келмайди, шундан хижолатда эдим. Исми шарифингиз?

Садан исми шарифини айтди. У сал ҳовуридан тушган эди.

П р а б ҳ а к а р Р а о: - Сиз Падмасинҳга жуда содиққа ўхшайсиз.

С а д а н: - Мен у кишининг жияни бўламан.

П р а б ҳ а к а р Р а о: - О, унда сиз ўзимиздан экансиз. Хўш, Падмасинҳ дурустмилар? Негадир кўринмай қолдилар?

С а д а н: - Шу пайтгача яхши эдилар, лекин мақоаларингиз шундай таъсир қилдики, худо билсин, бундан кейин нима бўлади уларга. Сиз у кишининг дўсти бўла туриб нега бу қадар кек сақлайсиз?

П р а б ҳ а к а р Р а о: - Кек? Эй худо, нималар деяпсиз? Менинг у кишига зиғирча кеким бўлса ўлай агар. Сиз биз муҳаррирларнинг вазифасини билмайсиз. Омма олдида юрагимиздаги борини очиб солишни ўз бурчимиз деб биламиз. Дилдаги гапларни сир сақлаш бизнинг қоидамызда гуноҳ. Биз на бировга дўстмиз, на бировга душман. Биз жондай дўстларимиздан бир лаҳзада воз кечамиз ва қон душманамиз билан бир лаҳзада оғиз-бурун ўпишиб кетамиз. Биз жамоатчилик борасида ҳеч кимни кечирмаймиз, шунинг учунки, биз кечирадиган бўлсак, улар бадтар кўтуриб кетади. Падмасинҳ менинг дўстим ва мен уни астойдил ҳурмат қиламан. Мен уларни танқид қилганимда қаттиқ ачинаман. Тунов кунгача у билан фақат тамойилларда келишолмасдик, бироқ ўтган куни бир далил қўлимга тушди, ундан маълум бўлишича, ўша кўшимчаларни қабул қилишда у кишининг бошқа мақсади бор экан. Сизга бемалол айтсам бўлаверади, ул зот бир неча ойдан бери Суманбойи деган бир фоҳишани яшириқча бевахонага жойлаштирган ва бир ойча олдин унинг синглисини ҳам шу ерга олиб келиб жойлаган. Ҳалигача бу ёлғон бўлса керак деб ўйлаб турибман, бироқ бошқа ниятда эмас, ул зотнинг бу ишдан қайтишни кўзда тутган ҳолда тез орада бу хабарни эълон қилмоқчиман.

С а д а н: - Сиз бу хабарни қаердан олдингиз?

П р а б ҳ а к а р Р а о: - Буни айтолмайман, лекин сиз амакингизга бориб айтингки, агар ул зотни мен асоссиз танқид қилган бўлсам, менга хабар берсинлар. Менга маълум бўлишича, ушбу таклиф муниципалитет мажлисига тақдим этилишидан олдин Падмасинҳ Ҳошимникига тинмай келиб турганлар. Бундай ҳолда ўзингиздан қолар гап йўқ, уларнинг бу мақсадини мен қандай қилиб беғараз деб айта оламан?

Саданнинг газабидан асар ҳам қолмади. Прабҳакар Раонинг гаплари уни маҳлиё қўйди, кўнглида уни ҳурмат қила бошлади ва бир оз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирди-да, кейин уйига қайтди. Энди уни бошқа ташвиш безовта қилмоқда эди: нима, Шантани чиндан бевахонага яшириқча олиб келишганми?

Кечкурунги овқат маҳалида у амакиси билан шу ҳақда яхшилаб гаплашиб олгиси келди, бироқ журъат қилолмади. Суманни бевахонага кетаётганда-ку кўрганди, бироқ энди ўзи ҳам ҳалигача тагига етолмаган талай гапларни эслаб, Шантанинг олиб келинганига унчалик ишонмаётганди.

У тун бўйи тўлғониб чиқди. Шанга бевахонага нега келган? Амаким уни бу ерга нега чақирди? Умонат уни сиздирмадими? Шу каби саволлар миясида чарх урарди. Суманни учратиб қолсам, ундан барча гапни суриштириб билай деган мақсадда у эрталаб бевахона томондаги соҳилга қараб кетди. У ерда бир оз ўтирган эдики, Суманнинг келаётгани кўринди. Унинг орқасидан яна бир аёл келарди. У юзини сарийси бари билан яшириб олган эди.

Саданга кўзи тушиши билан Суман таққа тўхтади. Неча кундан бери у Садан билан кўришмоқчи бўлиб юрганди. Гарчи аввалига Садан билан гаплашмайман деб ўзича аҳд қилиб қўйган бўлса-да, Шангага нажот йўлини очиб учун шундан бошқа иложини тополмади. У хижолат билан Саданга деди:

- Садансинҳ, бугун сизни учратиб қолганим яхши бўлди-да. Бу ёқларга келмай қўйдингиз? Яхши юрибсизми?

Садан уялинқираб деди:

- Ҳа, худога шукур.

С у м а н : - Жуда озиб кетибсиз, тобингиз йўқмиди?

С а д а н : - Йўқ, соппа-соғман. Бизга ажал қаёқда!

Хижолатдан қутулиш ва ўзгалар ҳамдардлигини қозониш учун биз одатда ясама туйғулардан паноҳ топамиз.

С у м а н : - Оғзингизга шамол, қаёқдаги хосиятсиз сўзларни гапирасиз-а. Мен ўлинг деётган бўлганимда бошқа гап эди. Бу Рам бадарғасига сабабчи бўлган Кайкейи - менман, ўзим ҳам фарқ бўлдим, бошқаларни ҳам ўзим билан тортиб кетиб фарқ қилдим. Нега турибсиз, ўтирсангиз-чи. Сиз билан гаплашадиган кўп гапларим бор. Мени кечирасиз, мен энди сизни ака дейман. Энди сиз билан мен ака-сингилмиз. Мен сизнинг катта қайинсинглингиз бўламан, агар ноҳос оғзимдан бир сўз чиқиб кетса, хафа бўлмайсиз. Менинг аҳволимни сиз яхши билсангиз керак. Амакингиз менга катта яхшилик қилдилар, энди бевахонада кун кечираяпман, қолган умримни шу ерда йиғлаб-сиқтаб ўтказсам, эҳтимол. Бир ойчадан бери шўрпешона синглим Шанга ҳам шу ерда, Умонатнинг уйи унга торлик қилиб қолди. Падмасинҳнинг худо умрларини узун қилсин, ўзлари Амолага бориб, уни олиб келдилар. Лекин шу ерга олиб келиб ташладилар-у, бошқа хабар олганлари йўқ. Сиздан сўрамоқчи бўлган гапим шуки, бу қандай гап ўзи: ака-укалардан бири ўғрилиқ қилсин-да, бошқаси қўлга олинса. Энди сиздан яширадиган ҳеч нарса йўқ, шайтон йўлдан оздирди дейми, олдинги ҳаётимдаги гуноҳларим эвазига дейми, нима бўлганда ҳам мен бадбахт осийлик йўлига кириб кетдим, бунинг жазосини тортишим керак эди, тортаяпман ҳам. Лекин бу шўрликнинг нима гуноҳи бор эдики, буни олиб келиб ташлаб қўйдиларинг? Бунга сиз жавоб берасиз! Ҳа, ўзингиздан катталарга ағдарманг, бу номард одамнинг найранги. Ростини айтинг, бу адолатсизликми, йўқми? Қандай қилиб бу адолатсизликка йўл қўйдингиз? Бир мунглик-муштипар қизнинг умрини хазон қилишга қандай юрагингиз чидаш берди?

Агар Шанга шу ерда бўлмаганида, эҳтимол, Садан дилидаги ҳамма гапни шартта-шартта айтиб солган бўларди. Бу адолатсизлик эканига иқроқ бўларди. Бироқ Шанга олдида бирданига ўз мағлубиятини тан олишга бўйни ёр бермади. Шу билан бирга мен фалон хонадон боласиман деб ўзини ҳимоя қилишдан ҳам ор қиларди. У Шангани хафа қиладиган бирон сўз айтишни истамас, ёлғон ваъда бериб, уларнинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдиришга ҳам юраги дов бермасди. Беихтиёр кўзи Шангага тушди-ю, унга қараганидан минг пушаймон қила бошлади. У шундай бир болакай ҳолига тушиб қолган эдики, у меҳмон олиб келган ҳолвага суқ билан қараб турибди, лекин ойисидан кўрқиб, олиб еёлмайди. Чунончи деди:

- Сингилжон, сиз аввал бошданоқ оғзимга танба уриб ташладингиз, шунинг учун бу ишларни уйимизнинг катталари қилди деб қандай айта оламан? Айбни уларга тўнкаб, ўзим сувдан қуруқ чиқмоқчи эмасман. Ушанда мен ҳам одамларга култи бўлишдан кўрқар эдим. Ўзингиздан қолар гап йўқ, одамлар

орасида улар қатори яшашга тўғри келади. Мен бу адолатсизликни бўйнимга оламан, лекин бу адолатсизлик биздан ўтгани йўқ, балки биз яшаётган жамият қилди.

С у м а н: - Ака, сиз ўқимишли одамсиз, гап билан сизни енголмайман, қандай маъқул топсангиз шундай қилинг. Хоҳ бир одам қилсин, хоҳ бутун эл қилсин, адолатсизлик барибир адолатсизлик-да. Бировдан кўрқиб бировни қийнаш керак эмас. Шанта шу ерда турибди, шунинг учун мен унинг дафтари очмоқчи эмасман, лекин унга битта гапни айтиб қўяй: сенга бошқа жойда нон, обрў, ҳусн, фазилат – ҳаммаси топилади, лекин мана бу муҳаббат топилабди. Агар бунда ҳам сиздагидай юрак бўлганида ҳозир бу ўзининг янги рўзорида роҳат қилиб ўтирган бўларди. Фақат сизнинг муҳаббатингиз уни бу ерга судраб олиб келди.

Садан Шантанинг кўзларидан ёш оқиб, унинг оёқлари устига тушаётганини кўрди. Юраги қаттиқ эзилиб кетди. Чунончи аянчли оҳангда деди:

- Нима қилишимни ҳам билмай қолдим. Худо ҳаққи, гаждан юрагим тарс ёрилиб кетади.

С у м а н: - Сиз эркаксиз, худо сизларни бардошли қилиб яратган.

С а д а н: - Айтинг, нима қилай, мен ҳаммасига тайёрман.

С у м а н: - Сўз берасизми?

С а д а н: - Ўзимдан ўтганини бир ўзим-у, худо билади. Нима ҳам дердим.

С у м а н: - Эркакларнинг гапига ишониш қийин.

Шундай деб Суман жилмайди. Садан хижолат тортиб деди:

- Агар кўлимдан келганида, шартга юрагимни суғуриб, олдингизга қўйган бўлардим. – Шу гапни айтар экан, кўзининг қири билан Шантага тикилиб қаради.

С у м а н: - Бўпти, сиз мана шу Ганга дарёси соҳилида Шантанинг қўлидан тутиб шундай денг: «Сен менинг хотинимсан ва мен сенинг эрингман, мен сени ўз хасимга оламан».

Саданнинг юраги дов бермади. У гўё ўзини яшириш учун жой қидираётгандек атрофга аланглади. Унга гўё сени ўзим яшираман деб Ганга шу ёққа чопиб келаётгандек туюлиб кетди. У чўкаётган одамдай осмонга қаради ва хижолатдан кўзини ерга олиб тугила-тугила деди:

- Суман, ўйлаб олишим учун менга муҳлат бер.

Суман мулойимлик билан деди:

- Ҳа, яхшилаб ўйлаб кўринг, мен сизни ортиқча қийнамоқчи эмасман.

Шундай дея у Шантага юзланди:

- Ана, эринг қаршингда турибди. Мен унга айтадиганимни айтдим, лекин у юмшамади. У ҳозир бутунлай кўлингдан чиқиб кетади. Агар муҳаббатинг чин бўлса ва унинг кучига ишонсанг, уни тўхтатиб қол, севгисига қасамёд қилсин.

Шундай деб Суман дарё томонга юриб кетди. Шанта ҳам аста унга эргашди. Унинг муҳаббати гурур сояси остида қолиб кетди. Бир умр чўриси бўлишга аҳду қарор қилган, хаёлида оёғига бош уриб, жонини нисор этган одам айни вақтда ундан кўз юмиб ўтирибди. Ундан аҳволинг қалай деб сўрамади, бошингга не савдолар тушди деб суришгирмади, унинг қарамдалигига эътибор бермади. Агар шу топда у Садан қаршисида кўл қовушгириб турганида ҳам унинг илтижоси инобат бўлар эди, бироқ у ялиниш ўрнига гурурини сақлашни афзал билди.

Садан бирпас ўша ерда турди ва кейин афсусланганича уйига кетди.

## 46

Садан катта гуноҳ иш қилиб қўйган одамдек ўзини жуда ёмон ҳис этмоқда эди. У тинмай айтган гапларини эслар ва ҳар гал ўлгудек тошбағирман деган тўхтама келар эди. Севги уни телба қилиб қўйганди.

Нега одамлардан бунчалик кўрқаман, одамлар менга нима қилиб берарди, хўш, биргина бемаъни бадномликдан кўрқиб, ўтмиш ҳаётларимдаги риёзатларим эвазига насиб этган шундай дурри покдан воз кечиб кетаврайми? Мен ўз бурчимга риоя қилганим учун қариндошларим мендан юз ўтиришса ўги-



ришар, деб ўйларди. Одамларнинг таънасидан қачон қўрқиб керак? Қачонки, улар ёмон ишлардан қайтариб қолса. Борди-ю, бурч йўлида гов бўладиган бўлса, бунда кўрқиб номардликка киради. Борди-ю, биронга бегуноҳ одамга ёлгондан айб тақасак, одамлар бизга таъна қилмайди, қайтанга бу гуноҳ ишда бизга ёрдам беради, гувоҳликка ўтади, оқловчилик қилади. Бировнинг ҳақиқа чанг солсак, бировнинг мол-мулкани ўзлаштириб олсак, одамлар бизни жазоламайди, жазоласа ҳам наридан-бери; лекин мана бунақа ишларда-чи? Худо беради-қолади деяверинг, ўзингизни ёмонотликка чиқариб, башарангизга умрбод кетмайдиган қилиб қора суртади. Йўқ, одамларнинг гапидан кўрқиб, мен бундай разилликка боролмайман, мен уни аросатда қолдириб кетмайман. Одамлар оғзига келганини гапираверсин, лекин мен бу адолатсизликка йўл қўймайман. Ота-она амрига бўйсуниб фарзанд учун фарзи айн эканини мен ҳам биламан. Улар мени дунёга келтиришди, боқиб ўстиришди. Отам бағрида кўтарди, онам оқ сут берди. Мен улар учун жонимни фидо қилишга тайёрман, қилич дамида юришга тайёрман, оловга сакрашга ҳам тайёрман, аммо уларнинг эътирозларига қарамай мен бу муштипарни таҳқирлашларига чидаб туролмайман, уни ҳимоя қилишни ўзимнинг йигитлик бурчим деб биламан. Ота-онам мендан норози бўлиши тайин. Эҳтимолки, бундай ўғилдан воз кечишар, мени ўлган ҳисоблашар, бироқ сал ўтмай хафагарчиликлари ўтиб, ўзларига келишади, қилмишимни унутишади, вақт ўзи улар жароҳатига малҳам бўлади.

Эҳ, қанчалик шафқатсиз, тошпорақман-а! Шоҳ қасрининг кўрки бўлгудек бир фаришта кўз олдимда зорланиб турса-ю, юрагим лоққал жиз этмаса-я! ўшанда оёғига бош уриб тавоф қилишим, олдида қўл қовуштириб, «Мени кечир, жонгинам!» дейишим, Ганганинг табаррук сувидан олиб келиб, пойларидан ўгиришим, бамисоли маъбуладек топинишим керак эди. Лекин мен ҳайкалдай қотиб турганча, наслимиз обрўйини ўйладим. Эҳ, қанчалар эси пастман! Гапларимдан унинг гўлдай юраги пора-пора бўлиб кетгандир. Унинг мағрурона бошини кўтариб кетишидан ҳам буни билса бўлади. У мени куруқ гавда, меҳрсиз такаббур ва аблаҳ деб ўйлагандир, мен томонга кўзини кўтариб қарамади ҳам. Дарҳақиқат, мен бунга арзимайман ҳам!

Бир неча кунгача Садан мана шундай хаёллар билан ўз ёғига ўзи қоврилиб юрди. Охири бошпанамни бошқа қилиб олишим, ўз аравамни ўзим тортишим керак деган қарорга келди. Бошқа чораси ҳам қолмаганди. Ота-она уйининг эшиги энди мен учун берк, тақиллатанам билан очилмайди. Амаким мендан жойини аямайди, лекин у ерда яшаб, уйдагиларнинг кўнглига нифоқ уруғини сочишим яхши эмас, ота-онам боламизга яхши қарамаяпти, дейди. Хуллас, ўз йўлимни ўзим топиб олишим учун энди бир чорасини қилмасам бўлмайди.

У гоҳо ўзича, бориб ўзим қўйган оловни ўчириб келсаммикин, деб хаёлидан ўтказарди, бироқ боришга келганида журъати етмай, бир жойда туриб қоларди. Кўнглида, нимамга бораман, уйим қани, деган ўнлаб саволлар пайдо бўларди.

Шундай ташвишларга кўмилганча Садан чигалнинг учини топишга чирнарди. У бутун шаҳарни айланиб чиқди, гоҳ идораларга борар, гоҳ катта-катта қорхоналарга кирар ва икки-уч соат айланиб юриб-юриб, қайтиб келар эди. У шу пайтгача тараллабедод ҳаёт кечириб келарди, итоаткорлик ва юмшоқлик дарсини ўқимаганди, гурур унинг қон-қонига сингиб кетганди. Кўчада юрганда гердайиб, бурнига хода етмасди, ёнидаги одамни бир чақага олмасди. Одамларнинг қанақа бўлиши тўғрисида тарикча тажрибаси йўқ эди. Жаҳон айвонида кўп марталаб бош эгиш зарурлигини, бу ерда гадир-будир тош деворга қандай бош уришни биладиганларнинг, бурганинг оёғига тақа қоқадиганларнинг, устаси фарангларнинг, мулоийм супургиларнинг, дарвеш каби танама тақдир қўйиб, ўзлigidан воз кечганларнинг, адолатсизликларга тишини тишига қўйиб чидаганларнинг, ҳақоратларни болдек симирадиганларнинг ва инсоний кадр-қимматини бир пулга олмайдиганларнинг ниятлари вожиб бўлишини билмасди. Инсонни тангридек мукаррам ва азиз қиладиган фазилату хислатларга бу даргоҳда жирканч назар билан қарашларидан ҳам бе-хабар эди. У диёнатли эди, содда эди, дилидаги тилида эди, қувлик-шумлик

нималигини билмасди, лекин у бу фазилатларнинг маънавий қиммати қанчалик бўлмасин, одамларнинг назарида билимнинг тўқис бўлиши учун булар етарли эмаслигини ҳам билмасди. Шунча умрим бекорга ўтибди-я, деб Садан энди пешонасига урарди. Тирикчилигига ярайдиган биронта касбнинг бошидан тутмабди. Шу тариқа у бир ойгача сандирақлаб юрди, бироқ ҳеч қандай иш тополмади.

Мана шу умидсизлик аста-секин унинг юрагини ҳаётдан бездира бошлади. У ота-онасидан, амакисидан, одамлардан ва ўзидан хафа бўлиб кетарди. Куникеча у ўзи извошда сайр қилгани чиқарди, энди эса извошни кўрди дегунча қони қайнаб кетарди. У биронта олифтанамо кишининг пиёда кетаётганини кўриб қолса, атайлаб у билан ёнма-ён юрар ва ўзича қани, сал бурнини кўтариб кўрсин-чи, худди ерга ишқалаб қўяман, деб ўйларди. Кўпинча извош ҳайдовчиларнинг қичқиривига парво қилмасди. Уларга шердай ташланишга тайёр турарди. Ҳаммалари машиналарда айланишади, яп-янги костюм-шимларда одамнинг ҳавасини келтириб тоза ҳавода сайр қилишади, менинг эса лоақал бошпанам йўқ.

Уйда ўзига тўқ оила фарзанди бўлгани учун тирикчилик муаммосига у ҳеч дуч келмаганди. Шу боис у ўқишга ҳам кўп эътибор бермаганди, бироқ энди тўсатдан шу муаммо кўндаланг бўлди-ю, бу борада қўлидан ҳеч нарса келмаслиги унга маълум бўлди. Гарчи инглиз тилини ўрганмаган бўлса-да, у она тилини яхшигина ўрганиб олганди. Она тилини ҳурмат қилмайдиган жамиятни у мамлакат ва миллат душмани деб ҳисобларди. У ўзининг ҳалоллигидан ҳам гурур қиларди. «Жагат» газетасида мақоласи чиққанидан кейин у инглизча ўқиган одамларга таҳқир назари билан қарай бошлаганди. Булар ҳаммаси худбин одамлар, улар фақат камбағаллар гирибонидан бўғиш, фақат ўз қоринларини тўйдириш учун инглизча ўқишган. Булар ҳаммаси мода кули, улар олган билим уларга инглизлар ялогини ялашни ўргатган, уларда раҳм-шафқат йўқ, инсоф йўқ, она тилига муҳаббат йўқ, одобсиз, иродасиз – шулар ҳам одам бўлдимиз? Унинг миясида шундай фикрлар айлангани-айланган эди. Бироқ энди тирикчилик муаммоси кўндаланг бўлган айни вақтда бу фикрлари мутлақо нотўғри эканини билди. Улар ёмон одамлар эмас экан, мурувват булоғи экан. Гарчи она тили мутахассиси бўлмасам-да, уни кўплардан яхшироқ биламан. Олий даражада одобли бўлмасам ҳам кўплардан олдинман. Дунёқарашимни ҳаддан ташқари кенг диёлмайман-у, лекин у қадар тор ҳам эмас, аммо мен учун ҳамма эшиклар берк. Шу ҳолимча ё бир қаролликка, ё жуда нари борганда миршабликка ярайман. Ундан ўтиб бир нарса бўлишим қийин. Бу қанчалик бедодликки, ҳар қанча ахлоқ-одобли бўлмайлик, ҳар қанча оқил бўлмайлик, ҳар қанча доно бўлмайлик, лекин инглиз тилини билмаганимиз учун булар барчасининг бир пуллик қадри йўқ ва биз шу қадар тубанмизки, бу бедодликка миқ этмай чидаб келаяпмиз. Йўқ, қайтанга шундан фахрланамиз. Ҳа, мен ишга кириш фикрини миямдан чиқариб ташлашим керак.

Саданнинг ҳозирги ҳолати тунда ўрмонда адашиб, туннинг қоронғулигидан жигибийрон бўлаётган одамга ўхшарди.

Ана шундай умидсиз ва ғамгин бир ҳолда у бир кун айланиб юриб-юриб соҳилнинг талай қайиқлар турган жойига бориб қолди. Дарёда майда-чуйда қайиқлар у ёқдан-бу ёққа сузиб юрарди. Қайсидир кемадан ёқимли куй кулоққа чалинарди. Бир неча қайиқдан маллоҳлар қопларни туширарди. Садан бир қайиққа бориб ўтирди. Кечки сўлим ҳаво ва Ганганинг дилрабо манзараси уни маҳдиё қилиб қўйганди. Қандай маза ҳаёт, ўйлай бошлади у, худо менга ҳам шундай бир кулба nasib этгандайди, шундан бошқа нарсани орзу қилмасдим, шу ерда дарё соҳилида айланиб юрардим, мавжлар узра сузар ва ҳузур қилиб қўшиқ айтар эдим. Шанга кулбам эшигида туриб йўлимга кўз тугарди. Ора-сира иккаламиз қайиққа ўтириб, дарёда сайр қилардик. Ширин хаёлларга берилган ҳолда у оддийгина тотли ҳаётни кўз олдига келтирар экан, юраги орзиқиб кетди. Тасавуридаги ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси, ундаги ҳар бир буюм бахт, осудалик ва қувонч тимсоли бўлиб кўринарди. У ўрнидан турди-да, бир маллоҳга деди:

- Бу ерда насияга сотиладиган қайиқ ҳам борми?

Маллоҳ ўтирганча чилим тортарди. Саданни кўриши билан ирғиб турди ва

унга бир қанча қайиқни кўрсатди. Садан бир янги қайиқни танлади, савдолаша бошлашди. Бир неча маллоҳ тўпланди. Охири қайиқ уч юз рупияга савдо бўлди. Қайиқ эгасининг ўзи уни ҳайдашига ҳам келишиб олишди.

Садан уйга қараб йўл оларкан, ҳаётда барча орзуларига эришгандек ва катта жангда ғолиб бўлгандек хурсанд бўлмоқда эди. Тун бўйи кўзларига уйку қўнмади. Кўз олдидан елканини кенг ёзганча уфқдан яқинлашиб келаётган қайиқ сира кетмасди. У ўзича қирғоқдаги бежирим, кўм-кўк шохлар билан безатилган кулбаси олдига тўлин ойдек Шантани келтириб қўйди. Кулба нурга тўлди. Кулба ўз-ўзидан катта қасрга айланди, олдидан зўр боғ пайдо бўлди, Садан боғда Шанга билан айланиб юрар эди. Бир томондан дарёнинг шовуллаши эшитилиб турса, иккинчи томондан қумриларнинг ёқимли сайраши дила завқ бағишларди. Юрагида ишқ ўти ёнган одамни доим бир ҳолатда тасаввур қиламиз, у кўз олдимизда ҳар доим ҳаяжондан лов-лов қилган, бошдан-оёқ шойи-атласу дуру жавоҳирларга кўмилган ҳолда намоён бўлади. Садан эса Шантани ўша кунни кўрганидек олдий сарийда, бошини эгганча соҳилда тик турган ҳолатида тасаввур қилмоқда эди. Шу манзара унинг кўз ўнгида муҳрланиб қолганди.

Саданга мана шу касб кони фойдадек, зарар деган нарса яқинига ҳам йўламайдигандек туюлмоқда эди. Шуниси қизиққи, пулни қаердан олишни у ўйлаб ҳам кўрмаганди.

Тонг отиши билан у пулни қаердан топсам экан, деб ташвишга тушиб қолди. Кимдан сўрайман-у, ким пул берай деб турибди? Нима деб сўрайман? Амакимга айтайми? Йўқ, унда ҳозир пул бўлмаса керак. Неча ойдан бери ишга бораётгани йўқ. Бувамдан сўраш қарғанинг оғзидан гўшг тилаган билан баробар. Нима қилсам экан-а? Ҳозир етиб бормасам, қайиқ эгаси нима деб ўйлайди? У томда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Сал олдин тасаввурида тикланган олиёшпон қаср бир четдан нурай бошлаганди. Ёшликдаги орзу қомғоқдай гап – ёниши ҳам осон, ўчиши ҳам.

Бирдан унинг миясига бир фикр келди. Гўё биров душманини ерга ағдариб, атайлаб кулганидай, у қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Ана холос! Гирт аҳмоқ эканман-а! Қутичада тилла маржоним ётибди-ку! Уч юз рупиядан кўп турса керак. Ўшани сотсам нима қилибди? Керак бўлганда бир гап қиларман. Ким ҳам сўрарди? Сўраганда-чи? Тўғриси айтман, сотиб, еб қўйдим дейман. Қўлидан келганини қилмайдими. Унчага кўлимда анча-мунча пул бўлади, шартта олдига ташлайман. У бориб қутичадан тилла маржонни олди ва буни қандай сотсам экан деб ўйланиб қолди. Бозорда биронта тақинчоқни сотиш ўз номусини сотишдан ҳам ёмон нарса. Шундай ўйланиб турганида Житан фаррош хонани сунургани келиб қолди. Саданни хомуш кўриб деди:

- Оғажон, бугун бўшапгандайсиз, кўзларингиз шишган, кечаси ухламадингизми дейман?

Садан деди:

- Бугун уйкум келмади. Бошимда бир ташвиш бор.

Ж и т а н: - Нима ташвиш экан? Билсам бўладими?

С а д а н: - Сенга айтсам, сен дарров бугун уйга жар солиб юборасан.

Ж и т а н: - Оғажон, сизларнинг хизматингизни қилиб умримиз ўтди.

Агар бунақа ичимизда гап ётмас бўлганимизда бир кун ҳам турмас эдик. Бу ёғидан хотиржам бўлинг.

Бир камбағал, аммо номусли одам оғзидан «йўқ» сўзи чиқиши қанчалик қийин, аянчли ва уят ҳисобланса, худди шундайин Садан ҳам юрак ютиб деди:

- Менда бир тилла маржон бор, шуни бирон жойда сотиб берасан, менга пул керак бўлиб қолди.

Ж и т а н: - Шу ҳам иш бўлибди-ю, бунинг нимасига ташвиш чекасиз? Пулни нима қиласиз? Бекамдан сўраб қўя қолмайсизми? У киши ҳеч қачон йўқ демайдилар. Ҳа, хўжайиндан сўрасангиз, у киши бермайдилар. Бу уйда хўжайин ҳеч ким эмаслар, ҳаммасига хўжайин – бекам.

С а д а н: - Мен уйдагиларнинг биронгасидан бир нарса сўрамоқчи эмасман.

Житан шодани олиб у ёқ-бу ёғига қаради, қўлида салмоқлади ва кечкурингача сотиб, пул қилиб келаман деб чиқиб кетди. Лекин бозорга бормай

тўғри ўзининг ҳужрасига кетди, иккала эшикни ичидан қулфлаб олди ва каравоти тагидаги ерни кавлай бошлади. Кўп ўтмай бир сопол кўза чиқди. Бугун умр ишлаб топгани шунинг ичида эди. Бу пулларни у тежаб-тергаб, қириб-қиртишлаб, хасислик билан, алдоқчилик, даллоллик қилиб тўплаганди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам пул қўлининг кири дейилса керак – кирдан ифлос нарса борми. Бироқ умр бўйи қилинган гуноҳлар меваси қанчалик бетаин бўлади. Гуноҳ деганлари қанчалик арзон бўлади!

Житан пулларни йигирма-йигирма рупия қилиб дасталаб чиқди. Ҳаммаси бўлиб ўн етти даста бўлди. Кейин тарозуга шодани қўйиб, пул билан тортди. Бир бҳар<sup>1</sup>и йигирма беш рупиядан сал ортиқ экан. Тилланнинг бозорда нархи кўтарилиб кетганди, лекин у бир бҳарни йигирма беш рупиядан баҳолади. Кейин пулларни йигирма беш рупиядан қилиб дасталаб чиқди. Ўн уч даста бўлди ва ҳар биридан ўн беш рупиядан қолди. Унинг барча пули шоданинг нархидан икки юз саксон беш рупия кам эди. У ўзича, энди бу нарсани қўлдан чиқариб бўлман, шода бор-йўғи ўн уч бҳар экан, дейман. Шунда ўн беш рупиядан қолади. Кел, шодабону, мана шу уячада бемалол ўтиравер.

Кўза яна ер тагига яширинди, мингта гуноҳ устига яна битта гуноҳ келиб қўшилди.

Житан ўзини қўйгани жой тополмаётганди. Ҳе йўқ-бе йўқ икки юз саксон беш рупия қўлга кириб турса-я! Сира бунақа омади келмаганди. Бугун ўнг ёнимдан турган эканман, деб ўйлади у. Оғриган кўз каби нопок виждонга ҳам ҳеч қачон зиё дохил бўлолмайди.

Соат ўнда Житан уч юз йигирма беш рупия олиб келиб, Саданнинг кафтига қўйди. Садан хазина топиб олгандай бўлди.

Пулни бергач, Житан тамагирларча тамшаниб қўйди. Садан беш рупиялик чиқариб унга узатди ва деди:

- Ма, сигарет олиб чек.

Житан асалга кўзи тушиб кўнгли ағдарилган вишнупарастдай афтини буриштириб деди:

- Оғажон, боққанингиз етмай, бу нима қилганингиз?

С а д а н: - Йўқ-йўқ, мен чин кўнгиладан бераянман. Ола қол, ҳечқиси йўқ.

Ж и т а н: - Йўқ, оғажон, бунақаси кетмайди, бунақа қилганимда шу пайтгача уч пуллик одам бўлиб қолар эдим. Худойим сизни ҳеч нимадан кам қилмасин.

Садан унинг ҳалол одам эканига амин бўлди ва бунга ҳеч қачон қаттиқ гапирмайман деб кўнгиладан ўтказди.

Кечки пайт Саданнинг қайиғи тўлқинлар узра осмондаги булут парчасидек сузиб борарди. Лекин унинг чеҳрасида севинч ўрнига эртанги кун ташвишлари акс этарди, имтиҳонлардан ўтиб бўлган талаба каби ажиб бир сўлғинлик бор эди. У одамлар қиёфасидаги дарё тошқинидан уни ҳимоя қилиб турган тўғон бузилганди ва ўзини тубсиз денгиз устида тургандек ҳис қилмоқда эди. Қайиқни-ку сувга туширдим, лекин у нариги қирғоққа ўтолармикин, деб ўйлар эди. Сувнинг чуқурлиги, шамолнинг тезлиги ва ҳаёт сафари у ўйлаганчалик оддий эмаслиги унга аён бўлиб бормоқда эди. Тўлқинлар ёқимли овозда қўшиқ айтса-да, даҳшатли товуш чиқариб гувилтайди ҳам, шамол агар мавжлар билан қувлашмачоқ ўйнаса-да, гоҳо уларни осмонга ирғитади ҳам.

## 47

Саданнинг мақолалари сабаб Прабҳакар Рао сал шаштидан қайтган эди ва Падмасинҳ Саданнинг гапи билан Суманнинг барча саргузаштларини ёзиб юборгач, у ҳушёр тортиб қолди.

Муниципалитетда таклиф кўриб чиқилганига ҳам қарийб уч ойча бўлди, бироқ унга киритилган қўшимчалар борасида Тиф Али билдирган шубҳалар асоссиз бўлиб чиқди. На Резаворфурушлар бозори исловотхоналарида дўконлар очилди ва на фоҳишалар қонуний никоҳдан ўтишга алоҳида қизиқиш

<sup>1</sup> Б х а р – оғирлик ўлчов бирлиги (тарж.).

билдирди. Тўғри, баъзи хоналар бўшаб қолганди. Улардаги фоҳишалар бозорлари касод бўлишидан қўрқиб, бошқа жойга бориб ўрнашиб олишганди. Жорий қилгандаги каби бирон қонунга қаршилиқ кўрсатиш учун ҳам уни мидан-сиригача ўрганиб олиш керак бўлади. Прабҳакар Раонинг шаштидан тушиши сабабларидан бири шу эди.

Падмасинҳ азбаройи фоҳишалардан нафрат қилгани учун бу таклифни киритган эди, бироқ энди бу хусусда фикр юрита-юрита унинг нафрати кўпроқ шафқат ва кечирим тусини олган эди. Мана шу туйғулар унинг қўшимчаларни эътироф этишига туртки бўлганди. Бу шўрлик ожизалар ҳирсларини қондириш учун ўзларининг бор-будларини барбод бермоқдалар, енгил-елли муҳаббат уларнинг кўзларини кўр қилиб қўйган, улар ғазабга эмас, раҳм-шафқат ва меҳрга муҳтож, бу тазйикдан улар тўғри йўлга кириш қудратидан бутунлай маҳрум бўлиб, ожизланиб қоладилар, булар панд-насихатлар, меҳр, билим, таълим билан йўлга солишимиз мумкин бўлган жонлар абадий қўлимиздан чиқиб кетади, деб ўйларди у. Моломики ўзимиз жаҳолат қурбони бўлиб ўтирибмизми, уларни жазолашга ҳақимиз йўқ. Улар қилмишларининг ўзларига бераётган жазолари каммидики, бундай зулм қилиб улар ҳаётини бадтар огулашгирсак.

Дилимиздаги ўйлар аъмолимизни йўлга солиб туради. Падмасинҳ иккиланиш ва торгинишни бас қилиб, жанг майдонига отланди. Суманнинг олдидан қочиб кетган ўша Падмасинҳ энди уззу-кун Резаворфурушлар бозоридаги фоҳишахоналарда ўтирадиган бўлиб қолганди. У энди одамлар таъна-маломатларидан қўрқмасди, одамлар нима деётгани билан иш тутмасди, у анча журъатли бўлиб қолганди, юрагида чинакам фидойилик туйғуси жўш урмоқда эди. Хом мева тош отса ҳам тушмайди, бироқ пишпандан кейин ўзидан-ўзи ерга тушишга мойил бўлиб қолади. Падмасинҳнинг қалбида фидойилик – ватан муҳаббати туйғуси пишиб етилганди.

Витҳалдос бу борада ундан алоҳида бўлиб олган. У дунёга келганидан бери фоҳишаларнинг одам бўлишига ишонмасди. Шу фикрни аввал айтган Саййид Шафқат Али ҳам улар билан хайр-маъзурни насия қилиб кетди, Кунвар соҳиб эса ўзининг адабиёти, улфатлари ва мусиқасидан ортмасди. Фақат дарवेश Гажодҳаргина бу ишда Падмасинҳга ёрдам бера бошлаганди. Савоб ишлар гадоси бўлган бу одамда фидойилик туйғуси айниқса кучли намоён бўлганди.

## 48

Бир ой ўтди. Садан ўзининг бу янги касби ҳақида уйдагиларнинг биронга-сига чурқ этгани йўқ. У ҳар куни эрталаб туради-да, Гангада гусл қилиш баҳонасида чиқиб кетади. У ердан соат ўнда қайтиб келади. Овқатланиб, яна кетади ва шу кетганча тун чўкканида қайтиб келади. Ҳозир соҳилда энг чиройлис, сербзаги унинг қайғи. Унда иккига-учта курси ва бир гулдор кўрпача тўшаб қўйилган бўларди. Шунинг учун шаҳарнинг қанчалаб шинаванда, ишқибоз одамлари шунда сайр қилар эди. Кира пули ҳақида Садан ўзи гап-лашмасди. Бу ишни унинг хизматкори Жҳингур маллоҳ бажарар эди. Унинг ўзи гоҳ соҳилда ўтириб турар, гоҳ қайиққа чиқиб оларди. Ишлашнинг ҳеч айби йўқ, дер эди у ўзига-ўзи. Мен ҳеч қандай ёмон иш қилаётганим йўқ, бировга кул ҳам эмасман, биров менга кўзини олайтириб қарамайди. Бироқ бир дурустроқ одамнинг унинг қайғи томон келаётганини кўрганида беихтиёр ўзини орқага олар ва уятдан кўзларини ерга қадарди. У заминдорнинг ўғли ва оқловчининг жияни эди. Катта лавозимдан тушиб маллоҳлик касбини қилиш унинг учун уят иш экани ҳеч миясидан кетмасди. Мана шу хижолатдан у кўп зарар кўрарди. Бемалол бир рупия олиши мумкин бўлган хизматга у ярим рупия олишга ҳам мажбур бўларди. Катта дўконнинг қандолати хира чиқса ҳам бозорда олд дўкон бўлиб қолаверади. Бу ерда қандолат ҳам зўр эди, фақат чакқон, уста дўкондор етишмасди. Садан буни яхши биларди, бироқ ийманиб ҳеч нарса деёлмасди. Шундай бўлса ҳам муттасил бир ярим-икки рупия тушиб турар эди ва Ганга соҳилида унинг бошпанаси обод бўладиган вақт тобора яқинлашиб келарди. У энди ўз аравасини ўзи тортадиган даражага келиб қолганди. Шунини ўйлаб у дил-дилидан суюнади. У кўпинча ана шундай ширин хаёлларга берилиб, кўзига уйқу келмас эди.

Шу орада муниципалитет фоҳишалар учун шаҳардан сал нарида уйлар қуришга қарор қилди, Лола Бҳагатромга бунинг тахминалари келди. Дарёнинг бериги юзида хумдон ва оҳак қуйдирадиган ўчоқ қуришга жой топилмади. Шунинг учун улар дарёнинг нариги юзидан ер олишди ва ҳамма нарса ўша ерда тайёрланарди. Нариги қирғоққа гишт, оҳак ва ҳоказоларни элтиш учун уларга қайиқ зарур бўлди. Қайиқ олиш учун маллоҳларнинг олдига келишди. Саданга учрашишди. Садан ўзининг қайиғини кўрсатди. Бҳагатромга у ёқди. Жҳингур билан иш ҳақи келишилди, у кунига икки марта қатнашга рози бўлди. Бҳагатром шартномани берди-да, кетди.

Пулга ўчлик ёмон бўлади. Садан энди унақ учар, ерга урса осмонга сапчидиган ўсмир эмасди. Унинг бошида энди минг хил ташвиш бор, бурч қарзи бор. Шундан халос бўлишни истарди. У ҳар бир пайсага кўзини тикарди. У пул топиб уй қуриш гамида эди. Тунов куни тун ярмида туриб, дарё қирғоғига келди ва Жҳингурни уйғотиб, қайиқни ечдирди. Кун чиқай деганда нариги қирғоққа етиб боришди. Қайиғишда эшкакни ўзи олди-да, қулиб икки-уч эшкак эшиди, шугина ҳаракатдан қайиқнинг тезлашганини кўриб эшкакни қаттиқ-қаттиқ эша бошлади. Қайиқ икки баравар тез юрди. Жҳингур аввалига қулиб турди, бироқ кейин таажжубдан оғзи очилиб қолди.

Шундан кейин у Саданнинг қистовига кўпроқ қулоқ соладиган бўлди. Бу жаноб анойилардан эмас экан. Керак бўлганда у бир ўзи қайиқни ҳайдай олар экан ва энди менинг қирриқлик қилишим ўринли эмас.

Ўша куни икки қатнов бўлди, эртасига биттагина бўлди, чунки Садан кеч келди. Учинчи куни у кечки соат тўққизда уч қатнов қилди. Лекин қора терга тушиб, шунақанги чарчаган эдики, уйгача етиб олиши ҳам амри маҳол бўлиб қолди. Шу тариқа икки ой муттасил ишлади ва бундан дурустига фойда қилди. У яна икки маллоҳ ёллаганди.

Садан энди маллоҳлар бошлиғи эди. Унинг кулбаси тайёр бўлиб қолганди. Ичкарида бир хонтахта, иккита каравот, иккита чироқ ва бир қанча одатдаги идиш-оёқлар бор эди. Бир хона ўтириладиган, биттаси овқат пиширадиган ва яна биттаси ухлайдиган хона эди. Ҳовлида гиштин супа бор эди. Унинг гирдидан гултуваклар териб қўйилганди. Иккита тувакка чирмовуқ ўтқазилган бўлиб, у кулбанинг томига ўрлаб кетганди. Бу супа ҳозир маллоҳлар паккаси эди. Улар кўпинча ўша ерда ўтириб, тамаки тортишарди. Садан уларга катта бир яхшилик қилганди, бошлиқларидан тилхат олиб, уларни кундалик бегарликдан (текинга ишлашдан) озод қилиб олганди. Бу таваккал ишидан унинг обрўси янаям ошиб кетганди. Унинг бисотида энди унча-мунча даст-моя ҳам бор эди ва маллоҳларга устига фойда қўймай қарзга пул ҳам берар эди. У энди бир велосипед сотиб олиш пайида эди, шинаванда одамларнинг сайр қилиши учун у бир чиройли сол ҳам олмоқчи эди ва гармония учун буюртма бериб қўйганди. Бу барча тадориклар унинг фикру зикрини бутунлай банд этган ўша маликанинг келишига тайёргарликлар эди.

Садан рўзгор тебратадиган бир рўзга келиб қолганди, бироқ амакисининг рухсатисиз у Шантани олиб кета олмасди. У уйда Падмасинҳ билан бирга овқатланар экан, бугун шу гапни унинг олдига қўяман, деб аҳд қиларди, бироқ амакисининг олдига келиб ўтирди дегунча тили танглайига ёпишиб қоларди.

Гарчанд у Падмасинҳга бу тўғрида оғиз очмаган бўлса-да, амакиси Лола Бҳагатсинҳдан бу гапни эшитиб бўлганди. Жиянининг уддабуронлигидан у жуда суюнди. Устига яна бир-иккита қайиқ олиб, даромадини оширса ҳам бўлар экан, деган ўйга ҳам келди. Бироқ Саданнинг ўзи бир нима демаганидан кейин у ҳам индамай қўя қолди. Ўзи азалдан жиянини юз-хотир қилиб келар эди, энди унга бир оз ҳурмати орта бошлаган ва уни ўғлидай кўра бошлаган эди.

Бир куни кечаси Садан кулбасида ўтирганча дарё томонга қараб турганди. Бугун негадир қайиқ кечикмоқда эди. Қаршида чироқ ёниб турарди. Саданнинг қўлида бир газета бор эди, бироқ шу топда газета ўқиш ҳам кўнглига сиғмаётганди. Қайиқнинг келмаётгани дилига гашик солмоқда эди. У газетани қўйди-да, ташқарига чиқиб қирғоққа келди. Ойнинг қумуш нурлари кум узра чодирдай тўшалган, опшоқ ойдинда қувлашмачоқ ўйнаган мавжларнинг

чети кўринмасди. Супачада бир қанча маллоҳ суҳбатлашиб ўтирарди. Шу топ шаҳар томондан келаётган икки аёлга Саданнинг кўзи тушди. Улардан бири маллоҳлардан сўради:

- Нариги қирғоққа ўтишимиз керак, қайиқ борми?

Садан овозни таниди. У Суман эди. Юраги ҳаприқиб кетди, кўзлари чақнади. Шошиб, супа олдига келди-да, Суманга деди:

- Хоним, қандай шамол учирди сизни?

Суман гўё танимаётгандай диққат билан Саданга разм солди. Ёнидаги аёл ёпинчигини яхшилаб юзига тортиб олди-да, фонус ёругидан қочиб, ўзини қоронғуликка олди. Суман ҳайрон бўлиб сўради:

- Кимсиз? Саданмисиз?

Маллоҳлар туриб, уларни қуршаб олишди, бироқ Садан деди:

- Сизлар энди бу ердан кетинглар, булар менга қарашли аёллар, шу ерда туришади. — Сўнг Суманга қараб деди: - Хоним, ростини айтинг, нима гап ўзи, тинчликми?

С у м а н : - Тинчлик, худога шукур, пешонага ёзганини кўриб юрибман. Бугунги газетани ўқимаганга ўхшайсиз. Прабҳакар Рао нима балоларни ёзиб ташламабди, бутун бевахонада тўполон бўлиб кетди. Биз опа-сингил у ерда яна бир кун қолганимизда бевахона хувиллаб қолган бўларди. У ердан чиқиб кетишдан бошқа иложимиз қолмади. Бизга битта яхшилик қилинг, нариги қирғоққа ўтиб олишимизга битта қайиқ тўғрилаб беринг. У ердан извош кира қилиб, Мўғулсаройга кетамиз. Амолага битта-яримта машина учраб қолар. Айтмоқчи, бу ердан Амолага борадиган машина бўлмасмикин?

С а д а н : - Сизлар ўз уйлариңизга етиб келдингиз. Амолага бориб нима қиласиз? Шунча азоб чекканиңиз етар, аммо шу дамда келганлариңиздан шунақанги хурсандманки, нимасини айттай! Ўзим неча кундан бери олдингизга боришни ўйлаб юргандим, лекин сира кўлим тегмаётганди. Икки-уч ойдан бери маллоҳлик қилаяпман. Мана бу уй — сизларники, марҳамат, ичкарига киринглар!

Суман ичкарига кирди, бироқ Шанта қоронғуликда турганча овоз чиқармай йиғлар эди. Саданнинг оғзидан ҳалиги гапларни эшганидан бери шўрлик фақат йиғлаб куни ўтар эди. Ҳалигача ғурур қилганидан пушаймон бўлмоқда эди. У, агар ўшанда оёғига йиқилганимда менга раҳми келармиди, деб ўйлар, Саданнинг чехраси кўз олдидан кетмас, айтган сўзлари қулоғи остида янграгани-янграган эди. Саданнинг сўзлари минг аччиқ бўлмасин, Шантага меҳр билан тўлиб-тошгандай бўлиб туюларди. У, бу барча кўргуликларга ўзим айбдорман, Саданнинг қилча гуноҳи йўқ деб ўзига уқдиргани-уқдирган эди. Садан ҳам нима қилсин? Ота-она айтганига амал қилиш — ўғилнинг бурчи. Тўғри йўлдан чалғитмоқчи бўлиб, мен нотўғри иш қилаяпман. Ҳа, мен ўз завжимдан юз ўгирдим, фаришгадай бир одамнинг обрўсини тўқдим, мен ўзимнинг бадбин хаёлларим билан уни ҳақорат қилдим. Кундан-кун Шантанинг ўзидан нафрати ортиб борарди. Жазирама ёзда қуриб қолган дарё мисоли мана шундай ғам-қайғулар, ўй-ташвишлар ва фироқ ўтлари уни адойи тамом қилган, озиб, чўп бўлиб қолганди.

Суман уйга қириб кетгач, Садан аста Шантанинг олдига келди ва титроқ товушда:

- Шанта! — деди.

Шундай деди-ю, томоғига бир нарса келиб тиқилди.

Шантанинг юраги қушдай типирчилаётган бўлади. Унинг юрагида ғараз деган нарсадан асар ҳам қолмаган, чашма сувидек тиниқ ва беғубор муҳаббат жўш урарди, холос. У ўзича шундай ўйларди: «Тирикликка ишониб бўлармиди? Бутун борман, эртага йўқ, булар ҳам бутун бор, эртага йўқ. Оёқларига бош уриб йиғлаш-ку, бир карра дилимда армон бўлиб қолувди, битта армон дарди камлик қилдимми? Бегим, сиз ҳам бир бора кўлингиз билан кўздаги ёшимни артиб қўйсанингиз, кўнглим хотиржам бўлар эди, дунёга келганимдан рози бўлардим, то кўзим очиқ экан, бу яхшилигингизни асло унутмас эдим. Мен сизни қайта кўришдан бутунлай умидимни узиб қўйгандим, бироқ худойим менга бу кунни раво кўрган экан, нега дилимдаги армонларимдан фориғ бўлмай? Ҳаёт саҳросида ногоҳ учраган бу дарахт соясида бир дам ўлтириб, куйган юрагимга ором берсам нима қилибди?»

Шуларни ўйлаб, Шанта йиғлаганча Саданнинг оёқларига йиқилди, бироқ қуриб-қовжираган гул шамол эпкинни тегиши билан учиб кетди. Садан уни кўтариб бағрига босмоқчи, қучиб олмоқчи бўлиб энгашди, лекин қизгинанинг бу ҳолатини кўриб, юрак-бағри пора-пора бўлиб кетди. Уни биринчи марта дарё бўйида кўрганида у бамисоли эндигина хандон ура бошлаган гунчадай нафис ва тароватли эди, энди эса айни баҳорда бевақт узилиб тушган зард япроқнинг ўзгинаси!

Саданнинг юраги сув юзидаги ой аксидек титрар эди. У қалтираган қўллари билан қизнинг жонсиз гавдасини кўтарди.

- Эй худо, - деди у ночор оҳангда, - мен зўр гуноҳга йўл қўйдим, бир гулдай нозик юракни аёвсиз топгадим, унинг бу азобига чидай олмайман. Бу бебаҳо гавҳарни мендан бевақт юлиб олма! Ўзинг раҳмлисан, эй худо, менга раҳм қил!

Шантани бағрига босганча Садан уйга кирди ва уни каравотга ётқизар экан, ғамгин оҳангда деди:

- Суман, буни қара, адойи тамом бўлибди-ку. Мен югуриб бориб докторни олиб келай.

Суман яқин келиб синглисига қаради. Шантанинг пешонасида тер томчилари йилгилларди, кўзлари нурсиз, томири деярли урмасди. Юзида қондан асар йўқ. Суман елпигични олиб, уни елпий бошлади. Ойлар давомида Шантанинг чехрасига тикила-тикила юрагида тўпланиб қолган зардоб бирданга йўқолди. Саданга нафрат билан қараб деди:

- Бу сизнинг бағритошлигингиз оқибати, сиз туфайли у шу кўйга тушди. Сиз ўз қўлларингиз билан гулни аёвсиз янчдингиз, оёғингиз билан топтадингиз. Мана, энди ундан биратўла қутулаяпсиз. Дадам, бу шўрпешона қиз оғзингиздан ҳақоратли сўзларни эшитган ўша кундан бери кулги нималигини билмайди, кўзларидан ёш бир зум тингани йўқ. Бир луқма таом томоғидан заҳар ютгандай зўрга ўтади. Йиллар остонамга бош уриб келганингиз, изларимга кўзингизни сурганингиз мен, яъни Суманнинг синглиси бўлганим учунгина унга шундай зулмлар қилдингиз. Сиз менинг сохта муҳаббатимдан маст-аласт эдингиз. Ўша пайтда ҳам сиз ота-онангизнинг итоаткор фарзанди эдингизми ё бошқа одамдингиз? Ўшанда ҳам олий насабли браҳман эдингизми ё йўқми? Ўшандаги қилмишларингиз авлодингиз шаънига иснод бўлмасди, энди сугдан оқ, мусичадан увол бўлиб қолдингизми? Панада ҳароми ҳам ҳалол бўлиб ўтаверади, очиқда ҳалолга ҳам ноз қиласиз, шунақами? Бундан ортиқ аблаҳлик, алдоқчилик бўладими? Бу шўрликка қилган зулмларингиз учун ҳали сизни худонинг ўзи жазолайди, бечора қиз тортмаган азоб қолмади. Бугун-эрта ўлиши тайин. Аммо сиз уни эслаб кўп йиғлайсиз. Бошқа аёл бўлганда гапларингизни эшитиб, башарангизга бошқа қарамаган бўларди, қарғаб-қарғаб кетиб юборарди, аммо бу мунглиғ сизни бир нафас тилдан қўймади. Боринг, озгина совуқ сув олиб келинг.

Садан гуноҳкорларча бошини эгиб унинг гапларига кулоқ солиб тураверди. Юраги сал енгил тортгандай бўлди. Суман уни ҳар қанча маломат қилса, ҳар қанча уришса оз, у ўзини бу ҳақоратларга мутлақо лойиқ деб биларди.

У муздай сувли косачани Суманга узатди ва ўзи елпигични олиб елпий бошлади. Суман синглисининг юзига озгина сув селди. Шанта кўзини очган эди, Садан такрор сўради:

- Бориб докторни қақриб келайми?

С у м а н : - Йўқ, ташвиш қилманг. Салқиндан ўзига келиб қолади. Доктор буни даволай олмайди.

Садан бир оз дадиллашиб деди:

- Суман, майли, нима деб ўйласанг ўйлайвер-у, аммо мен сенга ростини айтаман, ўша лаънати кундан бери виждон азобида ёнганим-ёнган. Аҳмоқлигимдан шунақанги пушаймондаманки! Неча марталаб бориб гуноҳларим учун кечирим сўраймикин деб ўйладим, лекин қайси юзим билан бораман деган андиша қийнарни. Уйдагиларнинг ҳеч бири ёрдам бермасди, мени эса ўзинг биласан, мусофир итнинг думи қисик дегандай... Ўй-хаёлимда битта ташвиш: тўрт пайса пул орттирсаму, ўзимга алоҳида бошпана қилиб олсам. Неча ой иш қидириб, бош урмаган жойим қолмади, иш дегани анқонинг уруғи бўлиб



кетди. Охири она-Гангадан паноҳ тошдим, худога шукур, қайиғим юриб турибди, энди ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмасман. Мана шу уйчани тикка қилиб олдим, яна озгина пул топсам, нариги қирғоқдаги қишлоқда бир уй қуриб оламан деб юрибман. Чунки Шантанинг аҳволи яхшиланиб кетадиганга ўхшайди.

Суман сал ўзини босиб олган эди.

- Ҳа, энди кўрқмаса бўлади, бир оз хушини йўқотган эди, холос. Кўзлари юмилиб, лаблари кўкариб кетувди, энди яхши.

Садан шунақанги суюниб кетдики, агар олдида тангри сиймоси бўлганида ўзини унинг оёғига ташларди.

- Суман, - деди у, - менга қилган яхшиликларингни сира эсдан чиқармайман. Агар Шантага бир нима бўлиб қолганда, унинг ўлиги билан бирга менинг ҳам ўлигим чиқарди.

С у м а н: - Бундай совуқ гапларни гапиришга қандай тилингиз боради? Худо хоҳласа, у дори-дармонсиз яхши бўлиб кетади, икковингиз бир умр аҳил-иноқ яшайсиз. Унинг давоси сизнинг ўзингизсиз, сизнинг муҳаббатингиз унга умр бағишлайди, сизни топти, энди унга бошқа ҳеч нарса керак эмас. Бироқ билиб-билмай уни хафа ё ҳақорат қилгудек бўлсангиз, у яна шу ҳолга тушиши аниқ, унда чапак чалиб қолаверасиз.

Шу аснода Шанта бошқа ёнбошига ағдарилди ва сув сўради. Суман сувли стаканни унинг оғзига тутди. Шанта икки-уч қулғум сув ичди-да, яна чорпо-яга чўзилди. У кўзларига ишонмаётгандек атрофга таажжуб билан жавдирарди. Сапчиб туриб ўтирди-да, Суман томонга тикилиб сўради:

- Ие, бу менинг уйимми? Ҳа, ҳа, худди ўша. Улар-чи, улар қани, менинг бегим? Ҳаётимнинг чироғи қани? Уларни чақиринг, опаюн, кўзим билан кўрай. Ахир озмунча ёндирдиларми, энди бу оловни келиб ўчирсинлар. Менинг улардан сўрайдиган гапларим бор. Нима, келмайдиларми? Бўпти, ўзим бораман. Уларни бугун бир бошлайин. Йўқ, бошламайман, фақат энди мени ташлаб кетманг дейман, холос. Хоҳланг, маликалардай тахтга ўтқизиб қўйинг, хоҳланг чўрилардек уриб-сўкинг, аммо даргоҳингиздан ҳайдаманг, дейман. Айрилиққа ортиқ бардош беролмайман. Биламан, мени яхши кўрасиз, дейман. Бўпти, мени яхши кўрмай қўя қолинг, мен сизни яхши кўраман-ку. Бўпти, сиз ҳам, мен ҳам бир-биримизни яхши кўрмайлик, аммо мен сизнинг хасми ҳалолингиз бўлганман-ку, дейман. Йўқ, агар бунга ҳам иқрор бўлмасангиз, майли, бўлмай қўя қолинг, аммо барибир, мен сиз билан бирга яшайман, агар мендан юз ўгирсангиз яхши бўлмайди, ҳа, яхши бўлмайди, дейман, ахир мен дунёга фақат йиғлагани келмагандирман? Севгилим, жаҳлингиз чиқмасин, майли, уч-тўрт одам кулса кулар, таъна қилса-қилар, мен учун шуларнинг барисига чиданг! Ота-онам уйдан ҳайдаб юборади деганингиз нимаси? Ота-она ўз болаларини ҳеч қачон ҳайдамайди. Мана кўрасиз, мен уларни судраб олиб келаман, қайнонамнинг оёқларига кўзимни суртаман, қайнотамнинг оёқларини уқалайман, қани, менга раҳмлари келмай кўрсин-чи! — Шу гапларни айтар экан, Шантанинг кўзлари яна юмилди.

Суман Саданга деди:

- Энди ухляпти, ухласин. Ухласа, ўзига келади. Тун оғиб қолди, энди сиз ҳам уйга боринг. Падмасинҳ хавогирланиб ўтиргандирлар.

С а д а н: - Бугун уйга бормайман.

С у м а н: - Йўқ, йўқ, улар хавотир олишади. Шанта энди яхши. Қаранг, тинч ухляпти. Неча кундан бери уни бугун шундай тинч ухлаётганини кўриб турибман.

Садан унамади, айвончадаги супачага чўзилди-да, ўй суриб кетди.

## 49

Бабу Виттхалдос адолатпараст, содда одам эди, адолат нимани талаб қилса, ундан бир қадам ҳам чиқмасди. Адолатга у заррача шак келтирмасди. Падмасинҳнинг адолатдан бир оз чекинганини кўрди-ю, ундан қўлини ювди, мана, неча ойдирки, унинг уйи томон қадамини босгани йўқ. Бироқ Прабҳакар Рао бевахона устидан маломатлар ёғдира бошлаб, Суманбойи тўғрисида

баъзи сирли гапларни тилга олгач, Виттхалдоснинг ундан ҳам кўнгли қолди. Энди бутун бошли шаҳарда унинг биронта ҳам дўсти қолмаганди. Бошқаларнинг ёрдами ва муруввати билан кун кўрувчи ташкилотнинг раҳбари ўлароқ унинг бирон-бир томонга ён босиши тўғри эмаслигини энди билди. Ундан алоҳида туриб ҳам барча одамлар билан муомала қилса бўлаверар экан. Унинг шундай йўл тутгани маъқул экан.

Кечкуруни пайт эди. У Прабҳакар Рао маломатларига қандай жавоб қилсам экан деб хаёл сурарди. Унинг гаплари бир ҳисобдан тўғри, Суман ростданам фоҳиша эди, шуни кўра-била туриб уни бевахонага олиб келди, мажлисда у ҳақда лом-мим деб оғиз очмади, бирон-бир тақлифни ўртага ташламади. Ҳа, мен бу муассасани ҳақиқатдан ҳам ўзимнинг илорам деб билибман. Мақсадим қанчалик эзгу бўлмасин, барибир уни сир сақлашим лозим экан.

Виттхалдос бир қарорга келолмай боши қотиб турганида бевахона муаллими келиб шундай деди:

- Ҳазрат, Онандий, Ражкумарий ва Гўврий уйга кетишга тайёр бўлиб ўтиришибди. Шунча тушунтирсам ҳам унашмади.

Виттхалдос вижиниб деди:

- Айт, кетаверишсин, менинг кўрқадиган жойим йўқ. Уларни деб Суман билан Шангани ҳайдаб юборолмайман.

Муаллима кетди ва Виттхалдос яна хаёлга толди. Бу аёллар ўзларини ким деб ўйлашайпти ўзи? Суман улар билан бирга туришга ҳам ярамайдиган даражада ёмонми? Бевахона булганиб кетаяпти, бу ерда туриши бизни ҳам бадном қилади, эмиш. Ҳа, бадном бўлсанг, ана, катта кўча, ҳеч ким сенларни ушлаб қолаётгани йўқ.

Шу топ почтачи бир талай хат олиб келди. Виттхалдос номига бешта хат келганди.

Битгасида «Мен қизимни (Видёватийни) бевахонада сақлашдан воз кечдим. Уни олиб кетгани бораман», деб ёзилганди. Бошқасида бир жаноб «агар фоҳишалар бевахонадан чиқариб юборилмас экан, бадал тўлашни тўхтатаман», деб дўқ урарди. Учинчи хатда ҳам шунга ўхшаган гаплар ёзилганди. Қолган икки хатни Виттхалдос очиб ўтирмади. Дўқ-пўписалар уни кўрқитиш у ёқда турсин, қайтанга яна ҳам қарорини қатъийроқ қилиб қўйди. Чиябўридай увиллашимиздан юраги тарс ёрилади, деб ўйлагандир-да бари. Виттхалдос ким эканини қаёқдан ҳам билишсин. Бевахона портлаб кетса ҳам Шанта билан Суманни ҳаргиз ҳайдамайман. Виттхалдоснинг иззат-нафси қаттиқ оғриди. Яхши ният ҳам, ёмон ният ҳам бир жойдан униб чиқади. Фарқи фақат уларнинг оқибатида.

Суман бу барча тўс-тўполонларнинг сабабчиси менман деб ўздан кўрарди. Бу ерга нега ҳам келдим деб ич-этини ерди. Бу бева-бечораларга қанчалик сидқидиллик билан хизмат қилаётган эдим, наҳотки оқибати шу бўлса? Виттхалдос ўла қолса уни бу ердан ҳайдаб юбормаслигига кўзи етарди. Шунинг учун индамай ўзим кетиб юборсам-чи, деган хаёлга борди. Уч хотин кетиб қолганди, яна икки-учтаси кетишга шай бўлиб турибди, яна бир нечтаси уйига хат ёзиб юборди. Фақат бош уриб борадиган жойи йўқларгина жимгина ўтиришарди. Лекин улар ҳам Сумандан ўзларини олиб қочишарди. Суман бу хўрликка чидаёлмади. У Шанта билан маслаҳат қилди. Шантанинг жуда боши қотиб қолди. Падмасинҳнинг изнисиз у бевахонадан кетишни ноқулай деб биларди. Ингичка умид ришгаси уни шу ер билан боғлаб тургани учунгина эмас, балки у бунга иймон бурчи деб билар, модомики нима қилсангиз ихтиёрингиз деб бошимни Падмасинҳнинг этагига солдимми, энди ўзбошимчалик қилишга ҳақим йўқ, деб ўйлар эди. Бироқ Суман қолсанг қолавер, аммо мен энди бу ерда бир зум ҳам туrolмайман, дегандан кейин, Шантанинг ҳам бевахонада қолиши қийиндай туюла бошлади. Ўрмонда адашиб қолган одам бошқа бир одамни учратиб қолиб, биттадан иккита яхши, дея унга эргашганидайин, Шанта ҳам опаси билан бирга кетишга қарор қилди.

Суман сўради:

- Падмасинҳ хафа бўлса-чи?

Ш а н т а: - Унга хат ёзиб, тушунтираман.

С у м а н: - Садансинҳнинг жаҳли чиқса-чи?

Ш а н т а : - Қандай жазо берсалар, барига чидайман.

С у м а н : - Яхшилаб ўйлаб ол, кейин пушаймон қилиб юрма тагин.

Ш а н т а : - Асли шу ерда туришим керак, лекин сизсиз мен туролмайман. ҳа, айтмоқчи, қаёққа борасиз, билсам бўладими?

С у м а н : - Сени Амолага олиб бориб қўяман.

Ш а н т а : - Сиз-чи?

С у м а н : - Мен ўзимни худога топшираман. Қадамжоларни зиёрат қилгани кетсам керак.

Иккала опа-сингил узоқ гаплашиб ўтирди, сўнг бир-бирини кучоқлаб йиғлай бошлашди. Соат саккизга занг уриб, Виттхалдос овқатлангани уйига кетиши ҳамон иккала опа-сингил ҳеч кимга билдирмай бевахонадан чиқиб кетди.

Тун чўккунча ҳеч ким пайқамади. Эрталаб қоровул Виттхалдосга шу хабарни етказди. Виттхалдос ҳовлиққанча Суманнинг хонасига келди. Ҳамма лашлушлар жойида эди, фақат опа-сингиллардан ном-нишон йуқ эди. Шўрлик Виттхалдос қаттиқ хафа бўлди. Падмасинҳга нима дейди энди? Унинг Сумандан жаҳли чиқди. Бу унинг иши. Шантани ўша йўлдан урган. Шу топ унинг кўзи Суманнинг чорпояси устида ётган бир хатга тушди. Шартга очиб, ўқий бошлади. Хатни кета туриб Суман ёзиб ташлаб кетганди. Хатни ўқиб, Виттхалдос сал дадиллашди. Бироқ шу билан бирга Суман туфайли юзини ерга қаратадиган бўлди-да, деб юраги гуссаланди ҳам. У, менга дўк урганларнинг кўзига кўрсатиб қўяман, деб дилига туғиб қўйганди, бироқ бу имконият қўлдан чиққанди. Энди одамлар мени кўрқдига чиқаришади. Шуни ўйлаган сайин дили бадтар хуфтон бўларди.

Ниҳоят, у хонадан чиқди. Эшикни қулфлатиб қўйди-да, тўғри Падмасинҳнинг олдида жўнади.

Падмасинҳ хабарни эшитди-ю, сукутга толди. Сўнг деди:

- Энди нима бўлади?

В и т т х а л д о с : - Улар Амолага кетишган бўлса керак.

П а д м а с и н ҳ : - Ҳа, эҳтимол.

В и т т х а л д о с : - Суманга бунақа узоқ йўл юриб сафар қилиш жуда ёқали-да.

П а д м а с и н ҳ : - Ҳа, унақа анойилардан эмас.

В и т т х а л д о с : - Суман Амолага кетмаган бўлиши ҳам мумкин.

П а д м а с и н ҳ : - Ҳа, ким билсин, иккови бирон жойда чўкиб ўлиб кетгандир ҳам.

В и т т х а л д о с : - Телеграмма юбориб, суриштириб кўрасизми, а?

П а д м а с и н ҳ : - Қайси юзим билан сўрайман? Шантани ҳимоя қилишнинг уддасидан чиқолмаган одам энди у ҳақда бирон нарса сўраши уят эмасми? Ҳамма умиди сиздан эди. Бунақа бепарволигингизни билганимда ўзимнинг уйимга олиб келиб олар эдим.

В и т т х а л д о с : - Гўё мен уларни атайлаб қўйиб юборгандек гапира-сиз-а.

П а д м а с и н ҳ : - Агар яхшилаб тушунтирганингизда улар ҳеч қачон бундай қилишмасди. Менга ҳам энди ҳаммаси тамом бўлганидан кейин айта-яшсиз.

В и т т х а л д о с : - Сиз барча масъулиятни битта менинг зиммамга ташламоқчи бўласиз.

П а д м а с и н ҳ : - Бошқа кимга ташлай? Бевахона мутасаддиси сиз бўлмай, ким?

В и т т х а л д о с : - Шантанинг у ерда турганига уч ойдан кўпроқ бўлди, сиз янглишиб бўлса ҳам бир марта бевахона томонга қадам қўйдингизми? Ахир сиз ҳар замон-ҳар замонда у ёққа бориб, улардан ҳол-аҳвол сўраб турганингизда, улар сабр қилишарди. Сиз лоақал ўликмисан, тирикмисан деб сўрамаганингиздан кейин улар нимани деб у ерда ўтираверишади? Мен-ку жавобгарликни ҳис қилиб турибман, аммо сизнинг ҳам гуноҳингиз йўқ эмас.

Падмасинҳ Виттхалдосдан бугунгичалик ранжимаганди. У шу одамга ишониб фоҳишаларни тўғри йўлга солишга бел болаганди, бироқ энди енг шимариб ишга киришай деб туришганида у ҳамма ишнинг пачавасини чиқариб

ўтирибди. Бу ёқда Витҳалдос ҳам фоҳишаларга нисбатан унинг ҳайрихоҳлигини кўриб, унга шубҳа билан қарамоқда эди. У шу топда юрагидаги сўзларини айтмай бошқа бир одамни қоралашга ҳаракат қилмоқда эди. Падмасинҳ уни яхшилаб буровга олмоқчи эди, бироқ ундан бу жавобни эшитгач, туپугини қулт этиб ичига ютди.

- Ҳа, менинг ҳам айбларим бор, - деди у.

В и т т ҳ а л д о с : - Йўқ, мен сизни айбдор қилмоқчи эмасман. Ҳамма айб менда. Сиз уларни менга тошпирганингиздан кейин сизнинг хотиржам бўлишингиз табиий эди.

П а д м а с и н ҳ : - Йўқ, булар бари менинг сустигим ва журъатсизлигим оқибати. Сиз уларни зўрлаб олиб келолмас эдингиз.

Падмасинҳ ўз айбига иқрор бўлиб, рақибини осонгина таслим қилди. Биз ўзимиз бош этиб бошқаларни бош эгдира оламиз, аммо куч билан бош эгдириш ғоятда қийин.

В и т т ҳ а л д о с : - Балки Садансинҳ ул-бул билар? Уни чақиринг, илгимос.

П а д м а с и н ҳ : - Кечкурундан бери қорасини кўрсатгани йўқ. У Ганга бўйида бир уйча қуриб олган, бир қанча маллоҳни ёллаб, қайиқ ҳайдатади, тунда ўша ёқда қолган бўлса керак.

В и т т ҳ а л д о с : - Балки опа-сингиллар ўша ерга боргандир? Йўқ демасангиз, бориб кўрайми?

П а д м а с и н ҳ : - Ҳе йўқ, нималар деяпсиз? У сиз ўйлаганчалик саховатпеша эмас. Уларнинг соясидан қочади.

Шу он Садан хонага кириб келди. Падмасинҳ сўради:

- Тунда қаяққа кетувдинг? Тонг отгунча йўлингни пойладик.

Садан ерга қараб туриб деди:

- Мен хижолатдаман. Ноилож ўша ерда қолишга мажбур бўлдим. Келиб айтиб кетишга ҳам вақт бўлмади. Уялганимдан сизга айтмай келаётгандим, неча ойдан бери мен бир кема ҳайдаяпман. Дарё бўйида бир қулба қуриб олганман. Шу ишимни йўлга солиб, тирикчилик қилсамми деб ўйлаб турибман. Шунинг учун энди ўша қулбада турсам девдим, йўқ демайсизми?

П а д м а с и н ҳ : - Бу ҳақда Лола Бҳагатром бир гал менга гапирганди, лекин ҳақлим чиққани шуки, сен шу пайтгача буни мендан яшириб келдинг, бўлмаса мен ҳам ёрдамлашган бўлардим. Хайр, мен бундан хафа эмасман, балки сени бу ҳолатда кўриб жуда суюнаётгандирман ҳам. Бироқ ўз уйинг туриб рўзгорингни бошқа қилиб олишингга асло рози эмасман. Агар яна битта кема бўлса, фойдаси кўпроқ бўлиши мумкинми?

С а д а н : - Ҳа, мен ўзим шунинг гамида юрибман. Лекин бунинг учун мен соҳилда яшашим керак бўлади.

П а д м а с и н ҳ : - Жияним, сен оғир шарт қўяяпсан. Шаҳарда яшаб, мендан алоҳида туришинг менга ёқмаяпти. Бу сенга ҳар қанча қимматга тушмасин, барибир мен рози бўлмайман.

С а д а н : - Йўқ, амаки, сиз илтимосимга йўқ деманг. Мажбур бўлганимдан, бошқа иложим йўқлигидан сизга айтаяпман.

П а д м а с и н ҳ : - Сени мажбур қилган у қандай гап экан? Тортинмай, очигини айтавер.

С а д а н : - Уйингизда туришим сизнинг шаънингизга иснод келтиради. Мен энди ўз бурчимни адо этишга аҳду қарор қилдим. Бир жиҳати ёшлик қилиб, яна бир жиҳати одамлар маломатидан кўрқиб, анча вақтгача журъат этмай келаётгандим. Мен сизга ўғил қаториман. Бошимга мусибат тушса, сизга суянаман, керак пайтида маслаҳатингизни оламан, лекин энди алоҳида яшайман, бунга йўқ демаслигингизга, рози бўлишингизга ишонаман ҳам.

Витҳалдос гап нимадалигини англади.

- Кеча Суман ва Шанта билан гаплашмадингми? — сўради у.

Саданнинг юзи қизарди, босиқ овозда «ҳа» деди.

Падмасинҳ нима қилишини, нима дейишини билмай қолди. На «хўп» дея оларди, на «йўқ». Ҳалигача у Шанта жонибидан ўзини гуноҳкор деб биларди. У бу адолатсизликнинг барча юкини акаси гарданига ортган ва Садан уларнинг хаёлида бир ўйинчоқдек гап эди. Бироқ энди бу тўрга илинган, ундан

кутулиб чиқишга ҳаракат қиларди. Одамлар маломатидан-ку қўрқмасди, фақат акасининг ҳаммасига укам айбдор, ўғлим Саданни у йўлдан урди, деб тушунишидан қўрқарди. Агар бир карра унинг дилида шундай шубҳа уйғонгудек бўлса борми, у умрбол мени кечирмайди.

Падмасинҳ бир неча дақиқача ана шундай хаёллар гирдобига ғарқ бўлди. Охири у шундай деди:

- Садан, бу шунчалик оғир масалаки, уни бир ўзим ҳал этишга сўз беролмайман. Акамнинг раёларини билмай туриб, мен қандай «ҳа» ёки «йўқ» дей? Сен менинг одатимни биласан. Мен сени мақтаб гапираман ва худо сени ақл-фаросатли қилиб яратганидан хурсандман. Лекин мен акамнинг хоҳишларини ҳаммасидан устун қўяман. Қийналмасликлари учун иккала опа-сингилни алоҳида-алоҳида яшашлари учун шароит туғдириб бериш мумкин. Бундан ортиғи ортиқ. Қўлимдан фақат шу келади, холос. Акам нима десалар, шундай қил, вассалом.

С а д а н: - Уларнинг нима деб жавоб беришларини билмайсизми?

П а д м а с и н ҳ: - Ҳа, биламан.

С а д а н: - Демак, улардан сўраш бефойда. Ота-она амри билан мен жонимни беришим мумкин, бу жонни менга улар беришган, лекин беғуноҳ одамнинг гарданига қилч сола олмайман.

П а д м а с и н ҳ: - Иккала опа-сингилнинг алоҳида бир хонада туришига нега қаршисан?

Садан қизишиб деди:

- Агар яширадиган нарсам бўлганида шундай қилган бўлардим. Мен яширадиган биронта гуноҳ иш қилмоқчи эмасман. У менинг ҳаётда кўзлаган олий мақсадим, уни яширишнинг асло ҳожати йўқ. Тўй куни чала қолган маросим эртага Ганга соҳилида бажо келтирилади. Агар сиз у ерга ташриф буюрсангиз, бошим осмонга етарди, бўлмаса тангри даргоҳида гувоҳларсиз ҳам онг ичилаверади.

Шундай дея Садан ўрнидан турди ва уйга кириб кетди. Уни кўриб Субҳадра деди:

- Шунақа йўқ бўлиб кетадими одам? Туни билан мижжа қоқмадик. Қаерда эдингиз?

Садан тунги воқеани бир бошдан сўзлаб берди. У амакисидек келинойиси олдида тортиниб ўтирмасди. Субҳадра унинг дангаллигини роса мақтаб деди:

- Ҳеч ким ота-онасидан қўрқиб, суйганини ташлаб кетмайди. Одамлар кулса, кулиб ўлсин. Улардан андиша қиламан деб бу ёқдагиларнинг умрини хазон қилиш керакми? Бувингдан қўрқаман-да, бўлмаса, уни шу ерга олиб келиб олардим.

Садан деди:

- Мен бобом билан бувимни ўйлаганим йўқ.

С у б ҳ а д р а: - Жуда ўйлагансиз-да. Шунча кундан бери шўрликни ҳали у ёққа судраб, ҳали бу ёққа судраб адоий тамом қилибсизлар. Утил бола бўлганда биринчи кунийёқ, бор, тошингни тер деган бўларди. Сизу ҳаммасига чидаб келаётган.

Падмасинҳ деди:

- Субҳадра, шу гапларни агар сен астойдил айтаётган бўлганингда, дунёда сендан улуг одам бўлмасди. Лекин сенинг қўнглингда ҳозир бошқа гап бор, қайноғани ерга урмоқчи бўлаётибсан, бу онанинг пок юрагига озор етказиб, бундан ўзинг хузур қилаяпсан.

Садан кетгач, Витҳалдос Падмасинҳга деди:

- Ана, қўнглингидагидек бўлибди. Нега энди тагин пайсалга солаяпсиз?

Падмасинҳ ҳеч нима деб жавоб бермади.

Витҳалдос яна деди:

- Аслида бу таклиф сиздан чиқиши керак эди, бироқ сиз ҳозир бунга рози бўлишга ҳам бетламаяпсиз.

Падмасинҳ бу саволга ҳам индамади.

В и т ҳ а л д о с: - Агар у хотини билан бошқа-бошқа турса, бунинг нимаси ёмон? Сиз на уйингизга сиздирасиз, на бўлак тургани қўясиз, бу қанақа қилиқ бўлди?

Падмасинҳ киноя билан деди:

- Огайни, одам бошига тушганда билади. Сиз менга йўл кўрсатгандайин, мен ҳам бошқасига йўл кўрсатиб яшайман. Ўзингиз фоҳишаларни тўғри йўлга солиш учун қанақанги узун-қисқа гаплар қилар эдингиз, бироқ иш қилиш вақти келганда нафасингиз чиқмай қолди. Шунинг учун бошқаларни ҳам тушунинг. Мен ҳаммасини қила оламан, аммо хафа қилолмайман. У кишининг хоҳишлари йўлида керак бўлса, жонимни садақа қилишга ҳам тайёрман.

**В и т т х а л д о с:** - Онаси фоҳиша қилиб туққанни фариштага айлантираман деб қачон айтувдим сизга? Бир нарсани яхши билиб қўйинг: уйдагилар ё атрофдагиларнинг зулми ё куткусидан ёмон йўлга кириб кетганлар билан онаси фоҳиша қилиб туққанлар ўртасида осмон билан ерча фарқ бўлади. Бу тузаладиган ва тузалмайдиган касалликка ўхшаган нарса. Энди ёнган, ичкарига уриб улгурмаган оловни ўчиришимиз мумкин, аммо отилиб турган вулқон оғзини беркитишга фақат жинни ҳаракат қилади, соғ одам эмас.

**П а д м а с и н ҳ:** - Ҳеч қурмаганда сиз менга ёрдам қилишингиз керак эди. Бир гал мен билан Резаворфурушлар бозорига борганингизда сиз вулқон деб ўйлаётган ўша нарса аслида бир уюм култга эканини билар эдингиз. Яхши ва ёмон одам ҳар жойда бор. Фоҳишалар ҳам шу қоидадан бегона эмас. Уларда қанчалик иззат-нафе кучли, гуноҳдан нафратлари чексиз, ҳаётларининг яхшиланишига нечоғлик интиқ эканликларини ўз кўзингиз билан кўрган бўлардингиз. Мен ўзим ҳайратдан ёқа ушлайман. Озгина ёрдам керак, холос, шу ёрдам билан улар бемалол қутулиб чиқа оладилар. Аввалига улар мен билан гаплашишни ҳам исташмади, бироқ мен уларга бу таклифни сизларнинг фойдангизни деб киритдим, шу билан сизлар нопок хатти-ҳаракатлар, гуноҳ ишлар қилишдан қутуласизлар, эл қатори ёруғ юз билан яшай бошлайсизлар деб тушунтирганимдан кейин улар менга аста-аста ишона бошлашди. Отларини айтмайман-у, аммо бир қанча бой фоҳиша хотин менга ёрдам қўлини чўзишга тайёр. Бир қанчалари қизларини тўй қилиб узатмоқчи. Барибир тўрт кунлик умрингда ўйнаб-қулганинг қолади, деб ўйловчилар ҳам жуда кўп. Авлиё Гажодҳарнинг панд-насиҳатлари, ваъзлари бирон-бир самара беришига ишонаман. Алам қиладиган жойи шундаки, менга ёрдам берадиган ҳеч ким йўқ. Устимдан қуладиганлар тўлиб-тошиб ётибди. Шу топда бир етимхона жуда керак бўлиб турибди, унда фоҳишаларнинг болаларига таълим-тарбия бериб борилади. Аммо ким гапимга қулоқ соларди?

Виттхалдос унинг гапларини диққат билан эшитди. Падмасинҳ айтган гапларнинг барчаси унинг юрак дардлари эди. Дард тўла сўзлар ҳар доим ишончли жаранглари. Виттхалдосга шу нарса аён бўла бошладики, у қилиб бўлмайдиган деб ўйлаган ишлар аслида ундай эмас экан. Чунончи деди:

- У ерда маза-матрасиз гаплар билан бир-бирининг устидан мағзава ағдарилдан бошқа нима бор?

## 50

Саданнинг никоҳдан ўтиш маросими адо этилди. Уйча чиройли қилиб безатилганди. Гарчи бутун тўй ҳашамлари шу уйчада бўлиб ўтган бўлса-да, одам кам, шовқин-суронсиз эди.

Падмасинҳ ўша кунисёқ йўлга тушди ва бориб акаси Мадансинҳга барча гапларни сўзлаб берди. Мадансинҳ бу хабарни эшитиб, лов этиб ёнди ва шундай деди:

- Мен ўша тирранчанинг калласини оламан, у ўзини ким деб юрибди ҳали?

Хотини ҳам эрини қувватлади:

- Мен бугуноқ бориб унга тушунтираман-да, ўзим билан олиб келаман. Вой нодон бўлмай кетгур-ей! Ўша бузуқи Суманнинг ҳийласига учган. Мен айтсам, у ҳечам йўқ демайди.

Бироқ Мадансинҳ Бҳамани уришиб берди ва деди:

- Агар ўша ёққа изингни босадиган бўлсанг, мен ўзимни ҳам, сени ҳам бўғиб ўлдирарман. У оловга сакрамоқчи экан, сакрасин. Фарзанд деган ҳам шунанга нонкўр бўладими! Бунинг барчасини у қасддан қилган. Ҳали бир бурда нонга зор бўлиб, тиланчилик қилмаса, мени айтди дерсан. Ўйлагандир-да,

отам ўлиб кетади, менга маза бўлади, деб. Тушини сувга айтсин, бу менга ота мерос эмас, битга-битталаб йиққанман. Ҳаммасини худо йўлига тарқатиб юбораман. Тариқча ҳам нарса тегмайди унга!

Қишлоқда бу дув-дув гап бўла бошлади. Лола Байжинатх дунёда дин-иймон деган нарса қолмабди деган қарорга келди. Одамлар бунақа тубан ва жирканч ишлар қилар экан, дин нима қилсин? Навобзада (асилзода)лардан бўлганда бутуноқ ўша мишиқининг суякларини мажақлаб ташлаган бўларди. Қани, кўрамиз, қишлоққа қайси юз билан келаркин.

Падмасинх кечаси алламаҳалгача акаси билан гаплашиб ўтирди, бироқ у Садан тўғрисида гап очди дегунча Мадансинх унга шунақанги ўқрайиб қарар эдики, нафаси ичига тушиб, жим бўлиб қоларди. Охири у ухлагани кириб кетаётганида Падмасинх тоқати-тоқ бўлиб деди:

- Ака, Садан сиздан бўлак тургани билан барибир ўелингиз бўлиб қолаверадик-ку. У нимаики яхши-ёмон ишлар қилган бўлса, жабрини барабар тортамиз. Ҳозирги ҳолатни яхши билганлар бизларни бетуноҳ деб ҳисобласалар ҳам, одамларнинг назарида Садан билан бизнинг ўртамызда ҳеч қанақа фарқ йўқ. Бас, шундай экан, бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдиришдан нима фойда? Иккита йўл бор: бирида тамомила ёмон бўлади, ҳам шарманда бўламиз, ҳам бола қўлдан чиқади. Иккинчисиде бир томонлама ёмон бўлади, шарманда бўламиз-у, аммо бола ёнда қолади. Шунинг учун мен бир иш қилсак дедим, бизлар Саданга тушунтирайлик, агар у ростданам кўнмайдиған бўлса...

Мадансинх унинг сўзини бўлиб деди:

- Ўша манжалақини никоҳига олсинми? Шунақа демоқчимисан? Мен бунга рози эмасман. Ўлсам ҳам рози эмасман!

Шундай дея у жим бўлиб қолди. Бир оздан сўнг Падмасинхга таъна қилиб деди:

- Шуниси қизиқки, булар ҳаммаси сенинг юз-кўзингча бўлган ва сен ҳеч нарсадан беҳабарсан. У кема олибди, уй солибди, иккала манжалақи билан топишибди, сен бўлсанг кўзингни чирт юмиб ўтиравергансан. Мен уни сенга ишониб юборгандим. Бунақа боқибегамлик қилишингни қаердан билай! Агар сен сал ўзингга пишиқроқ бўлганигда бунақа ишлар бўлмасди! Лоақал бир марта менга келиб айтмайсанми, бўлмаса ўзим бориб уни бу йўлдан қайтарган бўлар эдим. Энди бўлар иш бўлиб, бўёғи синггандан кейин мен билан маслаҳатлашгани келибсан. Тўғриси айтсам, мана шу боқибегамлигинг туфайли сендан ҳам ҳафсалам пир бўлиб кетаётибди. Сен кўра-била туриб уни оловга ташладинг. Мен сенга кўп ёмонликлар қилгандим, бошлаб қасдингни олдинг ҳам. Бўпти, эртага эрталаб битга вақфнома ёз. Уч пой<sup>1</sup> отамерос ердан бошқа мен ўзимнинг бор мол-мулкимни вақфга инъом қилиб юбораман. Вақфнома қоғози бу ерда топилмаса ўша ердан ёзиб юбор. Мен имзо чекаманд-да, давлат рўйхатидан ўтказаман.

Шундай дея Мадансинх ётгани кетди. Бироқ унинг сўзлари Падмасинхнинг кўнглига шу қадар оғир ботдики, бечора тонггача илондай тўлғониб чиқди. Шу гуноҳдан сақланиш учун у ўзининг мақсадларидан ҳам воз кечди ва маслақдошлари ўртасида шарманда бўлди, барибир охири гуноҳкорга чиқди. Бугина эмас, акасининг ундан қаттиқ кўнгли қолди. Ўз хатосини у энди кўраётган эди. Дарҳақиқат, агар у сал мияни ишлатганида бу кунларга қолмасди. Фақат биргина фикр унга оз-моз тасалли берар эди: нима бўлганда ҳам бир мушфиқ ожиза ҳаётда йўлини топиб олди-ку.

Эрталаб у уйдан чиқиб кетаётганида келинойиси йиғлаганча келиб деди:

- Инижон, акангизнинг қайсарлигини кўрмайсизми, болани ўлдиришдан ҳам тоймайди, лекин сиз у ёқ-бу ёғини ўйлаб иш туинг. Хатолик катталардан ҳам ўтади, у бечора ҳам нодон, ёр бир бола бўлса. Сиз унга қаттиқ гапирманг. Болажонимга шамолни ҳам раво кўрмайман. Тагин уйдан бош олиб чиқиб кетса, мен бир кун ҳам яшолмайман. Узингиз ундан хабар олиб турунг. Еб-ичишдан қийналмасин. Бу ердалигида бир сигирнинг сугини кўрдим демасди. У сарёғли зирвани хуш кўрмасди, лекин мен ундан бекитиқча зирвага сариёғни мўл-кўл қилиб солиб берардим. Энди унинг кўнглига қарайдиган ким бор? Бундан кейин ҳоли нима кечади? Бу ерда уйда биронта камчилиги

<sup>1</sup> Ер ўлчови бирлиги (тарж.).

йўқ эди, у ёқда бунақа тансиқ нарсаларга инициб юрса керак. Айтмоқчи, инижон, кемани ўзи ҳайлайдими?

П а д м а с и н ҳ: - Йўқ, иккита маллоҳ ёллаган.

Б ҳ а м а: - Барибир куни билан тиним билмаса керакдир? Қараб турмаса хизматкор ўзи ишлармиди? Мен бу ердан туриб нима ҳам қила олардим, уни сизга топширдим. Қошида ота-онаси бўлмагандан кейин етим-да, ёлғизлатиб қўйманг. Илоё барака топинг, кечаю кундуз дуойи жонингизни қилай. Келаси ойдаги ҳайитда уни кўргани, албатта, бораман. Айтинг, онанг сени қаттиқ соғинган, тинмай йиллайди, денг. Эшитиб сал енгил тортади. У ҳам ҳеч нимани билмайди, гўр. Мени соғиниб кунда йилгаса керак. Мана бу озгина пул, шуни олиб боринг, керагига ишлар.

П а д м а с и н ҳ: - Бунинг ҳожати йўқ. Ахир мен борман-ку, у ерда. Мен бор эканман, у ҳеч нарсадан қийналмайди.

Б ҳ а м а: - Йўқ, иним, олинг, ҳечқиси йўқ. Мана бу кўвачада озгина сарийғ бор, буни ҳам олиб боринг. Бозор сарийғи уйникидай бўлармиди, на таъм, на маза-матра бўлади. У анбаҳ кулчасини жуда яхши кўрарди, озгина анбаҳ кулчаси ҳам солиб берайман. Энг ширин анбаҳлардан териб, ширасини чиқарганман, айтинг, ўелим ҳеч нимани ўйламасин, то онанг тирик экан, сен ҳеч нарсадан қийналмайсан, денг. Яккаю ёлғиз кўзга сурган ўғлим, ахир. Яхшими, ёмонми, минг қилса ҳам ичимдан чиққан чаён. Эрдан уялиб, сал кўздан нари қилсам ҳам, аммо юрагимдан жилла ҳам нари қилолмайман.

## 51

Чиройли сўзлардан шеър мисраларига, ёрқин бўёқлардан сувратга жон кирганидек, иккала опа-сингил келиши билан кулба ҳам файзга тўлди. Бамисоли кўр кўз очилиб, гавҳари равшан тортгандай.

Сўлган гунчадек бўлиб қолган Шанта энди очилиб, гул-гул яшнамоқда эди. Қуриб қолган дарё тошиб оқарди...

Ҳар куни саҳарда мана шу уйчадан икки юлдуз чиқади ва бориб Гангага шўнғийди. Улардан бирининг қадамидан ўт чақнаб, ғайратини ичига сиғди-ролмаса, иккинчиси тоғдай вазмин ва сипо. Бири дарёда чарх уриб, сувларни сачратиб ўйнаса, иккинчиси бир жойдан жилмай тек туради. Тонгнинг кумуш нурларида бу икки юлдуз ёғдуси сўнмайди, қайтанга яна ҳам ёрқинроқ чарақлайди.

Шанта қуйлагани-қуйлаган, Суман овқат пишириш билан овора; Шанта сочларини тараб ўзига оро берса, Суман кийим тикади. Шанта оч одамдай ўзини лаганга ташласа, Суман беморларга ўхшаб, тузалармикинман ё ўлиб кетаманми, дегандай хаёлга чўмади.

Садан ҳам энди бутунлай бошқача бўлиб қолганди. У муҳаббат лаззатидан сархуш эди. Кун тиккага келганда турар, соатлаб ювинар, сочини тарар, кийимларини алмаштираар, хушбўй мойлар сурарди. Соат тўққиз бўлмай туриб жойига келмас, келганда ҳам бемалол оёқ чўзиб ўтирмас, хаёли аллақажо ёқларда бўларди. Ҳар лаҳзада ичкарига кирар ва агар бирон киши билан узоқроқ гаплашиб қолса, энсаси қота бошларди. Шанта уни бутунлай ўзига ром қилиб олганди.

Суман ташқарининг ҳам, ичкарининг ҳам ишени бир ўзи тиндирарди. У тонг отмай турар, гуел ва ибодатдан сўнг Саданга нонушта тайёрларди. Кейин дарё бўйига келиб қайиқларни ечдирарди. Соат тўққизда тушлик тайёрлаша ўтирарди. Соат ўн бирда бу ердан қуғулиб, бирон-бир юмушга уннаб кетарди. Кечаси ўн бирда ҳамма уйқуга кетганида у мутолаага киришарди, Тулсий Даснинг «Ишқ мактублари» билан «Рамайна»ни у жонидан яхши кўрарди. Бир қарасангиз қўлида «Бҳақт-мал», бир қарасангиз Вивекананднинг асарлари, яна бир қарасангиз «Рам сарғузаштлари». Айниқса мазлума аёлларнинг бошидан кечирганларини мароқ билан мутолаа қиларди. Мийра Бойи асарлари унга бошқача таъсир қиларди. У кўпроқ илоҳийтга оид китобларни хуш кўрса-да, аммо дунёвий китоблар ҳам унга ўзгача ором ва завқ бағишларди.

Маллоҳларнинг хотинлари орасида унинг обрўси баланд эди, уларни қўпинча мурасага келтириб турарди, болаларига қўйлакчаю дўшпичалар тикиб бе-



рар, кўғирчоқлар ясарди. Болаларидан биронтасининг тоби қочиб қолса, унинг уйига борар ва дори-дармон ташвишини қиларди. Хуллас, ўзининг йиқилган деворини қайта тиклаш билан андармон эди. Уша қишлоқчада истиқомат қилувчи каттаю кичик баравар уни мақтар ва дуо қиларди. Ҳа, уни фақат бир жойдагина ҳеч ким қадрига етмас эди, у ҳам бўлса ўз уйида. Гарчанд Суман жонини жабборга бериб уйдаги ҳамма юмушни бир ўзи тиндирса-да, аммо Саданнинг оғзидан бир марта ҳам раҳмат деган сўзни эшитмасди. Шанта ҳам унинг бу куйди-пишдиларини бир чақага олмасди. Иккаласи ҳам уни одам ўрнида санамас, гўё у текин чўрию, тақдирига қозон-ўчоқнинг қорасига беланиб юриш ёзилган, холос. Гоҳо унинг боши қаттиқ оғрир, елиб-югуришнинг зўридан иситмаси кўтарилиб кетар эди. Шунда ҳам кўли юмушдан, оёғи юришдан тинмасди. У ҳам вақти-вақти билан хилватда ўзининг ҳозирги аҳволга ачиниш соатлаб кўз ёши қиларди, бироқ унинг на бир тасалли берувчиси, на кўздаги ёшини артиб кўювчиси бор эди.

Суман ўзи табиатан такаббур, димоғдор аёл эди. Шу пайтгача қаерда турган бўлса, маликалардай яшаган эди. Эрининг уйида шунча хўрликларни кўрган бўлишига қарамай, ўша-ўша малика эди. Фоҳишахонада қанча вақт турган бўлса, унинг айтгани-айтган, дегани-деган эди. Бевахонада у ўз бурчини сидқилидан адо этиб, ҳамманинг эътиборини қозонган эди. Шу боис энди бу ердаги мана бу аянчли аҳволга чидалмаётганди. Борди-ю, агар Садан гоҳ-гоҳ унинг кўнглини кўтариб турса, унинг гапларига қулоқ солса, уни шу рўзгорнинг бекаси деб билса, ёки Шанта унинг ёнида ўтириб, дардига шерик бўлса, тасалли берса, Суман бундан ўн чандон гафрат билан иш қилган, кўнгли хотиржам бўлган бўларди. Аммо бу иккала ошиқ-маъшуқ ўзларининг кайф-сафоларидан бошқа нарсани хаёлига ҳам келтирмасди. Мўлжалга олаётганда нигоҳ фақат битта нарсага қадалади. Ишқ лаззатидан баҳраманд одамда ҳам худди шундай бўлади.

Бироқ Шанта билан Саданнинг ҳозирги дилгирликлари фақат ишқ-муҳаббат туфайли деб ўйлаш хато бўлур эди. Садан Сумандан ўзини моховдан олиб қочгандек олиб қочарди, унга раҳми келишга келарди-ю, аммо яқинига боришга юраги бетламасди. Шанта опасига ишонмасди, унинг ҳусни-жамолидан қўрқарди. Хайриятки, Саданнинг ўзи Суманга ҳеч қачон тик боқмасди, акс ҳолда Шанта икки ўт орасида куйиб кул бўларди. Бинобарин, ҳар иккаласи ҳам кўзга тушган бу чўпдан ҳалос бўлишни хоҳларди, бироқ одамнинг юзи офтобдан иссиқ дегандай, бу борада гап очишдан андиша қилишарди.

Суманга эса бу сир аста-секин ошкор бўла бошлади.

Бир сафар ҳаммол Жийтан Падмасинҳнинг уйдан Саданга деб бир оз совғасалом олиб келган эди. Бундан олдин ҳам у бир неча марта келганди, лекин у кўриниши билан Суман яшириниб оларди. Бу гал Жийтаннинг унга кўзи тушиб қолди. Шу-шу кўнглида гўлгула пайдо бўлиб, ёмон ўйларга бора бошлади. У тош эса ҳам ҳазм қила оларди, аммо гапни ҳазм қилишга келганда ўлгудай ночор эди. Маллоҳлар сарқори олдига чилим чекиш баҳонаси билан келди-да, ҳамма гапни оқизмай-томизмай айтиб берди. Бу қанақаси?! Ахир бу донғи кетган фоҳиша-ку! Эри уйдан ҳайдаб юборган бетайин хотин келиб-келиб бизга овқат пишириб берса. Кун-кеча гузарда ҳаржойилик қилиб юрарди, энди қарабсизки, унинг тўрини эгаллаб олибди. Сарқор ўйлашиб қолди, маллоҳларнинг хотинлари ҳам бир-бирига им қоқа бошлади. Уша кундан биронта ҳам маллоҳ Саданнинг уйдан сув ичмай кўйди, хотинлари Суманнинг даргоҳидан қадамларини тийишди. Бир куни Лола Бҳагтрам ортилган гиштларнинг ҳисоб-китобини олгани келди. Чанқаб турган экан, маллоҳларга сув келтиришни айтди. Бир маллоҳ бориб қудуқдан сув келтирди. Саданнинг уйида ўтириб ташқаридан сув сўраб ичиш Саданнинг кўксига пичоқ сангчандек бўлди.

Туришганининг иккинчи йилида иш шу даражага бориб етдики, Садан арзимаган гапдан Суман билан жиғиллашиб қолар ва гарчи жувон ҳеч қандай унақа гап айтмаса ҳам, у кўнгирига олиб, тутақиб кетар эди.

Суман энди бу ерда ортиқчалик қилиб қолганини ҳис этди. Қолган умримни синглим ва куёвим билан бирга ўтказаман, деб ўйлаганди. Уларнинг

хизматини қиламан, берса ейман, бермаса сабр қиламан, бир бурчакда ит ётиш, мирза туриш билан бир куним ўтар деганди. Бундан бошқа унинг ҳаёт-да ҳеч қандай хоҳиши йўқ эди, бироқ, оҳ, тескари айланувчи фалак! Оёқлари остидаги бу тахтача ҳам сурилиб кетиб, у тубсиз тўлқинлар қаърида қолганди!

Бироқ Суман ҳар қанча қийин аҳволга тушиб қолган бўлмасин, у Садан ё Шангани заррача ёмон кўрмаётганди. Бир томондан икки ёшнинг аҳил-иноқлиги ва иккинчи томондан ўзининг аҳволи сабабини тўғри тушунишлик уни ғоят мўмин ва ювош қилиб қўйганди. У биронга ҳам таниш одами бўлмаган жойга бош олиб кетсам деб кўп ўйларди, бироқ бундай жой унга кўриная демасди. Шу пайтгача унинг ночор юраги қандайдир ёрдам истарди. Бирон-бир одамнинг кўмаги ёруғ оламда тирик юришни ўйласа, юраги орқага тортиб кетарди. У бир ўзи мададсиз ҳаёт жангига киришишга журъат қила олмасди. Бу жангда мана мен деган ёвқурлар, паҳлавонлар, иродали инсонлар тоб ташлаб юборадилар-у, менга йўл бўлсин! Мени ким ҳимоя қилади? Ким суяйди? – деб ўйларди. Хўрланса ҳам мана шундай шубҳа-гумонлар уни бу ердан чиқиб кетишга йўл қўймасди.

Бир куни соат тўққизларда Садан аллақачонларни айланиб келиб деди:

- Овқатни тезлат, бўла қол. Мен пандит Умонат билан учрашгани боришим керак. Амакимнинг олдига келибди.

Ш а н т а: - У бу ерга нега келади?

С а д а н: - Мен қаёқдан билай? Ҳозир Жийтан келиб айтиб кетди, у келибди ва бугуноқ жўнаб кетаркан. Бу ерга ҳам келмоқчи бўлибди-ю, бироқ (*Суман томонга ишора қилиб*) нимагадир келмабди.

Ш а н т а: - Унда ўтиринг, овқат бир соатларда пишиб қолади.

Суман нижиниб деди:

- Нега бир соат бўларкан, ҳаммаси тайёр. Жой сол, сув қўй. Мен овқатни сузаман.

Ш а н т а: - Эй-й, бирпас кутишса кутишибди-да, осмон узилиб ерга тушармиди. Пишмаган овқатни еб бўларканми?

С а д а н: - Ҳеч ақлим етмайди, куни билан нима қилиб ўтирасанлар? Битта овқат қилиш шунча қийинми?

Садан овқатларини, кетгач, Суман Шантага қараб деди:

- Шанта, тўғриси айт, менинг бу ерда туришим сенга ёқмаяптими? Кўнглингда нима гап борлигини мен биламан, лекин то сен кўрагимдан итариб ҳайдамагунингча мен ҳеч қаёққа кетмайман. Менинг борадиган ҳеч қандай жойим йўқ.

Ш а н т а: - Опа, нималар деяпсиз, сиз борлигингиз учун турмушимиз буг, йўқса бир менинг қўлимдан нима келарди.

С у м а н: - Бунақа тил учидаги гапларни қўй, мен унақа нодон эмасман. Кейинги вақтларда мен ўзимни сиз икковингизга хийла малол келаётгандек сезаяшман.

Ш а н т а: - Ҳа, сезирликда сизга гап йўқ, одамнинг дилидагини шундоқ кўриб-билиб турасиз.

С у м а н: - Кўзимга тик қара-да, айт, гапинг тўғрими ё йўқми?

Ш а н т а: - Ўзингиз билар экансиз, сўраб нима қиласиз?

С у м а н: - Шунинг учунки, ҳаммасини кўриб турса ҳам кўзга ишониб бўлмайди. Одамлар мени ҳар қанча тубан деб билишмасин, бундан хафа бўлмайман. Улар мендан ўтганини қаёқдан билишсин? Лекин сен ҳамма нарса кўриб туриб ҳам мендан ҳазар қиласан, ҳамма гап шунда. Мен қарийб икки йилдан бери сен билан бирга турибман, шунча вақтдан бери менинг қандайлигим сенга қундай аён бўлгандир?

Ш а н т а: - Йўқ, опажон, худо ҳақи, ундай эмас. Сиз бизни бундай маломат қилманг. Сизнинг менга қилган яхшилигингизни мен умрбод эрдан чиқармайман. Фақат гап шундаки, бегим номус қилаяптилар. Одамлар бўлмагур гапларни тўқиб чиқаришмаяпти. Буларнинг (Саданнинг) айтишларича, Субҳадра келишингиз бу ерга келмоқчи ҳам бўлган эканлар, лекин сизнинг шу ерда туришингизни эшитиб, келмабдилар. Шундай экан, бизни ёмон кўрманг, опажон, одамлар шундай қилгандан кейин биз нима ҳам қила олардик?

Суман гап талашиб ўтирмади. Демак, унинг тўрт томони қибла. Энди биргина тўсиқ бор эди. Шанта яқин кунларда она бўлмоқчи эди. Суман ичида: «ҳозир ташлаб кетсам, у қийналиб қолади, қирқига чиладим, қирқ бирига ҳам чидай, бир-икки ой ҳаш-паш дегунча ўтиб кетади. Мен туфайли-ку у шу мусибатга гирифтор бўлди, уни бу аҳволда ташлаб кетишим инсофдан эмас», деб ўйлади.

Суманнинг ҳар бир куни йилдай ўтарди, лекин у тишини тишига босиб, сабр қиларди.

Қанотсиз қуш қафасда қамалиб ётишни ҳам ўзи учун бахт деб билади.

## 52

Пандит Падмасинҳнинг тўрт-беш ойлик уринишлари самараси шу бўлдики, йигирма-йигирма бештача фоҳиша ўз қизларини етимхонага юборишга рози бўлди. Учга фоҳиша ўзининг бугун бисотини етимхонага инъом қилди, беш фоҳиша эрга тегишга рози бўлди. Яхши ният – ярим мол, дейдилар. Агар одамлар сизнинг сидқидилдан хизмат қилаётганингизга, савоб ишга бел боғлаганингизга, дилингизда гараз йўқлигига ишонч ҳосил қилса, улар албатта оргингиздан эргашади. Виждонингиз пок ва мунаввар бўлмагунча у бировлар қалбига зиё бахш этолмайди. Падмасинҳ дилида элга хизмат қилиш учун чинакам фидойилик туйғуси пайдо бўлганди. Орамизда қанчалаб одам борки, миллатига жичча бўлса ҳам хизмат қилай деган фикр миясига келмайди, ундайлар фақат ўзини ўйлайди, олиб қолсам, юлиб қолсам, ўзим бўлсам дейди. Яхшилик билан номимиз қолиши учун бир катта иш қилмоқчи, бирон асар ёзмоқчи бўламиз, одамлар номимни тилдан туширмаса деймиз. Кўпинча бундай худбинлигимиз учун бошлаб жазомизни ҳам оламиз, бироқ эл юрагидан жой ололмаймиз. Ҳар қанча мусибатзада бўлмасин, киши ўзига самимий дўст билмаган одам олдида ҳаргиз дилидаги дардини ёзмайди.

Падмасинҳ энди жуда кўп вақтини Резаворфурушлар бозорида ўтказарди, у фоҳишалар ҳаёти билан чуқурроқ таниша борган сари юраги ғамга тўлмоқда эди. Гулдай соҳибжамол гўзалларнинг айш-ишрат учун ўзларининг бор-йўқларини бой беришларини кўриб, аламдан юраги пора-пора бўлиб кетар, беихтиёр кўзлари ёшга тўларди. Бу аёлларнинг фикр-ўйсиз, ҳис-туйғусиз, шуурсиз эмаслиги унга энди аён бўлди, бироқ шайтон йўлига кириб улар барча аёллик фазилатларидан маҳрум бўлмоқдалар, ҳирсу ҳавас улар иродасини етти букиб, туйғуларини ўлдирмоқда. Падмасинҳ ана шу шайтон йўлини барбод қилишга бел боғлаганди, унут бўлган руҳларни уйғотишга, уларни жаҳолат ва ғафлат ботқоғидан халос этишга аҳду қарор қилганди, бироқ шайтон йўли шу қадар оғир, жаҳолат ботқоғи шу қадар чуқур ва ғафлат уйқуси шу қадар қаттиқ эканки, дастлабки олги ойдаги уриниб-чиранишлари у ўйлаганчалик самара бермади. Одам ичкиликдан қанчалик маст бўлса, фоҳишалар ҳам ана шундай аҳволда эди.

У ёқда Прабҳакар Рао ва дўстлари ҳалиги таклифнинг қолган қисмларини муниципалитетга ҳавола қилдилар. Улар фақат Падмасинҳга ўчакишганлари боисидан ҳалиги фикрларга қарши чиққан эдилар, бироқ энди Падмасинҳнинг фоҳишаларга бўлган хайрихоҳлигини кўриб, у ясаган қурол билан унинг ўзига зарбалар бера бошладилар. Падмасинҳ ўша куни муниципалитетга бормади. Доктор Шиёмачаран Найнитолга кетган эди, бинобарин, ҳар иккала модда бир овоздан қабул қилинди.

Муниципалитет томонидан Алайпур яқинида фоҳишалар учун уйлар қурилмоқда эди. Лола Бҳагатром жонини жабборга бериб ишламоқда эди. Бир қанча пишиқ ва хом гишгли, бир қаватли ва икки қаватли уйлар, бир чоғроқ бозорча, мўъжазгина дорихона ва бир мактаб қад тикламоқда эди. Ҳожи Ҳошим бир масжид қуришни бошлаб юборганди ва сетҳ Чимманлаъл томонидан бир ибодатхона қурилмоқда эди. Динанат Тиварий бир боғ барпо этишга киришган. Бҳагатром ишни ўз вақтида поёнига етказишига умид қилса бўларди, жаноб Датт ва пандит Прабҳакар Рао билан жаноб Шокирбек уни кўз очиргани кўйишмаётганди. Бироқ иш кўп эди ва минг шоширган билан камида бир йил кетарди. Ўша бир йил, ниҳоят, ўтди-ю, эртасига фоҳишаларни Реза-

ворфурушлар бозорини тарк этиб, бу янги уйларга кўчиб ўтишга рухсатнома берилди.

Одамлар фоҳишалар бунга кўнмаса керак даб ўйлаганди, бироқ фоҳишаларнинг бу буйруқдан бошлари осмонга етганини кўриб, барчасининг оғзи ланг очилиб қолди. Бугун Резаворфурушлар бозори бир кунда бўшаб қолди. қозондай доим жиз-биз бўлиб турадиган гузарга қош қораймай гўристон жимлиги чўкди.

Маҳбубжон давлатманд фоҳиша эди. У бор мол-дунёсини етимхонага инъом қилиб юборганди. Кечкурун барча фоҳишалар унинг уйига тўпланишиб, у ерда катта мажлис ўтказишди. Шаҳзодий деди:

- Опажонлар, сингилжонлар, бугундан ҳаётимизда янги давр бошланади. Аллоҳ-таоло ҳаракатимизга баракат берсин, бизга тўғри йўлни иршод қилсин! Биз кўп йиллар бешарм ва зиллатли ҳаёт кечирдик, кўп йиллар шайтонга асира бўлдик. Неча йиллар ўз руҳимиз ва иймонимизни бепичоқ сўйдик ва неча йиллар айшу ишрат ва мастлик гирдобида гарқ бўлдик. Мана бу Резаворфурушлар тупроғи гуноҳларимиздан қорайиб кетяпти. Бугун худованди карим аҳволимизга раҳм қилиб, бизни асирликдан қутқариб нажот ато этди, бунинг учун биз унга шукурлар қилишимиз керак. Ҳеч шубҳа йўқки, баъзи опа-сингилларимиз учун бу ердан кетиш оғир бўлаётгандир ва яна шу нарсага шубҳа йўқки, уларга эртанги кун зулматли бўлиб кўринаётгандир. Шу опа-сингилларимдан ўтинчим шуки, худо ризқ эшигини ҳеч кимга беркитмаган. Сизлар унинг севган бандаси бўлиб қолишингизга ишонамиз. Бироқ агар бундан кейин ҳам бошимизга мусибатлар тушгудек бўлса, собир ва шокир бўлмоғимиз лозим. Бундан кейин бошимизга қанча мусибат тушса, гуноҳимиз юки шунча енгиллашади. Мен яна худодан сўрайманки, у дилларимизни ўзининг нури билан мунаввар қилсин, бизнинг яхши йўлни ихтиёр этишимиз учун товфиқ берсин.

РамбўҳлиБой деди:

- Биз Падмасинҳ Шармага чин дилдан раҳмат айтишимиз керак, у киши бизни рост йўлга биладилар. У кишининг умрларини худо узун қилсин.

Зухражон деди:

- Мен опа-сингилларимга шунга айтмоқчиманки, улар бундан кейин ҳалол-ҳаромнинг фарқига боришсин. Куй-қўшиқ бизларга ҳалол. Шу ҳунардан барака толайлик. Бадкор бойлар шаҳватига ўйинчоқ бўлишни ташлаш керак. Роса гуноҳ бандаси бўлдиқ ўзиям. Энди ўзимизни бу банддан озод этайлик. Хўш, худо бизларни ҳусну жамолимиз, ёшлигимиз, иймону виждонимиз, ҳаёю одобимизни ҳаромхўр шаҳватпарастларга инъом қилиш учун яратганмиди? Биронта кўнгли сует кетган бойвачча бизга шайдо бўлиб қолса, босар-тусаримизни билмай қолардик. Оқчаларнинг товушидан юрагимиз оғзимизга тиқилиб, худди бахт кунни манглаймизга келиб қўнгандек, уни домимизга илинтиргандек суюнардик. Лекин опажонлар ва сингилжонлар, бу бизнинг ҳамоқатимиздир. Биз уни домимизга илинтирмасдик, биз унинг домига тушардик. У бизни олтину кумушга сотиб оларди. Биз ўзимизнинг исмат деган бебаҳо бойлигимизни йўқотардик. Бундан кейин шундай йўл тутишимиз керакки, агар орамиздан биронтамизнинг ёмон иш қилганига кўзимиз тушгудек бўлса, уни ўша заҳоти жамоамиздан ҳайдайлик.

Сундар Бой деди:

- Зухра синглим жуда яхши гапни айтди. Мен ҳам уни қувватлайман. Агар уйимизга биронта одам танда қўядиган бўлса, аввал қарашимиз керак, у қанақа одам. Борди-ю, у бизни севса ва у ҳам дилимизга хуш ёқса, турмуш курайлик. Бироқ у уйланиш эмас, айш қилиш ниятида келса, унинг ковушини дарҳол тўғрилиб қўйиш лозим. Биз ўз иззатимизни хор қилиб қўймаслигимиз керак.

Ромийарий деди:

- Авлиё Гаждодҳар мента бир китоб бердилар, унда ҳусн бизнинг олдинги ҳаётимиздаги аъмолларимизга берилган мукофот деб ёзилган. Лекин биз ҳам олдинги, ҳам ҳозирги ҳаётимиздаги аъмолларимизни йўққа чиқараямиз. Ким Зухранинг гапларини маъкул деса, қўлини кўтарсин.

Бунга йигирма-йигирма беш фоҳиша қўлини кўтарди.

Ромийарий сўзида давом этди:

- Кимга маъқул бўлмаса, у ҳам қўлини кўтарсин.

Бу сафар битта ҳам қўл кўтарилмади.

Р о м и й а р и й: - Ҳеч ким қўл кўтармадимми? Бунинг маъноси шуки, Зуҳранинг гапи бир овоздан маъқулланди. Бутунги кунимиз муборак бўлсин!

Кекса Маҳбубжон деди:

- Мен бир нарсани айтиб қўяй, сизлар ўғри қариса сўфи, гар қариса отин бўлади, деманглар, яна етти кундан кейин мен ҳажга жўнайман. Умрим қандай ўтса, шундай ўтди, лекин шу топда сизларнинг бу аҳду қарорингизни кўриб шундай суюниб кетаяпманки, нимасини айтай. Поко парвардигоро ни-ягларимизга етказсин.

Бир неча фоҳиша ўзаро шивирлашмоқда эди. Чехраларидан бу гаплар уларга ёқмаганлиги кўриниб турарди. Бироқ бир нарса дейишга журъат қилишолмаётганди. Майда гаплар пок туйғулар тагида кўринмай кетади.

Шундай қилиб, бу мажлис тугади ва фоҳишалар пойи пиёда қайдасан Алайшур дея йўлга тушдилар. Уларни кўрган одам узоқ зиёратгоҳга йўл олган зиёратчилар деб ўйларди.

Резаворфурушлар бозори зулмат қўйнида. На доиралар гижбангио на гиж-жақлар ноласи, на ёқимли кўшиқ овози кулоққа чалинарди. Мижозлар кирди-чиқдиси ҳам кўзга ташланмасди. Гузар шу топда буғдойи ўриб олинган далага ўхшарди.

## 53

Пандит Мадансинҳ бир неча кунгача ўзига келолмай юрди. Олдинга ким келса Саданни ёмонлар, оқпадар, гумроҳ, суюқоёқ, бузуқи дер, унга бир бурда қотган нон ҳам бермайман, тиланчилик қилади ҳали, ана шунда билади ота-онанинг қадрини, дея ёзғургани-ёзғурган эди. Вақфнома ёзиб юбор деб Падмасинҳга неча бор хат ёзди. Бҳама Садан тўғрисида оғиз очди дегунча ўшқириб берар, ҳайдаб юбораман деб дўқ урар, ўша болангнинг башарасига қарасам, кофир бўлай, деб онг ичарди.

Шундан кейин у бугунлай бошқача бўлиб қолди. Саданни чўртга оғизга олмай қўйди. Борди-ю, уни биров ёмонлагудек бўлса, маъюс тортар ва шундай дерди:

- Биродар, энди уни койишдан фойда йўқ. Нима қилган бўлса ўзи тортади, яхшими, ёмонми, мендан узоқ. Тўрт пайсасини топади, ейди-ичади, юрибдимми, майли, юраверсин ўша ёқларда.

Лола Байжинат жуда унинг қош-қовоғига қарарди. Бир куни Умонат Саданга минг рупия пул берибди, ҳозир дарёнинг нариги томонида боғ-роғли уй қураётган эмиш, оҳақ майдалайдиган бир машина сотиб олганмиш, роса пул ишлаб, егани олдида, емагани кетида эмиш, деган хабарни топиб келди. Мадансинҳ эшитиб деди:

- Нима, тиланчилик қилиб, бировларнинг қўлига қараб қолсин демоқчимидинг? Умонат қаждан пул беради унга? Энди битта қизини ўлай-ўлай деб чиқарди, ўзи сариқ чақага муҳтож бўлса. Садан нима қилган бўлса, ўзи ишлаб топган пулга қилгандир. У минг ёмон бўлмасин, пасткаш эмас. Ҳали ёш, гўр, қандай топса, шундай совуради, бировга зиёни тегмайди, бунинг нимаси ёмон? Шу қишлоғингнинг ўзида ўзи ишлаб топмайди, аммо уйидагини ўғирлаб чиқиб сотадиган, бориб кўнчи-мўнчиларнинг қорнини тўйдирадиган аҳмоқлар камми? Саданни улардан ўлса ўлиги ортиқ.

Мунший Байжинат мум тишлаб қолди.

Бирмунча муддатдан кейин Мадансинҳнинг вужудини бир-бирига қарама-қарши туйғу эгаллаб олди. Саданнинг қиёфаси кўз олдидан кетмас, дамбадам гапирган гаплари эсига тушарди: «Одам деган ҳам шунақа бағритош бўлади-ми? Худди мен уй-жойингиз, ер-молингиз, ҳаммасини елкамга кўтариб қочиб кетадигандай бунча мендан жонингиз чиқмаса?» Бирров келиб-кетишга яра-маса-я! Оёғига хино сурган янги келиндай уйга кўмилиб олгани-чи. Отасига димоғ қилган гуноҳқори азим. Бир куни ўлиб кетаман-да, «отам»лаб йиғлаб қоларсан ҳам, югуриб келарсан ҳам. Ҳозир келсанг бир жойинг камайиб қолар-

миди? Бўлти, бузоқнинг югургани сомонхонагача. Ўзим бориб бир адабингни бериб келмасамми!

Овқатланиб бўлиб, дам олиб ўтирганларида Бҳама билан Садан тўғрисида гаплаша бошларди. Бу бола ёшлигида ҳам қайсар эди. Айтганини қилмай қўймасди. Эсингдами, бир гал менинг китобхалтамнинг орқасидан озмунча тўполон қилмовдимми, ўшани олди-да, кейин тинчиди. Меҳри қаттиқлигини кўрмайсанми, бир энлик хат-пат ҳам ёзмайди, худди биз ўлиб кетгандай қулоғига қум тиқиб олган.

Бҳама бу гапларга қулоқ солганча йиғларди. Мадансинҳнинг оталик гурури фарзанд меҳри олдида бош эган эди.

Шу тариқа бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Мадансинҳ қайта-қайта ўғлининг олдига боришга аҳд қилар, бироқ бу аҳдини амалга оширолмасди. Бир сафар нарсаларини боғлатди, бироқ сал туриб уларни яна ечдирди. Бир куни станциядан қайтиб келди. Унинг юраги меҳр ва гурур ўртасида аросатда қолганди.

Рўзғор юмушларига ҳам энди сира қўли бормаи қўйди. Даладаги экинларга вақтида сув берилмаганидан ҳосил қуриб қолди, қарздорлардан қарзлар ундирилмади, у бечоралар пулни олиб келишарди, аммо Мадансинҳга пулни олиб, тилхат ёзиб бериш ўлимдан оғир эди.

«Биродар, ҳозир бора тур, кейин келарсан», - деб қайтариб юборарди. Шакарқамиш қиёми кўза-кўза ачиб ётибди-ю, аммо уни сотиш ҳаракатини қилгани йўқ. Бҳама бир нима деса, жеркиб ташларди:

- Куйиб кул бўлиб кетсин бу ҳовли, бу рўзғор! Булар ҳаммасини ким учун қилган эдим? Унинг ўзи бўлмагандан кейин бу рўзғорни бошимга ураманми? – Бутун умри, бутун имон-этиқоиди, бутун куч-ғайрати, бутун ҳузур-ҳаловати биргина пойдевор устида турганини у энди англади, бу пойдевор Садан эди.

Бу ёқда неча кундан бери Падмасинҳ ҳам изини босмай қўйганди. Бирор жуда катта ишни дўндириб қўйгандан кейин одамнинг юраги бир ёзилади – у ҳозир ана шундай ҳолатда эди. Мадансинҳ унга ҳам хат ёзмаётганди. Ҳа, ундан хат келса, мириқиб ўқирди, бироқ Садандан ҳеч қандай хабар топмагач, маъносиз тортди қоларди.

Бир куни Мадансинҳ эшиги тагида ўтирганча «Премсаъгар» китобини муттолаа қилаётган эди. Кришнанинг болалигидаги шўхликларидан боладай завқланмоқда эди. Кеч тушиб қолганди. Ҳарфлар кўзга базўр чалинса-да, туриб кетишга сира унинг қўнгли бормаётганди. Тўсатдан ит ҳуриб, ҳовлига бегона одам кириб келганидан дарак берди. Мадансинҳнинг юраги дуқиллади. Садан келмаётмаганмикин? Китобни ёпиб, ўрнидан турди, қараса Падмасинҳ келаятибди. Падмасинҳ акасининг хоки пойини олди, сўнг ака-ука ўртасида суҳбат бошланди.

М а д а н: - Омонмисизлар?

П а д м а с и н ҳ: - Ҳа, худого шукур.

М а д а н: - Дарвоқе, анави отабезоридан бирон дарак борми?

П а д м а с и н ҳ: - Ҳа, албатта бор. Унинг билан бешинчида олдимга келиб туради. Мен ўқтин-ўқтин аҳволдан хабар олиб тураман. Ҳеч ташвиш қилишга ҳожат йўқ.

М а д а н: - Ўша баттол ҳеч бизларни ҳам эсга оладими ё бутунлай ўлдига чиқариб қўйганми? Бу ерни елкамнинг чуқури кўрсин деб қасам-пасам ичмаганми? Ё бизлар ўлиб кетганимиздан кейин келадими? Агар у шуни хоҳлаётган бўлса, бизлар бош олиб чиқиб кетайлик. Мана уй-жой, мана ҳовли, келиб ўтираверсин. У ёқда уй қураётми деб эшитаман. Ё ўша ёқда яшайдими? Бу ёқда ким яшайди? Бу уйни кимга ташлаб кетади?

П а д м а с и н ҳ: - Ҳе-йўқ, ҳеч қанақа уй-пуй қураётгани йўқ, буни сизга кимдир ёлғонлабди. Ҳа, оҳақ янчадиган дастгоҳ ўрнатиб олган, кейин эшитишимча, дарёнинг нариги томонидан озгина ер олмақчи бўлаётганмиш.

М а д а н: - Унда бориб айт, аввал келиб мана бу уйга ўт қўйсин-да, кейин у ёқдан уй-жой олсин.

П а д м а с и н ҳ: - Нималар деяпсиз, ака, у фақат сизларнинг хафа бўлишингиздан қўрқиб келмай юрибди. Агар сиз уни кечирганингизни билса борми, шу бугуноқ оёғини қўлига олиб югуриб келади.

М а д а н : - Йўқ, мен уни чақирмайман. Биз унга ким бўлибмизки, у бу ерга келади? Борди-ю, бу ерга келса, айт, елкасини маҳкам қилиб келсин. Уни кўришим билан тугоқиб кетаман-да, таёқ билан ташланиб қоламан. Нодон, менга жаҳл қилиб кетди-я. Ибодат вақтида муқаддас китобга сўлаги оққанда, овқатли лаган олдида пешоб қилиб юборганда ҳеч ким жаҳл қилмасди. Унинг дастидан тоза кийимлар киёлмасдим. Яп-янги кийимларимни бир пул қилиб ташларди. Янги кийим кийдим деганимда бошдан-оёқ чанг-тупроққа беланиб келарди-да, елкамга чиқиб кетарди. Ушанда нега менинг жаҳлим чиқмасди? Энди у киши жаҳл қилиб қоғилар? Қўлимга тушсин, шунақанги таъзирини берайки, нақ она сутини оғзидан келтираман.

Иккала ака-ука уйга кирди. Бҳама ўтирганча сигирга ўт едирар ва Саданнинг иккала синглиси овқат пиширарди. Бҳама қайнисини кўриши билан ўрнидан турди ва деди:

- Сизни ҳам кўрар кун бор экан-ку. Тўрт қадам нарида турасиз-у, лоақал бир ойда бир келиб, кўриб кетай демайсиз, уйдагилар ўликми, тирикми парвойингизга келмайди. Қалай, омон-эсон юрибсизларми?

П а д м а с и н ҳ : - Ҳа, худога шукур, юрибмиз. Хўш, нима овқат бўла-япти? Шу топда ширгуруч, ҳолва ва қаймоқ билан сийласангиз, бир хушхабар айтаманки, ўзингизни ташлаб юборасиз. Невара муборак бўлсин!

Бҳаманинг сўлгин чехрасига қизиллик югурди ва кўзлари чақнади.

- Ҳар қандай ширин таом сиздан ўргилсин, ана, тўйгунингизча еб-ичаверинг.

Мадансинҳ тумшайиб деди:

- Яхши хабар айтмадинг. Худонинг даргоҳида унинг иродасига тескари иш бўлиши мумкинми? Мендан ўғлимни ажратиб олсин-да, унга ўғил берсин. У битга эди, иккита бўлди, энди унга қандай бас келаман? Енгилдим! У мени олиб кетмай қўймайди энди. Қадамим ҳалитданоқ узилди. Начора, худонинг даргоҳида ёмонликка яхшилик қайтар экан. Тескари айланувчи фалак-да. Лекин энди менга барибир. Садан қаерга бормасин, худойим зоримизни эшитди. Қачон бўлибди?

П а д м а с и н ҳ : - Бугун тўртинчи кун, ишдан қўлим тегмади, бўлмаса, биринчи куниеқ келардим.

М а д а н с и н ҳ : - Ҳечқиси йўқ, олтисига етиб борамиз, олтисини зўр қилиб нишонлаймиз. Эртагаёқ етиб бор.

Бҳаманинг севинчи ичига сиғмаётганди. Кимга қанақа суюнчи беришини ҳам билмай қолди. Ҳамманинг ўйнаб-кулишини, эшик тагида шоҳнай навоси янграшини, кўшни хотинларни чақиритишни истарди у. Куй ва кўшиқ жаранги бугун қишлоқни турса. Шу топда унга дунёда жуда катта воқеа содир бўлгандек, ҳамма тирноққа зор-у, худо фақат унга ўғил невара ато этгандек туюлмоқда эди.

Бир хизматкор келиб деди:

- Бегойим, ҳовлида бир қаландар турибди.

Бҳама ўша заҳоти тўрт кишидан ҳам ортиб қоладиган егуликларни садақа қилиб юборди.

Ҳаммалари овқатланиб бўлгач, Бҳама иккала қизи билан ногора олиб ўтирди-да, ярим тунгача кўшиқ айтди.

## 54

Бирон одам азбаройи бойликка ўчлигидан қимматбаҳо тақинчоқ ўғирлагани, бироқ ўзига келгач, бу ишидан хижолат тортгани каби Садан ҳам Сумандан ўзини олиб қоча бошлаганди. Бугина эмас, у жувонга паст назар билан қарар ва ундан ҳазар қиларди. Кун бўйи тер тўкканидан кечқурун унга ўзининг бу касби малол келиб кетарди, айниқса, оҳак иши уни эзиб кўяётганди. У, мана шу Суманнинг дастидан мен бекорга уйдан қувилдим, мени бу катакка олиб келиб тикқан ҳам шу бўлади, деб ўйларди. Уйда бемалол оёғини узатиб ётганди: на бир ташвиш, на бир бош оғриғи бор эди, маза қилиб еб-ичар, қандини урарди. Мана шу жувон бошига мусибатни солди. Биринчи муҳаббат эҳтирослари қўйнида у Суман қилган овқатни паққос ур-

ганди, бироқ у энди бундан қаттиқ пушаймон қилмоқда эди. Қандай қилиб бўлмасин, ундан қутулишни истарди. Бир маҳаллар у Суман деса жонини берарди, унинг биргина табассуми, ширин сўзи, мурувватига ҳаётини фидо этишга тайёр эди. Бироқ ўша Суман бутун унинг назарида ерда ётган хасча ҳам эмасди! У ўзи бошидан кечириб туриб, одамзот табиати қанчалик ўзгарувчан бўлишини унутиб қўярди!

Садан неча йилдан бери ўқиш-ёзишни ташлаб қўйганди ва оҳақ майда-лайдиган дастгоҳ олгандан кейин у кундалик газеталарни мутолаа қилишга фурсат тополмасди. Энди у ўқишни қиладиган иши йўқ, уззу-кун папша қўриб ўтирадиган одамларнинг иши деб билар эди. Лекин узоқ-узоқ сочига оро бериш, гармония чалишга қандай вақт топади — буни ўзи ҳам билмасди.

Гоҳо ўтган-кетган ишларни ўйлаб у ўзича, ўшанда қанчалик аҳмоқ бўлган эканманки, шу Суманга парвона бўлиб юрганман, деб ўйларди. У энди ўзининг ҳулқидан гурурланарди. Дарё соҳилида у аёллардан кўзини узмай қараб турарди, бироқ ҳеч қачон унинг кўнглида ёмон хаёл пайдо бўлмасди. Садан буни ўзининг ахлоқи мустаҳкамлигига йўярди.

Лекин Шантанинг ой-куни яқинлашиб, кўпинча уйдан чиқмай маъюс, ғамгин ҳолда ўринга бағрини бериб ётганини кўргач, Садан ўзининг қаттиқ алданганини билди. Мен ахлоқий мустаҳкамлик деб ўйлаган нарса аслида ҳирсларим қонгани натижаси экан, холос. У энди ишдан қайтиб келганида Шанта ширин табассум билан уни қарши олмас, каравотда узала тушиб ётаверарди. Бир қараса оёғи оғриган, бир қараса бадани қақшаган, яна бир қараса кўнгли беҳузур бўлган. Юзлари заъфаронлашиб, гўё аззойи баданида бир томчи қон қолмагандай. Садан уни бундай аҳволда кўриб хафа бўлиб кетарди, соатлаб ёнида ўтириб, кўнглини кўтарарди, бироқ чехрасидан хотини ёнида ўтириш жонига теккани билиниб турарди. Бирон нарсани баҳона қилиб, тезгина туриб кетарди. Унинг ҳирси яна жўш ура бошлади, миясида турли бўлмағур хаёллар уймалашарди. У ёш маллоҳ қизлар билан ҳазиллашар, қирғоққа борганда чўмилаётган хотинларга еб қўйгудек бўлиб қарарди. Иш шу даражага бориб етдики, бир куни мана шундай эҳтирослар ичида у Резаворфурушлар бозорига қараб йўл олди. Неча ойдан буён бу ёқларга изини босмай қўйганди. Соат саккизлар эди. Нафсини қондиришга бўлган кучли хоҳиш уни олға етаклаб кетмоқда эди. Ақлу зеҳни шу топда мана шу эҳтирос қулига айланганди. У гоҳ икки-уч қадам олдинга ташлар, гоҳ индамай бир жойда туриб ўйланиб қолар, орқасига қарар, бироқ икки-уч қадам юриб яна изига қайтар эди. Шу топда у қаршисидаги ширинликни кўриб, фойда-зарарини ҳам ўйлаб ўтирмай ўзини ширинликка урган бемор ҳолига тушиб қолганди.

Бироқ Резаворфурушлар бозорига етгач, кўчада илгариги қатнов ва шовқинни кўрмади. Понфурушларнинг икки ёки учтагина дўкони қолганди, новвот ва ҳолвафурушлар дўкони эса тақа-тақ берк эди. Айвончалардан фоҳишалар мўраламас, ичкарида куй ва қўшиқлар янграмасди. Шунда у фоҳишаларнинг бу ердан кетганини англади. Таъби хира бўлди, бироқ шу заҳоти дилида аллақандай ёқимли туйғу ҳис этди. У гўё шафқатсиз сарбоз қўлидан қочиб қутулган маҳбусдек ҳирси устидан ғолиб келганди. Ўша сарбоз уни судраб олиб кетарди, унинг қўлидан сигилиб чиқиб кетишга унинг қурби етмасди, бироқ маҳкамага етгач, сарбоз кўрдикки, маҳкама берк, на маҳкама бошлиғи, на бирон миршаб, на кўриқчи бор. Садан ўзининг иродаси бўшлигидан ўзи уялиб кетди, иродаси мустаҳкамлигига бўлган ишончидан асар ҳам қолмади.

У қайтмоқчи бўлган эди, бироқ ўзича, модомики келдимми, маза қилиб айлансам нима қилибди, деб ўйлади. Сал юрган эди, Суман яшаган уйга кўзи тушди. Ўша ёқдан қўшиқнинг ёқимли овози қулоғига чалинди. У ҳайрон бўлиб юқорига қараган эди, катта лавҳани кўрди. Унга «Муסיқа мактаби» деб ёзиб қўйилганди. Садан юқорига кўтарилди. Мана шу хонада у неча ой Суманнинг ёнида ўтирганди, кўнглида қанчалаб эски хотиралар жонланди. У бир курсига ўтирди ва қўшиққа қулоқ сола бошлади. Йигирма-йигирма бештача одам ўтириб, қўшиқ айтишни, муסיқа чалишни машқ қилмоқда эди. Бири сетор, бири сарангий, яна бири табла чаларди, бир кекса одам уларнинг барчасига навба-ти билан ўргатарди. Афтидан, у муסיқа илмини сув қилиб ичган бўлса керак. Садан қўшиқда шунчалик маҳлиё бўлиб қолдики, ўн беш дақиқача у ўша



ерда қолиб кетди. Мен ҳам қўшиқ айтишни ўргангани шу ерга келсам қандоқ бўларкин, деб ўйлади у юраги орзиққанча, бироқ бир томондан унинг уйи бу ердан узоқ бўлса, иккинчидан аёлларни ёлғиз ташлаб, тунда келиши қийин эди. У турмоқчи бўлган эди ҳамки, ҳалиги қўшиқчи сетор жўрлигида янги қўшиқни бошлаб қолди. Қўшиқ Саданнинг юрагини сел қилиб юборди. Ватан муҳаббати, халққа фидойилик ҳамда миллий фахр туйғуси қалбида акс садо бера бошлади. Бу ташқи садо унинг қалби қаърида ҳам бир улуғвор овоз пайдо қилганди. Илоҳий мурувватли зот сиймоси унинг қалб кўзи ўнгида намоён бўлиб, мумсик, ғариб, ночор, қашшоқ бир бола унинг рўпарасида мўлтираб қараб ўтирарди, иккала кўлини кўтарганча, ёшли кўзлари билан боққанча гўё шундай дер эди: «Эй меҳрибон зот, она ватаним Ҳиндистонни ўз паноҳингда асра!» У хаёлан ўзини камбағал деҳқонларга хизмат қилаётган бир алпозда кўрди. У заминдорларнинг корандаларига қараб, қашшоқларга раҳмингиз келсин, дея илтижо қиларди. Деҳқонлар унинг оёқларига йиқилар, хотинлари уни дуо қилар эдилар. Юраги ватан ишқи ва фидойилик ҳисси билан тўлиб-тошганича Садан ўрнидан турди ва пастга тушди. У хаёллари билан шунчалик банд эдики, ҳеч кимга ҳеч нарса демади — сал нарига боргач, Сундар Бойининг тўшаси олдида кўп одам тўшланиб турганини кўрди. У бир кишидан сўради:

- Одамлар нега тўшланган?

Маълум бўлишича, бугун Кунвар Анируддҳсинҳ бу ерда «Деҳқонлар ширкати» очмоқчи экан. Ширкатнинг мақсади деҳқонларни бойлар зулмидан қутқариш экан. Саданнинг кўнглида деҳқонларга нисбатан эндигина уйғонган хайрихоҳлик туйғуси бирдан суёт тортиди. У заминдор эди ва деҳқонларга шафқат қилишни истарди, бироқ бировлар унинг гирибонидан олишини ва деҳқонларни заминдорларга қарши гижгижлаб оёққа турғазини асло истамасди. У ўзича ўйлади: «Бу одамлар заминдорларнинг илдизини қуритмоқчи. Азбаройи ғазабланганидан улар шу муассасани очишга қарор қилишган, демак, биз ҳам ҳушёр бўлишимиз керак, биз ўзимизни ҳимоя қилишимиз керак». Одамзот тазйиқдан қанчалик нафрат қилмайди. Садан бу ерда туришдан маъно йўқлигини билди. Соат тўққизга занг урди. У уйига қайтди.

## 55

Кечки пайт. Осмонни қизил шафақ чуллаган, сарин шабада Ганга мавжларини ўйнайди, дарё юзини қитиқлайди. Ганга меҳр тўла кўзлари билан боқиб жилмаяди, гоҳо қаҳ-қаҳ уради, шунда унинг марварид тишлари ярақлаб кетади. Саданнинг кичкинагина кулбаси бугун гул ва гулчамбарлар билан безатилган. Эшикда бир тўда маллоҳ. Ичкарида уларнинг хотинлари ўтириб, қўшиқ куйламоқда. Ҳовлида ўчоқлар қазилиб, унга қозонлар осилган. Бугун Саданнинг янги дунёга келган ўғилчасининг олгиси, бу шунинг шодиёнаси.

Бироқ Саданнинг ичига чироқ ёқса ёрмайди. У қаршидаги супада ўтирганча дарё томонга тикилмоқда. Дилида ҳар турли ўйлар чарх уради. Йўқ! Улар келишмайди. Келишганда, бугун олгинчи кун ўтаяпти, келишмасмиди? Агар уларнинг келмасликларини билганимда амакимдан бу хабарни айтдириб юбормаган бўлардим. Уларнинг назарида мен ўлганман, уларнинг мен билан бир чақалик ишлари йўқ, ўламанми, қоламанми, уларга барибир. Одамлар бунақа пайтда душманликни ҳам боради. Ихлос қилганидан эмас, хўжакўрсинга боради, таомил учун боради — ҳеч бўлмаганда, дунёда менинг ҳам кимимдир борлиги маълум бўларди. Майли, келишмаса келишмасин, мана шу ишдан қўлим бўшаши ҳамон ўзим бораман ва умрбод орани очиқ қиламан. Чақалоқнинг чиройлилиги-чи, лаблари қип-қизил, менинг ўзгинам, ҳа, кўзлари Шантага ўхшайди. Менга маъсум-маъсум қарашлари-чи. Отамни-ку, бир нарса деёлмайман, аммо ойим уни бир кўрсинлар, дарров қўлларига олиб оладилар. Бирдан Саданнинг кўнглига, агар мен ўлиб қолсам, унда нима бўлади, деган ўй келди. Бу болани ким парвариш қилади? Ҳеч ким йўқ. Йўқ, мен ўлсам, отамнинг унга албатта раҳми келади. Отам бу қадар бағритошлик қилмасалар керак. Бориб кўрай-чи, «Сейвинг бенк»да қанча пулим бор экан. Ҳозирча бир минг рупия ҳам чиқмас-ов. Ундан ортиқ эмас. Агар ойда эллик рупиядан йи-

ғиб борсам, бир йилда олти юз рупия бўлади. Икки мингта етиши билан ҳовли солишни бошлаб юбораман. Олдинда икки хона, ичкарида тўртта хона бўлади, эшик устида меҳробдор соябон, зардевор тепасидан иккита хона бўлса, уй зўр бўлади. Пойдевори баланд бўлса, иморат яна ҳам чиройли кўринади. Пойдеворни камида беш фут баландликда кўтараман.

Садан ана шундай ширин хаёллар гирдобида эди. Чор атрофни қоронғулик чулғай бошлаган эди ҳамки, унинг кўзи кўча томондан келаётган бир машинага тушди. Унинг иккала чироғи мушук кўзларидай чарақларди. Ким келаётган бўлса? Амакимдан бошқа тагин ким бўларди? Бошқа менинг кимим бор? Машина яқин келиб тўхтади – ундан... Мадансинҳ тушди. Орқада яна бир машина бор эди. Ундан Субҳадра ва Бҳама тушди. Саданнинг иккала синглиси ҳам бор эди. Жийтан кузовдан тушиб, фонус тутди. Садан шунча одамнинг тушиб келаётганини кўриб, уйдагилар келганини англади, лекин улар билан кўришгани чопмади. У пайтлар ўтиб кетганди. Худонинг зорини қилгани борганида шундай бўларди. Энди бунинг тескариси бўлганди. У супадан туриб, ҳеч кимни кўрмагандек уйга кириб кетди. Унинг кўнглидан, уларсиз менинг куним ўтмайди деб ўйлаб менга парвойлари фалак бўлди, энди мен ҳам уларга парво қилмайман, деган ўйлар кечди.

Садан ичкарига кириб, қани, нима қилишаркин, дея ойнадан мўралай бошлади. Житан эшик олдига келиб, уни чақирди. Ундан-мундан бир нечта маллоҳ югуриб келди. Садан ташқарига чиқди-да, узоқдан онасига таъзим бажо келтириб, бир четга ўтиб турди.

Мадансинҳ деди:

- Худди бизларни танимагандай туришингни қара-ю! Менинг бўлмаса ҳам ойингнинг хоки пойини олгин!

С а д а н: - Сизларга қўлим тегса гуноҳ бўлади.

Мадансинҳ укасига қараб деди:

- Кўрдингни унинг гапини? У бизларни унутиб юборган деб айтмаганмидим сента? Сен бўлсанг бизни судраб олиб келдинг. Ота-онаси эшигига келиб бош уриб турса ҳам раҳми келмайди-я.

Бҳама олдинга чиқиб деди:

- Болажоним Садан! Отангнинг хоки пойларини ол. Ақлли бўла туриб бу нима қилганинг?

Садан ортиқ бардош беролмади. Кўзлари ёшга тўлганча ўзини отасининг оёғига ташлади. Мадансинҳ йиғлай бошлади.

Шундан кейин у онасининг хоки пойини олди. Бҳама уни кўтарди-да, бағрига босиб, дуо қилди.

Муҳаббат, садоқат ва узрхоҳлик тантана қилган бу ажибу ғариб манзара нечоғли эзгу бўлмаса! Ота-она қалбида фарзанд меҳри жўш урмоқда, ўғил юрагида эса садоқат уммони мавж урмоқда. Мана шу муҳаббат ва садоқатнинг беғубор нурлари юракнинг энг қоронғу бурчакларигача чароғон қилиб юборган. Сохта манманлик, одамлар маломатидан андиша қилиш ё ҳадиксираш каби бўлмағур ҳис-туйғуларга у ерда ўрин йўқ. Энди у ерда соф ҳақиқат ва чин муҳаббат кўним топган.

Севинчдан Садан ўзини қўярга жой тополмай қолди. У менинг обрўйимни кўриб қўйинглар, дегандек, маллоҳларга тинмай ҳали у ишни, ҳали бу ишни буюрар эди. Бири чорпояни олиб чиққани чопган, бири бозорга югурган... Мадансинҳ суюнганидан укасининг қулоғига шивирлаб: «Садан жуда эпчил чиқди-да, мен уни қўл учида кун кўраётган бўлса керак деб юргандим, аммо бу ерда жа обрўйи баланд экан-ку», деб қўйди.

Бҳама ва Субҳадра ичкарига кириб кетди. Бҳама атрофга қараб, оғзи ланг очилиб қолди. Ана саришталигу, мана озодалик! Ҳамма буюмлар жой-жойига қўйилган. Бунинг онаси рўзгорга пухта кўринади.

Чақалоқ ётган уйга киришганида Шанта иккала қайнонасининг ҳам хоки пойини олди. Бҳама чақалоқни бағрига олиб олди. Чақалоқ унга бамисоли тангри Кришнанинг тажассумидек туюлиб кетди. Кўзларидан севинч ёшлари думалади.

Бир оздан кейин у Мадансинҳнинг олдига келиб деди:

- Нима бўлганда ҳам келинга ёлчибмиз. Келин эмас, бир дона атиргул дейсиз, чақалоқ ҳам худди тангри Кришнанинг сиймоси.

**М а д а н с и н ҳ:** - Шунақа бўлмаса Мадансинҳ осонликча келмасди ҳам-да.

**Б ҳ а м а:** - Келин жуда одобли кўринади.

**М а д а н с и н ҳ:** - Уни деб Садан ота-онасидан воз кечиши бежиз эмас-да.

Ҳар ким ўзи билан ўзи овора эди, бироқ ҳеч ким бечора Суман қаерда деб сўрамасди.

Суман кечки ибодатни адо этгани соҳилга кетганди. Қайтиб келса, уй олдида иккита машина турибди. Ҳовлида талай одам ўтирибди. Падмасинҳни таниди. Саданнинг отаси келганини фаҳмлади. У бир жойда туриб қолди. Гўё оёқларига кишан солингандек. Энди бу ерда мен учун жой йўқ, энди бу ердан насибам узилди, кўнглидан ўтказди у. Энди қаяққа борсам экан, дея ўй сурганча қаққайиб туриб қолди.

Бир ойча бўлдики, Шанга билан Суманнинг сира мошлари очилмасди. Бир вақтлар шафқат ва мурувват тилаб бевахонага келган Шанга энди Суманни куйдириб, юмма талашга тайёр турарди. Сайловолди кунларда қанчалик ювош ва мўмин бўламиз, сайловдан муваффақиятли ўтиб олгач эса худого айланамиз-қоламиз. У пайтда Шанга меҳрга зор эди, меҳрга зорлик уни саховатли, одамшаванда, меҳрибон қилиб қўйганди, бироқ энди меҳру оқибатдан тинчиб олгач, камбағалдан бой бўлиб қолган одамдек юраги тошга айланганди. У, ишқилиб, эрим Суманнинг тузоғига илиниб қолмасайди деб юрагини ҳовучлаб юрарди. Суманнинг тоат-ибодатлари, худого қилган илтижолари унинг назарида бир чақага қимматдек эди. У буларни хўжакўрсинга қилинаётган амаллар деб биларди. Суман сочларига мой суриш ё тоза кийимлар кийишга ўч эди, Шанга буни биларди. У опасининг хатти-ҳаракатлари ва муомалаларини зимдан кузатарди. Саданга бирон гап айтмоқчи бўлса, Суман уни Шанга орқали айтарди, шу даражадаки, овқат вақтида ҳам бирон нарсани баҳона қилиб, ошхонага келиб ўтириб оларди. Кўзи ёришидан олдин у бир амаллаб опасини у ердан четлашгирмоқчи эди, чунки туққач, у Суманга қараёлмасди-да. У ҳар қандай кийинчиликка дош беришга тайёру, аммо рашк ўтига тоб беролмасди.

Суман ҳаммасини кўриб кўрмаганга, эшитиб эшитмаганга оларди. Чўкаётган одам сингари у мана шу чўпга маҳкам ёпишиб олганди. У ҳаёт йўлини қайта тиклаши амри маҳол эди, лекин айни вақтда Саданнинг ота-онаси келганини кўргач, бу чўпдан ҳам воз кечишга тўғри келди, банданинг эмас, худонинг хоҳлагани бўлади деганлари айни шу жойда қарор топганди.

У оёқ учида юриб уйнинг орқа томонига келди ва қани, булар мен тўғримда гапиришаяптими, йўқми, дея қулоқ сола бошлади. Ярим соатча шу алпозда турди. Субҳадра билан Бҳама у ёқ-бу ёқлардан гаплашмоқда эди. Охири Бҳама деди:

- Нима, келинимизнинг опаси бу ерда турмайдимми?

**С у б ҳ а д р а:** - Нега, турмай қаяққа ҳам борарди?

**Б ҳ а м а:** - Кўринмаяпти-ку.

**С у б ҳ а д р а:** - Бирон иш билан чиққандир-да. Рўзгор ишларининг барини ўша тиндиради.

**Б ҳ а м а:** - Келса, айтинг, ташқарида ёта қолсин. Саданга ҳам овқатни у пиширадими?

Шанга ичкари уйдан туриб деди:

- Йўқ, шу пайтгача мен пишириб берардим, ҳозир улар ўзлари қилиб ейдилар.

**Б ҳ а м а:** - Барибир, идиш-товоқларга қўлини урса керакдир? Мана бу кўзани ташлаб юборинглар, идишларни бошқатдан қатрон қиламиз.

**С у б ҳ а д р а:** - Ташқарида ётадиган жой ҳам йўқ.

**Б ҳ а м а:** - Бўлмаса бўлмас, лекин мен уни бу ерда ётгани қўймайман. Бунақа хотинга ишониб бўладими?

**С у б ҳ а д р а:** - Йўқ, опажон, ҳозир у унақа эмас. У ажабтовур бўлиб қолган.

**Б ҳ а м а:** - Ажабтовур бўлиб қолган эмиш! Бозор кўрган эчкидан кўрқ, дейдилар. Ғар минг қилса ҳам ғар-да. Энди фаришта бўлиб қолганда ҳам ишонмайман!

Суман ортиқ чидаб туролмади. Юрагига биров лаққа чўғ темирни босгандек бўлди. Гирра ортига қайтди-да, қоронғулик ичига кириб кетди.

Қоронғулик шу қадар қуюқ эдики, йўлни ажратиб бўлмасди. Суман туртина-суртина кетиб борарди, аммо қаёққа, буни ўзи ҳам билмасди. Унинг ҳозир ҳуши жойида эмасди. Қалтак еб қувилган ит каби у боши оққан томонга ҳалпиниб кетиб бормоқда эди. Ўзини қўлга олишга минг тиришмасин, бўлмаётганди. Бир вақт оёғига каттакон зирагча кирди. У оёғини ушлаганча ўтириб қолди. Юришга мадори қолмаганди.

Ҳушсизликдан кейин ўзига келган одамдек у ҳадиқ билан атрофга аланглади. Чор атрофда жимжитлик ва қуюқ зулмат ҳукмрон бўлиб, фақат чиябўриларининг улишлари қулоққа чалинарди. Бу ерда бир ўзимман, шунини ўйлаб Суманнинг бадани жимираб кетди. Ёлғизлақ қанақа бўлишини у бугун билди. Бироқ бу ерда ҳеч ким йўқлиги, танҳо ўзи эканлигини билиб туриб ҳам у чор атрофидаги, баланд-пастдаги барча жонзот осмонда учиб юргандек ҳис қилмоқда эди. У қўрққанидан кўзларини чирт юмиб олди. Кимсасизлик кўйида одам минг турли хаёлларга боради.

Қандай бадбахтман, ўйлай бошлади Суман. Бошқаларни-ку қўя турай, жондай синглим ҳам энди башарамни кўришни истамайди. Ўзимники дегандим, лекин ўзагимдан урди. Юзимга қора сурилди, энди уни минг ювган билан ҳам кетмайди. Синглимни ё бошқасини айблаганимдан нима фойда? Қилмишимдан топдим. Оҳ! Товоним шундай оғрияптики! Бу тиконни қандай чиқараман энди? Ичида бир бўлаги синиб қолган. Қонаб кетаяпти. Йўқ, ҳеч кимни айблай олмайман. Ёмон ишни қилган мен ўзимман, унинг мевасини ўзимдан бошқа ким тотати? Кайф-сафо деб шу аҳволга тушдим. Қандай кўзим кўр бўлиб қолган эдики, фақат айп-ишрат учун ўзимни ўзим хароб қилиб ўтирсам. Ҳа, қийналганим рост эди, зар-зеварга ўч эдим, яхши еб-ичишга ўч эдим, муҳаббатга ўч эдим. У пайтда ҳаётим бошдан-оёқ гамдан иборатдек кўринарди, бироқ бу ҳам менинг аввалги туғилишларимдаги феъли аъмолим самараси эди. Бундан ҳам қаттиқроқ қийинчиликларни бошидан кечириб ўзини сақлаб қолган аёллар йўқми? Дамаянтий озмунча азият чекмади, Ситани Рамчандр уйдан ҳайдаб юборди, шўрлик жувон ўрмонларда минг хил азобларга гирифтор бўлди, Саъвитрий тортган уқубатларнинг чеки йўқ, лекин у ҳақиқатдан юз ўтирмади. Узоққа бормаи, қанчалаб кўшнни хотинлар қон йиғлаб кун кечирадилар. Амолдаги ҳалиги аҳир<sup>1</sup> хотин қанақанги мусибатга дучор бўлмаган. Эри неча йилдан бери мусофир юртида, бир қулгум сув билан тирикчилик қилади. Нимасини айтай, ҳусним бошимга битган бало бўлди-да. Ҳуснимга бино кўйиб, шу кунларга қолиб ўтирибман.

Эй худо! Нега ҳам мени гўзал қилиб яратдинг? Менда нима қасдинг бор эди? Гўзал хотинларнинг кўпчилиги шунақа енгилтабиат бўлади. Балки худойим бу билан бизларни синар? Балки чирой билан йўлимизга гов солиб, иродаимизни, эътиқодимизни чиниқтирмоқчи бўлар? Жонимизни чирой оловига ташлаб, тобламоқчидир? Оқибатда-чи? Чиройимизга ўзимиз маҳлиё бўлиб, шу оловда қандай куйиб қулга айланишимизни ҳам, говлардан ўтолмай арасатда қолиб кетишимизни ҳам билмай қоламиз.

Оёғимга кирган қанақа тикон бўлса! Биров келиб тутиб олса, қичқирганим билан ким эшитарди овозимни? Ҳе, йўқ, бу ҳою ҳавасларимнинг ҳам, ҳусни жамолимнинг ҳам оқибати эмас, булар барчаси менинг жоҳиллигим оқибати. Эй худо! Менинг кўзимни оч! Фақат сен ўзинг менга мурувват кўрсатувчисан! Бевахонага бориб катта хато қилдим. Садан билан туриб ҳам хато қилдим. Одамлардан мурувват умид қилиш беҳуда экан. Одамларнинг ўзлари менга ўхшаб жаҳолат ботқоғига ботган экан. Улар менга қандай мурувват қилишсин? Мен фақат унинг паноҳига бораман. Лекин қандай бораман? Мени бу зулматдан қутқар! Сен қодирсан, доносан, сенинг нурунгдан бу зулмат тарқалиб кетажак! Бу япроқлар нега титраяпти? Биронта йиртқич келдимикин? Ҳа, кимдир келаяпти.

Суман ўрнидан турди, у ўзини тутиб олганди. Юрагида кўрқувдан асар қолмаганди.

<sup>1</sup> А ҳ и р – подачилар тоифаси (тарж.).

Суман анчагача хаёллар огушига фарқ бўлиб ўтирди. Лекин юраги ором топмаётганди. Шу пайтгача у ҳеч қачон шундай ўзи ҳақида чуқур ўй сурмаганди. Бундай мусибатга дуч келиш унинг кўнглида яхши ниятлар уйғотганди.

Тун оғиб борарди. Баҳорнинг сарин шабадаси эса бошлади. Суман сарийси этагини йиғиштирди-да, бошини тиззаларига қўйди. Худди шу фаслда, шу вақтда у эрининг эшиги тагида қаёққа борсам экан деб ўйланиб ўтирганди. Ўшанда у айшу ишрат иштиёқида ёнарди. Бугун эса тангрига бўлган чин ихлос уни ўз паноҳига олган эди.

Бир вақт унинг кўзлари юмилди. Қараса, авлиё Гажодҳар елкасига кийик териси ёпинганча унинг қаршисида раҳм-шафқат тўла кўзлари билан унга тикилиб қараб турибди. Суман ўзини унинг оёқларига ташлади ва илтижоли оҳангда деди:

- Бегим! Мени ўзингиз қўлланг!

Суман қараса эри меҳр билан унинг бошидан силаяпти ва шундай деяпти:

- Худо шунинг учун мени сенинг олдинга юборди, гапир, нима истайсан, бойликми?

С у м а н: - Йўқ, бегим, бойлик керак эмас.

Г а ж о д ҳ а р: - Обрўми?

С у м а н: - Йўқ, бегим, обрў ҳам керак эмас.

Г а ж о д ҳ а р: - Кайф-сафоми?

С у м а н: - Бегим, бундан оғиз оча кўрманг, менга билим беринг.

Г а ж о д ҳ а р: - Унда эшит: Сатяюгда инсон билим туфайли халоскорлик топар эди, Третаюгда – ҳақиқатдан, Дваъпарюгда – садоқатдан. Лекин ҳозирги Калиюг<sup>1</sup> да халоскорликнинг фақат биргина йўли бор, у ҳам бўлса тангрига қулиқ қилиш. Шу йўлни ихтиёр эттил-да, иқболнинг сари йўл ол. Сендан ҳам кўра қашшоқроқ, гамгинроқ, мазлумроқ одамлардан паноҳ қидир, уларнинг дуосини ол ва сени уларнинг дуоси қўллагай. Калиюгда парвардигор айнан мана шу ғам уммонида истиқомат қилади.

Суман кўзларини очди. У ёқ-бу ёққа қаради, ўзининг уйғоқ эканига амин эди. Эри дарров қаёққа ғойиб бўлди экан? Тўсатдан унга қаршидаги дарахт тагида эри фонус кўтариб тургандек туюлди. У турди-да, оқсоқланганча унга томон юрди. У ўша дарахтни юз газча нарида деб тусмол қилганди, бироқ у юз, икки юз, уч юз, тўрт юз газ юрди, ҳалиги дарахт ва унинг тагида фонус кўтариб турган эри ҳамон ўша узоқликда турарди.

Суман туш кўраяпман, чоғи, деб ўйлади. Ростдан ҳам бу тушимми ё ўнги-ми? Қанча юрса ҳам масофа ҳеч ўзгармаса-я! У овозининг борича қичқирди:

- Бегим! Мен келаяпман, бирпас тўхтанг!

Қулоғига жавоб сўзлари чалинди:

- Келавер, мен турибман!

Суман яна юриб кетди, бироқ икки юз қадамча юргандан кейин чарчаб, ўтириб қолди. Ҳалиги дарахт ва фонус туган эри ҳамон юз газча нарида турарди.

Кўркувдан Суманнинг бадани жимирлаб кетди. Юраги гурс-гурс қила ва оёқлари титрай бошлади. У қичқирмоқчи бўлди, бироқ овози чиқмади.

Суман ҳушини тўплаб, бу қандай сир бўлди, жин-ажина чалмаяптимикин, дея ҳақиқатни билишга интилди, лекин қандайдир номаълум куч уни ўша ёққа етаклаб кетмоқда, гўё хоҳиш кўнгил ихтиёридан чиқиб, ўша сир томон чошиб кетаётган эди.

Суман яна юрди. У энди шаҳарга яқинлашиб қолганди, қараса, эри бир мўъжазгина кулбага кириб кетди ва ҳалиги дарахт ғойиб бўлди. Суман шу ер унинг бошпанаси эканини фаҳмлади. У ўзини яхшилаб қўлга олиб олди. Энди эри билан росмана учрашади. Сирнинг тугунини у ечиб беради.

Суман кулба эшиги олдига келиб деди:

- Бегим, бу мен, Суманман.

Кулба чиндан ҳам Гажодҳарники эди, лекин у ухлаб ётарди. Суманга ҳеч қандай жавоб бўлмади.

<sup>1</sup> Ҳинд таълимоти бўйича фалак умрининг тўрт даври номлари (тарж.).

Суман юрак ютиб кулба ичига мўралади. Олов ёнар ва Гажодҳар адёлга ўраниб уйқуни урарди. Суман ҳайрон бўлди: ахир у ҳозиргина кириб кетган эди, бунча тез қандай ухлаб қолди экан? Анави фонус қани? Баланд овозда: «Бегим!» деди.

Гажодҳар туриб ўтирди ва ҳайратли нигоҳ билан Суманга боқди. Бир дақиқагача диққат билан разм солиб турди-да, сўнг:

- Ким? Суман? – деди:

С у м а н: - Ҳа, бегим, менман.

Г а ж о д ҳ а р: - Ҳозир сени тушимда кўраётган эдим.

Суман таажжубланиб деди:

- Сиз ҳозиргина кулбага кирган эдингиз-ку, – таажжубланди Суман.

Г а ж о д ҳ а р: - Йўқ, ухлаганимга анча бўлди. Кулбадан чиққаним ҳам йўқ-ку. Ҳозир тушимда кўриб тургандим сени.

С у м а н: - Мен бўлсам сизнинг орқангиздан эргашиб Ганга соҳилидан келаяпман. Қўлингизда фонус билан қаршимдан келаётгандингиз.

Гажодҳар жилмайиб деди: - Сенга шунақа туюлган.

С у м а н: - Шунақа туюлган бўлса кўрмай-билмай туриб бу ерга қандай етиб келардим? Дарё бўйида бир ўзим, ким мени қўллар экан, деб ўйлаб ўтиргандим. Худога, ўзинг раҳм айла, деб илтижолар қилдим. Шу пайт ўша ерга сиз бориб қолдингиз ва менга кўп яхши насиҳатлар бердингиз. Сиздан сўрайдиган анча-мунча гапларим бор эди, бироқ сиз кўринмай қолдингиз. Шу-шу орқангиздан чопдим. Бу сирга сира ақлим етмайди. Илтимос, ўзингиз тушунтириб беринг.

Г а ж о д ҳ а р: - Эҳтимол, шундай бўлгандир, бироқ бу гапларни ҳали сен тушунмайсан.

С у м а н: - Сизнинг қиёфангизга кириб, мени сизнинг паноҳингизга олиб кирган битта-яримга илоҳ бўлмаса керак?

Г а ж о д ҳ а р: - Шундай бўлиши ҳам мумкин. Сен айтган нарсаларни мен тушимда кўраётган эдим ва сенга худога така қилиш ҳақидаги насиҳатларни бераётган эдим. Суман, сен мени яхши биласан, сен менинг қўлимдан кўп азият тординг, қийналдинг. Биласан, мен ўта пасткаш, разил одамман, аммо ўзимнинг ўша пасткашликларимни эсласам, ўзим ғалати бўлиб кетаман. Сен ҳурматга лойиқ аёл эдинг, мен сени беҳурмат қилдим. Сенинг бундай ҳолга тушишинг, бизларнинг бу азобларимизга асл сабаб шу. Қавмимиз хотинлари иззат-ҳурмат қилинадиган кунни худо бизга қачон насиб этдираркин? Кир-чир, йиртиқ-ясқоқ кийимлар кийиб ҳам, зар-зеварсиз ҳам, ярим оч яшаб ҳам, кулбаларда туриб ҳам, минг турли азоб-укубатларни чекиб ҳам тўрт кунлик умрини ҳаловатда кечирадиган пайт бўлармикин? Фақат уйдагина у ҳурматга сазовор бўлиши керак, уни севиш керак. Ҳурмат ё муҳаббатга сазовор бўлмаган аёл шоҳона қасрда ҳам бахтли бўлолмайди, лекин мен илму урфондан узоқ бир зулматли муҳитга тушиб қолгандим. Бировларга мурувват кўрсатишга қурбим етмасди. На илмим, на маърифатим, на садоқатим, на тангрига имоним бор эди. Мен ўз маслақдошларимга хизмат қилишга азму қарор этгандим. Шу йўл менга энг осон бўлиб кўринганди. Шундан бери мен баҳолиқудрат шу йўлдан юриб келаяпман ва энди билаяпманки, мурувватнинг йўллари хилма-хил бўлгани билан барчаси бир жойга бориб тугашар экан. Мен шу йўлни ихтиёр этиб хотиржам бўлдим ва сен ҳам шу йўлни ихтиёр этсанг, жуда аъло иш қилган бўлур эдинг. Мен сени беваҳонада кўрдим, Саданнинг уйида кўрдим, қаерда бўлмагин, хизматга муккасидан кетган бўлардинг. Сен учун худодан фақат шуни тилар эдим. Юрагингда раҳм-шафқат бор, муҳаббат бор, меҳр бор, худога ихлос қўйишнинг асосий воситалари мана шулардир. Сен учун худо даргоҳининг эшиклари очил. У сени ўзи томон чорляпти. Бу даргоҳга қадам ранжида қил, худо сендан марҳаматини дариф тутмагай.

Суман Гажодҳарнинг чеҳрасида табассум жилва қилганини кўрди. Унинг юрагида бир ажиб ихлос ва садоқат туйғуси жўш уриб кетди. У, бегимнинг қалби раҳм-шафқат ва муҳаббатга қанчалар тўлиқ! Оҳ! Мен эримни ҳақорат қилдим. Уларнинг хизматларини қилиб юрганимда ҳаётим ағдар-тўнгар бўлиб кетмас эди, деб ўйлади. Сўнг овоз чиқариб гапирди:

- Бегим, сиз менинг учун тангри тимсолидирсиз, мени фақат сиз қўллай

оласиз. Мен ўзимнинг жонимни ҳам, жисмимни ҳам сизга фидо этаман. Бир гал шундай онг ичган ҳам эдим, бироқ жаҳолат туфайли мен унга риоя этмадим. Ундаги онг юрагимдан чиқмаганди. Бутун мен астойдил шундай онг ичмоқдаман. Сиз менинг қўлимдан тутган эдингиз, энди гарчанд гуноҳқор бўлсам-да, аммо сиз ўз саховатингиз ила мени тўғри йўлга бошлагайсиз.

Гажодҳар шу аснода Суманнинг чеҳраси соф муҳаббат ёлқинида гул-гул ёнаётганини кўрди. У галати бўлиб кетди. Неча йиллардан бери юракнинг бир четида беркиниб ётган ҳис жўш урди. Юрагида бахт ва шодлик туйғулари қайта ниш урди. Кечирган ҳаёти туссиз, маъносиз, завқ-шавқдан холидек туюла бошлади. Янги орзулар уни чўчитиб юборди. Агар кўнглимда шу фикрлар ўрнашиб қолгудек бўлса, чеккан риёзатларим, тутган рўзаларим ва худо йўлида қилган тоат-ибодатларим сувга уриб кетади-ку, деган шубҳага борди.

- Бу ерда бир етимхона очилганидан хабаринг борми? – деб сўради.

С у м а н: - Ҳа, эшитгандай бўлувдим.

Г а ж о д ҳ а р: - Бу етимхонада асосан фоҳишалар бизга топширган ҳалиги қизлар бор. Ҳаммаси бўлиб элликтача қиз бўлса керак.

С у м а н: - Бу сизнинг насиҳатларингиз натижасими?

Г а ж о д ҳ а р: - Йўқ, ундай эмас. Бу пандит Падмасинҳ ҳаракатларининг шарофатидан. Мен бор-йўғи уларнинг хизматкориман, холос. Бу етимхона учун бир пок юрак инсон зарур, ана шундай инсон сен бўласан. Мен роса қидирдим, бироқ бу ишни сидқидилдан бажарадиган, қизларни она каби парвариш қиладиган ва меҳри билан уларнинг ўз оналари ўрнини боса оладиган биронга аёлни учратмадим. Улар касал бўлиб қолса, улардан хизматини аямаса, сийдик-ахлатларини кўриб йирганмаса, ўз ҳулку одоби билан уларга ибрат бўлиб, олдинги ёмон одатларини ташлаб, яхши ҳаёт кечиринларига ишонч уйғотса. Фарзанд меҳрисиз бу мақсадга эришиб бўлмайди. Худо сендан ақлу заковатни аямаган, қалбинг меҳр-шафқатга, иймонга лиммо-лим ва сенигина бу вазифанинг уддасидан чиқа оласан. Менинг шу илтимосимга рози бўласанми?

Суманнинг кўзларига ёш қалқди. Мен тўғримда етилган бир авлиё шундай хаёлларга борса-я, шунга ўйлаб юраги тўлиқиб кетди. Унга шунчалик ишонч билан қарашади ва у хизмат қилишдек катта фаҳрга эга бўлади деб унинг хаёлига ҳам келмаганди. Гажодҳарга худодан шундай ваҳий келганига у шубҳа қилмаётганди. Кечагина эмасмиди, кўчада лой-тупроққа беланган болани кўрса юзини тескари буриб оларди? Аммо Гажодҳар уни ишонтиролди, дилидаги нафратни бартараф этиб, ўрнига муҳаббат туйғусини тўлдирди. Биз ўзига ишонадиганларни ҳеч қачон хафа қилишни истамаймиз ва кучимиз етмайдиган юкни кўтаришга ҳам жаҳд қилаверамиз. Ишончдан ишонч ҳосил бўлади. Суман ўта одоб билан деди:

- Сизлар мени шу ишга муносиб санабсизлар, бу мен учун катта бахт. Бирон-бир одамнинг корига яраш, бирон-бир кишининг хизматини қилиш менинг ушалмас орзум эди. Мен сиз ўйлаганчалик даражага етолмасдирман, аммо мен баҳоли қудрат айтганларингизга риоя қиламан.

Шундай дея Суман жим бўлиб қолди. У бошини солинтирди ва кўзлари пирпиради. Сўз билан айтиб бўлмайдиган нарсаларни юз ифодаси билан зоҳир этди. У гўё, менга бу қадар ишонч билан қараб, чексиз марҳаматлар кўрсатдингиз, деётгандек эди. Мендай тубан, бадахлоқ аёл қаёқдаю бундай улуг инсон қаёқда! Аммо худо хоҳласа сизнинг бу ишончингизни қабул айлаб, пушаймон қилмаслигимга ишонаман.

- Шундай дейишинингга билардим. Худо ўзи сени ёрлақасин!

Шундай дея Гажодҳар ўрнидан турди. Тонг бўзариб келарди, булбул овози янграмоқда эди. Гажодҳар қовоқ идишини олди-да, гусл қилгани Ганга томон одимлаб кетди.

Суман кулбадан чиқди-да, биз уйқудан туриб қарагандек, атрофга разм солди. Қанчалик сўлим, қанчалик осуда, қанчалик илҳомбахш эди ушбу он! Хўш, унинг келажаги ҳам шундай бўлармикин? Унинг ҳам келажак тонги отармикин? Унда ҳам тонг шафаги жилваланармикин? Куёш чарақлармикин? Ҳа, худди шундай бўлади, бўзариб келётган мана бу тонг аслида унинг тақдиридаги чинакам порлоқ тонгнинг даракчиси эди.

## 56

Орадан бир йил ўтди. Пандит Мадансинҳ аввал зиёратга жўнашни кўнглига тутиб қўйганди. Саданнинг уйида бир кун ҳам қололмасак керак, тўғри Бадринатга бориб, ўша ерда бирийўла ҳордиқ чиқарамиз, деб ўйлаганди. Бироқ Садан келгандан буён у зиёратга боришни умуман оғзига олмай қўйди. Неварасини барига олганча қарздорларнинг қарзларини ҳисоблар, далаларни кўздан кечирарди. У мол-дунёга янада қаттикроқ берилиб кетганди. Ҳа, Бҳама энди бир оз ўзидан тинган. Қўшни хотинлар билан гап сотиш вазифасидан бошқа барча ишларни Шангага ташлаб қўйган.

Пандит Падмасинҳ маҳкамадан кетди. Ҳозир у муниципалитетда бош ходим. Бу ишни у жуда яхши кўрарди, шаҳар кундан-кун чирой очмоқда. Бир йил ичида бир қанча янги кўчалар, янги боғлар барпо этилиб, ишга туширилди. Энди у шаҳар ташқарисидан извош ва машина ҳайдовчилар учун бир маҳалла барпо этишни ўйлаб юрибди. Унинг олдинги кўшгина дўстлари энди мухолифга айланган ва олдинги қанчалаб мухолифлари билан энди апоқ-чапоқ бўлиб кетган эди, аммо Виттҳалдос ҳазрати олийларига нисбатан ҳурмати кундан-кун ортиб бормоқда эди. У Виттҳалдосга муниципалитетдан бир катгароқ лавозим олиб бермоқчи бўларди, бироқ Виттҳалдос кўнмаётганди. У манфаатсиз иш қилиш онтини бузгиси келмасди. У амалдор бўлиб четдан туриб қилганчалик фойдали иш қилиб бўлмайди деб ҳисобларди. У ташкил қилган бевахона шу кунларда айни авж палласида бўлиб, муниципалитетдан махсус ёрдам олиб турарди. Шу кунларда деҳқонларга ёрдам кўрсатиш учун бир жамғарма тузишга бел боғлаган, токи деҳқонлар озгина қарз эвазига дон-дун ва пул олиш имкониятига эга бўлишсин. Бу савобли ишда Садан Виттҳалдос бобунинг ўнг қўли бўлиб олган.

Саданга ўз қишлоғида туриш ёқмади. У Шантани ўша ерда қолдириб, яна Ганга соҳилига келиб олган эди. Ҳозир унинг ишлари беш – даромад яхши унмоқда эди. Ҳозир унинг бешта қайиғи бўлиб, улардан ҳар ойда неча юзлаб рупия фойда олмоқда. Энди у буғ билан юрадиган кемача олишни мўлжаллаб юрибди.

Авлиё Гажодҳар кўпинча қишлоқма-қишлоқ кезиб юради. У ҳаётини қишлоқларнинг қизларига ёрдам беришга бағишлаган. Шаҳарга келса ҳам икки ё уч кундан ортиқ турмасди.

## 57

Картик ойи эди. Падмасинҳ хотини Субҳадрани Гангада гусл қилгани олиб кетган эди. Қайтишда улар Алайпур томондан келишаётганди. Субҳадра машина ойнасида ташқарига мўралар экан, бийдай далада одамлар қандай яшаркин, зерикишмасмикин, деган ўйлар кечмоқда эди. Шу топ бир чиройли уй кўриниб қолди, унинг дарвозаси тепасига йирик-йирик ҳарфлар билан «Филойи» деб ёзиб қўйилганди.

Субҳадра эридан сўради:

- Суман Бойининг иш жойи шу ердами?

Падмасинҳ маънос оҳангда:

- Ҳа, - деди. У нега ҳам шу йўлдан юрдим, энди у албатта ичкарига кириб кўради, мен ҳам киришга мажбур бўламан, яхши бўлмади, деб пушаймон қила бошлади. Падмасинҳ шу пайтгача бирон марта бу даргоҳга қадамини босмаганди. Гажодҳар уни олиб келишга кўп уринди, лекин у ҳар гал бирон нарсани баҳона қилиб орқага ташлайверарди. У бошқа ҳар қандай нарсага йўқ демасди, аммо Суманнинг олдига бориш унинг учун жуда оғир эди. У Суманнинг билагузукни бераётиб айтган сўзларини сира эсдан чиқаролмасди. Ўшандан буён уялгани учун ҳам ўзини Сумандан олиб қочар эди. Саломатли ва хушхулқ бир аёл фақат менинг бадкорлигим туфайли ёмон йўлга кириб кетган деган ўйни сира миясидан чиқариб ташлолмасди – уни мен қудуққа ташладим!

- Машинани тўхтатинг, уни бир кўрай, - деди Субҳадра.

П а д м а с и н ҳ: - Бугун кеч бўлди, бошқа бирон куни келармиз.



С у б ҳ а д р а: - Ана борамиз-мана борамиз деб бир йилдан бери судрай-сиз. Бундан кейин яна қачон вақт бўлади-ю...

П а д м а с и н ҳ: - Киришга-ку йўқ демайман, фақат кеч қоламиз деб кўрқаяшман. Соат тўққиз бўлди, ахир.

С у б ҳ а д р а: - Кеч қолмаймиз, бир пасда қайтиб чиқамиз.

П а д м а с и н ҳ: - Бўпти, сен кира қол, кечқурунгача истаган вақтингда уйга қайтарсан. Мен кетдим. Машинани сенга ташлаб кетаман. Йўловчи машинани кира қиларман.

Субҳадра эрининг бу лўттибозлиги сабабини англади. У «Жагат» газетасида «Фидойи» ширкати ҳақидаги мақтов мақолаларини ўқиганди. Пандит Прабҳакар Рао шу кунларда «Фидойи» ширкатида жуда мурувват кўзи билан қарамокда эди. Бинобарин, Субҳадрада бу ширкатга нисбатан хайрихоҳлик пайдо бўлган ва Суманни чин юракдан яхши кўриб қолган эди. У Суманни бу янги муҳитда кўришни истарди. Суман шунчалик тубанлашиб кетганига қарамай, газетада қандай қилиб уни мақтаб мақола ёзишганига ҳайрон қолмоқда эди. У эрини бир буровга олай ҳам деди, бироқ отбоқари шу ерда турганидан ортиқ бир нарса деёлмади. Машинадан тушди-да, бинога кириб кетди.

У айвонга етиши ҳамон бир аёл ичкарига кириб Суманга унинг келганини хабар қилди ва ҳаял ўтмай Субҳадра Суманнинг пешвоз чиқиб келаётганини кўрди. Зар-зеварсиз, пардоз-андозсиз Суманга кўзи тушиб, у ҳайратдан донг қотиб қолди. Унда на ҳалиги назокат, на нозу адо, на табассумдор нигоҳу на ёқутдек қип-қизил дудоқлар қолганди. Хусни жамол ўрнида покиза тароват жилва қиларди. Суман яқин келиб, Субҳадранинг оёғига йиқилди ва кўзларига ёш олиб деди:

- Келинпошша, сизни бу ерда кўриб, бошим кўкка етди.

Субҳадранинг кўзлари намланди. У Суманни кўтариб бағрига босди ва титроқ товушда деди:

- Сингилжон, анчадан бери келмоқчи бўлиб юрардим, бироқ сира кунт қилиб келолмадим.

С у м а н: - Падмасинҳ ҳам бормилар ё бир ўзингиз келдингизми?

С у б ҳ а д р а: - Бирга эдилар, бироқ шошиб турувдилар, шунинг учун бошқа машина қилиб жўнаб кетдилар.

Суман хомуш тортиб деди:

- Қаёққа ҳам шошар эдилар, бу ерга киришни хоҳламаганлар-да. Қанчалик бахти қароман! Ҳамма гап шундаки, ўзлари ташкил қилган мурувват уйига мен туфайли киришдан ҳазар қиладилар. Сиз билан иккаловингизнинг бир мартагина бу ерга келишингизни чин дилдан орзу қилиб юрардим. Бугун орзумнинг ярми ушалди, вақти келиб қолган ярми ҳам ушалиб қолар. Ушанда ўзимни одамдай ҳис қиламан.

Шундай дея Суман Субҳадрага ичкарини кўрсата бошлади. Бинода беш катта-катта хона бор эди. Биринчи хонада тахминан ўттиз нафар қиз ўтириб, нимадир мутолаа қиларди. Уларнинг ёши ўн иккидан ўн бешгача бор эди. Муаллима Субҳадрага кўзи тушиши билан келиб, у билан қўл бериб кўришди. Суман иккаласини бир-бирига танишпирди. Муаллима Рустамоғанин хотини эканини эшитиб, Субҳадра ҳайрон бўлди. Ҳар куни икки соатга келиб, бу ерда қизларга дарс бериб кетар экан.

Иккинчи хонада ҳам шунча қиз бор эди. Уларнинг ёши саккиздан тортиб ўн иккигача эди. Улардан бири кийим тикар, бири бичар ва яна бири ёнидаги қизга матони кийиб берарди. Бу ерда ҳеч қандай муаллима йўқ эди. Бир кекса тикувчи чол ишларди. Суман қизлар тиккан кўйлак, нимча ва ҳоказоларни Субҳадрага намоиш қилди.

Учинчи хонада ўн беш-йигирматача кичкина-кичкина қизалоқлар бор эди, улар нари борса беш ёш бўлиб, ундан катта эмасди. Улардан баъзилари кўғирчоқ ўйнар, баъзилари девордаги сувратларни томоша қиларди. Суман бу хонадаги қизалоқларга ўзи мураббийлик қиларди.

Субҳадра бу ердаги тартиб-интизом, осудалик ва қизларнинг одоб-хушмуомалалигини кўриб роса суюнди. У кўнглида ўйлади: «Суман бир ўзи шундай катта даргоҳни эплайпти, бу менинг сира ҳам кўлимдан келмасди. Биронта хафа ё норози бўлган қизни кўрмадим».

Суман деди:

- Бу вазифани зиммамга олишга олдим-у, аммо эшлаб кетишга кўзим етмайди. Одамлар қандай маслаҳат берса, шундай қилиб турибман. Сиз ҳам қандай камчилик кўрсангиз, бемалюл айтаверинг. Бу менга ёрдам бўлади.

Субҳадра кулиб деди:

- Сингилжон, мени хижолат тортдирманг, мен нимаики кўрган бўлсам, барчасидан лол қолиб ўтирибман. Сизга қандай маслаҳат берардим, фақат шуни дангал айта оламанки, бу ердаги тартиб-интизом бевахонада ҳам йўқ.

С у м а н: - Айтгани андиша қилаяпсиз.

С у б ҳ а д р а: - Йўқ, тўғриси айтаяпман. Қандай эшитган бўлсам, ундан ҳам ортиқроқ эканини кўрдим. Ҳа, дарвоқе, бу қизларнинг оналари уларни кўргани келишадими ё йўқми?

С у м а н: - Келишади, лекин мен иложи борича уларни кўриштирамасликка ҳаракат қиламан.

С у б ҳ а д р а: - Улар қаерда турмуш куришади?

С у м а н: - Ана шуниси сал чатоқ. Бизнинг вазифамиз бу қизларни қўлоёғи чаққон рўзгор бекаси қилиб тайёрлаш. Одамлар уларнинг қадрига етадим, йўқми, буни айтолмайман.

С у б ҳ а д р а: - Рустамоганинг хотини бу ишни жуда яхши кўради.

С у м а н: - Айтганча, мурувват уйининг хўжайини ўша хоним бўладилар, мен фақат уларнинг айтганларини бажараман, холос.

С у б ҳ а д р а: - Нима ҳам дердим, қўлимдан ҳеч нарса келмайди, бўлма-са мен ҳам бу ерда бирон иш қилган бўлар эдим.

С у м а н: - Озиб-ёзиб энди келдингиз, бунинг устига Падмасинҳни хафа қилиб қўйибсиз. Энди у киши сизни бу ёққа сира ҳам юбормайдилар.

С у б ҳ а д р а: - Йўқ, келаётган яқшанба куни мен уларни албатта олиб келаман. Бўлди, мен қизларга пон ўрашни ва овқат пиширишни ўргатаман.

С у м а н: - (кулиб.) Бунақа ишларни қизларимиз қандай дўндиришини кўриб ўзингиз тан берасиз ҳали.

Шу пайт ўн нафар чиройли кийинган қиз пайдо бўлди ва Субҳадранинг қаршисига туриб ёқимли овозда қўшиқ куйлай бошлади.

Субҳадра қўшиқни эшитиб баҳри дили очилиб кетди ва қизларга беш рупия инъом қилди. У йўлга туша бошлагач, Суман мулоийм оҳангда деди:

- Шу яқшанбада йўлингизни пойлайман.

- Мен албатта келаман.

С у м а н: - Шанга яхши юрибдимми?

С у б ҳ а д р а: - Ҳа, хат келган эди. Садан бу ерга келмадимми?

С у м а н: -Йўқ, лекин ойига икки рупия бадал юбориб туради.

С у б ҳ а д р а: - Сиз ўтираверинг, мен энди борай.

С у м а н: - Келганингиздан жуда-жуда миннатдорман. Сиз жудаям меҳрибон, садоқатли, ишнинг кўзини биладиган ажойиб инсонсиз, қайси бирини айтай! Сиз чиндан ҳам аёллар ичида энг зебосисиз. (Кўзига ёш олиб.) Мен ўзимни сизнинг чўрингиз деб биламан. То кўзим очиқ экан, сизларнинг дуойи жонингизни қиламан. Қўлимдан ушлаб, чўкишдан сақлаб қолдиларингиз. Парвардигор сизларни доим ўз паноҳида асрасин...

Тамом.

Ҳинд тилидан  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
таржимаси.



## Демократия нима дегани?

**Б**из озодлик ва демократия чақириғи Ер курраси узра акс-садо бераётган бир пайтда яшаймиз. Шарқий Оврўпа ярим аср давомида ҳукм сурган тоталитар давлат тузумини ағдарди, собиқ Совет Иттифоқи республикалари эса салкам 75 йил мобайнида тазйиқ ўтказган коммунистик тузумни илгари ўзлари татиб кўрмаган янги демократик тузум билан алмаштириш йўлида курашмоқдалар. Аммо Оврўпада содир бўлаётган фавкулуддаги сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ аҳвол танглиги бутун дунё халқларини кенг қўламда сафарбар этишга эришган демократия келажагига ғов бўлмоқда. Шимолий ва Жанубий Америка эндиликда Ер куррасининг демократик яримшарига айланди; Африка мисли кўрилмаган демократик реформалар даврини бошидан кечирмоқда; Осиёда демократиянинг янгича, серҳаракат шакллари илдиз отмоқда.

Дунёни қамраб олган мазкур ҳодиса, замонавий либерал демократия фақат Ғарб заминига хос бўлиб, ўзга, ғарбий бўлмаган мамлакатларда муваффақият билан қайтарилиши мумкин эмас, деб шубҳаланувчиларнинг ишончига пулур етказмоқда. Демократиянинг дунё миқёсида Япония, Италия ва Венусуэла каби турли давлатларда ҳаётга татбиқ этилгани демократик тузилмалар озодлик ва ўзини-ўзи идора этиш борасида инсониятнинг умумий саъй-ҳаракатларини амалга оширишида етакчи аҳамият касб этиши табиийдир.

АҚШнинг “Фридом-хаус” номли тадқиқотлар ташкилоти ҳар бир мамлакатни демократиянинг икки энг муҳим мезони — сиёсий эркинлик ва граждан ҳуқуқларига кўра баҳоловчи йиллик ҳисоботини нашр этди. 1990-91 йиллар мобайнидаги вазиятни таҳлил этиб, “Фридом-хаус” дунёнинг 165 мустақил давлатларидан 65 таси, яъни Ер курраси жами аҳолисининг 39 фоизи барқарор озод бўлганини таъкидлайди. Мазкур давлатлар қаторига қисман озод деб баҳоланувчиларни қўшса, уларнинг сони 115 га етади. Бу эса Ер юзи аҳолисининг 67 фоизидан ортиғини ташкил этади. Илк бор “озод мамлакатлар ва эркин жамиятда яшовчи аҳоли сони озод бўлмаган мамлакатлар ва уларнинг аҳоли сонидан ошиб кетди”, — деб алоҳида таъкидлайди “Фридом-хаус”.

Аммо сўнгги ўн йил давомида озодлик ҳаракатининг авж олиши унинг узил-кесил ғалабасини таъминлади деган гап эмас. Вандербилт университетининг маориф ва давлат сиёсати профессори, Мумтоз таълим Тармоғи директори Честер И.Финн кенжа Манагуа (Никарагуа)да бир гуруҳ маориф ва давлат хизматчилари олдида сўзга чиқиб, шундай деди: “Дарҳақиқат, инсоният озодликни жабр-зулмдан афзал кўришини табиий бир ҳол сифатида қабул қилиш мумкин. Аммо шу билан демократик сиёсий тузумлар барпо этилиб, замонлар узра ўзлигини сақлаб қолади, деб умид билдириш ҳам ўринли бўлмасди. Аксинча, Демократия ғояси собит бўлгани билан, амалда у хавф-хатардан холи эмас”.

Бутун демократик қадриятлар қайта тикланаётган бўлиши мумкин, аммо инсоният тарихининг 18-аср сўнгида содир бўлган француз инқилобидан то 20 аср ўрталарида ўрнатилган бирпартияли тузумларнинг мустаҳкамланишига қадар ўтган даврга назар ташласак, аслида демократик давлатлар сони унчалик кўп бўлмай, уларнинг аксарияти қисқа муддат яшагани аён бўлади. Бу ҳол

Мақола АҚШнинг «Ахборот бўлими»да тайёрланиб нашр қилинган рисоладан кўчириб босилаётир.

умидсизлик ёхуд руҳий тушкунликка сабаб бўлолмайди; аксинча, бу бир нидодир. Озодликка интилиш туғма туйғу бўлиши мумкин, ammo демократияни амалга оширишни ҳали ўрганмоқ лозим. Тарих қудрати озодлик ва имкониятлар эшигини келажакда ҳам очадими-йўқми, тарихнинг букилмас қонуниятлари ёхуд ўзини-ўзи тахтга ўтказган қаллоб ҳокимларнинг сохта савоби ошкорасидан эмас, балки инсонларнинг ихтиёр этилган мақсадга содиқлиги ва барчанинг донолигидан келиб чиқади.

Баъзи қарашларга зид равишда, соғлом демократик жамият — айрим шахслар ўз манфаатларини кўзлаб, ҳаракат қилувчи бир майдон дегани эмас. Қўлга киритилган озодликлар асосида жамият ҳаётида ишгирик этишга интилган, ижтимоий баҳсларга қатнашган, ўз хатти-ҳаракатлари учун сайловчилар олдида ҳисобот берувчи вакилларни танлашда қатнашган ва инсонлар орасида сабр-тоқат ва муроса лозимлигини тушунган фуқаролар томонидан ардоқланган тақдирдагина демократия гуллаб-яшнайдди. Демократик давлат фуқаролари шахсий озодлик ҳуқуқидан баҳраманд бўлиш билан бирга, бошқалар билан ҳамжиҳатликда озодлик ва ўзини-ўзи идора этиш аввалгидек эъзозланадиган келажак асосини яратиш борасида ҳам баб-баробар масъулдилар.

## ДЕМОКРАТИЯ ТАЪРИФИ

### *Халқ ҳокимияти*

Демократия сўзи кўпчиликка маълум бўлишига қарамай, тоталитар тузумлар ва ҳарбий диктатуралар сохта равишда демократик либосларга бурканиб, халқ мададига таянишга уринган бир дамда, тушунча сифатида ҳалигача ҳам бузиб талқин этилиб, нотўғри қўлланилади. Шу билан бирга, қадимги Афинадаги Периклдан тортиб бугун Чехославакияда фаолият кўрсатувчи Вацлав Гавелгача, Томас Жефферсоннинг 1776 йилда қабул қилинган мустақиллик Декларациясидан то 1989 йилги Андрей Сахаровнинг сўнгги нутқларига қадар демократик ғоя қудрати инсоният тарихида энг мукамал ва таъсирчан ирода ва ақлий интилишларни юзага келтирган.

Луғатда таъриф берилишича, демократия дегани “халқ томонидан идора этиш бўлиб, олий ҳокимият халқ қўлига топширилади ва халқ уни ё бевосита, ё эркин сайловлар ёрдамида ўзи сайлаган вакиллари орқали амалга оширади”. Авраам Линкольн айтганидек, демократия — “халқ учун халқ томонидан амалга ошириладиган халқ ҳокимиятидир”.

Озодлик ва демократия сўзлари кўпинча ўзаро тенг маъноли тушунчалар сифатида ишлатилса-да, улар синоним эмас. Дарҳақиқат, демократия — озодлик ҳақидаги ғоя ва принциплар йиғиндиси бўлиши билан бирга, узоқ муддатли ва аксарият ҳолларда изтиробли тарих жараёнида шаклланган амалий қоида ва расм-русумларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Бир сўз билан айтганда, демократия — озодликни расман қонунлаштириш дегани. Шу сабабдан, вақт чиғиригидан ўтган ва ҳар бир жамиятга мансуб бўлиши шарт бўлган конституцион ҳокимиятнинг асосий принципларини, инсон ҳуқуқлари ва қонун олдида барчанинг тенглиги ақидаларини сира иккиланмай демократия деб аташ мумкин.

Демократия икки асосий туркумга бўлинади — бевосита ва ваколатли. Бевосита демократияда барча фуқаролар сайланган ёки тайинланган расмий вакиллар воситачилигисиз ижтимоий қарорлар чиқаришда қатнашишлари мумкин. Мазкур тизим ўз-ўзидан аёнки, фақат нисбатан камсонли жамиятда, масалан, барча аъзолари келишув ёки кўпчилик овоз билан масалани муҳокама этиб, қарор қабул қилиш учун бир жойда тўплана оладиган жамоа ёки қабила кенгашларида, ёхуд касаба уюшмасининг маҳаллий кўмиталарида амалий жиҳатдан татбиқ этилиши мумкин. Қадимги Афинадаги дунёнинг илк демократияси, эҳтимол аҳолини бир жойда тўплашга имконияти бўлган энг кўпсонли — беш-олти минг кишилик йиғинлар орқали бевосита демократияни амалда татбиқ этишга эришгандир.

Аҳолининг кўплиги ва таркибан мураккаблиги туфайли замонавий жамиятларнинг бевосита демократияни татбиқ этиш борасидаги имкониятлари

тор. Ҳатто Янги Англия шаҳар кенгашини муқаддас анъана деб эъзозлаган Америка Қўшма Штатларининг шимоли шарқидаги аксарият жамоалар шу қадар йириклашиб кетдики, барча аҳоли бир жойда тўпланиб, ўз ҳаётларига оид масалаларни бевосита овоз бериш билан ҳал этишининг иложи бўлмай қолди.

Бугун, 50 минг киши яшайдиган шаҳар учун ҳам, 50 миллион аҳолиси бор мамлакат учун ҳам демократиянинг энг кенг тарқалган шакли ваколатли демократия бўлиб, фуқаролар сиёсий қарорлар қабул этиш, қонунлар ишлаб чиқиш ва ижтимоий фаровонликка қаратилган дастурларни ҳаётга татбиқ этиш учун расмий вакиллар сайлайди. Мазкур вакиллар, халқ номидан, мураккаб ижтимоий масалалар юзасидан ўйчан ва тартибли равишда фикр юритишлари мумкин бўлиб, бу ҳол аксарият оддий фуқаролар учун кўпинча ноқулайлик туегирувчи вақт ва қобилият тасарруфини талаб этади.

Расмий вакилларни сайлаш йўллари хилма-хил бўлиши мумкин. Умумхалқ миқёсида, мисол учун, қонун чиқарувчи шахслар туманларда сайланиши мумкин ва ҳар бир ноҳия биттадан вакил тайинлайди. Муқобил равишда, мутаносиб ваколат системасида ҳар бир сиёсий партия қонун чиқарувчи органда, давлат миқёсида сайланганларнинг умумий сонига нисбатан фоиз жиҳатига қараб ўрин олади. Маҳаллий ёки туман сайловлари мазкур умумхалқ намуналарига тақлид этиши ёки ўз вакилларини бу қадар расмиятчилик билан эмас, балки сайлов ўрнига гуруҳий келишув ёрдамида ҳам танлашлари мумкин. Қайси усул қўлланишидан қатъи назар, ваколатли демократияда расмий шахслар ўз мансабларини халқ номидан эгаллайди ва барча хатти-ҳаракатлари учун халқ олдида ҳисобот беради.

#### *Кўпчилик овоз қоидаси ва камчилик ҳуқуқлари*

Демократия турлари шундай тузилганки, фуқаролар кўпчилик овоз қоидасига биноан эркин равишда сиёсий қарорлар қабул қилади. Аммо камчиликнинг кўпчиликка бўйсуниб қоидаси ҳар доим ҳам демократик бўлавермайди: мисол учун, аҳолининг 51 фоизи қолган 49 фоизга кўпчилик номидан зуғум ўтказишига имкон яратувчи системани ҳеч ким савобли ёки адолатли ҳисобламайди. Демократик жамиятда кўпчилик овоз қоидаси алоҳида олинган шахс ҳуқуқларининг кафолати билан ҳамжиҳатликда амалга ошиши лозим. Мазкур кафолатлар эса, ўз навбатида хоҳ этник, хоҳ диний, хоҳ сиёсий камчилик бўлсин, ёки баҳсли қонун борасидаги тортишувларда мағлубиятга дучор бўлган камчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Камчилик ҳуқуқлари кўпчиликнинг хайрихоҳлигига қарам бўлолмайди ва кўпчилик овоз билан бекор ҳам қилина олмайди. Камчилик ҳуқуқлари ҳимоя остида бўлади, чунки демократик қонунлар ва мавжуд идоралар барча фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Олима ва адабиётчи, ҳозирги кунда АҚШ маориф вазирининг ёрдამчиси Диана Рэвич Польшада ўтказилган маориф ходимлари семинарига тайёрлаган маърузасида шундай деб ёзган эди: “Давлат ҳокимияти фаолиятини чекловчи ва барча фуқароларга асосий ҳуқуқларининг барқарорлигини таъминловчи конституцияга мувофиқ иш тутувчи ваколатли демократия ҳукмронлигининг мазкур шакли конституцион демократиядир. Бундай жамиятда кўпчилик овоз қоидаси ва камчилик ҳуқуқлари қонун ва қонунни амалга оширувчи идоралар томонидан ҳимояланган бўлади”.

Қайд этилган элементлар тарихий, иқтисодий ва маданий ҳар хиллигидан қатъи назар, барча ҳозирги замон демократиясининг асосий элементларини аниқлайди. Давлат ва жамият тузилишидаги тафовутларга қарамай, конституцион ҳокимиятга хос кўпчилик овоз қоидасининг шахс ҳуқуқлари ва камчилик ҳуқуқлари билан бараварига қўлланиши ва қонун устиворлиги қоидасига риоя этишни Канада ва Коста-Рика, Франция ва Ботсвана, Япония ва Ҳиндистонда кузатишимиз мумкин.

#### *Демократик жамият*

Демократия, ҳукумат қай тариқа фаолият олиб бориши кераклигини белгиловчи конституцион қоидалар ва расм-русумлар доираси билан

чегараланмайди. Демократик жамият ҳукумати ижтимоий тўқиманинг турли идоралари, сиёсий партиялари, ташкилотлари ва уюшмалари билан биргаликда барҳаёт бир элементдир. Бундай хилма-хиллик плюрализм деб аталади ва демократик жамиятда талай уюшган гуруҳлар ва идораларнинг фаолияти, қонунийлиги ёки нуфузи унинг ҳукуматга қарам бўлмаслигини назарда тутади.

Демократик жамиятда минглаб хусусий ташкилотлар — баъзилари маҳаллий, бошқалари эса умумдавлат миқёсида иш олиб боради. Уларнинг кўпчилиги алоҳида шахслар ва ўзлари мансуб бўлган мураккаб ижтимоий ташкилотлар ва ҳукумат идоралари орасидаги муносабатларда воситачилик вазифасини ўтайди. Шу билан ҳукуматга берилмаган мавқени эгаллаб, демократик жамият фуқароларига мансуб ҳуқуқ ва бурчларни рўёбга чиқариш учун алоҳида шахсларга имконият яратади.

Мазкур гуруҳлар ўз аъзоларининг манфаатларини турли йўллар билан ифодалайди. Шулар жумласидан — ҳукумат идораларига номзодларни қўллаш, муҳокамаларда қатнашиш ва сиёсий қарорлар чиқаришга таъсир этишга уриниш. Бундай гуруҳлар ёрдамида одамлар умумдавлат ва ўз жамоалари ҳаётида сезиларли даражада иштирок этиш имкониятига эга бўлишади. Бунга кўп ва турли мисоллар келтириш мумкин: хайрия ташкилотлари ва черковлар, агроф-муҳитни муҳофаза этиш ва қўшничилик асосида бирлашган гуруҳлар, ишбилармонлик уюшмалари ва касаба иттифоқлари.

Авторитар жамиятда мазкур ташкилотларнинг деярли барчаси ҳукумат томонидан назорат этилиб, ундан руҳсат олиши, итоатгўй бўлиши ё бошқа йўл билан ҳисобот бериб туриши лозим. Демократик жамиятда ҳукуматнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари қонун томонидан аниқ белгиланган ва кескин равишда чеклангандир. Натижада, хусусий ташкилотлар ҳукумат назоратидан холи бўлиб, уларнинг кўпчилиги эса аксинча ҳукуматга таъсир ўтказиш ва ҳукуматни ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот беришга ундайди. Санъат, дин ва эътиқод ишлари, илмий тадқиқотлар ёки бошқа масалалар билан боғлиқ қатор гуруҳлар эса ҳукумат билан иложи борича камроқ муносабатда бўлишлари ёки умуман у билан ҳисоблашмасликлари ҳам мумкин.

Демократик жамиятнинг бундай хусусий майдонида фуқаролар, айрим ҳолларда қаттиқ таъсир этувчи ҳукумат назоратидан холи равишда озодлик имкониятларидан баҳраманд бўлиб, ўзини-ўзи идора этиш масъулиятини кашф этишлари мумкин.

## ДЕМОКРАТИЯ УСТУНЛАРИ

- \* Халқ ҳокимияти.
- \* Ҳукуматга тобелар розилигига таянган ҳокимият.
- \* Кўпчилик овоз қоидаси.
- \* Камчилик ҳуқуқлари.
- \* Асосий инсон ҳуқуқларининг кафолати.
- \* Эркин ва адолатли сайловлар.
- \* Қонун олдида барчанинг тенглиги.
- \* Одил суд юритиш.
- \* Ҳукумат фаолиятининг конституция томонидан чекланиши.
- \* Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий плюрализм.
- \* Чидамлилик, омилкорлик, ҳамкорлик ва ўзаро келишув қадриятлари.

## БИРИНЧИ ДЕМОКРАТЛАР

Демократия ўта мураккаб ҳодиса бўлишига қарамай, унинг илк бор вужудга келиш вақтини аниқлаш ҳайратланарли даражада осон: милoddан аввали V асрда Афина шаҳар-давлати. Ўзининг энг машҳур пешволаридан бирининг шарафига номланган Перикл Афинаси келажак авлодларнинг сиёсатдон назариячилари ва давлат арбоблари учун илҳом сарчашмаси бўлиб келди. Аммо ҳозирги кун нуқтаи назаридан Афина демократиясининг кўпгина жиҳатлари галати ва гайритабiiй кўринади.

Милoddан аввали VI-V аср Афинасининг марказий сиёсий идораси ялши

Мажлис бўлиб, одатда, унга 5–6 минг аъзо қатнашган ва шу билан бирга барча балоғат ёшига етган эркек аҳли учун эшиклари очиқ бўлган. (Аёллар, қўллар ва хорижийлар бундан мустасно.) Мажлис ҳеч бир ҳуқуқий чеклашсиз деярли барча ички муаммоларни олдидинга кўпчилик овоз билан ҳал этиши мумкин бўлган. Суд ўз ҳукмини 501 фуқаро маслаҳатчилари ёрдамида чиқариб, айрим шахснинг айбдор ёки айбдор эмаслигини ҳам кўпчилик овоз билан ҳал этган.

Энг хайратомуз тарафи шундан иборатки, Мажлис пешволари сайланмаган, балки ўз толеини синаб, чек ташлашган. Афиналиклар ҳар бир фуқаро давлатни идора этишга қодир деб ҳисоблашган. Бундай олиб қараганда, эгаллиниши мумкин мансаблар кўп ҳам бўлмаган: генераллар бир йиллик муддатга сайланган, бошқа соҳаларда эса Перикл Афинаси президент, премьер-министр, кабинет ёки давоматли хизмат каби барчага маълум ижроия идораларисиз кун кечирган. Қарорлар қабул қилиш оғирлиги деярли фақат Мажлис аъзолари бўлмиш фуқаролар зиммасига юкланган бўлиб, ҳозирги замонда аксарият одамлар бу қадар оғир давлат ишини ўзларига мақбул деб топмасдилар.

Конституцион чеклашларни билмаган Перикл замонидаги Афина аҳли гуруҳбозликка мойил бўлиб, кўпинчалик узоқни кўзлаган ёки суханзабон нотиклар манфаатларига тобе бўлиб қоларди. Айнан ўша демократик Афина аҳли, пировардида, файласуф Сукротни ўлимга маҳкум этди ва шу билан Сукротнинг донғи кетган шогирди ва демократияга жон-жаҳди билан қарши турган Афлотуннинг саркаш адоватига дучор бўлди.

Душманлари адовати ва ички заифлигига қарамай, Афина демократияси асло нозик бир гулдек тез сўлмаган. У салкам 200 йил фаолият кўрсатиб, ҳатто милoddан аввалги 404 йили Пелопонес жангидаги мағлубият натижасида энг қудратли рақиби — Спарта қўлидан ҳам тирик чиқади.

## ҲУҚУҚЛАР

*Барча инсонлар тенг қилиб яратилган, улар Яратувчи томонидан муайян дахлсиз ҳуқуқлар ва шу жумладан, ҳаёт, озодлик ва бахтга интилиш билан таъминланганини биз асл ҳақиқат деб тан оламиз. Айнан шу ҳуқуқларни ҳимоялаш учун инсонлар орасида ҳукуматлар ташкил топган ва улар ўз қудратини ўзлари бошқараётганлар розилигидан олади.*

### *Дахлсиз ҳуқуқлар*

Америка Мусқатиллик Декларациясининг мазкур унутилмас сатрларида Томас Жефферсон ҳокимиятнинг демократик шаклга асосланувчи негизни ифодалашга эришган. Демократик жамият ҳукумати Жефферсон санаб ўтган асосий эркинликларни ҳаёда этмайди; ҳукумат ҳар бир инсон туғилиши ва борлиги туфайли мушарраф бўлган эркинликларни ҳимоя этиш учун яратилади.

XVII ва XVIII аср маърифатпарвар файласуфлари таърифлаганидек, дахлсиз ҳуқуқлар Худо томонидан берилган табиий ҳуқуқлар бўлиб, фуқаролар жамияти барпо этилиши билан барбод бўлмайди ва на жамият, на ҳукумат уларни тортиб ҳам ололмайди, “мусодара” ҳам этолмайди.

Дахлсиз ҳуқуқлар сўз ва ўз фикрларини ифодалаш эркинлиги ва қонун олдида тенг ҳимоя ҳуқуқини ўз ичига қамраб олади. Шу билан демократик жамият фуқаролари баҳраманд бўлувчи ҳуқуқлар саноғи асло тугамайди: демократик жамиятлар одил суд юритиш ҳуқуқи каби фуқаролик ҳуқуқларини таъминлайди ва айни пайтда, ҳар бир демократик ҳукумат ривоъ этишга мажбур бўлган асосий ҳуқуқларни таъсис этади. Мазкур ҳуқуқлар ҳукуматдан мустақил тарзда барқарорлиги туфайли, уларни қонун чиқариш билан ҳам йўқ қилиб бўлмайди ва улар сайланган кўпчиликнинг оний хархашаси туфайли қурбон ҳам бўла олмайди. Мисол учун, АҚШ Конституциясидаги биринчи қўшимча инсонларга диний эътиқод ва матбуот эркинлигини бермайди; биринчи қўшимча сўз эркинлиги, диний эътиқод эркинлиги ва тинчликпарвар йиғилишлар ҳуқуқига дахлдор ҳар қандай қонун чиқаришни Конгрессга ман

этади. Муаррих Леонард Леви айтганидек: “Ҳукуматлари эркин бўлмаган тақдирда ҳам, одамлар эркин бўлишлари мумкин”.

Қайд этилган асосий инсон ҳуқуқларига оид қонун ва расм-русумлар таъбирининг айрим қисмлари шак-шубҳасиз турлича бўлади, аммо ҳар қандай демократия зиммасига улар ҳимоясини таъминловчи конституцион, ҳуқуқий ва ижтимоий тизимларни яратиш вазифаси юкланади.

Сўз

Сўз ва ўз фикрларини ифодалаш эркинлиги ҳар қандай демократиянинг ҳам ҳаётбахш манбасидир. Муҳокама ва сайловда қатнашиш, йиғинларга бориш ва норозилик билдириш, тоат-ибодат қилиш, барчага адолатни бирдай кафолат этиш — шуларнинг ҳаммаси сўз ва маълумотларнинг худудланмаган оқимидан келиб чиқади. “Демократия учун кураш” телесериалининг муаллифи канадалик Патрик Уилсон қайд этганидек: “Демократия дегани ўзаро мулоқотдир: одамлар бир-бирлари билан ўзлари учун муштарақ нарсалар ҳақида гаплашадилар ва ўзаро умумий тақдирларини тоблайдилар. Ўзларини-ўзлари ифода этишга қобил бўлишларидан аввал, одамлар ўзлигини ифодалашда эркин бўлиши шарт”.

Демократик жамият фуқаролари гоёлар ва қарашларнинг эркин алмашуви натижасида, охири, ҳақиқат ёлгонни енгади, ўзгаларнинг қадриятлари яхшироқ тушунилади, ўзаро келишув соҳаларининг доираси аниқроқ белгиланади ва тараққиёт йўли очилади, деган ишонч билан яшайдилар. Бундай алмашув ҳажми қанчалик катта бўлса, шунчалик яхши. Америкалик эссеавис И.Б.Уайт буни қуйидагича ифодалаган: “Бизнинг озод мамлакатда матбуот ўзининг эзгу фазилатларига биноан эмас, балки ўзининг хилма-хиллиги туфайли мустаҳкам ва фойдалидир. Модомики матбуот эгалари кўп экан ва уларнинг ҳар бири ҳақиқат ҳақидаги ўзининг маслағига содиқ экан, биз, халқ, ҳақиқатга эришмоқ ва нурга бурканиб яшамоқ имкониятига эгамиз... Хавфсизлик хилма-хилликдир”.

Авторитар давлатлардан фарқли ўлароқ, демократик ҳукумат ёзма ва оғзаки нутқ мазмунини назорат қилмайди, унга зуғум ўтказмайди ва танбеҳ ҳам бермайди. Демократия иложи борича кенг доирадаги маълумотларга дахлдор зукко ва ўқимишли фуқаролар савиясига боғлиқ бўлиб, бу мақом уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли равишда иштирок этишига йўл очиб беради. Нодонлик лоқайдликка олиб келади, холос. Демократия чекланмаган гоёлар, маълумотлар, қарашлар ва фикр-ўйлар оқимидан баҳраманд инсонлар қудратидан янада яшнаб кетади.

Хўш, ахборот воситалари ёки ўзга ташкилотлар сўз эркинлиги ҳуқуқини суиистеъмол этиб, кўпчилик фикрича ёлгон, бўхтон, масъулиятсиз, қабих ёки тўғридан-тўғри бемаъни маълумот берса, бу ҳолда нима қилиш керак? Умумий жавоб берадиган бўлсак — ҳеч нима. Бундай нарсалар ҳақида бош қотириш ҳукуматнинг иши эмас. Одатда сўз эркинлиги учун даво — янада озод сўз эркинлиги. Бу ақла сиғмас нарса бўлиб кўриниши мумкин, аммо баъзан сўз эркинлиги борасида демократия сўз эркинлигини бўғиш каби нодемократик сиёсат йўлини тугган шахслар ва гуруҳлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиши лозим. Демократик жамият фуқаролари бундай ҳуқуқни ҳимоя қилишади, чунки уларнинг эътиқодича, сўз ва ўзгача фикрлаш бўғиб ташланганидан кўра, очиқ мунозаралар давомида асл ҳақиқат ва доно ижтимоий ҳатти-ҳаракатлар тезроқ юзага келиши мумкин.

Ундан ташқари, бугун менга ёв кўринган сўзни ўчириш, деб таъкидлайди сўз эркинлиги тарафдори, эртага сиз, ёки бошқа бирон шахс ўзига ёв деб ҳисоблаган тақдирда, менинг сўз эркинлигимга ҳам ғов бўлиши мумкин. Бундай қарашнинг ҳимоясига энг ёрқин мисолни инглиз файласуфи Жон Стюарт Милл ўзининг 1859 йили ёзилган “Озодлик ҳақида” эссесига келтириб, сўз эркинлигини бўғиш барчага зиён етказди деб таъкидлаган. “Агарда ўзганинг фикри тўғри бўлса, одамлар ўз хатоларини тўғрилаб, ҳақиқат ўрнатиш имкониятидан маҳрум бўладилар, — деб ёзган Милл, — нотўғри бўлган тақдирда эса, улар... хато фикр билан тўқнашганда ҳақиқат нақадар софлик ва ҳаётбахшлик тарқатишини сезишдан бебаҳра қоладилар”.

Сўз эркинлигининг бевосита натижаси ҳукумат арзларига қулоқ солишини



тинч йўл билан талаб қилиш учун одамларнинг бирга йиғилиш эркинлигида намоён. Бирга йиғилиш ва айтган гаплари эшитилиш ҳуқуқидан маҳрумлик сўз эркинлигининг қадрсизланишига олиб келади. Шу сабабдан, сўз эркинлиги, бирга йиғилиш, норозилик билдириш ва ўзгартишлар талаб қилиш ҳуқуқи бир-бири билан узвий боғлиқ ва деярли даражада айириб бўлмайдиган эркинлик ҳисобланади. Демократик ҳукумат тинчликни сақлаш юзасидан сиёсий йиғинлар ва юришлар ўтказиладиган вақт ва жойларни қонун доирасида тартибга солиши мумкин, аммо норозиликни бартараф этиш ёки ўзгача фикрловчи гуруҳ нидосига тўсқинлик қилиш учун ҳокимиятидан фойдаланиш имкониятига эга эмас.

### *Озодлик ва Имон*

Диний эътиқод эркинлиги ёки кенгроқ олганда, виждон эркинлиги, ҳеч кимни ўз хоҳишига ҳилоф равишда айрим дин ва эътиқодга зўрма-зўраки имон келтиришга мажбур қилиш мумкин эмаслигини билдиради. Бундан ташқари, ҳеч ким у ёки бу динни бошқасидан афзал кўриши ёки умуман ҳеч бир динга имон келтирмаслиги туфайли жазоланиши ёки жарима тўлашга мажбур этилиши мумкин эмас. Демократик ҳукумат, диний эътиқод инсонларнинг шахсий иши деб ҳисоблайди. Айни пайтда, диний эътиқод эркинлиги, ҳеч ким ҳукумат томонидан расмий динни тан олишга мажбур этила олмаслигини ҳам билдиради. Болалар муайян диний йўналишни тутган мактабда ўқишга мажбур этилмайди, ва ҳеч кимдан ўз хоҳишига ҳилоф равишда диний маросимлар ва диний фаолиятда қатнашиш ёки сажда қилиш талаб этилмайди. Мозий тарих ёхуд анъанага кўра, кўпчилик демократик давлатларда ҳукумат томонидан мадад олувчи расман ўрнатилган дин мавжуд. Мазкур факт, бироқ, ҳукуматни расман рухсат этилган диндан бошқасига имон келтирган шахсларнинг озодлигини ҳимоя қилишдан холи этмайди.

### *Фуқаролик: ҳуқуқ ва бурчлар*

Демократиялар халқ ҳукуматга хизмат қилиши учун эмас, аксинча, ҳукумат халққа хизмат қилиши учун мавжуд, деган асосга таянади. Ўзгача қилиб айтганда, халқ — демократик давлатнинг авом раияти эмас, балки фуқаросидир. Қачонки давлат ўз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилса, бунга жавобан фуқаролар ҳам давлатга нисбатан садоқатли бўлади. Айни пайтда, жамиятдан ўзини айри тутган авторитар тузум ҳукумати эса ўз хатти-ҳаракатларига халқдан розилик олиш мажбуриятини бермаган ҳолда, улардан итоаткорлик ва содиқ хизмат талаб қилади.

Демократик жамият фуқаролари, мисол учун, сайловларда қатнашган чоғида, ким улар номидан ҳукм юритишини ҳал этиш борасида ўз ҳуқуқлари ва масъулиятини рўёбга оширади. Авторитар давлатда эса сайловлар, аксинча, тузум ихтиёрини қонунлаштириш учунгина ўтказилади. Бундай жамиятда овоз бериш фуқароларнинг на ҳуқуқ ва на масъулиятини ифода этмай, фақатгина халқ ҳукуматни қўллаб-қувватлашини кўрсатишга қаратилган бир мажбурий томоша вазифасини ўтайди, холос.

Шунга ўхшаб, демократик давлат фуқаролари ўз ихтиёрларига кўра ҳукуматдан мустақил ташкилотларга бирикиш ва ижтимоий ҳаётда эркин фаолият кўрсатиш ҳуқуқидан баҳраманддирлар. Айни пайтда, фуқаролар бундай эркинликдан келиб чиқадиган масъулиятни ҳам ўз зиммаларига олишлари шарт: яъни, мавжуд муаммолардан хабардор бўлишлари, ўзгача фикр юритувчилар билан муомалада чидамли бўлиб, лозим ҳолларда улар билан келиша олишлари керак.

Авторитар давлатда эса, хусусий кўнгилли гуруҳлар кам ёки умуман йўқ бўлиб, борлари ҳам шахсга муҳим масалалар юзасидан мунозараларда қатнашиш ёки ўз ишларини бошқариш имкониятини бериш ўрнига, раиятни итоатда сақлашга қаратилган яна бир ҳукумат тармоғини вужудга келтиради.

Ҳарбий хизмат — демократик ва демократик бўлмаган жамият орасидаги ҳуқуқ ва бурчларнинг ўзгача, аммо айнан ёрқин бир кўрсаткичидир. Икки турли давлат ўз ўғлонларидан тинчлик пайтида муайян мудатли ҳарбий хизмат ўташларини талаб қилиши мумкин. Авторитар давлатда бундай мажбурият бир

тарафлама тарзда юкланади. Демократик давлатда эса бундай ҳарбий хизмат муддати ўзлари сайлаган ҳукумат чегаралаган қонун-қоидалар орқали фуқароларнинг ўз зиммасига олган бурчини билдиради. Ҳар қандай жамиятда ҳам тинч пайтда ҳарбий хизматни ўташ одамлар учун малол келиши мумкин. Аммо демократик давлатнинг аскар-фуқароси жамият кўнгилли равишда ўз зиммасига олган мажбуриятни ўтаётганлик ҳисси билан хизмат қилади. Бунинг устига, демократик жамият аъзолари ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиб, мазкур мажбуриятга қуйидагича ўзгартиришлар киритишга қодир: АҚШ ва қатор мамлакатларда бўлгани каби, мажбурий ҳарбий хизматни бекор этиб, кўнгиллилар армиясини тузиш; яқинда Германияда содир бўлганидек, ҳарбий хизмат муддатини ўзгартириш ёки Швейцарияда рўй берганидек фуқароликнинг муҳим жиҳати сифатида эҳтиёт (резерв) ҳарбий хизматни ўташ.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, фуқаролик бир медалнинг турли томонлари бўлган ҳуқуқ ва бурчларни кенг равишда белгилайди. Инсоннинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши, айна пайтда, ўзи ва ўзгалар учун мазкур ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бурчини ҳам назарда тутаети. Ҳатто ривожланган демократик жамият фуқаролари ҳам кўпинчалик бу тенгликни нотўғри тушуниб, аксарият ҳолларда ўз бурчларини инобатда олманган равишда ҳуқуқларидан фойдаланишга интиладилар. Сиёсатчи олим Бенжамин Барбер таъкидлаганидек, “демократия кўпинча кўпчилик овоз қоидаси деб тушунилади, ҳуқуқлар эса тобора айрим шахсларнинг хусусий мулки тарзида фаҳшланади ва ўз-ўзидан кўпчилик демократиясига қарама-қарши бўлиб чиқади. Аммо бундай фикр юритиш — ҳуқуқлар ва демократиянинг туб моҳиятини тушунмасликдир”.

Инсонлар сўз, мажлислар ва диний эътиқод эркинлиги каби ўзларининг асосий ёки дахлсиз бўлган ҳуқуқларидан фойдаланиши учун демократик асосларга таянган ҳар қандай ҳукумат фаолиятини чегаралаши адолатдандир. Бу жиҳатдан шахс ҳуқуқлари ҳукумат ёки ўткинчи сиёсий кўпчилик томонидан ҳокимиятга суиистеъмол этилишига қарши қурилган бир тўғон сифатида намоён бўлади.

Аммо бошқа жиҳатдан қаралганда шахсларга ўхшаб, ҳуқуқлар ҳам ўзича алоҳида фаолият кўрсатмайди. Ҳуқуқлар шахсларнинг хусусий мулки бўлмай, жамиятнинг ўзга фуқаролари томонидан тан олинган тақдирдагина рўёбга чиқади. Америкалик файласуф Сидней Хук таърифлаганидек, сайловчиларнинг ўзи “ўз озодликларининг гамҳўридир”. Бу нуқтаи назардан қаралганда, фуқаролар томонидан сайланган ва уларга ҳисобот берувчи демократик ҳукумат шахс ҳуқуқларига душман эмас, балки ҳомийдир. Айна ўз ҳуқуқларини мустаҳкамлаш учун демократик жамият фуқаролари ўз зиммасига мажбуриятлар олиб, бурчларини адо этади. Умуман олганда, мазкур бурчлар демократик жараёнда ишгирик этишни назарда тутиб, унинг фаолиятини таъминлайди. Фуқаролар, лоақал, юқори мартабали давлат мансабларига била туриб номзодлар сайлашлари учун жамият олдида турган муаммолардан хабардор бўлишлари керак. Фуқаро ёки жиноий ишлар юзасидан суд маслаҳатчилари сифатида қатнашиш каби мажбуриятлар қонун томонидан белгиланган бўлиши ҳам мумкин, аммо уларнинг аксарият қисми кўнгилли равишда бажарилади.

Демократик фаолият моҳияти фуқароларнинг ўз жамоаси ва мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол ва ўз хоҳишига қўра ишгирик этишдан келиб чиқади. Акс ҳолда демократия сўла бошлайди ва камсонли, мухтор гуруҳ ва ташкилотлар кўриқхонасига айланади. Аммо жамиятнинг барча қатламларига мансуб шахсларнинг фаол ишгирики туфайли демократия ўзи мадад беришга қодир ҳуқуқларни қурбон қилмаган ҳолда, ҳар бир жамиятда содир бўлиши муқаррар бўлган иқтисодий ва сиёсий тўғонларга матонат билан дош бериши мумкин.

Ижтимоий ҳаётда фаол ишгирик этиш кўпинчалик сиёсий мансаблар учун кураш сифатида тор тушунилади. Аслида эса, фуқароларнинг демократик жамият ҳаётида ишгирик этиши, сайлов олди рақобатида қатнашишидан анча кендир. Жамоа ёки муниципал миқёсда фуқаролар мактаб кўмиталари ишига қатнашиши, жамоа гуруҳларини ташкил этиши ва шунингдек, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларига сайланиши мумкин. Штат, провинция ёки умумдавлат миқёсида фуқаролар ўз овози ёки қалами билан долзарб масалалар юзасидан олиб борилаётган мунозараларга қўшилиши ёки сиёсий партиялар,

касаба уюшмалари ва бошқа кўнгилли ташкилотларга бирикиши мумкин. Уларнинг умумий ишга қўшаётган ҳиссаси нақадар салмоқли бўлишидан қатъи назар, соғлом демократия кенг миқёсдаги фуқароларнинг доимий ва онгли иштирокига боғлиқ.

“Демократия, – деб ёзади Диана Рэвич, бир жараён, муштарак ҳаёт ва иш усули бўлиб, қотиб қолган эмас, ривожланаётган ҳодисадир. Демократия барча фуқаролар орасида ҳамкорлик, келишув ва ўзаро муносабатларда чидамли бўлишни тақозо этади. Бунга риоя этиш осон эмас. Эркинлик бурчдан озод этилиш эмас, айнан бурч дегани”.

Демократия – озодлик ва ўзлигини ифодалаш гоёларини қамраб олади, аммо шу билан бирга, инсон табиатидан кўз ҳам юммайди. Демократия барча фуқароларнинг бирдек серфазилатли бўлишини эмас, фақат уларнинг масъулиятли бўлишини талаб қилади. Америкалик илоҳийгчи Рейнхольд Нибур айтганидек: “Инсоннинг адолатпарварлик қобилияти демократиянинг рўёбга чиқишига имкон яратади, аммо инсоннинг адолатсизликка мойиллиги демократияни зарурат даражасига кўтарadi”.

### *Инсон ҳуқуқлари ва сиёсий мақсадлар*

Асосий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принцип сифатида кенг миқёсда мақбул бўлиб, дунё узра ёзма конституциялар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хартияси ва шунингдек, Хельсинки битими (Оврўпада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши) каби халқаро битимларда ўз аксини тошган.

Ҳуқуқларнинг турли категориялари орасидаги фарқ бошқа масаладир. Сўнги пайтда, айниқса, халқаро ташкилотлар орасида, инсон асосий ҳуқуқларининг рўйхатини кенгайтиришга интилиш кўзга ташланмоқда. Мазкур гуруҳлар сўз ва қонун олдида тенглик каби асосий эркинликларга қўшимча қилиб меҳнат, таълим-тарбия, ўз маданияти ёки миллатига мансублик ва шунингдек, бир хил ҳаёт даражаси ҳуқуқларини ҳам киритишмоқда.

Буларнинг барчаси, шак-шубҳасиз, жуда қимматли фикрлардир, аммо мазкур имтиёзлар ҳуқуқ даражасига кўтарилиб, тан олинса, пировардида асосий фуқаролик ва инсон ҳуқуқларини қадрсизлантириб қўйишга ҳам мойил бўлади. Устига-устак, улар барча инсонлар эга бўлган ҳуқуқлар ва айрим шахслар, ташкилотлар ва ҳукуматлар интилиши лозим бўлган мақсадлар орасидаги фарқни хиралаштириб қўяди.

Сўз эркинлиги каби дахлсиз бўлган ҳуқуқларни ҳукумат ўз ҳаракатларини тийиш, чегаралаш воситасида ҳимоя этади. Таълим-тарбия ишларига маблағ ажратиш, тиббий ёрдам кўрсатиш, иш билан машғулик кафолати ҳукуматнинг муайян сиёсий йўналиш ва дастурларига хос бўлиб, унинг фаол аралашувини тақозо этади. Рисоладагидек тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ва таълим олиш имкониятлари ҳар бир болага унинг туғилиши биланоқ белгиланиши керак. Таассуфки, аслида ҳолат ўзгача ва жамиятларнинг мазкур мақсадларга эриша олиш қобилияти турли мамлакатларда турлича. Ҳукумат инсоннинг ҳар бир ният-интилишини ҳуқуқ даражасига кўтарар экан, сурбетликни кучайтириш хавфини туғдиради ва барча инсон ҳуқуқларининг қадрсизланишига йўл очиб беради.

## АСОСИЙ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

- \* Сўз, ўз фикрларини ифодалаш ва матбуот эркинлиги.
- \* Диний эътиқод эркинлиги.
- \* Мажлислар ва уюшмалар эркинлиги.
- \* Қонун олдида тенг ҳимоя ҳуқуқи.
- \* Қонунга риоя қилиш ва адолатли суд юритиш ҳуқуқи.

## ЭРКИНЛИКЛАР БУЮК ХАРТИЯСИ

Инглиз қироли Иоанн ва инглиз баронларини демократ бўлган дейиш эҳтимолдан анча холи бўлар, аммо улар 1215 йили Рунимед жанг майдонида имзолаган ҳужжат конституцион ҳокимият ривожига сезиларли ҳисса қўшгани аниқ.

Уларнинг фикрича, ўзаро муносабатларда сезиларли мустақиллик берувчи феодал анъанавий ҳуқуқни қирол тан олмагани туфайли, баронлар дарғазаб бўлишди. Қирол Иоанн уларнинг талабларини бажаришдан бош тортгач, баронлар лашкар сафарбар этиб, уни 63 қоидадан иборат ва аксарияти, асосан, ер эгалари, зодагонлар ва черков ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи эркинликларнинг Буюк Хартиясини имзолашга мажбур этадилар.

Шунга қарамай, ўша қатор қоидалар кейинчалик ёшасига Англия халқига алоқадор деб топилади: қолганлари эса давлат адлия тизимининг асосини ташкил этади. Эркинликлар Хартияси, мисол учун, барча муҳим давлат ишларини, шу жумладан, солиқлар киритиш масаласини ҳам қирол баронлар билан бамаслаҳат ва уларнинг розилигини олиб ҳал этиши лозим, деб таъкидлайди. Кейинги асрларда мазкур қоидалар халқ номидан ваколат олган орган — Парламент розилигисиз ҳеч бир қонун қабул қилиниши ва ҳеч бир солиқ киритилиши мумкин эмаслигини кафолатлаш учун қўлланилади. (Америка инқилоби даврида эса, мустақилликка эришишга интилган мустамлакачилар мазкур ғояни “ваколатсиз ҳеч қандай солиқлар киритилмасин” шиори остида Англиянинг ўзига қарши қаратиб қўяди.) Одил суд юритиш ва ўзига тенглар орасидан белгиланган суд маслаҳатчилари белгилаш кафолатининг дастлабки қоидалари ҳам эркинликлар Буюк Хартиясига бориб тақалади.

Кўпчилик инглиз қироллари Хартияни назарга илмагани туфайли, Хартия феодал эркинликлари аста-секин оддий одамларнинг конституцион ҳуқуқларига айланиш жараёни асрлар оша амалга ошади. 1638 йилнинг “Шонли инқилоби” натижасидагина Англия мамлакатининг бош қонун чиқарувчи органи вазифасини ўтовчи Парламентга эга бўлган мустақкам конституцион монархия ўрнатишга муваффақ бўлади. Парламентнинг ўзини реформа қилиш ва уни янада кенг кўламли ваколатга эга демократик идорага айлантириш жараёни эса яна бир асрдан охиқ мuddат талаб этди.

## ҚОНУН ҚОИДАЛАРИ

### *Тенглик ва қонун*

Қонун олдида барчанинг ҳуқуққа эгаллиги ёки кўпинча қонун барчани бирдек ҳимоя қилади, ибораси билан ифодаланадиган ҳуқуқ ҳар қандай адолатпарвар ва демократик жамиятнинг асосини ташкил этади. Бой ёки камбағал, аҳолининг этник кўпчилиги ёки диний камчилигини ташкил этиши, ҳукуматнинг сиёсий жиҳатдан тарафдори ёки рақиб бўлишидан қатъи назар, барчанинг қонун олдида тенг эканлиги белгилаб қўйилади.

Демократик давлат барча фуқароларига тенг ҳаёт шароитларини таъминлашга кафолат бера олмайди ва ўз зиммасига бундай мажбурият олмайди ҳам. Аммо, деб ёзади конституцион ҳуқуқ бўйича мутахассис Жон П. Фрэнк, “нима бўлган тақдирда ҳам, давлат кўшимча тенгсизлик яратиши керак эмас; барчага бир хил ва тенг муносабатда бўлиш — давлатнинг бурчи”.

Ҳеч ким қонундан устун турмайди, қонун эса аслида зўрлаб қабул қилдирилмайди, балки халқ томонидан яратилган бўлади. Демократик жамият фуқаролари қонунга бўйсунди, чунки, билвосита бўлса-да, қонун яратувчилар сифатида ўзларига-ўзлари бўйсунётганлигини тушуниб туришади. Ўзи бўйсунушга мажбур қонун халқ томонидан яратилганида эса, бу ҳол ҳам қонун, ҳам демократия манфаатларига хизмат кўрсатади.

### *Қонун кафолати*

Тарихдан маълум барча жамиятларда, деб таъкидлайди Фрэнк, суд юритиш системасини амалга ошириш билан боғлиқ шахслар, суиистеъмом ва золимона ҳукмронлик ўрнатиш имконияти бор куч-қудратга эга бўладилар. Давлат номи билан ва кўпинчалик ҳеч бир расмий айб қўймасдан ҳам одамларни қамашган, мол-мулкини мусодара этишган ва қонунга зид равишда ўлимга маҳкум ҳам этишган. Ҳеч қандай демократик жамият бундай қонунбузарликка дош беролмайди.

Ҳар бир давлат тартиб ўрнатиш ва жинойй кирдикорларни жазолаш учун

етарли куч-қудратга эга бўлиши лозим, бироқ, ўз қонунларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган таомил ва жараён махфий, ўзбошимча ёки давлат томонидан сиёсий уйдирмалар паноҳида ўтказилмасдан, аксинча, ошқора ва аниқ-равшан бўлиши лозим.

Полиция ходимлари тафтиш учун салмоқли сабаблар борлигини тасдиқловчи тегишли ижозат варақаси бўлмаса, ҳеч кимнинг уйига бостириб кириш ва уни тинтув қилишга ҳаққи йўқ. Махфий полиция ходимлари тун оғушида бировнинг эшигини қоқишга ҳам демократик жамият асло йўл қўймайди.

Гумон қилинган қонунбузарликни белгиловчи аниқ ва ёзма равишда баён этилган айбномасиз ҳеч ким ҳибсга олинishi мумкин эмас. Одам ўзига қарши қўйилган айб моҳиятини аниқ билишигина эмас, балки хабеас корпус (яъни, айбланувчиларнинг ҳибсга олинishi ва жазога тортилиш тартиб-қоидалари — *таржумон*) қойдасига биноан, қўйилган айблар асоссиз ёки қамоққа олиш гайриқонуний деб топила, дарҳол ҳибсдан озод этилиши шарт.

Жиноят содир этишда айбланувчи шахслар узоқ муддат давомида қамоқда сақланиши мумкин эмас. Улар суд жараёни тезкор ва ошқора ўтишини талаб этишга ва ўз айбловчилари билан юзма-юз учрашиб, уларга савол беришга ҳақлидирлар.

Жиноят содир этишда шубҳаланаётган шахснинг қочиб кетиши ёки бошқа жиноий ишга қўл уришининг гумони кам бўлган тақдирда ҳукумат вакиллари иш судда кўрилгунга қадар айбланувчини кафилликка қўйиб юбориши ёки шартли равишда озод этишга мажбурдирлар. Жамият урф-одатлари ва қонунларидан келиб чиқувчи “шафқатсиз ва фавкулоддаги” жазо усуллари қатъиян ман этилган.

Ҳар бир шахсни ўзига қарши гувоҳлик беришга мажбур этиш мумкин эмас. Зўравонлик оқибатида ўзини-ўзи фош қилишни ман этиш мутлақ кучга эга бўлиши шарт. Бу дегани, ҳар қандай шароитда ҳам полиция ходимлари айбланувчига қарши на жисмоний ва на руҳий қийноқ шакллари қўллаши ман этилган. Куч ишлатиб ўз айбига иқрор бўлишни ман этувчи адлия тизими эса ўз-ўзидан аёнки, дарҳол полиция ходимларини қийноқ, таҳлика ёки суистеъмолнинг бошқа шакллари ёрдамида маълумот олишга интилишини йўққа чиқаради, чунки суд маҳкамаси мазкур йўл билан олинган маълумотларнинг суд жараёнида гувоҳнома сифатида ишлатилишига йўл қўймайди.

Ҳеч бир шахс бир жиноий иш юзасидан иккинчи маротаба жавобгарликка тортилмайди: яъни, инсонни бир жиноят учун икки марта маҳкум этиб бўлмайди. Суд қошида ҳозир бўлиб, айбсиз деб тан олинган ҳеч бир шахс айнан шу жиноят юзасидан яна бир бор айбланиши мумкин эмас.

Англия ҳукмдорлари томонидан мансабни суистеъмол қилиш ҳоллари эҳтимолдан ҳоли бўлмагани туфайли экс пост факто (содир бўлгандан кейин) деб номланувчи қонунларнинг ҳам қўлланиши ман этилган. Содир бўлиши пайтида гайриқонуний деб ҳисобланмаган хати-ҳаракатда бирон одамни айблаш нияти билан кейинчалик қабул этилган қонунлар назарда тутилмоқда.

Давлатнинг мажбур этишга қаратилган ҳаракатларига қарши судланувчилар қўшимча ҳимоя воситаларидан ҳам фойдаланиши мумкин. Америка Қўшма Штатларида, мисол учун, айбланувчи ҳатто адлия ваколати нархини ўзи тўлолмаган тақдирда ҳам, жиноий иш жараёнининг барча босқичларида ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат ёрдами олишга ҳаққи бор. Шунингдек, ҳибсга олиш пайтида полиция ходимлари шубҳа остига тушган шахсларни уларнинг ҳуқуқлари ва жумладан, адвокат ҳимоясига ва (ўзини-ўзи айбламаслик учун) сукут сақлашга ҳақлари борлигидан хабардор этиши шарт.

Ҳукуматга қарши бўлганларни давлатга хиёнатда айблаш зулмга асосланган ҳокимият пешволарининг умумий таомилига киради. Ҳукумат танқидчиларини жим бўлишга мажбур этиш учун бир восита сифатида гайриқонуний фаолият деб баҳоланувчи хиёнатдан фойдаланмаслик учун хиёнатнинг четаралари аниқ белгиланиши керак.

Мазкур чеклашлар, давлат қонунни амалга ошириш ва жиноятчиларни жазолаш йўлида етарли куч-қудратга молик эмас, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Аксинча, жамият ўз маъмурият вакиллари инсон ҳуқуқлари

ва кенг қўламда жамият манфаатларининг одил ҳимоячиси деб тан олган тақдирдагина демократик жамиятнинг жиноий ҳуқуқи фаол ва таъсирчан бўлади.

Судьялар ўз мансабларига тайинланиши ёки сайланиши, ўз фаолиятларини муайян давр мобайнида ёки умр бўйи бажо келтириши мумкин. Аммо тайинланганидан кейин, нима бўлган тақдирда ҳам одилона ҳукм чиқаришларини таъминлаш учун уларнинг сиёсий ҳокимиятдан мустақил бўлишлари ўта муҳим. Судьялар арзимаган ҳодиса ёки фақат сиёсий сабабларга кўра ўз мансабларидан бўшатилиши мумкин эмас. Жиддий жиноят ёки кўпол хатти-ҳаракатларга йўл қўйилган тақдирда ҳам масала импичмент (айбнома қўйиш) ва қонун чиқарувчи идорада суд орқали ҳал этилади.

### *Конституциялар*

Демократик ҳукумат таянган пойдевор конституция бўлиб, мазкур расмий ҳужжат ҳокимиятнинг асосий мажбуриятлари, фаолият чегаралари, иш олиб бориш жараёни ва идораларини белгилайди. Мамлакат конституцияси олий қонун бўлиб, унга вазирлар раисидан тортиб, оддий деҳқонгача, барча бўйсунуши шарт. Одатда, яхлит ҳужжат тариқасида битилган конституция, энг камида, миллий ҳукумат ваколатини асослайди, инсоннинг асосий ҳуқуқларини ҳимоя остига олади ва ҳукуматнинг асосий фаолият жараёнини белгилайди.

Конституция ўзининг абадий ва собит сифатларига қарамай, фақат бир муқаддас ёдгорлик бўлиб қолмаслиги учун, ўзгариш ва мослашувга қодир бўлиши керак. АҚШнинг дунёда энг кўҳна ёзма конституцияси 7 қисқа модда ва 26 тузатиш киритувчи қўшимчадан иборат. Аммо, мазкур ҳужжат, сўнгги 200 йил давомида барпо этилган ва АҚШ конституциясининг ҳаётийлиги ва ҳозиржавоблигини таъминловчи кенг қўламда ҳуқуқий қарорлар, низомлар, президент фармойишлари ва анъанавий одат учун бир пойдевор, холос.

Конституция тараққиётига хос мазкур жараён ҳар бир демократик жамиятда содир бўлади. Мамлакат конституциясига тузатиш ёки ўзгартиш киритиш борасида икки умумий назарий йўналиш мавжуд. Бири — турли босқичлар ва кўпчилик овоз устунлигини талаб этувчи мураккаб расм-русумларни бажаришдан иборат. Натихада, конституция камдан-кам ва жамоатчилик мададини олган ўта муҳим ҳолларда ўзгартирилади. Мазкур йўналиш АҚШда татбиқ этилиб, унинг конституцияси айрим фуқароларнинг асосий ҳуқуқларини таъминловчи Ҳуқуқлар Билли билан биргаликда ҳукумат фаолиятининг асослари, қудрати ва ҳуқуқларини ҳамда ўзига хос мажбуриятлари ва иш юритиш жараёнини белгилайдиган қисқа ҳужжатдир.

Ўзгартишлар киритишнинг аксарият давлатлар қўлайдиган анча содда усули ҳар қандай ўзгартиш қонун чиқарувчи идора томонидан маъқулланиб, кейинги сайловларда қабул қилинишини назарда тутати. Мазкур йўл билан ўзгартирилиши мумкин бўлган Конституциялар, қонунларнинг умумий матнидан кам фарқ қилувчи ўзига хос шартлар билан биргаликда анча батафсил бўлиши мумкин.

Америка Конституциясига ўхшаб XVIII асрда битилган ҳеч бир конституция XX аср охирига қадар ўзгаришсиз етиб келиши амри маҳол бўларди. Айнан шу маромда, бутун қонун сифатида мавжуд ҳар бир конституция, ҳатто шахс ҳуқуқлари асосларига, адлия жараёни кафолатларига ва идора этилаётганларнинг розилигига таяниб ҳукм юритишга риоя этишидан қатъи назар, агарда ўзгаришларга қобил эмас экан, кейинги асрда ўз фаолигини сақлаб қолиши амри маҳол.

## ЛОКК ВА МОНТЕСКЪЕ

*Ҳозирги замон конституцион демократиянинг ақлий пойдевори анъанавий ижтимоий, диний ва сиёсий ғояларни инкор этиши ва рационализмни диққат марказига қўйиш билан ажралиб турган XVIII аср фалсафий йўналиши тариқасида танилган Оврўпа Мағрифатпарварлиги даврида яратилган. Инглиз сиёсий*

файласуфи Жон Локк ҳамда француз юристи ва сиёсий файласуфи Монтеस्कье мазкур йўналишнинг энг нуфузли мутафаккирларидан бўлган.

1690 йили Локк ўзининг “Давлатни идора қилиш борасида икки рисола” деб номланган асосий асарини нашр этади. Унинг, ҳар қандай қонуний ҳокимият “идора этилаётганларнинг розилигига” таянади, деган фикри сиёсий назария борасидаги бахсларни тубдан ўзгартирди ва демократик идораларнинг ривожига кўмаклашди.

Табиий қонунни барқарор этиш билан Локк ўзларини борлиқ силсиласининг илоҳий ўрнатилган бир бўғини сифатида баҳоловчи ҳукуматлар ва айниқса, монархияларнинг даъвосини рад этди. Табиий қонун Худо қонунига муқобил, ва у барча инсонларга асосий ҳуқуқлар, шу жумладан, ҳаёт ҳуқуқи, муайян эркинликлар, хусусий мулк ва ўз меҳнатининг самараларига эгаллик қилиш ҳуқуқларига кафолат беради, деб таъкидлади Локк. Мазкур ҳуқуқларни таъминлаш учун жамяят аъзолари ўз ҳукуматлари билан битим тузишади. Фуқаролар ўз зиммасига қонунга бўйсунуш мажбуриятини олган тақдирда, ҳукумат қонунлар чиқариш ва давлатни ташқи зиёндан муҳофаза этиш ҳуқуқига эга бўлади ва бунинг барчаси жамяят манфаатларига хизмат қилади. Қачонки ҳукумат қонунбузарликка ва ўзбошимчалikka йўл қўйса, фуқаролар бундай тузумни ағдариб, янги ҳокимият ўрнатишга ҳақлидир, деб таъкидлади Локк.

Локкнинг табиий қонун назарияси Францияда Жан Жак Руссодан тортиб, Шотландияда Дэвид Юм, Олмонияда Иммануил Кантдан то кейинчалик Америка Қўшма Штатлари деб номланган мамлакатда Томас Жефферсон ва Бенжамин Франклингача бўлган Оврупа ва Янги Дунё файласуф-маърифатпарварларининг бутун бир авлодини илҳомлантирди. Аммо, уларнинг орасида худди Локкдек кўпчилик овоз қоидасига асосланган демократияга эмас, балки идора этилаётганларнинг розилигига таянган республикачи ҳокимият тузумига ишонган Монтеस्कье, эҳтимол, унинг бевосита меросхўри бўлган. Ўзининг 1748 йили нашр этилган “Қонунлар руҳи ҳақида” деб номланган асарида Монтеस्कье шахс озодлигини кафолат остига олиш воситаси сифатида ижроия, қонун чиқарувчи ва суд юритувчи ҳокимиятлар орасидаги ваколатларни бир-биридан ажратилиш ва мувозанатга келтириш тарафдори бўлган. Мазкур доктрина президент, Конгресс ва адлия соҳаси орасидаги ҳокимиятни тақсимлашга хос бўлган АҚШ Конституциясининг ҳам фалсафий асосини шакллантиришга кўмак берган.

Жин С.ХОЛДЕН

## САЙЛОВЛАР

### Сайловлар мезони

Сайловлар демократик ваколатга эга ҳукуматларнинг марказий қурилмасидир. Нега дейсизми? Чунки ҳокимиятнинг демократик шаклида ҳукумат куч-қудрати фақат идора этилаётганларнинг розилигидан келиб чиқади. Мазкур розиликни ҳукумат ваколатига айлантиришнинг асосий механизми — эркин ва одил сайловлар ўтказишдир.

Барча ҳозирги замон демократиялари сайловлар ўтказиши, аммо барча сайловлар ҳам аслида демократик бўлавермайди. Ўнг йўналиш диктатуралари, марксистик тузумлар ва бир партиявий ҳокимиятлар ҳам ўз ҳукмронлигига қонунийлик тусини бериш ниятида сайловлар жараёнини саҳналаштиради. Бундай сайловларда фақат битта номзод ёки муқобил танлаш имкониятидан холи номзодлар рўйхати ўртага ташланиши мумкин. Бундай сайловлар асносида битта лавозимга бир нечта номзод ҳам кўрсатилиши мумкин, аммо қўрқитиш ва қаллоблик ёрдамида ҳукумат маъқуллаган номзод ўтиши муқаррардир. Баъзи ҳолларда сайловчилар дарҳақиқат танлаш ҳуқуқига эга бўлади, аммо уларнинг ихтиёри ҳукмрон партия номзодлари доираси билан чегараланади. Бундай сайловларни демократик дейиш амри маҳол.

### Демократик сайловлар қанақа бўлади?

Олима ва АҚШнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотигаги собиқ элчиси

Жин Киркпатрик бу саволга қуйидагича жавоб беради: “Демократик сайловлар фақат рамзийгина эмас... балки рақобатли, даврий, ваколатли ва узил-кесил сайловлар бўлиб, бу жараёнда ҳукуматни эркин равишда танқид қилиш, ўз танқидий фикрларини нашр этиш ва муқобил номзодлар таклиф этиш ҳуқуқларига эга фуқаролар ҳокимият таркибида асосий қарор қабул қилишга қодир шахсларни сайлайдилар”.

Жин Киркпатрик мезонлари нимани билдиради? Демократик сайловлар рақобатли бўлиши шарт. Ҳукуматни танқид қилишлари одамлар қулоғига етиб бориши ва сайловчиларга муқобил номзодларни тақдим этиш имкониятига эга бўлишлари учун опозициядаги партиялар ва номзодлар сўз, мажлислар ва хоҳлаган жойларига бориш эркинликларидан баҳраманд бўлишлари лозим.

Опозицияга номзод кўрсатиш жараёнида бемалол қатнашиш ҳуқуқини беришнинг ўзигина кифоя қилмайди. Сайловлар жараёнида опозиция радио ва телевидение орқали ўз фикрларини айтишдан маҳрум, сайловолди мажлислари таъқиб остига олинган ёки рўзномалари цензура таъқибидан ўтказиладиган сайловларни демократик деб бўлмайди. Ҳокимият тепасида тургани туфайли ҳукмрон партия имтиёзлардан фойдаланиши мумкин, аммо рақобатли сайловолди кураш қоидалари ва жараёни одилона бўлиши керак.

Демократик сайловлар даврий бўлади. Демократик давлатларда диктаторлар ёки президентлар умрбод сайланмайди. Сайланган вакиллар халқ олдида ҳисобот беради ва муайян белгиланган муддат ўтгач, сайловчилари ҳузурига қайтиб, ўз мансабларидаги фаолиятларини давом эттириш учун уларнинг розилигини олиши шарт. Оқибатда демократик жамият мансабдорлари иккинчи маротаба сайланмаслик хатари борлигини сезади. Бу қоидадан фақат судьялар мустасно бўлиб, жамоат таъйиқидан ҳоли этиш ва бетарафликларини таъминлаш учун уларни умрларининг охиригача сайлаб, фақат жиддий қонунбузарликлари учун мансабларидан четлатиш мумкин.

Демократик сайловлар ваколатли бўлади. Фуқаро ва сайлов тушунчалари ёши балоғатга етган аҳолининг катта қисмини ўз ичига олиши учун етарли даражада кенг қамровли бўлиши керак. Кичик, тор доирали бир гуруҳ томонидан сайланган ҳукумат, унинг ички фаолияти нақадар демократик бўлиб кўринишидан қатъи назар, демократик ҳукумат бўла олмайди. Тарих жараёнида демократиянинг энг фожиали саҳифалари хоҳ ирқий, хоҳ этник, хоҳ диний жиҳатдан камчиликни ташкил этган ёки аёллар каби тақиқланган гуруҳларнинг тўлиқ фуқаролик ҳуқуқлари ва шу жумладан, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун олиб борган курашида намоён бўлади. Америка Қўшма Штатларида, мисол учун, 1787 йил Конституцияси қабул қилинганида, фақат оқ танли мулк эгаларидан эркакларгина сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан баҳраманд бўлишган. Мулкка эга бўлиш шарти XIX асрнинг бошида бекор этилиб, аёллар эса сайлаш ҳуқуқига атиги 1920 йилда эришдилар. Қора танли америкаликлар эса 1960 йилларда жанубий Қўшма Штатларида фуқаролик ҳуқуқлари учун ҳаракат авж олмагунга қадар тўлақонли сайлов ҳуқуқидан баҳраманд бўлмаган. Ва ниҳоятда, 1971 йили, Америка Қўшма Штатларида ёшига қараб сайловларда қатнашиш ҳуқуқи 21 дан 18 ёшгача пасайтирилгандан кейингина ёш фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эришди.

Демократик сайловлар ҳал қилувчи бўлиб, ҳукумат таркибини белгилайди. Қонунга ва мамлакат конституциясига бўйсинувчи халқ томонидан сайланган вакиллар номигагина давлатни бошқарувчи арбоблар ёки рамзий раҳнамолар бўлиб қолмасдан, ҳақиқатдан ҳам ҳокимият жилловини ўз қўлларида тутишлари лозим.

Ниҳоятда демократик сайловлар номзодларни саралашдангина иборат бўлиб қолмайди. Бевосита референдум ёки овозга қўйилган ташаббуслар орқали ҳам сайловчиларни сиёсий масалаларни ҳал этишга жалб этиш мумкин. Америка Қўшма Штатларида, мисол учун, бирон штатнинг қонун чиқарувчи органи сайловлардан илгари ҳам бирон масалани тўғридан-тўғри сайловчилар “кўриб чиқишига” қарор қилиши мумкин. Ташаббус кўрсатилган тақдирда, фуқароларнинг ўзлари ҳам муайян миқдор (одатда штат рўйхатидан ўтган



сайловчилар сонидан муайян фоиз) имзоларни йиғиб ва қонун чиқарувчи орган ёки губернаторнинг норозилигига ҳам эътибор бермай, кейинги сайловлар пайтида шу масала овоз беришга қўйилишини талаб этишлари мумкин. Калифорния каби штатда сайлов пайти келди дегунча сайловчилар атроф-муҳитни ифлослаштириш муаммоларидан тортиб, автомобилни суғурга қилиш нархигача ўнлаб қонун чиқариш ташаббусларига рўбарў келишади.

### *Демократик одоб ва қонунга рия қилувчи оппозиция*

Демократия ўзини-ўзи сайлашгина мустасно этилган ошкоралик ва ҳисобот бериш замирида гуллаб-яшнайдди. Эркин тарзда овоз беришни таъминлаш ва қўрқитиш имкониятни иложи борича камайтириш учун демократик жамият сайловчиларига яширин овоз бериш рухсат этилиши шарт. Шу билан бирга, фуқаролар сайлов натижалари аслида мувофиқ ва ҳукумат ҳақиқатан ҳам уларнинг “розилигига” таянганлигига ишонишлари учун, овоз бериш варақалари солинган қутилар назорати ва овозларни ҳисоблаш иложи борича ошкора ўтказилиши лозим.

Баъзилар, айниқса, тарих жараёнида ҳокимият қўлдан-қўлга қурол кучи билан ўтган давлатлар учун, ўзлаштириш энг қийин бўлган концепциялардан бири — “қонунга рия қилувчи оппозиция” тушунчасидир. Аммо бу гоё ўта муҳим бўлиб, демократик жамиятнинг барча тарафлари, аслини олганда, унинг асосий кадр-қимматларига тан бериб, рия қилишини билдиради. Сиёсий рақиблар албатта бир-бирини ёқтириши шарт эмас, аммо улар ўзаро лаёқатли ва чидамли бўлиши ва ҳар бирлари ҳам қонуний ва муҳим вазифа бажарётганларини тан олишлари лозим. Бундан ташқари жамиятнинг асосий қонун-қоидалари ижтимоий баҳсларга чидамлилиқ ва гражданлик руҳининг сингишига йўл очиб бериши шарт.

Сайловлар тутагач эса, мағлуб бўлганлар сайловчиларнинг қарорини тан олиши керак. Ҳукмрон партия мағлубиятга учраган тақдирда ҳокимият жиловини тинч йўл билан бошқаларга топширади. Ким голиб чиқишидан қатъи назар, иккала тараф ҳам жамият олдида турли масалаларни ҳамкорликда ҳал этишга розилик беради. Эндilikда сиёсий оппозиция томонига ўтган мағлублар ўз ҳаётларидан жудо бўлмасликлари ёки ҳиссга олинмасликларини билишади. Аксинча, бир ёки бир нечта партиядан ташкил топган оппозиция, демократик деб номланишга лойиқ ҳар қандай жамиятда, ўз ўрнининг муҳимлигини тушунган равишда ижтимоий фаолиятини тўхтатмаслиги мумкин. Улар ҳукуматнинг ўзига хос сиёсий йўналишларига эмас, балки давлатнинг пойдевори қонунияти ва демократик жараённинг ўзига лаёқатли ҳисобланадилар.

Кейинги сайловлар пайти келганида эса оппозициядаги партиялар ҳокимият учун кураш олиб бориш имкониятига яна бир бор эга бўлади. Бунинг устига ҳукуматнинг фаолият доираси четараланган плюралистик жамият, сайловларда мағлуб бўлганларга ҳукумат идораларидан ташқарида муқобил ижтимоий фаолият олиб бориш имкониятини яратиб беришга мойилдир. Сайловлар натижасида мағлубиятга учраган номзодлар расмий оппозицион партия сифатида ўз фаолиятларини давом эттиришни ихтиёр этишлари мумкин. Айни пайтда, мағлублар қаламқашлик, дарс бериш ёки давлат сиёсати билан боғлиқ хусусий ташкилотлар фаолиятида қатнашиш орқали янада кенг сиёсий жараён ва баҳсларда ишпирок этишни ҳам танлашлари мумкин. Энг муҳими — демократик сайловлар тирик қолиш учун кураш эмас, балки хизмат қилиш шарафига муяссар бўлиш йўлидаги рақобатдир.

*Давоми бор.*

## Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

# Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси

\* \* \*

Ўтган 2001 йилда Ҳаарлем (Голландия)да “Туркистонда янгилик ҳаракатлари ва ихтилоллар. 1900—1924” номли бир тўшам босилиб чиқди. Тўшам Бухоро Халқ Шўролар Жумҳуриятининг 1921 йилдаги ижроқум раиси Усмон Хўжаев (1878-1968) хотирасига бағишланиб, унинг ўғли доктор Темур Хўжаёғли томонидан тайёрланган. Унда ўзбекистонлик олимлар ҳам иштирок этганлар.

Тўшамда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 1907 йилда Русия 3-Давлат Думасида кўриб чиқиш учун унинг қошидаги Муслмон фраксиясига тошширган “Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси” биринчи маротаба эълон қилинди.

Аҳамиятига кўра гоят муҳим бўлган мазкур тарихий ҳужжат, ноширининг маълумот беришича, Исмоилбек Гаспрали архивидан топилган. Мазкур архивни унинг қизи Шафиқахоним Туркияга олиб келиб, доктор Нажиб Ҳаблемитўғлига тошширади. У эса, ўз навбатида Туркистон жадидчилиги масалалари билан шуғулланиб юрган доктор Темур Хўжаёғлига беради ва шу тариқа дунё юзини кўради.

Ҳужжатга профессор Темур Хўжаёғлининг ҳужжатнинг топилиши ва эълони тарихи ҳақидаги кичкина изоҳи илова қилинган.

Беҳбудий ушбу лойиҳасини “таклиф”, “таклифнома” деб атайдди. Чамаси, бу фикр унда бир оз илгари 1905 йилдаги машҳур Манифестдан кейин пайдо бўлган. Давлат Думаси ҳақидаги гаплар амалга оша бошлаши билан бу ишнинг изига тушган. Негаки, таклифнома билан бирга қўшиб жўнатилган иккита — бири 1907 йил 24 апрелда 2-Дума, иккинчиси 1907 йил ноябрда 3-Дума Муслмон фраксияси аъзоларига ёзган хати ҳам сақланиб қолган. Шунинг ҳам ҳисобга олиш керакки, 1906 йилдан эътиборан мухторият масаласи Русия муслмонлари сиёсий доираларида тез-тез муҳокама қилиниб турган. Бу давр воқеаларининг билимдонларидан Заки Валидий 1-2 Давлат Думаларининг энг қизгин масалаларидан бири “мухторият ҳаракати” бўлганини ёзади.<sup>1</sup> Ҳатто Санкт-Петербургдаги “Улфат” газетасининг муҳаррири, келиб чиқиши асли бухоролик ўзбек бўлган машҳур Абдурашид қози Иброҳимов (1857-1944) у ҳақда махсус бир рисола ҳам ёзган экан.

Табиийки, маданий мухторият тушунчаси сиёсий, иқтисодий мустақиллик давросини ўз олдига қўймайди. Миллатнинг миллий-маданий турмушига риоя этилишинигина талаб қилади. Ва шу орқали унинг ўзлигини сақлаб қолиш умиди билан яшайди. Бу мустақилликка томон қўйиладиган биринчи қадам эди, холос. Лекин шунинг ўзи ҳам мустақил Русия шароитида ҳеч бир муболағасиз буюк жасорат эди. Тарих гувоҳки, чор ҳукумати шунга ҳам йўл бермади.

Таклифноманинг айрим бобларини кўриб чиқайлик.

“Давлат Думаси учун Туркистонни адади нуфуси исломиясига мутаносиб вакил сайлансун”, дейилади “Ғ.Дума хусусинда” бобида.

Аҳвол қандай эди?

Иш шундай ташкил қилиндики, туркистонликлар 1906 йилдаги 1-Давлат Дума-

<sup>1</sup> Қаранг, Заки Аҳмад Валидий (Тўғон), Бутунги турк эли (Туркистон) ва унинг яқин тарихи, 3-нашри, Истанбул, 1981,351-бет.

си сайловида иштирак эта олмадилар. 1907 йил январ—феврал ойлари 2-Давлат Думасига сайловлар бўлиб ўтди. Сайловдан олдин граф Сольков бошчилигида Туркистонда сайловни қандай ўтказиш ҳақида “махсус мажлис” чақирилди ва “махсус қоида” ишлаб чиқилди. Хулоса шу бўлдики, Туркистондаги рус аҳолисидан 7 (большевик Миронов И.Е., меньшевик Афрамович К.М., эсер Друкаръ А.П., “трудолик”лар: Колендзян И.Л., Гаврилов М.А., хизматчи Егоскин Я.И, вице-губернатор Наливкин В.П.), маҳаллий халқдан 6 киши (ҳарбий хизматчи Махтумқулихон Нурбердихонов, самарқандлик савдогар Топшўлат Абдулжалилов, қўқонлик савдогар Солижон Муҳаммаджонов, еттисувлик муҳандис Муҳаммаджон Тинишбоев, сирларёлик чорвадор Валиуллоҳ Оллоберганов, тошкентлик руҳоний Абдулвоҳид қори) сайланди. Ҳолбуки, ўша пайтда Туркистонда яшаётган рус аҳолисининг сони 322 минг, маҳаллий халқ адади 5 миллион 378 минг эди. Нисбат деярли бирга йигирма эди.

7- боб 43-бандда қозихона доирасидаги барча иш ҳужжатларининг маҳаллий тилда бўлиши лозимлиги таъкидланмоқда. (2-ва 3-Давлат Думалари ўз йиғилишларида бу масалани махсус муҳокама этгани, Русия маориф вазирлиги ҳатто “Туркистонда адабий тил йўқ, шунинг учун барча мактабларда дарслар рус тилида олиб берилсин” деган кўрсатма беришгача бориб етгани маълум.)

“Мулкий маҳкамалар хусусинда”. “Вақфлар хусусинда”, “Умумий мактаблар”, “Сув ва ерлар хусусинда” бобларида муаллиф кенг эркинликлар талаб қилади. Чинovníклар ҳуқуқини чеклаш (7- банд), мактабларнинг она тилида бўлиши (18-19 бандлар), муҳожирлар келтиришни тўхтатиш (24-банд) шундайлардан эди. Бу талабларнинг бежиз эмаслигини кўрсатиш учун биргина фактни келтириш билан чекланамиз. 1915 йилга қадар Туркистон ерларига Русиядан 2 миллион рус муҳожирини келтирилиб жойлаштирилган...

Ҳужжат эндигина босилиб чиқди. Ҳали бизнинг матбуотда нашр қилинган эмас. Унинг шарҳи ва тадқиқи масалалари олдинда турибди.

“Тақлифнома” (лойиҳа)нинг Темур Хўжаўғли нашри<sup>1</sup> ни бир-икки жузъий тузатишлар билан ҳукмингизга ҳавола этарканмиз, қуйидаги уч масалага оидинлик кiritиб ўтишни лозим топамиз:

1. Бехбудий давр измидан бориб, “Туркистон мусулмонлари” атамасини қўллайдилар ва бунда ўлканинг тубжой халқини кўзда тутадилар.

2. Бехбудий 3-Давлат Думасининг Мусулмон фракциясига мурожаатномасига “Иттифоқи мусулмин” Марказий идора аъзоси” деб имзо чекади. “Иттифоқи мусулмин” Русия мусулмонларининг 1905 йил 15(28) августда тузилган ярим яширин ташкилоти. 1905-1906 йилларда унинг учта конгресси бўлиб ўтган, сўнг тақиқланган. Фалоларидан айримлари Давлат Думасига сайланган бўлиб, ундаги мусулмон фракциясининг ўзагини ташкил қилар эдилар. Исмоилбек Гаспрали шуларнинг бири эди. Ушбу ҳужжатнинг унинг архивидан топилиши бежиз бўлмаса керак.

3. Қўраётганингиз матн, Темур Хўжаўғли таъкидлаганидек, 1900 йилларнинг услубида, Самарқанд шеvasида ёзилган. Табиийки, уни шу ҳолда қолдирдик. Энг зарур ҳоллардагина ўзгартиш қилиниб, қавсда берилди.

**Б.ҚОСИМОВ**

## БЕХБУДИЙНИНГ ТУРКИСТОН МАДАНИЙ МУХТОРИЯТИ ЛОЙИҲАСИ

### ИЗОҲ

Маҳмудхўжа Бехбудий тарафидан 1907 йил ноябрда ёзилган ушбу тақлиф қўлёмаси Исмоилбек Гаспрали архивидан топилди. Исмоилбекнинг қизи Шафиқахоним отасининг архивини Туркияга олиб келган ва Анқарада муҳтарам Нажиб Ҳаблемитўғлига топширган. Муҳтарам Нажиббек бундан икки йилча олдин Бехбудий номи билан боғлиқ тақлифнома қўлёмасини менга берадиган бўлди. Мен ҳам бу матнни араб ёзувидан лотинга ўтирдим. Бехбудийнинг Русия Учинчи Давлат Думасидаги Мусулмонлар фракциясига йўлаган ушбу матннинг тили 1900 йиллардаги Туркистон

<sup>1</sup> Turkistan’ da yenilik harakteri ve ihtilaller: 1900-1924. hazirlayan Timur Kocaoglu. Sota, Haarlem, 2001.

Behludinin Turkistan meden: Muhtariyati layihasi (436-468 v).

турк тилининг Самарқанд шеvasида ёзилган. Матнда арабча ва русча сўзлар, иборалар ҳаддан ташқари кўп. Айрим русча қийин ибораларни аниқлаштиришда муҳтарам Стефан Дуданён билан Хисо Коматсу, жуда ўқилиши оғир арабча сўз ва ибораларни ўқишда муҳтарам доктор Таҳсин Умар Таҳаўғлу ёрдам бердилар.

Туркистоннинг яқин тарихининг гоят муҳим ҳужжати бўлган Бехбудийнинг бу таклифномаси қуйида ҳам транскрипцияда, ҳам асл араб ёзуви нусхаси кўчирмаси билан биргаликда берилмоқда.

Туркистон учун маданият мухторият талаб қилиб чиққан бу таклифноманинг Русия Давлат Думасида қўрилган-қўрилмаганини текширмоқчи эмасман. Лекин, бу матн диққат билан ўрганилса Бехбудийнинг чор Русияси қарамоғида Туркистонда яшаётган туркистонликлар учун (Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги бунга кирмайди) ўз даврига қўра гоят жасоратли, кенг ҳуқуқлар талаб этувчи мухторият истагани маълум бўлади. Таклифномадаги энг муҳим икки мавзунинг бири мактабларнинг хусусийлаштирилиши (18-модда), иккинчиси эса, Русия Давлат Думасининг Туркистоннинг ички ишларига аралашмаслиги лозимлиги билан боғлиқ моддалардир.

Бехбудий сўнгги бўлимда махсусан сув ва ер масалаларида Туркистон халқига кенг ҳақ-ҳуқуқлар берилмоғини талаб этади (21-25-моддалар). Унинг таъкидлашича, Туркистон халқи истақ билдирмагунча, Туркистонга муҳожирлар келтирилиб, жойлаштирилмайди. (Бу ўринда, рус муҳожирлари ҳақида гап кетаётир, албатта.)

Бу муҳим тарихий ҳужжатни ушбу мавзунинг мутахассис ва тадқиқотчиларига ҳавола этарканман, уни Усмон Хўжа (Хўжаўғли)нинг хотирасига тайёрлаган қўлимиздаги армуғон китобда нашр этмоққа ижозат берган доктор Нашир Ҳаблемитўғлига яна бир бор миннатдорчилигимни билдираман.

*Темур ХўЖАЎҒЛИ*

### 3-ДУМАНИНГ АЛАДДУЛ-ЭҲТИРОМ<sup>1</sup> МУСУЛМОН ФРАКСИЯСИ РИЖОЛИ МУЖОҲИД<sup>2</sup> ЛАРИ МАЖЛИСЛАРИНА

Туркистон учун фикри ожизонамча ёзилмиш маърузадан бир нечасини 2-Дума Мусулмон фраксиясига тақдим этиб эдим. Агарчи ал-он<sup>3</sup> шамси хуррият<sup>4</sup> бироз булут остинда ва замонлар ўзгарди, маафиҳи<sup>5</sup> боди мурод<sup>6</sup> нек<sup>7</sup> бир замон ҳубубила<sup>8</sup> абри касиф<sup>9</sup> парчалари маълум<sup>10</sup> ва шамсимиз озодини порламоғи умиди қатъийдур. Онинг учун маишати молияли Туркистон ва Туркистоннинг мобаҳил — эҳтиёжи<sup>11</sup> ни баён этувчи моддалар ила қораланмиш шу маърузанин миллиати исломия ҳомийси ва йигирма миллийўн мусулмонларнинг муҳожидини муҳтарам мажлис оморлари<sup>12</sup> га манзур этиб, бир карра фраксиянча ўқулуб, велўв<sup>13</sup> жузъий<sup>14</sup> бўлсин, бул тараф маишатиға ва кераклик ислоҳотиға бир фикр ҳосил қилмоғимиз ва Туркистонни Идораи дохилия<sup>15</sup> ҳозирасиға равшанроқ вуқуф<sup>16</sup> пайдо қилинмоғи мутаманни<sup>17</sup> дур. Бундан муродим фраксиянинг донишманд рижолларина иш кўрсатмоқ дегил<sup>18</sup>, балки ожизона баёни маълумот ва ходимона арзи ахборотдур. Афандиларим! Боқий 20 миллийўн мусулмонларни мудофий<sup>19</sup> лари вукалойи ислом<sup>20</sup> ҳазоротиға<sup>21</sup> арзи эҳтиром этмақ-ла саодатманд ўлиюрам.

<sup>1</sup> А л а д д у л - э ҳ т и р о м — гоят эҳтиромли.

<sup>2</sup> Р и ж о л и м у ж о ҳ и д — ғайратли вакиллар.

<sup>3</sup> А л - о н — ҳозирда.

<sup>4</sup> Ш а м с и х у р р и я т — хуррият кўши.

<sup>5</sup> М а а ф и ҳ и — бинобарин.

<sup>6</sup> Б о д и м у р о д — мақсад маъносида.

<sup>7</sup> Н е к — яхши.

<sup>8</sup> Ҳ у б у б — шиддатли шамол.

<sup>9</sup> А б р и к а с и ф — қора булут.

<sup>10</sup> М а ъ д у м — йўқ бўлмоқ.

<sup>11</sup> М о б а ҳ и л - э ҳ т и ё ж — барча эҳтиёж.

<sup>12</sup> М а ж л и с о м о л а р и — мажлис иштирокчилари.

<sup>13</sup> В е л ў в — ҳатто.

<sup>14</sup> Ж у з ъ и й — қисман.

<sup>15</sup> Д о х и л и я — ички.

<sup>16</sup> В у қ у ф — хабардорлик.

<sup>17</sup> М у т а м а н н и — сўраш.

<sup>18</sup> Д е г и л — эмас.

<sup>19</sup> М у д о ф и ъ — ҳимоячи.

<sup>20</sup> В у к а л о й и и с л о м — мусулмонларнинг вакиллари.

<sup>21</sup> Ҳ а з о р о т — ҳазратнинг кўшиги.

*Вассалом вал-икром.  
1907 с нўябр. Самарқанддан Иттифоқи муслимин идора  
марказияси аъзолариндан муфтийи дорулқазо Са-  
марқандий Маҳмудхўжа Бехбудхўжа ўғли.*

## ИККИНЧИ ДУМА ФРАКСИЯИ ИСЛОМИЯСИНИНГ ХИДМАТИ ОЛИЙЛАРИНА “ИФОДА”

Ушбу минбаъд<sup>1</sup> ўқилатурғон сатрлар Русия муслмонлари иттифоқи прўграмини Туркистон тўғрисидаги илова(си) ённки шарҳ(и) мақомидаги мусаввада<sup>2</sup> йи асосиядур. Ённки муҳтарам муслмон фраксияси ва иттифоқиға баним тарафимдан топширулмиш бир маърузадир. Иттифоқ прўграмини тор ённки васеъ<sup>3</sup> гумон қилганлар-да кўб. Лекин васеъ гумон қилғонларни хатолари зоҳир<sup>4</sup> дур.

Миллатимизи истеъдодсиз ва идораи дохилия ва афтономияни ижро ва ҳифз<sup>5</sup> иға қодир эмас зан эдувчилар<sup>6</sup> албатта хато эдарлар. Оврупойи рус муслмонларидан зиёदारоқ афтономияни Туркистонға берилмоғи лозимдур. Азбаски<sup>7</sup>, туркистонлилар ҳануз дохилан ўзини ўзи идора эдар. Ва оврупойи Русиядаги қардошларимиздан ихтиёрлидурлар. Туркистонни ягона эҳтиёжи идораи руҳония ва дохилия ташаққули ва анинг аъзоларини басиратли<sup>8</sup> улушидир.

Аммо бу идора фақат руҳоний бўлмай, Туркистонни ҳозирги қуззот<sup>9</sup> и тасарруфинда бўлуви, мулкий ва дохилий иш ва ҳукмларинда муҳтави<sup>10</sup> ўлса керак.

Муҳтарам муслмон фраксияси вуқалоси ва Иттифоқи муслимин идорайи марказия аъзолари хизматларина ушбу отия<sup>11</sup> даги моддаларни тақдим этиб, саҳв<sup>12</sup> у хатомни ҳусни ниятимға бағишламоқларини рижо<sup>13</sup> ва муборак эл<sup>14</sup> ларини ўпарман.

*Вассалом вал-икром.  
Самарқанди муфти дорул-қазо<sup>15</sup> ал—ҳоже Маҳмуд-  
хўжа бин Бехбудхўжа хатиб. 1907 сана 24 апрел.*

### 1

#### “F” Дума хусусинда

1. Давлат Думаси учун Туркистонни адади нуфус<sup>16</sup> и исломиясиға мутаносиб вакил сайлансун.
2. Русияға ва Русия ҳукуматиға дин ва дунё тўғрисида бўлатурғон мажлисларға адади нуфуса муносиб суратда Туркистон(дан) мунтахаб<sup>17</sup> мабъус<sup>18</sup> жалб қилинсун.
3. Шўройи давлатға Туркистон муслмонларидан адади нуфуса муносиб мунтахаб аъзо талаб қилинсун. (Шўройи давлат мажлиси мансух<sup>19</sup> бўлмаган суратда.)

<sup>1</sup> М и н б а ъ д — қуйидаги.

<sup>2</sup> М у с а в в а д а — қоралама.

<sup>3</sup> В а с е ъ — кенг.

<sup>4</sup> З о ҳ и р — кўриниб турган.

<sup>5</sup> Ҳ и ф з — кўримоқ.

<sup>6</sup> З а м э д м о қ — ўйламоқ, гумон қилмоқ.

<sup>7</sup> А з б а с к и — шу сабабли.

<sup>8</sup> Б а с и р а т л и — кўзи ўткир.

<sup>9</sup> Қ у з з о т — қози сўзининг кўплиги.

<sup>10</sup> М у х т а в и — ичига олмоқ.

<sup>11</sup> О т и я — тубанда, пастда.

<sup>12</sup> С а ҳ в — хато.

<sup>13</sup> Р и ж о — умид.

<sup>14</sup> Э л — қўл.

<sup>15</sup> Д о р у л - қ а з о — қозихона.

<sup>16</sup> А д а д и н у ф у с — аҳоли сони.

<sup>17</sup> М у н т а х а б — сайланган.

<sup>18</sup> М а б ъ у с — вакил.

<sup>19</sup> М а н с у х — бекор қилинган.

## 2

### Русия мусулмонлари раиси

4. Умумрусия мусулмонларининг диний ва ҳаётий ишларини бажармоқ ва барча идораи руҳоний ва дохилиялари устидан қарамоқ учун Петербургга бир маҳкамаи исломия барпо бўлуб, раиси улуми диния ва замонияга моҳир муслимдан сайлов ила муваққат тайин бўлса керак.
5. Бу маҳкама ва муассасанинг моддий ва маънавий ажзо ва лавозимот<sup>1</sup> и лойиҳасини Русия мусулмонлари иттифоқи аъзолари ва мусулмон фраксияси рижол<sup>2</sup> и машварат<sup>3</sup> ила тайёр этсалар керак.

## 3

### Туркистон Идораи руҳония ва дохилияси асосининг мусаввадаси Туркистон Идораи руҳония ва дохилияси хусусинда

6. Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Семиречинск—Еттисув, Закаспийск—моварои Баҳри Ҳазар облустларидан иборат Туркистон ўлкасига бир Идораи руҳония ва дохилия барпо бўлуб, Туркистонни биринчи даража уламо синфидан шариат ва замондан хабардор киши сайлов ила беш йиллик тайинлаиб, шайхул-ислом аталиб, маҳкамаси Тошканд шаҳрига бунёд бўлса керак.  
(Қайд.) Бу сифатни ҳайиз<sup>4</sup> киши Туркистондан топилмаган суратда Русия Мусулмонлари Иттифоқи мажлисини Оврупои Русия мусулмонларидан муносиб кишиларни тақдим эдар ва алар ичидан сайланур.
7. Туркистон Идораи руҳония ва дохилияси таркиб топиладурлар: Бир раиски, шайхул-ислом алаладур, беш диний аллома аълам аталадурлар, беш вишший<sup>5</sup> ва ё средний оброзованный<sup>6</sup> мусулмонки, “чилон”<sup>7</sup> аталадурлар ва лозим қадар мирзо ва саркотиблардан.
8. Аълам ва чилонларни адади облустлар ила баробар ва ҳар облустдан бирор чилон ва аълам сайлануб, беш йиллик тайинланур.
9. Туркистон Идораи руҳония ва дохилияси ҳама ерли яҳудийлардан сайлов ила бир нафар яҳудий олими ишгирок эдар.
10. Туркистоннинг ҳар облустига Идораи руҳония ва дохилия шўъбаси очилиб, бу маҳкамалар облустной шаҳарларни мусулмон қитъа<sup>8</sup> сига бино бўлеун.
11. Идораи руҳония ва дохилия шўъбаси таркиб топиладур: Бир садринишинки, охунд аталадур. Ва уч диний уламоки, вилоят аълами аталадур. Ва бир вишший оброзованный мусулмонки, вилоят чилони аталадур. Ва лозим қадар мирзо, саркотибдан.
12. Ҳар облустга Туркистон Идораи руҳония ва дохилияси ва шўъбалари ва дорулқазо ҳукм ва талабларини ўрнига келпуратурғон ижроия маҳкамаси таркиб топилеун.
13. Бу маҳкама раиси оброзованный мусулмонлардан бўлуб, рижоли сайлови ва идораи дохилия истеҳкоми ила мансуб ўлур.
14. Туркистоннинг ҳозирги мусулмон валостной управителлари, истаршина ва истарший оқсоқлари ижроия маҳкамасини(нг) амру талабиға тобеъ ва мутеъ бўлсалар керак.
15. Бу идораи маҳкамаларни(нг) ҳар бири дохилан шўъбайи руҳония ва шўъбайи ҳаётия мунқасим<sup>9</sup> ўлурлар.

<sup>1</sup> А ж з о в л а в о з и м о т — нарса, жиҳозлар.

<sup>2</sup> Р и ж о л — вакиллар.

<sup>3</sup> М а ш в а р а т — маслаҳат.

<sup>4</sup> Ҳ а й и з — эгаллаган.

<sup>5</sup> В и ш ш и й — олшй.

<sup>6</sup> С р е д н и й о б р о з о в а н н ы й — ўрта маълумотли.

<sup>7</sup> Ч и л о н — аъзо.

<sup>8</sup> Қ и тъ а — қисм.

<sup>9</sup> М у н қ а с и м — бўлинмоқ.

16. Маскур маҳкама ва идораларни иморату сарфиёти, аъзо ва ажзоларини маоши кофий<sup>1</sup> ва вофий<sup>2</sup> даражага хазинадан берилсун.

#### 4

### Идорайи руҳония ва дохилия аъзоларининг хатти-ҳаракати

17. Шайхул-ислом ва охунд руҳоний ва шаръий ишларга, аъламларни низом ва ижоб<sup>3</sup> замоний ишларга, чилонларни мухталит<sup>4</sup> ишларга, ҳар икки синфни аксар раъйига тобеъ ўлуб, қарор берадур.  
Муҳим ишларга вилоят аъламлари ва чилонларини жамлаб, мажлис қиладур. Бу мажлис лозим кўрганда шаръий ва ҳаётӣ масъала ва мурод тўғрисида Русиядаги Идорайи руҳония ва мухторият доиралари ила машварат этадур. Раъй сўраб хабарлашадур...
19. Туркистон Идорайи руҳония ва дохилия шуъбалари доим Русия Муслмонлари иттифоқини тақвия<sup>5</sup> сиға ходим ўлурлар. Иттифоқ қарорига риоя элариз.
20. Бу мажлис ва идораларни ҳар бир иши, ҳукм ва қарори шарият қабул қилганда хафий<sup>7</sup> ва ал-айно<sup>7</sup> аскар раъйи ила бўлуб ва асл шариятдан хориж бўлмаса керак...
21. Туркистон Идорайи руҳония ва дохилияси тасарруфидаги шиъатул мазҳаб муслмонларини фақат русуми мазҳабиялари тўғрисида оид тейишли фатволарни Закавказ шиъа шайхул-ислом мажлисиндан сўраб, ул қарорга мувофиқ шиъалар ила русуми мазҳабия ҳақинда муомала эдар. Бошқа вазҳа сунний ила шиъа орасига фарқ бўлмаса керак.
22. Бу идораларни руҳоний ва ҳаётӣ шуъбалари тўғрисида лойиҳа топширмақ ва тафтиш этдирмоқ ва ҳисоб сўрамоққа маҳаллий аҳоли жамиятларини мулофаа ҳаққи бўладур.

#### 5

### Идорайи руҳония ва дохилия тасарруфиндаги ишлар

23. Зери назоратиндаги идорайи руҳония ва дохилия шуъбаларини бошқармоқ ва бир-бирига рабт<sup>8</sup> и ва маҳаллий барча идораларни танзим<sup>9</sup> и.
24. Маҳаллий рус маҳкамаларига саволнома бермоқ ва маъмурлари ҳаракати тўғрисида протест этмоқ ва тейишли халқ ҳуқуқин ҳукумати маҳаллиядан талаб этмоқ ва ҳимоя қилмоқ.
25. Мерос-валодат<sup>10</sup>, усубат-ҳазонат<sup>11</sup>, никоҳ-талоқ, сиғар<sup>12</sup>-лақит<sup>13</sup> ва бил-жумла рўзғор ва оила ишлари ва ҳар нав жамъи манкул<sup>14</sup> ва ақар<sup>15</sup> моллари ва номус даъволари.
26. Масжид, мадраса, мактаб, вақф ва хайрот, васият ишлари ва буларни мутавалли ва нозирлари ва ҳар нав диний ва дунявий таҳсил прўграм ва тартибини вазъи мактаб ва мадрасаларни бунёд этдирмоқ.

<sup>1</sup> К о ф и й — кифоя қиладиган .

<sup>2</sup> В о ф и й — тугал, тўлиқ.

<sup>3</sup> И ж о б — эҳтиёж.

<sup>4</sup> М у х т а л и т — турли — туман.

<sup>5</sup> Т а қ в и я — кучайтириш.

<sup>6</sup> Х а ф и й — яширин.

<sup>7</sup> А л - а й н о — ошкор.

<sup>8</sup> Р а б т — боғланиш.

<sup>9</sup> Т а н з и м — тартибга солиш.

<sup>10</sup> В а л о д а т — туғилиш.

<sup>11</sup> У с у б а т — ҳазонат — бола боқиб олиш ва тарбиялаш.

<sup>12</sup> С и ғ а р — қарамоғдаги бола.

<sup>13</sup> Л а қ и т — бола сақлаб олиш.

<sup>14</sup> М а н қ у л — кўчма.

<sup>15</sup> А қ а р — кўчмас.

27. Туркистон қозиларига шаръий, урфий ва тижорий ва замоний ишларни сўрамоқлари учун ва жазо учун дастурул-амал ва қонунномалар тасниф этмоқ.
28. Сўфийлик ва хонақодорлик-муридгарликларни хуррияти виждонига муғойир эмас суратда шариатга татбиқ қилмоғ ва бу йўл илан авомни хурофот ва турраҳот<sup>1</sup> ва зиёи авқот<sup>2</sup>дан ҳифз этмоқ<sup>3</sup>.
29. Урф ва расм номи ила жорий одот<sup>4</sup>и қабиҳларни тадрижий йўқ бўлушига саъй этмоқ ва тадбир қилмоқ.
30. Зер<sup>5</sup>и назоратидаги маҳаллий идора ва дорулқазолар таърифиндаги ишлар ва мактубот-васойиқ<sup>6</sup> ва тазкира<sup>7</sup>ларга вергу<sup>8</sup> расм, муҳр, тамға ёинки миллий марка тайин қилмоқ. Қози ва барча руҳоний ва илмий ва миллий ходимларни(нг) халқдан олатурғон ужра<sup>9</sup>ларини тақдир ва тансиқ<sup>10</sup>и ва алардан Идораий руҳония ва дохилияга олинатурғон “ирод”<sup>11</sup>ларни қарори.
31. Барча руҳоний ва миллий, дохилий мактаб хидматларига киратургонларни имтиҳон этиб, даражайи рушд<sup>12</sup> ва истехқоқ<sup>13</sup>ига мабни<sup>14</sup> шаҳодатнома бермоқ ва аларни сайловиға ижроия маҳкамалари воситаси-ла назорат этиб, мустаҳкам қилмоқ. Ва аларнинг тафтиши жиноят ва танбиҳ ва азллари. (Қайд) Шўйлаки, Идораий руҳония ва ё шўъбасидан шаҳодатнома олманган киши ҳеч бир мансаб ва миллий хидмат сайлови-ла мунтахаб бўлинмайдур.
32. Ер ва сув масалаларини Туркистоннинг дохилий маишат ва аҳволи ҳавоия ва жүгрофиясиға мувофиқ суратда ҳоли ва бул бобға “вазъи қонун”.
33. Туркистонға “отиятул вуқуъ<sup>15</sup> — меҳнаткаш” масаласини замон ва макона мувофиқ ҳоли ва қонун вазъи.
34. Гўсудареки Думадаги мусулмон фраксиясиға ўз тасаввур ва фикрини ҳар сана арз элар ва ани саволиға жавоб берар (Туркистонийлар умуман сиёсат ва иқтисоди амониядан беҳабар ва Туркистон учун юқорига баён бўлмиш модда ва қавонин<sup>16</sup> вазъиға муваққатан аҳоли кўзи очилгунча Идораий руҳония ва дохилия молик ва ҳодий<sup>17</sup> ўлиши нофеъдир).

## 6

### Идораий руҳония ва дохилия масъулияти

35. Идораий руҳония ва дохилия шўъбаларини ва ижроия маҳкамасини ва дорулқазони аъзо ва раис, чилон ва аълам ва қозиларини хиёнат ва жиноятлари Идораий руҳония ва дохилия маҳкамасиға боқилур. Буларни тафтиши ул маҳкамани(нг) биринчи ишилур.
36. Туркистон Идораий руҳония ва дохилияси раис, аъзо, чилон ва аъламларин қабоҳат ва жиноятлариға боқмоқ; ҳайъати тафтишия ва ҳукм таъйин этмоқ ва Русияни барча Идораий руҳония ва мухториятларини таҳқиқ<sup>18</sup>

<sup>1</sup> Турраҳот — беъманиликлар.

<sup>2</sup> Зиёи авқот — вақтни бекор ўтказиш.

<sup>3</sup> Ҳифз этмоқ — сақламоқ.

<sup>4</sup> Одат — одатлар.

<sup>5</sup> Зер — ости.

<sup>6</sup> Васойиқ — васиқалар.

<sup>7</sup> Тазкира — паспорт.

<sup>8</sup> Вергу — солиқ.

<sup>9</sup> Ужра — тўлов.

<sup>10</sup> Тансиқ — тартибга солиш.

<sup>11</sup> Ирод — эъбироз.

<sup>12</sup> Рушд — етуклик.

<sup>13</sup> Истехқоқ — ҳақлилик.

<sup>14</sup> Мабни — биноан.

<sup>15</sup> Отиятул-вуқуъ — келажак воқеа.

<sup>16</sup> Қавонин — қонунлар.

<sup>17</sup> Ходий — йўл кўрсатувчи.

<sup>18</sup> Таҳқиқ — текшириш, ҳақиқатни аниқлаш.



ва бошқармоқ Умум-Русия мусулмонлари раиси маҳкамасининг хидмати махсусасидандур. (Бу Русия мусулмонлари раисини(нг) сифати Русия мусулмонларини учунчи надвасник муқаррарот<sup>1</sup> и деган рисолани 15 саҳифа 11 моддасига ёзилгандур).

7

**Туркистон қозилари хусусинда**

37. Туркистон қозилари ҳозирги тартиб ила сайлануб, аммо керакки, мустаҳиқ<sup>2</sup> ва муносибликлариға идорайи руҳония ва ё пўғбасидан шаҳодатномалари бўлсун ва буларни истеҳкоми ва азл<sup>3</sup> и Идорайи руҳония ва дохилия ихтиёридадур.
38. Барча Туркистон музофотиға “Ви” деган одат бўюнча иш ва ҳукм қилатургон мансаблар йўқ бўлуб, алар ўрниға шаръий қозилар мансаби барпо бўлсун.
39. Ҳар бир волўстға бир дорулқазо ўлур. Ҳар дорулқазоға бир қози ва бир мувоини муносиб тайинланур.  
Қайд. (Тақсим ва тарака<sup>4</sup> мундин моада<sup>5</sup> бир неча ишлар ноиб бўлмаганида аҳолиға ниҳоят оғир тушуб, муаттал<sup>6</sup> ва мутазаррир<sup>7</sup> ўлурлар). Ноиб, албатта, лозимдур.
40. Қози ва ноиб вазифалари ҳозиргидек халқ тарафидан берилиб, Идорайи руҳония тақдир этар. Ёинки, мақтуъ<sup>8</sup> вазифайи шахрия<sup>9</sup> тайин этиб, халқдан олинатургон расм<sup>10</sup> лар идора кассасинда ҳифз ўлинур<sup>11</sup>.
41. Бир қози ҳукмина норози киши ҳозиргидек 4 қозидан мураккаб саёздға ружуъ элар. Ҳозиргидек чризвичайний саёзлар-да таркиб топилир.
42. Саёзд қозиларни ҳукми Идорайи руҳония ва дохилиягача марфуъ<sup>12</sup> ўлуб, имзо ва мустаҳкам ёинки истиноф<sup>13</sup> фасх<sup>14</sup> ва лағв<sup>15</sup> ўлинур.
43. Қазо доираларинда ёзилатургон барча ҳужжат ва ҳукм ва таскира ва дафтарларни туркча ёзиб, даъво ва ҳужжат суммалари номутаноҳи<sup>16</sup> ўлур. Бу мактубларни фўрмаси Идорайи руҳония ва дохилия тарафидан кўрсатилир.
44. Туркистон қозилари ҳозирги барча сўраб турган ишлари ва минбаъд<sup>17</sup> қатлдан бошқа ва барча даъво ва ҳуқуқ ва Идорайи руҳония ва дохилияни тошпирадургон ҳар навъ ишларни сўрайлир.
45. Туркистон қуззотини ҳузурига тасдиқ этулмиш барча васойиқ ва ҳукмлар ва хутуллар<sup>18</sup> Русия адлия маҳкамалариға қабул қилинса керак.
46. Умум тижоратхоналар ва ажнабий табааси ва гайридинлар ила бўлатурган иш ва даъволар тўғрисида Идорайи руҳония ва дохилия бератургон қонуннома ва дастурул-амаллариға мувофиқ ҳаракат ва ҳукм қиладурлар Қайд. (Ҳозирги Туркистон дорулқазолари ҳукм ва файсала<sup>19</sup>, даъвий<sup>20</sup> ва муқовалат<sup>21</sup> муҳаррирлиги ва руҳоний фатволар(ни) ҳавойидурлар).

<sup>1</sup> Муқаррарот — низом, қоида.

<sup>2</sup> Мустаҳиқ — лойиқ.

<sup>3</sup> Азл — мансабдан бўшатилш.

<sup>4</sup> Тарака — мерос.

<sup>5</sup> Моада — бундан бошқа.

<sup>6</sup> Муаттал — кутиб қолмоқ.

<sup>7</sup> Мутазаррир — зарар кўрувчи.

<sup>8</sup> Мақтуъ — узилган, кесилган.

<sup>9</sup> Шаҳрия — ойлик.

<sup>10</sup> Расм — солиқ.

<sup>11</sup> Ҳифз ўлинмоқ — сақланмоқ.

<sup>12</sup> Марфуъ — кўтарилган.

<sup>13</sup> Истиноф — ашшеляшия.

<sup>14</sup> Фасх — рад қилиш.

<sup>15</sup> Лағв — бекор қилиш.

<sup>16</sup> Номутаноҳи — чекланмаган.

<sup>17</sup> Минбаъд — бундан кейин.

<sup>18</sup> Хутул — хатлар.

<sup>19</sup> Файсала — қарор.

<sup>20</sup> Даъвий — даъво.

<sup>21</sup> Муқовалат — шартнома.

## 8

**Жоний<sup>1</sup> ва бадкор<sup>2</sup> лар**

47. Туркистон халқидан шариат ва ё зақун маҳкамаларина 3 маротаба ўғрилиқ ва ё умумга зарар келтурагургон гуноҳлар собит бўлганда жазосини тортигандин сўнг Идораи руҳония хоҳлаганда Туркистоннинг ўзга маҳаллига муваққатан<sup>3</sup> ёинки муаббад<sup>4</sup> ҳайдалсун.
48. Ғайри Туркистонийлардан бўлган гуноҳкорларни биринчи мартабага табдил<sup>5</sup> и макон ва ё ихрож<sup>6</sup> и Туркистон қилмо(қ)ға Идораи дохилия қодир бўлса керак. Идораи руҳония ва дохилия жазо тўғрисида дорулқазолар учун қонун тузар. Қатл ва ё катта даъволарга фавқулодда ҳукмлар тайин элар.

## 9

**Туркистон яҳудийлари ва ажнабийлари**

49. Туркистон яҳудийлари маъжусий ва православнийдан моада ажнабий мазҳаб кишиларини ўз асосиндаги даъво ва ишлари ўз расм ва одатларича ўз катталари ҳузурига файсала топиб, аммо Туркистон одамлари ила муносабатлик ҳар навъ иш ва даъволари Идораи руҳония ва дохилия ва Туркистон қазойи маҳкамаларига<sup>7</sup> сўраладур ва мазкур мазҳаб кишилари одот ва дохилинда риоя ўлинур ва хусусий қонунлар тасниф ўлинур.
50. Хорижия мамлакатларни ва ичкари Русиядан келатургон мазкур мазҳабларга тобеъ кишиларни ҳам туркистонликларга бор даъво ва ишлари Идораи руҳония ва дохилия ва Туркистон қазойи маҳкамаларига<sup>8</sup> сўралсун.

**ИЗОҲ:**

Идораи руҳония ва дохилиянинг асоси хусусинда фикри ожизонама келган шай<sup>9</sup> лар юқориға<sup>10</sup> баён бўлмиш моддалардан иборатдур. Шимди<sup>11</sup> ҳукумат идоралари тўғрисида бир қоч<sup>12</sup> талаб ва модда ёзиб, аладдул — эҳтиром мусулмон фраксиясига тақдим этадургон маърузамни итмом<sup>13</sup> эдарман.

**МУЛКИЙ МАҲКАМАЛАР ХУСУСИНДА**

1. Туркистон крайининг бош маҳкамасиндаги мулкий ва молий ва илмий шубба ва мажлисларина мусулмонлардан муваззаф<sup>14</sup> чилон ва мушовир<sup>15</sup> лар тайинлансун.

<sup>1</sup> Ж о н и й — жиноятчи.

<sup>2</sup> Б а д к о р — ахлоқсиз.

<sup>3</sup> М у в а қ қ а т а н — вақтинча.

<sup>4</sup> М у а б б а д — бир умрга.

<sup>5</sup> Т а б д и л — ўзгартириш.

<sup>6</sup> И х р о ж — чиқариб юбориш.

<sup>7</sup> Ш е в а э л е м е н т и. Адабий тилда: маҳкамаларида.

<sup>8</sup> Бу ўринда ҳам.

<sup>9</sup> Ш а й — нарса.

<sup>10</sup> Ғ а — да: шева.

<sup>11</sup> Ш и м д и — энди.

<sup>12</sup> Б и р қ о ч — бир неча.

<sup>13</sup> И т м о м — тамом.

<sup>14</sup> М у в а з з а ф — идора ходими.

<sup>15</sup> М у ш о в и р — маслаҳатчи.

2. Барча вилоят маҳкамаларининг шул тўғридаги мажлис ва шубҳаларига мусулмондан лозим қадар чилон ва мушовир тайинлансун.
3. Ҳар бир шаҳар ва қатта қасабага “Городской Дума” очилиб, гласнойлар аҳоли жинсига тақсим қилинсун.
4. Гўрўдски главни гласнойларни ўзи сайлансун.
5. Русия адлия маҳкамалари сайловиға ва андаги мансаблара сайланмоғи мусулмонлар ҳақли ўлсунлар.
6. Туркистон маишатидан хабарсиз юристларни Туркистон адлия маҳкамаларига ҳоким тайинланмасун.
7. Ҳозирги қаттиг низомлар ва чиновникларға берилган ихтиёрлар энг тезлик илан фасх бўлсун.
8. Қози ва ё судялар жазо тайин қилмагунча, ҳеч кимни ҳибс қилинмасун.
9. Туркистон қуззоти бай-бот<sup>1</sup> васиқасиз 300 сўмдан зиёдасини қилмасун, деган сўз бекор бўлсун.
10. Туркистонга Идорайи руҳония тезлик илан очилсун.
11. Қозилар ҳукми прокурор назоратидан чиқарилиб, Идорайи руҳония тасарруфиға топширилсун.
12. Дорулқазо хатларига олинатургон марка низоми бекор бўлсун.

### Вақфлар хусусинда

13. Туркистоннинг забт бўлмиш ақор, манқул ва нуқуд<sup>2</sup> вақфлари ва аларни забт бўлгандин бери ҳосил ўлмиш ирод вакиллари Идорайи руҳония ва дохилия тасарруфиға топширилсун.
14. Вақфларни бошқармоқ ва тақсимдан воқиф<sup>3</sup> бўлмоғ шариат ва шартти воқиф бўюнча Идорайи руҳонияға тегишли бўлса керак.
15. Вақф бино таъмирот ва ажзолари ва ҳар хил мустадроки вақфи ақарот ва манқулот ва нуқудлари Идорайи руҳония қарори ила масраф<sup>4</sup> иға берилсун.  
(Қайд. Масалан, харб бўлмиш даҳма, минора, мадраса, хонақоҳ ва аларни ижроси ва ўрни).
16. Вилоят маҳкамаларига маҳфуз<sup>5</sup> вақфнома ва авқоф<sup>6</sup> пилонлари Идорайи руҳонияға топширилсун.

### Умумий мактаблар

17. Русияға умумий ўқитув масала ва моддаси Туркистонни мусовия<sup>7</sup> н муштамил<sup>8</sup> бўлсун.
18. Туркистон мактаб ва мадрасалари ҳукумат назоратидан озод бўлсун.
19. Умумий ўрта ва олий мактабларға мусулмонлардан комиссия тайинлансун. Рус ҳарфи мусулмон мактабига жабрий бўлмасун.

---

<sup>1</sup> Б а й - б о т — олди-сотди бўлса керак. Б а й — сотмоқ.

<sup>2</sup> Н у қ у д — нақд пуллар.

<sup>3</sup> В о қ и ф — вақф эгаси.

<sup>4</sup> М а с р а ф — сарф.

<sup>5</sup> М а ҳ ф у з — сақланадиган.

<sup>6</sup> А в қ о ф — вақфлар.

<sup>7</sup> М у с о в и я — тенглик.

<sup>8</sup> М у ш т а м и л — ўз ичига олган.

20. Ҳар хил корхона, ҳибсхона ва аскархоналарғаки, мусулмон бордир, мусулмон руҳонийси тайинлансун.

### Сув ва ерлар хусусинда

21. Туркистонға дунёнинг ҳар тарафидаги мусулмоннинг ер олмага ҳақи бўлсун. Ва инчунин дунёға туркистонлилар-да шерик ўлсунлар.
22. Саҳро-биёбон, кўҳистон ва шаҳар халқини қадимдан бери ўртаға қўюб, муштаракка нафъланиб<sup>1</sup> келаётган яйлоқ, чашма, беша<sup>2</sup>, кон, кўл, марғзор<sup>3</sup>, наҳр<sup>4</sup> ва шуларға ўхшаш сабаби ҳаёт ва тараққийлари бўлгувчи нимарсаларидан нафланмоғи монёъ бўлувчи зақунлар лағв бўлсун.
23. Наҳр ва катта-кичик ариғ сувларини тақсими аҳолини иттифоқи ва машварат<sup>5</sup> и ила бўлсун.
24. Туркистон халқи талаб қилмагунча Туркистонға муҳожир юборилмасун.
25. Туркистон шаҳарлари доҳилиндаги ерлар янги низом вазъ<sup>6</sup> бўлгунча хоҳ муваққат ва абадий бўлсун ғайри мусулмонларға берилмасун.

*Тамом.*



---

<sup>1</sup> Муштарак нафъланимоқ — биргалликда фойдаланмоқ.

<sup>2</sup> Беша — ўрмон, тўқай.

<sup>3</sup> Марғзор — ўтлоқ.

<sup>4</sup> Наҳр — дарё, ариқ.

<sup>5</sup> Машварат — маслаҳат.

<sup>6</sup> Вазъ — тартиб қилинмоқ.

# Фалсафа – баҳс ва мунозаралар майдони

(Гуннар Скирбекк, Нильс Гильенинг «Фалсафа тарихи» асарини ўқиб...)

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакатимиз, халқимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришларни амалга ошириш имконияти юзага келди. Бундай ўзгаришлар ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида ҳам аста-секин кўзга ташлана бошлади. Маънавият ва маърифат асослари, миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар, демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти сингари янги фанлар ўқув режаларига киритилди. Мустақил, эркин, ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўлган ёшлар учун барча шароитлар яратилди. Лекин мамлакатимизда яратиб берилган катта имкониятлар ижтимоий-гуманитар фанлар давр талаблари даражасида ривожланишига, мураккаб назарий, амалий муаммолар мустақил, эркин, ижодий таҳлил этилишига, замон талабларига мос фундаментал асарлар пайдо бўлишига олиб келмади.

Фалсафага янгича ёндошиш кераклиги ҳақида гаплар кўп бўлган бўлса ҳам бу борадаги ишларнинг моҳияти нимадан иборат экани чуқур аниқланмади. Кўплар фалсафага янгича ёндошиш деб уни мустақиллик муаммолари билан боғлашни, миллий фалсафани яратишни, Шарқ халқларининг бу борадаги меросини чуқурроқ, кенгроқ ўрганишни тасаввур эта бошладилар.

Фалсафага янгича ёндошиш бутунлай янги таълимотлар тизимини яратиш, бу соҳадаги эски меросдан воз кечиш эмас, балки бу фан муаммолари талқинига ҳолис, илмий, эътиқодий бағрикенглик билан ёндошишдир, фалсафий мерос ва қадриятлар талқини сиёсий мақсад ва манфаат-

лар билан чекланишига, эркин, мустақил фикрлаш имконияти ва маданияти бўғилиб қолишига йўл қўймай, билим ва амалиёт якунларини умумлаштиришдан келиб чиқадиган назарий хулосалар умуминсоний қадрият даражасига кўтарилишига имкон яратишдир.

Фалсафа шундай фанки, унинг муаммолари таҳлилида даврнинг илдамлаб бораётган зиддиятли руҳи тўла ва тўғри акс этиши керак. Фалсафа ҳар қандай кашфиётни, фан соҳасидаги янгиликни мутлақ ҳақиқат деб тан олмайди, ҳар бир муаммо таҳлилидан олдин, «бу нима учун шундай», «бошқача бўлиши мумкин эмасми», деб савол қўяди. Фалсафа тарихида жамият ва фан тараққиёти олдида бундай саволлар қўйилмаган давр бўлмаган, бўлмайди ҳам. Шу сабабли фалсафий муаммолар таҳлили доим кескин баҳс ва мунозаралар майдони бўлган. Агар шундай эркин, ижодий, холис, илмий баҳс ва мунозаралар бўлмаса, фалсафа фан сифатида ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотади, унинг ривожланиши тўхтайдди.

Яқинда «Халқ сўзи» газетасида таъниқли шоир ва олим Асқар Маҳкамнинг Гуннар Скирбекк, Нильс Гильенинг ўзбек тилига таржима қилинган «Фалсафа тарихи» асарига бағишланган «Фалсафа тарихи» ёхуд «қўлбола» таржима қилинган китобнинг ўқувчиларга таъсир қилиши тўғрисида» номли танқидий мақоласи эълон қилинди. Мақола файласуф олимлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Бу китобни мақтовчи мақолалар матбуотда эълон қилинди.

Мен Асқар Маҳкамнинг тақризига эътироз билдира олмайман.

Ҳақиқатан ҳам, таржимада маълум камчиликларга йўл қўйилган, китоб муаллифининг айрим фикрлари тўғри очиб берилмаган. Мен китобни ўқиб, мақола муаллифи кўрсатганидан ҳам кўпроқ гализликларни учратдим. Таржимонлар ўз соҳасини чуқур эгаллаган олимлардир. Лекин улар касби жиҳатидан таржимон бўлишмаган. Бундан ташқари, аввал ҳам йирик асарларни ўзбек тилига таржима қилиб малака орттиришмаган. Таржимонлик ҳам ўзига хос малака ва тажриба билан боғланган масъулиятли мутахассисликдир. Шу сабабли бундай йирик асарни ўзбек тилига таржима қилишда маълум хатоларга йўл қўйилиши ўз-ўзидан аён дур.

Лекин асосий гап бошқа ерда. Таржимадаги айрим нуқсонлардан қатъи назар, китоб ўзбек тилида нашр этилиши фалсафага янгича ёндошиш муаммоларини, бу фаннинг тарихи, назарий муаммолари ва қадриятларини Фарб олимларининг фикр ва мулоҳазалари асосида кенгроқ, чуқурроқ ва ҳолис тушунишга имкон беради.

Албатта, мен Гуннар Скирбекк ва Нильс Гильбенинг фалсафа, унинг тарихи ҳақидаги барча фикрларини мутлақ ҳақиқат, деб тан олиш тарафдори ҳам эмасман. Улар бу масала таҳлилига Фарб фалсафаси ва маънавияти андозалари, анъаналари, қадриятлари мезонларидан келиб чиқиб ёндошганлар. Лекин улар ўртага қўйган муаммолар таҳлили ва хулосаларида бизнинг фалсафа, унинг моҳияти, тарихи ҳақидаги эски, занглаб кетган тасаввур ва тушунчаларимизни чархлаб, янгилаб, бир оз ойдинлаштириб олишга имкон берадиган фикрлар ва хулосалар кам эмас.

Фалсафага янгича ёндошиш бутунлай янги фалсафани яратиш керак, деган маънони ҳам билдирмайди. Агар ҳар бир тарихий даврда яшаган одамлар бутунлай янги фалсафани яратиш, эскиларидан воз кечиш йўлидан борсалар, бу фан ўзининг тарихий, назарий илдизларидан ажралиб, умуминсоний қадрият сифатидаги аҳамиятини йўқотиб қўйган бўлур эди. Фалсафий фикрлар тараққиёти асосан воқислик, такомиллашиш ва шу асосда янгилашни йўлидан боради. Янги юзага келган фалсафий таълимотлар, нуқтаи назарлар ўтмишдаги қарашларнинг мантиқий давоми, янги ижтимоий, тарихий вазиятни акс эттирган шакли сифатида юзага келади. Фалсафий муаммолар таҳлилига ҳар

доим, ҳар даврда ижодий ёндошиб келинган. Демократик давлатларда бу фан соҳасида сиёсий сабаблар билан юзага келган турғунлик ва тушкунлик даври ҳам бўлмаган. Хорижий Фарб ва Шарқ мамлакатларида ҳам сиёсатнинг фалсафага таъсири бўлган, албатта. Лекин сиёсат бу фаннинг моҳияти ва вазифаларини, тадқиқот мавзуларини белгилаб берувчи ягона мезон бўлмаган. Аксинча, сиёсатнинг ўзи фалсафанинг илғор инсонпарварлик гоյлари ва қадриятларига таянган.

Китобда аниқ кўзга ташланадиган масала – демократик давлатларда фалсафа фани муаммоларининг моҳияти ва аҳамияти юзасидан шакланган мустақил, илмий, ҳолис нуқтаи назардир. Албатта, Фарб, Шарқ мамлакатларида фалсафанинг тарихи ва назарий муаммолари юзасидан ҳозир ҳам кескин баҳслар кетмоқда.

Фалсафа фани ва унинг тарихига янгича ёндошишга имкон берадиган бундай хулосаларнинг барчасини санаб ўтишга эҳтиёж йўқ. Уларнинг айримлари устида қисқа тўхталиб ўтамиз, ҳолос.

Бундай муаммолардан бири фалсафа фанининг моҳияти, аҳамияти, баҳс мавзуси ва таҳлил этаётган муаммолари ҳақидаги фикрлардир. Фарб ва Шарқ мамлакатларидаги олимлар фалсафанинг моҳияти масаласига анча кенг ёндошганлар. Уни бир томондан, барча онгли, фикрловчи одамларга хос бўлган ижодий тафаккур маданияти, салоҳияти, иккинчи томондан эса барча билимларни умумлаштириб, улар асосида яқуний хулосалар қилишга имкон берадиган фан сифатида қараганлар.

Бу муаллифларнинг қуйидаги фикрларида яққол кўзга ташланади: «Биз англаймизми ёки йўқми, барибир, фалсафий фикр юритишлар бизнинг кундалик ҳаётимизга сингиб кетган» (9-бет). Бу ўринда ўрта асрда яшаган буюк араб файласуфи Ал Киндийнинг фикрлари ҳам ибратлидир. Бир куни шогирдлари Ал Киндийдан, устоз, баъзи олимлар фалсафа керак эмас, дейишади, уларга қандай жавоб берайлик, деб сўрашган экан. Шунда Ал Киндий шогирдларига, сизлар ҳам уларга фалсафа нима учун керак эмас, деб савол беринглар, улар жавоб бериш учун кўплаб далиллар келтиришадди, уларни ақлий таҳлил этиб, маълум хулосалар қилиб жавоб беришга ҳаракат қилади, мана шунинг ўзи фалса-

фадир, деб жавоб берган экан. Демак, фалсафий фикрлаш билан фалсафани фан сифатида билиш бир эмас.

Одамларнинг маънавияти, умумий билимлари, манфаатлари, ҳаётий мўлжаллари, амал қилаётган қадриятлари бир хил бўлмагани сабабли, улар қилган хулосалар ҳам айнан бирдек бўлиши мумкин эмас. Бирор нарсани, ҳодисани тушуна олмай ёки бирор ишга чора топа олмай қолсак оқсоқолларнинг олдига борамиз, маслаҳат сўраймиз. Улар ёши катта бўлгани учунгина эмас, балки ҳаётда кўп нарсани кўриб, билиб, катта тажриба орттиргани учун ҳам бизга тўғри маслаҳат бериш, йўл кўрсатиш имконига эгадирлар. Улар берган маслаҳатлар ҳам, ҳаёт сабоқларини умумлаштиришга асослангани учун фалсафий хулосаларнинг аниқ шаклидир.

Шу маънода халқ мақоллари, доноларнинг сўзлари, ҳадислардаги сермазмун, ибратли фикрлар ҳам тасодифий айтилган гаплар эмас, балки минглаб йиллик ҳаёт сабоқларини ақлий умумлаштиришдан келиб чиққан фалсафий хулосалардир. Ҳаётий асослари теран бўлгани учун ҳам бу ҳикматлар замонлар ўтса ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай, умуминсоний қадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб бораверади. Демак, фалсафани фан сифатида билмаган кишилар ҳам фалсафий фикрлаш қобилиятига эгадирлар.

Жамиятда, жамоа билан муайян муносабатлар ичида яшар эканмиз, фалсафий ўйлар, фикрлар гирдобидан чиқиб кета олмаймиз, ҳаётнинг, мураккаб чексиз оламнинг моҳиятини қанчалик чуқур билсак, шунчалик кўп фалсафий муаммолар ичига кириб борамиз. Ҳаёт, маънавий камолот йўли текис, равон эмас. Унда ҳаммавақт ҳал этилмаган мураккаб муаммолар тизими дуч келамиз, уларни англашга, ҳаётий масалаларни ҳал этиш йўллариини излашга интиламиз, кечаги, буғунги кундан кўпроқ эртанги кунни ўйлаймиз. Бу ўйлаш, чора излаш жараёнида кўплаб фикрлар миямиздан ўтади, уларни эътиқодимиз, ҳаётий мўлжалларимиз, билимларимиз, манфаатларимиз ва уларга асос бўлган қадриятларга таяниб қиёсий таҳлил этамиз, бу ишларда бошқалардан маслаҳат сўраймиз, фикр ва мулоҳазаларини оламиз. Шу ҳаётий заруриятларни англаб, ақлий таҳлил орқали уларни ҳал этиш йўллариини излашга интилишнинг ўзи фалсафадир. Шу

сабабли фалсафани юнонлар доноликни севиш, араблар эса ҳикмат деб атаганлар.

Гуннар Скирбекк ва Нильс Гильенинг асаридаги эътиборга олиш зарур бўлган масалалардан яна бири – фалсафа тарихи муаммоларининг ёритилишидир. Муаллифларнинг бу масалага муносабати ҳам бизнинг эски тасаввурларимиз доирасига сиғмайди. Совет тузуми даврида, ундан кейинги йилларда ёзилган асарларда ҳам, фалсафа тарихи материализм билан идеализм ўртасидаги мурасиз курашлар саҳифаси сифатида ўрганилди. Материализм билан идеализмнинг моҳияти, фалсафий фикрлар тараққиётидаги ўрни олдиндан қатъий белгиланиб, бири бутунлай ижобий, иккинчиси салбий баҳоланди. Турли даврлар ва мамлакатларда яшаган файласуфлар, олимлар сунъий равишда материалистлар ва идеалистларга бўлиб ташланди. Кенг қамровли энциклопедик билим соҳиби бўлган Ўрта Осиёлик олимлар ҳам сунъий йўл билан материалистлар саҳифага кўшилди. Бу олимларнинг дунёқарашини, эътиқодинигина эмас, балки фан тарихини ҳам сохталаштириш эди.

Фалсафа тарихини ўта сиёсийлаштириш, унинг моҳияти ва мазмунини материализм ва идеализм ўртасидаги курашлар тарихи сифатида таърифлаш, бу курашларни жамиятдаги синфий зиддиятларнинг ифодаси сифатида талкин этиш асоссиздир. Сиёсий курашлар фалсафий таълимотларга таъсир этади, албатта, лекин унинг асосий моҳияти ва мақсадини белгилаб бера олмайди. Демак, фалсафа тарихи материализм билан идеализм ўртасидаги мурасиз курашлар тарихи эмас, балки инсониятнинг муайян шароитлардаги манфаатлари, эътиқодларига таяниб, инсон ва табиат, инсон ва инсон, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг моҳияти, мақсади, истиқболларини англашга қаратилган умумий билимлари, хулосалари, тушунчалари эволюциясидир. Инсоннинг бу муаммолар хусусидаги ўй-фикрлари турли шароитларда, турли даражадаги илмий, маънавий заминга, манфаатларга таяниб амалга ошаётгани сабабли, чиқарилаётган хулосалар бир-бирига мос келиши ҳам, бир-бирига зид бўлиши ҳам мумкин.

Тафаккур тараққиёти – инсон аввал билган нарсалари доирасидан янги

билимлар, фикрлар сари бораётганининг белгисидир. Хар қандай янги фикр, билим ҳам кўпчилик томонидан бирданига ҳақиқат сифатида қабул қилинмайди, балки кўплаб тўсиқларни енгиб, бу масала ҳақидаги одамларнинг онги ва эътиқодига сингиб кетган эски фикрлар, тушунчалар хато экани амалда исботланганидан кейин тан олинади. Лекин бу эътироф ҳам сўнги чегара эмас, балки зиддиятли тафаккур тараққиётидаги бир босқичдир.

Олам ҳақидаги инсон билимлари тараққиёти шундай фикрлар кураши билан абадий давом этаверади, ҳеч ким, ҳеч қачон унга сўнги нуқтани кўя олмайди. Фалсафа тарихи борлиқнинг моҳияти ва истиқболи ҳақидаги доим кенгайиб, ривожланиб турадиган умумий хулосалар асосида юз бераётган баҳслар ва мунозаралар, улар асосида юзага келган турли таълимотлар, назарий хулосалар шаклланиши ва ривожланишининг ифодасидир.

Албатта, мен фалсафа тарихида материалистик, идеалистик нуқтаи назарлар бўлмаган, деб айта олмайман. Лекин улар жамиятдаги мурасиз синфий курашларнинг ифодаси эмас. Материализм ва идеализм бир-биридан фарқ қилса ҳам улар оламни тушунишнинг, билимларни изоҳлаш ва умумлаштиришнинг ўзига хос икки йўлидир. Материалистлар олам моҳияти ва тараққиётининг моддий томонларини кўрсатишга катта аҳамият берадилар. Идеализмда эса жамият ҳаёти ва олам тараққиёти таҳлилида маънавий омилларнинг ўрнини кўрсатишга кўпроқ аҳамият берилади. Гап тараққиётнинг моддий ва маънавий омиллари бир-биридан устунлигида эмас, балки уларнинг бирлигидадир. Оламнинг биринчи ибтидоси моддами ёки руҳми, деган масала абадий мунозаралар мавзусидир. Лекин инсон ва жамият, инсон ва инсон, инсон ва табиат муаммолари таҳлилида моддий ва маънавий омилларни бирга олиб, бир-бири билан боғлиқ равишда ўрганишнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Жамият ҳаёти, инсон камолоти асосида моддий ва маънавий омилларнинг узвий бирлиги ётади. Бу бирликни эътироф этмай инсон моҳияти ва жамият ҳаётини тушуниш ҳам, тушунтириш ҳам мумкин эмас. Демак, фалсафий баҳслар, тарихида, янги хулосалар шаклланишида материализмнинг ҳам, идеализмнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Ҳозир биз маънавий жамият ҳаёти ва тараққиётининг асосий шарт-шарти эканини асослашга эътибор бермоқдамиз. Эски андозалар, нуқтаи назарлардан келиб чиқиб ёндошсак, бу хулоса ҳам идеализм ҳисобланади. Авестонинг «Ясна», 33, учинчи бобида қуйидаги фикрлар ёзилган. «Ебичмайдиган одамларнинг тоат-ибодат қилишга кучи бўлмайди, эр-хотинлик вазифасини адо этишга қувватлари етмайди... Ёмон овқатланган халқ на яхши кучли ишловчиларга ва на соғлом, бақувват болаларга эга бўлади... Ёмон овқатланишдан одоб-ахлоқ ҳам айниб кетади. Агар нон мўл-кўл бўлса, муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул қилинади». Бу фикрлар ўз моҳияти жиҳатидан – материалистикдир. Демак, материализм борлиқ тараққиёти ва жамият ҳаётининг бир томонини кенг таҳлил этса, идеализм иккинчи томонини чуқур ўрганади. Шу икки қарашнинг оқилона синтези асосида борлиқнинг моҳиятини чуқурроқ англаш мумкин.

Демак, ушбу китобдаги биз учун фойдали бўлган яна бир масала – фалсафий баҳсларни синфий курашлар билан боғламай, олам ва инсон муаммоларини яхлит тушуниш йўлидаги турли қарашлар, баҳслар, мунозаралар йўли сифатида ўрганишдир.

Китобдаги эътиборга сазовор бўлган масалалардан яна бири Маркс номи билан аталиб келинаётган фалсафий таълимотнинг моҳияти, унга бўлган муносабат масаласидир.

Маркс номи билан боғланган ижтимоий-сиёсий ғоялар XIX асрнинг ўрталарида юзага келиб, бир ярим асрга яқин вақт ичида жаҳон тараққиётига таъсир кўрсатгани, ақидапарастлик ботқоғига ботиб, сиёсий, синфий курашларнинг назарий асосига айлангани сабабли XX асрнинг охирида таназзулга учрагани сир эмас. Лекин бу таълимот ҳали тарих саҳнасида бутунлай тушиб кетгани йўқ. Масалан, Хитой Халқ Республикасининг сўнги йиллардаги тажрибаси марксизмдан бутунлай юз ўгирмай туриб, мулкчиликнинг турли шакллари эркин рақобат қилишига эришиш, бозор муносабатларига ўтиш мумкин эканини исботлади. Бу ўринда гап фалсафа эмас, балки Маркс яратган иқтисодий таълимот устида бормоқда.

Бу тажриба, бир томондан, марксизм ғояларини яна тирилтириш, уни абадий барҳаёт таълимот сифатида тасвирлаш йўлидаги уринишларини



ҳам жонлантириб юборди. Россияда сўнги йилларда нашр этилган айрим асарларда ўртага қўйилган масалалар фикримизнинг исботи бўла олади. Айрим мамлакатларда эса марксизмни бутунлай қоралаш, уни жаҳон тарихидаги вайронкор ғоялар, мафкура-лар қаторига киритишга уриниш ҳоллари авж олиб бормоқда. Марксизм таълимоти асосларини таҳлил этишга бевосита ёки билвосита дахлдор бўлган асарлар кутубхона пештахталаридан олиб, йўқ қилиб юборилаётганининг ҳам гувоҳи бўлиб турибмиз.

Таҳлил этилаётган асарда бу муаммоларни кенгроқ, холисроқ тушунишга имкон берадиган фикрлар кўплаб учрайди. Булардан бири – Маркс яратган сиёсий, иқтисодий таълимотларни унинг номи билан боғланган фалсафий таълимот ўртасидаги фарқни кўрсатишдир. У Гуннар Скирбекк ва Нильс Гилье Маркс фалсафада инқилобий ўзгариш ясаб, ўзига хос янги таълимотнинг яхлит тизимини яратганини инкор этадилар. Уларнинг фикрича, Маркс биринчи навбатда, изчил сиёсатчи, ўз даврининг талантили иқтисодчисидир. У ҳаммавақт ўзининг сиёсий ғояларини фалсафий қарашлардан устун қўйди. У файласуф сифатида борлиқнинг умумий моҳиятини яхлит англашга имкон берадиган умумий тушунчалар, хулосаларни яратишга ҳаракат қилмади. Муаллифларнинг фикрича, «Маркс дунёни изоҳлашнинг ўзидан қониқмасди, у дунёни ўзгартиришни истарди. Шунинг учун Маркс сиёсий назарияни сиёсий фалсафанинг бир қисми деб биларди. Сиёсий назария ҳақиқатни идрок қилиш эмас. Сиёсий назария – «ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш ёки уларга қарши сиёсий курашлар қуролидир» (484-бет).

Муаллифларнинг фикрича, Маркс соф фалсафий муаммоларни мукамал ва мухтасар таҳлил этишга бағишланган асарлар ҳам ёзмаган, табиат фалсафаси муаммоларига эътибор бермаган. «Маркснинг илмий тадқиқотлари соф фалсафий бўлмасдан, тарих, социология, иқтисодий назария ва фалсафани ҳам қамраб олади. Фалсафий таҳлил, эмпирик изланишлар ва долзарб сиёсий муаммолар ўртасидаги чегаралар Маркс учун ўзгарувчан ҳисобланади» (484-485-бетлар). Унинг таълимотида иқтисодиёт фани, сиёсат, социология, тарих бири-бири билан қўшилиб кетган.

Муаллифларнинг фикрича, Ҳегель-

ни «идеалист», Марксни «материалист» деб ҳисоблаш ҳам масалани соддалаштиришдир «...» Маркс ҳам онтологик маънода материалист бўлмаганини кўради» (485-бет). Муаллифлар бу масаладаги фикрини яна шундай давом эттиришади: «Маркс шу маънода «материалистки», у ўз таълимотида диний ва маънавий ҳаётни белгилашда иқтисодиётга ҳал қилувчи ўрин кўрсатади. Бироқ бу моддий қадриятлар, пул ва буюмга эгалик қилишни идеал сифатида кўрадиган маънодаги «материалист» эмас. Асинча, «эгалик»ка интилишни у деградация деб ҳисоблайди. Бу ўринда Маркс Аристотелнинг мумтоз идеализмини қабул қилади» (490-бет). «У табиатни Аристотель тушунгани каби тушунади» (490-бет). Маркс «моддий фойда идеалдир», деб ҳисобловчи «материалист» ҳам бўлмаган.

Маркс фалсафий қарашларининг бундай ички зиддиятли томонлари бизга маълум бўлган адабиётларда очиб берилмаган. Ҳозирга қадар Марксни диалектик ва тарихий материализм фалсафасининг асосчиси сифатида таърифлаш давом этмоқда. Маркс таълимотида тарихни материалистик тушунишга асос бўлган фикрлар кўп. Лекин у ўз асарларида «диалектик материализм» деб атаган фалсафани шакллантириш даражасига кўтарила олмаган. «Диалектик ва тарихий материализм» деган атама асосан XX аср бошларида совет тузуми шароитида пайдо бўлди ва социализм, коммунизм қуриш вазибаларини фалсафий асослаш мақсадларига мослаштирилди.

Янгича талқин этилган яна бир муаммо Маркс таълимоти билан Лениннинг сиёсий қарашлари ўртасидаги тафовут масаласидир. Муаллифлар Ленин таълимотини Марксни ижодий ривожлантиришнинг янги босқичи, деб баҳолашдан анча узоқдирлар. Уларнинг фикрича, Ленин Маркснинг синфий курашлар, социалистик революцияни амалга ошириш ҳақидаги қарашларини ҳаддан ташқари инқилобийлаштириб юборган. У капитализмни ағдариш масаласини шафқатсиз, муросасиз синфий курашлар билан боғлаб қараган. «Ленин олдида, – деб ёзади китоб муаллифлари, – фақат инқилобга бошчилик қилиш эмас, балки марксизмнинг капитализмдан синфсиз коммунистик жамиятга ўтиш билан боғлиқ жойларини ҳам

талқин этиш вазифаси турарди. Маркснинг ўзи бу масалани тавсифлашда анча эҳтиёткорона йўл тутган» (549-бет).

Ленин инқилоб нима учун капитализм ривожланган Европада эмас, балки қолоқ Россияда амалга ошишни асослаб беришга ҳаракат қилди. Аслида бу мамлакатдаги вазиятни сунъий кескинлаштиришга, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий-маънавий вазият етилмаган бир вақтда сиёсий ҳаракатларни авж олдиришга, оғир вазиятдан фойдаланиб ҳокимиятни қўлга олишга интилиш эди.

Лениннинг яна бир хатоси интизомли революционерлардан ташкил топган элитар партияни тузиш бўлди. Бундай қатъий интизом жамиятда демократия барҳам этилиб, синфий ниқоб остидаги шахсий диктатура ўрнатилишига олиб келди. «Оқибатда, ашаддий миллатчилик руҳидаги Россия коммунизми майдонга келди» (552-бет).

Ленин кутган жаҳон инқилоби амалга ошмагач, Сталин даврида социализм ғояларини зўрлик, сиёсий найранглар йўли билан амалга ошириш учун ҳаракат бошланди. Бу масалаларни муаллифлар кенг далиллар асосида чуқур ёритиб берганлар.

Китобда таҳлил этилган масалалардан кўринадики, «инқилобни эмас, балки ислохотларни қўллаб-қувватлайдиган» социал-демократия Ленин таълимотидан кўра Маркс ғояларига бир оз яқинроқ турар эди, деган хулосага келиш мумкин. Ҳаёт сабоқлари Ленин таълимоти эмас, балки социал-демократия танлаган йўл жамият тараққиёти ва инсон манфаатларига анча мос келишини исботлаб берди.

Мен бу ўринда китоб муаллифларининг бир неча фикрини келтирдим, холос. Шулардан кўринадики, Маркс номи билан боғланган таълимотларнинг моҳиятини, тарихий илдиэларини илмий ҳолислик мезонлари асосида қайта кўриб чиқиш фалсафага янгича ёндошишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Фактлар Маркс фалсафий таълимотлар тараққиётида туб бурилиш, янгиланишга асос солган мутафаккир эмаслигини кўрсатмоқда. Ғарб олимларининг кўпчилиги масалага доим шундай ёндошиб келганлар.

Гап Ғарб олимларининг бу ва бошқа масалалардаги фикрини кўр-кўрона қабул қилиш ҳақида эмас, балки улар-

ни чуқур ўрганиш, холис илмий таҳлил этиб, аниқ хулосаларга келиш устида бормоқда. Бу муаммо таҳлилига «биз ўтмишда бутунлай адашганмиз, Ғарб олимлари эса фақат тўғри йўлдан боришган», деган мезон асосида ёндошиш ҳам мумкин эмас.

Фалсафий таълимотлар ривожланиши тарихи масаласи таҳлилига муаллифлар формациялар назариясига таяниб ёндошмаганлар. Фалсафа тарихини ворислик асосида тинимсиз давом этадиган ижтимоий, маънавий ўзгаришларнинг назарий ифодаси сифатида қараганлар. Турли фалсафий қарашларнинг моҳияти ва муаммолари конкрет даврлардаги маънавий камолот даражаси, у билан боғлиқ имкониятлар, заруриятлар билан боғлиқ бўлгани очиб берилган.

Муаммога бундай ёндошиш дин билан фалсафа ўртасидаги муносабат масаласи таҳлилида ҳам яққол кўзга ташланади.

Дарҳақиқат, дин ҳам борлиқнинг ўзига хос фалсафий таҳлилидир. Динда ҳам, фалсафада ҳам борлиқ, инсон, унинг моҳияти, ҳаётининг мақсади ва мазмуни, инсоний муносабатларга асос бўлган маънавий омиллар таҳлил этилади. Дин бу муаммолар таҳлилини илоҳий қудрат, тақдир, у дунё бу дунё муаммолари билан боғласа, фалсафа бу масалаларнинг тарихи, тадрижи, истиқболини табиий, ижтимоий омиллар, шарт-шароитлар, имкониятлар билан боғлаб қарайди.

Жамиятда яшаётган инсон ҳар доим ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий камолот масалалари таҳлилида юксакликка интилади, унинг янги ва янги талаблари, эҳтиёжлари, орзу, умид, истак, ниятлари юзага келади. Жамият ҳам, давлат ҳам, илм-фан ҳам ҳеч қачон инсонлар ўртага қўйган талаб, эҳтиёж, орзу-умидларга тўла жавоб бера олмайди. Бир талаб амалга оширилса, унинг ўрнига яна кўплаб янгилари, мураккаблари келиб чиқади. Бу жараён чексиз ва абадий давом этади. Инсон ҳар доим жамият, давлат, жамоа кучи, илм-фан имконияти билан ҳал эта олмаган масалалари доирасида дин берадиган тасалли, орзу-умидлар кучоғида бўлади. Дин ҳам инсонни маънавий, ижтимоий эҳтиёжини қондиришнинг ўзига хос бир йўлидир.

Яқин ўтмишда марксизмнинг «дин халқ учун афъюндир», деган таълимотига асосланиб, динни бутунлай инкор этиш йўлидан бординк. Бу эса жа-

миятнинг ижтимоий, маънавий камолотига салбий таъсир этди. Кейинги йилларда эса диннинг моҳияти, аҳамиятини ҳаддан ташқари бўрттириш йўлига ўтиб олдик. Илк ўрта асрларда яратилган ақидалар, ахлоқий, ҳуқуқий мезонлар жамият ҳаёти моҳиятини, истиқболларини белгилаб берадиган асосий мезон сифатида баҳолана бошланди. Зиёлилар ҳам ўзларининг дин ҳақидаги фикрларини очиқ айтишга ботина олмай қолдилар. Натижада экстремизм, фундаментализмнинг таъсири кучайди.

Шу жиҳатдан китоб муаллифларининг христиан дини шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий, маънавий илдиэлари ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқдир. Бу масала юзасидан айтилган фикрлар бошқа динларнинг ҳам тарихий, гносеологик илдиэларини тўғри тушунишга имкон беради.

Одамлар ҳамма замонларда ҳам жамоа ичида яшасалар-да, шахсий бахтга интилиб келадилар. Бу табиийдир. Антик давр охирида кичик жамоалар барҳам топиб, йирик давлатлар шаклланиши натижасида конкрет инсон тобора катта иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муаммолар ичида қолиб кетди. Бу вазият шахсни умуман эмас, балки конкрет инсонни олиб ўрганиш, унинг дардига, қалбига қулоқ солиш заруриятини келтириб чиқарди. Фалсафий изланишлар эса конкрет одамларни эмас, балки умуман абстракт ҳолда олинган шахс муаммоси таҳлили билан банд бўлган. Демак, синфий, сиёсий жараёнлар эмас, балки даврнинг ўзи инсон руҳиятини конкрет ҳолда олиб ўрганишни тақозо этар эди. Бу даврда сиёсат ва умумий этика ўрнига шахсий этика масаласи муҳим аҳамият касб этди. Ўша давр-

ларда кенг ривожланган эпикурчилар, стоиклар ғоялари ҳам бу муаммони ҳал этишга қодир эмас эди. Ана шу даврда христианчилик синфий мафкура эмас, балки ҳаёт кун тартибига қўяётган масалаларга жавоб бера оладиган таълимот сифатида майдонга келди.

Динларнинг моҳияти ва аҳамиятини ижтимоий-иқтисодий формациялар, синфий, сиёсий курашлар билангина боғламай, жамиятдаги маънавий эҳтиёжлар туғдирган зарурият сифатида қараш ҳам фалсафага янги ёндошиш учун катта аҳамиятга эга.

Китобда ҳозирги даврда фанларнинг ривожланиши, янги фалсафий қарашларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида кўплаб ибратли фикрлар бор. Буларнинг ҳаммасини бир мақола доирасида баён этиш қийин, албатта.

Биз ўнлаб йиллар давомида марксизмнинг сиёсий ақидаларига айланган ғояларини ўргандик, тарғиб этдик, фалсафага нисбатан бўлган бошқача нуқтаи назарларни чуқур, холис ўрганиш имконига эга бўлмадик. Ҳозирги Ғарб ва Шарқ фалсафасининг энг янги оқимларининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги тасаввурларимиз ҳам юзаки, бирёқлама бўлиб қолди. Бу эса совет тузуми даврида фалсафа фанида юз берган тушкунлик ва турғунликнинг сабабларидан бири эди.

Гуннар Скирбекк ва Нильс Гильенинг «Фалсафа тарихи» номли асари ўзбек тилига таржима қилинганини табрикламоқ керак. Ғарб ва Шарқ олимларининг қаламига мансуб бўлган бундай асарлар кўпроқ таржима қилинса, фалсафа фанини ривожлантириш борасидаги имкониятларимиз ҳам кенгайди. Таржимадаги нуқсонлар китоб янгидан нашр этилганида тузатилиши мумкин.

*Эркин ЮСУПОВ,  
профессор.*



Раъно ИБРОҲИМОВА

## Фантастикада анъана ва адабий таъсир масаласи

**Ў**збек фантастикаси тараққиётининг биринчи босқичида фантастика эртакларда элемент сифатида ишгирик этар экан, у эртак билан ўзаро боғлиқлиги билан ажралиб туради. Бу кейинчалик мустақил жанр сифатида шаклланган фантастик асарларда эртак элементларини қўллаш давом этганлигида кўринади. Анъана билан боғлиқ бу ҳол ўзбек фантастикасига хос қиёфасини ўзгартириб туриш хусусиятини кўрсатади. Бизнинг бу фикримизни ҳаётдан бевақт кўз юмган адибимиз Ҳожиакбар Шайхоннинг “Телба дунё” фантастик романи тасдиқлайди.

Ҳ.Шайхон мазкур фантастик романида эртак персонажлари — қушлар, ҳайвонлар, ғайриоддий қудратга эга фантастик образлар ва турли гаройиб саргузаштлардан фойдаланади. Романдаги воқеалар умумий бир чизиқда эмас, балки алоҳида-алоҳида қисмларга ажралган ҳолда, баъзан узилишлар ва воқеа давомида яна бирлашиб, ё ўрин алмашиб давом этади. Ёзувчи асарнинг композицион қурилишида ҳам эртак жанрига хос, хусусан, “1001 кеча”га яқин услубдан фойдаланган.

Романда ҳикоя қилинишича, Ер туркумига кирувчи галактикалар ўзга галактика билан дўстлик мулоқоти ўрнатиш тараддудида. Лекин улар ўз ички муаммоларини рўқач қилиб, фазовий мулоқотдан бош тортишади. Романда кечаётган воқеалар силсиласи ХХI асрга тааллуқли бўлса-да, унда келажак моделини бериш мақсад қилиб қўйилмаган, аксинча, ХХI аср — келажакда кечиши хаёл қилинган воқеалар ҳозирги кун воқеаларидан фарқланмайди. Унда замонага хос бўлган камчиликлар — расмиятчилик, қадрсизлик, мансабпарастлик каби иллатлар фош қилинган. Фақат бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ерда кечаётган воқеаларни самога кўчиришдан муаллифнинг аниқ кўзлаган мақсади бор. У ердаги воқеаларни самога кучли танқид остида кўчиради. Инсонлар бир-бирини тушуниши, қадрлаши лозим, деган фикр роман сюжети марказида туради. Америкалик фантаст Айзек Азимов: “Мен фантастикадан жамиятни танқид қилиш учун фойдаланаман. Худди шундай бошқа ҳамма фантастлар ҳам бу соҳада айнан шу мақсадда фойдаланади”, дейди. Рей Бредбери фикрича эса: “Энг яхши фантастик асарни жамиятимиздаги ҳақиқий аҳволдан норози адибгина яратади ва у ўзининг норозилигини зудлик билан кескин ифодалайди”. Гарчи Айзек Азимов ва Рей Бредберининг бу фикрларини илмий-фантастик асарларнинг яратилишига мутлақ асос қилиб олиб бўлмаса-да, улар билдирган фикрда жон бор. У муглақ асос бўлмаса-да, илмий-фантастик асарларни яратишда туртки вазифасини ўташи мумкин.

Ҳ.Шайхон ҳам ўзининг “Телба дунё”<sup>1</sup> романида айнан шу йўлни танлаб, танқид орқали тўғри йўлни тасдиқлаш учун аллегорик персонажлар нутқидан кенг фойдаланган. Масалан, асардаги мажозий образлардан тулки, “Аниқроқ

<sup>1</sup> Шайхон Ҳ. Телба дунё. —Т., 1990. (Кейинги мисоллар ушбу нашрдан олинди, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади.)

айтганда, озодлик, демократия, ошкоралик деймиз-ку, лекин аслини олганда, ўрта бўғинга оид ўрмон раҳбарияти бизга ўхшаган майда ҳайвонларни ҳалиям эзишда давом этаяпти. Уша-ўша зўравонлик, хушомадгўйлик, ўша-ўша таниш-билиш, маҳаллийчилик...”, — деган фикрни илгари сурган бўлса, чиябўри: “Мени бу йил яна ҳе йўқ, бе йўқ бутун ўрмон касаба уюшмалари ташкилотидан чиқариб ташлашди. Нега десангиз, қуйи ўрмондаги раҳбарият иш юритувчи Оқ уйда ҳеч кимим йўқ-да”, — дейди (31). Уларнинг бу фикрлари ижтимоий ҳаётдаги адолатсизликни фош этувчи воситадир.

Ёзувчи романнинг биринчи қисмида фавқулодда мажлис ишгирокчилари: Бойқуш, Хўроз, Куён, Тўти, Илон, Қорабайтал каби мажозий образлардан фойдаланади. Ишгирокчиларнинг ҳар бири маълум бир юлдуз буржининг вакили, олий ақл эгасидир.

Аллегорик образлардан фойдаланиш адабиётимиз тажрибасида эртак, масалдан тортиб чистонларгача кенг тарқалган ва уларга турли мақсадларда муурожаат этилган. Алишер Навоийнинг “Лисонуг-тайр” достонини бу борада мисол қилиб келтиришимиз мумкин. “Лисонуг-тайр”да Навоий реал ҳаёт ва илоҳий ҳақидаги қарашларини, инсон, табиат ҳамда ҳаёт тўғрисидаги фикрларини Қуш тили ва қушларнинг хатти-ҳаракатлари, саргузаштлари орқали аллегорик тарзда баён этади. Бу ҳақида Навоийнинг ўзи шундай деб ёзади: “Чун “Лисонуг-тайр” илҳоми билан тараннум тузубмен, қуш тили ишораси билан ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузубмен”.

И.В.Гёте ҳам ўрта асрда ҳукм сурган феодал жамиятини фош этиш ва унинг кирдикорларини танқид этиш учун ҳайвонот оламига муурожаат этган. У 1794 йилда “Рейнике-лис” деб номланган асарини ёзади. Асар қаҳрамонлари — ҳайвонлар: шер, тулки, бўри, қўй ва бошқалар ўзларини худди одамлардек тутади. Ҳайвонлар ўрмон шоҳи — шер Нобель ҳузурига тулки устидан шикоят қилиб келишади.

Тулки қилмишлари учун жавоб беришини талаб қилишади. Тулки турли хил баҳоналар билан судга келишдан бош тортиб юради. Уни судга чақириб келган айиқ билан мушукнинг кунини кўрсатади. Ва, ниҳоят, судга келади. Уни ўлим жазосига ҳукм этишади. Лекин тулки ўйлаб топган уйдирмалари тўфайли жазодан омон қолади. Шоҳ Нобель тулкига Рим шаҳрига гуноҳларини ювиш учун боришига рухсат беради. Тулки яна жиноятлар содир этишда давом этади.

Шоҳ унинг орқасидан яна қоплон Гримбартни юборади. Тулкини шоҳ ҳузурига олиб келишади. У яна уйдирмалар ўйлаб топиб, яна жазодан омон қолади.

И.В.Гётенинг мазкур достони феодал жамиятни сатира тиғи билан фош этишга қаратилган. Ҳайвонлар ўзларини худди ўрта асрдаги феодаллардек тутадилар. Бир-бирлари билан уришадилар, тортишадилар, саройларини ҳимоя қиладилар, сайёҳатларга борадилар. Асарда ишгирок этувчи ҳайвон образлари — шер, тулки, қоплон образлари тимсолида ёзувчи фош этаётган феодал жамияти аъзоларининг башараларини таниш қийин эмас. Одатда эртакларда яхшилик ёмонлик устидан голиб келади. Гёте бу анъанага риоя этмаган. Асарда унинг қаҳрамони айёр, босқинчи, сотқин, қотил тулки Рейнике-лис голиб келади. Ҳаётда тулкилар қопқонга тушиши, қочини мумкин. Улар одамлардан кўрқадилар. Эртакда ҳайвонлар эртак қонун-қоидасидан келиб чиқиб ҳаракат этишади. Муҳими бу эмас, балки уларнинг образлари орқали инсонларга хос бўлган хислатларни очишга ёрдам беришидир. Лекин бу ёмонлик яхшилик устидан голиб келар экан, деган ҳулосага олиб келмаслиги керак. Ёзувчи “тухумини бойлар еб, пўчоғи камбағалларга тегувчи” жамиятни фош этар экан, эътиборни, уруғни тулкининг голиб келишига қаратмайди, балки яхшиликни ёмонликдан ажрата билинг, ёмонликдан нари юринг, яхшиликка интилинг, деган фикрни ўтказди. Гёте асарининг сюжети ўйлаб топилган сюжет эмас. У халқ озаки ижодида мавжуд тулки ҳақидаги ривоятларга қайта ишлов берган. Унинг асарини эртак билан тарих кесишган нуқтада юзага келган деб баҳолаш мумкин.

Ўзбек бадиий фантастикаси тажрибасида мажозий образлардан фойдаланишда Ҳ.Шайхоннинг “Телба дунё” романи дастлабки уринишлардан бири, ўзига хос янгиликлардир.

Романнинг муқаддима қисмидан жой олган коинотнинг турли вакиллари иштирокидаги мажлисининг кун тартиби, унинг бориши, мажлис иштирокчиларининг ўзаро мулоқотларига эътибор берсак, ҳикоя қилинаётган воқеалардан муаллиф қўзлаган мақсад англашилади. Биринчидан, халқ, хусусан, ер халқлари атрофидаги хоҳ у шаҳар ё мамлакат бўлсин, хоҳ коинотдаги бизга номаълум, лекин мавжуд деб фарз қилинаётган кишилар бўлсин, улардан ажралиб қолмаслиги керак. Чунки ҳар бир халқ ўзининг маданий-иқтисодий ривожига учун атрофидаги мамлакатлар халқлари билан ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳамкорлик қилмоғи, мулоқотда бўлиши шарт. Бу эса ўз навбатида мулоқотда бўлган халққа ақлни чархловчи ахборот оқимининг куйилиб келишини таъминлайди. Акс ҳолда, халқни маънавий қашшоқликка маҳкум этиш мумкин. Шу боисдан Ҳ.Шайхонинг асарларидан асарига ўтиб келган ерликларнинг ўзга сайёра аҳли билан мулоқотга киришиши халқлар ўртасидаги дўстлик кўприги барқарор бўлиши кераклигига ишора бўлиб, ушбу гоёни тасдиқлашга хизмат этади.

Бундан ташқари, романнинг муқаддима қисмида кўрсатилган қушлар, ҳайвонлар мажлисининг бориши, қушларнинг эътирозлари, таклифларидан келиб чиқадиган хулоса — ҳозирги кунга хос мажлисбозликни, ҳаракатга нисбатан гап қўлайиб кетганини танқид тиғи остига олишдир.

Мажлис аҳли узоқ тортишувлардан сўнг уларни қизиқтирувчи Икс галактикасига беш-олти тафаккур эгаларидан иборат хуфия гуруҳни юборишга қарор қилади. Шу тариқа романнинг мустақил ҳикоя сифатида қабул этиш мумкин бўлган “Коинот мажлиси” хафсизлиги кенгашига бағишланган қисми тутади. Унда ёзувчи қўзлаган мақсадни ифодалашда мажозий образларга ўрин берса, романнинг кейинги қисмларида эртак шаклидан фойдаланади. Романдаги Ҳаким Амир Шайх образи барча қисмларни бирлаштириб туради. Унга муҳим маънавий вазифа юкланган. Бу образ ҳақиқат, тарих, эзулик, адолат тимсоли сифатида талқин этилади. Ёзувчи унинг қиёфасида ҳар бир инсонда кўришни истаган хислатларни мужассамлаштирган. Ҳ.Шайхон инсонларни кучли, ватанпарвар, диёнатли шахс сифатида шаклланиш тарафдори. Улардаги куч-қудрат разолатга хизмат этмаслиги лозим. Унинг бу нияти Ҳаким Амир Шайхнинг роман қаҳрамонларидан бири подшо Нодиршоҳга айтган қуйидаги сўзларидан ҳам англашилади: “Ўғлим, ўрнингдан тур, гафлатда қолма! Юртингни қирғинбарот уруш кутмоқда. Мен сенга шу кундан эътиборан гайриоддий куч ато қиламан. Бу куч сенга Ватанингни мудофаа қилиш ва бошқа эзгу ишларда асқотади. Лекин ёдингда бўлсин: уни ёмонлик йўлида ишлатган кунинг — тамом бўлганинг! Шу кундан бошлаб сен оламдаги энг разил, бешафқат мавжудотнинг бирига айланасан” (20).

Икс галактикасига номзод Самандарнинг сафар олдида кўҳиқофлик донишманд Ҳаким амир Шайх ҳузурига бориб, унинг оқ фотиҳа ва панд-насиҳатларини олиши лозимлигида ҳам, Самандарнинг ўтмиши, ижтимоий келиб чиқиши тўғрисида ҳикоя қилувчи ўринларнинг мавжудлигида ҳам маълум ҳикमत бор. Ўтмиш, тарих кишига келажакда сабоқ мактаби, устоз вазифасини ўташи керак. Романдаги Авлиё Ҳаким Амир Шайх билан Самандар ўртасида бўлиб ўтган суҳбатнинг мавзулари ҳам диққатга моликдир. Ёзувчи асосий мавзудан, мақсаддан четлашмаган ҳолда, экология, одам ва табиат, вақт ва фазо каби масалаларни ҳам кўтариб чиқишга муваффақ бўлган.

Ҳаётда эзулик билан ёвузлик, адолат билан разолат ҳамиша ёнма-ён юради. Ҳаётнинг бундай мураккаб, қурашга тўла томонлари романда Самандарнинг туш кўриши билан боғлиқ иштирокчилар — Тулки ва Чиябўри, Оқ қалғар образларида яхши очиб берилган. Ёзувчининг фантастик деталь вазифасини ўтовчи туш усулидан фойдаланишида ҳам аниқ кўзланган мақсад бор. У Самандар ҳаётда енгиши лозим бўлган тўсиқларга ишора қилмоқда. Чунки келажак Самандар каби ишончли инсонларнинг қўлида бўлиши лозим. Акс ҳолда, мамлакат Нодиршоҳ каби халқ олдида масъулият сезмаган ёвуз кишилар қўлида қолиши мумкин.

Ёзувчи Нодиршоҳ тимсолида ёвузлик, разолатнинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини чуқур очиб берар экан, ундан бутунлай умидини узмайди, Авлиё Ҳаким Амир Шайх тимсолидаги эзулик, меҳр Нодиршоҳ каби

кимсаларни ҳам ўз йўлига туширишга умидворлик билдиради. Шу сабабдан ҳам романнинг хотима қисми мақаддима қисмидаги коинот хавфсизлик кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси билан яқунланса-да, мажлис ишгирокчиларининг нутқи, таклифларидан уларда юз берган ўзгаришларни сезамиз. Хуллас, ёзувчи бугунги кун муаммоларини фантастика ойнасида кўрсатишга муваффақ бўлган, бунда анъанавий эртак персонажларидан фойдаланган, ҳозирги даврда яратилган фантастик асарларда мажозий образлардан фойдаланиш Ҳ.Шайхов томонидан фантастик адабиётга олиб кирилган янги йўналиш — новаторликдир.

Адабий ҳаракатда бир-бирини алмангириб, давом эттириб кета берадиган мавзулар, гоаялар, образлар, тасвирий воситалардан ташқари, жуда мураккаб жараёнлар, параллел ва эгри-бугри йўллар ҳам бўлади. Бу яна анъанани давом эттириш, уни пассив такрорлаб қўя қолиш эмаслигини, балки бу жараёнда ёзувчининг дунёқараши, билим доираси, ҳаётий малакаси, фантазияси ишгирок этажагини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида ўзбек адабиётида келажакда яратилиши мумкин бўлган кашфиётларнинг бадиий модели ҳақида ҳикоя қилувчи, асар асосида илмий фаразлар, кашфиётлар ётувчи соф илмий фантастик асарлардан кўра ўзида эртак, саргузашт жанрларига хос деталларни қамровчи эртак, саргузашт, детектив жанрларнинг кесишув нуқтасида пайдо бўлган фантастик асарларнинг кўпроқ яратилишига олиб келди. Ўзбек фантастик адабиёти эртак замирида юзага келди, мустақил жанр сифатида эртакдан ўсиб, ажралиб чиқди. Лекин фантастика эртакдан ўсиб чиқиб, мустақил жанр сифатида яшар экан, эртак, саргузашт элементларидан фойдаланишни давом эттиришга нима зарурат бўлиши мумкин? — деган савол туғилади.

Бу, умуман, адабиётга хос хусусият ёки тараққиёт қонуниятларидан бири бўлмасдан, фақат ўзбек фантастик адабиётигагина хос хислатдир. Ўзбек фантастик адабиётида эртак, саргузашт адабиётига оид элементлардан фойдаланишга мойилликнинг кучлилиги шарқнинг ўзига хос миллий хусусиятлари билан боғлиқ. Ҳозирги замон фантаст ёзувчиларининг ҳаёлидаги дунёни реалистик бўёқларда ё аксинча, реал ҳаётни тасвирлашда эртак, саргузашт элементларига мурожаат этишнинг бойси ҳам шунда.



Лоуренс ГРИН

# Кўхна Африканинг сўнгги сирлари

*Тўққизинчи боб*

## МОРБОЗЛАРНИНГ СИРЛАРИ

**М**орбозлик — кишини лол қолдирадиган, хатарли касб. Мен билган морбозларнинг деярлик ҳаммаси ўз илонларининг чакувидан ўлган. Қўрқув нималигини билмайдиган бу довиорак одамлар фақат бир нарсани — қандай қилиб омон қолиш сирини билмас эдилар, холос.

Менинг назаримда, морбозлик санъати Мисрда пайдо бўлган. Негаки, қадимги Миср кўпгина санъатларнинг бешиги бўлган. Илонлар Миср қишлоқларининг бошига битган балодир. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, илонларни ов қиладиган ва ўргатадиган энг моҳир овчилар айни шу ерда пайдо бўлган. Наҳри Нил соҳилларида мен кўрган томошалар олдида Ҳиндистон морбозларининг томошалари ип эшолмас эди.

Кўзойнакли илонлар қироллар улуғворлигининг рамзидир. Миср ҳайкалларида фиръавнларнинг бошлари устига кўзойнакли илон шаклидаги махлуқларнинг тасвири ишланган. Клеопатра илон чақишидан ўлган, фиръавнлар саройидаги сеҳргарлар илонни таёққа айлантириб қўя олардилар. Бу мўъжизани бир вақтлар Мусо пайгамбар содир этган эди. Афтидан, улар илоннинг бўйнидан шундай сиққанларки, унинг мияси фалаж бўлиб қолган ва илон таёқдай қотиб қолган.

Африка сеҳргарлари илоннинг қилиқларини жуда яхши билишади. Тропик Африкада истиқомат қилувчи оврўпаликлар уйларида илон борлигини сезиб қолсалар, дарҳол сеҳргарларга мурожаат қиладилар. Бундай ҳолларда мганга, албатта, илонни топади ва уй эгасининг инъомини олмай кетмайди. Хонадон мамбидан халос бўлар экан, бунда сарфланадиган беш-ўн шиллининг нима аҳамияти бор?

Одатда жодугар сурнайини олиб келади-да, иморатнинг ҳар хил жойларида куйларини чала бошлайди. Бу аҳвол мамба очик жойга судралиб чиқмагунча давом этади. Илон жуда чаққон, лекин унинг тишининг қавагидаги захари филни ўлдиришга етади. Жодугар фурсатни пойлаб туради-да, қўлидаги учи айри таёқ билан илонни бўйнидан ушлаб олади ва уни халтасига солади. Бизнинг давримизда бу деярли ҳаминша қаллобликдир. Жодугар, одатда, аввалроқ уйга қўлга ўргатилган ва захарли тишлари суғуриб олинган илонни қўйиб юборади, кейин ўзининг сеҳру жодуси билан уни инидан чиқишга мажбур қилади.

Ўз даврининг энг зўр морбози Луксордаги шайх Мусо бўлган бўлса, ажаб эмас. Уни минглаб сайёҳлар яхши билишади. Мусонинг отаси ва бобоси ҳам морбоз бўлган ва илон чақишидан вафот этишган. Мусонинг кенжа ўғли ҳам шундай қисматта йўлиқди — у саҳрога илон тутиб келишга борганида ҳалок бўлди. Мусо ҳаминша ўзининг ҳам қисмати шундай бўлишини башорат қиларди. Чиндан-да, у 1939 йилда кўзойнакли илонни инидан чиқаришга ҳаддан ортиқ уриниб юбориши орқасида ҳалок бўлган.

Давоми. Боши ўтган сонда.



Шайх Мусо ҳеч қачон қаллоблик қилмаган. Томоша бошланишидан аввал у ўзини тинтиб ва ҳатто ечинтириб кўришга ҳам рухсат берарди. Лойсувоқ уйларнинг деворлари остидаги илларидан чиқарилган илонлар кўлга ўрғатилган эмас эди. У тош тагига яшириниб олган чаённи ҳам сезарди ёки инида ётган илонни пайқар эди. Мусонинг гапига қараганда, илон ҳиди навшадил спиртни эслатар эмиш.

Бир маромдаги куй билан Мусо илонни инидан чиқарар ва олдига чақириб оларди. Баъзан кўзойнакли илон унга ташланиб қоларди. Мусо қўлидаги таёғи билан юмшоққина тарзда унинг ҳужумини қайтарарди. Кейин кўзойнакли илон белигача тик туриб оларди-да, морбозга тикилиб қарарди. Мусо шу дақиқани кутиб турарди. У куйини тўхтатмаган ҳолда, астагина илонга яқинлашарди. Кейин кафтини ерга қўярди ва илон бошини унинг кафтига қўярди.

Бунақа томошаларни бошқа морбозлар ҳам кўрсатоларди. Жумладан, Лондон ҳайвонот боғининг бош назоратчиси Бадд деган одам шулар қаторига киради. Жуда қобилиятли морбоз Хусайн Миа ҳам томошасининг энг ёрқин саҳифаси сифатида шу номерни кўрсатар эди. Хусайн Миа кўп йиллар давомида Кейптаунда шу томошасини намойиш қилган. Аммо кекса Мусонинг кишини лол қолдирадиган яна бошқа номерлари ҳам бор эдики, уларни ўтмишдаги ва ҳозирги морбозларнинг айримларигина такрорлай олар эдилар.

Мусо қўлидаги таёқчаси билан қумга доира чизар эди-да, ҳозиргина тутилган кўзойнакли илонни шу ерга ўтказиб қўярди. Кейин Мусо то илонни қўйиб юбормагунча, илон доиранинг ўртасида боғлаб қўйилгандай тураверар эди. Гап йўқ, кўшлар худди шу йўл билан товуқни ўз изнларига юргиза олардилар. Аммо бу ишни кобра билан қилишга уннаб кўринг-чи! Томоша охирида Мусо худди шунга ўхшаш доирага тўртта ёки бешта илонни ўтказарди-да, уларнинг ҳаммасини афсун қиларди. Томошабинлар илонларнинг доирадан чиқмоққа интилишаётганини кўриб туришарди, аммо уларга қарашда давом этар экан, уларнинг биронтаси ҳам доирадан ташқарига чиқиб кетолмасди.

Шубҳа йўқки, Мусо ўзининг куйлари билан томошабинларга таъсир кўрсатмоқчи бўлган, чунки илонлар деярли ҳеч нарсани эшитмайди. Аммо улар найнинг ингичка овозини қабул қила олади. Илонларнинг териси ёхуд қовургаларининг учига ҳавонинг муайян тебраниши, масалан, аста қўйилган қадам товушлари ҳам таъсир қилади деган қарашлар бор. Най ёки сурнай товуши эса кобрани ухлатиб қўймайди, балки, аксинча, уни жунбушга келтиради.

Морбознинг унча чуқур бўлмаган халтасини кузатиб турсангиз, у илонларни най товуши билан маҳлиё қилмаётганини аниқ кўрасиз. Морбоз таёқчаси билан хуржунига енгилгина уриб қўяди ва шундан кейингина халта оғзидан илоннинг боши кўринади. Морбознинг санъатида ҳеч қанақа ғайритабиий жиҳат йўқ. Аммо амалда нималар бўлаётганини томошабинлар камдан-кам ҳолларда пайқайдилар. Уларнинг назарига, илон музыка оҳангига буралиб-чайқалгандай бўлади, аслида эса у инсоннинг кўл ҳаракатларига монанд ҳаракат қилади. Морбознинг хатти-ҳаракатларини синчиклаб кузатсангиз, у қўллари ва гавдасини моҳирона ҳаракатга келтириш билан илоннинг ҳаракатларини йўналтириб бораётганини кўрасиз. У ҳамиша илонни жунбушга келтириб қўйишдан чўчигани учун, уни инидан асталик билан чиқаради. Агар илонда безовталиқ белгилари кўрина бошласа, морбоз уни дарҳол қайтариб, саватига солиб қўяди ва томоша кўрсатиш учун бошқасини танлайди.

Мисрлик таниқли морбозлардан яна бири — Рассел-пошанинг дўсти Ҳожи Аҳмад. У илонни хуштак билан афсун қила оламан, дерди. У ҳайвонот боғларига ва вакцина ишлаб чиқарувчиларга ноёб илонларни етказиб бериб турарди. Ҳожи Аҳмад морбозларнинг «Рифаи» деган махфий жамиятининг аъзоси эди. Бу жамият диний хусусиятга эга эди ва қаттиқ низомномаси бор эди. Жамиятнинг бошқа аъзолари каби Ҳожи Аҳмад ҳам ўзини эмлаган эди. Аммо илоннинг заҳарига қарши тўла иммунитетга эришиб бўлмайди. У кобранинг чақишидан вафот этган кунга қадар морбозлик бобида муваффақият билан фаолият кўрсатиб келмоқда эди.

Рассел-поша Қоҳира шаҳар полицияси таркибида махсус ҳакам сифатида инглиз Бейни тутиб турарди. Рассел ҳам, Бейн ҳам морбозлар хунарининг

сирларини ўрганиб, бир хил хулосаларга келишади. Уларнинг фикрича, илонларни инидан чиқаришнинг сири кўпинча морбозларнинг илонлар товушига ўхшаб тақдид қилишларида бўлади. Албатта, илонлар уйқуга кирган ҳолларида уларни бирон нарса билан уйғотишнинг иложи бўлмайди, лекин илонлар илиққан пайтларида морбозлар урғочи илоннинг вишиллашини тақдидан такрорлаб, эркак илонни инидан ўрмалаб чиқишга мажбур қилади. Аммо мен Мисрда бўлган чоғимда бошқача изоҳни ҳам эшитган эдим. Менга айтишларича, тажрибали морбозлар илонларнинг чиқиндиларидан фойдаланар эканлар, уларнинг ҳиди бошқа илонларни жалб қилар экан. Менимча, бу изоҳнинг замирида муайян илмий асос борга ўхшайди. Бу усул, айниқса, заҳарли илонларни ушлашда жуда яхши самара берар эмиш.

Рассел-поша морбознинг кўзи ўткир, қўллари чаққон бўлиши керак деб ҳисобларди. Мен бу гапга илова қилиб, морбоз истаган ёшида илон рақсидан бир зум ҳам диққат-эътиборини чалғитмаслик қобилиятини йўқотмаслиги керак, деб кўшиб кўярдим. Кўпгина морбозлар томоша кўрсатаётган чоғларида чалғиб, бошқа нарсалар тўғрисида ўйлагани туфайли нобуд бўлиб кетган.

Мен биринчи марта Мисрнинг қумлоқлари ва ғаройиботлари билан танишганимда (бу биринчи жаҳон уруши тутагандан сўнг беш йил ўтганда рўй берган эди), янги тоифага мансуб ёш морбозлар вакилларига рўпара келдим. Уларнинг томошалари кишини шу даражада жунбушга келтирар эдики, ҳатто ҳокимият уларнинг фаолиятини бирмунча чеклаб қўйишга мажбур бўлди. Порт-Саид хиёбонидаги қаҳвахонада ёки ҳатто «Шеферд» меҳмонхонасининг муқаддас балконида бу саргузаштгалаб кишилар тўғридан-тўғри сиз ўтирган столнинг ёнига келишарди-да, «тирик кобрани қандай ютишимни томоша қилишни истамайсизми?» деб сўрашарди. Жонларини ҳалқумларига келтирадиган ўткир томошаларни кўришга талабгор топишарди. Улар бунақа томоша учун ҳар қанча ҳақ тўлашга тайёр эдилар. Аммо бу томоша намойиш қилинганда энг бақувват эркаклар ҳам ўзларини ёмон ҳис қилишар, аёллар-ку ҳушидан кетиб, тапша-тапша йиқилиб қоларди. Муҳташам меҳмонхоналарда бунақа артистлар ортиқ пайдо бўлмай қўйишган.

Бир ёшгина йигитни эслаб қолганман — унинг симсиёҳ узун сочлари тепасида чаён ўрмалаб юрар, елкасига эса кўзойнакли илонни илиб олганди. Баъзи бир морбозлар баданларига илон ёғини суриб олишарди. Улар шу йўл билан илонлар қавмининг раҳм-шафқатини қозонмоқчи бўлишарди, шекилли. Эҳгимол, улар бунга муваффақ ҳам бўлишандир. Уларнинг бир томошаси устида мен, айниқса, кўп ўйланиб қолдим. Морбоз кўзойнакли илонни бўйнидан ушлаб, шундай қисар эдики, унинг оғзи карракдай очилиб кетарди. Морбоз унинг оғзига туфларди. Унчалик кўнгил тортар томоша эмас. Аммо бу илонда муғлақо кутилмаган ҳаракатни кўзгарди. Бир лаҳзанинг ўзида у ёғоч бўлиб қотиб қолар ва уни ҳасса янглиғ ҳар қўйга солиб ўйнатиш мумкин бўларди. Кўп йиллар ўтгандан кейингина сир нимада эканини менга тушунтириб беришди — морбознинг сўлагига кучли гиёҳванд дори бўлар экан, у бир зумнинг ўзида илонга таъсир қилар экан. Бунақа томошалар, одатда, одамларга ғайритабиий бўлиб кўринарди.

Баъзи бир морбозлар бармоқларидаги иккита кичкина яра изини кўрсатишиб, гўё уларни илон чақиб олгандек қилиб кўрсатишарди. Ишончингиз комил бўлаверсин — илон тишларининг бу «излари» уларнинг бармоқларида, томоша бошланмасдан анча аввал бўлган. Одатда улар яраларига «илон тоши» деб аталган говак тошни суртиб юришади — агар чиндан-да уларни илон чаққанида, бу тошни зинҳор-базинҳор суртмас эдилар.

Морбозлар ҳаммаша кўзойнакли илонни афзал кўришади. Шак-шубҳа йўқки, илоннинг ялпоқ боши танасидан олинадиган мудҳиш таассуротни янада кучайтиради. Айтмоқ керакки, кобра фақат жунбушга келган ҳолатдагина бошини ялпайтиради. Бинобарин, морбоз сурнайининг оҳангларига монанд тарзда илон ҳаракат қилар экан, у гипноз ҳолатида бўлмайди ва, албатта, рақс ҳам тушмайди. Сирасини айтганда, у морбознинг ҳаракатларини кузатиб боради. Ўз-ўзидан маълумки, морбоз ҳам илоннинг кўзини диққат билан кузатиб боради — илон унинг қўлига сагчиб, ёпишиб олмоқчими-йўқми эканини билиш учун шундай қилмоқ керак.

Африкада кобраларнинг етгита тури бор. Улар ҳамма жойда шунақа кўпки, морбоз уларни ўзига керак миқдорда қийналмай, бемалол ушлай олади. Миср кобраси деб аталмиш илон Ўртаер денгиздан Жанубий Африкагача ҳамма жойда учрайди ва у ҳам худди кап кобрасидек туширувчи илонлар тоифасига кирмайди. Аммо рингал деган ва қора томоқли илон тўғридан-тўғри ўз қурбонининг кўзини мўлжалга олади ва етти фут масофадан туриб уни шикастлангирга олади. Морбознинг саватида бу илон унчалик кўп учрамайди. Бу илон билан томоша кўрсатиш ўз жонига қасд қилиш билан баробар бўлур эди.

Миср морбозлари кўпинча ўта заҳарли бўлган шохдор кобрани намойиш қилишади. Улар жуда ҳатарли гилам илонни ҳам ушлашади. Бироқ булар жуда кам учрайдиган турлар.

Морбоз Хусайн Миа (унинг Кейптаундаги томошалари тўғрисида мен юқорида гапириб ўтган эдим) ўқтин-ўқтин қирол кобраларини олиб келиш учун Бирмага одам юбориб туради. Бу жуда ғаройиб илон ва у заҳарли илонлар ичида энг йириги. Томоша вақтида ўзидан кўра майдароқ илонлар орасида у анча-мунча ваҳимали кўринади. Лекин унинг шериклари майдароқ бўлса-да, бир чақишда ўлдирадиган илонлар. Энг йирик қирол кобраларининг узунлиги ўн саккиз футага етади. Улар каннибал илонлар, яъни ўз қавмини ҳам еяберади. Шунинг учун қирол кобраси бор морбоз эҳтиёт бўлмаса, қолган илонларидан ажраб қолиши ҳеч гап эмас.

Афсуски, қирол кобраси Жанубий Африкада узоқ яшаёлмайди. Хусайн Миа бирин-кетин ўн тўртта қимматбаҳо илонидан ажралиб қолди. Аммо қирол кобралари бор вақтида унинг томошалари жуда жонли ўтарди. Баъзи кобралар ёввошроқ бўлади, бошқа хиллари эса жуда баджаҳл бўлади. Шунга қарамасдан, ҳар бир морбоз ҳаминша жуда баҳайбат ва итоаткор қирол кобраси туфайли янграйдиган олқишлар бўронига сазовор бўлишни истайди. Бу илон «ўлим бўсаси» деб аталадиган томошада намойиш этилади. Баъзан уни морбоз аёллар ҳам намойиш этишади. Оғзини очиб турган кобра билан ўпишмоқ учун чиндан-да қандайдир гипноз керак.

Хусайн Миа Кейптаунни жуда яхши кўрарди ва ўзини «Кейптаунлик Чарли» деб атарди. У ҳам ҳамма асл ҳинди сеҳргарлари каби олов ютишни ва морбозликни ўргатадиган Пуна сеҳргарлик дорилфунунини тутатган эди. У Жанубий Африкага ўтган асрнинг охирида келиб қолган эди. Шимолий ва Жанубий Родезияда ҳамда Жанубий Африка Иттифоқида бу серсоқай, бошига катта салта ўраган, қўлтигида кичкина там-тами билан илон солинган савати бор, ҳаминша жилмайиб турадиган бу артистни кўрмаган биронта ҳам қишлоқ топилмаса керак. У «Букингем саройида ҳам томоша кўрсатганман» деб мақтаниб юрарди. («Мен илонларни қирол Эдуард ва қирол Георг учун рақс тушишга мажбур қилганман» деб кериларди у.) У ҳақиқатан ҳам Кейптаунда ҳукумат уйида томоша кўрсатган, аммо унинг томоша кўрсатадиган доимий жойи бандаргоҳ ёнидаги Эдерли-стритда эди. Бандаргоҳни олиб ташлангандан кейин у майдонда томошалар кўрсатадиган бўлиб қолди.

Хусайн Мианинг номерлари орасида битта кулгилиси бор эди — мен уни ўнлаб марта бўлса-да, бажону дил кўраверардим. Хусайн кичкинароқ қоққоқли саватини ерга кўярди. Кейин томошабинлар орасидан бирорта тўғри келадиган одамни танларди. Бу одам кўпинча томошаларни масхаралаб, кулиб ўтирадиган бирор кимса бўларди. У саватни яхшилаб кўриб чиқарди ва тўшланганларга унинг ичида ҳеч нарса йўқ эканини намойиш қиларди. Кейин Хусайн саватнинг устига бир бўлак мато ёпарди-да, сурнайида қандайдир сирли бир кўйни чаларди. Сўнгра матонинг остидан саватни олиб, бояги чақирилган одамга саватта қўлини тикиб, у ерда бор нарсалардан истаганини олишни таклиф қиларди. Унга сават қандайдир сирли бир тарзда пулга тўлиб қолгани шама қилинарди. Бу томошанинг ҳаддан зиёд муваффақияти ҳам ана шунда эди. Ҳалиги одам қўлини саватга тикади-ю, бир зумда ваҳима билан уни сугуриб оларди. Унинг қўлида тирик илон бўларди. Унинг қўлидаги илон заҳарли бўлмас эди, аммо нима бўлганда ҳам турқи совуқ бўларди-да... Эҳтимол, ҳазилмutoйиба ҳақидаги менинг тасаввурларим жуда жўндир, лекин мен умримда бунақа чин дилимдан камдан-кам кулганман.

Хусайн Миа бирор жараёнини такрорламаган ҳолда бир неча соат мобай-

нида сурункасига томоша кўрсатиши мумкин эди. Унинг ўғли Иброҳим ҳали кичкина бўлган кезларда Ҳусайн сават билан ҳаддан ташқари пухта ишланган бир томошани кўрсатарди. Иброҳим саватнинг ичига тушар, саватнинг қопқоғи ёпилар ва отаси саватнинг ёнидан ханжар уриб, унинг учини нариги томондан чиқарар эди. Бироқ Ҳусайн, биринчи навбатда, морбоз эди. Шунинг учун у ўғлини Пунага жўнатди. У отасининг ишини муносиб тарзда давом эттирмоқ учун университетда таҳсил олиб, ўз маҳоратини баркамол даражага етказмоғи керак эди.

Ҳусайн Мианинг томошаларини мен болалигимдан мароқ билан кўраман. У вафот этганида мен балоғат ёшига етган бир одам эдим. Ҳусайн Миа етмиш беш йил умр кўрди. Морбозликдай хатарли ҳунар эгалари учун бу ёшга кириш осон иш эмас. Иккинчи жаҳон уруши вақтида «Маунт-Нельсон» меҳмонхонаси олдида томоша кўрсатаётганида унинг ўнг қўлининг бош бармоғини кап кобраси чақиб олади. Зудлик билан унинг ўғлини чақиртиришади. Иброҳим бир миля нарида томоша кўрсатаётган бўлади. Иброҳим етиб келганида, отаси ҳушсиз ётар эди. Уни касалхонага жуда кечикиб олиб боришади.

Доктор Гамильтон Фэрлей бу хатарли машғулот билан мудом қизиқиб юрар эди. У ўн беш йил мобайнида йигирма битта морбознинг қисматини ўрганиб чиқди. Бу муддат ичида уларнинг ўн иккитаси илон заҳаридан вафот этган. Мен Жанубий Африкадаги ҳамма морбозларни бирма-бир хаёлимдан ўтказаман. Уларнинг орасида энг машҳури Берти Пирс эди. Уни дунёнинг ҳамма олимлари танир эди. Унинг асосий машғулоти дунё музейларига илон сотиш, шунингдек, дори-дармон учун илон заҳарини етказиб бериш эди.

Пиренинг юраги заиф эди — бу машғулот унга тўғри келмас эди. Ҳар гал илон чаққанида у шўрлик «даволанишга дош бероламанми-йўқми» деб ўйлашга мажбур эди. Бир гал Африканинг кўзойнакли илон унинг қўлини чақиб олади. Унинг ёнида вакцинаси йўқ экан, илон чаққан жойни куйдиришга тўғри келади. Унинг қўлида хунукдан-хунук чандиқлар қолади. Бир гал Кейптаунда ёрдамчиси бетоб бўлиб қолганда, одамларга томоша кўрсатиш учун у илонлар уймаланиб ётган чуқурга тушади. Кичкинагина бир кобра унинг болдиридан чақиб олади. Болдир жуда хавфли жой, чунки у ерда жуда кўп майда қон томирлари жойлашган. Пирени даволашади, лекин бу гал муолажа ёрдам бермайди. Бу уни ўнинчи марта илон чақиши эди. Буниси сўнгиси бўлди.

Эҳтимол, сиз «нима учун морбозлар илонни қўлга олишдан аввал илоннинг заҳарини «соғиб» ташламайдилар?» деб сўрашингиз мумкин. Ҳамма мураккаблик шундаки, илоннинг заҳар сақланадиган халтачалари яна бир зумда тўлиб қолаверади. Томоша олдида қопчиғи бўшаб қолмагунча илонни латгани ҳадеб чақаверишга мажбур қилиш жуда мураккаб ва давомли иш. Албатта, морбоз илоннинг тишларини суғуриб олиб ташлаши мумкин. Аммо ўз касбидан ифтихор қиладиган одам бунақа ишни камдан-кам қилади. Бундан ташқари тиши суғуриб ташланган илон узоқ яшамайди.

Кунлардан бирида Порт-Элизабетдаги террариумда ишлаган машҳур У.Фитцсимонснинг ўғли ва ўзи ҳам илонлар бўйича йири мутахассис бўлган доктор Десмонт Фитцсимонс кўзойнакли илон билан намоёниш қилинган бир томошани кўрган. Бу — шу даражада ғайриодатий томоша эдики, у диққат билан разм сола бошлаган. «Кўзойнакли илон» деганлари беозор хонаки илон экан. Бироқ у шу даражада моҳирлик билан бўялган эканки, ҳақиқий Африка заҳарли илонидан фарқ қилмас экан.

Жанубий Родезияда Синоя деган жойда бир жодугар яшаган экан. У яшил мамбаларни кўрқмай қўлига олиши билан донг чиқарган экан. Томоша вақтида илон жодугарни чақиб олипти ва у ўлипти. Маҳаллий жарроҳ жодугарнинг илонларидан бирини қайси турга мансублигини аниқлаш учун Фитцсимонсга юборипти. Бу илон бумсленгнинг оч яшил рангли турларидан бири ёки дарахларда юрадиган жўнгина илон экан. Бумсленгнинг заҳарли тишлари оғзининг ичкарасида — юқори жағидаги қатор тишларининг энг орқасида жойлашган бўлади. Шунинг учун у камдан-кам ҳолларда бировни чақиб, заҳарини ишга сола олади. Жодугарнинг омади юришмаган экан — бу айтишга камдан-кам ҳоллардан бири бўлган экан. Бироқ энди илоннинг қайси турга мансублиги аниқлангандан кейин, жодугарнинг сири очилиб қолди.

Биронта ҳам морбоз ҳар қанча моҳирлигига қарамай, мамбани сурнайнинг оғзига бу даражада яқинлаштириб, кўп томоша кўрсата олмас эди.

Илон ўйнатиш, афтидан, жуда қадим замонлардан қолган илонларга сиғиниш одатига бориб тақалса керак. Ҳар битта ибодатхона ўз илонларига эга бўларди. Табиблар бир вақтнинг ўзида морбозлик ҳам қиларди. Ҳозирга қадар илон тиббиёт рамзи бўлиб келаётгани бежиз эмас, албатта. Шунинг учун рифайлар, яъни Мисрдаги энг моҳир морбозлар жуда ҳудожўй одамлар бўлган. Улар сизнинг уйингиздаги илонларни қувлаб чиқармоқлари мумкин. Лекин бунинг битта муқаррар шарти бор: илонларни саҳрога олиб бориб, ўша ерда кўйиб юбормоқ керак. Шубҳа йўқки, ҳали-ҳануз морбозларнинг сирлари кўп ва улар бу сирларнинг ҳеч қайсисини бегоналарга очишмайди.

### Ўнинчи боб

## ОЛОВДА СИНАШ

Ҳар гал там-тамлар<sup>1</sup> ва най товушларини эшитганимда кўз ўнгимда йиллар қаъридан ловуллаган аланга манзараси пайдо бўлади. Дурбан яқинидаги Умбило ибодатхонаси эсимга тушади. Соҳил бўйлаб чўзилиб кетган йўлдан оломон ана шу ибодатхона томон оқиб бормоқда. Оломон орасида битта-ярымта оврўпалик ҳам кўриниб қолади, лекин булар, асосан, бўйинларига гулчамбарлар тақиб олган, устларига пуштиранг, заъфарон ва бошқа ёрқин ранглардаги либослар кийиб олган ҳиндилар эди. Уларнинг ҳаммаси оловда синаш байрамига ошиқмоқда эдилар.

Яқин-яқинларгача кўпгина одамлар оловга топиниш маросимини сеҳрли маросим деб ҳисоблардилар. Энди эса ўзингиз ҳам кўриб тургандек, бу маросимларнинг кўпчилиги ўзининг сирлилигини йўқотди. Мен бу қадимий маросимни қитъанинг шимолида ҳам, жанубида ҳам — Қоҳирада, Дурбанда ва Кейптаунда кўрганман. Айтишларича, буни ўрганиб олиш унча қийин эмас экан, лекин мен ўзим лағча чўғ устига яланг оёқ билан қадам кўйишга журъат қилолмас эдим.

Там-там ва сурнай овози, исириқ ҳиди... Мана, олов ёниб турган каттагина хандақ ёнида аллақачон оломон тўпланган. Бу гулханда олти тонна ёғоч ёниб битди. Улар хандаққа бўйи ўн тўрт фут, эни ўн фут қилиб тахланган эди. Агар сиз чуқурдан ўтгиз фут нарида тўсиқ ўрнида илиб қўйилган арқонга яқинлашсангиз ҳамма нарсани ямлаб куйдириб юборишга тайёр турган оловнинг тафти юзингизни ва кўзингизни қиздириб юборади.

Бетавфиқ ҳиндилар ўз роҳибларининг орқаларидан эргашадилар. Улар Вишна ва Шиванинг ғаройиб тасвирини кўтариб олишган. Бу ерда бошқа майдароқ илоҳлар ҳам бор. Жумладан, Аннама, Чандасверама, Майесверама, сариқ либосдаги вабо илоҳаси Марама, йўтал илоҳаси Коккалана, чечак ва қизамиқ илоҳи Сукхаджаналар бор. Қисқагина фурсатда пуджа ўқилади. Ибодат сўзларини ҳиндилар роҳиби ўқиди. Ногоралар ва найлар суръати жадаллаша боради. Оломон ҳайқира бошлайди. Сутрилар, яъни ҳиндиларнинг олов устида юрадиганлари пайдо бўлади. Уларнинг орасида соч-соқоллари оппоқ кекса бир эркак ҳам бор. Бир нечта йигитнинг тилига темир сим тикилган, бошқаларининг кўкракларига эса ўнлаб темир илмоқлар санчилган. Баъзи бир илмоқларда унча катта бўлмаган лимонлар осиб қўйилган. Буларнинг бари қийноққа ўхшаб кетади, лекин шунга қарамай, сутриларнинг кўпчилиги на бирор жойи оғриётганини ошкор қилади, на кўрқаётганини сездиради. Бир одам инграйди — унинг оёғининг тирноқлари ёғоч шишпак билан қисилиб, тепага қайириб қўйилган. Унинг учун олов устидан юриш бу ихтиёрий қийноқни енгилатиш учун хизмат қилади. Олов устидан юрадиганлар хандақни қуршаб олишганда музыка гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб туради. Уларнинг ичидаги энг каттаси шабадада яллиғланиб турган чўелар устига биринчи бўлиб қадам қўяди. Қолганлар эса сира иккиланмасдан унга эргашади. Баъзилар олов устида икки

<sup>1</sup> Там-там — Африка ногораси.

мартадан юради, баъзилар эса ўн тўрт футли хандақдан уч марта юриб ўтишади. Кейин сочлари ошпоқ бир аёл хандақ орқали ўтади.

Маросимда Дурбан полициясининг раҳбари ва иккита овруपालик врач иштирок этмоқда. Улар сутрилар оёгининг тағлари ва товонларини диққат билан кўздан кечирадилар. Бу гал ҳеч кимнинг оёғи куймапти, ҳатто терилари қавариб ҳам чиқмапти. Йигитларнинг гавдасига темир симлар ва илмоқлар санчилган жойда бирон томчи қон ҳам пайдо бўлмапти. Лекин ҳаммавақт ҳам ҳамма нарса бунақа осойишта тутайвермайди. Шундай ҳоллар ҳам бўлиб турадики, бу фанатикларнинг баъзилари ўлиб ҳам қолади, баъзиларининг гавдаси қаттиқ қуяди, бошқаларига эса жин ҳам урмайди.

Мисрда кўёшга сизиниш қанчалик қадимий бўлса, олов устида юриш ҳам шунча кўҳна тарихга эгадир. Менинг тилмочим Аҳмад ҳар қандай гаройиб, ғалати ва ақл бовар қилмайдиган нарсаларга муҳаббатимдан яхши хабардор бўлгани учун бир куни мени Қоҳирада Моски районига олиб борди. У ерда марабут — яъни мусулмонлар дарвиши томоша кўрсатар экан. Йилнинг бу фаслини мисрликлар «шамолнинг ҳиди» деб аташади. Иқтими мўътадилроқ мамлакатларда бу баҳорга тўғри келади. Бу баҳор фаслида жануб томондаги саҳродан ҳамсин шамоли келади. Хамсин билан бирга кум бўронлари бошланади. Қоҳира устига майда кум зарралари ёғилади. Баҳорнинг иссиғи борган сари зўрайиб, тунларида қилт этган шабада бўлмайди. Бу баҳор ҳаммаёқни қуритиб-қовжиратади, димоғларни қичитиб ачиштиради, териларда яра-чақа ҳосил бўлади. Мен олов устида юрадиганлар учун бундан ҳам ноқулайроқ вақтни тасаввуримга сиғдириолмайман. Шундай бўлса ҳам ўша томошага йўл олдим. Томоша тўғридан-тўғри кўчада бўлмоқда эди. Марабут бошида салла, устида кўк матодан тикилган узун ғалабия кийган кексагина полвон экан. Унинг қаршисида каттагина мангал. Болалар унга новдалар ва шохчалар қалаб, оловни гуриллатиб туришипти. Бир томонда сурнай ва ногора чаладиган машшоқлар ўтиришипти. Марабут «Ё Олло! Ё Олло! Ё Олло!» деб бир маромда такрорлар, машшоқларнинг машқини бошқариб, ўзини мусиқа оҳангларига созларди.

Ниҳоят, у ғалаbiasини ечиб ташлади ва мен унинг гавдасида беҳисоб чандиқларни кўрдим. У бутун умри давомида ўзини қийнаб, ўзига-ўзи жароҳатлар етказиб келган эди. Бу чандиқлар ўша жароҳатларнинг изи эди. У оғир хўрсиниб, мангал томон юра бошлаганда, нигоҳи бир нуқтада қотиб қолган эди. Тўсатдан марабут иккала қўли билан ёниб турган шох-шаббани ушлаб олди-да, ўзининг мажруҳ танасини бошидан белигача савалай бошлади.

— Бу авлиё одам, кўп марта лаб Маккага ҳаж қилган, — деб тушунтирди тилмоч. — Бунақа одамлар оғриқни ҳис қилмайди.

Ёрдамчи йигит йўғон симни оловда қизартириб, лағча чўққа айлангирди ва марабутнинг юзига олиб борди. Марабут эса бу лағча чўғни тили билан ялади. Томошанинг охирида ёрдамчи йигит мангални ерга ағдарди ва марабут ерда ёниб ётган чўғлар ва навбалар устидан ялангоёқ босиб ўтди.

— Қойил-э! — деб хитоб қилди тилмочим Аҳмад, мен марабутнинг ёрдамчисига бир неча пиастр узатганимда. — Бунақа марабутни ҳар куни ҳам тополмайсан. Сувайшдан Санагача қидирганингда ҳам яна битта бунақа авлиёни тополмайсан.

Аҳмаднинг ҳикоя қилиб беришича, мусулмонлар сунний бўладими, шиями — бундан қатъи назар, олов устида бунақа юришни тахт учун олиб борилган курашларда ўз рақибларини ўлдирган халифалар учун тавба-тазарру қилишнинг шаклларида ўз ҳисоблайдилар. Қатл қилинганлардан бири Муҳаммад алайҳиссаломнинг қариндоши Ҳусайн бўлган эди. Унинг ўлимига шиялар ҳам, суннийлар ҳам аза тутишган экан. Олов устида юришга ўхшаган диний маросимлар ҳаминша муҳаррам ойида содир қилинади. Муҳаррам мусулмон йилининг биринчи ўн куни — ҳаминша мотам кунлари ҳисобланади.

Африкада олов устида юриш нафақат ҳиндилар билан мусулмонлар ўртасида тарқаган. Бу маросим Африкадаги бошқа халқлар ўртасида ҳам, жумладан, Танганикадаги вақимбу қабиласига ҳам учрайди. Бу қабил аюдамлари гулхан орқали сакрашади, устларидан лағча чўғлар сочишади, юзларига ёниб турган новдаларни суртишади, қўллари билан ёниб турган гўлаларни ушлашади.

Вакимбу жодугарларидан бири ҳаммаларидан ҳам ўтиб тушипти. Бир кичикроқ чуқур қазиб, унинг ичига қизиб турган тошларни қалашган. Бояги жодугар шу чуқурга бошини тикиб, бир неча дақиқа турган. Бу гаройиб томошада иштирок этган расмий одамлар соатга қараб туришган. Бунақа томошаларнинг олдидан вакимбу муайян дарахтларнинг япроқлари ва навбаларини йиғиб, уларни яхшилаб чайнар эканлар ва ширасини баданларига сураб эканлар. Уларнинг айтишича, бу сеҳрли дори экан. Уни дава деб аташаркан. Дава баданни куйишдан сақлар экан. Чиндан ҳам шундайми-йўқми — билмайман.

Мен Кейптаунда оврўпалик одамнинг олов устидан юрганини кўрган эдим. У ўзини карас, яъни оқ танли йог деб атаган эди. Бу жуда ажойиб томоша бўлган эди. Карас «Си-Пойнт» меҳмонхонасининг боғида бетон ётқизилган майдонча устида лағча чўеларни ёйиб ташлайди. Теварак-атрофдаги томошабинлар пиво шимириб ўтиришарди. Бунақа томошалар атрофида муайян бир муҳит бўлмоғи керак. Бу гал ўша муҳит йўқ эди. Шунинг учун бўлса керак, томоша одамларга унчалик таъсир кўрсата олмади. Ҳаяжонга тушиб, жунбушга келган томошабинлар бунақа маросимларнинг сирлилигини бир неча баробар орттиради. Шунга қарамай, бу одам ловуллаб турган чўғ устида бемалол юрди. Унинг аҳволида қилг этган ўзгариш содир бўлмади. Унинг оёғини текшириб кўришганда, у оёғига ҳеч нарса сурмагани маълум бўлди. Шундай бўлса-да, унинг оёғи куймапти. Тун яримлаб қолганда, ўз хоҳиши билан олов устида юришга истак билдирган яна бир кўнгилли одам пайдо бўлди. Ким билсин, эҳтимол, у караснинг шериги бўлгандир. Карас бу кўнгилли одамни гипноз қилаётгандай ҳаракатлар қила бошлади. Кейин кўнгилли одам ҳеч қаерини куйдирмай, оловли сўқмоқ устидан юрди. Манзиратни ўрнига кўядиган одобли томошабинлар унга қарсақ чалишди, мен эса бу томошада там-тамлар ва сурнайлар йўқ бўлганига гояда афсусландим.

Юқорида айтиб ўтганимдек, бунақа томошалар ўлим билан ҳам тугаб туради ёки томоша кўрсатаётган одам қаттиқ жароҳатлар олади. Охири ўлим билан тугаган бир қанча томошаларни сеҳргарликнинг турли кўринишларини ўрганган жарроҳ Р.Г.Элиот қайд қилиб қолдирган эди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланишидан бир неча йил аввал Дурбан газеталарида шундай маросимлардан бирида рўй берган жуда жиддий бахтсиз ҳодиса тўғрисида ахборот босилган. Тавба-газарру қилувчилар сафига мансуб бир ҳинди йигит лағча чўғ билан тўлдирилган йиғирма футли хандақдан ўтаётиб, ярмига етганда, йиқилиб, чўккалаб қолипти. Ундан аввал тўртта одам хандақдан эсон-омон ўтиб олган экан. Ҳеч ким унга ёрдам беролмайдигандай кўриништи. Йигит хандақнинг лабига эмаклаб боришти, унга қўлларини узатиб, хандақдан тортиб олиштипти. Унинг ҳаммаёғи куйиб кетган экан. Аввал уни унча чуқур бўлмаган сув тўлдирилган хандаққа солиб қўйиштипти, кейин эса касалхонага олиб бориштипти. Олов устидан ўтадиган бошқа одамлар журналистларга бу йигит кўтаринки руҳий ҳолатдан чиқиб кетгани учун шундай бўлди, дейишди.

Нима учун бу қадимий гаройиб маросим вақтида баъзи бир одамлар соғомон ва бешикаст қолишади-ю, баъзи бирлари жиддий жароҳатлар олади ва ҳатто нобуд бўлади? Шак-шубҳа йўқки, куйишдан анча-мунча самарали даражада ҳимоя қила оладиган химиявий дорилар бўлиши керак. Бироқ олов устида юрадиган одамлар оёғининг тағларини беҳисоб марта текшириб кўрган врачлар ва олимлар химиявий моддалардан ҳеч қанақа ном-нишон ҳам топиша олмаган. Кўриниб туриштики, бу йўл билан ҳодисанинг сабабларини изоҳлаб бериб бўлмайди. Эҳтимол, териси юпқароқ одамлар жароҳат олишар? Йўқ. Ҳарҳолда, бу жумбоқнинг жавобини бошқа жойдан излаган маъқул.

Буларнинг барчаси яна бир карра руҳнинг тандан устун эканини исбот қилмайдами? Фақат маълум даражада исбот қилади. Асаблари бузуқ одамлар олов билан ўйнашадиган бемаъни одатга эга бўлишади. Бунинг оқибатида ҳаммаша бирон жойларини куйдириб юришади. Гипноз, диний жазав ва тутал ишонч — ана шуларгина чўғ устида сира иккиланмай юришга имкон берадиган омилдир. Сира иккиланмаслик ҳам бу ишда жуда катта аҳамиятга эга.

Наталялик олов устида юрадиган ҳиндилар сизга чўғ устида юришдан ўн

кун олдин жуда қаттиқ вегетарианча парҳезга ўтишларини, ибодатлар қилишини, ванналарга тушишини ва махсус бадантарбия билан шуғулланишларини айтиб беришди. Синов куни эрталаб ибодатхонада махсус маросим ўтказилади. Бу маросим шу яқин ўртадаги дарёда ҳамманинг яппи таҳорати билан тугайди. Олов билан синов қилиш ёмон ишлар ва қилғилиқлар учун тавбатазаррудан иборат бўлади ёхуд хасталик вақтида, руҳий таназзул даврида ичилган қасамни бажариш учун амалга оширилади. Питермаритбургда яшайдиган бир ҳинди қиз қорин оғриғидан қаттиқ изтироб чекар экан. Кимдир унга маслаҳат бериб, — агар сен уч марта имонингни оловда синовдан ўтказсанг, бутунлай тузалиб кетасан, — деди. Қиз шундай қилипти. У бир ҳафтани ибодатхонада ўтказипти, бу ерда фақат сут билан мева истеъмол қилипти, кейин ҳеч тафт тортмай олов сўқмоқ устидан юрипти. Бу жараёнда унинг ҳеч қаери куймапти ҳам, шикастланмапти ҳам. Қизнинг айтишича, шундан кейин қизнинг ошқозонидаги оғриқлар бутунлай қолиб кетипти.

Ишонч — энг асосий нарсасидир. Баъзиларнинг таъкидлашича, сутри ловуллаб турган сўқмоққа қадам қўйишидан аввал, чўеларнинг бетини кул қатлами қоплаб олишини кутар экан. Бу — нотўғри. Бир неча йил муқаддам кашмирлик Куда Букс бир гуруҳ олимлар ва врачлар олдида лағча чўғ устидан юриб кўрсатган. Томоша кўрсатишидан аввал у махсус равишда чўғлар бетидagi кулни супуриб ташлаган ва лангиллаб турган чўғ устидан юришни маъкул кўришини исбот қилган.

Куда Букс чўғ устидан тезгина юриб ўтган. Оловли сўқмоқнинг узунлиги йигирма беш фут, эни уч фут, қалинлиги эса ўн икки дюйм бўлган. Ҳиндистонда одатда шу меъёрлар қабул қилинган экан. Врачлар Куда Букс оёғининг тагини текшириб кўриб, унда бирон-бир ғайриодатийлик кўрмаган, оёқларнинг териси эса анча қалин деган хулосага келишган. Оёқ тағларини дока билан артишиб, докани махсус тадқиқотдан ўтказишга олиб кетишган. Тиббий комиссия мамнуният билан қайд қилиб, Букс уни куйишлардан сақлаб қоладиган ҳеч қанақа кимёвий дори-дармонлар қўлланмаган деган хулосага келган. Оловли сўқмоқ устидан юриб ўтганидан кейин унинг оёқларида лоақал пуфакчалар ҳам пайдо бўлмаган.

Қизиғи шундаки, томоша вақтида Куда Букснинг устида қора ип газламадан тикилган суртуғи бўлган, шими ҳам шу матодан бўлиб, тўпигигача тушиб турган. Шунга қарамай, унинг кийимларига ҳам олов зарар етказган эмас. Букс оловли сўқмоқни ўн олти секундда босиб ўтган.

Мутахассис-медик ва Жанубий Африка парламентининг аъзоси, марҳум доктор У.Б.Осборн наталиялик чўғ устидан юрадиганлар билан махсус шуғулланган, лекин, барибир оловда юришни изоҳлаб берадиган физиологик сабабларни аниқлаётган эмас. У қайд қилганки, бу тажриба амал қилган чўеларнинг иссиғи бор-у, лекин улар куйдирмайди. Гипнозчи иссиқсиз ҳам танада куйиш изларини вужудга келтира олади. У гипноз қилинаётган одамнинг қўлига совуқ тангани тутқазиб, қўяди-да, уни «лағча чўғ бўлиб қизган» деб эълон қилади. Олов устида юрадиган одам ҳам шу тарзда ўз гавдасига фармонбардорлик қилса керак. Эҳтимол, ҳаддан ташқари кучли зўриқиш вазидан унинг асаб тизими энг авж нуқтага кўтарилиб кетган бўлиши мумкин. Бунақа пайтда қон томирлари тораяди, қоннинг қуюқлашиши тезлашади ва шунинг учун шикастланиш имконияти ҳам жуда камайиб кетади.

Доктор Осборн уларни ҳинд йоғлари билан таққослайди. Маълумки, йоғлар узоқ вақт мобайнида қаттиқ совуққа дош бера оладилар. Бу одамлар дарёнинг музлаган суви устида бир неча соат сурунқасига яланғоч ҳолда ўтира оладилар. Уларнинг баъзи бирлари Ҳимолайнинг қор босган ёнбағирларида горлар ичида яшашади. Уларнинг исинишга олови йўқ, қишин-ёзин белидаги лунгидан бошқа бирон кийимни билмайди. Нормал физиологияга эга бўлган одам бундай синовларга дош беришга қодир эмас. Шарқда эса бундай имтиҳонлар художўйларнинг табиий турмуш тарзини ташкил қилади.

Авлиё Эндриус Университетининг профессори Дэвид Уотерстон Фиджи ороларида олов устидан юрадиганларни кўрган экан. Бу томошалар Британия тиббийёт жамиятининг аъзолари учун махсус уюштирилган, Фиджи аҳолиси яланғоёқ ҳолда қизиган тошлар устидан юришган. Тошлар шу даражада қизи-



ган бўлганки, уларга қоғозни яқинлаштирганда қоғоз ловуллаб ёниб кетган. Уотерстон шундай бир тахминни айтади: бу одамлар анча вақтлар мобайнида ўз оёқларининг тагини юқори даражадаги иссиқликларга кўникириб борганлар, охир-оқибатда қизитилган тошларга оёқ босишганда оёқлари оғриқни сезмайдиган даражага етган. Машқини олмаган одамлар — табиийки, бу ишни қилиша олмайди. Худди шу тарзда болалар ҳам қимирлаб турган шағаллар устидан юриб машқ қилишлари мумкин. Бунда чидамликнинг чегаралари ортади.

Томошада иштирок этган тиббиётчилардан яна бири Сэр Первес-Стюарт профессор Уотерстон чиқарган хулосаларга шубҳа билан қарайди. Унинг тахминига кўра, қизиган тош устида юрадиганларнинг юқори даражадаги иссиқликни қабул қилмасликлари ё ўз-ўзига кучли таъсир қилиш билан, ёки қабила бошлиғи ё роҳиб томонидан кўрсатилган таъсир билан изоҳланиши мумкин. Ҳар иккала тиббий олимлар мамнуният билан Первес-Стюартнинг фикрига кўра, диний жазаво ҳам вақтинча бўлса-да, оғриқни ҳис қилишни пасайтириши мумкин. Шунини таъкидлашдики, тош устидан юрганлар наркотик моддалар қабул қилишгани йўқ, улар кимёвий дорилардан ҳам фойдаланишмаган, оёқлари остидаги тери ҳам ҳаддан зиёд даражада қалин эмас.

Бу изоҳларнинг кўпчилигида ҳақиқий зарралари бор, лекин уларда ҳақиқат тўла очиб берилган деб айтиб бўлмайди. Менинг фикримча, олов устида юриш сирини флоридалик фалсафа фанлари доктори Майн Рид Коу очишга муваффақ бўлган. Ўтган асрнинг охирида физикадан эълон қилинган бир китобни кўриб ўтириб, муғлақо тасодифий равишда у тамомилан унутилиб кетган бир кашфиёт тасвирига рўпара келади. Фанда бу кашфиёт «Лейденфрост самараси» деган ном билан машҳур бўлган.

Лейденфрост маъдан идишни қизитиб туриб, унинг сатҳига суюқлик куйса, галати бир ҳодисани кузатиш мумкинлигини биринчи бўлиб сезган. Агар нисбатан қалин қилиб қумушдан ёки платинадан ишланган патнисни лағча чўғ бўлгунича қиздириб, сувни олдиндан илтиб олиб, унинг устига бир неча томчи тўкса, одатдаги иссиқликда бўлган сувни қуйгандагидек, томчи патнис бўйлаб ёйилиб кетмайди-да, балки томчилар пачақланган золдир шаклига кириб қолади.

Золдир патнисда чириллаб айланади, лекин қайнаб кетмайди. Тўғри, у буғлана бошлайди, лекин қайнагандагига қараганда эллик баравар секинроқ буғланади. Юмалоқ шаклга кирган суюқлик амалда ўзи сирпаниб юрган патнис саҳнига тегмаётгандай туюлади. У билан патниснинг сатҳи оралигида буғдан уларни ажратиб турадиган ёстиқ ҳосил бўлади.

Коу «Лейденфрост самараси»ни ўзининг лабораториясида текшириб кўриб, унинг илмий жиҳатдан асосли эканини тасдиқлади. Унинг ўзи яланг оёқда қизиб турган маъдан ва лағча чўғ устидан юриб ўтишга журъат этди. Ўзининг илмий хулосаларига қаттиқ ишонган Коу ҳатто лағча чўғдай қип-қизариб турган пўлат парчасига тилини ҳам теккизиб кўрди.

Шу тарзда олов устидан горишнинг ҳақиқий сири аён бўлди. Тўғри, чўғлар устига қадам қўядиган одам бу имтиҳондан эсон-омон ўта олишига астойдил ишонмоғи керак, лекин бу ерда ҳеч қанақа гипноз йўқ. Ҳеч қандай наркотик моддалар ҳам йўқ. Оғриқни оладиган ҳеч қанақа дори-дармонлар ҳам ишлатилмайди. Ҳеч қандай алдов ҳам йўқ. Жумбоқнинг сири жуда осон ечилади — оёқлар терлайди ва тернинг иссиқ туфайли ҳосил бўлган золдирчалари оёқни куйишдан асраб қолади. Худди шунга ўхшаш одамнинг сўлаги оғизни оловнинг шикастидан сақлаб қолади.

Куда Букс нима учун кулни супириб ташлаб, лағча чўғ устидан юргани энди маълум бўлгандир? Агар чўғлар етарли даражада лангиллаган бўлмаса, оёқ билан унинг оралигидаги тўсиқ ғойиб бўлади ва одамнинг оёғи қаттиқ куйиши мумкин.

Афтидан, олов устида юрадиганларнинг ҳаммаси ҳам оёқларини куйишдан нима асраб қолиш тўғрисида ўйлаб кўрмаса керак. Лекин улар чўғ устида узокроқ туриб қолиш хавфи эканини яхши билишади. Йигирма фут, жуда кўп деганда, йигирма беш фут юриш мумкин. Гап шундаки, ҳар қадамда одам оёғининг товони оловга ярим секунддан ҳам камроқ тегиб туради,

оёқнинг қолган қисми эса бундан ҳам камроқ тегади. Олов устидан юрадиганларни кутқариб қоладиган нарса ҳам айнан шунинг ўзи. Кимда-ким совуққонлигини йўқотиб, бир секунд имиллаб қолса ёки орқага қайтишни ихтиёр қилиб қолса, аҳволи чатоқ бўлади.

Худини печканинг ичига одамни жойлаб, унинг ёнига бир бўлак хом гўшт қўйибди. Гўшт дарҳол пишипти, чунки унинг терламаслиги ҳаммага маълум. Одам эса печканинг ичидан бешикаст чиқади. Унинг терисидан кўтарилган буланишнинг ҳовури унга салқинлик бахш этган-да, шу туфайли у куймай омон қолган.

Бармоғини туپути билан ҳўллаб, дазмолнинг иссиқ-совуқлигини текшириб кўраётган аёлни кузатиб кўринг-а! Бу ҳам олов устига юришдаги сеҳру жодунинг ўзгинаси. Дазмол билан тери ўртасидаги буғ зарралари куйишдан асраб қолади. Кўрғошин эритаётган одам кафгини сўлаги билан ҳўллаб, унинг ёрдамида эриган кўрғошин оқимини керак томонга йўллаганида у ҳам худди шу борада қатта жасорат кўрсатган бўлади.

Шундай қилиб, кўрамизки, деярли ҳар бир одам олов устида юришни ўрганиб олмоғи мумкин. Бу найранг эмас. Лангиллаб турган чўғ устидан юралолиш қобилияти фақат фақирларнинг маҳрига тушган эмас. Қўлингизни ҳўллаб билан намланг-да, кейин уни эриб турган кўрғошин ичига тиқинг — эриган маъданнинг ҳарорати унинг эриш даражасидан анча-мунча юқорилашмагунча, қўлингизга ҳеч нарса қилмайди.

Наталяда ҳозирга қадар ҳам оловда юриш бўйича синовлар ўтказиб турилади. Тўғри, эндиликда бу синовлар ибодатхонада ўтказилмай қўйилган. Унбилло ибодатхонаси аллақачон бузилиб вайронага айланган, уни ўт-ўлан босиб кетган. У илонлар маконига айланган. Бироқ бу ибодатхона ўз вақтида жуда қатта томошаларнинг гувоҳи бўлган — унда кўп йиллар мобайнида ўт устида юрадиган жасур одамлар йигилиб, қатта томошалар кўрсатиб туришган.

Кунлардан бирида сира хотирадан ўчмайдиган воқеа содир бўлган эди: ов-рўпалик учта ёш қиз пойафзалларини ечиб, ҳиндиларнинг орқасидан лангиллаб турган чўғлар устига дадил қадам қўйдилар. Уларнинг оловли сўқмоқ устидан юриб бораётганларини кўрган томошабинлар ҳайқириб юборишган. Оқ танли қизларнинг бу даражада комил ишонч билан, ҳовлиқмасдан, совуққонлигини йўқотмай, чўғлар устидан мардона юриб боришига сира ақл бовар қилмас эди. Ўша куни там-тамлар ва сурнайлар қизлар шарафига ажойиб куйларни ижро этишди. Учала қизнинг ҳаммаси ҳам олов сўқмоқнинг охиригача бориб, бирон жойини куйдиргани йўқ. Бу қизларнинг довиюраклиги уларни асраб қолган омил бўлди. Шу билан бирга қизларни физиканинг кўпгина эътиборсиз олимларининг хотирасидан соқит бўлган ўша сирли қонуни асраб қолди.

### *Ун биринчи боб*

## **ПОЛВОНЛАР ВА ПАКАНАЛАР**

Бундан кўп йиллар муқаддам мен Кейптаунда чиқадиган газеталардан бирида хизмат қилардим. Бир куни тахририятга бир паҳлавон одам кириб келди. У ўзининг тахририятга келганидан хотира бўлиб қолсин деб, почта маркасини тили билан намлайди-да, хонанинг шифтига ёпиштириб қўйди. Бу одам мен Африкада учратган оқ танли одамлар ичида энг новчаси эди. Бироқ нимадир бўлиб, мени уни буткул унутиб юборибман. Орадан бир неча йил ўтгач, у тахририятда яна пайдо бўлди, қўли билан шифтдаги маркага ишора қилди, кейин уни кўчириб олиб, менга берди. Унинг исми Денни Даффи эди. Кўп афсуслар бўлсинким, унинг бўйи қанча бўлганини мен эслаб қололганим йўқ. Афтидан, салкам тўққиз фут бўлса керак. Уз қалди-қомагини намойиш қилиш йўли билан у тирикчилиги учун осонгина пул топар эди. Ишончли маълумотларга қараганда дунёдаги энг новча одам бир рус кишиси эди. Унинг бўйи тўққиз фут-у уч дюйм бўлган экан. Тўғри, сўнги йилларда мен бир одамнинг бўйи тўққиз фут-у ўн дюйм эканини ҳам эшитган эдим.

Баъзи олимларнинг тасдиқлашича, инсониятнинг илк даврларида булардан ҳам новчароқ ва баҳайбатроқ одамлар бўлган экан. Инжилдан тез-тез иштибоҳ қилиниб туриладиган матн парчалари ҳам шундан далolat беради. «У пайтларда ер юзида паҳлавонлар яшар эдилар. Худонинг ўғиллари одамларнинг қизлари ёнига келишган. Улардан фарзандлар бино бўлган. Улар ҳам жуда новча паҳлавон бўлишган».

Америкадаги Табиий тарих музейининг профессори Франц Вейденрейх қадимги замонларда паҳлавонлар мавжуд бўлгани ҳақидаги тахминнинг энг йирик тарафдорларидан бири. Унинг фикрича, ўша қадим замонларда, яъни мелоддан ярим миллион ва балки ундан ҳам ортиқроқ йиллар аввал Африкада паҳлавонлар истиқомат қилган. Бошқа антропологлар ҳозирга қадар шундай фикрдаки, ер юзидаги илк одамлар пакана бўлган, улар майда сут эмизувчиларнинг (масалан, отсимон отлар тўдасининг) эволюциясини мисол қилиб келтиришади. Майда сут эмизувчилар аста-секин йириклашиб борган. Вейденрейх турли-туман бош чаноқлари ва жағ суякларини тадқиқ этган, шу жумладан, Брум Жанубий Африкада топган суякни ҳам текширган. Унда, айниқса, Хитойда топилган катта тишлар чуқур таассурот қолдирган. У тишларнинг катта-кичиклигига қараб, одамнинг бўйини аниқлашга имкон берадиган жадвал тузган эмас, бироқ унинг тасдиқлашига кўра, катта тишлар ва бақувват жағлар катта-катта гавдаларга мос бўлмоғи керак.

Вейденрейх инсоннинг ажлодлари горилланинг эркагига қараганда икки барабар йирикроқ бўлганини аниқлаган. Ҳолбуки, бу жониворнинг бўйи кўпинча олти футага етиб қолади ва оғирлиги тўрт юз қалдоқдан кўпроқ бўлади. Бу рақамларни иккига кўпайтирсангиз, том маънода баҳайбат, улкан одамнинг шакл-шамойили ҳосил бўлади. «Асрлар қаърига қанча чуқур кириб борсак, одамларнинг шунча йирик бўлганига амин бўла борамиз деб ҳисоблайман», — деб ёзган эди олим. Одамзоднинг бевосита авлод-ажлодлари, афтидан, паҳлавон одамлар бўлган.

Бундай қизиқарли илмий фаразни тасдиқловчи қандай далиллар бор Африкада? Улканлар назариясининг яна бир тарафдори профессор Дени Сора Мисрдаги баҳайбат ҳайкаллар бу фаразнинг далилларида бири бўлиши мумкин деб ҳисоблайди. Бундан ташқари у яқинда Марокашда топилган жуда катта тош қуролларни ҳам эслатиб ўтади. Бунақа қуролларни бўйи ўн икки фут келадиган паҳлавон одамларгина ишлата билиши мумкин. Сора қадимда улкан одамлар мавжуд бўлганини гоёта мароқли тарзда изоҳлади. Унинг фикрича, илгарилари Ой Ерга ҳозиргига қараганда анча яқин бўлган. Бунинг натижасида Ойнинг тортиш кучи Ерга яшаган ҳамма махлуқни юқорига қараб чўзилтиради. Уларнинг бўйлари гоётада ўсиб кетади. Уларнинг ораларида чинакамга паҳлавон келбати улкан одамлар пайдо бўлади. Улар, Инжилда айтилишича, жуда узоқ умр кўришади. Соранинг фикрига қўшилмайдиганлар уни танқид қилиб айтишадими, Инжил замонларида вақт ва бўй тушунчаси бошқача бўлган дейишади. Мусо пайғамбар бир ойни бир йил деб ҳисоблаган, бундай ёндоқув натижасида Мафусаил етмиш беш ёшга кирган муҳтарам бир қария ҳисобланган. Афтидан, Голиафнинг бўйи тўққиз футу ўн дюмга тенг бўлган.

Паҳлавон одамлар, албатта, ҳаммани лол қолдиради. Қарноқдаги ва бошқа жойлардаги улкан тасвирлар қадимги замонларда одамлар паҳлавонларнинг яшаб ўтганларига астойдил ишонганлар, лекин ҳайкаллар паҳлавонлар чиндан ҳам яшаб ўтганларининг исботи бўла олмайди. Паҳлавонлар тўғрисидаги кўпчилик ривоятлар, афтидан, одамлар ўзларидан новча одамларга рўпара келишлари оқибатида туғилган бўлса керак. Бу ривоятлар авлодлардан-авлодларга кўчиб юрар экан, муболағалар ва лофлар кўшилиб борган. Ниҳоят, олти футли одам ўн икки футли паҳлавонга айланган.

Ривоятларни туғдирган яна бир манба — турли жойлардан топилган ва нотўғри тарзда одамники деб саналган скелетлар ҳамда тишлар бўлган. Баҳайбат тишлар ва суяклар паҳлавонларга мансуб деб қаралган, ҳолбуки, бугунги анатомлар уларни мамонтлар, мастидонлар ва филларнинг бошқа авлод-ажлодлариники ёхуд узун жунли каркидонларники деб ҳисоблашади. Ҳатто Ҳомер асарларидаги бир кўзли паҳлавон Циклопнинг бош чаноғи ҳам бор-йўғи фил-

нинг бош чаноғи бўлиб чиқди. Вена университетининг ходими доктор Абель фил билан одамнинг бош чаноқлари ўртасида катта ўхшашлик борлигини намойиш этган ва филнинг бош чаноғидаги бурун тешигини жуда осонлик билан бир кўзли одамнинг пешонасидаги кўз косаси ўрнида қабул қилиш мумкинлигини кўрсатган.

Шундай бўлишига қарамай, Африкада паҳлавонлар бор, паҳлавонларнинг бугун бошли қабилалари мавжуд. Улардаги эркаклар ўрта бўйлиларга қараганда анча-мунча новчароқ. Наҳри Нил соҳилларида мен динка қабиласига мансуб бўлган қалди-қомати келишган қора танли яланғоч балиқчиларни кўрганман. Улар дарёнинг бўғана сувларида найза иргитардилар. Уларнинг баъзи бирларининг бўйи саккиз футга етарди. Уларнинг узун оёқлари бир кунда етмиш тўрт миля йўлни босиб ўтишга имкон берарди. Шу ернинг ўзида ўзларининг қамиш қайиқлари билан шиллуклар ҳамда нуэрлар яшарди. Қабила одатига кўра нуэрларнинг пешоналари бошдан-оёқ чандиқларга тўлиб кетганди.

Ватусси қабиласининг одамлари Африкадаги ва ҳатто бугун дунёдаги энг новча одамлардир. Бу қабила эркакларининг ўртача бўйлари олти фут-у олти дюйм келади. Кўпинча уларнинг орасида бўйи тўққиз футга етадиган одамларни ҳам учратиш мумкин. Ватуссилар Конгодаги Руанда вилоятида яшайди. Уларнинг ривоятларида айтилишича, бир замонлар бу қабила Мисрда яшаган экан. Этнографларда бу ривоятларга ишонмаслик учун ҳеч қандай асос йўқ. Ватуссилар бу мамлакатни тарк этганларида, ўзлари билан иньямбо деб аталган узун шохли қорамолларини ҳам олиб кетганлар. Бу моллар шохларининг узунлиги саккиз, тўққиз ва ҳатто ўн футга ҳам етиб борган. Чиндан ҳам улар паҳлавон халққа муносиб чорва бўлган. Бу моллар Луксорда Воли-ул-маликдаги мақбараларнинг деворларида ажойиб расмларда тасвирлари чекилган моллардир. Дунёнинг бошқа бирон жойида бунақа чиройли шохдор моллар учрамайди.

Ватуссиларнинг Мисрдан келиб чиқишлари фойдасига хизмат қиладиган далиллардан яна бири шуки, ватуссилар занжисимонлардан эмас, улар Хомдан тарқатган. Ватуссилар тўрт юз йиллар муқаддам Руанда вилоятида тургун бўлиб қолишган, кўпгина паст бўйли қабилаларни ўзларига бўйсундирганлар, шу жумладан паканалар, яъни пигмейлар қабиласини ҳам бўйсундирганлар. Ватусси сардорларининг баъзи бирларининг юзига ён томондан қараса, улар қадимги Миср подшоларининг юзига жуда-жуда ўхшаб кетишади.

Паҳлавонлар ва паканалар қаёқдан пайдо бўлади? Врачлар бунинг сабабларини овқатланишда кўришади. Лекин улардан биронтаси ҳам Африканинг ана шу мутақаббир қабиласи — ватуссилар қандай қилиб бу даражада новча бўлишга эриша олганини айтиб бермайди. Албатта, ўз-ўзидан аёнки, улар авлоддан-авлодга ўз қонларини тоза сақлаб қола билганлар. Аммо бу паҳлавонларнинг ташқи қиёфаси ҳал қилиб бўлмайдиган бир жумбоқдир.

Рақслар, югуриш, найза иргитиш ва камондан ўқ отиш ватуссиларнинг сеvimли эрмаклари бўлиб хизмат қилади. Навқирон сарбозлар найзани шунақа куч билан иргита оладиларки, унинг ёғоч дастаси ҳавода учиб кетаётганда синиб майдаланиб кетиши мумкин. Агар Руанда қироли оқ танли меҳмонларининг кўнгилларини хушламоқчи бўлсалар, ўзининг навқирон паҳлавонларини чақиради-да, уларга тўпланганларнинг устидан сакрашни буюради. Меҳмонлардан қирқ футча нарида саф тортган йигитлар бирин-кетин меҳмоннинг ёнига югуриб келиб, унинг бошидан сакрайди. Мени ишонтириб айтишларича, ватуссилар саккиз футдан ортиқроқ баландга сакрар эканлар. Бошқача қилиб айтганда, ватуссиларнинг энг яхши сакрайдиганлари баландликка сакраб, жаҳон рекордини бир футга яхшилашлари мумкин.

Ажойиб кунлардан бирида Олимпия ўйинларида ватусси паҳлавони пайдо бўлади, ана шунда бу сакранғич паҳлавонларнинг чиндан ҳам мавжуд эканига ҳеч кимда шубҳа қолмайди. Шунини ҳам айтмоқ керакки, ватуссилар меҳмонларининг бошлари устидан сакраганларида анча кенг ипак либослар кийишади. Руандада жуда кўп суратлар олинган, фильмлар ишланган, шундоқ бўлгач, ватуссиларнинг сакрашлари ҳақидаги ҳикояларни энди ҳеч ким афсона деб ҳисобламайдиган бўлган. Бутера деган бир йигит (унинг бўйи етти футу беш дюйм бўлган) баландга сакраш бўйича шунақа донг таратганки, ҳатто унинг суратини маҳаллий пулларда босиб чиқаришган.

Ҳар қанча ғалати кўринмасин, ватуссиларнинг аёллари камдан-кам ҳолларда новча бўлишади. Улар одатда ўрта бўй аёллар. Уларнинг кўпчилигининг бўйи беш футдан ошмайди. Донгдор аёллар одамларнинг кўз ўнгида камдан-кам ҳолларда пайдо бўладилар, агар пайдо бўлиб қолсалар, одатда, уларни усти ёпиқ тахтиравонларда кўтариб юришади.

Джуба дарёси билан Рудольф кўли ораллиғида яшайдиган сомалилар ўрта-сида паҳлавонлар тўғрисида Африкадаги энг қизиқарли ривоятлардан бири сақланиб қолган. Бу ерларда деярли сув йўқ. Бу ерларда кўчманчи сомалиликлар одамдан кўра кўпроқ туянгиллиг ҳаёт кечирадилар. Лекин улар йирик шохдор қорамол ва эчкиларни кўпайтириш билан шуғулланидилар, баъзи бирлари эса фил суякларни савдоси билан шуғулланишади. У ерларда баъзи бир жойларда қаровсиз аҳволда қуриб қолган қудуқлар учраб туради. Бу ерларга сомалилик кўчманчилар келмасдан анча аввал қудуқларни аллақайси қадимги халқ қурган экан. Уларнинг чорвалари шу қадар кўп бўлган эканки, бундай чорвани ҳозир бу ерда боқиб, тўйдириб бўлмайди.

Сомалиликларнинг тасдиқлашича, қудуқларни паҳлавонлар қурган. — Фақат паҳлавонлар қабиласигина, — дейишади улар, — харсангтошларни бунақа ғаройиб усул билан ёриб ўта олардилар. Бундан ташқари кўплаб топилиган одам суякларни ҳам бу қудуқларни кавлаган одамларнинг бўйлари бениҳоя баланд бўлганидан далолат беради. Узунлиги беш фут келадиган сон суягини яна қаердан топиш мумкин?

Ўз-ўзидан аёнки, бундай қудуқларни фақат ривожланган халққина ўйлаб топиши, қуриши ва ундан фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари бу халқ жуда катта жисмоний кучга ҳам эга бўлмоғи керак. Яна юзлаб шунга ўхшаш қудуқларни Ваджер Дима районида ҳам учратиш мумкин. Ўша йўқ бўлиб кетган халқ томонидан барпо этилган сунъий сув омборлари бутун мамлакат бўйлаб сочилиб ётипти. Юқорида бу қудуқлар диаметри уч фут келадиган думалоқ чуқур билан бошланади, кейин яна саккиз футга бу чуқур пастга тик тушиб кетади. Пастга тушган сари бу чуқур аста-аста кентайиб боради, яхлит олганда эса у қудуқлар бўйни ингичка улкан графинга ўхшайди.

Ёмғирлар фаслида қудуқлар ер устидаги каналлар ёрдамида сувга тўлдирилади. Қудуқ деворларига ичидан зинаполяр ва тутқичлар ишланган — сув пастга тушиб кетганда чорвасини суғормоқчи бўлган паҳлавон зинапоярлардан пастга тушиб, эчки терисидан ясалган мешларига сув тўлдириб олиши мумкин бўлган. Кўп қудуқларнинг чуқурлиги олтмиш футга етади. Бунақа чуқурдан мешдаги сувни юқорига кўтариб олиб чиқиш учун жуда катта жисмоний куч талаб қилинади. Сомалиликлар қудуқ тубидан сув олиб чиқишга уриниб ҳам ўтиришмайди. Баъзи бир қудуқларнинг ичидан дарахтлар ўсиб чиққан. Бу дарахтларнинг ёши камида саксонда. Сомалиликлар қудуқларни қурган одамларни *маантенле* деб аташади. Баъзиларнинг айтишича, маантенлелар қандайдир ўлат тегиб, қирилиб кетган, бошқаларнинг гапига қараганда, паҳлавонлар учар аждарларнинг ҳужумига учраган. Аждарлар уларнинг ҳамма чорвасини еб битирган, чорвасиз қолган паҳлавонлар мамлакатни тарқ этишга мажбур бўлишган. Табиийки, маантенлеларнинг арвоқлари ҳали ҳам қадимги қудуқларга келиб туришади. Бўйи ўн футлик одамларнинг арвоҳи!

Археологлар Сомали афсонаси муайян заминга эга деб ҳисоблайдилар. Эҳтимол, ўтмишда Наҳри Нил бўйларида яшаган новча одамлар қабилаларидан бири бу мамлакатга келиб қолган бўлиши мумкин, кейин эса ўзларидан фақат сирли қудуқлар қолдириб ва қабрлар устидаги ханузга қадар тадқиқ этиб кўрилмаган эҳромлар қолдириб, бошқа жойларга кўчиб кетган бўлишлари мумкин. Кения қабилалари орасида чўпонлик билан шуғулланувчи туркана қабиласи бор. Улар бошлари узун, бўйлари баланд одамлар. Эркакларининг бўйи кўпинча етти футга етиб боради. Эҳтимол, туркана ўша биз излаётган маантенле қабиласининг айнан ўзидир.

Аммо Нил соҳиллари бўйлаб яшаган ҳамма халқ тўғрисида мулоҳаза юритганда, Африканинг энг қадимий сирларидан бирига рўпара келасан. Нилнинг ботқоқ соҳилларида яшаган яланғоч одамларни эсласам, уларнинг бир-бирларининг кетидан саф тортиб, бир оёқларини букканича тик турганлари кўз олдимга келади. Ҳар бирининг қўлида узун найза. Улар жуда қадим замон-

лардан бери Нил билан боғланган. Қачонлардир бир замонлар Мисрни тарк этиб, Нил бўйлаб унинг манбалари томон йўл олганлар орасида афсонавий новча қаҳрамонлар ҳам бўлган.

Французларга қарайдиган Экваториал Африкада Габон дарёсининг серадир шимолий соҳилида қалин мангозорлар орасида Либревил<sup>1</sup> шаҳри жойлашган. У жуда жозибадор шаҳар. Унинг хурмозор хиёбонларида гулзорлар устида зарҳал қанотли капалаклар учиб юради. У жуғрофий экватордан шимолда — ўн икки миля масофада жойлашган, аммо у ернинг иқлимий шароити ҳам худди жанубий ярим шарнинг об-ҳаво шароитига ўхшаш. Мен яна бир қизиқ гапдан хабар топдим — Либревил Фарбий Африкадаги шаҳар чеккасида соҳил бўйларида филларга қирон келтирган бирдан-бир шаҳар экан. Бу бизнинг асримизнинг йигирманчи йилларида содир бўлган. Ўйлайманки, ўшандан бери филлар мамлакат ичкарасига кетиб қолишган.

Либревил орқали ўтиб борар эканман, мен филларни ўйлаганим йўқ. Менинг хаёлимни пигмейлар эгаллаб олган эди. Уша кезларда француз маъмурлари пигмейларнинг бир қисмини шаҳар теварагидаги унча қатта бўлмаган худудларга жойлаштирган эди. Мен бу паст бўйли одамларни Жанубий Африка саҳроларида истиқомат қилувчи бушменлар билан таққослашга ошиқдим.

Пигмейлардан жуда қадимги замонлардаёқ хабардор бўлишган. Ҳомер бу пакана одамлар тўғрисида «Илиада» достонида ёзган, Свифт улар тўғрисидаги ривоятлардан «Гулливернинг саёҳатлари»да фойдаланган. Шак-шубҳа йўқки, асир тушган паканалар Қадимги Миср подшоларининг вақтини чоғ қилиб, кўнглини олишган, негаки, паканаларнинг сиймоси Саккарадаги мақбараларда тасвирланган. Бироқ ўн тўққизинчи асрнинг олгиниинчи йилларида Поль Дю Шайю Габон ўрмонларига ўзининг иккинчи йирик экспедициясини хотималагандан кейингина бугун дунё пигмейлар ҳақидаги гаплар шунчаки ривоятлар эмас эканини, улар чиндан ҳам мавжуд эканини билди.

Дю Шайю ўрмонларда гориллаларни қидириб юрганида пакана одамларнинг қабилалари тўғрисида эшитган эди, аммо ўзининг эътироф этишига қараганда, бу гапларга ишонган эмас. У «адолатсиз ва аёвсиз танқиддан қаттиқ хўрланиб» яна Фарбий Африкага қайтади ва ўзини оқламоқчи бўлади. Ажойиб кунларнинг бирида Габоннинг ички худудларида денгиз соҳилидан тахминан юз эллик миля масофада у тасодифан бир нечта кичкина чайлага рўпара келади. Унинг йўл бошловчилари бу қайлалар пакана одамларники эканини айтишади. Лекин пакана одамлар ҳар томонга тирқираб қочиб кетишади. Шундан кейин Дю Шайю ҳамма жойда пакана одамларни қидира бошлайди ва ниҳоят, ашанголар яшайдиган жойларда омад унга кулиб боққандай бўлади. Ашанго қабиласига мансуб раҳнамолар уни пакана одамлар яшайдиган қишлоққа бошлаб боради. Бу одамларни улар обонго деб атар эканлар.

«Қишлоқ аҳлини хуркитиб юбормаслик учун биз жуда қатта эҳтиёткорлик билан қишлоққа яқинлашдик. — Менинг ашанго йўл бошловчиларим аҳиллик билан уларга пиша маржонларни узатдилар, — деб ёзади Дю Шайю. — Аммо бизнинг ҳамма эҳтиёткорлигимиз беҳуда кетди, негаки, биз уларга яқин борганимизда уларнинг орасида биронта ҳам эркаги қолмаган эди. Биз шоша-пиша чайлалар ичига кирдик — чайлаларда учта кекса аёлни ва битта ёшроқ йигитни топишга муваффақ бўлдик. Бу йигит қочиб кетишга улгурмай қолган экан. Яна бир чайлада бир нечта бола яшириниб олипти.

Улар кўрқанларидан юриш қобилиятларини йўқотиб қўйгандай кўринарди. Мен уларга маржонларни узатдим. Кампирлардан бири юрак ютиб, маржонни олди ва кўрқиб, биздан қочиб кетганлари учун эркакларни масхара-лаб кула бошлади. Кампир уларни хуркак пченделарга (олмахонларга) қиёслади. Пченделар «ке-ке-ке» деб чуғурлашдан бошқани билмас эканлар. Кампир ўзининг кичик жусасини силкитиб, олмахонлар чуғурга ва хагги-ҳаракатларига шунақа тақлид қила бошладики, биз ҳаммамиз уни кўриб кулиб юбордик».

Дю Шайюнинг бу тасвирида пигмейларнинг бир хислати ўз ифодасини

<sup>1</sup> Ҳозирги пайтда Либревил — Габон республикасининг пойтахти.

тошган. Бу хусусиятни тадқиқотчиларнинг ҳаммаси ҳам жуда жозибадор деб ҳисоблайди. Бу — тақдирчилик қобилияти. (Айтганча, бу хусусият Жанубий Африка бушменларига ҳам хосдир.)

Дю Шайюнинг фикрича, пигмейларнинг териси тўқ-сарик рангда — уларнинг теварак-атрофдаги ҳамма африкаликларнинг терисидан кўра оқроқ. Уларнинг кўзларида «енгиб бўлмайдиган бир ирода», қўлларининг кафти оқ. Оёқлари тавдаларига қараганда калтароқ. Кўпгина эркакларнинг кўкраклари ва оёқлари ниҳоятда сержун.

Дю Шайю қайд қилганидек, ашанголар юртида пигмейларга ёввойи ҳайвонлар ва балиқлар туғишдаги маҳоратлари учун жуда хайрхоҳлик билан муносабатда бўлишган. Ортиқча ўлжаларини улар қўшниларида бананларга, идиш-товоқларга ва кўзаларга алмашгириб олишган. Пигмейлар яшайдиган қишлоқларнинг теварак-атрофида турли-туман тузоқлар ва қопқонлар шу қадар кўпки, ҳатто у ерда юришнинг ўзи жуда хатарли.

Ўлжаларини таъқиб қилганларида пигмейлар ҳаммаша бир жойдан иккинчи жойга ҳаракат қилиб туришган, лекин ҳеч қачон ашанголар мамлакатининг ҳудудидан ташқари чиқмайдилар. «Пигмейлар Оврўпа лўлиларига ўхшайди. Улар гарчи анчадан бери ҳозир яшаб турган мамлакатларини тарк этмаган бўлишса-да, теварак-атрофлардаги қўшни халқлардан ҳам фарқ қилишади, — деб ёзади Дю Шайю. — Улар ҳеч қанақа экин экишмайди. Ҳар хил илдизлар, мева-чевалар ва ёнғоқларни истеъмол қилишади, бироқ гўштни яхши кўришади».

Орадан бир неча йил ўтгач, немис тадқиқотчиси Швайнфурт Конгодаги Итури ўрмонларида денгиз соҳилидан анча нарида истиқомат қиладиган акка деган паканалар қабиласини кашф қилди. Бироқ фақат сўнги йилларга келибгина бу ажойиб халқ ўзининг баъзи бир сирларини кашф қилди. Аммо пигмейлар кўп жиҳатдан ҳали-ҳануз жумбоқлигича қолиб келмоқда.

Пигмейларнинг келиб чиқишлари қанақа? Бу масалада биронта ҳам олим қатъийроқ бирон нуқтаи назарни олға суришга журъат қилолмайди. Уларнинг ибтидоий одамларга яқин эканлиги ҳеч кимда заррача ҳам шак-шубҳа туғдирмайди, негаки, улар ҳали ҳам ибтидоий овчилик даражасида қолиб кетганлар. Одамларнинг турли ирқлари бутун ер юзига тарқалиб кетган ва турли цивилизацияларни барпо этишган. Аммо ўрмонларда, чангалзорларда, саҳроларда сон жиҳатидан анча катта бўлмаган бир халқ яшайдиган тарқоқ қароргоҳлар ва қишлоқлар мавжудки, улар ривожланиш жараёнидан буткул ташқарида қолган. Булар Африкадан ташқарида ҳам — Ардаман оролларида ва Малайя ярим оролларида истиқомат қиладиган занжисифат қабилалардир. Баъзи бир олимларнинг фикрига кўра, бир замонлар пигмейлар экваторга яқин ҳудудларда — куррай заминнинг ҳамма ерида истиқомат қилган бўлсалар керак, кейин кўҳна ҳинди-африка замини чўкиб, пигмейларни шарқдаги қариндошларидан ажратиб қўйган. Эҳгимол, қадим замонларда пигмейларнинг бўйлари одатдаги росмана одамникидай бўлган, бироқ уларнинг турмуш тарзлари сабаб бўлиб, бора-бора кичрайиб кетганлар. Ёки бўлмаса, улар ҳаммаша жуда пакана бўлган бўлишлари ва жаҳоннинг ҳамма халқлари орасида алоҳида бир гуруҳни ташкил қилишлари мумкин. Ҳозир улар дунёдаги энг паст бўйли халқлардир. Ушқоқдай серсоқол эркакларнинг бўйи тўрт фут-у тўрт дюймдан ошмайди, ушқоққина аёлларнинг бўйи эса бор-йўғи тўрт футни ташкил қиладди, холос.

Дю Шайюга рўпара келган пигмейларнинг тани сарғишроқ рангда бўлган. Экваториал ўрмонларнинг чеккаларида қора танли пигмейлар ҳам учрайди, бироқ улар занжисифат қабилалар билан чатишиб кетишган бўлиши мумкин. Пигмейлар учун энг характерлиси — жигарранг теридир. Уларнинг чеҳралари чиройли эмас, кўплари бадбашара, фақат болаларгина яхши таассурот қолдиради. Қўллари узун-узун, бироқ билаклари ва товонлари келишган, ўзлари яғриндор.

Кўп йиллар мобайнида Итури пигмейлари ўртасида ҳаёт кечирган доктор Пауль Шестестанинг айтишича, улар ҳаммаша ўзларини тобе қилиб олишга интилган ёвларга қарши мардона курашганлар ва ўзларининг эркинликларидан гоёғда мағрурландилар. Пигмейлар қўшни қабилаларнинг бананзорларига бос-

қинлар уюштириб туришган, улар пистирмаларда биқиниб туриб, камалаклардан учи заҳарланган ўқлар отишган ва ўлжалари билан ўрмонларга яширинганлар.

Филларни овлашда пигмейлар найза, пичоқ ва болгалардан фойдаланишадди. Улар қип-яланғоч бўладилар-да, одам ҳидини йўқотиш учун бутун баданларига филнинг ахлатини суриб чиқишади. Сўнг аста-секин писиб филга яқинлашишади-да, у хатарни сезиб улгургунча, филни қуршаб олишади. Шикорбон қўлида пичоқ билан филнинг ёнига бориб, унинг орқа оёғидаги томирини қирқади. Кейин овчилар икки гуруҳга бўлиниб, майиб қилинган филни таъқиб қила башлайдилар. Таъқиб давомида ҳар хил йўллар билан филни жазавога солишга ҳаракат қилишади. Қулай пайтга пойлаб туриб, шикорбон филнинг иккинчи оёғидаги томирни ҳам қирқади. Тоғдай фил бечора орқа оёқлари букилиб, ўтириб қолади. Пигмейлар болта билан уриб, филнинг қорнини ёриб ташлашади ва унинг ичак-чавоқлари ерга тушади. Шикорбон найзасини қўлга олади. Унинг биқинидаги тиши орқага қайрилган. Бу тишга арқон боғланган. Арқоннинг бир учи дарахтга маҳкамланган. Шикорбон найзани бор кучи билан филнинг чавақланган қорнига уради. Оғриқдан даҳшатга тушган фил бўкириб, ағдарилган ичак-чавоқларини осилтириб бир томонга қочади. Бу ов усули гарчи таъсирчан бўлса-да, кўҳна Африка аҳолиси ўртасидаги энг шафқатсиз ва аёвсиз ов усулидир. Баъзан пигмейлар нафақат оёқ томирларини, балки филнинг хартумини ҳам қирқишади. Жонивор кўп қон йўқотиб, жони узилади. Баъзан ов фожеа билан тугайди. Фил овчиларни тиш суяклари билан олиб олиб, мажақлаб ташлайди.

Кунлардан бирида Жанубий африкалик овчи Джон Молтено филларни таъқиб қилиб бормоқда эди. Тўсатдан унинг йўлида ботқоқ чиқиб қолади. Бу ботқоқ шу қадар чуқур эдики, уни кечиб ўтишнинг мутлақо иложи йўқ эди. Филлар одатда бундан фойдаланишар эдилар ва ботқоқ орқали ўтиб, таъқибдан қутулиб қолардилар. Молтено қабила сардоридан илтимос қилиб, ботқоқдан кечиб ўтмоқ учун қайиқ беришга кўндиради. Шу тарзда у шу пайтга қадар бирорта оқ танли одамнинг қадами етмаган ўрмонга бориб қолади. Ана ўша ерда унинг паст бўйли одамлар билан ҳаяжонли учрашуви содир бўлади.

Молтено пигмейларнинг оёқ изларини кўради-да, шу изларни қоралаб кетаверади, лекин кўп ўтмай адашиб қолади. Орадан кўп ўтмай, у ҳар хил одам товушларини эшитади ва аста писиб бориб, ўрмон ичидаги яланглик ёнига келиб қолади. Ялангликда бир тўп пигмейлар гулхан агрофида ўтиришган экан. Улар найзаларининг учини пастга қаратиб, ҳаммасини бир жойга уйиб қўйишипти. Бир нечта пигмей ўлжа тўнғизни нимгалаш билан банд, қолганлари эса дарахт ковагидан асал олишяпти.

Молтено иккита йўл бошловчи билан овоз чиқармасдан олға ташланишпти-да, найзаларни эгаллаб олишти. Пигмейлар тирақайлаб қоча бошлашяпти, лекин йўл бошловчилар уларни дўстона оҳангда чақиритишпти ва пигмейларнинг сардори тўхташпти. Молтено уларга гўшг ваъда қилади. Уларнинг ўртасида жонланиш юз беради. Шунда у беркиниб турган жойидан чиқади ва йиқилиб ётган дарахтнинг танасига ўтиради. Унинг теварагига кўрқа-писса пигмейлар йиғила бошлайди. Уларнинг сардори йўл бошловчилардан бирининг тилини билар экан. Шундай қилиб, Молтено у билан бемалол гаплаша олди. Унга пигмейлардан баъзи бирларигина умрларида бир марта оқ танли одамни кўрганини, қолганлари эса оқ танли одамга ҳеч қачон рўпара келмаганини айтиб беришди.

«Улар мени чўчка гўшти ва асал билан меҳмон қилишди, — деб гапириб берди Молтено. — Мен овқатланиб бўлгунимча, улар теварагимда гимираб юришди — тепамга соябон қурмоқ учун новдалар қирқишди, дарахт пўстлоқларини майдалашди. Улар тропик ёмғири яқинлаб келаётганини сезишган эди. Дарҳақиқат, орадан кўп ўтмай, улар соябонни қуриб битиришлари ҳамонроқ ёмғир қуйиб юборди. Кейинроқ пигмейлар мен билан бирга овга жўнашди. Ўрмон ичида улар жуда енгил ва сассиз оёқ ташлар эдилар. Гарчи мен ҳар қайси пигмейга қараганда бўйим уч футлар баланд бўлсам ҳамки, уларнинг кетидан етишиб юришга анча қийналардим. Дарахтнинг шохи тагидан пигмей энгашмай, ғоз юриб ўтган жойларда, мен икки букилиб, энгашиб ўтишга мажбур эдим.



Пигмейлар мени, афтидан, ҳеч қанақа касофату бало-қазолардан чўчимайдиган одам деб ўйлашди, шекилли, мен тез-тез анча-мунча қийин аҳволларга тушиб қола бошладим. Масалан, бир гал мен сира кутилмаганда филлар подасининг ўртасига тушиб қолдим. Урғочи фил тўполон кўтарди. Пигмейлар тирқираб қочиб кетишди. Менинг ўз қуролимга ишонишдан бошқа иложим қолмади. Пигмейларнинг ёнларида ноғоралари бор эди. Мен филни ўлдирганимда дарҳол бу хабарни ноғора орқали қишлоқларига етказдилар. Шу заҳоти бутун қишлоқ зиёфатга ёпирилиб келди. Пигмейлар, асосан, гўшт ейишади, гўшт етишмай қолган тақдирдагина, илдизларни кавлаб оладилар. Ўзларининг чайлаларини улар асаларининг уясига ўхшатиб қуришади, унинг ёнига бостирмага ўхшаш йўлак қилишади, пашша ва чивинларни яқинлаштирмаслик учун бостирмага гулхан ёқиб, тутатиб қўйишади. Икки-уч ҳафтадан кейин улар бу жойларини тарк этишиб, егулик ўлжалар қидириб, янги жойларга кетишади.

Мен ўзимнинг қароргоҳимда бир пигмейни гаров тариқасида сақлаб тургандим. Кунлардан бирида қўққисдан бутун қабила ғойиб бўлиб қолди. Мен ёнимдаги пигмейдан нима гаплигини сўрадим. «Биз жуда яхши биламиз — сиз бу ерларга — фил овлаш учун келганингиз йўқ. Сиз бу ерга бизни егани келансиз», — деб жўнгина жавоб берди у. Юзлаб йиллар мобайнида одамхўр қабилалар пигмейлар устига босқинлар ясаб келганлар, шунинг учун менинг пигмейим бирор кимсанинг бу ерларга бошқа мақсадда келиши мумкинлигини ақлига сиғдира олмасди.

Пигмейлар овда тез-тез тўрлардан фойдаланиб туришади. Улар ўрмонда қулай бир жойни топишади, унинг теварагида қабиланинг ҳамма эркаклари тўпланишади, аёллар ва болалар ҳам келишади. Кейин улар машғалалар ва калтакларини силкитиб, ҳар томондан майда жониворларни шу жойга ҳайдашади. Бу иш жониворлар тўрга илинмагунча давом этаверади.

Мен Либревилнинг теварак-атрофида кўрган пигмейлар буткул худонинг эсидан чиқиб кетган махлуқларга ўхшардилар. Ахир, уларни ўзлари ўрганган ўрмон муҳитидан олиб келиб, бошқа ишларни қилишга мажбур этишади. Лекин бу ишлар уларга овчалик қаноат бера олмайди. Менинг назаримда, пигмейлар жануб бушменларидан кескин фарқ қилишади. Иккала халқ ҳам овчилик билан шуғулланади, илдизлар ва мевалар йиғади, икковлари ҳам ўқ-ёйлардан фойдаланади, иккала халқ ҳам кўли очик ва қувноқ, иккала халқ ҳам туғма тақлид қилиш қобилиятига эга ва рақсга тушишни жуда яхши кўради. Аммо мен пигмейлар билан бушменлар ўртасида бўйларидан бошқа бирон жисмоний ўхшашликни топа олмадим. Уларнинг башаралари бир-биридан батамом фарқ қилади. Бушменнинг чеҳраси ҳар қанча очик ва дилкаш бўлса-да, у бениҳоя ажин босган бўлади. Пигмейнинг башараси эса ҳар қандай жозибадан маҳрум.

Мен Либревилда эски танишларимни учратарман деб астойдил ишонган эдим. Аммо французлар тасарруфидаги Конгода ана шу ўрмон яланглигида мен унинг аҳолиси билан Калахари аҳолиси ўртасида ҳеч қанақа муштараклик йўқ эканини ҳис қилдим. Мен ўшанда бу хулосаларни фақат тапқи таассуротларим таъсирида чиқарган эдим. Кейин эса менинг хулосаларимни олимлар ўтказган тадқиқотлар ҳам тасдиқлади. Олимлар уларнинг қони қайси гуруҳга мансуб эканини аниқлаши учун замонавий тадқиқот усулларини қўллашган эдилар. Бушменлар ҳам, пигмейлар ҳам овчилар, лекин улар ўзаро ҳатто узоқ қариндош ҳам эмас.

### *Ўн иккинчи боб*

## **ҚУШЛАР КЎЧИШИНING СИРЛАРИ**

Жанубда баҳор. Миллионлаб қушлар баҳор бошланиши билан Жанубий Африка томонга учади. Африканинг аллақачерларида ҳеч ким билмайдиган инларини тарк этиб, кўкси чипор қалдирғочлар жанубга учади. Кўкиш-кулранг Оврўпа қалдирғочлари ҳам ҳар йили Жанубий Африкага йўл олади. Улар эски

айвонлардаги айни ўша аввалги инларга жойлашиб олишади. Бу ҳам Африканинг жумбоқларидан бири. Ва ҳар гал ёз бошланиши билан бу такрор бўлаверади.

Мана, баланд овозда чийиллаб тўрғайлар пайдо бўлади. Улар баланд-баланд дарахтларга ин қуришади — бу ерлар одамларнинг кўзидан панароқ, Баъзи қушлар ботқоқларга йўл олади. Шимолдан тала-тала бўлиб оқ турналар учиб келади. Улар ҳам дарахтларга ёки адирларнинг ёнбағирларига ин қуришади. Хуркак қора турналар таниш ёрларига келишади, баъзан эса Кап вилоятидаги қуриб қолган кичик-кичик қўллар бўйида маскан қуришади. Яна бошқа юзлаб турдаги қушлар жануб кўёшининг илиқ тафтида исинмоқ учун бу ўлкага хижрат қиладилар.

Менда, айниқса, жуда катта таассурот қолдирган қушқанотли саёҳлар ўртасида энг ажойиб бўрон қуши бўлди. Орқаси жигарранг бу денгиз дайдисини курраи заминнинг кўпгина жойларида, шу жумладан, Яхши Умид бурунида ҳам учратиш мумкин. Асримиз бошлангунга қадар бу ажойиб қушнинг қаерда уя қўйишини ҳеч ким билмасди. Кейинчалик Жанубий Африка музейига Тристан-де-Кунья оролларида бўрон қушининг териси тушиб қолгандан кейин сир очилди. Мен бу оролларда бўлганман, қушларни у ерда кўрганман, тухумларини татиб ҳам кўрганман. Бўрон қушининг гўшти ва ёғи учун ороллarning аҳолиси уларни жуда катта миқдорларда овлайдилар. Лекин эндиликда у ерларда бу қушлар бир қадар ҳимояга олинган.

Катта бўрон қушлари ҳеч қачон қуруқликка учиб келишмайди. Фақат Тристан-де-Кунья ороллари ва уларга қўшни бўлган Гау оролигига бундан мустаснодир. Бу ерда бўрон қушлари ер остидаги ковакларга уя қуришади. Бўрон қушларини Арктика ва Антарктидада, Жанубий ва Шимолий Америка, Оврупа ҳамда Африка соҳилларида кўришган. Шундай бўлишига қарамай, улар ўз уйларида йўлни беҳато топиб боришади. Бир тўп бу ороллар океаннинг қоқ ўртасида бўлиб, энг яқин қитъадан бир ярим минг миля масофада жойлашган.

Антарктида соҳилларида Вильсон қушлари уя қуришади. Бу қушлар шимолга кўчганда, деярлик Шимолий Кутбгача етиб боришади. Кутб қушлари эса Арктикадан Антарктида музликларига учинишади ва улар фақат ГАРбий Африкадагина соҳилга яқинроқ учинишади. Гренландияда ҳалқаланган кутб қушининг жўжаси ўн олти ҳафта мобайнида ўн бир минг миля масофани учиб ўтипти. Уни Натали вилоятидаги Дурбанда топишипти. Мана шундай учинлар билан таққослаганда машҳур почта қапгарлари уй қушларига ўхшаб қолади. Эслатиб ўтиш мумкин — одамлар узун қанотли бу қушларни ҳам қўлга ўргатишган ва ундан почта алоқасида фойдаланишган. Бироқ шундай бўлса-да, энг ажойиб саёҳатчи қуш — бўрон қушидир. Беҳудуд океан бағрида йўқолиб кетган оролчани қидириб топиш ва бу оролчада қўнниш учун жой танлай билиш, муз тоғларига ёки қитъага етиб боришга қараганда анча қийин. Бунинг устига бу қушлар ҳазилакам тезликда учмайди. Ҳалқаланган бир бўрон қуши ўн икки кунда уч минг миля масофани учиб ўтган.

Баъзи бир олимларнинг тахмин қилишларича, океан орқали учиб ўтадиган қушларда бир замонлар қитъаларни бир-бирига туташтириб турган қуруқликлар ҳақидаги ирсий хотира сақланиб қолган. Бу баайни фангастикадай туюлади. Қушлар учиб ўтадиган баъзи бир денгиз кенгликларида қадим-қадимларда ўтиб кетган геологик даврларда ҳеч қанақа қуруқлик бўлган эмас.

Бу қандай содир бўлади? Бу катта-кичик қушларнинг ҳаммаси қитъалар ва океанлар орқали йўлни қандай топишади? Нима учун бир хил қушлар кўп минглаб миля масофаларни учиб ўтишади-ю, бошқа қушлар ладиллиги етишмагани туфайли жойидан қимирламай ўтираверади? Нима учун учар қушлар яна қайтиб келишади? Бу жумбоқларнинг ҳаммаси кўп асрлардан бери орнитолог олимларнинг ҳам, оддий кузатувчиларнинг ҳам диққат-эътиборини жалб қилиб келмоқда. Табиийки, бугунги кунда биз қушларнинг узоқ масофаларга кўчишлари тўғрисида ўтган асрда билганимизга қараганда кўпроқ биламиз. Аммо шунга қарамай, инсоният билимларининг четараси кенгайган сари бу жумбоқнинг ҳал қилиниши ҳам орқага сурилаверадиганга ўхшайди.

Эҳтимол, қушлар бундан миллион йиллар муқаддам музликлар давридаёқ узоқ масофаларга уча бошлаган бўлиши мумкин. У пайтларда Шимолий Аме-

рика ва Оврўпанинг жуда катта ҳудудлари қалин музликлар билан қопланган эди. Ҳозирга қадар олис масофаларга учадиган қушларнинг кўпчилиги ёзда шимолда уя қуради ва қиш келиши билан жанубга учиб кетади. Аммо бошқа йўллар ҳам қайд қилинган. Шундай қушлар ҳам борки, улар Мадагаскар оролидан Африка қитъасига ёки Анголадаги Трансваалга учиб кетишади. Жанубий денгизларнинг баъзи бир қушлари бутун қурраи замин теварагида айланиб чиқишади. Аммо қушларнинг учиб кетишларининг асосий, классик йўллари шимолдан жанубга қараб ўтади. Бостириб келаётган музликлардан қўрқиб, ватанини тарк этишга мажбур бўлган қушлар шу маршрут орқали учиб кетган. Бундай изоҳ менинг назаримда, ҳақиқатга яқиндай туюлади. Шунга қарамай, уларнинг қадимий шимолий ватанлари ҳақидаги ирсий хотиралари музликлар ғойиб бўлгандан кейин уларни бу ерга қайтаришга кучи етадиган даражада бақувват бўлганига ишонинг келмайди. Бошқа сабабларни излаб кўришга тўғри келади.

Кўп асрлардан бери қушларнинг учиб кетиши кўпгина доно файласуфларни ҳайрон қолдириб келмоқда. Оврўпа қалдирғочларининг учиб кетиши қишнинг келаётганидан дарак беришини ибтидоий одам билган бўлиши керак. Аммо ўн еттинчи асрнинг охирида ҳам одамлар қалдирғочлар худди кўршапалакларга ўхшаб, кўлнинг тубидаги лойга кўмилиб олиб, қиш уйқусига кирдилар деб ҳисоблашган. Кўплар ишонганки, лайлаклар ойга учиб кетади, катта қушлар (масалан, турналар) эса болаларини орқаларида кўтариб учинади.

Қушларни уларнинг ватанидан олисда кўрсанг, беихтиёр бир фикр туғилади: улар аввал учиб ўтган йўллари эслаб қолганмикин, йўқми? Бу — фақат қушларнинг баъзи бир турларигагина дахлдор гап, лекин уларнинг кўпчилигига бу гапнинг алоқаси йўқ. Қушларнинг учиб кетиши билан биринчи танишгандаёқ ўзгармас йўналишлар унча ҳам кўп эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Ўзининг аввалги қарашларинг нотўғри эканига ишонч ҳосил қилмоқ учун, қушларнинг кўпгина турларининг учиб кетишини ўрганмоқ керак. Баъзи бир қушлар катта-катта гала бўлиб учинади. Галага қари қушлар бошчилик қилишади. Уларнинг орқасидан ёш қушлар учиб боришади. Уларнинг ҳар йили чиндан ҳам битта йўналишдан учиб бориб, эски жойларга яна айнан ўша йўл билан қайтишлари аниқланган.

Афғидан, кўп қушлар денгиз ва дарёлар соҳиллари бўйлаб учиб кетиши маъқул кўрсалар керак. Улар баланд тоелардан ошиб ўтишмайди, балки водийлар узра учмоқни афзал кўришади. Қушларнинг учиб кетишини маёқлардан кузатиш ва оёқларини ҳалқалаш шуни тасдиқлайдики, Оврўпадан Жанубий Африкага учадиган қалдирғочлар ҳаминша муайян йўллар орқали учинади. Улар Нил водийсини ёқтириб қолишган. Чипор тумшукли қушлар эса Бискай кўлтигидан ўтиб, Мадейра ороли устидан ўтишади, сўнгра Сенегал соҳиллари бўйлаб учиб боришади ва Кап вилоятига йўл олишади. Улар бу вилоятга айнан почта ташийдиган кемалар юрадиган йўллар орқали учинади. Бошқа баъзи бир қушлар жанубга Франция, Испания ва Саҳрои Кабир орқали учинади.

Анча вақт мобайнида қушлар жанубга учаётганда муайян маҳаллий белгиларга қараб йўл топишади деб ҳисоблашади. Қушлар учадиган юксакликдан қараганда шунақа поёнсиз манзара намоён бўладики, унга қараб адашиб қолишнинг сира имконияти йўқ. Хуллас, ҳеч қанақа инстинкга эҳтиёж қолмайди. Бундай кўчиб ўтишларнинг сирлари ҳам аён бўлади. Табиат қушларга бағоят ўткир кўз ато қилган, шу ваздан улар жанубга кўчаётганларида йўлни осонгина топа оладилар.

Бу гап бирмунча тўғри, лекин қисман тўғри, холос. Шундай қушлар борки, улар пастлаб ер сатҳига жуда яқин учадилар, баъзи бир денгиз қушлари эса ҳатто тўлқинларга тегай-тегай деб учинади. Кўплаб ўтказилган тажрибалар ва кузатишлар — ҳамма нарса қушлар хотирасида фотосуратдагидек муҳрланиб қолиши ҳақидаги фаразлар қушларнинг кўчиб ўтиш сирларини очиб бера олмайди деб айтишга асос беради. Ҳа, кўриш муайян роль ўйнайди — чиндан ҳам қушлар манзилга яқинлашаётганларида ўз уяларини бирон-бир белгиларга қараб топадилар. Аммо аввалдан маълум бўлган йўллар орқали, нотаниш жойлар орқали учиб кетганда қумларда адашиб кетмаслик учун бошқа қобилиятлар ҳам мавжуд бўлиши керак. Кўпгина полапонлар ўзларининг би-

ринчи кўчишларини ота-оналарисиз ёки катта ўртоқларисиз амалга оширадилар.

Бир гал юзлаб қалдирғочларни ўз инларидан турли томонларга олиб кетишди. Кейин қуёш чиқиб турган ёруғ кунларда ҳам, туманли кунларда ҳам уларни қўйиб юборишган. Уларнинг кўпчилиги инларига қайтиб келишган. Бир қалдирғоч йигирма олти соат мобайнида икки юз элик миля масофани учиб ўтган.

Менинг назаримда бунақа тажрибалар кўпроқ хат ташувчи каптарлар устидан ўтказилган. Ҳамма зотдор каптарлар ёввойи каптарлардан тарқаган, лекин ёввойи каптарлар эса ҳеч қачон кўчиб кетишган эмас. Бу шундан далолат берадики, табиат ҳамма қушларга ҳам шундай қобилият ва имконият ато қилганки, тегишли даражада машқ қилиш йўли билан уларни анча ривожлантириш мумкин бўлган. Кўпгина ёввойи қушлар хат ташувчи каптарларга қараганда йўлни яхшироқ топа оладилар.

Хат ташувчи каптарлар устидан тажриба ўтказган одамлар, ҳар нима қилиб бўлса-да, қушларни адаштиришга кўп уринишган. Ҳатто каптарларни олисларга олиб кетишадиганда уларга нарқоз бериб, ухлатиб ҳам қўйишган. Бироқ улар барибир ўз инларига эсон-омон қайтиб келишди. Анча олдин қушлар уяларига олиб борадиган йўлларни магнит қутбларига қараб топишади деган фараз айтилган эди. Аммо каптарларнинг қанотларига магнит ҳам боғлаб қўйишган. Бу эса қушларга замин магнетизмини ҳис қилишга имкон бермасди. Шунга қарамай, каптарлар инларига қайтиб келишган. Иккинчи жаҳон уруши даврида мен Жанубий Африканинг ҳарбий ҳаво кучларида хизмат қилган эдим. Ушанда бизни хат ташувчи каптарлар билан муомала қилишга ўргатишган эди. Биз эскадрильямизнинг ҳар қайси самолётига тўрттадан каптар олиб, океан устидан учдик. Армияга чақирилмасдан аввал оддий каптарбоз бўлган инструкторимиз самолёт орқасидан ҳосил бўладиган ҳаво куюнига тушиб қолмаслиги учун ҳар бир каптарни қоғозга қандай ўраб, самолётдан қандай учуриб юборишни ўргатди. Устозимиз каптарлар денгиз орқали учиб боролмайди деган фикрга қўшилмади, лекин у бу қушларнинг энг яқин йўлни танлаб, қитъага қайтишга ошқоришларини таъкидлади.

Каптарларни машқ қилдириш билан шуғулланувчи зобитлар ўша кезларда жаҳон рекорди ўрнатган бўлсалар ҳам ажаб эмас. Улар Кейптаундан Преторияга иккита тухумдан чиққанига эндигина бир ой бўлган бир жуфт каптарни жўнатишган, уларни Преторийда икки ярим ой боқишган, кейин учуриб юборишган. Улардан бири Кейптаундаги каптархонага эсон-омон қайтиб келган. Одатда, каптарлар тўрт ойлик бўлганларидан кейингина биринчи марта қисқа масофаларга учиб бориб келадилар ва фақат уч яшар бўлганларидан кейингина бу борада юксак муваффақиятларга эришадилар.

Булутли ҳаволарда биз каптарларни ўн минг фут баландликка олиб чиқиб, ўша ердан қўйиб юборар эдик. Бу «сўқир парвоз»дан ҳаммалари эсон-омон қайтиб келишарди. Кўчадиган қушлар учун булутлар ҳаммаша катта тўсиқ бўлади, ҳалақат беради. Каптари бор учувчилар бехосдан саҳрода қўнишга мажбур бўлиб қолса, каптарини бўшашиб юборишни маслаҳат беришар эканлар. Шунда каптарнинг қай томонга учаётганига қараб, компас билан йўналишни аниқлаб олиш мумкин бўларкан. Бу усул ҳаммаша манзилга элтадиган йўлни кўрсатиб берар экан. Хат ташувчи каптарлар мўлжални тўғри олиш бобида жуда ажойиб қобилиятларга эга. Уларни нотаниш жойларда учуриб юбориб, вақтни белгилаб қўйишган. Ўн сония ўтар-ўтмас улар уй томонга элтадиган йўналишни топиб олишган экан.

«Хотирада фотосуратдек» муҳрланиб қолиш тўғрисидаги фаразнинг нотўғрилигини куйидаги тажриба ҳам тасдиқлаши мумкин. Яхши зотдор каптарнинг тухумини олиб, уларни уйдан юз миля ва ҳатто ундан ҳам ортиқроқ масофа нарига олиб бориб, ўша ерда бола очирса, кейин полапонлар қанот чиқариши билан уларни қўйиб юборса, улар ўша тухум қаерда қилинган бўлса, шу каптархонага учиб келишади. Бу ҳодиса шунга ўхшаш фаразларнинг ҳаммасини рад этади, фақат «гуруҳ хотираси» ҳақидаги тахмингина бундан истиснодир. Аммо сиз гуруҳ хотираси ёки ирсий хотира деган гапни тилга олсангиз, сирнинг номини айтган бўласиз, холос, лекин сир, барибир, сирлигича қолаверади.

Жанубий Африкага учиб келадиган барча қушлар ичида ҳамма яхши кўрадиган оқ лайлақлар кўпроқ эътиборни жалб этади. Ишқ-муҳаббат ва вафо рамзи бўлиб қолган бу йирик қуш одамга шундоқ боғланиб қолганки, ҳатто боласини боқиб катта қилаётганда одамнинг ёрдамига эҳтиёжманд бўлади. Лайлақлар Дания ва Голландияда мўриларнинг ардоқли меҳмонларидир. Жанубий Африкада ҳам ҳамма жойда улар қонун билан ҳимояланган. Фермерлар жуда яхши билишади — бу қушлар дала-тузларни чигирткалардан ва бошқа ҳашоратлардан тозалаб беради.

Лайлақлар устида ҳам илмий тажрибалар ўтказишган. Иккита жаҳон уруши оралигида Шарқий Пруссиядаги Росситтен орнитология станциясининг ходимлари, шунингдек, бошқа станцияларнинг ходимлари ҳам лайлақларнинг Африка томон учиб бориш йўллари аниқлаш мақсадида уларнинг оёқларини ҳалқалаб қўйганлар. Маълум бўлишича, Ханс Андерсен мамлакатидан учган лайлақлар ва Фарбий Оврўпадан учган лайлақларнинг кўпчилиги Франция ва Испания орқали учиб ўтиб, Марокашда қишлаб қолишар экан. Қолган лайлақлар жануби шарққа Саҳрои Кабир орқали учушар экан. Олимлар бу йўлни аниқ белгилаб чиқишган эмас, лекин, афтидан, қушлар Чад кўли ва Конго дарёси устидан учушади ва сўнгра Шарқий Африкада — жанубда қишлаб қолган бошқа лайлақларга қўшилиб олишади. Лекин Шарқий Пруссиядан ва Венгриядан учган лайлақлар шарқий йўл билан Болқон орқали ва уларни ёқтирмайдиган Туркия орқали (бу ерда жоҳил одамлар лайлақларни қириб ташлашдан тортинмайди) ўтадилар, сўнгра Нил водийси бўйлаб жанубга йўл оладилар ва Шарқий Африкадан Марказий Африкага ёки Жанубий Африкага учушади. Лайлақлар ва бошқа қушларнинг қишлоқ жойлари гоятда турфа хилдир. Баъзи бир қушлар Африканинг энг жанубий соҳилларида учиб боришади, баъзилари эса Кап вилоятидан унча узоқ бўлмаган жойлардаги қишқи «ҳовлилари»да қолишади.

Росситтен станциясининг ходимлари Шарқий Оврўпада тухумдан чиққан лайлақлардан юз элликтасини фарбга — Эссенга олиб боришипти. Уларнинг оёқларига ҳалқа уришибди-да, жанубга учуш фурсати анча ўтиб кетгандан кейин учуриб юборишипти. Табиийки, уларга ҳамроҳ бўлиши мумкин бўлган қари қушлар аллақачон учиб кетган. Ҳалқаланган лайлақларнинг учуш йўлларидаги турли кузатиш пунктларидан олинган маълумотларга қараганда, лайлақларнинг кўпчилиги Африкага фарбий йўл билан учушмапти, (баъзи бир олимлар шундай бўлишини кутишган экан) балки шарқий йўлни танлаб олишипти. Иккита лайлақ Францияга тушиб қолишти — бу ерга улар ўз маршрутлари бўйича учушган экан. Бу тажрибанинг далолат беришича, қушларда ота-оналаридан ўтган инстинктлари бошқа ҳамма нарсага, шу жумладан, шамолу об-ҳавога қараганда ҳам кучлироқ экан. Таниқли орнитолог доктор Хейнрот лайлақлар айрим мутахассисларнинг фикрларига зид ўлароқ ҳеч қачон айнан битта маршрутнинггина қаттиқ ушлаб олишмайди. У жанубга кўчиш вақтида баъзи бир учар қушлар бошқа турдаги қушларнинг кетидан эргашиб ҳам кетаверадилар деган фикрни билдирган.

Олимлар лайлақларнинг кўчишини неча марта лаб кузатишган. Шуниси ҳам борки, янги кашфиётлар янги сирларни майдонга келтирган. Лайлақнинг учушининг энг юқори тезлиги соатига эллик миля атрофида бўлар экан — буни лайлақнинг кетидан кузатиб учган самолёт ёрдамида аниқлашган. Ҳар йил жанубга кўчишганида лайлақлар икки ой мобайнида йўлда бўлишар экан, қайтишда эса улар бу йўлни бир ойда ўтар эканлар. Буни нима билан изоҳласа бўлади. Шимол шароитида бола-чақани ўстириш жуда қийин кечиб, йирик қушларнинг кучини шу қадар сўриб оладими, олти минг милялик масофани бундан тезроқ муддатда босиб ўтолмай қоладими? Ёки ўлжага унча бой бўлмаган шимолий мамлакатларда топиб ейладиган егуликларга қараганда Жанубий Африканинг қурбақалари ва бошқа қурт-қумурсқалари тўйимлироқ бўлгани учун шундай бўлармикин? Трансвааллик зоолог доктор Р. Вигалькеннинг тасдиқлашича, лайлақлар Оврўпага тезроқ тухум очмоқ учун ошиқишади.

Оврўпада лайлақларнинг сони тобора камайиб бораётганга ўхшайди. Африкада бўлса, уларнинг сони ортиб бормоқда. Аммо 1940-йилнинг ноябрида док-

тор Остин Робертснинг Аудехорн билан Калицдорн оралиғидаги йўл бўйида акация дарахти устидаги қулочетмас инида қанотларини ёйиб, учта полапонини куёш нурларидан пана қилиб турган оқ лайлакни кўрдим деган хабари қушлар дунёсидаги жуда катта шов-шувларни туғдирган кашфиёт бўлган эди. Ўзи бераётган маълумотлар нақадар ғаройиб эканини ҳатто тасаввурига ҳам сиғдирилмаган бир фермер унинг фермасида бир жуфт лайлак етти йилдан бери сурункасига ин қуриб келаётганини айтишди. Қиш кирганда улар учиб кетмас эканлар, аксинча, эски жойларида қолишаверар эканлар. Бу — оқ лайлакларнинг Жанубий Африкада ҳам бола очишидан далолат берувчи биринчи ахборот эди. Лекин «Жанубий Африка қушлари» деган китобнинг муаллифи Робертс бунга эътибор бермагунча, бояги хабар ҳеч кимнинг диққатини жалб қилгани ҳам йўқ. Кейин Африканинг яна бир масканида бошқа бир жуфт лайлак ин қўйди. Бу қушлар нима сабабдан кўчиб ўтишнинг қадимги қонунларини бузганини ва ўзларининг ирсий инстинктларини рад этганларини ҳеч ким изоҳлаб беролмайди.

Қушларнинг кўчишларида биз учун ҳали жумбоқли масалалар жуда кўп. Қиш кириб келиши билан учар қушлар емишдан маҳрум бўлишади ва шунинг учун учиб кетишади дейишганда, бу гап анча тўғрига ўхшаб кўринади. Бироқ масаланинг моҳиятига чуқурроқ назар ташланса, аён бўладики, қушлар уларнинг озуқалари тамом бўлишидан анча аввал учиб кетишар экан. Бу вақтда жанубда об-ҳаво иликроқ бўлади, аммо тухумдан янги чиққан полапонлар буни қайси тўрдан билиша қоларкин? Ҳарҳолда, ҳар нима деганингизда ҳам қушларнинг оммавий учиб кетишлари совуқ тушишидан анча олдин рўй беради. Қушларнинг сон-саноксиз авлод-аждодлари кўп асрлар мобайнида бирон марта ҳам ҳақиқий қаҳратон совуқнинг кучини ўзларида синаб кўришмаган бўлса, нима учун учар қушлар совуқдан бунча кўрқинишади?

Баъзи бир олимлар қушларнинг кўчиш сабабларини урчиш инстинкти билан изоҳлашга ҳаракат қилишади. Бундай олимлар алоҳида назария ҳам ишлаб чиқишган. Аммо уларнинг муҳолифлари кўчишда жинсий жиҳатдан балоғатга етмаган ва ҳатто бичилган қушларнинг ҳам кўчишларда иштирок этишларини исбот қилиб беришди. Бу, албатта, назарияни рад этиш учун етарли асос бўла олмайди, аммо масаланинг ечими ҳали ҳам топилгани йўқ.

Кўчадиган қушни қафасга солиб қўйиб кузатинг — кўчиш вақти яқинлашгани сари сиз унинг кўпроқ асабийлаша бошлаганини кўрасиз. Қафасни деразасиз уйга ўрнатиб қўйиб, қушнинг ҳаммавақт қайси томонга талпинишини кузатинг. Шунда унинг қушлар учиб кетадиган томонга талпинаётганини кўрасиз. Албатта, учар қушларни тугқунликда очиритиш мумкин, лекин барибир, фурсати етиб келганда, унинг йўлга отланишга бўлган иштиёқини йўққа чиқара олмайсиз.

Жанубий африкалик орнитолог доктор Г.Я.Брукхюзен қушларнинг кўчиш сирларини аниқлашда ҳарҳолда баъзи бир силжишлар сезилиб қолди деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, қушларни кўчишга рағбатлантирадиган асосий сабаб ҳамма нарсадан аввал — қушлар физиологиясидаги ўзгаришдир, иқлим шароитлари эса тобе роль ўйнайди. Бу нуфузли мутахассис қушларда магнетизм туйғуси ҳам бўлиши мумкин деб ҳисоблайди.

Олимлар тобора кўпроқ бир хулосага келаётган кўринади — бу хулосага кўра, қушларда алоҳида ҳис қилиш органлари бор. Улар тўғрисида одамлар ҳали ҳеч нарса билишмайди. Машҳур немис психологи доктор Давид Кац шундай деган эди: «Қушларнинг кўчишлари тўғрисидаги кўпгина назарияларни қушларда бизга маълум бўлмаган аллақандай омиллар бор деб ҳисоблаган тақдирдагина қабул қилиш мумкин».

Кэмбриж университетининг зоологи доктор Г.В.Т.Метьюзнинг фикрига кўра, кўп асрлар мобайнида одамлар қилиб келганидек, қушлар ҳам мўлжални куёшга қараб олишади. Шу нарса исбот қилинганки, одамлар ҳам, қушлар ҳам вақтни ҳис қилиш қобилиятига эга, ҳис қилганда ҳам худди хронометр каби жуда аниқ ҳис қилишади. Ўз ватанларида куёшнинг қандай йўналишида ҳаракат қилишини қушлар билади ва улар учиб ўтаётган йўлларда ҳар хил вақтда куёш қандай ҳолатда бўлишини ҳам яхши билишади. Қуш парвоз қилиш олдида онгли равишдами ёхуд онгсизми худди денгизчи секстантга

қараб ўзининг қаерда эканини аниқлаб олганидек, ўз ҳолатини белгилаб олади. Кун ботиши чоғида парвоз йўналишини белгилаб олган денгиз қуши кечаси учганида ҳам мўлжални юлдузлар ва ойна қараб олиб, йўлдан адашмайди. Ёки у сув сатҳида тонг отгунча дамани олади.

Мен бу тахминни бажону дил қабул қиламан. Чунки бир қатор аниқланган фактларга мос келади ва унда «инстинкт» деган сўзнинг кўмагига мурожат қилинмайди. «Инстинкт» деган сўз ҳеч нарсани тушунтириб беришга қодир эмас, шунинг учун у кишининг гапини келтиради, холос. Фактлар шундан далolat берадики, қуёш бўлмаса теварак-атрофда қалин туман ёхуд қуюқ булут бўлса, қушлар йўлдан адашиб кетишлари мумкин. Қушлар ҳатто океан бағрига сингиб, ғойиб бўлиб кетган бирор оролга қараб учсалар-да, ҳозир бориб қўнадиган манзилларининг қай томонида — ғарбидами, шарқидами эканликларини аниқ билишлари ҳам мумкин. Мен юқорида Тристан-да — Кунья оролини тила олган эдим. Вулқон отилиши натижасида ҳосил бўлган бу орол конуссимон шаклда бўлиб, баландлиги етти минг футдан ортиқдир. Эҳтимол, океан сатҳида қуруқликнинг яқинлигидан гувоҳлик берувчи қандайдир нишонлар бордир ва қушлар ўзларининг ўтқир кўзлари билан уларни топиб олишар. Шунинг учун ҳам сўлоқмондек бўрон қуши туғишган оролга қайтиш чоғида уни қидириб топиш учун беҳуда вақт сарфлаб ўтирмайди. Кўчиш сўнгида қушларни илиқ шароит ва мўл-кўл озуқа кутиб туради, лекин бу саёҳат анча-мунча хатарлидир. Йўлда қўшгина қушлар нобуд бўлишади. Ахир, уларнинг ихтиёрида метеорологик хизматлари йўқки, Саҳрои Кабирдаги қум бўронларидан огоҳ қилиб турса. Оврўпадаги бир қор бўрони вақтида жуда кўп қушлар нобуд бўлди, ҳар миля масофага беш мингтадан қушнинг мурдаси тўғри келди. Буни бир қўлнинг соҳилида ҳисоб-китоб қилишган эдилар. Бу соҳилга сув ҳалок бўлган қушларнинг мурдаларини оқизиб келган эди. Совуқ ҳавода қалдирғочлар юз минглаб нобуд бўлади.

Қўшгина синчков кузатувчиларнинг гувоҳлик беришларича, Оврўпадан учадиган қушлар орқа-олдиларига қарамай, жанубга интилавермайдилар. Фурсати келганда улар ҳам юқорида айтиб ўтганимиз қафасдаги қушлар каби безовта бўла бошлайдилар. Аммо жўнаб кетишга улар шопмасдан тайёргарлик қўришади, аввал обдон гала-гала бўлиб олишади. Қуёш осмоннинг жанубий қисмига ўтиши биланоқ, қушлар ҳам жанубга йўл олишади.

Жанубий ярим шарикда ёз охирида билан қушлар Оврўпага қайтиб учиб кета бошлайди. Кузатувлар шунини кўрсатдики, бу қайтишлар шопилинч суратда амалга оширилади. Шимолий ярим шарда баъзи ўсимликлар баҳорда витаминларга жуда бой бўлади, қушлар ўзларида етишмай қолган айрим витаминлар ўрнини имкони борича тезроқ тўлдирмоққа ошиқадилар деган фарзлар ҳам айтилган. Таҳлиллар бу фарзнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Африка соҳилида март бошланади ва улуғ жанубий океандаги бўронли оролларда қишлаган денгиз қушлари қитъага йўл олади. Бўрон қушлари ва чорлоқлар, улуғвор альбатрослар ва қора қушлар — буларнинг бари кам қуёшли, сертуманли ватанларни излаб топмоқ учун ўзларининг жамики сайёҳлик маҳоратларини ишга солишларига тўғри келади. Бу денгиз сайёҳлари Жанубий Африкага яқинлашиб келаётганида қалдирғочлар шимолга учиб кетишга тайёр бўлишади. Яна ўша қадимий сирли ҳаракат бошланади — аллақандай ақл бовар қилмайдиган қадимий қудрат яна миллионлаб қушларни олис ўлкаларга отланишга мажбур қилади. Инсоният эса ҳамон бу сирнинг тагига етолмай ҳайрон.

### *Ун учинчи боб*

## **САҲРО ҲУКМДОРЛАРИ**

Жануби-Ғарбий Африка — бушменлар паноҳ топган сўнги маскандир. Бушменлар унча катта бўлмаган бир халқ бўлиб, бир замонлар бутун Африка қитъаси бўйлаб кўчиб юришган. Энди эса уларнинг омон қолишга илинжлари, эҳтимолки, фақат Ғарбий Африкада сақланиб қолгандир.

Яқин-яқинларгача олимлар бушменларни қирилиб кетишга маҳкум деб

ҳисоблаб келишган. Калахари саҳроси билан Кап вилояти туташган ҳудудларда бушменларнинг комани ва ауни деган қабилалари яшайди. Улар бор-йўғи бир нечта одам қолган, шундоқ бўлгач, уларнинг тақдири нима бўлиши аниқ. Бечуаналенд деган протекторатнинг жуда катта ҳудудларида мингтадан камроқ бушменлар қолган. Анголада — уч мингта. Бу рақам жуда салмоқлидай кўринади, лекин аслида ундай эмас. Негаки, одамлар ҳамжамияти ҳар томондан бошқалардан ажралиб қолган бўлса, жуда тез қирилиб кетади ёки кўшни халқлар таркибига сингишиб кетиб, ўзининг қиёфасини йўқотади. Кўп йиллар мобайнида Жануби-Гарбий Африкадаги бушменларнинг сони беш мингта деб белгилаб келинган. Бу рақам ҳам одамни қониқтирадиган рақам эмас. Иттифоқо, сўнги аҳоли рўйхати бу ерда бушменлар анча кўп эканини — ўн мингдан ўн икки минггача етишини кўрсатди. Агар бу қадимги овчи халққа эркинлик берилса, улар яна қайтадан куч-қудрат касб этишлари мумкин ва уларнинг сони яна кўпайиши мумкин.

Бушменлар мен учун ҳаммиша кўҳна Африканинг энг мафтункор, энг романтик халқи бўлиб келган. Мен аминманки, бу халқ билан мулоқотда бўлиш насиб этган ҳар бир одам менинг бу фикримга кўпилади. Фақат тез-тез чорваси йўқолиб турадиган фермерларгина ёки бошлари устидан физиллаб учиб ўтадиган заҳарли камон ўқлари билан яқиндан таниш бўлган полициячиларгина менинг бу саҳро ҳукмдорларига бўлган муҳаббатимни баҳам кўрмасликлари мумкин.

Бундан эллик йиллар муқаддам ҳали Жанубий Африка Иттифоқи Жануби-Гарбий Африка устидан ўз ҳукмронлигини юритиб турган кезларда бушменлар қўлидан чиндан ҳам битта судья, бир нечта полициячи ва бир қатор африкаликлар нобуд бўлган эди. (Мен бир полиция сержантини учратганман. У заҳарли камон ўқи кўлига тегиб, ярадор бўлган эди. Бир овчи бушмен ўқ тегиши биланоқ, унинг қўлидаги заҳарни сўриб ташлаб, бу сержантни ўлимдан сақлаб қолган экан.) Бушменлар билан гереро ёхуд овамбо ўртасидаги тўқнашувлар ҳозиргача ҳам давом этиб келади. Бу тўқнашувларда иккала томон ҳам талофат кўриб туради. Бироқ шундоқ бўлса ҳам, бушменлар яхлит олганда жамоат тартибига жиддий хавф туғдириб турган, деган гапни айтиб бўлмайди. Қонундан ташқари деб эълон қилинган бушменларни қўлга олиш учун ўтказилган овлар ҳали одамларнинг эсида турипти. Уларни худди ёввойи ҳайвонлардек таъқиб қилишган ва ўлдиришган. Ҳозирга келиб, кўпгина бушменлар оқ танли одамни кўриши билан ваҳимага тушиб, қўрқшини бас қилган. Баъзи бир мансабдорлар ва фермерлар, ниҳоят, уларнинг ишончини ҳам қозонишга муваффақ бўлишган. Бушменлар ер юзидаги энг пакана одамлар сирасига киради. Лекин улар ўта даражада пакана эмас. Бушменларнинг тавда тузилиши ғоятда мутаносиб ва улар анча бақувват одамлар. Уларнинг қўл ва оёқлари ҳам келишган, хушбичим. Бош чаноқларини ўлчаб кўришганда маълум бўлдики, улар дунёдаги мияси энг кам ҳажмли одамлар тоифасига мансуб экан. Ана шу асосда уларни инсоният зинапоясининг энг пастки поғонасига жойлаштиришган. Бироқ олимлар ўртасида бошқа бир фикр тобора кўпроқ қарор топмоқда — охир-пировардида, бушменлар унчалик анойи халқ эмас. Улар ҳар қанча ибтидоий бўлмасин, уларнинг турмуш тарзидаги ҳамма жиҳатларни ҳам фақат ибтидоий заруратлар орқасида пайдо бўлган деб айтиб бўлмайди. Агар бушменга фермада ишлаш имконияти туғдириб берилса, у, барибир, ўзи ўсиб-улғайган жойларда қолишни афзал кўради. У ерда бушмен ўзини бахтлироқ ҳис этади ва бунда қадимий бир соғлом маъно бор. Бушменлар миясининг ҳажми уларнинг бўйига мутаносибдир. Ана шу кичкинагина мияда жуда кўп билимлар жойлашган ва олимлар эндиликда уларга тобора кўпроқ ҳурмат билан қарамоқдалар.

Табиатни билишда Африкада ҳеч ким бушменнинг олдига туша олмайди. Бушменлар ҳаммадан ўткир овчи, рассом, илонлар, ҳашоратлар ва ўсимликлар билимдони, жуда бой оғзаки ижоднинг меросхўрларидир. Бугун Африка қиғъасида уларга етказиб рақсга тушадиган ёки ривоятлар айтадиган одам йўқ. Уларнинг тақлид қилиш қобилиятларига ҳам қойил қолмасдан илож йўқ. Кунг деган қабилага мансуб бир қариядан: «Неча ёшга кирдингиз?» деб сўраб қолишпти. Ярим бушмен, ярим готтентот бўлмиш тилмоч унинг жавобини бун-



дай таржима қилипти: «Мен қалбимда барқ урган ҳамма гўзал тилакларимдек навқиронман ва умримда вожиб бўлмай қолган ҳамма орзуларимдек кексаман».

Бушменларнинг мақол ва маталлари бизни бу одамларнинг кичкина мияси жуда кучли хаёлот қудратига эга эканига ишонтиради. «Ўз ақлинг ва ўз абжирлигинг билан топган таомингина тотлидир», деган бир мақоли бор уларнинг. Ёки бўлмаса, куйидаги мақолнинг бадиий қувватини ҳеч ким рад этолмайди: «Янгиликлар шабадага ўхшайди. Улар тоғлар ва водийлар орқали учиб ўтади ва улар билан бирга гулларнинг муаттар бўйи ҳам, нохуш ҳидлари ҳам келади».

Жануби-Гарбий Африкада бушменлар, асосан, Окаванго дарёсидан жанубдаги ҳудудда жойлашишган. Бу жойларда яхши яйловлар ва оқар сувлар йўқ. Фермерлар бу қурғоқ ҳудудларга унча хушлари йўқ, шунинг учун бу ерда бушменларни ҳеч ким безовга қилмайди. «Бушменлар ҳомийси» сифатида донг қозонган этнограф П. Шуманнинг менга маълум қилишича, унинг ҳисоб-китобларига қараганда бу ҳудудда кунг қабиласига мансуб бушменлардан саккиз минг киши истиқомат қилади. Афтидан, бу — ҳақиқатга тўғри келади, шекилли.

Ҳозирги пайтда бушменларнинг кунг қабиласи бу халқнинг қонларини энг тоза сақлаб қолган вакиллари бўлсалар ажаб эмас. Уларнинг терисидан сарғишликка мойиллик бор, бўйлари эса жуда паст. (Юқорида мен зикр этиб ўтган Агола бушменлари билан кунг бушменлари бир-бирларига ўхшаб кетишади, улар айнан битта тилда гапиришади. Лекин улар ўзларини ўрмон одамлари деб аташади ва қай бир даражада банту одамлари билан чатишиб кетишган.) Кунг бушменлари яшайдиган ҳудуддан жануб томонда — Гобабис районида Калахари саҳроси билан туташ жойда анчагина миқдорни ташкил қилувчи нарон бушменлари истиқомат қилади. Улар туяқуш тухумининг пўчоғидан ясалган мунчоқлардан маросим либосларини тикишдаги маҳоратлари билан донг қозонганлар. Ўзларининг ташқи қиёфалари билан ва расм-русумларига кўра нарон бушменлари кунг бушменларидан жуда кам фарқ қиладилар.

Аммо шимол томонида бўйлари баланд бушменлар ҳам учраб туради. Улар на ташқи қиёфаларига кўра, на бошқа жиҳатларидан ҳақиқий бушменларга ўхшамайди. Улар — хейкумлар. Этош районида келадиган одамлар уларни тез-тез учратиб туришади. Доктор Шуман бу ердаги аҳолини деярли ялпи рўйхатдан ўтказди ва бу ерда хейкумлардан 1200 та эркаклар, аёллар, болалар бор эканини аниқлади. Шуман уларни бушменлар тоифасига киритар экан, бунга уларнинг бушменлар билан турмуш тарзи бир хил эканини асос қилиб кўрсатди. Афтидан, хейкумларнинг авлод-аждодлари бир замонлар бушменларнинг қай бир қабиласини босиб олган-у, кейин ўзлари улар билан қоришиб кетишган ва ўзларининг кўпгина урф-одатларини йўқотиб қўйишган. Ғолиблар тилининг шеваларидан бири — нама уларнинг она тиллари бўлиб қолди. Бушменлар тилларининг катта билимдони мархума Доротея Бликнинг аниқлаганига қараганда, баъзи бир олис районларда хейкумлар ҳозирга қадар ўз авлод-аждодларининг тилида гаплашишда давом этар эканлар. Бу бушменларнинг тили кунг тилига яқин экан. Бу кашфиёт Жануби-Гарбий Африкада якка-ю ёлғиз бўлган бўйдор бушменлар қабиласининг келиб чиқишини ўрганишда жуда катта роль ўйнади.

Анатомия билан шуғулланувчи олим Раймонд Дарт шунини аниқлаганки, бушменлар қоматларини бир оз эгиб туришса, уларнинг умуртқаларида ва оёқларида жанубий Оврупада йигирма беш минг йил аввал яшаб ўтган неандертал одамларнинг скелети ўртасида ўхшашлик мавжуд. Бушменлар қадимги олис замонларда яшаган ибтидоий одамларнинг бутунги тирик нусхаларидир. Аммо бушменларнинг осиеликларникига монанд қовоқларига эътибор қаратилса, бу халқнинг келиб чиқиш муаммосини ҳал қилиш анча мураккаблашиб қолади. Кўзни қамаштирувчи қуёш нурлари кўп йиллар мобайнида уларнинг кўзларини қисик қилиб қўйган ва мижжаларида ғаройиб ажинлар ҳосил қилган.

Ҳақиқий бушменларнинг сочлари жуда ҳам жингалак бўлиб, тутам-тутам бўлиб ўсади. Баданларида деярлик жунлари бўлмайди, лекин айрим эркак-

ларда кўсаларники сингари сийрак соқол-мўйлов бўлади. Бушменнинг ёқимтой башараси ҳатто ёши қайтиб қолганида ҳам худди болаларниқига ўхшаган бўлади. Баданининг ранги сариқдан тортиб шоколад рангигача бўлади. Ҳали унча кўп бўлгани йўқ — доктор Шуман Каприви Ципфельнинг гарбий қисмида олимларга мутлақо номаълум бўлган бушменлар қабиласини кашф этди. Булар жуссаси кичкина, қора танли, сочлари узун, ўз тилларида сўзловчи бушменлар эди.

Ўтган асрнинг охирида бушменлар билан шуғулланган немис олими доктор Зигфрид Пассарг бир кекса бушменни учратиб қолипти. У бабуинлар (маймунларнинг бир тури) тилини билишини айтипти. Ўз-ўзидан аёнки, бушменлар тили билан бабуинлар тили ўртасида ҳеч қанақа муштараклик йўқ. Ҳарҳолда, бабуинлар тили ибтидоий тил ва уни ҳеч қайси тил гуруҳига киритишнинг иложи йўқ. Бушменлар тилини ўрганмоқчи бўлган оврўпаликлар уларнинг тилидаги айрим товушларни талаффуз этолмайдилар. Буни бармоқ билан санарли одамларгина урдалаган.

Қачонлардир бушмен қабилалари Жануби-Гарбий Африкадаги Намиб саҳросининг бутун соҳили бўйлаб Купене дарёсининг қирғоқларидан Оранж дарёсига қадар тарқалиб кетган эди. Жанубда бушменлар бутунлай қирилиб кетган бўлсалар керак. Аммо 1931 йилда Жануби-Гарбий Африка полициясининг сержанти И.В.Ван Зил Аурус тоғларида Людерицдан жануброқда олмос қазиб олиш ман қилинган районда бушменлар яшайдиган қишлоққа дуч келган. Ана шу олис районда харитада белгиланмаган қудуқ ёнида ўн еттига эркак, аёл, болалар истиқомат қилар экан. Уларнинг емишлари паррандалар, туяқушларнинг тухумлари, асал ва ҳар хил илдизлар экан. Бу бушменлар бутун умрлари мобайнида шу ерда яшаб ўтган эканлар ва оврўпаликлардан ҳеч ким улардан хабардор бўлган эмас экан.

Шунинг учун ҳам соҳида яшайдиган ҳамма бушменлар йўқ бўлиб кетди деган гапни айтиб бўлмайди. Табиий шароитлардаги бушменлар энг бақувват одамлар, улар билан ҳакамларнинг рўпара келишлари ғоят амри маҳол. Гарчи бушменнинг ёшини аниқ белгилаш анча қийин иш бўлса-да, комил ишонч билан айтиш мумкинки, бушменлар ичида юзга кирганлари салмоқли фоизни ташкил қилади. Ҳолбуки, саҳро аҳли доимий равишда турли-туман хавф-хатарларга дуч келиб яшайди. Мен бир бушменни танир эдим. У юздан ошиб кетган эди. Лекин ҳали тишлари бутун эди. Африкалик бушменларнинг қувватлари асло уларнинг бўйига мос келмайди. Гобапис районда фермада ишлайдиган бир ёш бушмен от минишни ўрганиб олипти-да, бир куни отда бейза кийигининг кетидан таъқиб қила бошлапти. Кийикка етиб олгандан кейин у шамолдек елиб кетаётган от устидан сакраб тушиб, ҳўкиз терисидан ясалган арқон билан кийикни бўға бошлапти.

Бушмен аёллари жуда осонлик билан кўз ёришади. Масалан, бутун қишлоқ кўч-кўрони билан бошқа жойга кўчиб кетаётганда йўлда аёлни дард тутиб қолса, у ширтинг-ширтинг қилиб ўтирмай, ҳеч кимга билдирмаган ҳолда ғойиб бўлиб қолади-да, икки соатлар ўтгандан сўнг, қўлида чақалоғи билан қабиладошларининг орқасидан етиб олишга ошиқади. Навбатдаги болани туғиш фурсати келмагунча, чақалоқни кўкрақдан айирмайдилар, ҳолбуки, бу фурсат уч ёки тўрт йилдан кейин келиши мумкин. Бушменларга гўшг, мевачева ва илдизлар етишмайди, сигир ёки эчкиларни эса улар боқинмайди.

Бушменлар ҳатто жиддий жароҳатларга ҳам эътибор беришмайди. Полиция билан тўқнашувдан кейин бир гуруҳ ярадор бушменларни Гротфонтейнга олиб боришган. Бир ёш бушмен тўқнашув пайтида қўлидан ажралипти. Аммо у камоннинг ёйини тишлаб тортиб, ўқ узишдан тўхтамапти. Полициячилар уни кўп қон йўқотиб, талвасага тушиб ўлади, деб ўйлашпти. Бироқ, бушмен соғайиб кетипти. Жарроҳ ўқ теккан жойларини тозалаб, дорилар кўяр экан, ярадор бушменлар кулишиб, гурунглашиб ўтираверар эканлар.

Жануби Гарбий Африкада етти йил судья бўлиб ишлаган Сесиль ва дер Спуй куйидаги воқеани ёзиб кетган экан. Бир бушменни тўққиз тонналик арава босиб қолипти. Унинг боши ғилдиракнинг остида қолипти, у эса кейинчалик фақат боши огриётганидан зорланиб юраверипти. Бир куни менга рўпара келган бушменнинг пастки жағига ва танглайига кийик шохлари

билан шикаст етказган экан. У ҳеч қанақа ноқулайликни ҳис этмай юраве-рипти. Фақат гаплашаётган вақтида жағидаги тешикка латта тикиб қўяр экан, бўлмаса, тез гапирга олмас экан. Профессор Э.Г.Л. Шварц оёғидан пўлат қоп-қонга илиниб қолган бола ҳақидаги мудҳиш воқеани гапириб берган эди. Қоп-қоннинг жағларини очаолмагандан кейин бола ўзининг оёғини кесиб таш-лапти ва шу йўл билан тузоқдан қутулипти. Бола шундай қилмаса, қоплонга ем бўлишини биларди.

Олис районларда истиқомат қиладиган бушменлар (кунлар ва бошқалар), афтидан, оврўпаликлар ўртасида тарқаган ялпи касалликлардан бутунлай ҳоли кўринади. 1918 йилда дунёда эпидемия тарзида кенг тарқалган испанка деган хасталик уларга деярли қор қилгани йўқ. Бушменларнинг энг кўрқинчли душ-мани — безгак. Кейинги йилларда баъзи бир бушменларни қора чечакка қар-ши эмланишга зўрға кўндирганлар. Албатта, бушменларнинг ўзларининг ши-фобахш доривор ўсимликлари бор. Сайёҳ Чапмен бушменларнинг дорисидан фойдаланиб, неча марта лаб бош оғригидан халос бўлган экан. Бу дори алла-қандай илдириб бўлиб, уни оловда қиздириб, пешонага қўяр эканлар.

Шуман кунг бушменлари ўртасида болалар ўлими жуда юқори эканини қайд қилган. Жуда кенг ҳудудда у ота-оналари бешта болани ўстириб катта қила олган учтагина оилани учратган, холос. Аммо икки-уч болалик оилалар анчагина эди. Омон қолган болалар кейинчалик камдан-кам ҳолларда касалга чалинадилар ва очликка жуда чидамли бўладилар.

Бушменларда гўшт мўл-кўл бўлганида уларнинг иштаҳаси карнай бўлиб кетади. Бир ўтиришда бушмен оғирлиги ўтгиз фунг келадиган қўйни думба-пумбаси билан паққос еб тутата олади. Рост — унинг бундай тамаддисси биз-нинг зиёфатларимиздан узоқроқ давом этиши мумкин. Агар бушменлар бун-дай қобилиятга эга бўлмаганларида, улар ҳамиша очликдан нобуд бўлиб ке-тиши хавфи остида яшашга мажбур бўлишарди, чунки уларнинг овда отиб оладиган ўлжалари жуда тез айнаб қоларди, кийиклар эса уларни қачон ўзла-рига яқин йўлатишлари маълум эмас, албатта. Ана шу тўқчилик билан очлик алмашиб турадиган ҳаётда бушменларга табиат ёрдамга келади. Ёши катта буш-менларнинг ошқозони овқат мўл пайтларда гармондай чўзилиш хусусиятига эга. Бушмен аёлларининг думбалари ва сонлари гавдаларига номуганосиб тарз-да катта бўлади — бу ҳодисани врачлар, олимлар стеатопития деган ном билан атайдилар. Ҳамма турдаги емишлар орасида бушменлар фақат гўштнигина чинакамига яхши кўришади. Аммо гўшт ейиш уларга ҳаммавақт ҳам насиб бўлавермайди, унинг ўрнига бушменлар кўпинча чигирткаларга, «бушменлар гуручига» (йирик чумолиларнинг бир тури), илонлар ва бақаларга қаноат қилишга мажбур бўлишади. Бушменлар яшайдиган саҳроларда биронта ҳам халқ ҳаёт кечира олмасди. Ҳатто оналари орқалаб юрадиган гўдаклар ҳам сувни бамисоли туядек ичолади. Улар ҳам бир қудуқдан иккинчисига қадар оралиқ-даги масофа катта эканини билишади.

Жануби-Гарбий Африкада бутун Африка қитъасидаги энг гўзал ва энг қадим-ий бушменлар суратлари сақланиб қолган. Улар Испания гўрларининг де-ворларидан топилган муз даврига мансуб суратларга жуда-жуда ўхшаб кетади. Бу реалистик асарларнинг муаллифлари рангларга унчалик эътибор бермаган-лар, улар, асосан, асарлар композициясига катта эътибор берганлар. Фақат яқиндагина виндхуклик доктор Эрнет Шерцнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бушменларнинг қояга ишланган суратлари ва бошқа расмлари жаҳон жамоат-чилигининг диққат-эътиборига ҳавола қилинди. Доктор Шерц ва унинг ра-фикаси Жануби-Гарбий Африканинг турли жойларидан топилган бушмен санъ-атининг олти юзта асарини суратга олиб, тавсифлаб беришган. Бундан ташқар-и улар кўпгина олимлар, рассомлар ва ҳаваскорларга бушменлар яшаган гўрлар ва бошқа масканларни кўрсатишган. Бу жойларда шу халқ санъатининг энг диққатга сазовор намуналари сақланиб қолган экан.

Қояларга ишланган бу дурдона асарларни топмоқ учун жуда кўп вақт ке-рак бўлди, негаки, уларнинг энг қимматлилари ва салмоқлилари жуда олис районларда жойлашган. Бу ерларга авваллари келиб кетган сайёҳлар ва овчи-лар ё бу санъат асарларини пайқаманлар ёки уларга, умуман, ҳеч қанақа аҳамият беришмаган. Менимча, Жануби-Гарбий Африка бушменларининг тас-

вирий санъати ҳақидаги биринчи маълумотни 1870 йилда савдогар (миссионер эмас) доктор Теофил Хан берган эди. У рангли расмлар намуналарини тошган экан. Хойчаб дарёсидаги қоя тошларга ишланган бу расмлар қора, қизил, сариқ ва оқ бўёқлар ёрдамида ишланган. Энг муҳими шундаки, докторга ҳамон расмлар чизиш билан шуғулланаётган бир кекса бушмен ҳам рўпара келган экан.

Шундай одамлар ҳам борки, улар мўъжазгина бушменларни ибтидоий санъатнинг ана шу намуналарига муаллиф бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш пайига тушиб қолган. Ҳозирги пайтда бушменлар тасвирий санъат билан шуғулланмайдилар ва ота-боболаридан қолган расмлар ҳақида бирон тайинли гап айта олмайдилар ва ҳатто лом-мим деб оғиз ҳам очолмайдилар. Шу асосда айтилган тахминларга кўра қоядаги суратлар биронта бошқа халқларнинг ижод намуналаридир. Аммо бушменларнинг яқин-яқинларда ҳам рассомлик билан шуғулланганларидан далолат берувчи етарли далиллар бор. Бу қадимги овчилар ҳаётининг катта билимдони бўлмиш профессор Солас берган маълумотга кўра, фермерлар билан бушменлар ўртасидаги тўқнашувдан кейин ўлдирилган бушменлардан бирининг ёнидан чарм белбоғ топиб олишган. Унга майдароқ шохлардан ўн иккитаси бириктириб қўйилган экан. Бу шохларнинг ичида эса суюқ бўёқлар бор экан.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида маҳаллий қабилалар билан Олмония ҳукумати номидан ҳар хил битимлар имзоланган пастор К.Г.Бютнер машҳур амеиб суратларини топди. Амеиб — Карибидан шимол томондаги Эронго тоғларининг этакларида жойлашган ферманинг номи. У ердаги горлардан бирида (бу гор ҳозир ўша ферма эгасининг номи билан «Филипе гори» деб юритилади) миссионер Бютнер ҳайвонларнинг ҳайрон қоларли даражада ажойиб суратларига рўпара келади. Яқинда уларни француз археологи аббат Брейль тадқиқ қилди. У бу суратларнинг умрида кўрган ҳамма суратлар ичида энг ёрқинлари деб атади. Гор деворидаги филнинг сурати, Брейлнинг айтишича, бундан беш минг йил муқаддам ишланган. Ўша пайтлардан бери бу ерларнинг табиий шароити анча ўзгарган. Ҳозир Намиб саҳроси ястаниб ётган жойларда авваллари серсув дарёлар оқиб ўтган, шунинг учун суратлардан бирида тимсоҳ тасвирланган. Бу улкан горда яна одамларнинг — эркак билан аёлнинг суратлари ҳам топилган. Бу сирли рамзий тасвир жумбоқлигича қолиб келмоқда. Уни ечиш унчалик осон эмас. Жануби-Гарбий Африканинг баъзи суратларини ўрганишда иккинчи «розет тоши»га эҳтиёж сезилади. Маълумки, шу тошнинг ёрдамида ўз вақтида Миср иероглифларининг калити топилган эди. Ҳозирча эса замонавий тадқиқотчиларнинг ҳамма назариялари шунчаки тахмин ва тусмоллардан нари ўтаётгани йўқ. Баъзан эса бу тахминлар ўта даражада бемаъни кўринади.

Эронго районида булардан бошқа ҳам жуда ажойиб тасвирий санъат асарлари топилган. Отыямапауэ фермасидан беш миля нарида Этемба горининг гранит деворида жирафа, бир неча овчи ва турли хил мифологик сиймоларнинг сурати чекилган. Соҳилга яқинроқ жойда соя-салқин текислик устида Катта ва Кичик Шпицкоп тоғларининг чўққилари савлат тўкиб туради. Катта Шпицкоп тоғидаги Каркидон горида жуда ажойиб қизил каркидон, овчилар ва яна бир қанча сирли махлуқларнинг сурати чекилган. Бу махлуқларнинг боши ва гавдаси одамники, оёқлари эса ҳайвонники. Унча узоқ бўлмаган масофада тик қоялар орасида Гори Беҳишг жойлашган. Бир неча ўн йиллар муқаддам олмон ҳукмронлиги замонида бир неча овчи санқиб юриб, бушменлар санъатининг хазинасига кириб қолишади. Овчилар эрмак учун бир неча жониворнинг суратига қараб ўт очишади. Кейинроқ эса бу ерларга санъат масалаларига ақли етадиган одамлар келади, лекин улар ҳам бу хазинани овчилардан камроқ гурат қилишмайди. Улкан тошни бир томонга сурмоқчи бўлиб, улар суратларни анча шикастлантирадилар. Бу гордан олимларга маълум бўлган суратлар орасида қўтоснинг энг реалистик сурати топилган. Бизнинг кунларимизда Намиб саҳросида қўтослар учрамайди. Кичкина Шпицкопда Арвоҳлар горида бушменлар мифологиясидан сирли сиймоларнинг суратлари чекилган, Жирафа горида эса қизил ва оқ рангдаги жирафалар тасвири мавжуд. Булар — қадимги рассомлар ижодининг чўққиларидир.

Шпицкопдан саксон миля нарида бир тоғ бор — уни бушменлар санъатининг чинакам музейи деб аташади. Брандберг деб аталмиш бу тоғ гранит тошидан таркиб тошган. Жануб томонидан тоғнинг ёнбағри жуда тик тушган, аммо шимол томондан ва шарқ томондан бир-бирига чатишиб кетган даралар орқали тоққа кўтарилса бўлади. 1907-йилда ҳали бу мўъжизалар ўлкаси биронга ҳам харитага кириб улгурмаган эди. Уша кезларда бу ерга немис полициясининг офицери лейтенант Йохман келади, у бу ерларни суратга туширмоғи керак эди. Цисаб дараси (Қоплон дара) орқали кўтарилар экан, у бир горга дуч келади. Бу горнинг деворларида шалпангқулоқли илонлар ва бошқа афсонавий жониворлар, шунингдек, рақс тушаётган одамларнинг шакл-шамойили тасвирланган экан. Ҳозир бу гор Йохман гори деб аталади. Ҳамма жойда қадимги бушменларнинг шу ерда бўлганлари муҳрланиб қолган, лекин Йохман археолог эмас эди. У Брандбергни харитага тушириш билан чекланди, холос.

Кейин бу ерга профессионал одам келди. Рейнхард Маак биринчи жаҳон уруши вақтида асир тушиб қолади, асирликдан қочиб, саҳрога келиб қолади ва шу ерда бир неча ой мобайнида яшириниб юради. Маак тузуккина қобилиятга эга бўлган рассом эди. Бекорчиликдан у бушменлар ишлаган суратлардан кўчирмалар ола бошлайди. Жануби-Гарбий Африкада ҳарбий ҳаракатлар тўхтагандан кейин у ўзини намоён қилади ва уни озод қиладилар. Бу пайтга келиб, саҳро уни узил-кесил ўзига ром қилиб бўлган эди. У ўртоғи Альфред Гофман билан бирга Брандберг тоғини тадқиқ қилишга киришмоқчи бўлади. Улар саҳрода уч ой давомида тадқиқот ишларини ўтказдилар ва бушменларнинг бир неча қароргоҳини топишади. Бу — ўша пайтдаги кашфиётлар ичида энг салмоқлиси бўлган эди.

Брандберг тоғларида улар биронга ҳам одам зотини учратмайдилар. Дараларда фақат жануби-гарбий шамол изғиб юрар ва аллақайлардан янраган аксадогина ўлик сукунатни бузарди, холос. Лекин улар қумда инсон изларини кўришади. Сувлари тугаб қолганда бизнинг сайёҳларимиз шу изларни қоралаб юриб, қудуққа етиб боришади. Қудуқнинг оғзига қўкатлардан тўқилган бўйра солиб, унинг устидан юпқагина қилиб қум сепиб қўйилган эди. Ҳатто жониворлар ҳам ўзларининг пана жойларига кириб яшириниб олган кўринардилар. Қолбуки, одатда Брандберг атрофларида ҳамшиша зебралар, кийиклар ва туяқушлар пода-пода бўлиб ўтлаб юришарди.

Ана шундай гурбатли бир вазиятда Маак билан Гофман бир вақтлар Йохман эътибор бермаган горга қадам қўйишади. Деворларга кўндан-кўп ёрқин расмлар чекиланди. Қора одамларнинг баҳайбат қадди-қоматлари, кийимлар, қушлар, жуда бежирим тасвирланган, каркидон, гизоллар, туяқуш, сиртлон ва бошқа жониворлар. Энг ёрқин суратлардан бирида тюлен тасвирланган эди — бу гоётда ноёб сурат эди. Аммо Маак билан Гофманни ва уларнинг кетидан бошқаларни ҳам ҳар нарсадан кўра кўпроқ маҳлиё қилган нарса бир тўп жониворлар, одамлар ва арвоҳлар дунёси вакилларининг тасвири туширилган расмлар бўлди. Бу расмлар битта рассомнинг қўли билан ишланган эмас эди. Кўп асрлар мобайнида бушменлар бу гаройиб суратга турли-туман чизгиларни қўшиб борганлар. Бу суратда ҳамма кийикларга — канна кийигига ҳам, бейзага ҳам, Жануби-Гарбий Африка гизолига ҳам ўрин топилган эди. Бу расмда қўл-оёғи одамларникига ўхшаган кийиклар ҳам, башараси тимсоҳникига ўхшаган одамлар ҳам ва ҳатто ярми одам, ярми маймун бўлган махлуқ ҳам бор эди. Машшоқлар, овчилар ва ниҳоят яна бир сиймо бор эди. Бу сиймо бушменлар санъати билан шуғулланувчи одамлар ўртасида жуда қизгин баҳсларга сазовор бўлди. Маак бу суратни ва бошқа яна бир қатор расмлардан нусха кўчириб, уларни Германияга бушменлар санъатини ўрганиш бобида йирик мутахассис сифатида тан олинган Гуго Обермайерга жўнатади. Обермайер рассом Герберт Кюн билан бирга Маак жўнатган материаллар асосида «Бушменлар санъати. Жануби-Гарбий Африканинг қояларга ишланган расмлари» деган номда ҳажми каттагина китоб чиқаради. Шуниси эътиборга лойиқки, баҳсларга сабаб бўлган расмини Кюн «Кўлида ўқ-ёй ва гул тутган эркакнинг бўёқли сурати» тарзида тасвирлаган.

Орадан бир неча йил ўтгач, доктор Шерц бу суратларни фотога тушира-

ди. Генерал Сиэте уларни кўриб чиқиб, бу кашфиёт нақадар муҳим эканини тушунади ва ўша жойга аббат Брейлни жўнатади. Брейл тасвирдаги «бўёқ билан чизилган эркак» аслида оқ танли аёл эканини аниқлайди. У ўнг қўлида пиёлами ёхуд оқ гулми ушлаб турипти, чап қўлида эса ўқ-ёй билан камалак ўқлари. Унинг тасаввурига қараганда, аёлнинг гавдаси белидан оёғига қадар оқиш-пушти рангда, юзи опшоқ, чеҳрасида гоят нозик ифодалар бор. Бу чеҳра зинҳор-базинҳор африкалик аёллар чеҳрасига ўхшамайди.

Аббат ҳатто бу аёл Крит оролининг сарбози бўлиши мумкин, у Критдаги буқаларга қарши жанглarning ишгирокчисини эслатади деган фикрни ҳам айтди. Унинг тахминича, Ўртаер денгиздан чиққан кема шу атрофда — Брандбергдан етмиш миляча нарида — Кап Салби районида ҳалокатга учраган бўлиши мумкин ва ҳалокатга учраган одамлар тоғларда паноҳ топан бўлсалар ажаб эмас. Аббатнинг фикрича, бу сурат ўшалардан қолган бўлиши керак.

Қояларга ишланган суратларни талқин қилиш — мутахассисларнинг иши. Шу савол билан мен ҳозирги вақтда дунёдан кўз юмган марҳума Доротея Бликка мурожаат қилдим. У ўз даврида Жанубий Африканинг энг йирик олимларидан бири эди. Блик сира иккиланмай расмда бушмен аёли тасвирланганини, унинг юзи ва баданига пушти рангли лой чаплаганини айтди. «Брандбергнинг оқтанли хоними» тўғрисида айтиш мумкин бўлган бор-йўқ гап ана шундан иборат, холос. Аммо бу ёрларда салобатли филлар ва учқур кийиклар тасвирдан бошқа ҳам (уларнинг тасвири бошқа ёрларда ҳам етарли) кўришга арзийдиган расмлар бор. Маҳаллий маъмурлар Оқтанли Хоним горида одам киришини чеклаб қўйдилар — бу ерга тасодифий одамларнинг киришини тақиқлаб, оқилона иш қилдилар.

Шу даранинг ўзида Ёмғир дараси бор. Унинг деворида булутлардан шаррос куйиб турган қизил ёмғирнинг сурати чекилган. Эҳтимол, бу суратнинг муаллифи қон тирқираб оқаётган биронта ярадор жониворни тасвирамоқчи бўлган бўлиши ҳам мумкин. Шу ернинг ўзида Йохманнинг Скелетлар гори ҳам мавжуд. Бу гор ўлимнинг рамзий тасвирлари билан донг чиқарган. Бир расмда қўлида инсон гавдасининг қисмларини ушлаб турган одамнинг сурати чекилган. Бу расм ёнида скелетнинг тасвири бор. Яқин ўртадаги ёрларнинг яна бирида одатдаги суратларга сира ўхшамайдиган сурат бор. Унда Кокербом тасвирланган. Кокербом — дарахт экан, унинг пўстлоғидан бушменлар камон ўқлари учун садоқ ясашар эканлар. Бушменлар нима учундир ҳеч қачон манзараларни тасвирамайди, ахён-ахёндаги манзараларнинг айрим унсурларини тасвирлашади, холос. Ўсимликлар ҳам уларнинг суратларида жуда кам учрайди. Қўлмакни улар бир доира билан ифодалашлари мумкин. Табиат манзаралари масаласида уларнинг хаёлотлари фақат шунгагина етади, холос.

Даранинг бир томонида Оқтанли Хоним горининг рўпарасида бир сурат тошланган. Уни аббат Брейл «Қизлар мактаби» деб атаган. Бу суратда сочларига мунчоқ тақиб олган бушмен қизларининг саф тортиб бориши тасвирланган. Сафнинг бошида бир аёл бормоқда. У чиндан ҳам алвастига ўхшайди. Бу асар карриатурага ўхшаб кетади. Кампирнинг бурни шакл-шамойилига кўра қизларнинг бурнидан фарқ қилади. Цисаб дарасидаги (Қоплон дарадаги) расмлардан Кюн энг ажойиблари деб иккита суратни ажратиб кўрсатади. Уларда кийиклар тасвирланган. Бир кийик ёни билан турипти, унинг боши томошабин томонда ўтирилган. Бошқа кийик эса олд томондан тасвирланган. Бу суратда гоятда нозик ритм туйғуси мавжуд. Брандбергнинг бошқа даралари олимлар томонидан ҳозирча тадқиқ қилингани йўқ. Ўзининг экспедицияси давомида аббат Брейл вақтининг кўп қисмини Оқтанли Хоним горида ўтказди. Ўн кун давомида у муттасил хонимнинг пойида тунаб қолди. Унга овқатни тўғридан-тўғри горга олиб келиб беришарди. Бу районнинг бошқа жойларида ҳам, айниқса, гарб томондаги Эмис дарасида ҳам гоятда гўзал расмлар учраб туради.

Бир неча йил муқаддам доктор Шерц Брандбергдан шимол томонда юзлаб миля наридаги қоя тошларга чекилган бир қатор суратларни топди. Улардан бирида олги фулли илон тасвирланган бўлиб, унинг боши зебраникига ўхшайди. Францфонтейндан йигирма миля шимоли-гарб томонда Ауб булоқлари райо-

нида қоя тошда фил, жирафа ва каркидонларнинг расми бор. Шерц, асосан, Жануби-Гарбий Африканинг шимолида ишлаган. Баъзи бирлар шундай тахминларни айтишганки, унга кўра, жануб томонга юрган сари бушменларнинг расмлари камроқ учрайди. Менинг тахминимча эса, Оранж дарёсига ёндош тоғлардаги бушменларнинг қароргоҳлари синчиклаб текширилса, янги қимматли кашфиётларга олиб келиши мумкин. Бир полиция сержанти менга гашириб берган эди — Сэнгелинге Дрифтдан ўн беш миля шарқ томонда, Оранж дарёсининг шимолий соҳилида у бир горга рўпара келган экан. Унинг деворларига одамларнинг расмлари ишланган экан. Ҳозирга қадар бу расмларни полициячилар билан геологларгина кўрган бўлсалар, ажаб эмас. Мен бу гор тўғрисидаги маълумотларни биронта ҳам илмий асарда учратганим йўқ. Бунақа горлар ҳали кўп топилса керак.

Жуссаси кичик бушмен рассомининг қаршисида гор деворидан бошқа ҳеч нарса бўлмаган ва кўпинча унинг суратлари учун жой торлик қилган. Шунинг учун вақт-соати ўтиб, қадимги суратларнинг бўёғи ўчиб кетганида бушмен ўзининг «ҳозирги замон» расмларини тўғридан-тўғри ота-боболарининг суратлари устидан чизаверган. Аммо профессор Солласнинг фикрига кўра, улуг санъаткор ҳали ҳаёт экан ёки унинг хотираси ҳали яшаётган экан, унинг асарлари ҳам сақланиб қолган. Горда яшagan одамлар ҳатто бу даҳо асарлардаги баркамол чизгилар ва рангларнинг гўзаллигига эҳтиром билан қарашган.

Агар сиз ҳали ҳам бушменнинг ақл-заковатига гумон билан қараётган бўлсангиз, унинг заҳарларига, заҳарни кесадиган ва бошқа дориларга эътиборни қаратинг. Бу соҳада бушмен бугунга қадар ҳозирги илм-фанни ҳайрон қолдириб келмоқда. Бировни заҳарлаш бобида Борджиа унинг олдида ип эшолмайди. Кимёгарларнинг фикрига кўра, бушменлар бугун қўллаётган заҳарларини кашф қилгунарича, жуда кўп изланишлар, тажрибалар, хатоларни бошдан кечирганлар.

Бушменларнинг камон ўқларининг учига сурадиган заҳарлари аслида жуда қимматли доридир, кичкина дозаларда, ҳозирги тиббиёт уни юрак хасталикларини даволашда қўллайди. Шундай бўлиши ҳам эҳтимолки, бушменларнинг дори-дармонлари ичида бундан бошқа ҳам яна бир қатор биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган дорилари бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу халқ гойиб бўлиб кетса, унинг сирлари ҳам ўзи билан бирга кетади.

Доктор Ганс Шинц ҳам табиб, ҳам йирик биолог эди. У ўзининг бир бушмен устидан ўтказган тажрибасини ёзиб қолдирган. Бу бушмен илоннинг ҳам, чаённинг ҳам заҳаридан кўрқмайман, деган экан. Шинц ўн иккита чаённи олиб, уларни бушменнинг яланғоч гавдаси устига қўйиб юборади. Чаёнлар думларини гажак қилиб, бушменни чақа бошлайди, баъзилари ҳатто икки мартадан ҳам чақади. Бушмен ҳеч қанақа оғриқни ҳис қилмаётгандай қимир этмай ётарди. Шинц чаён чаққан жойларни синчиклаб кўздан кечириб чиқади, лекин ҳеч қаерда биронта ҳам шишни кўрмайди. Бушмен оз-оздан чаён заҳарини ичиб юганини айтади. Шунинг учун ҳам чаённинг чақиши унга таъсир қилмаган. Худди шу тарзда у ўзини илоннинг заҳридан ҳам ҳимоялаши мумкин. Шинц бушменнинг гапи рост эканини тасдиқлайди.

Сайёҳ Чапмен бушменларнинг илон заҳрита қарши аллақандай ўсимликдан фойдаланишларини эшитади. Бушменлар уни эокам деб аташар эканлар. Афсуски, унинг қанақа ўсимлик эканини аниқлаш унга насиб этмаган экан. Аввал илон чаққан жой жиндай тилинади. Кейин табиб эокамнинг илдизини обдон чайнаб майдалайди ва ҳосил бўлган нарсани оғзида сақлаган ҳолда ярадан қонни сўради. Бу иш туғаниши билан беморга эокамнинг уруларини едиришадди. У қустирар экан. «Бўйнига шу илдиздан жиндайини осиб юрадиган бушменлар илонлар устидан бемалол кулаверади», деб ёзади Чапмен.

Ўқ учига сурилган илон ёғи галати нарса. Бу заҳар бировнинг қонига сингса, унинг омон қолиши жуда ҳам мушкул. Бушменларнинг ҳар қайси қабиласи ўз жойларида нималарни топа олишига қараб, ўзларининг заҳарли аралашмаларига эга. Африкадаги кўзойнакли илонларнинг заҳари ҳаддан ташқари кучли. Аммо еркаклар ўргимчакнинг заҳари ҳам ўткирлиги жиҳатидан илонникидан қолишмайди. Кунг бушменлари бу ўргимчакнинг қўғирчоғидан шунақа заҳар тайёрлашни билишадикки, шу заҳар суртилган камон ўқи теккан

шер тишлари билан ерни кемира бошлайди ва томирлари тортишиб, даҳшатли азобларда жон беради. Форларнинг деворларида қандайдир қора нарса топилган, унинг таркибида мишьяк бўлиши мумкин. Одатда заҳарлар ўсимликларнинг ширасига араштирилади. Алоҳида олганда бу шираларнинг ўзи ҳам заҳарли бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Ўсимликларнинг заҳари ҳаммавақт ҳам яроқли бўлавермайди, лекин улар асосий заҳарнинг учиб кетишига монелик қилиб туради.

*Euphorbia candelabra* ўсимлигининг навдалари билан бушменлар сув ичгани келадиган кийикларни заҳарлашган. Бунинг учун асосий сув манбаининг теvaraгига тўсиқ қурилган. Бу тўсиқ кийикларнинг асосий сув манбаига ўтишига йўл қўймаган. Кейин қўлмакка эвфорбия навдалари ташланади. Сув сағҳида заҳарли қўпик ҳосил бўлади. У шу даражада ўткирки, ундан ҳатто зебра ҳам нобуд бўлади. Заҳарланган жониворларнинг гўшти зарарли бўлмайди. Шуниси эътиборга лойиққи, бушменлар заҳарли ўқ билан ўлдирилган жониворларнинг жароҳати теvaraгидаги гўштни ҳаммавақт ҳам кесиб ташлашмайди. Баъзи бирларининг гапига қараганда, айни ана шу жойлар энг тотли жойлар бўлар экан. Турли бушмен қабилалари ўзларининг ўқларини ҳам, заҳарларини ҳам турли йўллар билан тайёрлашади. Жануби-Гарбий Африкада камон ўқларини кўпроқ қамишдан ясашади, унинг учини эса темирдан кўра бирон суякдан ясашни маъкул кўришади. Овчиларнинг фикрига кўра, уларда заҳар узокроқ сақланиб қолар экан. Ўқларнинг темир учларини олиб қўйса бўладиган қилиб ясашади ва алоҳида халтада олиб юришади. Негаки, бушменлар тасодифан заҳарланиб қолиш нечоғли хатарли эканини жуда яхши билишади. Бундан ташқари, ўқ яхлит бўлса, кийик бутазорлар оралаб қочиб кетаётганда шох-похларга илиниб тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Овчи эса ўқнинг заҳарли учи жониворнинг танасига мустаҳкам ўрнашиб қолганига ишончи комил бўлмоғи керак.

Жануби-Гарбий Африка бушменлари камоннинг патли ўқлари нима эканини яхши билишади, лекин улардан деярлик фойдаланишмайди. Улар ўзларининг ўлжага билингирмасдан яқинлаша олиш қобилиятларига ишонадилар ва унга шу қадар яқиндан ўқ узишадикки, патли ўққа эҳтиёж қолмайди. Бушменларнинг ўқлари ҳақиқий санъат асарларидир, камонлари эса ҳамма талабларга жавоб берса ҳам, анча кўпол ишланган. Камонни лозим бўлган даражада таранг тортиш учун анчагина абжир бўлиш ва куч ишлатиш керак. Бушмен камон отаётганда, унинг ўқи бош бармоқ билан кўрсаткич бармоқларнинг терисини шилиб кетади. Кийикларни овлаганда камонни ўта таранг тортишга ҳожат йўқ. Лекин унутмаслик керакки, бушменлар камондан филларни ҳам, бошқа йирик ҳайвонларни ҳам ўлдира оладилар. Бунда ўқ гавдага анча чуқур кирмоғи зарур бўлади. Бушменлар камон ўқи билан бир энлик қалинликдаги тахталарни ҳам теша оладилар. Ўз вақтида Африкага биринчи бўлиб кўчиб келганларнинг соябон аравасини ҳам бушменларнинг ўқи тешиб ўта олган ва улар соябонларнинг ичкари томонидан камалак ўқининг заҳарланган учини қирқиб ташлашга мажбур бўлишган. Бир гал бушменнинг ўқи — учи тошдан ясалган енгил қамиш — отнинг бир томонидан кириб, нариги томонидан чиқиб кетган.

Мен одамнинг бармоғидай келадиган кичкина камонларни ҳам кўрганман. Улар кийикнинг шохидан ясалган эди. Кичкинагина садоқда заҳар сингдирилган камон ўқлари сақланарди. Бушмен бунақа камонни бировга осонликча бермайди. Бу болалар ўйинчоғи эмас, балки даҳшатли курул — уни бушменнинг «суюкли камони» ёхуд «тўшпунчаси» деб ҳам аташади. У аёл кишини талашиб бирор одам билан жанжаллашиб қолган ҳолларда бу курулни ишга солади. Одатда у ўзининг ҳалоқатли ўқини рақибни ухлаб ётганда, унинг қулоғига йўллайди.

Немислар бушменларнинг феъл-атворини дабдурустдан тушуниб олганлари йўқ. Губернатор Лейтвейн улардан яхши ишчилар чиқади деб ўйлади. 1895 йилда кунг бушменлари истиқомат қиладиган жойларга биринчи бор келган Лейтвейн Гротфонтейнда яшайдиган, ўқимишли африкалик Йоханнес Крюгерни «бушменлар сарлори» қилиб тайинлайди. Крюгер бу амални норизолик билан қабул қилади, негаки бушменларни бошқариш осон эмаслигини яхши



билади. Аммо битим тузилиб бўлинган эди, Крюгер унга имзо чекади. «Мен губернаторга бушменлар менга итоат қилмасликларини айтган эдим. Бунинг устига ўзим бушмен бўлмасам деган эдим, — деб маълумот беради Крюгер орадан йигирма йил ўтгач Жанубий Африка ҳукумати вакилларига. — Губернатор бўлса, бушменларни билсанг, уларнинг тилида гаплашсанг бўлди-да. Уларга таъсир кўрсатишга унча қийналмайсан, деди».

Крюгер ойига беш фунт маош олар эди. У ишчи кучи етказиб бериб турмоғи керак эди. У икки юзга яқин хейкум бушменларини жўнатади, лекин вельдкос (ёввойи мевалар, илдизлар, кўкатлар) етишмагани учун улар кўп ўтмай, жой-жойларига қайтиб кетишади. Бу жойларга немис фермерлари келиб жойлашгандан кейин чинакам галвалар бошланади. Бу масалада Крюгер Жанубий Африка ҳукуматининг вакилларига шундай ахборот берган:

«Бушменлар одатда бир хотинлик бўлишади. У хотинини жуда яхши кўради ва унга яхши муносабатда бўлади. Немислар эса бушменларнинг аёлларини мажбурлаб олиб кетиб, ўзларининг канизакларига айлангириб олишади. Бу районда қони аралашган бир гуруҳ болалар пайдо бўлди. Ана шунда бушменлар биринчи марта немис фермерларининг молларини ўғирлай бошлашди. Бир бушмен хотинини тортиб олган немисни ўлдирди. Полиция ва немис фермерлари бушменларни шафқатсизлик билан қира бошлашди».

Биринчи жаҳон уруши бошланмасдан бир оз олдин вазият шу даражада кескинлашдики, Гротфонтейн округи бошқармасининг бошлиғи фон Застровга унинг вилоятидаги ҳамма бушменларни қириб ташлаш ёки бошқа жойларга кўчириб юбориш имкониятлари тўғрисида рапорт ёзишни таклиф қилишди. Фон Застров юмшоқ табиатли одам эди (фермерлар уни жуда ҳам ёқтиришмас эди). У бу таклиф эътибор қилиб ўтиришга ҳам арзимайди деб жавоб берди. Унинг фикрича, округдаги фермерларнинг ярми бушменларнинг меҳнатидан фойдаланади ва агар бушменлар бўлмаса, эплаб, хўжаликларини юрита олмай қолишади. «Шуни англамоқ керакки, — деб ёзади фон Застров, — бутун умри давомида кўчманчилик қилиб келган ва оғир жисмоний меҳнат билан шуғуллианмаган одамлар бир зумда ўзларининг кўникмалари ва одагларидан воз кечиб, уқувли ишчилар бўлиб қололмайдилар. Аммо бушменлар ер ҳайдашни, ишларни бошқаришни ва тамаки етиштиришни ҳайрон қоладиган даражада тез ўрганиб олишди. Кўплар анчадан бери фермаларда ишлайди ва уларнинг хизматидан фойдаланади ва агар воз кечиб бўлмайди. Фақат фермада ишлаб, кейин уйларига қайтиб кетган бушменларгина ўғирлик билан шуғуллианишади. Бабзан улар бундай ўғирликларни ўч олиш мақсадида қилади. Уйлайманки, бушменлар учун муайян ҳудудларни резервация сифатида ажратиб бериш керак. Яхши муомала қилинса, бу одамлар кўчманчи ҳаёт тарзидан воз кечмоғи, ўтроқлашмоғи ва муайян фойда келтирадиган бўлишлари мумкин».

1912 йилда Гротфонтейн округида бушменлар немис полициясининг сержант Гельфрихнинг ўлдираришиди. Бу қотиллик кейинги қон тўкилишларига олиб келди. Фон Застровнинг фармойишига қарамай, кўпгина фермерлар ўзбошимчалик билан ўч олишга киришишади. Улар бушменларни худди ёввойи ҳайвонлардек овлай бошладилар. Кап вилоятида ўтган асрда содир бўлган воқеалар такрорлана бошлади. Фермерлар ўз ерларини бушменларнинг ерлари ҳисобига кенгайтириш йўлига тушдилар ва бу ибтидоий овчиларни қириб ташлай бошладилар. Бушмен қабилаларининг буткул қирилиб кетишига оз қолди. Жануби-Гарбий Африка бушменларини бунақа фожеали қисматдан биринчи жаҳон уруши асраб қолган бўлса ҳам ажаб эмас. Кейинчалик бушменларга нисбатан юритилган сиёсат бирмунча инсоний тусга кирди.

Гротфонтейндаги округ бошқармасининг амалдори майор Фрэнк Браунли ўз ахборотида бушменлар оқ танли одамлардан ҳайиқмай қўя бошлаганини таъкидлайди. Улар қудуқларнинг олдига келиб, ўтган-кетганлардан бемалол тамаки сўрайверишади. Агар Браунли бушменлар сардорини кўриш истагини билдирса, у бу истакни адо этади.

Бир куни Браунли бир жойга полиция патрулини жўнатмоғи керак эди. Бу патрул океанго қабилиасидан бир неча кишини ўлдирган бушменларни қўлга олмоғи керак эди. Бу одамлар фермаларда ва конларда ёлланиб ишлар, ҳозир эса ишлаб топган пулларига кийим-кечак ва мунчоқлар олиб, уйлари-

га қайтмоқда эдилар. Туя минган полициячилар қотилларни қуршаб олишди ва уларни Гротфонтейнга олиб келишди. Улар бушменларнинг кунг қабиласига мансуб эканлар. Браунли уларнинг қадди-қомати жуда келишган эканини кўрди ва Кейптаун музейининг директори Перинггейга телеграмма жўнатади. Тажрибали таксидермист Жеймс Друри улардан гипс нусхалар кўчиради, кейин бу нусхалар музейга қўйилади. Минглаб одамлар бу бежирим қадди-қоматларни соатлаб томоша қилишар, лекин бу нусхалар қотиллардан кўчириб олинганини хаёлларига ҳам келтирмас эдилар.

Жанубий Африка Иттифоқи ташкил топган вақтдан бери бушменларга нисбатан кўрсатилган меҳрибончиликлардан бири шу бўлган эдики, ҳужжатларда бир эслатма бор эди: унга кўра агар бушменларнинг саломатлиги ёмон бўлса, турма маъмуриятига уларни озод қилиб юборишга ҳуқуқ берилган эди. Жўссаси кичик, қийинчиликларга чидамли бушменлар турмага тушиб қолсалар жуда тез ҳолдан тояр эдилар ва нобуд бўлардилар. Кўпчилик бушменлар учун олти ой муҳлатга қамоққа ҳукм бўлиши ўлим жазосига ҳукм бўлиш билан баробар эди.

С у д ь я: Сиз орқалаб олган болангизни асраб қолмоқ учун бошқа болангизни ўлдирдингизми?

Б у ш м е н: Ҳа.

С у д ь я: Вақти-соати келса, сиз орқалаб олган болангизни ҳам нобуд қилмоғингиз мумкинми?

Б у ш м е н: Йўқ. Мен уни яхши кўраман.

Бушменнинг суд жараёнини идрок этишга ақли етмайди. Бир гал бир бушменни қотиллик учун суд қилишипти. Одатдагидек бошига парик, устига маҳсус либос кийиб олган судья уни ўлим жазосига ҳукм қилишти. Сўнгра ундан «бирон айтадиган гапингиз борми?» деб сўрашипти. Шунда у тилмоч орқали шундай деб сўраган экан: «Бу ишларнинг барига анави қизил либос кийиб олган кекса аёлнинг нима дахли бор?» Бушменлар анча-мунча кекчи бўлишади. Яқинда сенатор Феддер бушменларнинг икки қабиласи ўртасидаги авлоддан-авлодга кўчиб келаётган душманлик ҳақида маъруза қилди. Душманлик юз йил аввал содир қилинган қотилликдан бошланган экан. Бироқ ҳозирга қадар бу икки қабилла вакиллари бир-бирларига заҳарли ўқларини отишда давом этишар экан. Феддер Жанубий Африка Иттифоқининг сенатига мурожаат қилиб, бушменлар учун резервация яратишни, шунда ҳам бир эмас, бир нечта резервация яратишни илтимос қилди. Резервация битта бўлса, бушменлар бир-бирларини қириб ташлашдан ҳам тойишмайди.

Сенатда Феддер яна шуни айтдики, баъзи бир фермерлар бушменларнинг меҳнатидан бажону дил фойдаланадилар, лекин шундай фермерлар ҳам борки, улар бушменларнинг заҳарли ўқларидан кўрқиб, уйларидан бир қадам ташқарига чиқишдан ҳам кўрқадилар. Бушменлар билан яхши муносабатда бўлишни, иноқ яшашни хоҳлаган фермерлар уларга қараб: «Шу пайтга қадар қаерда яшаган бўлсаларингиз, ўша жойда яшайверинглар. Ўзларинг фойдаланиб келган қудуқлардан фойдаланишда давом этаверинглар. Далаларда илдизларни териб, кийикларни овлаб юраверинг. Агар сизларнинг навқирон йигитларингиз менда ишлашни хоҳлашса, мен уларни тамаки билан сийлайман».

Бор-йўқ сир-синоат ана шунда. Фермерлар эгалик қилаётган ерларга бушменлар ўзларининг мулклари сифатида қарашади. Ахир, бу ерлар асрлар мобайнида уларники бўлиб келган-да... Улар бу ерларга оқ танлилар жойлашишига қарши эътироз билдирмайдилар, лекин ўзларининг қадимий ҳақ-ҳуқуқларини кўз қорачигидай авайлаб-асрайдилар. Агар бушменларнинг ичишга суви, емоққа илдизлари бўлмаса ва уларга ов қилиш тақиқлаб қўйилса, улар нобуд бўлишади. Бушменни тирикчилиги учун зарур бўлган нарсалардан маҳрум қиладиган фермер унинг заҳарли ўқига дуч келишини бемалол бўйнига олиб кўйса бўлаверади.

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин Гобапис аҳолисининг кўпчилик қисми ё у, ё бу даражада нарон бушменларининг меҳнатидан фойдаланишган. Улардан бири К.Р.Пайпер эди. Ишчи кўллар танқислиги важидан у ўзининг эскича қарашларидан воз кечишга мажбур бўлди ва бушменларга муносабатини ўзгартирди. Унинг фермасида ишлайдиган Канеллан деган ёш бушмен

йигит трактор ҳайдашни ўрганиб олди, яна бир нечта одам бошқа машиналарда ишлайдиган бўлди. Бошқалар сигир соғар, боғ юмушларини бажарар ва уй хизматини қилишарди.

Пайпер бушменларда вақт тўғрисида аниқ тасаввур йўқ эканини кўрганда мутлақо ҳайрон қолгани йўқ. Агар бушмен бир ҳафтага жавоб олиб кетган бўлса, у бир ойдан кейин ҳам бемалол келавериши мумкин эди. Қиш ойларида эса фермада бушмен аёлларидан бирон киши қолмас эди, бу вақтларда улар ёввойи ёнғоқларни теришар ва уларни ҳеч нарса билан ушлаб қолиш мумкин эмас эди. Аммо Пайпер иложини топди. Пайпер уларга маймун ёнғоқларини бера бошлади — бушменлар уларни ўзларининг вельдкосларидан афзал кўришарди. Бир сават ёнғоқ учун бушменлар шабаданнинг майса устидаги рақсини ижро этмоқлари мумкин эди. Аёллар ярим доира олиб, чапак чалиб, қўшиқ айтиб туришади, эркаклар эса рақс тушиб, шамолнинг увуллашига тақлид қилишади.

Бушменлар пул нималигини билмайди. Уларнинг қўлига танга тушиб қолса, болаларига ўйинчоқ ўрнида ёхуд аёлларга безаклар ўрнида бериб юборишади. Бир ҳафтага мўлжаллаб қўйиладиган қаҳва билан шакар унга икки кунга етади, холос. Лекин шундай фурсат келадими, ҳатто бу неъматлар ҳам бушменни фермада ортиқ ушлаб қололмайди ва у бепоён кенгликларга кетиб қолади.

Бушменлар келажакка нигоҳ ташламайдилар. Уларнинг ейдиган овқатлари бемалол бўлса, бушменлар теварак-атрофидагиларни хушнуд қилиб, ўйнашди ва кўнглихушлик қилишади. Африкада еб-ичиши бемалол бўлган бушмендан кўра бахтлироқ одам йўқ. Бушменлар ўз фарзандларини жуда яхши кўришади ва бу муҳаббатларини турли йўллар билан намоён қилишади. Уларда, масалан, бейза деган кийик рақси бор. Бу рақсда оталар фарзандларига ов бобида сабоқ беришади ва бу сабоқ кейинчалик уларга ов вақтида ўз ҳаётларини асрашга ёрдам қилади. Кексагина муғамбир овчи бошига иккита учли калтакчани шох ўрнида кўндириб олади-да, кийик ролини ижро этади. Болалар ит ролини ижро этишади. Бу шикор манзараси бошдан-оёқ шунақа ҳаққонийки, одамлар ўз-ўзидан гойиб бўлгандек кўринади. Кекса бушмен шохдор кийикка айланади, унга ҳуриб, тишларини гижирлатиб ҳужум қилаётган болалар ҳақиқий кучукларга айланишади. Кийик оёқларини типирчилатиб, жон-жаҳд билан уларнинг ҳамласидан қутулмоқчи бўлади, у ўзини у ён-бу ён ташлайди, кейин у бора-бора чарчайди, ўз ҳаёти учун жон-жаҳди билан кураша-кураша ҳансираб қолади. Шунда овчилар бақириб-чақириб, найза билан унга зарба беришади. Ниҳоят, бутунлай кучдан қолган кийик ерга ўтириб қолади. Овчилар ва кучуклар уни қуршаб олишади ва рақс шу билан тамом бўлади. Йигит бирор кийикни ёки бошқа хавфли ҳайвонни ўлдирмагунча, балоғатга етган эркак деб ҳисобланмайди. Шунинг учун ота-оналар ўз ўғилларининг бу имтиҳонга ҳар жиҳатдан тайёр бўлишлари учун жуда-жуда ташвиш чекади. Уй ҳайвонларидан бушменларда фақат кучук бор, холос. Улар ҳеч қачон чорва билан шугулланган эмаслар — улардан фарқ қилароқ, чорва билан шугулланадиган готтентотлар анча-мунча ўзларига тўқ яшашади. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳисоб бобидаги тасаввурлари ҳам анчагина чекланган. («Бир, икки, уч, кўп — деб ҳисоблайди бушмен».) Итлар кўп асрлардан бери уларнинг хизматини қилади. Улар Африка бўйлаб бирга юрмаган жойлари қолмади, биргаликда анча-мунча ғалабаларга ҳам эришишди. Бушменларнинг овчи кучуклари орасида энг зотдори оч гижарранг, устида тасмадек узун изи бор, тозига ўхшаб кетадиган кўшакдир. У ҳозир жуда қамайиб кетган. Шак-шубҳа йўқки, бу дунёдаги энг яхши овчи итдир. У жуда бақувват, ўта қопонғич, эгаси қулай фурсат келганда, найзасини ўлжасига отмагунча, жароҳат олган қоплонни қочириб юбормай, ушлаб тура оладиган бунақа итларни кўрганман. Уларнинг бўйлари ўн тўрт дюйм келади, гавдаларининг узунлиги эса бўйларига унча мос келмайдигандай кўринади. Бу итнинг шакл-шамойили унча чиройли ҳам эмас. Пешонаси — дўнг, тумшуғи ўткир, қулоқлари диккайган, узун думини қисиб юради. Лекин у чиройлик бўлмаса-да, энг қадимий ва дунёдаги энг ақли итдир.

Бушменнинг ити ҳам унинг эгасидек дайди, у ҳам индамай туриш санъа-

тини жуда яхши эгаллаган. Баъзиларнинг фикрича, у, умуман, ҳеч қачон ҳурмайди ҳисоб. Ҳарҳолда, у ҳеч қачон бесабаб ҳуриб, эгаси биқиниб ётган жойни билдириб қўймайди. Ит ҳамisha эгасининг ортидан шошмай бораверади, у имкони борича, ўзини сояда туттишга ҳаракат қилади, кучини авайлаб-асрайди, хўжайини бирор ўлжанинг диққатини чалғитишни буюргандагина, жонжаҳди билан ишга киришади. Хавфни сезиши биланоқ у огоҳлантириш белгиси сифатида бир марта астагина «вов» деб қўяди. Бушмен билан унинг ити бир-бирларига ишоннади ва бир-бирларини жуда яхши тушунишади. Кўпгина сайёҳлар бушменларнинг итларини тамакига алмаштириб олишга уриниб кўришган, лекин, аммо мен ҳали биронга сайёҳ бу ниятига эришганини эшитганим йўқ.

Кийиклар ва туяқушларни овлар экан, бушменлар, албатта, овга мос тарзда ниқобланиш имкониятларидан ва ўзларининг тақдирчилик салоҳиятидан фойдаланадилар. Устига туяқушнинг терисини кийиб, унинг патлари билан ўзини безаб, туяқушнинг бошини узун таёққа илиб, баланд кўтариб, йўл-йўлакай туяқушлар қиладигани каби ўзига оро бера-бера, бушмен туяқушлар подасининг ўртасига кириб олиши мумкин. Кийикнинг ёнига писиб бормоқ учун бушмен унча катта бўлмаган бутадан фойдаланади. Ов вақтида бушмен бениҳоя сабр-бардошли бўлиб кетади. Чапмен бир бушмен билан учрашганини ҳикоя қилади. Бу бушмен ўзи жароҳатлаган жирафани эллик миля давомида таъқиб қилиб борган экан. Кўпгина бушменлар яраланган жониворнинг изидан уч кун мутасил қувиб боришларига қурби етади, лекин улар ҳеч нарсанинг эвазига ўлжаларини қўлдан чиқармайдилар.

Ҳайрон қоладиган жойи йўқки, бу ибтидоий халқ оғзаки ҳикоя қилиш санъатидек қадимий соҳани жуда яхши билади. Мен ўзим бир кун бир бушменни кўриб, ҳикоясини эшитганман. Ҳозиргина олис жойдан ўз уйига қайтиб келган бушмен, гулхан ёнига чўнқайиб ўтириб олиб, уч-тўртга одамга ажойиб гурунг берган ва уларни ўзига маҳлиё қилган.

— У сафари давомида кўрган нарсаларининг биронтасини қолдирмай гапириб беришти, — деб менга тушунтирди тилмоч. — Жониворлар, паррандалар, дарахтлар, велда<sup>1</sup> яшайдиган ҳамма тирик махлуқлар тўғрисида гапиришти, олис-олис қудуқларни, улардан чанқоғини қондирганини айтишти. Бу одамлар учун ҳар қандай тафсилотнинг ҳам аҳамияти катта. У бир соат гапирди, истаса, икки соат ҳам гапириши мумкин, атрофидагилар эса лом-мим деб сўз қотмай, ҳикояни тинглаб ўтираверишади. У ҳикоясини тамом қилганда кейингина тингловчилар унга саволларини бера бошлайдилар.

Ўн еттинчи асрда голландиялик бир сайёҳ томонидан берилган илк маълумотлардан бирида айтилишича, бушменлар мутлақо ёввойи халқ. Унинг на ётиб-турадиган кулбаси, на чорваси бор, лекин камалаклари ва ўқлари ҳамisha шай. Улар ҳозир ҳам шундайлигича қолганлар, мен бунга ўз кўзим билан кўриб ишонганман. Улар ёйишга озуқа ва ичишга сув қидириб, ҳамisha бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришади, шамолдан, ёғин-сочиндан сақланиш учун кўкатлардан муваққат бошпана қуришади. Чайлаларда гулхан ёқишиб, арслонларни ҳуркитишади. Ҳар битга кексароқ бушменнинг буришган қорнида гулхан ёнида совуқ тунларни икки букилиб гужанак бўлиб ўтказган дамларидан хотира бўлиб қолган куйишдан орттирган чандиқларини кўриш мумкин. Бушменлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшашади. Бу гуруҳлар йигирма кишидан ошмайди. Озуқа қидириш улар учун жуда ҳам оғир машаққат, лекин қидирмаса яна бўлмайди. Улар ана шунақа майда гуруҳларга бўлиниб яшашга мажбур.

Бушменлар сувни туяқуш тухумининг пўчоқларида асрайдилар ва ҳар қайси гуруҳнинг ўзининг махфий сув манбалари — кичикроқ бўлса-да, қудуқлари бор. Сув сақланадиган бу қимматбаҳо хазина бирон-бир белги билан ошкор бўлиб қолмаслиги учун уларнинг оғзига тош бостириб устидан кул сеппиб қўйишади. Агар қурғоқчилик вақтида қудуқ қуриб-нетиб қолса, туяқуш тухумининг пўчоғида эса ичадиган сув қолмаган ёки тутаётган бўлса, бушменлар ҳамisha илдизлар, пиёзлар ва тсамма деб аталадиган, ҳайрон қоладиган дара-

<sup>1</sup> В е л д — дала-дангт, қир-адирли ер.

жадаги ажойиб ўсимлик — ёввойи қовунни бемалол топиша оладилар ва шу йўл билан тирикчиликларини ўтказиб туришарди. Ёввойи қовунда шира кўп, лекин унда озуқа бўладиган моддалар жуда кам. Мен шундай болаларни кўрганманки, улар ёввойи қовунни кўп еганларидан қоринлари шишиб кетганди. Аммо ана шу ёввойи қовунлар бўлмаса, саҳро кимсасиз хувиллаган бир жойга айланиб қоларди. Улар ҳаммавақт қум тепаликларининг устида ўстан. Бушменлар уларни йиғиб олиб, қумга кўмиб кўйишар экан. Қум ичида улар бир неча ҳафта айнимай турар экан. Қовунларнинг уруғини эзиб, ундан ичимлик тайёрланади. Бу ичимликни бушменларнинг қаҳваси деса бўлади. Бу яшил-олачишор мевани фил ва арслондан тортиб, сичқонгача ҳамма жониворлар истеъмол қилади. Бушменлар қовунни гулханда қизитишади, кейин уни совутишади ва шу тарзда уни еб, чанқоқларини қондиришади. Қовурилган тсамма билан чиябўри гўшти — бушменларнинг сеvimли овқатидир.

Афтидан, қовун шарбати-ю, илдизлар ва ҳар хил ўрмон мева-чевалари билангина қаноатланиб, тирикчиликка тўғри келса, бошқа биронга халқ бунга дош беролмай, қирилиб кетган бўларди. Бушменлар эса шу аҳволда яшашга мажбур бўлганлар ва шундай бўлса-да, жамики муҳтожликларга қарамай, бу бардошли ва жасур овчилар бизнинг кунларимизга етиб келишган. Бушменлар ҳар қанча ибтидоий бўлмасин, улар ҳар қандай маданийлашган одам учун, албатта, ҳалокат олиб келиши муқаррар бўлган шароитларда ҳам омон қола биладилар. Овчи бушменни қип-яланғоч ҳолда, ёнида ҳеч вақоси йўқ бир тарзда ёлғиз ўзини саҳрода қолдириб кўринг — у ўзига овқат ҳам топади, қорнини тўйгазади, либос топади, олов ёқади ва одатдаги тарзда ҳаёт кечира бошлайди. Сиз бушменларни уларнинг ўзлари кўниккан шароитда кўрсангиз билингки, сиз ўзингизнинг авлод-аждодаларингизни кўриб турибсиз. Шунинг учун ҳам мен бушменларни ўтмишнинг романтик қолдиқлари — саҳроларнинг ҳақиқий ҳукмдорлари деб атадим.

*Давоми бор.*

*АЗИЗХОН таржимаси*



## Покистонда Бобуршунослик

**П**окистонлик олимлар Темурийлар даври маданиятига катта қизиқиш билан қарамокдалар. Улар нафақат халқларимиз ўртасида бўлган маданий алоқалар тарихи, балки ўша даврдаги маданий ҳаёт, йирик шоирлар, жаҳон маданияти саҳифаларида ўчмас из қолдирган буюк ижодкорларнинг меросига бағишланган тадқиқот ишларини олиб бормокдалар. Фикри-мизнинг далили сифатида таниқли олим доктор Аҳмад Ҳасан Донийнинг инглиз тилида чоп этилган “Темур мероси” номли рисоласи (Покистон Адабиёт Академияси, Исломобод, 1996)ни келтириш мумкин. Унда муаллиф Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, темурийлар давридаги машҳур аҳли қалам, жумладан, Алишер Навоий ижодига тўхталиб ўтади. Алишер Навоий ижодидан саралаб олинган гулдастанинг урду тилида чоп этилиши (Таржимон: Р.Мухаммаджонов; Тузувчи: Т.Холмирзаев. Покистон Адабиёт Академияси. Исломобод, 1996) эса покистонликларнинг ўзбек маданияти, ўзбек адабиётига бўлган эътиборининг яна бир исботидир.

Покистонлик олимларнинг Заҳриддин Бобур ва умуман, бобурийлар даври, уларнинг илмий, адабий мероси, хусусан, “Бобурнома” бўйича олиб бораётган изланишлари таҳсинга сазовор.

“Бобурнома” асари бобурийлар авлодидан бўлмиш Мирзо Насириддин Ҳайдар Кўрагоний томонидан илк бор урду тилига таржима қилинган. У аввал 1924 йили Дехлида, 1962 йили эса Карачи шаҳрида “Бук лэнд” нашриётида чоп этилган. Нашрга “Бобурнома” асосий ном сифатида, “Тузуки Бобурий” эса иккинчи ном ўрнида келтирилган. Китобнинг бошида алоҳида-алоҳида саҳифаларда Бобур Мирзо ва унинг рафиқаси Моҳим Бегимнинг рангли сурати берилган.

“Сўзбоши” муаллифи Убайдулла Қуддусий таржимага жуда юқори баҳо беради: “...таржима ниҳоятда равон ва биронта сўз ҳам тушиб қолмаган...”

Таржимада бир қатор изоҳлар бор, имло масаласига анча аҳамият берилган.

Урду тилида “Бобурнома”нинг яна бир таржимаси мавжуд. У Рашид Ахтар Надвий қаламига мансуб бўлиб, 1991 йили Лахўр шаҳридаги “Санг-емил” нашриётида чиққан. Асар Бомбайда Мирзо Мухаммад Шерозийнинг “Читра Прабха Пресс”да чоп этилган тўлиқ бўлмаган форсча нусхадан таржима қилинган.

“Сўзбоши”да мутаржим “...ўз буюклиги ва улуғлиги биносини ўзи бунёд қилган, буюклик ва шон-шуҳрат йўлидаги темир тиканларни ўз қўли билан терган” Заҳриддин Бобур шахсиятига илиқ муносабат билдирган. Жалолиддин Акбаршоҳ (1542-1605) даврида “Бобурнома” Байрам Хоннинг ўғли Абдурахим Хони хонон томонидан туркийдан форсийга таржима қилингани ҳақида ёзиб, Р.А.Надвий бундай дейди: “...шундан кейин аҳли жаҳон биринчи марта буюк тождор (яъни Бобур Мирзо — А.И.)нинг суҳан мулкининг ҳам шаҳаншоҳи эканлигидан хабар топти”.

Мазкур таржима тили асосан равон ва ўқишли. Жузъий камчиликлардан қатъи назар, “Бобурнома”нинг иккала таржимаси ҳам аҳамиятга эга. Уларга таниқли бобуршунос Сабоҳат Азимжонова юқори баҳо берган.

Мирзо Насириддин Ҳайдарнинг таржимаси аввало, биринчи тўлиқ таржима сифатида, қолаверса, бобурийлар авлодининг вакили қаламига мансублиги билан аҳамиятлидир. Иккала таржима ҳам Бобур Мирзо ва унинг шоҳ асарини урдузабон халқлар орасида оммалаштиришда хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи, унинг асосида суратга олинган видеофильм Бобур Мирзо ҳаёти ва ижодини оммалаштиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур асар бир қанча чет тилларга ўгирилган, жумладан, урду тилига ҳам таржима қилиниб, бир неча марта чоп этилган.

Роман 1986 йили Тошкентда ҳиндистонлик Манзар Салим таржимасида урду тилида нашр қилинган эди. Асар Ҳиндистон, Покистон китобхоналарига жуда манзур бўлди. Ўша пайтда нашриётга, Ўзбекистон радиосига келган кўплаб мактублар шундан далолат беради.

Роман бир неча йил бурун Лаҳур шаҳрида чоп этилган эди. Яқинда Карачидаги “Рактаб Пабликейшнз” нашриёти уни нашр этди. Мукова “Бобурнома”га ишланган миниатюра билан безатилган бўлиб, унда “Доктор Пиримкул Қодиров. Заҳириддин Бобур” деб ёзилган. Нашрга покистонлик машҳур адиб Шавкат Сиддиқий сўзбоши ёзган.

Ҳиндистон, Покистонда чиққан китобларда Заҳириддин Бобур асосан саркарда, фотиҳ, салтанат асосчиси сифатида таърифланади. Ш.Сиддиқий тан олиб ёзадики, П.Қодиров бу романда Бобур Мирзо ҳақидаги таассуротни тўлдиради. Адиб ўз асарини Бобур улуғ фотиҳ ва ҳукмдоргина эмас, у дониш-ҳикматдан завқланувчи, шеър адаб шайдоси, илму фазл муҳлиси ҳам эканлигини кўрсатиб берган.

Покистонлик мутахассислар Бобурийлар асарларини таржима қилиш, чоп этиш билан чекланиб қолмасдан, Бобурийлар даври ва бой мероси бўйича кенг тадқиқот ишларини ҳам олиб бормоқдалар. Жамил Юсуфнинг “Бобурдан Зафаргача” деб номланган урду тилидаги асари бунга мисол бўла олади (3-нашр, Исломобод, 1989).

Асарда Бобур, Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб ва сўнгги бобурийлар фаолияти алоҳида-алоҳида бобларда ёритилган. Китобнинг биринчи нашри чиққанда Покистон матбуоти, адибу давлат арбоблари унга юқори баҳо берган эдилар. Карачида чиқадиган “Доон” газетаси, жумладан, бундай деб ёзган эди: “Бобурдан Зафаргача” бобурийлар даврининг тўлиқ ва батафсил тарихидир. Унинг баён қилиш услуби шу қадар бадиий ҳамда жозибалики, уни тарихга оид китоб деб эмас, бадиий асар деб ҳисоблаш керак”.

Йирик туркшунос Муҳаммад Собирнинг “Ўзбек тили ва адабиёти” мақоласида (“Маҳе нау” журнали, апрел, 1966, Карачи) Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги тарихий, маданий, адабий ҳамда лисоний алоқалар батафсил ёритилган. Тадқиқотнинг илова қисмида 16-аср ўзбек адабиёти ва замонавий ўзбек адабиётининг намуналари Бобур Мирзо ва Уйғун рубоийлари орқали солиштири-

лади. Бундай қиёслашдан мақсад — урду тилидаги сўзлар билан турли тарихий даврдаги ўзбек тили лексикаси ўртасидаги яқинликни кўрсатишдан иборатдир.

М.Собирнинг “Бобур тилидаги урду сўзлар имлоси” (Карачи университети, август, 1966, 2-жилд, 2-сон) номли асарига алоҳида тўхталиш зарур деб ҳисоблаймиз. Ушбу асарда асосан “Бобурнома”даги урду сўзлар ўрганилган ва 114 та сўз жадвал шаклида туркча сўзлар билан солиштирилган. Профессор Озод Шоматов бу жиҳатни асарнинг камчилиги деб ҳисоблайди ҳамда урду сўзларни туркча билан эмас, балки ўзбекча сўзлар билан қиёслаш тўғрисида бўларди, деб ёзади. О.Шоматовнинг фикрича, М.Собир бой тарихий-филологик материаллар асосида муҳим илмий хулосалар чиқаришга муваффақ бўлган.

Шу ўринда бир фактни қайд этиш ўринлидир — “Бобурнома” эски ўзбек тили бўйича ниҳоятда қимматли филологик манба вазифасини ўташи яхши маълум. Лекин Бобур Мирзонинг шоҳ асарини ўрганиш орқали 16-асрда Шимолий Ҳиндистонда муомалада бўлган бир қатор тилларнинг лексик аломатлари ҳақида ҳам муҳим маълумотларга эга бўлиш имкони бор. Гап шундаки, ўша даврда маълум тарихий шарт-шароитлар тақозоси билан адабий марка Шимолий Ҳиндистондан Даканнинг шимолий қисмида жойлашган бир қатор мусулмон давлатларга кўчган эди. Шу сабабли Бобур Мирзо яшаган даврда Шимолий Ҳиндистондаги тилларда битилган ёзма манбалар бўлмаган.

Покистонда бобуршунослик хусусида сўз кетганда, Карачи университети қошида ташкил этилган “Марказий ва Ғарбий Осиё тадқиқотлари институти”нинг фаолияти ҳамда унинг айрим нашрларига тўхтамасликнинг иложи йўқ. Шундай нашрлардан бири “Ҳинд — Эрон алоқаларига доир ҳужжатлар хронологияси” (1979 й.) деб аталади ва 2 жилддан иборат. Уни доктор Риёз ул-Ислом нашрга тайёрлаган. Биринчи жилд Бобурдан Аврангзебгача бўлган даврдаги бобурийлар салтанати билан Эрон ўртасидаги муносабатларни акс эттирадиган 276 та мактубни ўз ичига олади. Иккинчи жилд (1982 й.) эса бобурийларнинг сўнгги намоёндалари билан сўнгги Сафавийлар ва Нодиршоҳ билан ёзишмаларидан иборат бўлиб, бу хатларнинг сони 224 тадир. Мазкур улкан нашрнинг бобурийлар салтанати тарихини ёритишда нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги ўзидан аён бўлиб турипти.

“Марказ”нинг нашрларидан яна инглиз тилидаги “Байрам Хон” ва урду тилида чоп этилган “Хон хононома” асарларини қайд этиш зарур деб ҳисоблаймиз. Маълумки, Хони хонон (яъни “Хонлар хони”) бобурийлар салтанатидаги юксак ҳарбий унвон ҳисобланган ва Бобуршоҳ Диловар Хонга шу унвонни берган. Инглиз тилида нашр этилган “Ислом энциклопедияси”да қайд этилишича, Хумоюн Мирзо — Байрам Хонни, Акбаршоҳ — Мунъим Хонни ва Абдурахим Хонни, Жаҳонгиршоҳ — Маҳобат Хонни ҳамда Аврангзеб Мир Жумлани мана шу олий унвон билан тақдирлаган.

Байрам Хон (1504-1561) учта бобурий ҳукмдор — Бобур Мирзо, Хумоюн Мирзо ва Акбаршоҳ ҳокимиятида юксак мартабали давлат арбоби бўлган. Унинг ўғли Абдурахим Хон (1556-1627) эса Хумоюншоҳ, Акбаршоҳ ва Жаҳонгиршоҳ хизматида бўлган. У аввал “Мирзахон” унвонига, 1584 йилда юксак “Хони хонон” унвонига сазовор бўлган. Абдурахим Хон давлат арбоби бўлиш билан бир қаторда ўз даврининг таниқли олими, шоири ва таржимони бўлган. У араб, форс, туркий ва браж тилларида шеър ёзган. “Бобурнома”нинг форсча қилинган мукаммал таржимаси унинг қаламига мансубдир.

Ота-бола Хони хононларнинг ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ қилиш тўрт забардаст бобурий подшоҳнинг фаолияти ёки бобурийлар салтанатининг бир асрлик тарихини тадқиқ этиш демакдир.

Зикр этилган охириг иккита рисола доктор Муҳаммад Ҳасан Али Бек нашрга тайёрлаган, таҳрир қилган ҳамда изоҳ ва шарҳлар билан таъминлаган. Шуниси диққатга сазоворки, доктор Бекнинг касби шифокор

бўлиб, тарихга, хусусан бобурийлар даври тарихига алоҳида қизиқиш билан қарайди. У асли покистонлик, ҳозирги кунда Буюк Британияда истиқомат қилади ва бобурийлар тарихи бўйича изланишларини давом эттирмоқда. У Бобур Мирзонинг саломатлиги хусусидаги муҳим бир мақоланинг муаллифи ҳамдир.

Карачи университетининг форс тили шўъбасида етакчи профессор лавозимида хизмат қиладиган доктор Равшаноро бегим бобуршуносликка салмоқли ҳисса қўшган. У киши “Бобурнома”нинг форсча нусхалари устида жиддий изланишлар олиб борган. 1999 йил август ойида Карачи университетига хизмат сафарим чоғида мен доктор хоним билан учрашганимда бобурийлар ва “Бобурнома” хусусида батафсил суҳбатлашган эдик. Доктор Равшаноро бегим 1970 йилда эронлик олим доктор Хусайн Минучеҳр раҳбарлигида Техронда “Тасҳиҳе “Бобурнома” ва “Мухтасарий” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. “Бобурнома” соҳасидаги мазкур изланиш учун олима асарнинг Эдинбург нусхасини асос қилиб олган ҳамда Бомбай ва Панжоб қўлёзмалардан ҳам истифода этган.

Ушбу мақолада Покистонда бобуршунослик соҳасида амалга оширилаётган диққатга сазовор айрим ишлар тўғрисида фикр юритдик, холос. Аслида эса қилинаётган ишларнинг кўлами кенг ва улар келгусидаги изланишларга манба вазифасини ўтайди, деб умид қиламиз.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, покистонлик мутахассислар — олимлар, таржимонлар, ноширлар жаҳон бобуршунослигига муносиб улуш қўшмоқдалар.

*Ансориiddин ИБРОҲИМОВ,  
филология фанлари номзоди.*

## SUMMARY

The August edition of the magazine opens with the novel “Birds” by Norwegian writer Tarey Vesos. The continuation of the novel “Patriot” by Indian writer Premchand is also published in this edition. In the chapter poetry the poems by Korean poetry are taken place. In addition, the readers can make an acquaintance with the article “What democracy means?”, “The plans of cultural independence of Turkiston” by Mahmudhoja Behbudiy “The research of Bobur in Pakistan” by Ansoriddin Ibrahimov.

In the rouble “Adventure” the story “The last mysteries of ancient Africa” by Lourens Grinn is published in the edition.